2. Tashqi moliyaviy muhit bilan bog‘liq omillarni tadqiq qilish bosqichida esa moliyaviy menejerlar tomonidan birinchi navbatda xo‘jalik sub’ekti faoliyat yuritayotgan tashqi muhitga e’tibor qaratiladi. Bunda bozorga etkaziladigan tovarlar bo‘yicha mavjud talab va taklifga e’tibor qaratish asosida mavjud raqobat baholanadi. Shuningdek, moliyaviy-xo‘jalik faoliyatini tashkil etishning tashkiliy-huquqiy asoslaridan kelib chiqib strategiya belgilanadi. Ya’ni strategiyani amalga oshirish davrida talab va taklifning o‘zgarish darajasi, huquqiy jihatdan qonunchilikda yuzaga kelishi mumkin bo‘lgan o‘zgarishlar masalalari tadqiq qilinadi. Shuningdek loyihani amalga oshirish davrida moliyaviy resurs uzluksizligi, loyiha to‘liq amalga oshishiga salbiy ta’sir ko‘rsatishi mumkin bo‘lgan omillar o‘rganib chiqiladi va qaror qabul qilish bo‘yicha tegishli xulosalar olinadi.

3. Moliyaviy faoliyatning kuchli va kuchsiz tomonlarini baholash. Xo‘jalik sub’ekti moliyaviy strategiyasini ishlab chiqishda navbatdagi bosqichda bevosita ichki imkoniyat nuqtai nazaridan kuchli va kuchsiz tomonlar baholanadi. Bunda xo‘jalik sub’ekti tashkiliy tuzilmasidan tortib, faoliyat yuritayotgan mutaxassislar malaka darajasi, xom-ashyo va resurslar ta’minoti, moliyaviy imkoniyatlariga baho beriladi. Agarda ichki moliyaviy imkoniyatlar moliyaviy strategiyani amalga oshirish uchun nisbatan past bo‘lsa, qarz jalb qilish imkoniyatlari va unga xizmat ko‘rsatish natijasidagi yo‘qotishlar baholanadi.

4. Strategik moliyaviy pozitsiyasini kompleks baholash. Mazkur bosqichda yuqorida keltirilgan xo‘jalik sub’ektining moliyaviy strategiyani amalga oshirishiga ichki va tashqi muhit ta’sirini baholash natijalari asosida moliyaviy pozitsiya kompleks baholanadi. Bunda asosiy mulkdorlar tarkibi va ularning faolligi, moliyaviy strategiyani amalga oshirishga mutaxassislarning, moliyaviy menejerlarning tayyorlik darajasidan tortib, tashkiliy tuzilma bo‘g‘inlari samaradorligi, moliyaviy imkoniyatlardan to‘liq foydalanish masalalarigacha to‘liq baholash amalga oshiriladi.

5. Moliyaviy faoliyatning strategik maqsadlarini shakllantirish. Xo‘jalik sub’ektlari moliyaviy strategiyasi asosida strategik maqsadlar belgilab olinadi. Mamlakatimizda xo‘jalik sub’ektlarining bosh strategik maqsadi sifatida o‘z aksiyalarini xalqaro darajada ommaviy joylashtirish bo‘lishi lozim. Bunga erishish uchun esa oraliq strategik maqsadlar belgilab olinadi. Chunki o‘z aksiyalarini xalqaro darajada ommaviy joylashtirish strategiyasi ham bir necha yillarni o‘z ichiga qamrab olishi mumkin. Bunda kapitalni optimallashtirish, o‘ta istiqbolli taraqqiyot yo‘nalishlarini belgilash va amalga oshirish, milliy va xalqaro doirada hamkorlar doirasini belgilash kabi maqsadlarni amalga oshirish masalalari ham ko‘zda tutiladi.

6. Moliyaviy faoliyatning maqsadli strategik me'yorlarini ishlab chiqish. Xo'jalik sub'ektlari korporativ moliyaviy strategiyasi doirasida belgilangan strategik moliyaviy maqsadlar aniq moliyaviy ko'rsatkichlar asosida belgilanadi. Bunda asosiy e'tibor sof foydani ma'lum ko'rsatkichga etkazish, taqsimlanadigan foyda ko'rsatkichini va dividend darajasini oshirish, bozordagi kapitallashuv darajasini keskin oshirish orqali ustav kapitalini oshirib borish kabi ko'rsatkichlarga tayanilishi bugungi kunda har bir xo'jalik sub'ekti uchun nihoyatda muhimdir.

7. Asosiy strategik moliyaviy qarorlarni qabul qilish. Mazkur bosqichda belgilab olingan moliyaviy ko'rsatkichlarga erishish nuqtai nazaridan boqaruv tizimi, moliyaviy menejerlar tomonidan asosli qarorlar qabul qilinadi. Bunda qabul qilingan qaror natijasida belgilangan moliyaviy ko'rsatkichlarga erishishda vaqt omilini ham e'tiborga olish lozim hamda mazkur jarayonda dominant sohalardan kelib chiqqan holda qaror qabul qilish tavsiya etiladi.

8. Ishlab chiqilgan moliyaviy strategiyani baholash. Moliyaviy strategiyalar odatda xo'jalik sub'ektlari mutaxassislari tomonidan yoki tashqi (agentliklar, konsalting tashkilotlari, xalqaro moliyaviy tashkilotlar) mutaxassislar tomonidan ishlab chiqiladi. Ishlab chiqilgan moliyaviy strategiya xo'jalik sub'ekti mutaxassislari tomonidan ishlab chiqilganda tashqi mutaxassislar tomonidan baholash amalga oshirilishi mumkin. Bunda moliyaviy strategiyalarning qanchalik asosli tuzilganligi va istiqbolda amalga oshirish imkoniyatlari baholanadi. Baholash natijalari asosida moliyaviy strategiyaga o'zgartirishlar kiritilishi mumkin. Agentliklar, konsalting tashkilotlari, xalqaro moliyaviy tashkilotlar tomonidan xo'jalik sub'ektlari moliyaviy strategiyalari belgilab berilganda, amalga oshirish jarayonida ham ular tomonidan nazorat amalga oshirilishi mumkin.

9. Moliyaviy strategiyani amalga oshirishni ta'minlash. Tegishli tartibda xo'jalik sub'ektlari boshqaruv organlari (aktsiyadorlik jamiyatlarida aktsiyadorlar umumiy yig'ilishi yoki kuzatuv kengashi) tomonidan tasdiqlangan xo'jalik sub'ektlari moliyaviy strategiyalari ijro uchun qabul qilinadi. Bunda korporativ moliyaviy strategiya amalga oshirilishi natijalari bo'yicha har chorakda yoki yarim yillikda hisobotlarni ko'rib chiqish tartibi ham boshqaruv organi tomonidan belgilab qo'yilishi mumkin.

10. Moliyaviy strategiyani amalga oshirish nazoratini tashkil etish. Mazkur bosqich bo'yicha xo'jalik sub'ektlari moliyaviy strategiyasining o'z vaqtida to'liq amalga oshirilishi yuzasidan nazorat birinchi navbatda mulkdorlar (aktsiyadorlar) tomonidan amalga oshiriladi. Bunda mulkdorlar tomonidan nazorat boshqaruv organiga (aktsiyadorlik jamiyatlarida kuzatuv kengashiga) yuklatilishi mumkin. Yuqorida qayd etganimizdek boshqa tashkilotlar tomonidan moliyaviy strategiyalar tuzilganda ijro ustidan nazorat masalasi ham ularda qoldirilishi mumkin.

Yuqorida sanab o'tilgan xo'jalik sub'ektlari moliyaviy strategiyasini ishlab chiqish va amalga oshirish bosiqqlari barcha sub'ektlar uchun bir xil bo'lmasigini ham alohida qayd etib o'tishimiz lozim. Bunda moliyaviy strategiyani belgilash, ishlab chiqish, amalga oshirish xo'jalik sub'ektlari faoliyat ko'lamini, tashkiliy-

huquqiy shakli, faoliyat yo‘nalishlaridan kelib chiqqan holda o‘zaro farqli holatlar ham kuzatiladi.

Foydalanilgan adabiyotlar

1. Jonathan Berk, Peter DeMarzo. Corporate finance. 3rd edition. USA: Pearson, 2014. – P. 908-929.
2. Arthur J.Keown, John D. Martin, J. William Petty. Foundations of finance : the logic and practice of financial management. USA: Pearson, 2014. – 549 p.
3. Eugene F. Brigham/Michael C. Ehrhardt. Financial management. Theory & Practice. 15th ed. USA: Cengage, 2015. – 1180 p.
4. Stephen A. Ross, Randolph W. Westerfield, Bradford D. Jordan. Fundamentals of corporate finance. 10th ed. USA: McGraw-Hill, 2013. – 824 p.
5. Под ред. Л.Г.Паштовой. Финансовое планирование в организациях. – М. Кнорус, 2019. – 274 с.
6. Лукасевич И.Я. Финансовый менеджмент. В 2 ч. Часть 1. Учебник и практикум. – М. Юрайт-М, 2019
7. Toshmurodova B.E. Iqtisodiy taraqqiyotga erishishda soliqlardan samarali foydalanish. I.f.d. ilmiy darajasini ... diss. avtoreferati. Toshkent – 2007.; Elmirzaev S.E. Korporativ moliyani boshqarishda soliq munosabatlarini takomillashtirish. . I.f.d. ilmiy darajasini ... diss. avtoreferati. Toshkent – 2017.
8. Shernaev A.A. GENERAL METHODOLOGICAL BASES OF TAX PLANNING IN ENTERPRISES // International Journal of Economics, Commerce and Management United Kingdom ISSN 2348 0386 Vol. VIII, Issue 4, April 2020 Licensed under Creative Common Page 357
9. Shernaev, A. A. Principles and methods of organization of the internal tax control system in joint stock company. International Journal of Economics, Business and Management Studies-ISSN, 2347-4378.

FUQAROLAR ISHTIROKIDAGI TASHABBUSLI BYUDJETLASHTIRISH TURLARI VA ULARNI O‘ZBEKISTONDA QO‘LLASH ISTIQBOLLARI



Xotamjon Abdulkarimovich Qobulov

*iqtisod fanlari nomzodi, professor
moliya va moliyaviy
texnologiyalar kafedrasi mudiri,
Toshkent davlat iqtisodiyot universiteti
E-mail: khqobulov@gmail.com
ORCID: 0000-0002-3113-2079*



Parizod Safarova Shavkat qizi

*Toshkent davlat iqtisodiyot universiteti
DMXM-15 guruh magistranti
E-mail: safarovaparizod05@gmail.com*

Annotatsiya. Ushbu maqolada fuqarolar ishtirokidagi Tashabbusli byudjetlashtirish konsepsiyasi, uning asosiy turlari va O‘zbekistonda joriy etish istiqbollari tahlil qilingan. O‘zbekistonda ushbu yondashuvni amalda qo‘llash tajribasi va istiqbollari, jumladan texnologik platformalarni rivojlantirish, byudjet mablag‘larini ko‘paytirish va xalqaro tajribani o‘zlashtirish masalalari muhokama qilingan. Tadqiqot natijalari fuqarolarni davlat boshqaruvi jarayonlariga faol jalb qilish va jamiyatda oshkoralikni mustahkamlashga qaratilgan tavsiyalarni o‘z ichiga oladi.

Kalit so‘zlar: tashabbusli byudjetlashtirish, fuqarolar ishtirokidagi byudjet, mahalliy boshqaruv, moliyaviy resurslar, davlat boshqaruvi, xalqaro tajriba.

ВИДЫ ИНИЦИАТИВНОГО БЮДЖЕТИРОВАНИЯ С УЧАСТИЕМ ГРАЖДАН И ПЕРСПЕКТИВЫ ИХ ПРИМЕНЕНИЯ В УЗБЕКИСТАНЕ

Кобулов Хотамжон Абдукаримович

*кандидат экономических наук, профессор
заведующий кафедрой
финансы и финансовые технологии
Ташкентского государственного
экономического университета,
E-mail: khqobulov@gmail.com
ORCID: 0000-0002-3113-2079*

Сафарова Паризод Шавкат кизи

*магистрант группы ДМХМ-15
Ташкентского государственного
экономического университета*

E-mail: safarovaparizod05@gmail.com

Аннотация. В статье рассматривается концепция Инициативного бюджетирования, его основные виды и перспективы внедрения в Узбекистане. Также изучается практика применения данного подхода в Узбекистане, акцентируя внимание на развитии технологических платформ, увеличении бюджетных ассигнований и заимствовании международного опыта. Результаты исследования включают рекомендации по активному вовлечению граждан в процессы государственного управления и укреплению прозрачности в обществе.

Ключевые слова: инициативное бюджетирование, бюджет с участием граждан, местное управление, финансовые ресурсы, государственное управление, международный опыт.

TYPES OF INITIATIVE BUDGETING WITH CITIZENS PARTICIPATION AND PROSPECTS OF THEIR APPLICATION IN UZBEKISTAN

Kobulov Khotamjon Abdulkarimovich

*candidate of economics, professor
Head of the Department of
Finance and Financial Technologies
at Tashkent State University of Economics,
E-mail: khqobulov@gmail.com
ORCID: 0000-0002-3113-2079*

Safarova Parizod Shavkat kizi

*master's student of the DMKhM-15 group
at Tashkent State University of Economics
E-mail: safarovaparizod05@gmail.com*

Abstract. This article explores the concept of Participatory Budgeting, its main types, and prospects for implementation in Uzbekistan. The article also examines Uzbekistan's practical application of this approach, emphasizing the development of technological platforms, increasing budget allocations, and adopting international practices. The findings provide recommendations to enhance citizen engagement in governance processes and strengthen transparency within society.

Keywords: participatory budgeting, participatory budget, local governance, financial resources, public administration, international experience.

Kirish

Hozirgi zamon davlat boshqaruvi tizimining asosiy maqsadlaridan biri – aholining davlat boshqaruvi jarayonlarida ishtirokini ta'minlash, ularni jamiyat hayotiga faol jalb etishdir. Ushbu yondashuv xalqning ehtiyoj va talablarini yaxshiroq anglash, moliyaviy resurslarni adolatli taqsimlash va ijtimoiy ishonchni

mustahkamlash imkonini beradi. Shunday mexanizmlardan biri – tashabbusli byudjetlashtirish konsepsiyasidir. Bu model fuqarolarning davlat yoki mahalliy byudjet mablag‘larini qanday taqsimlash bo‘yicha qaror qabul qilish jarayonlarida bevosita ishtirok etish imkonini yaratadi.

Tashabbusli byudjetlashtirish konsepsiyasi birinchi marta 1989-yilda Braziliyaning Porto-Alegre shahrida joriy etilgan bo‘lib, bugungi kunda dunyoning ko‘plab mamlakatlarida muvaffaqiyatli qo‘llanilmoqda. Ushbu yondashuv aholining davlat resurslaridan qanday foydalanishni belgilashdagi roli va javobgarligini oshirishda muhim vositadir. Xususan, mahalliy hokimiyatlar uchun bu jarayon aholining real muammolarini chuqurroq anglash va ularga mos yechimlar ishlab chiqishda yordam beradi.

O‘zbekistonda ham so‘nggi yillarda davlat boshqaruvi tizimida fuqarolar ishtirokini oshirishga qaratilgan islohotlar doirasida tashabbusli byudjetlashtirish mexanizmi joriy etildi. 2021-yildan boshlab bu jarayonlar aholi tomonidan iliq kutib olindi va keng miqyosda amalga oshirilmoqda. Ushbu mexanizm nafaqat mahalliy loyihalarni moliyalashtirishni oshkora tashkil etadi, balki fuqarolar va hokimiyat o‘rtasidagi muloqotni kuchaytirish uchun ham xizmat qiladi.

Adabiyotlar sharhi

Tashabbusli byudjetlashtirishning nazariy asoslarini ko‘plab ilmiy ishlar va tadqiqotlarda tashabbusli byudjetlashtirish tushunchasi fuqarolarni davlat boshqaruvi jarayonlariga jalb etishning muhim mexanizmi sifatida ta’riflanadi. Porto-Alegredagi birinchi tajriba bu modelning fuqarolar va davlat o‘rtasida ishonchni oshirishga qaratilganligini ko‘rsatdi (Cabannes, 2004). Ushbu tadqiqotda aholining ehtiyojlariga mos yechimlarni ishlab chiqishda tashabbusli byudjetning rolga urg‘u berilgan. Ushbu asar davlat boshqaruvida demokratik tamoyillarni targ‘ib qilishga qaratilgan bo‘lib, unda aholining keng qatlamlarini jarayonga jalb qilish muhimligi ta’kidlangan.[1]

Xalqaro tajribada tashabbusli byudjetning turli modellarini qo‘llash misollari o‘rganilgan. Masalan, Braziliya, Polsha, Ispaniya va Janubiy Koreya mamlakatlarida ushbu mexanizm ijtimoiy adolatni ta’minlash va resurslarni samarali taqsimlash vositasi sifatida muvaffaqiyatli joriy etilgan (Sintomer et al., 2012). Bu asarda aholining qaror qabul qilishdagi ishtiroki va shaffoflikka erishishning turli usullari muhokama qilingan. Xalqaro tajribalar tashabbusli byudjetni har bir mamlakatning ijtimoiy, iqtisodiy va siyosiy sharoitlariga moslashtirish zarurligini ko‘rsatadi. O‘zbekiston uchun mazkur yondashuvni qo‘llashda moslashuvchanlik muhim ahamiyatga ega.[2]

O‘zbekiston iqtisodchi olimlarining fikrlariga to‘xtaladigan bo‘lsak Tashabbusli byudjetlashtirish mexanizmini O‘zbekistonda joriy qilish bo‘yicha iqtisodchi olimlarning fikrlari ushbu yondashuvning afzalliklari, amaliy jihatlari va istiqbollari haqida muhim tavsiyalarni o‘z ichiga oladi. Quyida bir nechta taniqli iqtisodchi olimlarning qarashlari va tahlillari keltiriladi:

1. Qobil Berdiqulov (iqtisodiyot fanlari doktori, professor) fikricha, Tashabbusli byudjetlashtirish fuqarolarni mahalliy darajadagi qaror qabul qilish

jarayonlariga faol jalb qilishda muhim vosita bo‘lib xizmat qiladi. U ushbu jarayonni nafaqat iqtisodiy samara, balki ijtimoiy barqarorlikka hissa qo‘shuvchi omil sifatida baholaydi.[3]

2. Azizbek Olimov (iqtisodiyot fanlari nomzodi, davlat moliyasi bo‘yicha mutaxassis) fikricha, O‘zbekistonda tashabbusli byudjet mexanizmini muvaffaqiyatli amalga oshirish uchun xalqaro tajribani o‘rganish va mahalliy sharoitlarga moslashtirish zarur. Uning ta’kidlashicha, davlat va aholi o‘rtasida muloqot platformalarini rivojlantirish bu jarayonning asosiy muvaffaqiyat omillaridan biridir.[4]

O‘zbekiston iqtisodchi olimlari “tashabbusli byudjet”ni mamlakatimizda davlat boshqaruvi samaradorligini oshirish, fuqarolarning qaror qabul qilishdagi ishtirokini kengaytirish va mahalliy loyihalarni muvaffaqiyatli amalga oshirish vositasi sifatida ko‘rmoqdalar. Ularning fikricha, texnologik rivojlanish, huquqiy asoslarni mustahkamlash va aholining keng ishtirokini ta’minlash ushbu mexanizmning samaradorligini oshirish uchun muhim omillardir.

Tahlil va natijalar

O‘zbekistonda 2021-yildan boshlab joriy etilgan tashabbusli byudjet mexanizmi aholining davlat boshqaruvida ishtirokini oshirishga qaratilgan islohotlarning bir qismi hisoblanadi. Rasmiy ma’lumotlarga ko‘ra, ushbu jarayon doirasida minglab loyihalar taklif etilgan va ovoz berish orqali qabul qilingan (O‘zbekiston Respublikasi Moliya vazirligi, 2022). Ushbu islohotlar mahalliy hokimiyat va aholi o‘rtasidagi hamkorlikni mustahkamlashga xizmat qilmoqda.

O‘zbekiston tajribasi fuqarolarning tashabbuslarini rag‘batlantirish orqali ularning mahalliy muammolarni hal qilishdagi rolini kuchaytirishni ko‘rsatadi. Biroq, texnologik platformalarning rivojlanishi va islohotlarning shaffofligini ta’minlashga oid savollar hali ham dolzarb. Fuqarolar ishtirokidagi Tashabbusli byudjetlashtirish turlari – bu fuqarolarning davlat byudjeti mablag‘larini taqsimlash jarayonida bevosita ishtirokini ta’minlash maqsadida joriy etilgan mexanizmdir. Ushbu dastur odatda mahalliy hamjamiyatlarning muammolarini hal qilish va ularning ehtiyojlarini hisobga olishga qaratilgan. Quyida Tashabbusli byudjetlashtirishning asosiy turlarini ko‘rib chiqamiz:

1. Hududiy tashabbuslar byudjeti

- Hududlarning muayyan ehtiyojlariga mos ravishda ishlab chiqiladi.
- Mahalliy aholining takliflari asosida yo‘llarni ta’minlash, ichimlik suvi ta’minotini yaxshilash, maktab va bolalar bog‘chalari uchun sharoit yaratish kabi masalalar hal qilinadi.
- Fuqarolar ovoz berish yo‘li bilan qaysi loyihalarni amalga oshirish kerakligini tanlaydilar.

2. Ijtimoiy infratuzilmani yaxshilash byudjeti

- Fuqarolarning ijtimoiy xizmatlarga kirishish imkoniyatlarini oshirishga qaratilgan.
- Tibbiy markazlar, sport inshootlari, madaniyat markazlari kabi obyektlarni qurish yoki ta’minlash bo‘yicha tashabbuslar.

3. Ekologik tashabbuslar byudjeti

- Ekotizimni tiklash va himoya qilish maqsadida moliyalashtiriladi.
- Aholi tomonidan daraxt ekish, chiqindilarni qayta ishlash tizimini yo‘lga qo‘yish, suv havzalarini tozalash kabi loyihalar taklif etiladi.

4. Transport va infratuzilma rivoji byudjeti

- Odamlarning transport vositalariga qulayligini oshirish.
- Yo‘llarni rekonstruksiya qilish, yangi avtobus yo‘nalishlarini yo‘lga qo‘yish, piyodalar yo‘laklarini ta‘mirlash loyihalari.

5. Mahalliy madaniyat va sport rivoji byudjeti

- Yoshlar va mahalliy aholi uchun sport musobaqalari tashkil etish, madaniy tadbirlarni qo‘llab-quvvatlash.
- Sport zallari, kutubxonalar va dam olish bog‘lari kabi obyektlarning qurilishi va rivoji.

6. Innovatsion tashabbuslar byudjeti

- Yangi texnologiyalarni joriy qilishga qaratilgan loyihalarni moliyalashtirish.
- Masalan, mahalliy maktablarda raqamli texnologiyalarni tatbiq etish yoki energiya tejamkor texnologiyalarni o‘rnatish.

Fuqarolar ishtirokidagi Tashabbusli byudjetlashtirish turlari mahalliy darajada ijtimoiy masalalarni hal qilishga va aholining davlat resurslarini boshqarishda ishtirokini oshirishga xizmat qiladi.[5]

1-jadval

Fuqarolar ishtirokidagi tashabbusli byudjetlashtirish tahlili (2023-yil misolida)*

Ko‘rsatkichlar	2023-yil 1-mavsumi	2023-yil 2-mavsumi	Izoh
Ajratilgan mablag‘	2 882.89 milliard so‘m	1 424.37 milliard so‘m	Mablag‘lar asosan infratuzilma, maktab va yo‘llarni ta‘mirlash uchun yo‘naltirilgan
Takliflar soni	33 680	49 464	Har ikki mavsumda loyihalar soni oshib bormoqda, bu aholining qiziqishi ortayotganini ko‘rsatadi
G‘olib loyihalar soni	1 666	1 187	Ikkinchi mavsumda ajratilgan mablag‘ga nisbatan loyihalar soni qisqargan.
Ovoz berishda qatnashgan fuqaro soni	16 million	7,8 million	Ishtirokchilar soni 1-mavsumda yuqori bo‘lgan, ammo 2-mavsum davomida qisqarish kuzatilgan.
Qo‘shimcha mablag‘ ajratilgan loyihalar	N/A	364 ta loyiha uchun 335 milliard so‘m	G‘olib bo‘lmagan, ammo aholi tomonidan yuqori baholangan loyihalar uchun qo‘shimcha mablag‘ ajratilgan
Fuqarolarning ishtiroki	Viloyat budjetiga cheklangan	Viloyat, tuman va shahar budjetlariga kengaytirildi	Mahalla infratuzilmasiga fuqarolarning bevosita qaror qabul qilish imkoniyati kengaydi

* Openbudget.uz saytidan olingan ma’lumotlar asosida muallif tomonidan tuzilgan.

Fuqarolar ishtirokidagi tashabbusli byudjetlashtirish O‘zbekistonda qo‘llash istiqbollari haqida tahlil qilib chiqamiz.

1. Amaldagi tizimni kengaytirish-O‘zbekistonda 2021-yildan buyon Tashabbusli byudjetlashtirish loyihalari bo‘yicha fuqarolar ishtirokida ovoz berish amaliyoti joriy etilgan. Ushbu dasturlarni yanada kengaytirish orqali mahalliy boshqaruv organlari va aholining hamkorligini mustahkamlash mumkin.

2. Texnologik platformalarni rivojlantirish- fuqarolar takliflarini yig‘ish va ovoz berishni onlayn platformalar orqali tashkil qilish fuqarolarning keng qatlamlarini jalb qilish imkonini beradi.

3. Moliyaviy mablag‘larni oshirish-mahalliy hokimiyatlarga ajratiladigan mablag‘ning bir qismini to‘g‘ridan-to‘g‘ri tashabbusli byudjet uchun rejalashtirish.

4. Fuqarolik jamiyatini rivojlantirish-fuqarolar tashabbuslarini rag‘batlantirish va ularni loyihalarni amalga oshirish jarayoniga jalb qilish. Bu nafaqat ishtirokni, balki aholi orasida javobgarlikni oshiradi.

5. Mahalliy sharoitlarni hisobga olish- tashabbusli byudjet jarayonlarini har bir hududning o‘ziga xos ehtiyojlariga moslashtirish orqali samaradorlikni oshirish.

6. Xalqaro tajribani o‘rganish- Braziliya, Polsha va Janubiy Koreya kabi mamlakatlarning participatory budgeting tajribasini moslashtirib qo‘llash.

Tashabbusli byudjetlashtirish fuqarolarni davlat boshqaruvi jarayoniga yaqindan jalb qilish bilan nafaqat resurslarni adolatli taqsimlashni, balki ijtimoiy birdamlik va ishonchni mustahkamlashga ham xizmat qiladi.

2024-yilda “Tashabbusli byudjet” jarayonida 20 milliondan ortiq ovoz yig‘ildi va minglab loyihalar taklif etildi. Bu aholining jarayonga bo‘lgan qiziqishi va faolligining yuqori ekanligini ko‘rsatadi. Shuningdek, jarayon davomida hududlar o‘rtasidagi iqtisodiy farqlar va aholining turli sohalarga bo‘lgan ehtiyojlari aniqlanib, ularni chuqurroq anglash imkoniyati yaratildi.

2-jadval

Fuqarolar ishtirokidagi tashabbusli byudjetlashtirish loyihalari*

№	Loyiha nomi	Tashabbuslar	Yil	Ajratilgan mablag‘
1	Mening bog‘cham	451	2024	397,6 mlrd. so‘m
2	Mening bog‘im	789	2024	52,0 mlrd. so‘m
3	Mening yo‘lim	10 317	2023	412,4 mlrd. so‘m
4	Mening yo‘lim	9 212	2022	272,7 mlrd. so‘m

* Openbudget.uz saytidan olingan ma’lumotlar asosida muallif tomonidan tuzilgan.

2025-yil boshida “Ochiq budjet” axborot portalida “Mening maktabim” loyihasi o‘tkaziladi. “O‘zbekiston–2030” strategiyasining “Yoshlar va biznesni qo‘llab-quvvatlash yili”da amalga oshirishga oid Davlat dasturiga muvofiq joriy yilda tanlab olingan 14 ta tumanlardagi 612 ta maktabda sinov tariqasida “Mening maktabim” loyihasi o‘tkaziladi.

Tashabbusli byudjet jarayoni aholining davlat byudjeti mablag‘larini taqsimlashdagi ishtirokini oshirishda muhim vosita bo‘lib xizmat qilmoqda. Biroq, ayrim sohalarga yetarlicha e’tibor qaratilmayotgani jarayonni yanada

takomillashtirish va aholining barcha ehtiyojlarini qondirish uchun qo‘shimcha chora-tadbirlar ko‘rish zarurligini ko‘rsatadi.

Xulosa

O‘zbekistonda Tashabbusli byudjetlashtirish joriy etilishi orqali fuqarolarning davlat boshqaruvida faol ishtiroki kuchaymoqda. Elektron platformalar va onlayn ovoz berish tizimlari jarayonni shaffof qilishga yordam beradi. Shu bilan birga, qishloq joylardagi kam ishtirok, texnik savodxonlik yetishmasligi kabi muammolarni bartaraf etish maqsadida qo‘shimcha chora-tadbirlar talab qilinadi.

Kelgusida ushbu tizimni yanada kengaytirish, innovatsion texnologiyalarni joriy qilish va fuqarolar ishtirokini ko‘paytirish orqali mamlakatda ijtimoiy-iqtisodiy rivojlanish jarayonini tezlashtirish mumkin. Bu esa aholi ehtiyojlarini chuqurroq qondirish va davlat boshqaruvi tizimini takomillashtirishda muhim qadam bo‘ladi.

Foydalanilgan adabiyotlar

1. Cabannes, Y. (2004). Participatory Budgeting: Conceptual Framework and Analysis of Its Contribution to Urban Governance and the Millennium Development Goals.
2. Sintomer, Y., Herzberg, C., & Röcke, A. (2012). Participatory Budgeting in Europe: Potentials and Challenges. International Journal of Urban and Regional Research. Lee Kuan Yew. "From Third World to First: The Singapore Story." HarperCollins, 2000.
3. Berdiqulov Q. (2022). Mahalliy byudjetlarning fuqarolar ishtirokida boshqaruvi: nazariya va amaliyot. Toshkent: O‘zbekiston Milliy universiteti nashriyoti.
4. Olimov A. (2023). O‘zbekistonda participatory budgeting: imkoniyatlar va istiqbollari. “Iqtisodiyot va innovatsiyalar” jurnali, 3-son.
5. Kobulov. X.A.(2024). Jamoatchilik fikri asosida shakllantiriladigan loyihalarni moliyalashtirish tizimini rivojlantirish istiqbollari. «Moliya» jurnali. 3/2024
6. O‘zbekiston Respublikasi Moliya vazirligi. (2022). Tashabbusli byudjet doirasida amalga oshirilayotgan loyihalar haqida ma’lumot. Moliya vazirligi rasmiy sayti.

РОЛЬ ИСКУССТВЕННОГО ИНТЕЛЛЕКТА В ИСПОЛЬЗОВАНИИ АВТОМАТИЗИРОВАННОЙ СИСТЕМЫ УЧЕТА В БЮДЖЕТНЫХ ОРГАНИЗАЦИЯХ



Абдужалилова Дилноз Абдусаттаровна

доктор философии (PhD)

*по экономическим наукам доцент кафедры
бюджетного учета и казначейства*

*Ташкентский государственный
экономический университет*

E-mail : dilnoz.abdujalilova.84@mail.ru

ORCID: 0009-0003-5169-4233

Хошимбоев Улугбек Фаррух оглы

студент группы АТ-11

*Ташкентский государственный
экономический университет*

E-mail: u.xashimbayev@gmail.com

Аннотация. В статье исследуются важные вопросы, связанные с ролью искусственного интеллекта, его преимуществами и недостатками в информационно-вычислительных системах, используемых в бухгалтерском учете в бюджетной организации. Подвергаются анализу вопросы современных технологий бухгалтерского учета, интегрированных информационных систем, а также обучение и повышение квалификации соответствующего персонала.

Ключевые слова: автоматизации бюджетного учета, бухгалтерский учет, бюджетные организации, интеграция информационных систем, информационно-вычислительные системы, обеспечение информационной безопасности, электронный отчет, электронная цифровая подпись.

BUDJET TASHKILOTLARIDA AVTOMATLASHTIRILGAN HISOBLASH TIZIMIDAN FOYDALANISHDA SUN'IY INTELLEKTNING ROLI

Abdujalilova Dilnoz Abdusattorovna

*iqtisodiyot fanlari bo'yicha
falsafa doktori (PhD)*

*budjet hisobi va g'aznachilik kafedrasi dotsenti
Toshkent davlat iqtisodiyot universiteti*

E-mail : dilnoz.abdujalilova.84@mail.ru

ORCID: 0009-0003-5169-4233

Xoshimboyev Ulug`bek Farrux o`g`li

AT-11 guruh talabasi

Toshkent davlat iqtisodiyot universiteti

E-mail: u.xashimbayev@gmail.com

Annotatsiya. Maqolada budget tashkilotida buxgalteriya hisobini yuritishda foydalaniladigan axborot hisoblash majmualarida sun`iy intellektning tutgan o`rni va uning avzalliklari va kamchiliklari bilan bog`liq muhim masalalar tadqiq rtilgan. Davlat budjeti mablag`larini samarali sarflash hamda shaffof va aniq moliyaviy axborot ma`lumotlari bilan ta`minlashda, buxgalteriya hisobining zamonaviy texnologiyalarini joriy etish, innovatsion axborot hisoblash majmualaridan foydalanish, axborot tizimlarini o`zaro integratsiyalash hamda unga mos kadrlar tayyorlash va malakasini oshirish masalalari tahlil qilingan.

Kalit so'zlar: budget hisobini avtomatlashtirish, buxgalteriya hisobi, budget tashkilotlari, axborot tizimlari integratsiyasi, axborot hisoblash majmualari, axborot xavfsizligini ta`minlash, elektron hisobot, elektron raqamli imzo.

THE ROLE OF ARTIFICIAL INTELLIGENCE IN THE USE OF AN AUTOMATED ACCOUNTING SYSTEM IN BUDGET ORGANIZATIONS.

Abdujalilova Dilnoz Abdusattorovna

Doctor of Philosophy (PhD)

in Economic Sciences

Associate Professor of the Department of budget Accounting and Treasury

E-mail : dilnoz.abdujalilova.84@mail.ru

ORCID: 0009-0003-5169-4233

Xoshimboyev Ulug`bek Farrux o`g`li

AT-11 group student

E-mail: u.xashimbayev@gmail.com

Abstract. This article discusses important issues related to the role of artificial intelligence, its advantages and disadvantages in information and computing systems used in accounting in a budget organization. In order to effectively spend state budget funds and provide transparent and reliable financial information, it is important to introduce modern accounting technologies, use innovative systems, integrate information systems, as well as train and upgrade the skills of relevant personnel.

Keywords: automation of budget accounting, accounting, budgetary organizations, integration of information systems, information and computing systems, information security, electronic report, electronic digital signature.

Введение

За последние годы в нашей стране достигнут значительный прогресс в сфере развития науки и техники, научной и инновационной деятельности.

На основе бюджетной организации экономики и потребностей социальной сферы все большее значение приобретают результаты научной

деятельности, создание, внедрение и воспроизводство инновационной продукции и услуг, в том числе материалов и технологий. В этом направлении появляются новые методы и алгоритмы сбора, хранения и интеллектуального анализа больших объемов данных, новые методы и программы для распределения больших объемов данных, а также новые методы и программное обеспечение для прогнозного моделирования сложных инженерных решений, проведение научно-исследовательской работы на основе искусственного интеллекта [1]. Искусственный интеллект – это отрасль информатики, которая занимается созданием интеллектуальных машин, которые могут выполнять задачи, обычно требующий человеческого интеллекта, такие как распознавание речи, принятие решений, языковой перевод и т. д., используемые в различных областях, таких как медицина, финансы, транспорт, образование, и т. д.

Определение развития цифровой экономики в качестве основного «драйвера» с обеспечением увеличения ее объема как минимум в 2,5 раза. Увеличение до конца 2026 года уровня цифровизации производственных и операционных процессов в реальном секторе экономики, в финансовой и банковской сферах до 70 процентов и увеличение объема индустрии программных продуктов в пять раз, их экспорта – в десять раз с доведением до 500 миллионов долларов США [2].

Изменения в процессе перевода бюджетного учета Республики Узбекистан на новую национальную систему должны обратить особое внимание на глубокие качественные аспекты понятий материальных благ и активов. Стоимость материальных благ и активов, а также влияние нематериальных богатств возникают и изменяются. Кроме того, необходимо проанализировать международный опыт автоматизации бюджетного учета, но также важно опираться на существующие традиции и положительный опыт внедрения программ автоматизированного учета в Узбекистане. Поэтому целесообразно дальнейшее развитие автоматизированной системы учета «УзАСБО» в бюджетной организации Республики Узбекистан.

Обзор литературы

Использование автоматизированной вычислительной системы в бюджетных организациях изучали в своих научных работах зарубежные и отечественные ученые. По заключению российских ученых М.А. Венделева, Ю.В.Вертакова «Информационное обеспечение управления – это связь информации с системами управления предприятием и управленческим процессом в целом. Оно может рассматриваться не только в целом, охватывая все функции управления, но и по отдельным функциональным управленческим работам, например по прогнозированию и планированию, учету и анализу» [3]. Данное заключение основывается на том, что при использовании бюджетных средств и усилении финансового контроля особое внимание уделяется применению автоматизированных информационных систем.

Ученые К.Ороку Appiah, F.Agyemang, Y.F.Rosebella Agyei, S.Nketiah, B.Juliana Mensah утверждают, что «Атоматизированная система показателей может улучшить планирование и контроль, что, в свою очередь, положительно скажется на результатах деятельности бюджетных организациях, но недостаточные знания большинства сотрудников в области информационных технологий также являются проблемой, приводящей к непреднамеренным ошибкам» [4].

По мнению отечественных ученых А.А. Собирова, Г.А. Белаловой, Е.Ф.Пилипенко «В информационной экономике уровень использования информационно коммуникационных технологий определяет экономический рост, производительность, занятость и эффективность бизнеса» [5]. Действительно в условиях информационной глобализации под воздействием ИКТ, формирующих единое информационное пространство, факторы конкурентоспособности индустриальной экономики трансформируются и пополняются новыми.

По заключению М.Ю. Джуманиязова «Одним из флагманских продуктов ИВЦ Министерства финансов является программный комплекс «УзАСБО», представляющий из себя комплексное решение обеспечению рабочих мест бухгалтеров бюджетных организаций современным инструментом по ведению бухгалтерского учета, а также получения интерактивных услуг с учетом взаимодействия с программными комплексами Казначейства и Министерства финансов» [6].

В.Н. Muhammad утверждает «Использование информационных систем по исполнению государственного бюджета о поступления в бюджеты, расходование бюджетных средств, расходы на реализацию программных проектов, осуществление бюджетных инвестиций в казначейственных органах, а также в бюджетных организациях обеспечивает прямой доступ к онлайнданным и публикует результаты для отслеживания» [7].

Анализ и результаты

Цифровизация государственных финансов в первую очередь повлияет на государственное управление, государственный финансовый контроль, здравоохранение и образование, а также на проекты умных городов. За последние годы в нашей стране достигнут значительный прогресс в развитии системы «электронного правительства», совершенствовании цифровой инфраструктуры, вовлечении населения в онлайн-сферу. Развитие электронного правительства в 2020 году Узбекистан занял 87-е место среди 193 государств.


В управлении государственными финансами и автоматизации системы бухгалтерского учета бюджетных организаций особое место занимает непосредственно программный комплекс «УзАСБО 2» (автоматизированная система бюджетных организаций Узбекистана). Программный комплекс «УзАСБО» введен в эксплуатацию Министерством финансов в 2011 году а также «УзАСБО 2» с 2024 года. Это программа, предназначенная для

управления всеми аспектами бухгалтерского учета бюджетных организаций, а также для обеспечения их интерактивного взаимодействия. В настоящее время программное обеспечение охватывает все бюджетные организации и является одним из наиболее широко используемых программных комплексов.

Программный комплекс УзАСБО 2 – это инновационная автоматизированная система учета, специально разработанная для бюджетных организаций Узбекистана. Данная система согласно своей топологической схеме направлена на автоматизацию учетных процессов на основе искусственного интеллекта, централизованного хранения данных, контроля и отчетности, а также обеспечения безопасности и конфиденциальности данных. УзАСБО 2 существенно повышает эффективность и прозрачность бюджетных организаций и служит незаменимым инструментом в управлении и учете финансовой деятельности (Схема. 1).

Схема 1.

Топологическая схема программного комплекса «УзАСБО 2»*



*Разработка авторов.


В вышеуказанной схеме мы можем увидеть топологию программного комплекса «УзАСБО 2». Данный программный комплекс интегрирован в ряд других программно-информационных систем посредством искусственного интеллекта, включая ИСУГФ, mysoliq, dxarid, uzasboinvoice и другие информационные программы. Обмен всеми финансовыми документами, отчетами и агрегированной информацией осуществляется с использованием электронных подписей. Это приводит к ряду удобств и экономии времени по сравнению с сдачей документов и отчетов в бумажном виде. Это, безусловно, приемлемый метод обмена информацией и подотчетности в современном быстро меняющемся мире.

Широкое внедрение современных информационных технологий в

процессы исполнения бюджета привело к ряду преимуществ в результате внедрения услуг по обмену электронными документами для бюджетных организации (Схема 3).

Схема 2.

**Преимущества в результате внедрения услуг
по обмену электронными документами***



*Разработка авторов.

Кроме того, начиная с 2017 года в программном комплексе «УзАСБО», разработанным Министерством Финансов Республики Узбекистан, все процессы, связанные с расчетом и выплатой зарплаты полностью автоматизированы, что существенно упростило работу бухгалтеров и обеспечено прозрачность данных. Таким образом, в Узбекистане сформирована достаточная информационная среда в сфере управления и контроль государственными финансами.

Ниже мы познакомимся с разделами и подразделами программного комплекса «УзАСБО 2» (Таблица1).

Таблица 1.

**Структура раздела «Справочники» программного
комплекса «УзАСБО 2»***

Наименование разделов	Группы разделов	Подгруппы разделов
Справочники	Справочник организации	Казначейский лицевой счет организации
		Субсчет
		Параметры установленные финансовыми органами
		Структурные отделы
		Сотрудник
		Контрагент
		Расчетные счета контрагента
		Товара материальные запасы (ТМЗ)
		Основные средства (ОС)
	Справочник	Штатное расписание

	учета кадров		Штатное расписание (Приложение №)
			Изменение штатное расписание (Приложение 15)
			Должность
			Классификация должностей
	Справочник	Справочник зарплаты	Виды расчеты
			Квалификационная категория
			БРВ, БВИП, МРОТ, пенсии по возрасту и пособий
	Справочник образования		Студент
			Дети
			Учебная группа
			Классификатор специальностей образования
			Факультет
			Специальность образования
			Предметы

*Разработка авторов.

Только первый раздел «Справочники» разделен на 4 группы, а эти группы, в свою очередь, состоят из нескольких соответствующих подгрупп. Это, в свою очередь, направлено на детально сформировать весь первоначальные информации о бюджетной организации.

Ниже рассмотрим, как все это выглядит в программном комплексе «УзАСБО 2». Все разделы имеют свои группы и соответствующий подгруппы. Подгруппы предназначенные для отправки соответствующих документов, интегрированы с казначейством и рядом других автоматизированных программных комплексов (Рис. 1).

Рис. 1.

Структура разделов «Справочники» в программном комплексе «УзАСБО 2»*.




*Разработка авторов.

Далее рассмотрим раздел Е-отчеты или электронные отчеты который,

формируется автоматически на основании ранее внесенных первичных документов, заверяется согласно электронной цифровой подписью и отправляется в вышестоящую организацию (Рис. 2).

Рис. 2.

Структура разделов «Е-отчеты» в программном комплексе «УзАСБО 2»*




*Разработка авторов.

Все финансовые операции и отчеты, создаваемые и сдаваемые бюджетной организацией в программном комплексе «УзАСБО 2», непосредственно контролируются искусственным интеллектом в программе ИСУГФ ведомств казначейства, при этом также формируются оперативные статистические данные.

Диаграмма 1.

Структура заработной платы, выплачиваемой из государственного бюджета в разрезе отраслей и источников финансирования за сентябрь 2024 года*



*Подготовлен авторами на основе информации, полученной в рамках программы

ИСУГФ Министерства экономики и финансов.

Из диаграммы видно, что на сентябрь 2024 года из госбюджета бюджетным организациям выплачены средства на общую сумму 7 591,5 млрд сумов. В том числе 4 618,9 млрд и 2 972,6 или 39 процентов поступило из местных бюджетов. Анализируя в разрезе отраслей, отметим 2 777,1 млрд сум, или 37 процентов выделено для дошкольного образования, 2 661 млрд сум или 35% – для школьного образования, 1 554,6 млрд сумов, или 20 процентов – на здравоохранение, 118,7 млрд сумов, или 2%, направляются в сферу высшего образования, а также 480,1 млрд сум, или 6 процентов направляется в другие отрасли. Конечно для сбора и обобщения этих статистических данных потребовалось бы некоторое время без вышеупомянутых информационных программных комплексов. Однако эти данные были сформированы самой программой на основе первичных платежных документов в моменте осуществления расходы на заработной платы.

Выводы и предложения

Дальнейшее совершенствование системы «УзАСБО 2» имеет большое значение для повышения эффективности бухгалтерского учета, обеспечения прозрачности и повышения эффективности деятельности бюджетных организаций. В этом процессе следует обратить внимание на:

- материальные и нематериальные ценности и их влияние должны быть изучены, четко определены способы их отражения в новой системе;
- внедрение технологий, направленных на повышение эффективности процесса автоматизации бюджетного учета и уменьшение количества ошибок;
- изучение успешного опыта зарубежных стран и адаптация его к условиям Узбекистана;
- подготовку квалифицированных специалистов для эффективного использования новой системы.

Благодаря этим аспектам расширяются возможности рационального использования государственного бюджета и управления бюджетным учетом в бюджетных организациях.

Из вышеуказанного следует, что при формировании целей и задач процессов цифровизации экономики Казначейством Узбекистана ежегодно внедряются современные информационные технологии, информационная система управления государственными финансами (ИСУГФ), программный комплекс автоматизированного учета в бюджетных организациях «UzASBO 2», система государственных закупок (xarid.uzex.uz) должны рассматриваться как приоритетные направления обновления и совершенствования автоматизированных систем.

Использованная литература

1. Указ Президента Республики Узбекистан “Об утверждении Стратегии «Цифровой Узбекистан-2030» и мерах по ее эффективной реализации” от

05.10.2020 г. Зарегистрирован № УП-6079.

2. Указ Президента Республики Узбекистан «О Стратегии развития Нового Узбекистана на 2022 – 2026 годы» от 28.01.2022 г. Зарегистрирован № УП-60.

3. Венделева М.А., Вертакова Ю.В. Информационные технологии в управлении.: учебное пособие для бакалавров / М.А. Венделева, Ю.В. Вертакова. – Люберцы: Юрайт, 2016. – 462 с.

4. Kingsley Oropku Appiah, Faizer Agyemang, Yaa Fowaah Rosebella Agyei, Solomon Nketiah, Boaduwa Julia Mensah « Computerised Accounting

Information Systems: Lessons in State-Owned Enterprise in Developing Economies»

Journal of Finance and Management in Public Services. Volume 12. Number 1, 2014.

5. Собиров А.А., Белалова Г.А., Пилипенко Е.Ф. Технологии обработки данных в управлении и бизнес процессах: учебное пособие. – Т.: Iqtisodiyot, 2019. – 272 с.

6. Джуманиязова М.Ю. Информационные комплексы и технологии в экономике: учебное пособие. – Т.: СП «Nihol print». 2022. – 416 с.

7. Muhammad B.H. «Iqtisodiyotning raqamli transformatsiyasi sharoitida g‘aznachilik tizimi» Бизнес ва иктисодиётда рақамли трансформация, Халқаро илмий-амалий конференция материаллари 2023.

MAHALLIY BYUDJET XARAJATLARI KASSA IJROSI HISOBINI YURITISH VA HISOBOTINI TAKOMILLASHTIRISH



Inoyatov Mardonbek Mo'min o'g'li

*budjet hisobi va g'aznachilik
kafedrası o'qituvchisi
Toshkent davlat
iqtisodiyot universiteti*

E-mail: inoyatovmardonbek@gmail.com

ORCID: 0009-0007-6518-871X

Annotatsiya. Maqolada mahalliy budjet xarajatlari kassa ijrosini shakllantirish, ularning samaradorligini ta'minlashning IPSAS hamda xorij tajribalari asosida ilmiy-amaliy jihatlari yoritilgan.

Xorij tajribalari asosida hududlarning iqtisodiy salohiyatidan oqilona foydalanish, shuningdek mahalliy budjet xarajatlarini samarali ishlatish hisobiga mahalliy budjetlar xarajatlari nazoratini amalga oshirish imkoniyatlari asoslab berilgan.

Kalit so'zlar: budjet, kassa, kassa xarajatlari, mahalliy budjet, IPSAS, IPSAB, IFAC, standart, xalqaro standart, hisobot.

СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ УЧЕТА И ОТЧЕТНОСТИ РАСХОДОВ МЕСТНОГО БЮДЖЕТА

Иноятлов Мардонбек Мумин оглы

*преподаватель кафедры бюджетного
учета и казначейства
Ташкентский государственный
экономический университет*

E-mail: inoyatovmardonbek@gmail.com

ORCID: 0009-0007-6518-871X

Аннотация. В статье исследуются научные и практические аспекты формирования денежного потока расходов местных бюджетов, обеспечения их эффективности на основе IPSAS и зарубежного опыта.

На основе зарубежного опыта обоснована возможность контроля расходов местных бюджетов за счет рационального использования экономического потенциала регионов, а также эффективного использования затрат местных бюджетов.

Ключевые слова: бюджет, денежные средства, денежные затраты, местный бюджет, IPSAS, IPSAB, IFAC, стандарт, международный стандарт, отчет.

IMPROVEMENT OF ACCOUNTING AND REPORTING OF LOCAL BUDGET EXPENDITURES

Inoyatov Mardonbek Mumin o'g'ly*teacher of budget accounting
and treasury department**Tashkent State University of Economics**E-mail: inoyatovmardonbek@gmail.com**ORCID: 0009-0007-6518-871X*

Abstract. The article describes the scientific and practical aspects of the formation of cash flow of local budget expenditures, ensuring their effectiveness based on IPSAS and foreign experiences.

On the basis of foreign experiences, the possibility of controlling the costs of local budgets due to the rational use of the economic potential of the regions, as well as the effective use of local budget costs, is substantiated.

Key words. budget, cash, cash costs, local budget, IPSAS, IPSAB, IFAC, standard, international standard, report.

Kirish

Hozirgi kunda mamlakatimizda davlat byudjeti davlat pul mablag'larining markazlashtirilgan jamg'armasi bo'lib, unda xarajatlar manbalari va pul mablag'laridan to'g'ri foydalanish, shuningdek moliya yili mobaynida aniq maqsadlar uchun ajratiladigan mablag'lar sarfi yo'nalishlari va miqdori nazarda tutiladi. O'zbekiston Respublikasi Davlat byudjet tuzilmasi o'z ichiga O'zbekiston Respublikasining respublika byudjeti, Qoraqalpog'iston Respublikasi byudjeti, viloyatlar va Toshkent shahar mahalliy byudjetlarni o'z ichiga oladi. Byudjet ijrosi jarayonida belgilangan tartibda byudjet tasnifi bo'yicha byudjet daromadlari shakllantiriladi va xarajatlar bo'yicha amalga oshiriladi. Byudjet ijrosi jarayoni haqida axborotlar byudjet hisobini tashkil etish va yuritish orqali shakllantiriladi.

O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Sh.M.Mirziyoyev o'z ma'ruzalarida “Bugungi murakkab sharoitda yurtimizda boshlangan keng qamrovli islohotlar, yangi O'zbekistonni barpo etish sari tashlayotgan dadil qadamlarimizning bardavom bo'lishini ta'minlash eng asosiy vazifamiz bo'lishi shart. Global inqiroz sharoitida iqtisodiy va siyosiy barqarorlikni ta'minlash, joylardagi mavjud muammolarni manzilli hal etish, ko'makka muhtoj yurtdoshlarimizni qo'llab-quvvatlash, yoshlarimizning orzu-umidlarini ro'yobga chiqarish – Prezidentdan boshlab, barcha darajadagi rahbarlarning bosh vazifasi bo'lmog'i darkor. Ana shu o'ta muhim vazifalarni amalga oshirishda asosiy talab – davlat va jamiyat institutlari o'rtasida samarali hamkorlikni ta'minlash, bu jarayonda natijadorlik va sifatni oshirishdan iborat” [1] - degan fikrni bildirganlar.

Shu o'rinda alohida qayd etish zarurki, olib borilgan tadqiqotlarda mahalliy budjet xarajatlari kassa ijrosi hisobini yuritish va hisobotlarni tuzish masalalari buxgalteriya hisobining kassa va hisoblash metodlariga asoslanishi, ularning budjet ijrosi axborotlarini shakllantirishdagi rolini oshirish yo'nalishlari ishlab chiqilgan. Respublikamizda mahalliy budjet xarajatlari kassa ijrosi tizimini isloh etishda “budjet hisobi tartibini Davlat sektorida xalqaro moliyaviy hisobot standartlariga (IPSAS) uyg'unlashtirish” (PQ 3917, 2018), xalqaro standartlar talabalaridan kelib chiqib budjet ijrosiga oid axborotlarning ochiqqligini

ta'minlash, budget tizimida mablag'larning saralanishi bo'yicha hisobdorlikni kuchaytirish, budget ijrosi jarayonida zamonaviy axborot tizimlarini qo'llash ko'lamini kengayti rishni talab etmoqda. Shu bilan birga, budget tizimi budgetlari ijrosi hisobini tizimli tarzda kassa usulidan hisoblash usuliga o'tkazish orqali budget hisobotlari axborotlarining tahliliy imkoniyatlarini oshirishni taqozo qilmoqda.

Adabiyotlat sharhi

Maxalliy byudjet xarajatlari kassa ijrosi, byudjet ijrosi hisobi va hisoboti masalalari yuzasidan xorijlik va mamlakatimiz olimlarining qator izlanishlarini keltirish mumkin.

Xususan, xorijlik tadqiqotchilardan F.M. Dostoevskiy, K.Y.Chulovskiylarning fikricha: “Mahalliy byudjetlar - ishlab chiqarishning yakuniy natijalarini aholiga yetkazishning asosiy yo'nalishlaridan biri. Ular orqali ijtimoiy iste'mol fondlari aholining alohida guruhlari o'rtasida taqsimlanadi. Ushbu byudjetlar hisobidan ma'lum darajada sanoat tarmoqlarini, birinchi navbatda, mahalliy va oziq-ovqat sanoati, kommunal xo'jaliklarni rivojlantirish ham moliyalashtiriladi, ularda ishlab chiqarilayotgan mahsulot va xizmatlar hajmi ham aholi turmush farovonligini ta'minlashning muhim tarkibiy qismi hisoblanadi. Mahalliy byudjet - bu alohida hududlarning markazlashtirilgan moliyaviy resurslari jamg'armasi bo'lib, uni shakllantirish, tasdiqlash va ijro etish, shuningdek bajarilishini nazorat qilish mahalliy hokimiyat tomonidan mustaqil ravishda amalga oshiriladi” [2].

Yana bir xorijlik tadqiqotchilardan Tawiah va Soobaroyenlarning fikricha: “IPSAS xorijiy kreditlardan foydalanishga sezilarli ta'sir ko'rsatadi. Kassa va hisoblash metodi asosidagi IPSAS korrupsiyani nazorat qilish uchun ko'rsatilgan, aniq ko'rsatmalarni ishlab chiqishga yordam beradi” [3].

Mamlakatimiz olimlaridan S. Mexmonov byudjet ijrosiga oid quyidagi fikrlarni bildirib o'tgan: “Moliya organlari belgilangan tartibda buxgalteriya hisobi ma'lumotlari asosida Davlat byudjeti ijrosi to'g'risidagi hisobotlar tuziladi. Bunda O'zbekiston Respublikasi Iqtisodiyot va moliya vazirligibuyrug'i bilan tasdiqlangan shakllarda va muddatlarda Davlat byudjeti ijrosi to'g'risidagi hisobotlar tuzadi va taqdim etadi” [4].

A. Ostonokulov mahalliy byudjetlar ijrosi to'g'risidagi hisobotlarni tuzishda byudjetdan tashqari mablag'larning shakllanishi va ularning sarflanishi ham e'tiborga olish zarurligini asoslagan [5].

Bizningcha, mahalliy byudjet xarajatlari kassa ijrosini yuritishni samarali tashkil qilish kabi masalalarga IPSAS talablari hamda xorij tajribalari asosida ham keng e'tibor qaratish zarur. Buning uchun mahalliy byudjetlarni boshqarish, mahalliy byudjetlar xarajatlari nazoratining nazariy, ilmiy, uslubiy hamda amaliy jihatlarini tadqiq etish dolzarb ahamiyatga ega.

Tahlil va natijalar

IPSAS Xalqaro buxgalterlar federatsiyasi (IFAC) tarkibidagi mustaqil

standartlarni o‘rnatish kengashi bo‘lgan Davlat sektori buxgalteriya hisobi standartlari bo‘yicha xalqaro kengashi (IPSASB) tomonidan ishlab chiqilgan va qo‘llab-quvvatlanadi.

Belorusiyada, 2021 yil 1 yanvar holatiga ko'ra, tashqi davlat qarzining tuzilishi quyidagicha: Rossiya hukumati va banklarining kreditlari – 41%, Evrosiyo iqtisodiy banki krediti – 18%, Xitoy banklarining kreditlari – 20%, evrobondlar – 14%, XVF stand-Bai krediti – 1%.

2024 yil 1 yanvar holatiga ko'ra, Belarusning tashqi qarzi 36,88 mlrd AQSh dollarini tashkil etdi, bu 2023 yilda 2,92 mlrd AQSh dollariga (-7,3%) kamaydi. Bu haqda respublikaning Milliy bankida xabar berildi.

Belarusning tashqi davlat qarzi (faqat hukumatning norezidentlar oldidagi majburiyatlarini o'z ichiga oladi) 1,56 milliard AQSh dollariga (-8,4%) kamaydi, 18,5 milliard AQSh dollaridan 16,95 milliard AQSh dollarigacha tshkil etadi. Shu bilan birga, u uzoq muddatli kreditlar va qarzlardan iborat bo'lib, ular 14,27 milliard AQSh dollari miqdoridagi qarzni (yoki umumiy davlat qarzining 84,2 foizini), shuningdek 2,67 milliard AQSh dollari miqdoridagi qarz qimmatli qog'ozlarining mavjudligini tashkil etadi.

Tashqi qarzning qolgan qismi depozit tashkilotlariga, shu jumladan Belorusiya Milliy bankiga (ularning ulushi 5,5 milliard AQSh dollarini tashkil etadi) va umumiy qarzi 12,24 milliard AQSh dollarini tashkil etadigan iqtisodiyotning boshqa sohalariga to'g'ri keladi.

Bundan ko'rinib to'ribdiki, Belarusi 1,5 yil ichida ular 7 milliard dollardan ko'proq pul to'lashdi.


E'tibor bering, so'nggi yillarda Belarus tashqi qarz bilan ishonchli tarzda

hisoblashmoqda. 2022-yil o'rtalarida u 44,13 milliard AQSh dollarini tashkil etganini hisobga olsak (2022-yil 1-iyul holatiga ko'ra), o'tgan 1,5 yil ichida respublika "qarzlar bo'yicha" 7,25 milliard AQSh dollarini to'lab, uni 16,4 foizga kamaytirdi va shu bilan yaxshi dinamikani namoyish etdi.

2022 yildan boshlab Belarus tashqi bozorda davlatning qarz majburiyatlarini Belarus rublida bajarishni boshladi. Bunday qaror kollektiv G'arb mamlakatlari tomonidan respublikaga nisbatan kiritilgan sanksiyalar tufayli qabul qilindi, natijada Belorusiya tomoni tomonidan qarzlarni to'lash uchun yuborilgan to'lovlar shunchaki qabul qiluvchilarga etib bormadi (2-jadval).

2-jadval.

Belarus Respublikasining tashqi qarzi, AQSh mlrd doll*



*“Белорусы и рынок”. Ishbilarmonlar uchun tahliliy portal

Shunday qilib, mamlakatning qarz yuki muammolarini hal qilish hukumatlararo bitimlar sohasida yotadi va jahon agentliklari xodimlari ixtiyorida bo'lgan vositalar yordamida manevr qilish qiyin.

Boshqa tomondan, agentlikni tashkil etish jarayoni uzoq muddatli.

O'rtacha, ushbu institutsional tuzilmalarning shakllanish davri 3 yildan 6 yilgacha davom etadi.

Vengriyada qarz agentligi 8 yil davomida tashkil etilgan.

Shuni ta'kidlash kerakki, Belarusiyaning davlat qarzi vositalar, foiz stavkalari va uning tuzilishida nomutanosiblikka ega.

Istiqbolni hisobga olgan holda, qarz manbalarini diversifikatsiya qilish va yangi kreditlar xavfini minimallashtirish uchun qarz agentligini yaratish jarayoni endi boshlanishi mumkin.

Belorussiyada bunday agentlik moliya vazirligi, uy bekasi vazirligi, Milliy bank bilan hamkorlik qilishi kerak.

Bunday o'zaro ta'sir davlat organlaridan o'z vakolatlari doirasida tezkor ma'lumot olish va kelishilgan qarorlar qabul qilishni o'z ichiga oladi.

Shu bilan birga, davlat boshqaruvi organlari tomonidan funktsiyalarning takrorlanishini istisno qilish uchun davlat qarzini boshqarish vakolatlarini aniqlash

kerak.

Moliya vazirligining asosiy funksiyalari quyidagilardan iborat:

- budjet-soliq siyosati parametrlarini belgilash;
- byudjetni rejalashtirilgan moliyalashtirish asosida tashqi va ichki kreditlarga bo'lgan ehtiyojni baholash;

- davlat qarzi bo'yicha milliy xavfsizlik parametrlarini aniqlash;
- davlat kafolatlari miqdori to'g'risida hisobot tuzish;
- qarzlarni boshqarish sohasida strategiyalar va yillik dasturlarni ishlab chiqishda ishtirok etish;

- qarz agentligi faoliyatini nazorat qilish.

Qarz va pul-kredit siyosatini muvofiqlashtirish Milliy bank vakolatiga kiradi;

- oltin-valyuta zaxiralari tarkibini shakllantirish;
- moliyaviy bozor holatini monitoring qilish va boshqalar.

Iqtisodiyot vazirligi moliyalashtirish uchun davlat qarzlarini jalb etiladigan va davlat kafolatlari taqdim etiladigan loyihalar samaradorligini iqtisodiy baholashni amalga oshirishi, ijtimoiy-iqtisodiy rivojlanishning davlat dasturlari doirasida qarz olish prognozini amalga oshirishi kerak.

Qarz agentligining asosiy funktsiyalari:

- qarz siyosatini amalga oshirish natijasida yuzaga keladigan xatarlarni tahlil qilish va baholash va ularni himoya qilish bo'yicha tavsiyalar ishlab chiqish;

- davlat va davlat tomonidan kafolatlangan qarz majburiyatlariga xizmat ko'rsatish va to'lash bo'yicha operatsiyalarni amalga oshirish;

- qarzlarni jalb qilish; kreditorlar va qarz majburiyatlari ma'lumotlar bazasini yuritish;

- qarz majburiyatlarini boshqarish sxemalarini ishlab chiqish;

- davlat qarzi bo'yicha; muddatlar, foiz stavkalari, valyuta turlari bo'yicha qarz portfelining maqbul tuzilmasini shakllantirish;

- jahon bozorlari tendentsiyalarini monitoring qilish;

- iqtisodiyotni rivojlantirish stsenariylariga qarab qarz yukining turli xil variantlarini hisoblash;

- potentsial va amaldagi qarz oluvchi sifatida davlat imidjini shakllantirish va boshqalar.

Qarz agentligini tashkil etish uchun

- tegishli normativ-huquqiy bazani ishlab chiqish,

- davlat qarzi bo'yicha buxgalteriya hisobi va hisobotning xalqaro standartlariga bosqichma-bosqich o'tish

- qarz olish bo'yicha yagona ma'lumotlar bazasini shakllantirish

- davlat boshqaruvi organlari, xalqaro axborot agentliklari va moliya tashkilotlarining qarzi bo'yicha ma'lumotlar bazasiga kirishni ta'minlovchi xodimlar uchun avtomatlashtirilgan ish o'rinlarini jihozlash

Belorusiyaning makroiqtisodiy siyosatidagi, xorijiy davlatlar siyosatidagi va global kapital bozorlaridagi o'zgarishlar, qarz resurslarining yangi manbalarining paydo bo'lishi va ularni jalb qilish mexanizmlarining o'zgarishi keyinchalik tashqi

qarzni boshqarishning boshqa usullarini qo'llashga yordam beradi va bunday Agentlikning yaratilishi istiqbolga mo'ljallangan chora bo'lishi mumkin. Bu esa davlatning uzoq muddatli rivojlanish strategiyasining bir qismi hisoblanadi.

Xulosa

Davlat qarz siyosatini amalga oshirishda turli yo'nalishls jihatlar ham mavjud.

1. Turli mamlakatlarda davlat qarzlarini tartibga solish tizimlarini o'rganish shuni ko'rsatdiki, qarz siyosatini amalga oshirish uchun yagona institutsional tuzilma mavjud emas.

Ba'zi mamlakatlarda davlat organlari tuzilmalari tarkibida qarzlarni boshqarish bo'limlari mavjud, boshqalarida mustaqil agentliklar faoliyat ko'rsatmoqda. Shu bilan birga, qarz agentliklarining nisbiy avtonomiyasi bunday tuzilmalarning moliya vazirligiga (yoki Vazirlar Kengashiga) qat'iy hisobdorligini va ularning harakatlarini boshqa vazirlik va idoralar bilan muvofiqlashtirishni nazarda tutadi.

Mustaqil agentlik turi bo'yicha davlat tashqi qarzini boshqarish bo'yicha alohida tuzilmani yaratish tashqi qarzni boshqarish bo'yicha turli xil chora-tadbirlarni qo'llash orqali tashqi qarzni samarali boshqarish, barcha tashqi qarzlarni to'liq hisobga olishga erishish, strukturaning shaffofligi tufayli kreditorlar uchun ma'lumotlarga kirishni osonlashtirish, qarz yukini kamaytirish va tashqi qarz olishning eng maqbul variantlarini tanlash imkonini beradi.

2. Qarz agentligini boshqa tuzilma sifatida tashkil etish avtomatik ravishda tashqi davlat qarzini boshqarish samaradorligini oshirishga kafolat bermaydi.

Agentlikning muvaffaqiyatli ishlashi ko'p jihatdan xodimlarning malakasi, davlat qarzining tuzilishi va agentlik xodimlarining qarz yukining o'zgarishiga ta'siri darajasidan kelib chiqadi.

Va shunga qaramay, jahon tajribasi shuni ko'rsatadiki, agentliklar tashkil etilgan mamlakatlarda qarz yukining ko'payishi muammosini bosqichma-bosqich hal qilish mumkin edi.

Agar ushbu tuzilma hokimiyatdan sezilarli darajada avtonomiyaga ega bo'lsa, u jahon moliya bozorida investorlarning ishonchiga ega, bu esa davlat qarzini boshqarish uchun samarali vositalardan foydalanish imkoniyatlarini kengaytiradi.

3. Belorusiya Respublikasining davlat qarzi tarkibini tahlil qilish shuni ko'rsatadiki, qarz portfelinig tuzilishi sust diversifikatsiya qilinganligi va ishlatilgan vositalar muddati, stavkalari va turlari bo'yicha muvozanatlanmaganligi sababli ushbu bosqichda qarz agentligini yaratish maqsadga muvofiqdir.

Davlat qarzlarini boshqarishga bozor yondashuvi qarz to'lovlarini optimallashtirish va kelajakda iqtisodiyotga qarz yukini kamaytirish imkonini beradi. Ushbu turdagi agentlikni tashkil etishdagi qiyinchiliklar malakali xodimlarni tanlash, qarzlarni boshqarish uchun dasturiy va tahliliy apparatlarni shakllantirishdan iborat bo'ladi.

4. Samarali ishlashi uchun qarz agentligi ma'lum darajada avtonomiyaga ega bo'lishi va shu bilan birga davlat hokimiyati organlari bilan faol hamkorlik qilishi

kerak. Moliya vazirligi va Milliy bank byudjet-soliq va pul-kredit siyosatining ustuvor yo'nalishlari, Belarus Respublikasini uzoq muddatli ijtimoiy-iqtisodiy rivojlantirish dasturlari asosida agentlik uchun strategik mezonlarni belgilashi, davlat qarzini boshqarish bo'yicha taktik qarorlarni ishlab chiqish bo'yicha maqsadli ko'rsatmalar va tavsiyalar ishlab chiqishi kerak.

O'z navbatida, davlat boshqaruvi organlari qarz agentligining faoliyatini monitoring qilish maqsadida real vaqt rejimida operatsiyalaridan foydalanishlari kerak.

Mazkur xulosa va takliflar asosida tashqi qarzlarni samarali boshqarishning dolzarb masalalariga oid tahlillar va boshqa mamlakatlar tajribasini o'rganish asosida quyidagi chora-tadbirlarni amalga oshirish maqsadga muvofiq:

1. Qarz boshqarish agentligini tashkil etish yoki kuchaytirish: Maxsus agentlik davlat qarzlarini boshqarish jarayonini markazlashtirishi, qarz olish va uni boshqarish strategiyasini ishlab chiqishi, qarz yukini qisqartirish bo'yicha chora-tadbirlarni amalga oshirishi kerak. Agentlik moliyaviy bozorlarda kreditorlar bilan muzokaralarni samarali olib borishi va qarz xizmatlarini optimallashtirishi uchun yuqori malakali mutaxassislardan iborat bo'lishi zarur.

2. Davlat qarzini boshqarish strategiyasini ishlab chiqish va uni diversifikatsiya qilish: Strategiya qarz majburiyatlarining muddatini, stavkalarni va valyuta tuzilmasini optimallashtirish orqali davlat qarzi xizmatlarini minimal xarajat bilan bajarish imkonini berishi lozim. Shuningdek, ichki va tashqi qarzlar o'rtasida muvozanatni saqlashga qaratilgan chora-tadbirlar amalga oshirilishi zarur.

3. Xatarlarni tahlil qilish va boshqarish tizimini joriy etish: Davlat qarzlarini bilan bog'liq moliyaviy xatarlarni aniqlash, baholash va ularni minimallashtirish bo'yicha samarali tizim yaratilishi kerak. Valyuta xatarlarini kamaytirish uchun qarzlarning milliy valyutadagi ulushini oshirish muhim.

4. Tashqi qarzlarning maqsadli va samarali yo'naltirilishini ta'minlash: Jalb qilingan qarzlar faqat yuqori daromadli yoki strategik ahamiyatga ega bo'lgan loyihalarga yo'naltirilishi lozim. Har bir loyiha bo'yicha xarajatlar va kutilayotgan foyda tahlil qilinishi shart.

5. Qarz yukini qisqartirish uchun iqtisodiy o'sishni qo'llab-quvvatlash: Tashqi qarzlarni qaytarish uchun asosiy manba sifatida iqtisodiy o'sishning yuqori sur'atlari talab qilinadi. Shu sababli, iqtisodiyotning yuqori qo'shimcha qiymat yaratadigan tarmoqlarini rivojlantirish bo'yicha chora-tadbirlarni kuchaytirish zarur.

6. Davlat moliya tizimining shaffofligi va hisobotlilikini ta'minlash: Davlat qarzlarini bo'yicha qaror qabul qilish jarayonida shaffoflikni ta'minlash, xalqaro standartlarga muvofiq hisobotlarni muntazam e'lon qilib borish xalqaro hamjamiyatning ishonchini oshirishda muhim ahamiyatga ega.

7. Qarz to'lovlarining eng yuqori cho'qqilarini muvofiqlashtirish: Qarz to'lovlarining vaqtini qayta rejalashtirish orqali likvidlik inqirozining oldini olish chora-tadbirlari amalga oshirilishi kerak.

8. Moliyaviy resurslarni ko'paytirish uchun ichki mablag' manbalarini

kengaytirish: Davlat byudjetining daromad bazasini kengaytirish, soliqlarni samarali yig‘ish tizimini rivojlantirish va investitsiyalarni jalb qilish orqali ichki moliyaviy manbalardan foydalanishni kengaytirish zarur.

Yuqoridagi choralar amalga oshirilsa, tashqi qarzlarni samarali boshqarish orqali iqtisodiy barqarorlikka erishish va moliyaviy xatarlarni kamaytirish imkoniyati sezilarli darajada oshadi.

Foydalanilgan adabiyotlar

1. Бабич А.М., Павлова Л.Н. Государственные и муниципальные финансы. – М.: ЮНИТИ, 2000. – 405 с. <https://biblioteka.bafe.edu>
2. Алехин Б.И. Государственный долг: учебное пособие – М.: ЮНИТИ-ДАНА, 2007. – С. 307. <https://library.asue.am/open/2878.pdf>
3. Лебеда К. Бюджетный дефицит и государственный долг: проблемы моделирования / К. Лебеда // Теория и практика управления. – 2005 – №5. – С.45.
4. Маликов Т.С. Бюджет-солиқ сиёсати: дарслик. – Т.: IQTISOD-MOLIYA, 2019. – 404 б.
5. Nurmuxamedova B.I., Xamdamov Sh.K.. Davlat moliyasi: darslik. – Т.: Iqtisod-Moliya, 2020. – 428 б.
6. Jahon banki guruhi malumotlari. www.worldbank.org/ext/en/home/publication/documents-reports
7. “Белорусы и рынок”. Ishbilarmonlar uchun tahliliy portal.
8. Tilabov Nasrulla. 2022. Prospects for the use of digital technologies in securing tax revenues. In The 6th International Conference on Future Networks & Distributed Systems (ICFNDS '22), December 15, 2022, Tashkent, TAS, Uzbekistan. ACM, New York, NY, USA, 6 pages. <https://doi.org/10.1145/3584202.3584212>
9. Citation (APA): Muthuswamy, V., Nasrulla, T. (2023). Corporate Governance Mechanism and Earning Management: Moderating Role of Capital Structure. International Journal of Economics and Finance Studies, 15(03), 462-483. doi:10.34111/ijefs. 202315322. <https://www.scopus.com/free/lookup/form/author.uri>
10. www.lex.uz - O'zbekiston Respublikasi qonun hujjatlari ma'lumotlari milliy bazasi
11. www.imf.uz - O'zbekiston Respublikasi Iqtisodiyot va moliya vazirligi sayti
12. www.isdb.org - Islom taraqqiyot banki (Islamic Development Bank) sayti
13. www.worldbank.org - Jahon banki (World Bank) sayti
14. www.ebrd.com - Evropa tiklanish va taraqqiyot banki (EBRD) sayti

DAVLAT XARIDLARI TIZIMINI YANADA TAKOMILLASHTIRISH MASALALARI

Muqimova Gulnoza Odiljon qizi

magistrant

Toshkent davlat iqtisodiyot universiteti

E-mail: akramova1019@gmail.com

Annotatsiya. Mazkur maqola, davlat xaridlar tizimi va uni takomillashtirish yo'nalishlarini tahlil qilishga qaratilgan bo'lib, davlat xaridlari tizimidagi mavjud muamollari tadqiq etilgan. Sohoni takomillashtirish yo'nalishlarini o'rganish va amalyotga tadbiq qilish takliflari berilgan.

Kalit so'zlar: davlat xaridlari, davlat byudjeti, raqamlashtirish, elektron xaridlar platformasi, tender va tanlov, raqobat, xarajatlarni optimallashtirish, shaffoflik, korrupsiya.

ВОПРОСЫ ДАЛЬНЕЙШЕГО СОВЕРШЕНСТВОВАНИЯ СИСТЕМЫ ГОСУДАРСТВЕННЫХ ЗАКУПОК

Мукимова Гульноза Одилжон кызи

магистрант

Ташкентский государственный

экономический университет

E-mail: akramova1019@gmail.com

Аннотация. В статье подвергается анализу система государственных закупок и исследуются направления ее совершенствования, исследуются существующие проблемы в системе государственных закупок, выдвигаются предложения по изучению и реализации направлений совершенствования данной сферы.

Ключевые слова: государственные закупки, государственный бюджет, цифровизация, электронная закупочная площадка, тендер и отбор, конкуренция, оптимизация затрат, прозрачность, коррупция.

ISSUES OF FURTHER IMPROVEMENT OF THE STATE PROCUREMENT SYSTEM

Muqimova Gulnoza Odiljon kizi

master's student

Tashkent State University of Economics

E-mail: akramova1019@gmail.com

Abstract. This article is aimed at analyzing the public procurement system and areas for its improvement. It examines the current issues in the public procurement system and puts forward proposals for studying and implementing areas for improving this area.

Keywords: Public procurement, state budget, digitalization, electronic procurement platform, tender and competition, competition, cost optimization, transparency, corruption.

Kirish

Davlat moliyasini boshqarishda, iqtisodiy barqarorlikni ta'minlashda va milliy ishlab chiqaruvchilarni qo'llab-quvvatlashda davlat xaridlar tizimi muhim ahamiyatga egadir.

Davlat xaridi – hukumat yoki davlat idoralari tomonidan byudjet mablag'laridan sotib olinadigan, davlat yoki chet ellarda ishlab chiqarilgan tovarlar va xizmatlardir. Bunday xarid davlat tomonidan davlatning o'z ehtiyojlari, aholi iste'molini ta'minlash va davlat zaxiralarini yaratish maqsadlarida amalga oshiriladi. Mamlakatning o'zida ishlab chiqarilayotgan sanoat tovarlari va yetishtirilayotgan qishloq xo'jaligi mahsulotlarini xarid qilishda davlat ma'lum narxlar belgilaydi. Davlat xaridlari tizimi har qanday mamlakatning iqtisodiy barqarorligini ta'minlashda muhim o'rin egallaydi. Ushbu tizim davlat ehtiyojlari uchun tovarlar, ishlar va xizmatlarni sotib olish jarayonlarini tartibga solib, moliyaviy mablag'lardan oqilona foydalanishni kafolatlaydi. Biroq, zamonaviy sharoitda davlat xaridlari tizimini takomillashtirish zarurati ortib bormoqda.

Shu o'rinda aytish kerakki, so'ngi yillarda mamlakatimizda davlat xaridlari tizimida jadal o'zgarish va rivojlanish kuzatilmoqda. Xususan, 2021 yil 16 iyundagi “Davlat organlari va tashkilotlarining faoliyati ochiqligini ta'minlash, shuningdek, jamoatchilik nazoratini samarali amalga oshirishga doir qo'shimcha chora-tadbirlar to'g'risida”gi O'zbekiston Respublikasi Prezidentining farmonida ushbu tizim faoliyatida muhim bo'lgan vazifa va topshiriqlar alohida belgilab berilgan. Bundan tashqari, 2021 yil 22 aprelda O'zbekiston Respublikasining “Davlat xaridlari to'g'risida”gi qonuni ham qabul qilinganligi davlat xaridlari tizimini yanada takomillashtirish uchun yangi qadam bo'ldi. Shuni ta'kidlash kerakki, bu hujjatlar tizim ishini takomillashtirishda muhim huquqiy asos hisoblanadi.

Mamlakatimizda davlat xaridlari tizimini takomillashtirish uchun olib borilayotgan islohatlarning yana bir sifatida aytishim mumkinki, Prezidentimiz Shavkat Mirziyoyev joriy yilning 27-noyabr kuni “Davlat xaridlari to'g'risida”gi O'zbekiston Respublikasi Qonuniga davlat xaridlari tizimini yanada takomillashtirishga qaratilgan qo'shimcha va o'zgartirishlar kiritish haqida”gi qonunni imzoladilar va bu davlat xaridlari tizimini takomillashtirishda olib borilayotgan islohatlarning to'xtab qolmaganligiga dalil desak mubolag'a bo'lmaydi. Ma'lum qilinishicha, ushbu qonun bilan kichik qiymatli xarid uchun soddalashtirilgan tartib va ikki bosqichli davlat xaridlari kabi xarid qilish tartib-taomillarining yangi turlari joriy etilishini nazarda tutuvchi qo'shimchalar va bir qancha o'zgartirishlar kiritilgan.

Qayd etilishicha, barqarorlik prinsipi, markazlashgan davlat xaridlarini amalga oshirish mexanizmi, hadli kelishuvni tuzish va amalga oshirish qoidalari, bundan tashqari, davlat xaridlari yo'nalishida yuzaga kelgan shikoyatlarni tadqiq

etish jarayonidagi manfaatlar to‘qnashuvining oldini olish yuzasidan choralar olib borish belgilab berilgan.

Ushbu o‘zgartirishlar doirasida bundan buyon, bir nechta mamalakat buyurtmachilari bir xil turdagi tovarlar (ishlar, xizmatlar)ni markazlashtirilgan xarid organi orqali markazlashtirilgan tarzda xarid qilish imkoniyatiga ega bo‘ladilar. Bu organ Vazirlar Mahkamasi tomonidan belgilab beriladi. Ushbu, markazlashtirilgan xarid organi tomonidan xarid qilinadigan tovarlar va xizmatlar ro‘yxati maxsus axborot portalida e‘lon qilinadi.

Shuningdek, davlat buyurtmachisi eng yaxshi takliflarni tanlab olish yoki tenderning yakuniy natijalari asosida aniqlanadigan bir nechta g‘oliblar bilan 1 yildan 3 yilgacha bo‘lgan muddatga doiraviy kelishuv tuzish imkoniyati mavjud ekanligi belgilab berildi.

1-chizma.

Davlat xaridlarining subyektlari*



*O‘zbekiston Respublikasining 22.04.2021 yildagi - Davlat xaridlari to‘g‘risidagi ORQ-684-son Qonuni ma‘lumotlari asosida muallif tomonidan tuzildi.

Jamiyat va iqtisodiyot uchun davlat xaridlari tizimi o‘ta muhim ahamiyatga ega bo‘lib, uning ochiqligi davlat byudjeti mablag‘larining to‘g‘ri sarflanishini ta‘minlashga yordam beradi. Xalqaro tajribalar shuni ko‘rsatadiki, davlat xaridlarining samarali va to‘g‘ri boshqarilishi korrupsiyaning oldini olishda va budjet mablag‘larini oqilona taqsimlashda muhim ahamiyatga egadir. Shuning uchun ham, yangi tartib qoidalar va barqarorlik prinsipining ishlab chiqilishi davlat resurslaridan foydalanishda mas‘uliyatni yanada oshirilishi, ushbu hujjatda alohida aytib o‘tilgan.

Adabiyotlar sharhi

Davlat xaridlari tizimini takomillashtirish masalasi yuzasidan ko‘plab iqtisodchi olimlar tomonidan turli xil fikrlar va yondashuvlar ko‘rsatib berilgan.

Shu o‘rinda aytish kerakki, mamlakatimizdagi davlat xaridlar tizimini yanada takomillashtirish bo‘yicha asosiy manbalardan biri yurtimizdagi huquqiy-normativ hujjatlardir. O‘zbekiston Respublikasining “Davlat xaridlari to‘g‘risidagi” qonunning asosiy maqsadi davlat xaridlari sohasidagi munosabatlarni tartibiga solishdan iborat bo‘lib, davlat xaridlari shaffofligini ta‘minlash korrupsiyani kamaytirishga xizmat qiladi [1].

Pprofessor N. Xaydarov o‘zining ilmiy tadqiqotlarida davlat xaridlari tizimini yanada rivojlantirish borasida izlanishlar olib borgan. Olim davlat xaridlari jarayonida elektron tizimlarni joriy etish, shaffoflikni oshirish va korrupsiyani kamaytirishga xissa qo‘shishini, mahalliy ishlab chiqaruvchilarni qo‘llab-

quvvatlash lozimligini o'z ilmiy ishlarida bayon etgan [2].

Iqtisodchi olim U. O'roqov o'zining ilmiy tadqiqotlarida davlat xaridlari tizimini shaffof qilish uchun xalqaro tajribalardan keng ko'lamda foydalanish kerakligini, tender jarayonlarida mamalakatdagi mahalliy tadbirkorlarning ishtirokini kengaytirish zarurligini ta'kitlab o'tgan [3].

Fransiyalik olim Jean Tirole esa davlat xaridlarida rag'batlantirish va nazorat mexanizmlarini rivojlantirish orqali ushbu tizim samaradorligini oshirishni o'rganib chiqqan. Muallifning umumiy fikriga ko'ra, davlat-xususiy hamkorligi va tender jarayonlarini tartibga solish orqali korrupsiyani kamaytirish va mahsulot sifatini oshirishga erishish mumkin deyilgan[4].

Buyuk Britanyalik professor Sue Arrowsmit davlat xaridlari tizimining huquqiy jihatlarini va shaffoflikni ta'minlash muhimligini yoritib bergan. Arrowsmithning ushbu asarining umumiy mazmuni davlat xaridlarida xalqaro qonunchilik me'yorlariga to'la amal qilishi, korrupsiyaga qarshi mexanizmlarni joriy etishi va tender jarayonlarining shaffofligini ta'minlash zarur ekanligidan iboratdir [5].

Tahlil va natijalar

Davlat xaridlari tizimi va uni rivojlantirish haqida gap ketar ekan, avvalo undagi mavjud muammolarni aniqlab olishimiz maqsadga muvofiq bo'ladi. Chunki, tizimni rivojlantirish uchun avval uning faoliyatini o'rganib tahlil qilishimiz va buning natijasida mavjud muammoni aniqlab unga yechim topish uchun samarali yo'llarni aniqlay olamiz. Shuning uchun ham avvalo, quyidagi bir qancha muammolarga nazar tashlasak maqsadga muvofiq bo'lgan bo'lar edi:

Davlat xaridlar tizimida shaffoflikning yetishmasligi: ko'p hollarda xaridlar bo'yicha qarorlar shaffof emas va bu korrupsiya xavfini oshiradi.

Bundan tashqari, tartib-taomillarning murakkabligi ya'ni, tadbirlar va tanlov jarayonlarining murakkabligi xususiy sektorni faol ishtirok etishdan chetlatishi mumkin. Yana shuni ham aytish kerakki, loyihalarning vaqtida yakunlanmasligi holatlari ham uchrab turadi. Buning sababi esa noto'g'ri rejalashtirish va amalga oshirishdir.

Texnik nosozliklar va tizimning takomillashtirilmaganligi: elektron davlat xarid platformalarida texnik muammolar uchrab turadi va ushbu tizimda xavfsizlik choralari zaif bo'lsa, tizimdagi mavjud ma'lumotlarga buzish orqali kirish va ularni o'zgartirish xavfi yuqori bo'ladi.

Ijro intizomining passivligi: Amalga oshirilgan davlat xaridlarining o'z muddatida bajarilmasligi yoki talabga javob bermasligi mahsulotlar xarid qilish amaliyotda uchrab turadigan muammolardan biridir. Davlat xaridlar tizimidagi mavjud muammolarni ochiq oshkor etish orqali kamchiliklarni bartaraf etishga harakat qila olamiz. Davlat xaridlari tizimini takomillashtirish yo'nalishlarini o'rganish orqali esa ushbu tizimdagi muammolarni ham namoyish etishimiz va ularga yechim topa olishimiz mumkin.

Davlat xaridlari tizimini takomillashtirish yo'nalishlari va bu boradagi asosiy yo'nalishlarni tahlil qilish katta ahamiyatga ega.

Raqamlashtirish jarayonlarini jadallashtirish: Raqamlashtirish davlat xaridlarini oshkora va samarali olib borishning asosiy yo’li hisoblanadi va buning uchun quyidagi ishlarni amalga oshirish zarur: elektron xaridlar platformalarini yanada kengaytirish. Elektron davlat xaridlari tizimi davlat ehtiyojlari uchun tovarlar, xizmatlar va ishlarni sotib olish jarayonlarini raqamlashtirish orqali ochiqlik va samaradorlikni oshirishga yordam beradi. Ushbu tizimni kengaytirish faqatgina iqtisodiy samaradorlikni oshiribgina qolmay, balki davlat mablag’larining oqilona ishlatilishiga ham katta hissa qo’shadi. Elektron davlat xaridlari tizimining afzalliklaridan biri bu, xarid jarayonlarining barcha bosqichlari elektron platformalar yordamida olib borilganligi bois ularni kuzatish yanada qulay va osonlashuvdir.

Tenderlar va tanlovlarning natijalari ommaga ochiq tarzda namoyish etiladi va bundan tashqari tender jarayonlarini raqamlashtirish holatda bo’ladi, shunda barcha bosqichlarni avtomatlashtirish orqali inson omilini kamaytirishga erisha olamiz va bu korrupsiyani kamaytirishga yordam bera oladi.

Qonunchilikni takomillashtirish. Davlat xaridlari bo’yicha qonunchilikni xalqaro standartlarga moslashtirish va milliy talablarni yanada takomillashtirish zarurati mavjud. Shu o’rinda aytish kerakki, davlat xaridlari haqidagi qonunlarni soddalashtirish va tender shartlarini barcha uchun tushunarli qilish maqsadga muvofiq bo’ladi va albatta yana ishonchli mexanizmlar yaratish ya’ni yuzaga kelgan shikoyatlarni o’rganib chiqish yuzasidan mustaqil mexanizmlar ishlab chiqish darkor.

Mamlakat davlat xaridlari tizimini Xalqaro standartlarga moslashtirish zarur. Masalan: Jahon savdo tashkiloti (WTO) Davlat xaridlari bo’yicha kelishuvi (GPA) tamoyillariga moslash.

Jahon banki va Yevropa Ittifoqining davlat xaridlar yuzasidan taqdim etgan tavsiyalarini joriy etish kerak. Bu esa davlatlararo savdo-sotiq va investitsiyalarni rivojlantirishga yordam beradi.

Davlat xaridlari tizimida shaffoflikni ta’minlash uchun qonunchilikda ushbu o’zgarishlarni tadbiq etish kerak:

- tender e’lonlarini ochiq platformalarda joylashtirish majburiyati;
- tender natijalari va shartnomalar haqidagi ma’lumotlarni ommaga oshkor qilish.
- mustaqil nazorat qilish tizimlarini yaratish, shu o’rinda aytish kerakki, fuqarolik jamiyati va OAV ishtirokini kengaytirish lozim.

1-jadval.

O’zbekistondagi 2024-yil oktabr-noyabr oylaridagi davlat xaridlari monitoringi*

№	Oy	Auksion	Elektron do’kon	Milliy do’kon	Elektron tanlash	Elektron tenderlar
1.	Oktabr	94.49 mlrd.so’m	440.97 mlrd.so’m	284.05 mlrd. so’m	953.62 mlrd.so’m	489.09 mlrd.so’m
2.	Noyabr	77.5 mlrd. So’m	502.12 mlrd. so’m	339.75 mlrd.so’m	848 mlrd so’m	485.14 mlrd. so’m

*<https://www.etender.uz/> (Elektron davlat xaridlari platformasi) ma’lumotlari asosida

muallif tomonidan tuzilgan.

Xarajatlarni optimallashtirish va keraksiz xarajatlarni bartaraf etish. Byudjet mablag'laridan davlat xaridlari jarayonida noto'g'ri foydalanilishi iqtisodiy yo'qotishlarga olib keladi. Shuning uchun, xarajatlarni samarali boshqarish bo'yicha yo'riqnomalar ishlab chiqish, importga qaramlikni mahalliy ishlab chiqaruvchilarni qo'llab-quvvatlash, mahalliy kompaniyalar bilan uzoq muddatli hamkorlikni rivojlantirish uchun imtiyozli shartlar yaratish orqali bartaraf etish darkor. Bundan tashqari, bir xil turdagi xizmatlar va mahsulotlar uchun barcha tashkilotlar talabini birlashtirish orqali katta hajmdagi buyurtmalar uchun chegirmalarga ega bo'lish imkoniyatini yaratish lozim. Resurslardan oqilona foydalanishni, ya'ni, amalga oshmagan yoki ortiqcha amalga oshirilgan xaridlar natijasida saqlanib qolgan mablag'larni mavjud bo'lgan boshqa ehtiyojlar uchun sarflashga yo'naltirishni yo'lga qo'yishimiz ham mumkin.

Rejalashtirishni yanada takomillashtirish. Davlat xaridlari borasida aniq va samarali reja ishlab chiqish zarur. Ortiqcha xarajatlarga yo'l qo'ymaslik uchun mahsulot va xizmatlarga bo'lgan ehtiyojni aniq va to'g'ri baholash muhim ahamiyatga egadir. Bundan tashqari, tender jarayonlarida barcha manfaatdor taraflar uchun olib borilayotgan xaridlar bo'yicha ma'lumotlarni shaffof holatda namoyish qilish kerak.

2-jadval.

2024 yil 3-chorakda O'zbekiston Respublikasi iqtisodiyot va moliya vazirligi tomonidan o'tkazilgan tenderlar va amalga oshirilgan davlat xaridlari to'g'risidagi ma'lumotl*

No	Hisobot davri	Yo'nalishlari	Tovar(ish, xizmat)lar xarid qilish uchun tuzilgan shartnomalar soni	Tovar(ish, xizmat)lar xarid qilish uchun tuzilgan shartnomalar summasi	Moliyalashtirish manbasi
1.	3-chorak	Asosiy vositalarni xarid qilish	1	2 280 360 768	Byudjet
2.	3-chorak	Qurilish, rekonstruksiya va ta'mirlash	0	0	
3.	3-chorak	Saqlash xarajatlari bilan bog'liq xarajatlar	2	182 500 000	Byudjetdan tashqari

*<https://www.imv.uz/> (Iqtisodiyot va moliya vazirligi rasmiy sayti) ma'lumotlari asosida muallif tomonidan tuzilgan.

Yuqoridagi jadvalda O'zbekiston Respublikasi iqtisodiyot va moliya vazirligi tomonidan 2024-yil 3-choragida o'tkazilgan tenderlar va amalga oshirilgan davlat

xaridlari to'g'risidagi ma'lumotlar.

Davlat xaridlari bo'yicha bozor tahlilini olib borish, xarid qilinadigan maxsulot va xizmatlarning bozor narxlarini o'rganish, ushbu o'rganilgan ma'lumotlar bo'yicha reja tuzish, mahalliy va xalqaro bozorni o'rganish orqali narxlarni aniqlashtirib olish maqsadga muvofiq bo'lgan bo'lar edi.

Davlat xaridlari tizimida raqobatni kuchaytirish. Raqobatni kuchaytirish uchun ko'p sonli yetkazib beruvchilarni jalb etish va mavjud bo'lgan sun'iy to'siqlarni olib tashlash zarur. Ishtirokchilar uchun teng imkoniyatlarni taqdim etish muhimdir. Kichik va o'rta biznes subyektlariga qulay sharoit yaratish, ular uchun maxsus imtiyozli dasturlar ishlab chiqish va tanlovda qatnashish imkoniyatlarini kengaytirish orqali ham raqobatni kuchaytirishga erisha olishimiz mumkin. Xalqaro tajribalardan foydalanish davlat xaridlari tizimida raqobatni kuchaytirishning zamonaviy va samarali yechimlarini taqdim eta oladi. Misol uchun, Janubiy Koreyaning KONEPS elektron tizimi barcha tender jarayonlarini birlashtirgan bo'lib, bu orqali ular ishtirokchilar sonini sezilarli darajada oshirishga erisha olishgan. Shuningdek, davlat xaridlari tizimida kichik va o'rta biznes subyektlariga qulay shart-sharoitlar yaratish natijasida Buyuk Britaniya raqobatni oshira olgan. Davlat xaridlari tizimida raqobatni kuchaytirish orqali, mahsulot va xizmatlar sifatini oshirish, mablag'larni samarali taqsimlanishiga, korrupsiya xavfini kamayishiga, kichik va o'rta biznesni yanada rivojlanishiga erishish mumkin.

3-jadval.

**Davlat xaridlari tizimida xorijiy
mamlakatlar tajribasi***

Davlat	Asosiy islohatlar	Natijalar
AQSH	Federal xaridlar uchun “Federal Acquisition Regulation(FAR)” tizimi joriy etilgan.	Shaffoflik oshdi, kichik biznes uchun maxsus professiyalar yaratildi. Mahalliy mahsulotlardan foydalanishni rag'batlantirish boshlandi.
Buyuk Britaniya	Elektron tender tizimi (Contracts Finder) joriy etildi. Kichik va o'rta biznesni qo'llab-quvvatlash maqsadida soddalashtirilgan jarayonlar ishlab chiqilgan.	Xaridlarda sog'lom raqobat kuchaydi, byurokratiya kamaydi. Xarajatlarning sezilarli qisqarishi kuzatildi.
Avstraliya	Aus tender platformasi orqali barcha davlat xaridlari amalga oshiriladi. Xarajatlar tahlili va baholash uchun ma'lumotlar bazasi yaratilgan.	Xarajatlar optimallashtirildi va barcha xarid ma'lumotlari ochiq bo'ldi. Xususiy sektor bilan hamkorlik kuchaydi.
Singapur	GeBIZ joriy etilgan. Shartnoma boshqaruvi va monitoring tizimi orqali nazorat kuchaytirildi.	Tizimning samaradorligi oshdi. Mahalliy ishlab chiqaruvchilar bilan hamkorlik kuchaytirildi.

* Ilmiy ma'lumotlar asosida muallif tomonidan tuzilgan.

Korrupsiyaga qarshi kurash. Korrupsion holatlarning davlat, jamiyat va tadbirkorlikka yetkazadigan zarari davlat rivojlanishiga to'siq bo'ladi. Davlat

xaridlarida korrupsiyani oldini olish uchun davlat va nodavlat tashkilotlar monitoringini tashkil etish orqali, nazorat mexanizmlarini kuchaytirishga erishish zarur. Xususan, audit xizmatlarini yanada takomillashtirish, barcha xaridlar bo'yicha tahlilni amalga oshirishimiz mumkin. Bundan tashqari, shaffoflikni oshirish, ya'ni, xarid jarayoni haqida ma'lumotlarni ochiq tarzda olib borish va ommaga taqdim qilishni yo'lga qo'yish kerak.

Kadrlar salohiyatini oshirish. Davlat xaridlari sohasidagi mutaxasislarni bilim va malakalarini oshirib borish va yangi mutaxasislarni tayyorlash muhim ahamiyatga egadir. Ushbu sohadagi mutaxasis va kadrlarga inovatsion boshqaruv usullarini o'rgatish va amalyotda qo'llay olishlarini ta'minlash lozim. Har qanday islohatlarni amalga oshirishda kadrlar bilim va salohiyati katta ahamiyat kasb etadi albatta, shu jumladan davlat xaridlar tizimida ham. Kadrlar salohiyatini oshirish bo'yicha dasturlar ishlab chiqish lozim. Maxsus o'quv kurslari, elektron davlat xaridlari platformasidan foydalanish, huquqiy me'yorlar va yangi texnologiyalar bo'yicha doimiy treninglar olib borish zarur. Xalqaro tajribalardan keng foydalanish, masalan jahon banki tomonidan tashkil etib kelinadigan konferensiyalarda ishtirok etish, xalqaro ekspertlarni jalb etib, ushbu sohadagi yetakchi mamlakatlar mutaxasislarini jalb etish va hamkorlik loyihalarini tashkillashtirish samarali yo'llardan biridir.

Xulosa

Davlat xaridlari tizimini takomillashtirish iqtisodiy samaradorlikni oshirish, korrupsiyani kamaytirish va jamiyat ishonchini mustahkamlash uchun muhim ahamiyat kasb etadi. Jahon standartlariga mos, ilg'or texnologiyalarni joriy etish, qonunchilikni yanada takomillashtirish, rivojlangan mamlakatlar va xalqaro tajribadan keng ko'lamda foydalanish bu yo'nalishda muvaffaqiyatli natijalarga erishishning kaliti desak to'g'ri bo'ladi. Shu orqali davlat mablag'larining oqilona va shaffof boshqarilishini ta'minlashga erisha olishimiz mumkin. O'zbekiston davlat xaridlar tizimini rivojlantirish uchun xalqaro tajribalarni keng ko'lamda o'rganish, jahon tajribasida eng yaxshi natija bergan amalyotlarni qo'llashimiz mumkin. Tendir jarayonlarida qatnashuvchilar uchun ochiq va foydali ma'lumotlarni taqdim etishimiz, elektron tendir platformalarini kengaytirishimiz maqsadga muvofiq bo'lgan bo'lar edi.

Yakuniy xulosalardan biri sifatida aytishimiz mumkinki, davlat xaridlar tizimida davlat va ishlab chiqaruvchilar o'rtasidagi faoliyatni rivojlantirish uchun alohida loyihalar ishlab chiqish, o'zaro va xalqaro hamkorlik aloqlarini o'rnatishga ham o'z e'tiborimizni qaratishimiz lozim. Zero, hech bir holat va vaziyat e'tibordan chetda qolmasligi va taraflar o'rtasida o'zaro ishonch va halol munosabatlarni o'rnatishni ta'minlashga harakat qilishimiz oldimizdagi muhim vazifalardan biri desak mubolag'a bo'lmaydi.

Foydalanilgan adabiyotlar

1. O'zbekiston Respublikasining 22.04.2021 yildagi “Davlat xaridlari to'g'risida”gi ORQ-684-son Qonuni.

2. Xaydarov N. Davlat moliyasini boshqarish. – T.:Akademiya.2005.
3. O’roqov U.Yu. Davlat xaridi: o’quv qo’llanma. – T.:Nihol print OK, 2022.
4. Jean Tirole. The Theory of Incentives in Procurement and Regulation. MIT Press. 1993.
5. Sue Arrowsmith. The Law of Public and Utilities Procurement. Sweet&Maxwell. 2014.
6. 5-Modul. Moliya: Davlat xaridlari:darslik. – T.:“Lesson Press” MCHJ nashriyoti, 2024.
7. Elektron davlat xaridlari platformasi (www.etender.uz).
8. <https://www.gazeta.uz/oz/2024/12/02>

BUDJET XARAJATLARINING OPTIMALLASHTIRISH MASALALARI

Tilabov Nasrulla Tashmurotovich



*iqtisodiyot fanlari bo'yicha
falsafa doktori (PhD)
moliya va moliyaviy
texnologiyalar kafedrası
dotsenti*

Toshkent davlat iqtisodiyot universiteti

E-mail: nasrullatilabov@gmail.com

ORCID 0000-0002-4412-4019

Olimov Parvezjon Asrorovich



magistraturant

O'zbekiston respublikasi

Vazirlar Mahkamasi huzuridagi

Biznes va tadbirkorlik

oliy maktabi

E-mail: parvezjonolimov@gmail.com

Annotatsiya. Maqolada davlat byudjeti xarajatlarini optimallashtirishning asosiy yo'nalishlari va ularni amalga oshirishning dolzarb muammolari tahlil qilingan. Byudjet jarayonlarining shaffofligini oshirish, xarajatlarni qisqartirish va samarali yo'naltirish, ijtimoiy sohalarga ajratilayotgan mablag'larni optimallashtirish, soliq tizimini takomillashtirish va byudjet nazoratini kuchaytirish kabi muhim jihatlar ko'rib chiqilgan.

Davlat xarajatlarining samarali boshqarilishi, byudjet mablag'larini maqsadli va samarali taqsimlash, iqtisodiy va ijtimoiy ehtiyojlarni hisobga olish hamda korruptsiyani kamaytirish bo'yicha takliflar ishlab chiqilgan.

Kalit so'zlar: davlat budjeti, byudjet jarayoni, byudjeti resurslari, budjet xarajatlari, xarajatlarini optimallashtirish, moliyaviy siyosat, soliq tizimi, byudjet nazorati

ВОПРОСЫ ОПТИМИЗАЦИИ БЮДЖЕТНЫХ РАСХОДОВ

Тилабов Насрулла Ташмуратович

кандидат экономических наук

доцент кафедры

финансов и финансовых

технологий

Ташкентский государственный

экономический университет

E-mail: nasrullatilabov@gmail.com

ORCID 0000-0002-4412-4019

Алимов Парвезджан Асрорович

магистрант

*Высшая школа бизнеса и
предпринимательства
при Кабинете Министров
Республики Узбекистан*

E-mail: parvezjonolimov@gmail.com

Аннотация. В статье анализируются основные направления оптимизации расходов государственного бюджета и актуальные проблемы их реализации. Были рассмотрены такие важные аспекты, как повышение прозрачности бюджетных процессов, сокращение и эффективное направление расходов, оптимизация средств, направляемых в социальную сферу, совершенствование налоговой системы, усиление бюджетного контроля.

Разработаны предложения по эффективному управлению государственными расходами, целевому и эффективному распределению бюджетных средств, учету экономических и социальных потребностей, снижению коррупции.

Ключевые слова: государственный бюджет, бюджетный процесс, бюджетные ресурсы, бюджетные расходы, оптимизация расходов, финансовая политика, налоговая система, бюджетный контроль.

IMPROVING THE MAIN DIRECTIONS OF BUDGET COST OPTIMIZATION

Tilabov Nasrulla Tashmurotovich

*Doctor of Philosophy (PhD)
in Economic Sciences*

*Associate professor department
of finance and finance technological
Tashkent State the University
of Economics*

*E-mail: nasrullatilabov@gmail.com
ORCID 0000-0002-4412-4019*

Olimov Parvezjon Asrorovich

graduate student

*Higher School of Business and Entrepreneurship
The Cabinet of ministers
Republic of Uzbekistan*

E-mail: parvezjonolimov@gmail.com

Abstract. The article analyzes the main directions of optimizing state budget expenditures and current problems of their implementation. Important aspects such as increasing the transparency of budget processes, reducing and effectively directing expenditures, optimizing funds allocated to social sectors, improving the tax system and strengthening budget control are considered.

Proposals have been developed for effective management of state expenditures, targeted and effective distribution of budget funds, taking into account economic and social needs, and reducing corruption.

Keywords: state budget, budget process, budget resources, budget expenditures, cost optimization, financial policy, tax system, budget control.

Kirish

Barcha mamlakatlarda davlat byudjetining xarajatlarini optimallashtirish dolzarb muammolaridan biri bo'lib, iqtisodiy barqarorlikni ta'minlash, davlat byudjetining samarali ishlashini ko'rsatish va iqtisodiy rivojlanishning barqarorligini saqlash uchun juda muhim hisoblanadi.

Bugungi kunda davlat xarajatlarining optimallashtirilishi, byudjet mablag'laridan foydalanish samaradorligini oshirish, qarz yukini kamaytirish, maqsadli dasturlarni to'g'ri yo'naltirish, korruptsiyani kamaytirish kabi muhim masalalar mavjud. Ushbu jarayonning dolzarbligi, mamlakatning ijtimoiy va iqtisodiy sohalarida barqaror rivojlanishni ta'minlash uchun zarur bo'lgan natijalarni olish uchun davlat resurslarining samarali boshqarilishi va ularning ijtimoiy ehtiyojlarga yo'naltirilganligiga bog'liqdir.

Bu borada O'zbekiston byudjetining xarajatlarini optimallashtirish mamlakatning iqtisodiy salohiyatini oshirish va ijtimoiy adolatni ta'minlash uchun muhim ahamiyatga ega bo'lgan dolzarb masala hisoblanadi.

Adabiyotlar sharhi

Mavzuga oid ilmiy-nazariy qarashlar iqtisodiy fanlar doktori, professor., T. S. Malikov o'z tadqiqotlarida byudjet-soliq siyosatiga to'xtab o'tadi. Olimning fikricha, “Eng umumiy va sodda tarzda byudjet-soliq siyosati, bir tomondan, byudjet daromadlarini (oqilona) shakllantirish va, ikkinchi tomondan, byudjet xarajatlarini (samarali) sarflash bilan bog'liq. Aslida byudjet siyosati, tom ma'noda, o'z ichiga soliq siyosatini ham qamrab oladi. Biroq amaliyotda, ko'pchilik hollarda, byudjet daromadlarini shakllantirishga qaratilgan siyosatni, odatda, soliq siyosati va byudjet xarajatlarini sarflashga qaratilgan siyosatni esa byudjet siyosati deb yuritiladi. Shu ma'noda byudjet-soliq siyosatini shartli ravishda bir-biridan va nisbiy jihatdan mustaqil bo'lgan byudjet va soliq siyosat-

larining majmui sifatida ham e'tirof etish mumkin.

Byudjet siyosati doirasidagi dolzarb muammolarning barchasi, beixtiyor, byudjet defitsitiga borib taqaladi. Birgina uning darajasiga qarab turib, byudjet siyosatining ahvoriga makrodarajada baho berish mumkin” [1].

Breg S. o'z tadqiqotida shunday deydi “Ifodali qilib aytilganda, byudjet siyosati oqqush singari ko'kka tomon parvoz qilayotganda, soliq siyosati cho'rtanbaliq kabi dengiz tomon yoki qisqichbaqaga o'xshab quruqlik sari yo'l olmog'i kerak emas. Aks holda, arava o'rnidan qo'zg'almaganidek, byudjet-soliq siyosatining samara-dor (natijali)ligi ham pastligicha yoki “0”ga tengligicha qolaveradi” [2].

Byudjet-soliq siyosati to'g'ri va oqilona yurgizilsa, bir so'mlik mablag'ni sarflab, ba'zi hollarda, o'n so'mlik samarani kutsa bo'ladi. Aksincha bo'lganda esa, milliard-milliard so'mlik mablag'lar samarasiz, “qumga suv singib ketgandek” g'oyib bo'lishi mumkin.

Soros Dj. bu masalaga shunday fikr bildiradi: “Byudjet siyosatidan absolyut mustaqil bo'lgan hamda unga bevosita bog'liq bo'lmagan holda ishlab chiqilgan soliq siyosati mavjud emas va aksincha. Navbatdagi moliya yilida soliq siyosatining asosiy yo'nalishlari va unda sodir bo'lishi mumkin bo'lgan ba'zi bir o'zgarishlar, boshqa ba'zi bir sabablar bilan bir qatorda, oxir oqibatda, o'sha yilga daxldor bo'lgan byudjet xarajatlari ko'lamining qanday ekanligiga borib taqaladi. O'z navbatida, shu yildagi byudjet siyosatining asosiy yo'nalishlarini va unda sodir bo'lishi mumkin bo'lgan ayrim o'zgarishlarni asosan, shak-shubhasiz, byudjet daromadlari hajmi (miqdori)ning qanday ekanligi belgilab beradi. Shu ma'noda byudjet siyosatisiz soliq siyosatini va aksincha, soliq siyosatisiz byudjet siyosatini to'g'ri tasavvur etib bo'lmaydi. Ular ikkalasining o'zaro mushtarakligi, bir-birini taqozo etishi va vobastaligi byudjet-soliq siyosatining yagonaligidan darakdir” [3].

Tahlil va natijalar

O'zbekistonda ham, aksariyat mamlakatlarda bo'lgani kabi, davlat byudjeti ham davlatning ijtimoiy-iqtisodiy rivojlanishiga bevosita ta'sir ko'rsatadigan elementlar orasida muhim o'rin tutadi. Ushbu ta'sir ijtimoiy takror ishlab chiqarish tizimini isloh qilishda, milliy iqtisodiyotning turli sohalarini rivojlantirishni tashkil etishda namoyon bo'ladi, buning natijasida ilmiy-texnik taraqqiyot ham ta'sir qiladi. Bundan tashqari, byudjet orqali byudjet mablag'lari O'zbekiston Respublikasining byudjet siyosatida belgilangan maqsad va vazifalarga muvofiq maxsus belgilangan hududlarga ajratiladi va hozirga kunning dolzarb vazifalaridan biri hisoblanadi.

Ayniqsa budjet-soliq siyosatida muhim qararlardan biri 2024 yil 27 dekabr kuni Prezidentning tadbirkorlar bilan o'tkazgan uchrashuvi ana shunday muloqotlardan biri bo'lgandi. Unda tadbirkorlar sohaga bo'lgan qarashlarini ochiq bayon qilib, takliflarini bildirishdi. Quvonarlisi, avvallariday imtiyoz emas, barcha uchun teng sharoitga doir takliflar yangradi. Ko'tarilgan masalalarni atroflicha o'rganish natijasida 27 dekabr kuni "Tadbirkorlar uchun teng sharoitlar va adolatli raqobat muhitini ta'minlash bo'yicha navbatdagi chora-tadbirlar to'g'risida"gi PF-229-sonli farmon imzolandi [4].

Bu farmon raqobat muhitini sog'lomlashtirish, tadbirkorlarning qonuniy manfaatlarini himoya qilish va ularning ish faoliyati uchun qulay shart-sharoitlar yaratishga asos bo'lishi mumkin. Tadbirkorlar bilan muloqot orqali davlat va xususiy sektor o'rtasidagi o'zaro aloqalarni mustahkamlashga qaratilgan bunday ishlar kelgusida tadbirkorlik muhitini yanada yaxshilashga xizmat qiladi.

Bu borada davlat moliyasini boshqarish tizimini yangi bosqichga olib chiqish va byudjet intizomini yanada mustahkamlash, soliq-byudjet tizimining shaffofligini oshirish, O'zbekiston Respublikasi Davlat byudjeti mablag'laridan foydalanish samaradorligi va natijadorligini oshirish, Davlat byudjetini o'rta muddatli davr uchun rejalashtirishning zamonaviy usullarini joriy etish yuzasidan aniq chora-tadbirlar amalga oshirildi.

Bu borada davlat moliyasini boshqarish tizimini yangi bosqichga olib chiqish va budjet intizomini yanada mustahkamlash, soliq-budjet tizimining shaffofligini oshirish, O'zbekiston Respublikasi Davlat budjeti mablag'laridan foydalanish samaradorligi va natijadorligini oshirish, Davlat budjetini o'rta muddatli davr uchun rejalashtirishning zamonaviy usullarini joriy etish ijrosini ta'minlash maqsadida O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining “2020-2024 yillarda O'zbekiston Respublikasi davlat moliyasini boshqarish tizimini takomillashtirish strategiyasini tasdiqlash to'g'risida”gi 2020 yil 24 avgustdagi 506-sonli qarori [5] qabul qilindi.

Ushbu qarorni qabul qilinishini ahamiyati juda ham muhim bo'lib, O'zbekiston Respublikasida davlatning strategik maqsadlariga erishish uchun yo'naltirilgan islohotlarni davlat moliyasini boshqarishni takomillashtirishga asoslangan holda amalga oshirish uchun eng asosiy xujjat bo'lib xizmat qildi.

Mazkur qarorning asosiy maqsadi davlat moliyasini boshqarish tizimini yangi bosqichga olib chiqish va budjet intizomini yanada mustahkamlash, soliq-budjet tizimining shaffofligini oshirish, O'zbekiston Respublikasi davlat budjeti mablag'laridan foydalanish samaradorligi va natijadorligini oshirish, davlat budjetini o'rta muddatli davr uchun rejalashtirishning zamonaviy usullarini joriy etishga qaratildi.

Shuningdek, bu borada 2025-2030-yillarda O‘zbekiston Respublikasi davlat moliyasini boshqarish tizimini takomillashtirish strategiyasi loyihasining muhokamasi ham bo‘lib o‘tdi va Jahon banki va Xalqaro valyuta jamg‘armasi ekspertlari, O‘zbekiston Respublikasi Oliy Majlisi va Hisob palatasi vakillari, Iqtisodiyot va moliya vazirligi hamda tegishli vazirlik va idoralar xodimlari tomonidan ko‘rib chiqildi.

Mamlakatimiz byudjeti daromadlar va xarajatlar kabi o‘zaro bog‘liq ikkita komponentni o‘z ichiga oladi. Respublika byudjet daromadlari – bu davlat qonunchiligiga muvofiq byudjetga bepul va qaytarib bo‘lmaydigan asosda kiradigan iqtisodiy resurslar. Respublika byudjet xarajatlari davlat organlari tomonidan ularga Yuklangan funktsiyalarni amalga oshirish uchun zarur bo‘lgan iqtisodiy resurslarni nazarda tutadi.

Respublika byudjet xarajatlari – bu davlat uchun belgilangan barcha maqsad va vazifalarni moliyaviy rag‘batlantirishni tashkil qilish uchun Respublika byudjet tomonidan shakllantiriladigan va qayta taqsimlanadigan moliyaviy resurslar miqdoridir.

Respublika byudjetning barcha turdagi xarajatlari belgilangan iqtisodiy davr uchun tuzilgan davlat faoliyati uchun umumiy xarajatlarni ta‘minlash uchun undan olinadigan moliyaviy resurslarni o‘z ichiga oladi. Respublika byudjet xarajatlari davlat ehtiyojlari bilan belgilanadigan maqsadlar uchun milliy daromadni to‘plash va shakllantirish natijasida yuzaga keladigan moliyaviy munosabatlarning namoyon bo‘lishiga asoslanadi.

1-jadval.

**2025 йил учун Ўзбекистон Республикаси консолидациялашган
бюджетининг жамланма параметрлари
хамда 2026-2027 йилларга бюджет мўлжаллари***

Т/р	Кўрсаткичлар	2025 йил учун прогноз	Бюджет мўлжаллари:	
			2026 йил	2027 йил
I.	Консолидациялашган бюджет даромадлари	430 989,9	496 453,9	564 993,0
1.	Давлат бюджети даромадлари	308 546,9	353 767,3	406 065,5
2.	Давлат мақсадли жамғармалари даромадлари*	66 440,8	81 759,1	94 099,7
3.	Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармасига тушумлар	22 249,4	24 474,3	26 187,5
4.	Бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари жамғармаларига тушумлар	33 752,9	36 453,1	38 640,3
II.	Консолидациялашган бюджет харажатлари	480 496,5	552 013,2	629 149,7
1.	Давлат бюджети харажатлари*	290 417,5	343 569,0	400 183,9
2.	Давлат мақсадли жамғармалари харажатлари	117 192,0	129 491,8	143 270,5
3.	Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва	20 293,7	21 474,3	22 887,5

	таракқиёт жамғармаси маблағларининг сарфланиши			
4.	Бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари жамғармалари маблағларининг сарфланиши	33 752,9	36 453,1	38 640,3
5.	Ташқи қарз ҳисобидан давлат дастурларига харажатлар	18 840,4	21 025,0	24 167,5
III.	Давлат мақсадли жамғармаларига трансфертлар	54 362,6	52 152,6	53 566,4
IV.	Давлат бюджетига трансфертлар	10 480,0	10 400,0	10 400,0
V.	Консолидациялашган бюджет сальдоси (<i>профицит</i> +, <i>дефицит</i> -)	-49 506,5	-55 559,3	-64 156,8
VI.	Давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармалари сальдоси (<i>профицит</i> +, <i>дефицит</i> -)	-32 621,8	-37 534,3	-43 289,3
VII.	Давлат қарзларини сўндириш	46 083,9	50 013,7	58 264,2

* O'zbekiston Respublikasining 2024 yil 24 dekabr "2024 yil uchun O'zbekiston Respublikasi Davlat byudjeti to'g'risida"gi O'RQ-1011-sonli Qonuni materallari asosida tayyorlangan.

Jadvaldan ko'rinib to'ribdiki, O'zbekiston Respublikasi Prezidenti 2025-yilgi davlat budjeti to'g'risidagi qonunni imzoladi. YIM 6% o'sishi, inflyatsiya 7–8% gacha pasayishi kutilmoqda. Konsolidatsiyalashgan budjet taqchilligi chegarasi YIMga nisbatan 4% dan 3% gacha (49,3 trln so'm) tushirildi, tashqi qarz limiti 5,5 mlrd dollargacha oshirildi.

Sanoatning o'sish sur'atlari 6,1 foiz bo'lishi kutilmoqda, xizmat ko'rsatish sohasi – 14,5 foiz, qishloq xo'jaligi – 4,1 foiz, qurilish – 14,2 foiz. Avvalroq bu ko'rsatkichlarga “har bir sohada tarkibiy o'zgarishlarni sifatli davom ettirish” orqali erishish kutilayotgani ta'kidlangan edi.

2025-yilda inflyatsiyani 7–8 foizga (loyihada 7 foizga), 2026-yilda 5–6 foizga, 2027-yilda 5 foizga tushirish rejalashtirilgan. Avvalroq Markaziy bank 2025-yilning ikkinchi yarmidan 5 foizlik inflyatsiya ko'rsatkichiga erishishni 2026-yilning ikkinchi yarmiga ko'chirgandi.

Konsolidatsiyalashgan budjet taqchilligi 2025-yilda YIMning 3 foizini (bu yilgi 4 foiz o'rniga) tashkil etishi kutilmoqda.

Bundan tashqari, davlat qarzi YIMga nisbatan 60 foiz makroiqtisodiy xavfsiz darajadan, o'rta muddatli istiqbolda esa YIMga nisbatan 50 foizdan oshmasligini ta'minlash bo'yicha barcha choralar ko'riladi.

Davlat qarzi 45 milliard dollarga (YIMga nisbatan 36,4 foiz), 2027-yilda esa 55,9 milliard dollarga (YIMga nisbatan 36,7 foiz) oshishi kutilmoqda.

Xarajatlar 480,3 trln so'm miqdorida prognoz qilinmoqda (498,3 trln so'm edi).

Budjet daromadlari 308,5 trillion so'm (330,6 trillion), xarajatlari esa 290,4 trillion so'm bo'lishi kutilmoqda (323,8 trillion so'm).

Yangi yilda 78 tuman o‘zini o‘zi moliyalashtirishga o‘tkaziladi – buning uchun yig‘ilgan soliqlarning ko‘proq qismi tumanlarda qoldiriladi. Hozircha 71 tuman davlat budjetidan transfertlar olishda davom etmoqda.

2030-yilga borib O‘zbekiston iqtisodiyoti hajmini 200 milliard dollarga yetkazish rejalashtirilgan, bu avvalroq prognoz qilingan 160 milliard dollardan ko‘p.

Shu jihatdan, bugungi kunga kelib Respublika byudjet mablag'laridan foydalanish samaradorligini oshirish muhim harakat drayverlardan biri hisoblanadi. Respublika byudjet xarajatlarini optimallashtirishdan maqsad iqtisodiy o'sish uchun sharoitlar yaratishdir.

Yaqin kelajakda Respublika byudjet xarajatlarini optimallashtirish byudjet siyosati faoliyati orqali amalga oshirilishi ko‘chaytirish kerak. Amaldagi me'yoriy hujjatlarga muvofiq davlat iqtisodiy resurslarini boshqarishda asosiy maqsad ulardan samarali va oqilona foydalanishdir, bu O'zbekiston Respublikasi aholisining hayot sifatini yaxshilashga va boshqa ijtimoiy-moliyaviy tadbirlarni amalga oshirishga yordam beradigan islohot hisoblanadi.

2-jadval.

**2025-yil uchun O‘zbekiston Respublikasi budjetidan ajratiladigan
tartibga soluvchi budjetlararo
transfertlar miqdori (mlrd so‘m)***

T p	Худудлар номи	Сумма	шундан акциз солиғи бўйича тушумлар ҳисобидан ажратиладиган маблағлар*
1.	Қорақалпоғистон Республикаси	2 223,0	171,8
2.	Андижон вилояти	2 180,0	292,0
3.	Бухоро вилояти	693,8	175,5
4.	Жиззах вилояти	1 103,1	129,8
5.	Қашқадарё вилояти	974,3	306,5
6.	Навоий вилояти	92,5	92,5
7.	Наманган вилояти	2 228,4	263,9
8.	Самарқанд вилояти	2 093,3	362,3
9.	Сурхондарё вилояти	2 062,3	247,9
10.	Сирдарё вилояти	812,1	78,6
11.	Тошкент вилояти	262,6	262,6
12.	Фарғона вилояти	2 143,8	349,5
13.	Хоразм вилояти	1 330,8	171,3
14.	Тошкент шаҳри	262,2	262,2
	Жами	18 462,2	3 166,4

* O'zbekiston Respublikasining 2024 yil 24 dekabr "2024 yil uchun O'zbekiston Respublikasi Davlat byudjeti to'g'risida"gi O'RBQ-1011-sonli Qonuni materallari asosida tayyorlangan

Jadvaldan ko'rinib to'ribdiki, 2025-yilda O'zbekiston Respublikasining Davlat budjeti xarajatlarini amalga oshirishning o'ziga xos xususiyatlarida biri mahalliy davlat hokimiyati organlarining tashabbusiga ko'ra amalga oshiriladigan qo'shimcha tadbirlarni moliyalashtirish faqat Qoraqalpog'iston Respublikasi budjetining, viloyatlar va Toshkent shahar, tumanlar va shaharlar mahalliy budjetlarining qo'shimcha manbalari hisobidan amalga oshiriladi.

Bundan ko'rinib turibdiki, respublika byudjetning iqtisodiy resurslarini sarflash samaradorligini o'rganish rejalashtirish davrida haqiqiy byudjet xarajatlarining prognoz ko'rsatkichlari bilan o'zaro bog'liqligini hisobga olishni nazarda tutadi. Ushbu turdagi tahlilni o'tkazishda kutilayotgan ko'rsatkichlarni xarajatlarning alohida turlari bo'yicha haqiqatda bajarilgan ko'rsatkichlar bilan taqqoslash oqilona bo'ladi. Bunday holda, barcha byudjet xarajatlari, istisnosiz, xarajatlarga, shuningdek hajm xususiyatlariga ko'ra guruhlanadi.

Bundan tashqari, bunday tadqiqotlarni amalga oshirish uchun mustaqil shaxslarni, xususan, turli mutaxassislarni, shuningdek, nodavlat ilmiy muassasalarni jalb qilish kerak.

Davlat xizmatlari samaradorligini oshirish eng muhim yo'nalishlardan biri sifatida Respublika byudjet xarajatlarini optimallashtirishni o'z ichiga oladi.

Shunga qaramay, kelajakda hududiy va mahalliy byudjetlarning mustaqilligini oshirishni davom ettirish muhimdir. Buning uchun ularning foyda manbalarini, shuningdek Qonunchilik sohasidagi majburiyatlarni sarflash oqilona davom ettirish kerak. Bundan tashqari, ushbu yo'nalishda rivojlanish kontsepsiyasini, shuningdek, O'zbekiston Respublikasining ta'sis sub'ektlari byudjetlari doirasida byudjetlararo o'tkazmalar tarkibini takomillashtirish zarur.

Subsidiyalarga kelsak, ulardan foydalanish faqat O'zbekiston Respublikasi sub'ektlarining loyihalariga muvofiq amalga oshiriladi va ularni amalga oshirish tartibi davlat loyiholari bilan tartibga solinishi kerak. Bugungi kunga qadar ushbu kontsepsiya qonun hujjatlariga muvofiq dasturiy maqsadli usulni qo'llab-quvvatlash bilan birga davlatimizda shakllanmoqda. Kontsepsiyaning joriy etilishi iqtisodiy mustaqillikni oshirishga imkon beradi va natijada davlat hokimiyati ijro etuvchi organlarining belgilangan xususiyatlar va vazifalarni bajarish uchun javobgarligi belgilanishidir.

O'zbekiston Respublikasining butun moliya tizimining eng muhim elementi Respublika byudjetidir. Respublika byudjet ta'lim shakli va davlatning moliyaviy resurslarini sarflash sifatida belgilanishi mumkin.

Bundan tashqari, davlat mahsuloti va milliy daromadni qayta taqsimlash Respublika byudjet orqali amalga oshiriladi.

Shuni alohida takidlash mumkinki, Respublika byudjet, boshqa darajadagi byudjet kabi, daromad va xarajatlar qismlaridan iboratki, daromadlar davlat organlariga yuklatilgan funktsiyalarni bajarish uchun moliyaviy bazani aks ettiradi. Xarajatlar qismi bu funktsiyalarni ta'minlash uchun ajratilgan moliyaviy

resurslardir. Respublika byudjet xarajatlari O'zbekiston Respublikasining iqtisodiy rivojlanishi uchun muhimdir, chunki ular boshqaruvning turli jihatlariga, ilg'or ilmiy yutuqlarni ishlab chiqish va ishlab chiqarishga joriy etishga ta'sir qiladi.

Shuningdek, davlat mudofaa qobiliyatini mustahkamlash, ijtimoiy takror ishlab chiqarishda ishtirok etish va iqtisodiyot samaradorligini oshirish orqali turli xil Respublika byudjet xarajatlarini talab qiladi. Biroq, bu holda, ularning barchasi bir xil maqsadga - davlat ehtiyojlarini qondirishga xizmat qiladi.

Yuqorida keltirilgan takliflardan kelib chiqib, byudjet xarajatlarini optimallashtirish bo'yicha chora-tadbirlar talab etiladi, ularning asosiylari:

- eng katta samarali natijaga qaratilgan qaratilgan byudjet kontsepsiyasini joriy etishni takomillashtirish;

- davlat xizmatlarini ko'rsatish, shuningdek davlat xaridlari, byudjetlararo o'tkazmalarni taqsimlash konsepsiyasini ham takomillashtirish;

- Respublikasi byudjetining iqtisodiy resurslarini sarflash samaradorligini tahlil qilish;

- byudjet investisiyalari darajasini oshirish.

Xulosa

Mazkur olib borilgan tadqiqotlardan ko'rinib to'ribdiki, Respublika byudjet xarajatlarini optimallashtirishda davlatning ijtimoiy-iqtisodiy rivojlanish dinamikasiga salbiy ta'sir ko'rsatadigan byudjetni asossiz qisqartirishdan qochish kerak. Respublika byudjet xarajatlarini optimallashtirish yangi ijtimoiy-iqtisodiy muammolarning sababi bo'lmasligi kerak.

Ayniqsa davlatning moliyaviy resurslarini boshqarishda, budjet xarajatlarini optimallashtirish juda muhim vazifa hisoblanadi. Tadqiqotlar shuni ko'rsatdiki, budjet xarajatlarini optimallashtirish davlat moliyasining samaradorligini oshirish, iqtisodiy o'sishni rag'batlantirish va davlat xarajatlarining foydaliligi hamda adolatlilikini ta'minlashda muhim rol o'ynaydi hamda takliflar qo'yidagilardan iborat:

1. Xarajatlar tahlilini doimiy ravishda amalga oshirish bo'yicha xarajatlarni tahlil qilish va ularni samaradorligini baholash doimiy ravishda amalga oshirilishi kerak. Shuningdek, xarajatlarni uzluksiz optimallashtirish va ularni eng samarali va muhim sohalarga yo'naltirish zarur.

2. Ochiq va shaffof budjet tuzish bo'yicha budjetni tuzish jarayonida ochiqlikni ta'minlash, shaffof va jamoatchilikka ochiq qarorlar qabul qilish davlat ishonchini oshiradi. Bu nafaqat xarajatlarni optimallashtirishga, balki davlat moliyasining samaradorligini oshirishga yordam beradi.

3. O'quv va trening dasturlarini joriy etish bo'yicha moliya va iqtisodiyot sohasida mutaxassislarni o'qitish va ularning bilimlarini yangilash zarur. Bu, ayniqsa budjetni boshqarish bo'yicha mutaxassislar va davlat xizmatida ishlovchi xodimlar uchun muhim.

4. Moliya resurslarini samarali taqsimlash uchun ilmiy tadqiqotlarni kuchaytirish bo'yicha budjet xarajatlarini optimallashtirish borasidagi ilmiy-

tadqiqot ishlarini davom ettirish va ularni amaliyotga tatbiq etish zarur. Buning uchun iqtisodiyot, moliya va boshqaruv sohalarida yangi tadqiqotlar olib borilishi kerak.

5. Boshqaruvni modernizatsiya qilish bo'yicha budget xarajatlarini optimallashtirishda zamonaviy boshqaruv texnikalarini va metodologiyalarini joriy etish zarur. Bu davlatning moliyaviy barqarorligini ta'minlashga yordam beradi.

Xulosa qilib aytganda, budget xarajatlarini optimallashtirish nafaqat iqtisodiy samaradorlikni oshiradi, balki ijtimoiy barqarorlikni ham ta'minlashga xizmat qiladi. Buning uchun zarur bo'lgan barcha yo'nalishlar belgilab berilgan va ularni amaliyotga joriy qilish davlatning moliyaviy barqarorligini ta'minlashda muhim ahamiyat kasb etadi.

Foydalanilgan adabiyotlar

1. Malikov.T.S. Budget soliq siyosati. O'quv qo'llanma.– T.: Iqtisodiyot-Moliya. 2019. – 652 b.

2. Сидорова Е.А. Бюджетно-финансовая политика в ЕС: учебное пособие. <https://znanium.ru/catalog/document?id=5886>

3. Soros G. The alchemy of finance. N.Y., London: John Wiley Publ., 2007. 391 p. <https://archive.org/details/alchemyoffinance0000soro>

4. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining "Tadbirkorlar uchun teng sharoitlar va adolatli raqobat muhitini ta'minlash bo'yicha navbatdagi chora-tadbirlar to'g'risida"gi 2024 yil 27 dekabr PF-229-sonli farmon. <https://t.me/uzchamber/15695>

5. O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining “2020-2024-yillarda O'zbekiston Respublikasi davlat moliyasini boshqarish tizimini takomillashtirish strategiyasini tasdiqlash to'g'risida”gi 2020 yil 24 avgustdagi 506-sonli qarori. <https://lex.uz/docs/-4966572>

6.7. O'zbekiston Respublikasining 2024 yil 24 dekabr "2024 yil uchun O'zbekiston Respublikasi Davlat byudjeti to'g'risida"gi O'RQ-1011-sonli Qonuni. <https://lex.uz/ru/docs/-7277618>

www.lex.uz - O'zbekiston Respublikasi qonun hujjatlari ma'lumotlari milliy bazasi

www.imf.uz - O'zbekiston Respublikasi Iqtisodiyot va moliya vazirligi sayti

www.isdb.org - Islom taraqqiyot banki (Islamic Development Bank) sayti

www.worldbank.org - Jahon banki (World Bank) sayti

www.ebrd.com - Evropa tiklanish va taraqqiyot banki (EBRD) sayti

МУАММОЛИ КРЕДИТЛАРНИНГ ЮЗАГА КЕЛИШ САБАБЛАРИ ВА УЛАРНИ КАМАЙТИРИШ ЙЎЛЛАРИ



Абдуллаева Шарбат Зулпикаровна

*иқтисодиёт фанлари доктори,
профессор
Тошкент давлат
иқтисодиёт университети
E-mail: sharbat_z@mail.ru,
ORCID: [0009-0007-8182-7753](https://orcid.org/0009-0007-8182-7753)*

Абдуллаева Нозима Ахтамовна

*мустақил изланувчи
Тошкент давлат иқтисодиёт университети
E-mail: n.a.abdullaeva@gmail.com 909421511*

Аннотация. Мақолада тижорат банкларининг иқтисодиёт тармоқлари ва аҳолига кредит бериш имконияти ошиб бориши билан биргаликда муаммоли кредитлар салмоғи ҳам ошиб бораётганлиги, муаммоли кредитларнинг юзага келиш сабаблари, банк фаолиятига таъсири ўрганилиб, уларнинг салмоғини камайтириш бўйича хулоса ва таклифлар ишлаб чиқилган.

Калит сўзлар: кредит, муаммоли кредит, Базель қўмита, муддати ўтган кредитлар, муддати ўтган фоизлар, кредитлаш жараёни, кредит портфели сифати, кредит мониторинги.

ПРИЧИНЫ ВОЗНИКНОВЕНИЯ ПРОБЛЕМНЫХ КРЕДИТОВ И ПУТИ ИХ СОКРАЩЕНИЯ

Абдуллаева Шарбат Зулпикаровна

*доктор экономических наук профессор
Ташкентский государственный
экономический университет
E-mail: sharbat_z@mail.ru
ORCID: [0009-0007-8182-7753](https://orcid.org/0009-0007-8182-7753)*

Абдуллаева Нозима Ахтамовна

*независимый исследователь
Ташкентский государственный
экономический университет
E-mail: n.a.abdullaeva@gmail.com*

Аннотация. В статье изучены вопросы увеличения доли проблемных кредитов, связанные с повышением способности коммерческих банков предоставлять кредиты отраслям экономики и населению, рассмотрены

причины возникновения проблемных кредитов и их влияние на банковскую деятельность, а также разработаны способы и даны предложения по их сокращению.

Ключевые слова: кредит, проблемный кредит, Базельский комитет, просроченные кредиты, просроченные проценты, процесс кредитования, качество кредитного портфеля, кредитный мониторинг.

CAUSES OF THE OCCURRENCE OF PROBLEM LOANS AND WAYS TO REDUCE THEM

Абдуллаева Шарбат Зулпиқаровна

*Doctor of Economics Professor
Tashkent State University of Economics
E-mail: sharbat_z@mail.ru
ORCID: [0009-0007-8182-7753](https://orcid.org/0009-0007-8182-7753)*

Абдуллаева Нозима Ахтамовна

*independent researcher
Tashkent State University of Economics
E-mail: n.a.abdullaeva@gmail.com*

Abstract. The article examines the phenomenon whereby an increase in the ability of commercial banks to extend credit to various economic sectors and the general population is accompanied by a rise in the proportion of non-performing loans. It analyzes the causes of non-performing loans, their impact on banking operations, and provides conclusions and recommendations for reducing their share.

Keywords: loan, problem loan, Basel Committee, overdue loans, overdue interest, lending process, loan portfolio quality, credit monitoring.

Кириш

Халқаро амалиётда бўлганидек, мамлакатимиз тижорат банклари фаолияти ва уларнинг молиявий барқарорлигига таъсир қилувчи асосий кўрсаткичлардан бири банк томонидан берилган кредитларнинг ўз вақтида банкга қайтарилиши, уларнинг муаммоли кредитларга айланмаслиги ҳисобланади. Кейинги йилларда банкларнинг иқтисодиёт тармоқлари ва аҳолига кредит бериш имконияти ошиб бориши билан биргаликда муаммоли кредитлар салмоғи ошиб бораётганлигини кўриш мумкин. 2023 йил давомида тижорат банкларининг жами кредит портфели 81,4 трлн сўмга ўсиб, йил якунида 471,4 трлн сўмни ташкил қилган. Муаммоли кредитлар миқдори йил бошидаги кўрсаткич (13,99 трлн сўм)га нисбатан 2,63 трлн сўмга ўсган. 2024 йил 1 январь ҳолатига тижорат банкларининг муаммоли кредитлар миқдори 16,62 трлн сўмни ташкил этган ва ундан 13,26 трлн.сўмлик муаммоли кредитлар давлат улуши мавжуд тижорат банклари зиммасига тўғри келади [10]. 2020 йил бошида тижорат банклари кредит портфелида муаммоли

кредитлар салмоғи 1,5 % ни ташкил этган бўлса, 2024 йил бошида уларнинг салмоғи 3,5 % ни ташкил этган. Муаммоли кредитларнинг юзага келиш сабабларини ўрганиш ва уларнинг салмоғини камайтириш бўйича хулоса ва таклифлар ишлаб чиқиш ушбу мақоланинг мақсади ҳисобланади.

Адабиётлар шарҳи

Тижорат банкларининг асосий фаолият тури бўлган кредитлар бериш жараёни банк фаолияти учун юқори рискга боғлиқ бўлиши билан биргаликда катта даромад бериш имкониятини ҳам яратади. Банк даромадларининг юқори бўлиши банкга жалб қилинган маблағлардан самарали фойдаланиш, уларни rischi кам бўлган активларга жойлаштириш орқали юқори даромад олишга йўналтиришига боғлиқ. Аммо, тижорат банклари амалиёти шуни кўрсатадики, банклар қанчалик riskдан қочиб кредитлар ажаратишга эътибор беришига қарамасдан улар фаолиятида муаммоли кредитлар юзага келиб туради. Кўп ҳолларда банклар амалиётида муаммоли кредитлар аксарият ҳолларда мижозлар сабабли юзага келади. Мижозларнинг кредит шартнома шартларини ўз вақтида бажармаслиги, кредитни бошқа мақсадларга ишлатиши, мижоз молиявий аҳволининг ёмонлашиши, кредит таъминотидаги камчиликлар ва бошқалар муаммоли кредитлар юзага келишига олиб келади ва бундай кредитлар банк учун қимматга тушадиган кредитлар ҳисобланади.

Хорижий амалиётда "ишламайдиган кредит" тушунчаси Халқаро валюта жамғармасининг “Ишламайдиган кредитлар билан ишлаш тўғрисида”ги ҳужжатида кўрсатилган "ишламайдиган кредит" тушунчаси билан чамбарчас боғлиқ. У қуйидагича талқин қилинади: яъни, "ишламайдиган кредит" бу хизмат кўрсатилмайдиган кредит ва бунда асосий қарз ва/ёки фоизлар бўйича 90 кун ёки ундан кўпроқ муддатга муддати ўтган тўловлар ёки 90 кун ва ундан кўпроқ вақтга тенг фоиз тўловлари қайта молиялаштирилган ёки келишув асосида кечиктирилган кредит ҳисобланади. Аммо, бу ерда кредит тўлови кечикиши билан боғлиқ бошқа сабаблар масалан, қарздор банкрот бўлиш ёқасида туриши ёки банкротлик эҳтимоли катта бўлиши ҳам инобатга олинади [1.15.]. Қабул қилинган 90 кунлик мезон барча учун бир хил эмас, чунки юқорида келтирилган таърифнинг иккинчи қисмига эътибор қаратадиган бўлсак, охириги ҳолатда хизмат кўрсатилмайдиган кредитни янги кредит билан алмаштириш орқали бу кредитни қайта таснифланмаслик кафолатланмоқда. Банк назорати бўйича Базел қўмитаси томонидан муаммоли кредитга берилган таъриф ҳам юқоридаги таърифга ўхшайди. Базел қўмитаси муаммоли кредитни кредит маҳсулоти сифатида изоҳлайди, бунинг учун банк олдидаги мажбуриятларни бажариш муддатлари сезиларли даражада бузилган, қарздорнинг молиявий аҳволи сезиларли даражада ёмонлашган, шунингдек, унинг сифати ёмонлашган ёки кредит бўйича гаров йўқлиги билан асослайди. Базель бўйича муаммоли кредит: биринчидан, кредит бўйича мижоз ўз мажбуриятларини бажара олмайди, яъни тўловни 90 кундан ортиқ кечиктириш ҳоллари мавжуд ёки банк томонидан ушбу кредит

турли чоралар кўрилмасдан (секьюритизация қилиниб, қайта молиялаштирилиб, қайта кўриб чиқилиб, тўлов муддатлари кечиктирилмасдан) ёки банкдан уни тўлаш чораларини кўришни сўрамасдан кредитни тўлашнинг имкони мавжуд бўлмаса, иккинчидан, тўловчининг кредитга лаёқатлилигининг пасайиши туфайли активлар сифати пасайиб, улар қадрсизланаётган бўлса, учинчидан, кредит тўлови муддати неча кунга кечиктирилишидан қатъий назар, агар банкда мижознинг гаров таъминотини сотмасдан асосий қарз ва у бўйича фоизларни тўлай олиши имконияти йўқлиги тўғрисида далиллари бўлса бундай кредит муаммоли кредит ҳисобланади [2.41.]. Базель қўмитасининг муаммоли кредитларга қараши нисбатан қаттиқроқ эканлигини кўришимиз мумкин. Ўзи банк амалиётида ҳар қандай сифатли кредитларда ҳам кредитлашнинг асосий тамойилларини бузиш кредит рискининг ошиши ва кредит портфелининг сифат кўрсаткичларига салбий таъсир кўрсатиши мумкин. Россиялик олим О. И. Лаврушиннинг фикри Базель қўмитасининг таърифи билан ҳамоҳангдир. Олим муаммоли кредитнинг биринчи белгилари банк ходими томонидан мижозга, унинг молиявий ҳолати, кредитланадиган объекти ва кредит таъминотига шухба билан қарашдан бошланади деб изоҳлайди [3.89.]. Мазкур иқтисодчи олим банк кредитдан фойдаланиб, ундан даромад олар экан, қарз олувчидан кредит маблағларининг тўлиқ ва ўз вақтида ундириб олиш масаласи банклар учун устувор вазифалардан бири ҳисобланади. Чунки “... банк сармоя эгаси сифатида сармояни эмас, балки сармоядан фойдаланиш ҳуқуқини маълум бир шарт ва устама фоизлар билан сотади” деб таъкидлайди. Шунингдек, В.Д. Никифорова, А.В. Коваленко, А.А. Никифоровларнинг фикрича, муддати ўтган ва муаммолига айланган кредитлар янги кредитлар каналларини бўғиб қўяди, тижорат банкининг даромади ва тўловга лаёқатлилигини пасайтиради. Муаммоли кредитларнинг юқори даражаси етарлича кўп сонли банкларга таъсир қилганда, молия тизими кўнгилдагидек ишлашни тўхтатади ва банклар энди иқтисодиётни кредитлаш функциясини муваффақиятли бажара олмайди деб таъкидлашади [4.3.].

Юқорида таъкидлаганимиздек, банк кредитларининг ҳолати, сифати бир томондан, унинг кредит сиёсати талабларининг лозим даражада бажарилиши банкга боғлиқ бўлса, иккинчи томондан, мижозларнинг кредит шартномада ўз зиммасига олган мажбуриятларини бажаришига ҳам боғлиқ бўлади. Одатда илмий адабиётларда ва тижорат банклари амалиётида кўпроқ эътиборни “муаммоли кредитлар” ёки “муаммоли активлар”га қаратишади. Бизнинг фикримизча, муаммоли кредитлар муаммоли активларнинг бир қисми ҳисоблангани учун, банк активларининг сифат даражаси банк кредитларининг сифат даражасига узвий боғлиқлилигига алоҳида эътибор қаратилиш лозим. Кредитлаш жараёни ва кредит сифати бўйича биз мамлакат олимларимиздан Ш.З.Абдуллаева [5.328.] кредитларнинг сифати даражаси кредит шартнома шартларининг ўз вақтида бажарилмаслиги ва кредит билан боғлиқ рискларни устувор меъзон сифатида баҳоласа, мазкур соҳанинг яна

бир вакили У.А. Тўхтабоев [6.9.] кредит муносабатларида вақт меъзони илгари суришини кўришимиз мумкин. Ф.К. Холмаматов [7.488.] мамлакатимиз тижорат банклари кредитлаш фаолиятини олиб боришда бир қанча қийинчилик ва муаммоларга дуч келаётганлигини таъкидлаган. Россиялик олимлардан О.И. Лаврушин [8.147.] эса кредитлар ва фоизларнинг ўз вақтида қайтмаслиги ва кредит рискларнинг юзага келиши кредит сифатини туширишига эътибор берса, С. Е. Зайченко, Ю.Ю. Платонова ва Е.Н. Рублевалар [9.28-36.] қарз олувчи томонидан қарзни тўлиқ ёки ўз вақтида тўламаслик эҳтимолини келтириб чиқарадиган омилларнинг таснифи жуда кенглигига диққатни қаратишади.

Таҳлил ва натижалар

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки маълумотларига кўра, тижорат банкларининг жами кредит портфели 2023 йил давомида 81,4 трлн сўмга ўсиб, йил якунида 471,4 трлн сўмни ташкил қилган. Муаммоли кредитлар миқдори йил бошидаги кўрсаткич (13,99 трлн сўм)га нисбатан 2,63 трлн сўмга ўсган [10]. 2024 йил 1 январь ҳолатига тижорат банкларининг муаммоли кредитлар миқдори 16,62 трлн сўмни ташкил этган ва ундан 13,26 трлн сўмлик муаммоли кредитлар давлат улуши мавжуд тижорат банклари зиммасига тўғри келса, бошқа банклар улуши 3,35 трлн сўмни ташкил этган. Улуш жиҳатдан олсак, бу кўрсаткич мос равишда банклар кредит портфелининг 3,5%, 4 % ва 2,4%.ларни ташкил қилган. 2024 йил октябрь ойида банкларнинг кредит портфели 5,38 трлн сўмга кўпайиб, унинг жами қолдиғи 521 трлн сўмдан ортган. Қолган давлат банкларининг барчасида кредитлар қолдиғи ортиши ҳисобига уларнинг кредит портфели 3,4 трлн сўмга, бошқа банкларда 1 трлн. 957 млрд сўмга ошган. Бошқа банклар орасида жами 8 та банкда, айниқса Ипотека банкда (-708 млрд сўм) кредит қолдиғи камайган [10].

1-жадвал.

Давлат улуши мавжуд бўлган тижорат банкларининг муаммоли кредитлари (1.01.2024 й. ҳолатига, млрд сўм.)*

№	Банк номи	Кредит портфель	Муаммоли кредитлар (NPL)	Муаммоли кредитларнинг жами кредитлардаги улуши
	Жами	471 406	16 621	3,5%
	Давлат улуши мавжуд банклар	333 298	13 267	4,0%
1.	Ўзмиллийбанк	99 423	3 098	3,1%
2.	Ўзсаноатқурилишбанк	57 124	1 283	2,2%
3.	Агробанк	54 483	2 071	3,8%
4.	Асака банк	39 213	1 731	4,4%
5.	Халқ банки	24 549	1 855	7,6%
6.	Бизнесни ривожлантириш банки	21 801	1 935	8,9%
7.	Микрокредитбанк	14 437	865	6,0%
8.	Турон банк	11 894	271	2,3%
9.	Алоқа банк	10 294	157	1,5%
10.	Пойтахт банк	79	2	2,3%

*сбу.уз.Ўзбекистон Республикаси Марказий банки расмий сайти маълумотлари

асосида тайёрланди.

Жадвал маълумотлари шуни кўрсатадики, давлат улушига эга бўлган тижорат банклари кредит портфелида республика банклари томонидан ажратилган кредитларнинг 70,7% мужассамланган. Бинобарин, кредитлар ҳажмининг юқорлиги бу банкларда муаммоли кредитлар салмоғининг ҳам юқори бўлишига олиб келган десак хато бўлмайди. 2024 йил бошига мавжуд бўлган муаммоли кредитларнинг 79,8 % давлат улуши мавжуд бўлган тижорат банкларига тўғри келади. Алоҳида тижорат банкларининг олиб қарайдиган бўлсак фаолиятида энг катта улушда муаммоли кредитга эга бўлган банк бу Бизнесни ривожлантириш банки ҳисобланади ҳамда бу банкда муаммоли кредитларнинг салмоғи қарийиб 9 % ни ташкил этади. Муаммоли кредитларнинг салмоғи бўйича иккинчи ўринни эгаллаб турган банк Халқ банки бўлиб бу банкда муддати ўтган кредитлар салмоғи 7,6 % ни ташкил этган. Кейинги учинчи ўринда Микрокредитбанк бўлиб унда муаммоли кредитлар салмоғи 6,0 % ни этди.

2-жадвал.

Давлат улуши бўлмаган тижорат банкларининг муаммоли кредитлари (1.01.2024 й. ҳолатига, млрд.сўм.)*

№	Банк номи	Кредит портфель	Муаммоли кредитлар (NPL)	Муаммоли кредитларнинг жами кредитлардаги улуши
	Жами	471 406	16 621	3,5%
	Бошқа банклар	138 107	3 354	2,4%
1.	Ипотека банк	37 264	1 733	4,7%
2.	Капитал банк	26 586	375	1,4%
3.	Ҳамкор банк	15 854	99	0,6%
4.	Ипак йўли банк	11 701	251	2,1%
5.	Ориент Финанс банк	8 448	25	0,3%
6.	Инвест Финанс банк	6 431	68	1,1%
7.	Давр банк	5 004	32	0,6%
8.	Траст банк	4 947	101	2,0%
9.	Тенге банк	4 208	109	2,6%
10.	Тибиси банк	3 730	73	1,9%
11.	Азия Альянс банк	3 712	55	1,5%
12.	Анор банк	3 169	64	2,0%
13.	Зираат банк	1 595	36	2,2%
14.	Универсал банк	1 162	35	3,0%
15.	Гарант банк	922	43	4,7%
16.	Мадад инвест банк	292	39	13,2%
17.	Октобанк	249	212	85,2%
18.	Эрон Содерот банк	22	4	17,6%

*сбу.уз. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки расмий сайти маълумотлари асосида тайёрланди.

Юқорида келтирилган маълумотлар шуни кўрсатадики, давлат улушига эга бўлмаган тижорат банклари томонидан берилган кредитлар барча кредитларнинг 29,3 % ни ташкил этади. Муаммоли кредитларда мазкур банкларнинг улуши эса 20,2 % ни ташкил этмоқда.

3-жадвал.

**Тижорат банклари жами кредитларида муаммоли кредитларнинг
салмоғи (1.01.2024 й. ҳолатига, фоизда)***

Кўрсаткичлар	Кредит портфель	Муаммоли кредитлар (NPL)	Муаммоли кредитларнинг жами кредитлардаги улуши
Жами кредитлар	100	100	100
Давлат улушига эга бўлган тижорат банклари	70,7	79,8	4,0
Давлат улушига эга бўлмаган тижорат банклари	29,3	20,2	2,4

*cбу.uz. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки расмий сайти маълумотлари асосида тайёрланди.

Юқоридаги маълумотлардан биз кўришимиз мумкинки, республикада тижорат банклари томонидан иқтисодиёт тармоқлари ва аҳолига ажратилган кредитларнинг катта миқдори, яъни 70,7 % давлат улушига эга бўлган тижорат банклари зиммасига тўғри келади. Қолган 29,3 % давлат улушига эга бўлмаган бошқа тижорат банклари кредит портфелига тўғри келади. Натижада давлат улушига эга бўлган тижорат банклари томонидан берилган кредитлардан ўз вақтида банкга қайтарилмаган кредитларнинг ичидаги салмоғи ҳам юқори бўлиб муаммоли кредитлар ҳажмида қарийиб 79,8 % ни ташкил этди. Бинобарин, муаммоли кредитлар ичида давлат улушига эга бўлмаган тижорат банклари улуши 20,2 % ни ташкил этмоқда.

Хулоса

Хулоса қилиб айтиш мумкинки:

- муаммоли кредитлар салмоғининг ўсиши пандемия вақтида мижозларга кредит ва унинг фоизларини тўлашда берилган имтиёзлар, яъни, кредитлар ва улар фоизларини тўлаш муддатининг узайтирилганлигидан бошланди ҳамда унинг салмоғи 2020 йилдаги 1,5-1,8%дан 6% гача ошиб кетишига олиб келди. Афсуски, Марказий банк томонидан берилган бундай имтиёз баъзи мижозлар томонидан суистеъмол қилиниши тижорат банклари кредит портфелида муаммоли кредитлар салмоғининг катта фарқлар билан ошишига олиб келди;

- муаммоли кредитлар салмоғи ўсишининг кейинги сабаби имтиёзли кредитлар берилиши, мижозларнинг кредитдан фойдаланиш соҳасидаги молиявий саводхонлик даражасининг пастлиги, кредитдан мақсадсиз фойдаланиш, кредит тамойиллари, шартлари ва ундан фойдаланиш бўйича кўникмаларнинг мавжуд эмаслиги ёки саёзлиги ҳисобланади;

- мижознинг кредитга лаёқатлилиги таҳлилининг мукамал эмаслиги, кредит таъминоти билан боғлиқ муаммолар, кредит шартномасидаги камчиликлар, кредитдан мақсадли фойдаланиш устидан назоратнинг етарли эмаслиги;

- кредит ажратишда у билан боғлиқ рискларнинг чуқур ҳисоб китоб

қилинмаслиги, кредитнинг кўпроқ давлат дастури доирасида ижтимоий масалаларнинг ечимига қаратилаётгани муаммоли кредитлар салмоғининг ўсишига олиб келмоқда.

Бизнинг фикримизча, тижорат банкларида муаммоли кредитлар салмоғини камайтириш учун:

- тижорат банкларининг кредит сиёсатини мукамал ишлаб чиқиш, унда шароитдан келиб чиқиб бир ёки икки марталик “кредитни реструктуризация қилиш” ёки “мижозга кредит тўлови бўйича таътилар бериш”ни режалаштириш ва кредитларнинг сифатли бўлишига эътибор қаратиш лозим;

- мижознинг кредит тарихи ва кредитга лаёқатлилигини тўлиқ ўрганиш, кредитлар ва активлар сифатини таснифлашда муаммоли кредитлар сабабларини ўрганган ҳолда риск даражасини баҳолашнинг янги усуллари жорий қилиш лозим;

- мижознинг кредитдан фойдаланиш борасидаги билим ва кўникмаларидан келиб чиқиб кредит миқдорини шакллантиришда бозор шартларига устиворлик бериш ва фоиз ставкаларини либераллаштириш;

- акциядорлик тижорат банкларида имтиёзли кредитлар ажаратиш юқини камайтириш, давлат дастурида белгиланган ижтимоий масалаларнинг ечимини таъминлашга қаратилган имтиёзли кредитлар беришга ихтисослашган давлат улушига эга бўлган банкни ва мазкур соҳадаги рискларни суғурталайдиган суғурта компаниясини ташкил этиш орқали тижорат банкларида муаммоли кредитлар салмоғини камайтириш лозим деб ўйлаймиз.

Фойдаланилган адабиётлар

1.The Treatment of Nonperforming loans, Clarification and Elaboration of Issues Raised by the December 2004.Issue Paper Prepared for the July 2005 Meeting of the Advisory Expert Group on National Accounts, June 2005, 15 p.

2.Guidelines Prudential treatment of problem assets - definitions of non-performing exposures and forbearance: Basel Committee on Banking Supervision, July 2016, 41 p.

3.Лаврушин О.И. Банковский менеджмент. – М.: КноРус, 2016. – 504 с.

4.Никифорова В.Д., Коваленко А.В.,Никифоров А.А. Теоретические и практические аспекты работы коммерческих банков с проблемными кредитами//Экономика и экологический менеджмент. – №3 – 2019.– С.3.

5.Абдуллаева Ш.З. Банк иши. II-китоб. – Т.:IQTISOD MOLIYA.2019 –518 б.

6.Тўхтабоев У.А. Муаммоли кредитлар ва уларни бартараф этиш йўллари. и.ф. н. илмий ... автореферат. – Т. 2006 й.

7.Холмаматов Ф.К. Республика банк тизимида муаммоли кредитларнинг амалий ҳолати ва уларни камайтириш йўллари. www.scientificprogrecc.uz. Р.488

8.Лаврушин О.И. Банковские риски: учебник. – М: КноРус, 2019. –с.147.

9.Зайченко С. Е., Платонова Ю. Ю.и др. Инструменты управления

портфелем проблемных кредитов в современных условиях // Банковская деятельность. 2011. № 4 (436). с. 28–36;

10.cbu.uz. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки расмий сайти маълумотлари

ТИЖОРАТ БАНКЛАРИДА МУАММОЛИ АКТИВЛАРНИ ҚИСКАРТИРИШ МАСАЛАЛАРИ

Митиллаев Иброхимжон Турсунпўлатович



*бухгалтерия ҳисоби ва банк иши
кафедраси катта ўқитувчиси
Андижон иқтисодиёт
ва қурилиш институти
E-mail:ibr1980@mail.ru
ORCID: 0008-0009-6518-8710*

Аннотация. Мақолада банк молиявий ресурсларини самарали бошқаришда кредит портфелини юритишнинг ўрни, тижорат банклари кредит портфелининг ҳолати, уларнинг активлар ликвидилигига таъсири кўриб чиқилган. Мавзу юзасидан бир қатор хорижий ҳамда мамлакатимизнинг иқтисодчи-олимлари томонидан берилган таърифлар ҳамда фикрлари ўрганилиб, уларнинг мазмуни очиб берилган. Шунингдек мақолада Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари молиявий ресурсларини бошқариш бўйича норматив ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини ишлаб чиқишда, тижорат банкларида активларни бошқаришга қаратилган чора-тадбирлар дастурини ишлаб чиқиш борасида таклиф ва амалий тавсиялар берилган.

Калит сўзлар: тижорат банки, актив, мажбурият, кредит, капитал, молиявий ресурсларни бошқариш, молиявий ресурс, банк активлари, рақамли активлар, ликвидилик, кредит портфели, қимматли қоғозлар.

ВОПРОСЫ СОКРАЩЕНИЯ ПРОБЛЕМНЫХ АКТИВОВ В КОММЕРЧЕСКИХ БАНКАХ

Митиллаев Иброхимжон Турсунпўлатович

*ст.препод. кафедры бухгалтерского
учета и банковского дела
Андижанский экономико-
строительный институт
E-mail:Ibr1980@mail.ru,
ORCID: 0008-0009-6518-8710*

Аннотация. В данной статье рассматривается роль управления кредитным портфелем в эффективном управлении финансовыми ресурсами банка, состояние кредитных портфелей коммерческих банков и их влияние на ликвидность активов. Изучены теоретические положения ряда зарубежных и отечественных ученых по данной теме, даны им соответствующие оценочные выкладки автора. Кроме того, в статье приведены предложения и практические рекомендации по разработке

проекта нормативно-правового документа и программы мероприятий по управлению финансовыми ресурсами коммерческих банков Республики Узбекистан.

Ключевые слова: коммерческий банкинг, актив, пассив, кредит, капитал, управление финансовыми ресурсами, финансовый ресурс, банковские активы, цифровые активы, ликвидность, кредитный портфель, ценные бумаги.

PROBLEMS OF REDUCING DISTRESSED ASSETS IN COMMERCIAL BANKS AND WAYS TO SOLVE THEM

Mitillaev Ibrokhimjon Tursunpulatovich

*Senior teacher
Department of
Accounting and Banking
Andijan Institute of
Economics and Construction,
E-mail: Ibr1980@mail.ru
ORCID: 0008-0009-6518-8710*

Abstract. This article examines the role of investment portfolio management in the effective management of bank financial resources, the state of investment portfolios of commercial banks and their impact on asset liquidity. According to the research materials and methods, the definitions and opinions given by a number of foreign and domestic economists-scientists on the topic were studied, and the author explained their meaning. In addition, the article provides proposals and practical recommendations for the development of a draft regulatory legal document on the management of financial resources of commercial banks of the Republic of Uzbekistan, and the development of a program of measures aimed at managing assets in commercial banks.

Keywords: commercial banking, asset, liability, loans, capital, financial resource management, financial resource, bank assets, digital assets, liquidity, loans portfolio, securities.

Кириш

Муаммоли активларнинг, жумладан, муаммоли кредитларнинг юзага келиши қуйидаги салбий ҳолатларга олиб келиши мумкин:

- омонатчилар, инвесторлар ва бошқа мижозларнинг мазкур банкка бўлган ишончини йўқолиши ҳамда банк нуфузини тушиб кетиши;
- тижорат банклари харажатларининг ортиб кетиши;
- тижорат банкларининг даромад келтирувчи активларини музлатилиши;
- даромад келтирувчи банк операцияларидан келаётган фойда ҳажмининг қисқариши туфайли моддий рағбатлантиришларнинг камайиши натижасида банкнинг малакали кадрлар қўнимсизлигининг ортиши;

- банк ликвидлиги ва тўловга лаёқатлиги пасаяди;
- муаммоли активлар бўйича эҳимолий йўқотишларга қарши захира яратилган тақдирда банк даромадининг қисқариши, банк фаолиятида муҳим ўрин тутувчи бошқа кўрсаткичларнинг тушиб кетиши ва бошқалар.

Бу масалани ҳал қилишда биринчи навбатда муаммоли активлар моҳияти, хусусиятларини ҳозирги замон бозор иқтисодиёти субъектларига хос бўлган хатарлилик ва табиати билан боғлиқ ҳолда бошқариш ва таҳлил қилиш, шунингдек уларни ҳисобини юритиш ва аудит ўтказиш амалиётларини такомиллаштириш муҳим аҳамиятга эга бўлади.

Бугунги кунда тижорат банкларида активларнинг муаммога айланишининг асосий сабабларига қуйидагиларни мисол қилишимиз мумкин:

- кредит (лизинг) ажратиш бўйича ариза берувчини дастлабки мониторингдан ўтказилмаслиги бунда асосий эътиборни мижознинг характери унинг бизнес ҳамкорлари орасидаги мавқеи, тажрибаси шу билан бирга гаровга олиниши режалаштирилаётган мол-мулкни жойига чиқган ҳолатга ўрганилмаслиги ҳамда мижознинг фаолияти билан яқиндан танишишмаслиги;

- кредит бўлими ходими мижозларнинг молиявий ҳолатини таҳлил қилиш бўйича етарли билим ва малакага эга бўлмаганлиги сабабли мижознинг молиявий аҳволини тўлиқ ва сифатли таҳлил қилинмаслиги;

- мижознинг кредит тарихи пухта ўрганилмаслиги;
- мижозларнинг фирибгарлик қилишга мойиллиги;
- мижоз фаолият олиб бораётган соҳада иқтисодий танглик ҳолатлари кузатилса;

- кредит шартномаларда мижознинг кредит ва фоиз тўлов графикларини бизнес режага мутаносиб равишда расмийлаштирилмасликлари;

- форс-мажор ҳолатлари.

Ўрганишлар ва таҳлилий маълумотлар натижасида шундай фикрга келдикки, тижорат банкларининг муаммоли активларининг вужудга келишининг қатор объектив ва субъектив омиллар таъсир қилади.

Объектив омиллар хусусида фикр юритганда, шуни таъкидлаш жоизки, бу хориж амалиётида ҳам кузатилаётган тижорат банкларида муаммоли активларнинг мавжудлиги. Бу табиий жараён, албатта бундан қочиб бўлмайди, чунки иқтисодиёт ва реал секторда барча жараёнлар доимо ҳам бир текисда кетмайди. Мисол сифатида рўй берган пандемияни, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозни, геосиёсий зиддиятлар, ўзаро урушларни келтириш мумкин. Мазкур ҳолатлар тижорат банклари муаммоли активларининг вужудга келишига сабаб бўладиган объектив омиллар ҳисобланади, уларни қайсидир жиҳатдан тартибга солиш ёки камайтириш тижорат банкларида боғлиқ эмас.

Адабиётлар шарҳи

Тижорат банклари активлари таркибида рискли активлар сифатининг

ёмонлашуви уларнинг актив моддалари муаммоли активга айланаётганидан далолат беради. Муаммоли активлар тижорат банки фаолияти учун мўлжалланган активларнинг алоҳида тоифаси ҳисобланади.

Таъкидлаганимиздек, тижорат банклари муаммоли активлари хусусида жуда кўп илмий тадқиқот ишлари амалга оширилган.

Масалан, профессор О.И. Лаврушин тижорат банклари активлари таркиби ва уларнинг иқтисодий моҳиятини назарий ва илмий жиҳатдан таҳлил қилган. Хусусан, олимнинг фикрига кўра: “Банк активлари тўлиқ мулклар ва ҳуқуқлар қайсики, ўз маблағлари ва жалб қилинган маблағлар ҳисобидан вужудга келган, улардан актив операцияларда кредит муассасалари фойдаланади” [4].

Бизнинг фикримизча профессор О.И. Лаврушин банк активларини шакллантираётганда фақат ўз маблағлари ва мижозларнинг жалб қилинган маблағлари билан чекланган. Хозирги пайтда ижтимоий аҳамиятга эга бўлган давлат дастурлари доирасида берилаётган пул маблағлари ва халқаро бозорлардан жалб қилинаётган ресурслар эътибордан четда қолган.

Россиялик профессор В. Усоскин ҳам «Тижорат банклари муаммоли активлар билан боғлиқ рискларни пасайтириш ва уларни бартараф этишнинг асосий мезони сифатида активлар ва пассивларнинг муддатлари ўртасидаги мутаносибликни таъминлаш зарур» деб таъкидлайди [5]. Олим мазкур мезонни сақлаш орқали тижорат банклари фаолиятида трансформация рискин юзага келишига йўл қўймаслик лозимлигини, бу, ўз навбатида, муаммоли активларни пайдо бўлишига хизмат қилишини таъкидлайди. Бизнинг фикримизча активлар ва пассивларнинг муддатлари ўртасидаги мутаносибликни таъминлаш билан бирга, банк активларини объектив ва субъектив сабабларга кўра ҳам муаммоли активга айланишини олдини олиш зарур.

Россиялик олим Е. Б. Рублева тижорат кредитларида керагидан ортиқча кредитлар берилиши ажратилиши, ишончсиз мижозларга кредитлар берилиши, гаров таъминоти учун ноликвид мулклар олиниши ҳисобига муаммоли кредитлар вужудга келишини таъкидлайди. Муаллифнинг фикрича, муаммоли қарздорликларни камайтириш учун уни вужудга келган захотиёқ маълумотлар тўплаши ва уларни коллекторлик агентлигига бериши лозим. Коллекторлик агентлигида юқори амалий тажрибага эга бўлган юристлар ишлайди (Коллекторлик тизими кредитларни ундириш учун муҳим восита бўлиши мумкин, лекин унинг самарали ва адолатли бўлиши учун ҳуқуқий ва ахлоқий нормаларга риоя қилиниши зарур. Давлат томонидан назорат ва тартибга солиш орқали ушбу тизимнинг салбий таъсирларини камайтириш мумкин). Улар мижоз билан учрашиб, қарздорликни қайтаришни, агар қайтармаган ҳолатда қонунчилик бўйича нима чоралар кўрилиши хусусида тўлиқ тушунчалар беради. Шу боис уларни банк ходимларига нисбатан мижозлар эшитади ва сўзларига амал қилиб иложи борица қарздорликни қайтариш ҳаракатига тушишини асослаб беради. Муаллиф муаммоли активларни олдини олишда коллекторлик агентлигига

мурожаат қилиш мақсадга мувофиқлигини илгари суради.

Муаллиф ўзининг мазкур таърифида муаммоли активларни келиб чиқишинининг асосий сабаби сифатида банк активларининг диверсификация даражасининг пастлигини келтириб ўтади.

Таҳлил ва натижалар

Тижорат банкларида муаммоли активларни қисқартиришга қаратилган илмий қарашлар, бу борада халқаро банк амалиётидаги илғор тажрибалар, хусусан, Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, Ўзбекистон Республикасидаги тижорат банклари молиявий ҳисоботлари ва статистик маълумотлари муҳим аҳамият касб этади.

Қайд этиш зарурки, қуйидаги тижорат банкларининг муаммоли активлари ҳажмини қисқартиришга қаратилган амаллар, яъни:

банк хизматининг услубий асослари самарадорлигини ошириш;

соҳа мутахассислари ва билим олувчиларнинг назарий-услубий билимлар доирасини кенгайтириш:

тижорат банкларининг муаммоли активлари ҳажмини қисқартиришга қаратилган чора-тадбирлар мажмуини ишлаб чиқиш ва улардан иқтисодиёт йўналишидаги олий ўқув юртларида “Банк иши”, “Тижорат банкларининг актив ва пасивларини бошқариш” ва “Пул ва банклар” каби фанларни ўқитишда қўлланма сифатида фойдаланиш тижорат банкларида муаммоли активларни қисқартиришга хизмат қилади.

Тижорат банкларининг муаммоли активлари ҳажмини қисқартиришга бўйича таклифлар еавсия этамиз, яъни:

тижорат банклари активлари таркибида қониқарсиз ва шубҳали активлар сифатида таснифланган активларини баланс қийматидан 10-15 фоиз паст даражада ундириш орқали муаммоли активларини бартараф этиш мумкин. Ушбу таклиф Андижон вилоятидаги банклар амалиётига жорий этилиши натижасида банкнинг муаммоли кредитлари ўтган ҳисобот даврига нисбатан 5 фоизга камайтириш имкониятини беради;

муддати уч йил ва ундан ортиқ муддатдан бўён ундирилмай келинаётган кредитларни сўндириш учун банк балансига олинган қарздорларнинг мулкани асосий қарз ва унга ҳисобланган фоиз тўлови суммасини қоплаш имкониятини берувчи нархда сотиш мумкин. Ушбу таклиф Андижон вилоятидаги банклар амалиётига акс эттирилди натижасида банкнинг муаммоли активлари ҳажми ҳисобот даврига нисбатан 5 фоизга қисқартиришга эришилади;

муддати уч йил ва ундан ортиқ муддатдан бўён ундирилмай келинаётган кредитларни сўндириш учун банк балансига олинган қарздорларнинг мулкани асосий қарз ва унга ҳисобланган фоиз тўлови суммасини қоплаш имкониятини берувчи нархда сотиш лозим. Бу эса Андижон вилоятидаги тижорат банклар амалиётига жорий этилиши натижасида банкнинг муаммоли кредитлари ҳажмини ҳисобот даврига нисбатан 5 фоизга

қисқартиришга эришиш мумкин.

Хулоса

Тижорат банкларининг муаммоли активларини қисқартириш йўллариغا оид ўтказилган тадқиқотлар натижаси қуйидаги хулоса ва таклифлар ишлаб чиқарилишига асос бўлди:

1. Манзилли чора-тадбирларни амалга ошириш, муаммоли кредитларни ундиришда суд-ҳуқуқ ишларини кенг жорий қилиш, шунингдек, кредит ажратилиши давомида ва унга хизмат кўрсатиш босқичида қарз олувчининг молиявий ҳолатини мониторинг қилиб бориш, банкларда муаммоли кредитлар билан шуғулланувчи кредит мониторинги бўлинмалари салоҳиятини мустаҳкамлаш ва NPL кўрсаткичларини камайтириш юзасидан қонунчиликда белгиланган барча механизмлардан самарали фойдаланиш.

2. Тижорат банкларини комплекс трансформация қилиш, муаммоли кредитларни ундиришда банк ишининг замонавий стандартларини, ахборот технологиялари ва дастурий маҳсулотларни жорий этиш.

3. Ўзбекистонда муаммоли активларга доир назарий ва амалий жиҳатлари алоҳида тадқиқот объекти сифатида етарлича ўрганилмаган. Бу ўз навбатида, муаммоли активларни қисқартириш йўлларида вужудга келадиган иқтисодий категорияларни турлича талқин қилиниши, иқтисодий адабиётлар ва истеъмолда қўлланилишига сабаб бўлмоқда.

4. Тижорат банклари активлари таркибида қониқарсиз ва шубҳали активлар сифатида таснифланган активларини баланс қийматидан 10-15 фоиз паст даражада ундириш орқали муаммоли активни бартараф этиш хусусидаги таклифини амалиётга жорий этиш.

5. Жисмоний шахсларни кредитга лаёқатлигини аниқлашда қатор кўрсаткичлари билан бирга яшаш ҳудуди ва барқарор ўртача ойлик даромадларига эътиборга олиш зарурлиги.

6. Муаммоли активларни сўндириш учун банк балансига олинган қарздорларнинг мулкани бозор баҳосида эмас, балки қарзни қоплаш имкониятини берувчи нархда сотишни ташкил этиш мақсадга мувофиқ.

7. Тижорат банкининг икки йилдан ортиқ муддатда фойдаланмаётган кўчмас мулкани баланс қолдиқ қийматида сотиш зарурлиги.

8. Банкларнинг актив моддаларини диверсификация даражасини (давлат ва Марказий банк қимматли қоғозлари, жисмоний шахсларга берилаётган кредит, лизинг оператсиялари) ошириш орқали муаммоли активлар салмоғини қисқартириш йўллари.

9. Банкларда кредит бериш бўйича қарор вабул қилишда маъмурий таъсирни тўлиқ бартараф этишни таъминлаш орқали банк кредит қўмитаси раиси ва унинг аъзоларини банк активлари сифати даражасига қараб иқтисодий рағбатлантириш ёки жазолаш амалиётини жорий этиш таклифи.

10. Ўзбекистонда муаммоли кредитларни қисқартиришда истиқомат қилаётган аҳолининг даромад манабайи қарийб 70 фоизини иш ҳақи ва 15 фоизга яқини эса тадбиркорлик фаолиятидан эканлигини инобатга оладиган бўлсак, келгусида уларнинг кредитга бўлган эҳтиёжи ортиб бораверади. Шу

боис, банклар кредитга лаёқатлигини аниқлашда уларнинг яшаш ҳудуди ва барқарор ўртача ойлик даромадига асосий эътибор қаратиши лозим.

11. Тижорат банклари томонидан муаммоли активлар билан ишлаш амалиётини такмомиллаштиришда инфляция даражаси ва валюта курси, банкнинг активларини рискка тортиш тартиби кабилар устида тегишли ишларни амалга ошириш лозим деб ҳисоблаймиз.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. – Т.: Шарқ, 2023.
2. Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисидаги Қонуни. 2019 йил 11 ноябрь (1995 йил 21 декабрь).
3. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз. – Тошкент: Ўзбекистон, 2017. – 488 б.
4. Лаврушин О.И. Банковское дело: современная система кредитования : учебное пособие / О.И. Лаврушин, О.Н. Афанасьева, С.Л. Корниенко; под ред. засл. деят. науки РФ, д-ра экон. наук, проф. О.И. Лаврушина. – М. : КНОРУС, 2007. – 264 с.
5. Усоскин В. М. Современный коммерческий банк: управление и операции. – М: 2019. – 328 с.
6. Абдуллаева Ш.З. Банк иши: дарслик. – Т.: Иқтисод-молия, 2017.–732 б.

MASOFAVIY BANK XIZMATLARI

Xudayberganova Zarofat Zaxidovna

*iqtisodiyot fanlari bo'yicha
falsafa doktori (PhD)*

*bank hisobi va audit kafedrasi dosenti
Toshkent davlat iqtisodiyot universiteti*

E-mail: xudoyberganova_zarofat@tfi.uz

ORCID:0009-0001-3311-099X

Annotatsiya. Maqolada tijorat banklari tomonidan masofaviy bank xizmatlarini ko'rsatishning tashkiliy-iqtisodiy asoslari bilan bog'liq bo'lgan dolzarb muammolar tadqiq etilgan va ularni hal qilishga qaratilgan ilmiy takliflar ishlab chiqilgan.

Kalit so'zlar: masofaviy bank xizmatlari, inflyatsiya, moliyaviy butik, SMS-banking, internet-banking, tap-to-phone tizimi, mobil-banking, supermarket-banking, moliyaviy savodxonlig

ДИСТАНЦИОННЫЕ БАНКОВСКИЕ УСЛУГИ

Худайберганова Зарофат Захидовна

доктор философии (PhD)

по экономическим наукам

доцент кафедры

банковского дела и аудита

Ташкентский государственный

экономический университет

E-mail: xudoyberganova_zarofat@tfi.uz

ORCID:0009-0001-3311-099X

Аннотация. В статье исследованы актуальные проблемы, связанные с организационно-экономическими основами предоставления дистанционных банковских услуг коммерческими банками, разработаны научные рекомендации и даны предложения, направленные на их решение.

Ключевые слова: дистанционное банковское обслуживание, инфляция, финансовый butik, SMS-банкинг, интернет-банкинг, система Tap-to-phone, мобильный банкинг, супермаркет-банкинг, финансовая грамотность.

REMOTE BANKING SERVICES

Khudaiberganova Zarofat Zakhidovna

Tashkent State University of Economics

Associate Professor of the Department of

“Bank Accounting and Audit” PhD

E-mail: xudoyberganova_zarofat@tfi.uz

ORCID:0009-0001-3311-099X

Abstract. The article identifies current problems related to the organizational and economic foundations of providing remote banking services by commercial banks, and develops scientific proposals aimed at solving them.

Keywords: Remote banking, Inflation, financial boutique, SMS banking, Internet banking, Tap-to-phone system, Mobile banking, Supermarket banking, financial literacy.

Kirish

Jahonda aholiga sifatli masofaviy bank xizmatlari ko'rsatishda raqobat kurashining yanada ortib borishiga, tijorat banklari faoliyati samaradorligining xalqaro darajadagi reytingini baholashga e'tibor qaratilmoqda. Jahon banki hisobotlariga ko'ra «pandemiya raqamli bank xizmatlaridan ilk foydalanuvchilar sonining 40 foizi onlayn-banking xizmatidan foydalangan bo'lib, Sharqiy Osiyo va Tinch okeani mintaqasida – 54 foiz, Lotin Amerikasi va Karib havzasi mintaqasida – 15 foiz, Evropa va Markaziy Osiyo mintaqasida – 10 foizni tashkil etdi» [1]. Tijorat banklari tomonidan masofaviy bank xizmatlarini ko'rsatish jarayonidagi nomuvofiqliklarning mavjudligi va masofaviy bank xizmatlari ko'rsatish sifatining turli darajada ekanligi ushbu sohaga alohida e'tibor qaratilishini taqozo etmoqda.

Adabiyotlar sharhi

Ma'lumki, banklar tomonidan ko'rsatilayotgan xizmatlari nazariyasi tarixi qator bosqichlarni bosib o'tgan. Bank xizmatlar nazariyasi rivojlanishini boshlang'ich bosqichida X. Duglas [2] va G. Brayanning ilmiy ishlari banklar xizmati bozori hamda uning bank xizmatlari segmentini o'rganishga bag'ishlangan. Ikkinchi bosqichda, mamlakatlarning iqtisodiyot tizimlari faoliyatini xususiyatlarini hamda boshqa omillarning bank xizmatlari bozoriga ta'sirini tadqiq etishga bag'ishlangan F. Derek [3] O.Donnel, E.Ballarin ilmiy ishlarida aks etadi. Keyingi uchinchi bosqichda «Moliyaviy supermarket» va «moliyaviy butik» g'oyalari bo'yicha fikrlar ilgari surilgan. Bank xizmatlari bozorida mavjud ko'rsatilayotgan elektron xizmatlar keng tarqalgan bo'lib, banklarning birlashish va singib ketish holatlari ko'paydi. Bu borada D. Jentle, P.Rouz, J.Sinki [4], ilmiy ishlarini alohida ta'kidlab o'tish mumkin.

Tijorat banklarining masofaviy xizmatlari bo'yicha biz qator MDH davlatlari olimlarining ham qarashlarini o'rganib chiqishga harakat qildik. Albatta, bu sohada rossiyalik olimlarning asarlarida turlicha yondashuvlarni ko'rishimiz mumkin. Rossiyalik iqtisodchi olimlar tijorat banklarining masofaviy xizmatlari to'g'risida ko'pchilik bildiradigan fikr atrofida fikrlar bildirishini ko'rishimiz mumkin. Iqtisodchi olim I.I. Bichkova «tijorat banklarining masofaviy xizmatlarini aksariyat hollarda mijozning bankga bormasdan kompyuter texnologiyalari va telefon tarmog'i orqali topshirig'iga asosan amalaga oshirilishi» [5] deb qaraydi. O.I. Lavrushin «... banklarning masofaviy xizmatlari bu bankning o'z mijozlari (jismoniy va yuridik shaxslar)ga turli bank operatsiyalariga masofadan turib ruxsat berish bo'yicha kompleks xizmatlaridir» [6] degan ta'rif beradi. Shuningdek,

O.I.Lavrushinning fikricha, «bank operatsiyalari bank funktsiyalarining amaliyotda amalga oshirilishi bo'lsa, bank xizmatlari esa bir yoki bir necha operatsiyalarning bank mijozi topshirig'iga asosan va ma'lum to'lov evaziga amalga oshirilishini ko'zda tutadi degan qarashni o'rtaga suradi» [7]. Albatta, tijorat banklarining masofaviy xizmatlari o'zining qo'llanilishi va bajarilishi jihatdan masofadan amalga oshiriladigan xizmatdir. Ammo, prof. O.I.Lavrushinning yuqorida keltirib o'tgan fikrlari bizni bank operatsiyalari, bank xizmatlari va mahsulotlari to'g'risida qisqacha bo'lsa-da fikrimizni bayon qilishga undaydi.

Rossiyalik olimlar A.M.Tavasiev, T.Yu.Mazurina, V.B.Bichkovlarning fikricha, «bank xizmatlari bank operatsiyalariga qo'shimcha hicoblanib ularga bank operatsiyalarining qo'shimcha bir turi sifatida qarash mumkin. Ushbu olimlarning fikri bo'yicha bank xizmatlari va bank operatsiyalari o'rtasida farq mavjud emasdek tuyuladi. Lekin biz bilamizki, bank bank faoliyati mijozlar va ularning talablarini qondirish bilan bog'liq. Shuning uchun banklar operatsiyalarni amalga oshirish uchun mijozlarga qanday va qaysi turdagi xizmatlar ko'rsatishi mumkinligini belgilab olishi, ularni mijozlarga etkazishi lozim» [8]. E.P.Jarkovskaya «...bank masofaviy xizmatlari bank ofisida aynan bank xodimi va mijoz ishtirokida emas balki, uyda, ish joyida, umuman mijozga qulay bo'lgan xoxlagan joyda xizmat ko'rsatishdir» [9] degan ta'rifni keltiradi. Mazkur olimning mijoz aynan bank ofisiga kelmasdan bank xizmatidan foydalanishi mumkinligi to'g'risidagi fikrlarini noto'g'ri deb unga e'tirof bildirib bo'lmaydi, chunki tijorat banklarining masofaviy xizmati mijoz tomonidan bank ortidan amalga oshiriladi. A.S.Goncharuk shunday deydi: «Chakana bank xizmatlari – bu aholiga tijorat bilan bog'liq bo'lmagan shaxsiy, oilaviy ehtiyojlarini qondirish uchun standartlashtirilgan bank mahsulotlariga asoslangan xizmatdir» [10].

Tahlil va natijalar


Respublikada innovatsion texnologiyalardan foydalanuvchilar bilan bir qatorda bank hicob varaqlarini masofadan turib boshqarish tizimlaridan foydalanuvchilar soni ham kundan-kunga ortib bormoqda. Axborot texnologiyalari yutuqlarini banklar faoliyatiga dadillik bilan tadbiq etilishi hamda shular asosida mukammal dasturlar yaratilishi va bank xizmatlarini yo'lga qo'yilishining mustahkam platformasi yaratilgan bo'lib, bugunki kunda yangi zamonaviy axborot texnologiyalariga asoslangan dasturiy ta'minotlar amaliyotda foydalanilib kelinmoqda.

Bank tomonidan so'nggi yillarda ko'plab omonatlar joriy qilinishi bilan bir qatorda daromadli karta omonat turlari ham joriy qilingan bo'lib, bu turdagi omonatlarni muddati 6 oygacha va omonatchi tomonidan uning omonat mablag'iga hicoblangan foizlar har oyda o'z kartasiga tushurish imkonini beradi. Bank mahsulot innovatsiyalari sohasida xaridor talabi omilining rivojlanib borish ko'lamini yangi bank tomonidan qo'llanilayotgan texnologiyalar bilan belgilanadi. Shu bilan birga, tijorat banklarining masofaviy xizmatlarini rivojlantirish mobil to'lov dasturlari imkoniyatlarini yanada kengaytirishni taqazo etmoqda. Ushbu mexnizmlarning yagona platformada joriy qilinishi, bank masofaviy xizmatlari

ko'lamining kengaytirilishi uning mijozlariga bir qator yangi imkoniyatlarni yaratadi. Bank xizmatlaridan foydalanishda qo'shimcha qulayliklar yaratish maqsadida mijozlarga bank va to'lov xizmatlaridan bank filiallariga yoki to'lov tashkilotlariga bevosita tashrif buyurmasdan masofaviy tarzda foydalanish imkoniyatini beruvchi mijozlarni masofaviy biometrik identifikatsiya qilish tizimi joriy etildi. 2021 yil sentyabr oyidan boshlab mobil xizmatlarni ko'rsatishda raqamli identifikatsiya qilish mexanizmi (Face ID) amaliyotga joriy etilib, ushbu texnologiyadan 11 ta tijorat banki, 4 ta to'lov tashkiloti va 4 ta marketpleys foydalanmoqda.

1-diagramma.

Bank xizmati ko'rsatish tizimidan masofadan foydanaluvchilar soni*



*cbu.uz.- O'zbekiston Respublikasi Markaziy banki ma'lumotlaridan olindi.

Aholi uchun respublika va xorijiy to'lov tizimlari infratuzilmasida hicob-kitoblarni amalga oshirish imkoniyatini beruvchi 15 ta tijorat banklari tomonidan 652 mingdan ortiq kobeydjing bank kartalari muomalaga chiqarildi. Naqd pulsiz hicob-kitoblar ko'lamini oshirish va mijozlar xaridlarini rag'batlantirish maqsadida mobil aloqa operatorlari va to'lov tashkilotlari bilan hamkorlikda banklar tomonidan ko-brend kartalarini muomalaga chiqarish loyihalari boshlandi. Kontaktsiz to'lov xizmatlarini rivojlantirish doirasida joriy etilgan Tap-to-phone tizimi (terminalsiz) orqali tadbirkorlik sub'ektlari uchun to'lovlarni qabul qilish imkoniyatini beruvchi xizmatdan 380 ta tadbirkorlik sub'ekti foydalanishni boshladi.

Aholining bankka bo'lgan ishonchi, muassasaning obrusi, nufuzini yuqori bulishiga sabab bo'ladi. Negaki, yuridik shaxslardan farqli ularoq, jismoniy shaxslar bilan amaliyotlarni tez bajarilishidadir. Shuni inobatga olgan holda Ipoteka-bankda aholining bank xizmatlariga bo'lgan ehtiyojlarini qondirish uchun turli toifadagi yangi xizmat turlari taklif etilmosda. Ushbu amaliyotlarni sifat jihatdan yuqori saviyada bajarish uchun bank so'nggi yilda ko'pgina ishlarni amalga oshirdi.

1-jadval.

O'zsanoatqurilishbankning ustav kapitali xajmi va dinamikasi*, mlrd so'm

Ko'rsatkichlar	01.01.2018	01.01.2019	01.01.2020	01.01.2021	01.01.2022
O'zsanoatqurilishbank ustav kapitali hajmi	1452	1876,7	4634,5	4634,5	4634,5
<i>O'sish sur'ati</i>	<i>208,0</i>	<i>129,2</i>	<i>246,9</i>	<i>100,0</i>	<i>100,0</i>
Bank sektorining ustav kapitali hajmi	16307	19673	41877	44 655,8	54760
<i>O'sish sur'ati</i>	<i>180,9</i>	<i>20,6</i>	<i>112,9</i>	<i>106,6</i>	<i>122,6</i>
<i>O'zsanoatqurilishbankning bank sektori ustav kapitalidagi ulushi</i>	<i>8,9</i>	<i>9,5</i>	<i>11,1</i>	<i>10,4</i>	<i>8,5</i>

*O'zbekiston Respublikasi Markaziy banki sayti www.cbu.uzhamda va “O'zsanoatqurilishbank” ATB ma'lumotlari asosida tuzilgan.

Jadval ma'lumotlaridan ko'rinib turibdiki, O'zsanoatqurilishbankning ustav kapitali tahlil etilayotgan davr mobaynida mutloq summada oshib bormoqda. Lekin, ustav kapitalning o'sish sur'ati esa bank sektori o'sish sur'atidan orqada qolayotganini ko'rsatmoqda. Buning natijasida, O'zsanoatqurilishbankning ustav kapitalini mamlakatimiz bank sektoridagi salmog'ini oxirgi 3 yilda kamayish tendentsiyasini ko'rsatmoqda. 2019 yil holatiga bu ko'rsatkich 11,1 foizni tashkil etgan bo'lsa, 2022 yilda esa 8,5 foizga tushgan. Bu esa, o'z navbatida, mamlakatimiz bank sektoridagi asosiy o'rinlarda turuvchi O'zsanoatqurilishbankning mavqeiga salbiy ta'sir ko'rsatmoqda. Bizning fikrimizcha, O'zsanoatqurilishbankning o'z mablag'lari tarkibida ustav kapitali ulushini pasayishiga yo'l qo'maslik lozim. Chunki ustav kapital bankning taqsimlanmagan foydasi bilan birga xususiy kapitalning eng barqaror qismi hisoblanadi. Bank tomonidan bunga erishishning eng maqbul yo'li fikrimizcha, bank ustav kapitalining 15 foiz ulushini xorijiy investorlarga sotish orqali tashqaridan zamonaviy korporativ boshqaruvni olib kelish hamda buning hisobiga chet ellik investorlarning masofaviy bank xizmatlarini ko'rsatish borasidagi tajribalarini o'rgangan holda mamlakatimiz bank tizimiga joriy etilishi bugungi kunda respublikada olib borilayotgan iqtisodiy islohotlarda belgilangan vazifalar ijrosini ta'minlanishida o'z hissasini qo'shadi.

2-jadval.

**O'zsanoatqurilishbank depozitlar qoldig'i holati
to'g'risida ma'lumot*, mlrd so'm**

№	Ko'rsatkichlar	01.01.2018	01.01.2019	01.01.2020	01.01.2021	01.01.2022
O'zsanoatqurilishbank						
Jami depozitlar		3 296,8	4 832,9	9 003,9	11 437,1	12 607,3
Shu jumladan:						
1.	Talab qilib olinguncha	2 544,5	2 831,3	3 660,9	6 374,1	5 893,8
2.	1 kundan 30 kungacha	98,5	182,1	148,9	250,0	205,6
3.	30 kundan 180 kungacha	381,6	725,0	1 714,6	1 475,1	2 249,8
4.	180 kundan 365 kungacha	249,3	751,0	834,8	750,3	1 768,4
5.	1 yildan yuqori	22,9	343,5	2 644,7	2 587,7	2 489,7
Ipotekabank						
Jami depozitlar		5 517	6 759	7 787	9 499	15 824

Shu jumladan:						
1.	Talab qilib olinguncha	1 379,3	1 689,8	1 946,8	2 374,8	3 956,0
2.	1 kundan 30 kungacha	275,9	338,0	389,4	475,0	791,2
3.	30 kundan 180 kungacha	551,7	675,9	778,7	949,9	1 582,4
4.	180 kundan 365 kungacha	551,7	675,9	778,7	949,9	1 582,4
5.	1 yildan yuqori	2 758,5	3 379,5	3 893,5	4 749,5	7 912,0

*“O’zsanoatqurilishbank” ATB ma’lumotlari asosida tuzilgan.

Tadqiqot olib borish jarayonida mavzu doirasida alohida tijorat banklarini o’rganish zarurati paydo bo’ldi. Shu nuqtai nazardan, biz tomonimizdan O’zsanoatqurilishbank hamda Ipotekabank ma’lumotlari o’rganildi. Xususan, O’zsanoatqurilishbank depozitlar qoldig’i to’g’risidagi ma’lumotlardan ko’rishimiz mumkinki, 2022 yil 1 yanvar holatiga jami depozitlar 12 607,3 mlrd. so’zni tashkil etgan. Bu ko’rsatkich oldingi yilga nisbatan 10,2 foizga oshgan. Bunga asosiy sabab sifatida O’zsanoatqurilishbank tomonidan bank xizmatlari bozorini chuqur tahlil qilgan holda hamda mavsumga mos bo’lgan onlayn muddatli omonat va onlayn jamg’arma depozitlarni amaliyotga joriy etganligini ko’rsatishimiz mumkin.

Xulosa

Tijorat banklari tomonidan masofaviy bank xizmatlarini ko’rsatishning amaliy holati bilan bog’liq bo’lgan quyidagi xulosalarni shakllantirdik:

1. Tijorat banklari tomonidan ko’rsatilayotgan masofaviy bank xizmatlari, uning samaradorligi va sifati tahlili shuni ko’rsatadiki, hozirgi kunda banklar o’z mijozlariga taklif etayotgan masofaviy xizmat turlarining ko’lami anchaga kengaygan. Birgina bank mobil ilovasi orqali mijoz bankka kelmasdan turib bank xizmatlaridan foydalanishi, milliy valyutadagi mablag’larini xorij valyutasiga komission to’lovsiz erkin konvertatsiya qilishi, onlayn omonatlar qo’yishi va oladigan mablag’larini hisoblab borish, overdraft kreditlarini olishi va kreditlarni so’ndirib borish imkoniga ega.

2. Bank mobil ilovasi orqali mijoz o’z mablag’larini doimo monitoring qilish imkoniga ega bo’ladi. Mana shunday mobil ilovalarning yaratilishi mijozlar vaqtini va mablag’larini tejalishiga va banklarga yanada ko’proq yangi mijozlar jalb qilinishiga zamin yaratmoqda.

3. O’zbekistonda yuqori texnologiyalarga asoslangan holda zamonaviy bank xizmatlari infratuzilmasi yaratilib, mijozlarga keng ko’lamda masofaviy xizmatlar ko’rsatilmoqda.

Foydalanilgan adabiyotlar

1. Jahon banki hisoboti <https://www.worldbank.org/en/news/press-release/2022/06/29/covid-19-drives-global-surge-in-use-of-digital-payments> ma’lumotlari asosida.

2. Дуглас Х. Банковская политика в области кредитования. – М.: Слово, 1971. – 508 с.

3. Дуглас Х. Банковская политика в области кредитования. – М.: Слово, 1971. – 508 с.

4. Синки Дж. Финансовый менеджмент в коммерческом банке и в индустрии финансовых услуг. Пер. с англ. – Москва: Альпина Бизнес Букс, 2007. – 1018 с.
5. Бычкова И.И. Технологические инновации в продаже банковских продуктов / И. И. Бычкова, О. Г. Семенюта // Современные технологии управления. – 2016. – №3 (63). – С. 55-62.
6. Лаврушин О.И. Деньги, кредит, банки: учебник / Под ред. засл. деят. науки РФ, д-ра экон. наук, проф. О.И.Лаврушина. – М.: КНОРУС, 2016. – 576 с.
7. Банковское дело / Под ред. О.И. Лаврушина. М: Финансы и статистика, 2011. 454 с.
8. Тавасиев А.М., Мазурина Т.Ю., Бычков В.Б.. Банковское кредитование. –М.:ИНФРА-М.2012. – 507 с.
9. Жарковская Е.П. Банковское дело. – М.: ОМЕГА-Л. 2014. – 413 с.
10. Гончарук А.С. Институциональные аспекты развития сегмента розничных банковских услуг: дис. канд. экон. наук: 08.00.10 / Сев.-Осет. гос. ун-т им. К.Л. Хетагурова – Шахи, 2012. – 183 с.

ТИЖОРАТ БАНКЛАРИНИНГ МИЛЛИЙ ВАЛЮТА БОЗОРИДАГИ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРИ

Мажидов Жамолиддин Комолиддинович



*мустақил изланувчи
иқтисодиёт фанлари бўйича
фалсафа доктори (PhD)
Тошкент давлат иқтисодий
университети
E-mail: jamoliddin-1985@list.ru
ORCID:0009-0003-7370-3938*

Аннотация. Тижорат банкларининг валюта бозоридаги фаолиятини ривожлантириш хўжалик юритувчи субъектларнинг хорижий валюталарга бўлган талабини қондиришнинг ва уларнинг валюта захираларини валюта risksдан ҳимоя қилишнинг зарурий шarti ҳисобланади. Мақолада Ўзбекистон тижорат банкларининг миллий валюта бозоридаги фаолиятини ривожлантириш билан боғлиқ бўлган долзарб муаммолар тадқиқ этилган ва уларни ҳал қилишга қаратилган илмий таклифлар ишлаб чиқилган.

Калит сўзлар: тижорат банки, валюта бозори, валюта биржаси, хорижий валюталар, спот, своп, форвард, даромад, зарар.

АКТУАЛЬНЫЕ ПРОЛЕМЫ КОММЕРЧЕСКИХ БАНКОВ НА НАЦИОНАЛЬНОМ ВАЛЮТНОМ РЫНКЕ

Маджидов Джамолиддин Комолиддинович

*самостоятельный исследователь
доктор философии (RhD)
по экономическим наукам
Ташкентский государственный
экономический университет
E-mail: jamoliddin-1985@list.ru
ORCID:0009-0003-7370-3938*

Аннотация. Развитие деятельности коммерческих банков на валютном рынке является обязательным условием удовлетворения потребностей хозяйствующих субъектов на иностранные валюты и защиты их валютных резервов от риска.

В статье выиследуются актуальные проблемы, связанные с развитием деятельности коммерческих банков Узбекистана на национальном валютном рынке, разработаны предложения, направленные на решение этих проблем.

Ключевые слова: коммерческий банк, валютный рынок, валютная биржа, иностранные валюты, спот, своп, форвард, доход, убыток,

CURRENT PROBLEMS OF COMMERCIAL BANKS IN THE NATIONAL CURRENCY MARKET

Majidov Jamoliddin Komoliddinovich

*independent researcher
Doctor of Philosophy (RhD)
in Economic Sciences
Tashkent State
the University of Economics
E-mail: jamoliddin-1985@list.ru.
ORCID:0009-0003-7370-3938*

Abstract. The development of the activities of commercial banks in the foreign exchange market is a prerequisite for meeting the needs of business entities for foreign currencies and protecting their foreign exchange reserves from currency risk.

The article identifies current problems associated with the development of the activities of commercial banks of Uzbekistan in the national foreign exchange market and develops scientific proposals aimed at solving these problems.

Key words: commercial bank, foreign exchange market, currency exchange, foreign currencies, spot, swap, forward, income, loss,

Кириш

Ўзбекистон Республикасида юридик ва жисмоний шахсларнинг чет эл валютасини эркин сотиб олиш ва сотиш ҳамда ўз маблағларини ўзининг хоҳишига кўра эркин тасарруф этиш ҳуқуқларини рўёбга чиқаришни тўлиқ таъминлаш, валюта ресурсларидан фойдаланишда бозор инструментларининг ролини ошириш, валюта бозорида барча хўжалик юритувчи субъектлар учун тенг рақобат шароитларини яратиш, валюта сиёсатининг ноанъанавий тармоқларда экспортни ривожлантиришда, минтақавий ва халқаро иқтисодий ҳамкорликни мустаҳкамлашда рағбатлантирувчи ролини ошириш, банк тизимининг барқарорлигини таъминлаш ва унинг таваккалчиликларга бардошлилигини, шу жумладан, валюта сиёсатини либераллаштиришнинг вужудга келиши мумкин бўлган салбий таъсирини юмшатишга қаратилган самарали чораларни қўллаш ҳисобига ошириш, валюта сиёсатининг янги шароитларида таянч тармоқлар корхоналари самарали фаолият юритиши учун уларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш бўйича зарур чора-тадбирлар кўриш валюта сиёсатини либераллаштириш соҳасидаги давлат сиёсатининг устувор йўналишлари қилиб белгиланган [1]. Бу эса, ўз навбатида, мамлакат тижорат банкларининг миллий валюта бозоридаги фаолиятини ривожлантириш заруриятини юзага келтиради.

Адабиётлар шарҳи

Л. Красавинанинг хулосасига кўра, тижорат банклари бажарадиган валюта операцияларининг уч тури – спот операциялари, муддатли валюта

операциялари ва своп операциялари мавжуд бўлиб, ўз навбатида, муддатли валюта операцияларининг куйидаги уч шакли мавжуд:

- *форвард операциялари;
- *валюта опционлари билан амалга ошириладиган операциялар;
- *валюта фьючерслари билан амалга ошириладиган операциялар [2].

М. Чекулаев ўнинг илмий тадқиқоти натижаларига таяниб хулоса қиладики, банклар томонидан жалб қилинган молиявий ресурсларнинг баҳолари “колл” опционлар бўйича юзага келадиган устаманинг даражасига таъсир кўрсатадиган асосий омил ҳисобланади. Бироқ устаманинг тебраниш диапазони чекланганлиги туфайли қимматли қоғозлар портфелида опционлар бўйича позициянинг сезиларсиз даражадаги ўзгариши ҳам баҳолар даражасини ўзгартира олади [3].

Ж.Синкининг фикрича, агар тижорат банки турли хилдаги объектив ва субъектив сабабларга кўра баланс ҳисобрақамлари бўйича валюта рискин хеджирлай олмаса, у ҳолда, хеджирлаш мақсадида балансдан ташқари усуллардан, яъни валютадаги ҳосилавий инструментлардан – фьючерс, форвард, опциондан фойдаланиши мумкин [4].

А.Буренин ўзининг тадқиқотлари натижаларига таяниб, форвард валюта курсига форвард шартномаси объекти бўлган хорижий валюта эмитенти бўлган мамлакатдаги инфляция билан миллий иқтисодиётдаги инфляция ўртасидаги фарқ сезиларли даражада таъсир кўрсатади деган фикрга боради. [5].

Н.Жумаевнинг хулосасига кўра, мамлакат банк тизими ривожланишининг замонавий босқичида миллий валютадаги депозитлар ва кредитларнинг бозор ставкаларини барқарор эмаслиги форвард операцияларини ривожлантиришга тўсқинлик қилмоқда. Чунки баҳоловчи валютадаги депозитларнинг ўртача фоиз ставкаси билан битим валютасидаги кредитларнинг ўртача фоиз ставкаси ўртасидаги фарқ премия ва дисконтнинг даражасини белгилайди [6].

Т.Бобакулов ва У. Абдуллаевнинг хулосасига кўра, тижорат банкларининг форвард операцияларини самарадорлигини таъминлашда реализация қилинмаган фойда ва реализация қилинмаган зарарни тўғри баҳолаш ва уларга таъсир қилувчи омилларнинг таъсир даражаларини баҳолаш муҳим аҳамият касб этади. Бу эса, форвард шартномасида иштирок этувчи томонлардан бирини шартномада кўзда тутилган мажбуриятини бажара олмай қолиш эҳтимолининг мавжудлиги билан изоҳланади [7].

Таҳлил ва натижалар

Ўзбекистон Республикасининг ички валюта бозорида хорижий валюталарга бўлган талаб ва хорижий валюталар таклифи ўртасидаги мутаносибликни таъминлаш тижорат банкларининг ички валюта бозоридаги операцияларини ривожлантириш учун муҳим замин яратади.

1-жадвал.

Ўзбекистон Республикасининг ички валюта бозорида чет эл валютасига бўлган талаб ва таклифи миқдорлари, млн АҚШ доллари*

Кўрсаткичлар	2018 й.	2019 й.	2020 й.	2021 й.	2022 й.
Чет эл валютасига бўлган талаб	11 353	15 537	19 488	26 091	36 606
Чет эл валютасининг таклифи	5 760	9 757	11 824	18 439	27 687

*Жадвал Ўзбекистон Республикасининг Марказий банкнинг www.cbu.uz сайтида эълон қилинган маълумотлар асосида муаллиф томонидан тузилган.

Жадвалда келтирилган маълумотлардан аниқ кўриш мумкинки, биринчидан, мамлакатнинг ички валюта бозорида чет эл валютасига бўлган талабнинг миқдори 2018-2022 йилларда ўсиш тенденциясига эга бўлган; иккинчидан, чет эл валютасининг таклифининг миқдори 2018-2022 йилларда ўсиш тенденциясига эга бўлган; учинчидан, таҳлил қилинган давр мобайнида чет эл валютасига бўлган талаб билан чет эл валютасининг таклифи ўртасидаги мутаносиблик таъминланмаган.

Эътироф этиш жоизки, юридик шахсларнинг чет эл валютасига бўлган талабни шакллантиришдаги улуши 2018-2020 йилларда пасайиш тенденциясига эга бўлди. Мазкур тенденциянинг юзага келиши ушбу даврда жисмоний шахсларнинг чет эл валютасига бўлган талабни шакллантиришдаги улушини таҳлил қилинган давр мобайнида ошиш тенденциясига эга бўлганлиги билан изоҳланади.

2-жадвал.

Ўзбекистонда Республика валюта биржасида амалга оширилган конверсион операцияларнинг валютавий таркиби*, %да

Кўрсаткичлар	2018 й.	2019 й.	2020 й.	2021 й.	2022 й.
АҚШ долларининг конверсион операциялардаги улуши	96,1	95,6	89,9	99,9	99,9
Евронинг конверсион операциялардаги улуши	3,9	4,4	10,1	0,1	0,1
Бошқа валюталарнинг конверсион операциялардаги улуши	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0
Конверсион операциялар - жами	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0

*Жадвал Республика валюта биржасининг статистик маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

2-жадвал маълумотлардан кўринадикки, Республика валюта биржасида 2018-2022 йилларда амалга оширилган конверсион операцияларнинг мутлақ асосий қисми АҚШ долларида амалга оширилган. Бунинг устига, таҳлил қилинган давр мобайнида евродан бошқа етакчи валюталар билан конверсион

операциялар амалга оширилмаган.

3-жадвал.

**Акциядорлик – тижорат “Асакабанк” валюта операцияларининг
даромадлилиги ва риск даражалари, %да**


Кўрсаткичлар	2018 й.	2019 й.	2020 й.	2021 й.	2022 й.
Валюта операцияларидан олинган даромадларнинг фоизли даромадлар ҳажмидаги салмоғи	43,3	66,6	57,3	44,1	16,1
Валюта операцияларидан кўрилган зарарларнинг фоизсиз харажатлар ҳажмидаги салмоғи	56,7	24,6	22,3	27,1	57,8

3-жадвал маълумотлари кўрсатадики, биринчидан, 2018-2022 йилларда Асакабанкда валюта операцияларидан олинган даромадларнинг фоизли даромадлар ҳажмидаги салмоғи пасайиш тенденциясига эга бўлган, иккинчидан, Асакабанкда валюта операцияларидан кўрилган зарарларнинг фоизсиз харажатлар ҳажмидаги салмоғи 2020-2022 йилларда ўсиш тенденциясига эга бўлган, учинчидан, Асакабанкда валюта операцияларининг даромадлилиги даражаси билан риск даражаси ўртасидаги мутаносиблик таъминланмаган. Хусусан, Асакабанкда 2018 йилда валюта операцияларининг даромадлилиги даражаси 2016 йилга нисбатан 15,7 фоизли пунктга ошгани ҳолда, мазкур даврда валюта операцияларидан кўрилган зарарларни фоизли харажатлар ҳажмидаги салмоғи 27,8 фоизли пунктга ошган.

2018-2022 йилларда РВБда амалга оширилган операцияларнинг умумий ҳажмида нисбатан юқори салмоқни валюта операциялари эгаллаган. Бу эса валюта бозорини молия бозорининг нисбатан ривожланган сегменти эканлиги билан изоҳланади.

1-диаграмма.

**2-АТ “Асакабанк”да валюта операцияларидан кўрилган
зарарларнинг фоизсиз харажатлар ҳажмидаги салмоғи***



*Жадвал Асакабанкнинг молиявий ҳисоботлари маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

Диаграмма маълумотларидан кўринадики, Асакабанкда валюта

операциялардан кўрилган зарарларнинг фоизсиз харажатларнинг умумий ҳажмидаги салмоғи 2019-2022 йилларда ўсиш тенденциясига эга бўлган. Бу эса, Асакабанкнинг валюта операцияларини ривожлантириш нуқтаи-назаридан салбий ҳолат ҳисобланади.

Хулоса ва таклифлар

Илмий тадқиқотни амалга ошириш жараёнида тижорат банкларининг миллий валюта бозоридаги фаолияти бўйича қуйидаги хулосаларни шакллантирдик:

*тижорат банкларининг валюта бозоридаги фаолиятини ривожлантириш валюта сиёсатини либераллаштириш соҳасидаги давлат сиёсатининг долзарб масалаларидан бири ҳисобланади;

*тижорат банклари томонидан валюта бозорида бажариладиган валюта операцияларининг уч тури – спот операциялари, муддатли валюта операциялари ва своп операциялари мавжуд;

*миллий валютадаги депозитлар ва кредитларнинг бозор ставкаларини барқарор эмаслиги форвард операцияларини ривожлантиришга тўсқинлик қилади;

*Ўзбекистон Республикасининг ички валюта бозорида чет эл валютасига бўлган талабнинг миқдори ва чет эл валютасининг таклифи 2018-2022 йилларда ўсиш тенденциясига эга бўлган, бироқ, таҳлил қилинган давр мобайнида чет эл валютасига бўлган талаб билан чет эл валютасининг таклифи ўртасидаги мутаносиблик таъминланмаган;

*Республика валюта биржасида 2018-2022 йилларда амалга оширилган конверсион операцияларнинг мутлақ асосий қисми АҚШ долларарида амалга оширилган бўлиб, ушбу даврда евродан бошқа етакчи валюталар билан конверсион операциялар амалга оширилмаган;

* 2018-2022 йилларда Асакабанкда валюта операцияларидан олинган даромадларнинг фоизли даромадлар ҳажмидаги салмоғи пасайиш тенденциясига эга бўлган, валюта операцияларидан кўрилган зарарларнинг фоизсиз харажатлар ҳажмидаги салмоғи 2020-2022 йилларда ўсиш тенденциясига эга бўлган;

*Асакабанкда валюта операциялардан кўрилган зарарларнинг фоизсиз харажатларнинг умумий ҳажмидаги салмоғини 2019-2022 йилларда ўсиш тенденциясига эга бўлганлиги валюта операцияларини ривожлантириш нуқтаи-назаридан салбий ҳолат ҳисобланади.

Фикримизча, республикамыз тижорат банкларининг миллий валюта бозоридаги фаолиятини ривожлантириш учун қуйидаги тадбирларни амалга ошириш лозим:

1. Мамлакатда инфляциянинг Тараққиёт стратегиясида белгиланган мақсадли кўрсаткичига (5 %) эришиш ва Марказий банкнинг қайта молиялаш сиёсатини такомиллаштириш йўли билан тижорат банкларининг миллий валютадаги депозитлари ва кредитлари фоиз ставкаларининг паст ва барқарор даражасига эришиш орқали тижорат банкларининг форвард

операцияларини ривожлантириш учун зарур бўлган шароитни яратиш керак.

Республикамиз тижорат банкларининг форвард операцияларини ривожланмаганлиги миллий валютадаги депозитларнинг бозор ставкаси билан етакчи хорижий валюталардаги кредитларнинг бозор ставкаси ўртасидаги фарқнинг жуда катта эканлиги билан изоҳланади. Ўз навбатида, миллий валютадаги депозитларнинг фоиз ставкасини юқори эканлиги инфляция даражасининг юқори эканлиги ва ссуда капиталлари бозорини тартибга солиш механизмини такомиллашмаганлиги билан изоҳланади.

2. Тижорат банкларининг миллий валюта бозоридаги конверсион операциялари ҳажмини ошириш учун, биринчидан, ташқи савдо битимлари ва инвестицион битимларнинг валютавий таркибини диверсификация қилиш йўли билан Республика валюта биржасида барча етакчи валюталарда конверсион операцияларни амалга оширилишини таъминлаш зарур; иккинчидан, валюта опционлари ва валюта фьючерслари билан операцияларни амалга ошириш механизмларини такомиллаштириш керак; учинчидан, миллий валюта бозорида хорижий валюталарга бўлган талаб билан хорижий валюталар таклифи ўртасидаги мутаносибликни таъминлаш лозим.

Ҳозирги даврда республикамизнинг ички валюта бозорида валюта опционлари билан амалга ошириладиган операциялар мавжуд эмас. Бундан ташқари, валюта фьючерслари билан операцияларни амалга ошириш механизми такомиллашмаган.

Валюта фьючерслари билан операцияларни амалга ошириш механизмини такомиллаштиришда тўловларнинг узлуксизлигини таъминлаш муҳим ўрин тутди. Бунинг учун эса, кафолатли таъминот ва вариацион маржа механизмларини шакллантириш зарур бўлади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 2 сентябрдаги ПФ-5177-сонли Фармони. Валюта сиёсатини либераллаштириш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида//Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 36-сон, 945-модда; Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 06.09.2019 й., 06/19/5811/3691-сон; 09.07.2020 й., 06/20/6021/1047-сон, 28.09.2020 й., 06/20/6075/1330-сон.

2. Красавина Л.Н. Международные валютно-кредитные отношения. – М. Юрайт, 2016. – 543 с.

3. Чекулаев М. Загадки и тайны опционной торговли.– М.: ИК Аналитика, 2001. – С. 10.

4. Синки Дж. Финансовый менеджмент в коммерческом банке и в индустрии финансовых услуг. Пер. с англ. – М.: Альпина Паблишер, 2017. – С. 807.

5. Буренин А.Н. Форварды, фьючерсы, опционы, экзотические и погодные производные. – М.: ООО «НТО», 2011. – С. 56-57.

6. Жумаев Н.Х. Ўзбекистонда валюта муносабатларини тартибга солиш методологиясини такомиллаштириш. И.ф.д. илм. дар. ... дисс. автореф. –

Тошкент, 2008. – Б. 24.

7. Бобакулов Т.И., Абдуллаев У.А. Халқаро валюта-кредит муносабатлари: дарслик. – Тошкент: Sano-standart, 2014. -- Б. 107-108.

ПУЛ КРЕДИТ СИЁСАТИ ОРҚАЛИ ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ ТАРТИБГА СОЛИШ



Муродова Дилноза Чориевна

*иқтисодиёт фанлари доктори
банк иши кафедрасининг доценти
Тошкент давлат иқтисодиёт университети
E-mail: dilnoz88.murodova@mail.ru
ORCID: 0000-0002-3613-9392*

Аннотация. Банк тизимининг барқарорлигини таъминлаш уларнинг тўловга қобиллигини таъминлашнинг муҳим омили бўлгани ҳолда, мамлакат иқтисодиётида амалга ошириладиган тўловларнинг узлуксизлигини таъминлашнинг зарур шarti ҳисобланади. Шу сабабли, банк тизимининг барқарорлигини таъминлаш банк назоратининг асосий объектларидан бири ҳисобланади. Мақолада Ўзбекистон Республикаси банк тизимининг барқарорлигини таъминлаш билан боғлиқ бўлган долзарб муаммолар тадқиқ этилган ва уларни ҳал қилишга қаратилган илмий таклифлар ишлаб чиқилган.

Калит сўзлар: Марказий банк, пул-кредит сиёсати, тижорат банклари, кредит, депозит, молиявий барқарорлиг.

РЕГУЛИРОВАНИЕ КОММЕРЧЕСКИХ БАНКОВ ЧЕРЕЗ ДЕНЕЖНО-КРЕДИТНУЮ ПОЛИТИКУ

Муродова Дилноза Чориевна

*доктор экономических наук
доцент кафедры банковского дела
Ташкентский государственный
экономический университет
E-mail: dilnoz88.murodova@mail.ru
ORCID: 0000-0002-3613-9392*

Аннотация. Обеспечение стабильности банковской системы, являясь важным фактором обеспечения их платежеспособности, представляет собой необходимое условие непрерывности расчетов в экономике страны. Поэтому обеспечение стабильности банковской системы является одной из основных задач банковского надзора. В статье исследуются актуальные проблемы, связанные с обеспечением стабильности банковской системы Республики Узбекистан, разработаны предложения, направленные на их решение.

Ключевые слова: Центральный банк, денежно-кредитная политика, коммерческие банки, кредит, депозит, финансовая устойчивость.

REGULATION OF COMMERCIAL BANKS THROUGH MONEY CREDIT POLICY

Murodova Dilnoza Choriyevna

*Associate Professor of the
Department of Banking DSc
Tashkent State the University
of Economics*

E-mail: dilnoz88.murodova@mail.ru

ORCID: 0000-0002-3613-9392

Abstract. The article shows that ensuring the stability of the banking system is an important factor in ensuring their solvency, and is a necessary condition for ensuring the continuity of payments in the country's economy. Therefore, ensuring the stability of the banking system is one of the main objects of banking supervision. Also, urgent problems related to ensuring the stability of the banking system of the Republic of Uzbekistan are identified and scientific proposals are developed to solve them.

Keywords: Central bank, monetary policy, commercial banks, credit, deposit, financial stability.

Кириш

Ўзбекистонда банклар фаолиятини тартибга солиш орқали банк тизими самарадорлигини ошириш, банк хизмати кўрсатишни модернизация қилиш, банкларнинг самарали инфратузилмасини яратиш ҳамда пруденциал назоратнинг самарали механизмларини қўллашга катта эътибор қаратилмоқда. 2020-2025 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг банк тизимини ислоҳ қилиш стратегиясида «...тижорат банкларининг кредит портфелини ва улар фаолиятидаги рискларни бошқариш сифатини яхшилаш, давлат улуши мавжуд тижорат банкларини комплекс трансформация қилиш, банк ишининг замонавий стандартларини, ахборот технологиялари ва дастурий маҳсулотларни жорий этиш» [1] каби устувор вазифалар белгилаб берилган.

Адабиётлар шарҳи

Мағриб иқтисодий адабиётида банклар фаолиятини тартибга солиш илмий-амалий жиҳатдан тадқиқ қилинган ва тегишли хулосалар шакллантирилган.

Марказий банк монетар сиёсатини амалга оширишда унинг анъанавий инструментларидан, яъни қуйидаги дастакларидан фойдаланиши муҳим ўрин тутди.

- қайта молиялаш сиёсати;
- мажбурий захира сиёсати;
- очиқ бозор сиёсати;
- валюта сиёсати;
- депозит сиёсат.

Россиялик олим Ф. Мишкиннинг фикрига кўра, банкларни назорат қилишда анъанавий инструментида бири бўлган очиқ бозор операциялари

жуда зарур ва у нинг қулайлиги қуйдагилардир:

1. Очiq бозор операциялари Федерал захира тизимининг ташаббуси билан амалга оширилади ва унинг ҳажми ФЗТ томонидан назорат қилинади. Дисконт операцияларини амалга оширишда эса, бундай назорат мавжуд эмас. Дисконт операцияларида ФЗТ, дисконт ставкасини ўзгартириш йўли билан, банкларнинг дисконт ссудаларига бўлган талабини ошириши ёки камайтириши мумкин, аммо дисконт ссудалари ҳажмини тўғридан-тўғри назорат қила олмайди.

2. Очiq бозордаги операциялар аниқ ва мослашувчан бўлиб, улар ҳар қандай ҳажмга эга бўлиши мумкин. Агар Марказий банк захираларни сезиларли даражада ўзгартирмоқчи бўлса, у ҳолда, жуда катта суммадаги қимматли қоғозларни сотади ёки сотиб олади. Ёки аксинча захираларни билинмас ҳолатда ўзгартирмоқчи бўлса, қимматликларни сотиб олади ё бўлмаса сотади.

3. Очiq бозордаги операциялар осон қайтариловчанлик мазмунига эга. Агар ФЗТ очiq бозор операцияларини амалга оширишда хатога йўл қўйган бўлса, операцияни зудлик билан бекор қилиши мумкин.

Агар ФЗТ очiq бозордан қимматли қоғозларни катта миқдорда сотиб олаётганлиги туфайли банклараро кредитларнинг фоиз ставкаси жуда пасайган бўлса, у ҳолда ФЗТ қимматли қоғозларни сотишни бошлайди. Марказий банк очiq бозордаги операцияларини тезкор амалга ошириш йўли билан банклараро кредитларнинг фоиз ставкаларига таъсир кўрсата олади [2].

АҚШлик таниқли иқтисодчи олим Ж. Синки тижорат банкларининг ликвидлилигини тартибга солишда қуйидаги уч молиявий инструментнинг ролини катта деб ҳисоблайди:

- * федерал фондлар;
- * депозит сертификатлари;
- * Репо битимлари [3].

В. Усоскиннинг хулосасига кўра, фойда кетидан қувиб банкнинг юқори рискка дучор қилиш унинг барқарорлилигига нисбий таъсирни юзага келтиради [4]. В. Усоскиннинг ушбу хулосаси жуда ўринлидир. 1933 йилда жаҳонда юз берган Буюк Депрессия даврида АҚШда банкларининг оммавий тарзда инқирозга юз тутишининг асосий сабаби деб, ўша вақтда банклар катта даромад олиш мақсадида миқдорларга йирик миқдорда тўлов мажбурияти юзасидан кафолатлар бергани эканлиги илмий жиҳатдан исботланган.

Иқтисодчи олимларнинг хулосасича, Халқаро Базель кўмитаси томонидан ишлаб чиқилган ликвидлиликни қоплаш меъёри кўрсаткичининг халқаро даражада банк фаолиятига тадбиқ этилиши банкларининг ликвидлилик даражасини ошишига кўмаклашди ва Марказий банкларни “охирги босқичдаги кредитор”га айланишининг олдини олди [5].

У. Сото ёзадики, ссудаларнинг баҳосини пасайиши капитал оқимларининг жорий қийматини кескин ошишига олиб келади, чунки,

дисконтлаш паст бозор фоиз ставкаларида амалга оширилганда рентанинг кутилаётган оқимининг қиймати ўсади [6].

Н. Жумаевнинг фикрига кўра, банк фаолияти пулларга бўлган таклифини тартибга солишда Марказий банкнинг дисконт сиёсати муҳим ўрин тутди ва уни такомиллаштириш учун қуйидаги ишларни амалга ошириш зарур:

- Марказий банк томонидан талаб ва таклиф асосида кредит аукционидида кредит ставкаларининг бозор механизмлари шаклланишига имкон яратиш зарур;

- дисконт дастагининг турли шакллари ташкил қилиш орқали банкларининг ликвидлилик муаммоларини бартараф этиш ва банк тизимида нисбатан аҳоли ишончини ошириш лозим;

- ломбард ставкасида кредитлаш орқали қимматли қоғозлар иккиламчи бозорининг ривожланишини рағбатлантириш зарур;

- бозор дастаги ҳисобланган векселларни (тратта) жорий қилиш масаласини қайта кўриб чиқиш лозим [7].

Б.Бердияровнинг фикрига кўра, тижорат банклари бирламчи захираларнинг кўпайиш даражасини кўйилмаларнинг кўпайиш суръатидан орқада қолмаслигига эришиш, юқори ликвидли активларнинг жами активлар ҳажмидаги салмоғининг барқарор даражасига эришиш, жами активлар ҳажмида давлатнинг қимматли қоғозларга сарфланган инвестицияларнинг салмоғининг кўп ва барқарор даражасини таъминлаш орқали тижорат банкларининг жорий ликвидлигини таъминлаш лозим [8].

Т. Бобакуловнинг хулосасига кўра, миллий валюта девальвация суръатининг тижорат банкларининг ликвидлигига нисбатан юзага келган салбий ҳолатига барҳам бериш мақсадида олим иккита масалани олдида кўяди.

1. Чет эл валютасида иқтисодиётнинг асосий тармоқларига банклар томонидан тақдим қилинган кредитларни қайтариш билан боғлиқ бўлган харажатларни миллий валютанинг девальвацияси натижасида юзага келган кўшимча қисмини давлат маблағлари ҳисобидан тижорат банкларига қайтариб беришни таъминлаш;

2. Тижорат банкларининг миллий валютадаги кредитлари миқдорини девальвация натижасида йўқотилган қисмини солиқ имтиёзлари бериш йўли билан қоплаш тартибини жорий қилиш зарур [9].

Таҳлил ва натижалар

Марказий банк монетар сиёсатини амалга оширишда анъанавий дастакларидан асосан қайта молиялаш сиёсати, мажбурий захира сиёсати ва очиқ бозор сиёсатидан фойдаланади.

Иқтисодиётда қайта молиялаш ставкасини ўзгариши активлар ва пасивлар шунингдек, макроиқтисодий ва молиявий активлар нархига бевосита таъсирга эга. 2022 йилда Марказий банкнинг асосий ставкаси 3 маротаба ўзгартирилди ва ушбу ўзгаришлар тезкор равишда пул бозоридаги

фоиз ставкаларида ўз аксини топа бошлади. Пул бозоридаги фоиз ставкаларининг депозитлар ва кредитлар бўйича фоиз ставкаларига ўтишида ҳам ижобий тенденция кузатилаётган бўлиб, ислохотларнинг навбатдаги босқичида фоиз каналининг айнан ушбу қисмини оширилиши режалаштирилган [10].

Пул бозорида шаклланган фоиз ставкаларидаги ўзгаришларнинг депозитлар нархига ўтиши маълум муддатни тақозо этади. Банкларнинг депозит базаси нисбатан пастроқ (депозитларнинг жами мажбуриятлардаги улуши 40 фоиз атрофида) ҳисобланиб, биринчи навбатда, банкдан ташқари жамғармаларни банк тизимига самарали жалб этиш ва шу орқали депозит базасини ошириш мақсад қилинган. Инфляция даражасининг пасайиб бориши ва нисбатан барқарор алмашув курси шароитида банклар томонидан таклиф этилаётган жорий фоиз ставкалари, шу жумладан, миллий валютадаги муддатли депозитлар бўйича фоиз ставкалари жозибадор ҳисобланиб, жамғармалар ҳажмининг кескин ўсиб боришига хизмат қилмоқда.

Келгуси йилларда ҳам миллий валютадаги депозитлар бўйича реал ижобий фоиз ставкаларининг таъминланиши ҳисобига жамғармаларнинг банк тизимига қайтиш жараёнининг давом этиши ва депозитлар долларлашувининг пасайиб бориши кутилмоқда. Бу, ўз навбатида, пул-кредит сиёсати фоиз канали таъсирчанлик даражасининг ошганлигини кўрсатади.

Депозит базасининг ўсиб бориши билан улар бўйича фоиз ставкаларининг пул бозоридаги фоиз ставкаларига яқинлашиши ва ўхшаш динамикага эга бўлиши кузатилади. Бунинг натижасида, фоиз маржаси ўзгаришсиз сақланиб қолган ҳолда кредитлар бўйича фоиз ставкалари ўзгаришида ҳам депозит фоиз ставкаларига ўхшаш тенденцияга эга бўлади.

Узоқ йиллар давомида йиғилиб келган кредитларга бўлган юқори талаб сўнгги 4-5 йилда юзага чиқиб, иқтисодиётга кредит қўйилмалари ҳажмининг кескин ўсишида ўз аксини топди ва сўнгги икки йилда бироз секинлашган бўлсада, чакана кредитлар бўйича юқори ўсиш суръатлари сақланиб қолмоқда.

Бу эса, ўз навбатида, аҳолига ажратилаётган кредитлар бўйича нисбатан юқори фоиз ставкаларининг шаклланишига сабаб бўлмоқда.

Келажакда, аҳолининг қардорлиги кўпайиши, ўз- ўзидан кредитга бўлгани талаб озойиши шу билан бирга кичик суммадаги кредитларни пасайиши ва банк хизматлари бўйича фоиз ставкаларига мос равишда ўзгариб бориши кутилмоқда. 2022 йилда пул бозори бенчмарк фоиз ставкасини такомиллаштириш ишлари якунланиб, UZONIA фоиз ставкаларини ҳисоблаш методологияси эълон қилинди. Келгуси йилларда ушбу фоиз ставканинг банк амалиётида қўлланилиш кўламини кенгайтириш ва “ўзгарувчан” фоиз ставкали депозит ва кредит хизматларини жорий этиш режалаштирилган. Натижада, “ўзгарувчан” фоиз ставкали банк хизматлари фоиз канали самарадорлигининг ортишига сезиларли ҳисса қўшиши

кутилмоқда

Кредит канали фоиз канали билан кучли боғлиқликда бўлиб, уларнинг самарали ишлаши учун кредитларнинг долларлашув даражасини қисқартириш ва имтиёзли кредитлар амалиётидан босқичма-босқич воз кечиш муҳим чоралар сифатида белгиланган. 2022 йилда тижорат банклари учун валютавий фьючерслар операциялар бозори ташкил этилса. Келажакда ушбу бозорга бўлган талаб ортиши бунинг натижасида, пуллар рискинни самарали назорат қилиш имконини юзага келтириб, чет элдан келган манбалар ҳисобидан миллий валютада кредитлаш имконияти кенгайди.

Валюта деривативлари бозорининг ривожланиши кредитлар долларлашувини қисқартиришга хизмат қилиши кутилмоқда.

Шунингдек, пул-кредит сиёсати ва макропруденциал нормативларнинг ўзаро мувофиқликда қўлланилиши орқали ўрта муддатли истиқболда ҳам иқтисодиётга кредит қўйилмалари ўсишининг номинал ЯИМ ўсишига мос бўлишига эришиш мақсад қилинган.

Бу, ўз навбатида, инфляцияга монетар омиллар таъсирини қисқартиришга хизмат қилади. 2021 йилда Марказий банк операцияларининг фоиз коридори ± 2 фоиз бандгача кенгайтирилди ва жорий 14 фоизлик асосий ставка шароитида овернайт РЕПО ва СВОП операциялари 16 фоиздан (асосий ставка + 2 фоиз) ва овернайт депозит операциялари 12 фоиздан (асосий ставка – 2 фоиз) амалга оширилмоқда. Фоиз коридорининг кенгайтирилиши банкларнинг пул бозоридаги фаоллигининг пастлиги (қатнашувчи банклар сони ва кунлик амалиётлар ҳажмининг камлиги) ва натижада банклар ўртасида умумий ликвидликнинг қайта тақсимланиш самарадорлигининг етарли даражада эмаслиги билан изоҳланади. Халқаро амалиётда асосий ставка даражаси нисбатан юқори бўлган давлатларда фоиз коридорининг кенгроқ бўлиши ҳамда инфляция даражасининг мувозанатлашиши ва асосий ставканинг пасайиши билан фоиз коридорининг торайиб бориши кузатилади.

Кенгроқ фоиз коридорининг жорий этилиши эса, Тижорат банклари учун Марказий банкнинг монетар операцияларига нисбатан талабини камайтириш, пул бозоридаги иштирокини ошириш ва пул бозоридаги операцияларга нисбатан имкониятини оширишдир (4 фоиз фарқ).

1-жадвал.

Ўзбекистон Республикасида монетизация даражаси, инфляция ва ЯИМнинг ўсиш суръати*

Кўрсаткичлар	Йиллар				
	2018	2019	2020	2021	2022
Иқтисодиётни пул маблағлари билан таъминланганлик даражаси, %	19,5	17,8	18,5	19,6	21,1
Инфляция даражаси, %	14,3	15,2	11,1	10,0	12,3
ЯИМнинг ўсиш суръати, %	5,5	6,0	2,0	10,	12,3

*Муаллиф томонидан Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг статистик маълумотлари асосида тузилган.

Жадвалда иқтисодиётимизни монетизация даражаси 2022 йилда 2018

йилга қараганда сезиларли даражада кўпайган. Лекин юртимиз иқтисодиётининг пул маблағлари билан таъминланганлиги паст даражада қолган. Республикамизда инфляция даражаси 2018-2021 йилларда пасайган, аммо, 2022 йилда 2021 йилга қараганда кўтарилган. ЯИМнинг ўсиш суръати 2022 йилда 2018 йилга қараганда кўпайган.

2-жадвал.

**Ўзбекистон Республикасида инфляциянинг йиллик даражаси,
Марказий банк қайта молиялаш ставкасининг йиллик даражаси ва
тижорат банкларининг миллий валютада берилган кредитларининг
ўратча йиллик фоиз ставкаси, фоизда***

Кўрсаткичлар	Йиллар				
	2018	2019	2020	2021	2022
Инфляция даражаси	14,3	15,2	11,1	10,0	12,3
Марказий банкнинг қайта молиялаш ставкаси	16,0	16,0	14,0	14,0	15,0
Тижорат банклари кредитларининг фоиз ставкаси	20,5	24,2	22,3	20,8	21,9

* Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки сайти www.cbu.uz

2-жадвалда асосий ставка кўтарилиши натижасида, йиллар кесимида мамлакатимизда инфляциянинг ўсиши сурати, банклар томонидан тақдим қилинган кредитларнинг процентларининг ошиши ва юридик ва жисмоний шахсларнинг кредитлардан фойдаланиш имкониятларини чекланиши юзага келди. Шуниси аҳамиятлики, талаб қилиб олингунча қўйилмалар аслида банклар учун ресурс манбаи эмас. Қолган иккита депозит тури яъни муддатли ва жамғарма депозитлар тижорат банкларининг актив операцияларини молиялаштиришнинг барқарор манбаи ҳисобланади. Шунингдек, қонун ҳужжатига асосан фақат тижорат банкларигина депозитларни жалб қилиши мумкин.

3-жадвал.

АТ “Алоқабанк” регулятив капиталининг миқдори ва даражаси*


Кўрсаткичлар	Йиллар				
	2018	2019	2020	2021	2022
Регулятив капиталнинг миқдори, млрд сўм	1 162	1 396	1 568	1 673	1 795
Регулятив капиталнинг пасивлар ҳажмидаги салмоғи, %	19,8	19,0	19,3	13,2	11,2

*АТ “Алоқабанк”нинг 2018-2022 молиявий йилларнинг якуни бўйича эълон қилинган молиявий ҳисоботларининг маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

3-жадвалдан кўриш мумкунки, АТ “Алоқабанк”нинг регулятив капиталини миқдори 2018-2022 йилларда кўтарилиш ҳолати юзага келган. Натижада, тижорат банкининг тўлай олиш имконияти мавжудлиги ижобийдир. АТ “Алоқабанк”нинг регулятив капиталининг пасивлар ҳажмидаги салмоғи 2020-2022 йилларда камайиш ҳолатига эга.

1-чизма.

**АТ “Алоқабанк”да кредитлардан кўриладиган зарарларни
қоплашга мўлжалланган захира ажратмаларининг брутто активларга
нисбатан даражаси, фоизда***



* АТ “Алоқабанк”нинг йиллик ҳисоботлари маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

1-чизмадан кўриш мумкинки, 2022 йилдан 2018 йилга қараганда кредитлардан кўриладиган зарарларни қоплашга мўлжалланган захира ажратмалари камайган. 2019-2022 йилларда ушбу кўрсаткичнинг умумэтироф этилган чегаравий даражасидан (1,0 %) паст бўлиши нфтижасида АТ “Алоқабанк”нинг молиявий ҳолати ва ликвидлиги барқарор бўлган.

Хулоса

Инвестиция лойиҳаларига таъсир қилувчи риск даражасини пасайтириш йўллариغا оид тадқиқот қуйидаги хулосаларни шакллантириш, илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқиш имконини бери:

1. Тижорат банкларининг фаолиятини тартибга солишда Марказий банкнинг очиқ бозор операциялари муҳим ўрин тутди ва мазкур операциялар марказий банкларнинг ташаббуси билан амалга оширилади ва унинг ҳажми марказий банклар томонидан назорат қилинади.

2. Тижорат банклари фаолиятини монетар сиёсат доирасида тартибга солиш амалиётининг таҳлили кўрсатдики, мамлакат иқтисодиётининг пул маблағлари билан таъминланганлик даражаси 2022 йилда 2018 йилга нисбатан сезиларли даражада ошди, аммо, таҳлил қилинган давр мобайнида мамлакат иқтисодиётининг пул маблағлари билан таъминланганлиги паст даражада қолди.

3. Республикамизда инфляция даражаси 2018-2021 йилларда пасайиш тенденциясига эга бўлган, аммо, 2022 йилда 2021 йилга нисбатан сезиларли даражада ошди.

4. 2018-2022 йилларда республикамизда инфляция даражасини юқори бўлганлиги Марказий банкнинг қайта молиялаш ставкасини юқори даражада сақланиб қолишига сабаб бўлган. Бу эса, ўз навбатида, тижорат банкларининг миллий валютада берилган кредитларининг фоиз ставкаларини юқори бўлишига олиб келган.

5. Республикамиз тижорат банклари томонидан миллий валютада берилган кредитларнинг ўртача йиллик фоиз ставкаси 2017-2020 йилларда ошиш тенденциясига эга бўлган. Бироқ, ушбу фоиз ставкаларининг даражаси 2019-2021 йилларда пасайиш тенденциясига эга бўлган.

6. Республикамиз тижорат банклари томонидан чет эл валютасида берилган кредитларнинг ўртача йиллик фоиз ставкаси 2019-2021 йилларда пасайиш тенденциясига эга бўлган. Бу эса, тижорат банкларининг инвестицион жозибадорлигини таъминлаш нуктаи-назаридан ижобий ҳолат ҳисобланади.

7. Республика Марказий банкининг мажбурий захира ставкалари тижорат банкларининг хорижий валюталардаги депозитлари ва омонатларига нисбатан юқори ўрнатилган, миллий валютадаги депозитлар ва омонатларга нисбатан паст захира ставкалари ўрнатилган.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2020-2025 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг банк тизимини ислоҳ қилиш стратегияси тўғрисида»ги 2020 йил 12 майдаги ПФ-5992-сон фармони.

2. Мишкин Ф.С. Экономическая теория денег, банковского дела и финансовых рынков. Пер. с англ. – М.: ООО «И.Д. Вильямс», 2013. – С. 485.

3. Синки Дж. Финансовый менеджмент в коммерческом банке и в индустрии финансовых услуг. Пер. с англ. – М.: Альпина Паблишер, 2017. – С. 648

4. Усоскин В.М. Современный коммерческий банк: управление и операции. – М.: ЛЕНАНД, 2019. – 328 с.

5. Джусангалиева К., Миллер А., Хакимжанов С. Пруденциальные требования по ликвидности и рискориентированный подход//Экономическое исследование №2022-3. Nationalbank.kz

6. Уэрто де Сото Хесус. Деньги, банковский кредит и экономические циклы. – Пер. с англ. – Челябинск: Социум, 2008. – 663 с.

7. Жумаев Н.Х. Ўзбекистонда валюта муносабатларини тартибга солиш методологиясини такомиллаштириш. И.ф.д. илм. дар. ... дисс. автореф. – Тошкент, 2008. – Б. 10.

8. Бердияров Б.Т. Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларининг ликвидлиги ва тўлов қобилиятини таъминлаш масалалари. И.ф.д. дисс. автореф. – Тошкент, 2020. – 73 б

9. Бобакулов Т.И. Тижорат банкларининг молиявий барқарорлигини таъминлашнинг долзарб масалалари//Ўзбекистон Республикасида қулай ишбилармонлик муҳитини шакллантиришда банк тизимининг роли. Республика илмий-амалий конференция материаллари. – Тошкент, 2015. – Б. 155.

10. Murodova M. Central of the bank monetary and credit policy and its macroeconomics importance. International Bulletin of Applied Science and Technology, 2023 416-423

NOBANK KREDIT TASHKILOTLARINING MOLIYAVIY XIZMATLARI SIFATINI OSHIRISHNING USLUBIY JIHATLARI



Раимов Хуршид Мухторович

мустақил изланувчиси

Тошкент давлат иқтисодиёт

университети

E-mail: raimovxurshid870@gmail.com

Annotatsiya: Maqolada mamlakatimizda nobank kredit tashkilotlarining moliyaviy xizmatlari sifatini oshirishning uslubiy jihatlari takomillashtirish hamda uni rivojlantirish orqali milliy iqtisodiyotda nobank kredit tashkilotlarining moliyaviy xizmatlari sifatini oshirish yo'llari tadqiq etilgan. Shuningdek, nobank kredit tashkilotlari faoliyatini rivojlantirish va moliya bozorining muhim elementlaridan birga aylantirish istiqbollariidagi mavjud muammolar hamda ularni bartaraf etish bo'yicha muallif yondashuvlari va takliflari keltirilgan.

Калит сўзлар: nobank kredit tashkilotlari, mikromoliyalashtirish, nobank kredit tashkilotlari xizmatlari, marja, kredit, depozit, foizli, foizsiz daromad va xarajatlar, litsenziya.

МЕТОДОЛОГИЧЕСКИЕ АСПЕКТЫ ПОВЫШЕНИЯ КАЧЕСТВА ФИНАНСОВЫХ УСЛУГ НЕБАНКОВСКИХ КРЕДИТНЫХ ОРГАНИЗАЦИЙ

Раимов Хуршид Мухторович

независимый исследователь

Ташкентский государственный

экономический университет

E-mail: raimovxurshid870@gmail.com

Аннотация: В статье исследована обратная связь по совершенствованию методологии повышения качества финансовых услуг небанковских кредитных организаций. Изучены проблемы перспектив развития деятельности небанковских кредитных организаций, являющиеся одним из важнейших элементов финансового рынка, сформулированы авторские подходы и предложения по их развитию.

Ключевые слова: небанковские кредитные организации, микрофинансирование, услуги небанковских кредитных организаций, маржа, кредит, депозит, проценты, беспроцентные доходы и расходы, лицензия.

METHODOLOGICAL ASPECTS OF IMPROVING THE QUALITY OF FINANCIAL SERVICES OF NON-BANK CREDIT INSTITUTIONS IN OUR REPUBLIC

Raimov Khurshid Mukhtorovich*Independent researcher**Tashkent State University of Economics**E-mail: raimovxurshid870@gmail.com*

Abstract: This article provides feedback on improving the methodological aspects of improving the quality of financial services of non-bank credit institutions in our republic and ways to improve the quality of financial services of non-bank credit institutions in our national economy through its development. Commercial banks are also the main element of the national financial market, but the existing problems of the prospects for the development of non-bank credit organizations and their joint transformation from the most important elements of the financial market, as well as author's approaches and proposals to overcome them are presented.

Keywords: non-bank credit organizations, microfinance, services of non-bank credit organizations, margin, loan, deposit, interest, interest-free income and expenses, license.

Kirish

Mamlakatimizda banklardan farqli o'laroq, nobank kredit tashkilotlari har doim ham tashkilotning bankrot bo'lishi mumkin bo'lgan taqdirda omonatchilarni himoya qiladigan kafolatlangan bank depozit fondiga ega emas. Shuning uchun investorlar uchun risklar yuqori darajani tashkil etadi.

«Yuridik va jismoniy shaxslarni umumiy kreditlash hajmida nobank kredit tashkilotlari ulushini 2020-yilda 0,35 foizdan 2025-yilga kelib 4 foizgacha oshirish» [1] borasida vazifalar belgilab berilgan. Ushbu vazifalarni samarali amalga oshirishda nobank kredit tashkilotlari sirasiga kiruvchi mikromoliya tashkilotlari va lombardlarning ijtimoiy va iqtisodiy samaradorligini oshirishga qaratilgan ilmiy asoslangan qarashlarni o'rganishga zaruriyat yaratmoqda. Shuningdek, nobank kredit tashkilotlarining iqtisodiy va ijtimoiy samaradorliklarini belgilovchi ko'rsatkichlar tizimini aniqlashga, ular orqali nobank kredit tashkilotlarining aholi farovonligini oshirishdagi o'rnini o'rganishga hamda mikromoliya tashkilotlarining iqtisodiy va ijtimoiy samaradorligiga ta'sir ko'rsatuvchi ichki va tashqi omillarni jadallashtirish dolzarb masalalardan biri bo'lib qolmoqda.

Shuningdek, so'nggi yillarda mamlakatimizda moliyaviy xizmatlar ommabopligini oshirish va aholining asosiy moliyaviy xizmatlarga bo'lgan ehtiyojini qondirishga qaratilgan qator tadbirlar amalga oshirilmoqda. Xususan, mikromoliyalashtirish sohasini yanada rivojlantirish uchun qulay shart-sharoitlar yaratish maqsadida O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2019 yil 23 iyuldagi “Mikromoliyaviy xizmatlar ommabopligini oshirish chora-tadbirlari to'g'risida”gi PQ-4400-sonli qarori qabul qilindi. Ushbu qarorga muvofiq, nobank kredit tashkilotlari ko'rsatadigan xizmatlar doirasi kengaytirildi va mikromoliyaviy xizmatlar hajmi oshirildi.

Me'yoriy xujjatlariga muvofiq, nobank kredit tashkilotlari quyidagilarga haqli

emas: «bevosita ishlab chiqarish, sugʻurta, shuningdek savdo faoliyatini amalga oshirishga, bundan islomiy moliyalashtirishga oid xizmatlar koʻrsatuvchi mikromoliya tashkilotlari mustasno va ushbu Qonunda nazarda tutilmagan boshqa faoliyatni amalga oshirishga; jismoniy va yuridik shaxslardan omonatlarni (depozitlarni) jalb etishga; jismoniy shaxs boʻlgan ishtirokchilardan (aksiyadorlardan) ustav fondiga (ustav kapitaliga) kiritilgan hissa summasidan yoki ularning egaligidagi aksiyalarning nominal qiymatidan oshadigan miqdorda qarz mablagʻlarini jalb etishga, bundan obligatsiyalar shaklidagi qarz mablagʻlarini jalb etish mustasno» [2].

Nobank kredit tashkilotlari faoliyati uchun mablagʻlar manbalari har xil boʻlishi mumkin. Xususan, mijozlarning omonatlarini jalb qilish – nobank kredit tashkilotlari jismoniy va yuridik shaxslardan maʼlum muddatga maʼlum foiz stavkasida omonat qoʻyish orqali pul mablagʻlarini jalb qilishlari hamda obligatsiyalar chiqarish - ayrim nobank kredit tashkilotlari qoʻshimcha mablagʻlarni jalb qilish uchun qimmatli qogʻozlar bozoriga obligatsiyalar chiqarishi mumkin.

Adabiyotlar sharhi

Zamonaviy sharoitda nobank kredit tashkilotlarining nazariy va amaliy masalalari xorijlik iqtisodchi olimlar tomonidan keng oʻrganilayotgan dolzarb mavzulardan biri boʻlib kelmoqda.

Bu borada Ross Levin - taniqli amerikalik iqtisodchi, moliya institutlari va ularning kapitalistik rivojlanishdagi roli boʻyicha tadqiqotlarga ixtisoslashgan. Uning tadqiqotlari moliya tizimining turli jihatlarini qamrab oladi va nobank kredit tashkilotlariga ham tegishli boʻlishi mumkin. Uning tadqiqotlarining muhim jihatlar: nobank kredit tashkilotlari moliya sektoridagi innovatsiyalar va uning moliyaviy bozorlar va xizmatlar rivojlanishiga taʼsirini hamda nobank kredit tashkilotlari moliya institutlari aholining kengroq qatlamlari uchun moliyalashtirish imkoniyatlarini qanday oshirishi mumkinligini oʻz ichiga oladi. Shuningdek, mikromoliya va yosh biznes rivojlanishini qoʻllab-quvvatlashda nobank kredit tashkilotlarining ahamiyatini koʻrib chiqqan [3].

Italiyalik iqtisodchilar Claessens S. va Enriko Perotti nobank kredit tashkilotlarining banklar va boshqa moliya institutlari bilan qanday oʻzaro munosabatda boʻlishini va umuman moliya tizimida qanday oʻrin egallashini koʻrib chiqqan. Ularning tadqiqoti nobank moliya institutlarining funktsiyalarini tahlil qilish va faoliyatini tartibga solishni oʻz ichiga oladi. Bu esa moliya tizimining barqarorligini taʼminlashda muhim ahamiyatga ega. Shuningdek, tadqiqot nobank kredit tashkilotlari tomonidan taqdim etilgan kredit shartlari va ularning kredit bozorlarida savdosi tahlilini ham oʻz ichiga olgan [4].

Amerikalik iqtisodchi olim Douglas W. Diamond moliya va bank ishi sohasidagi muhim tadqiqotlar muallifi boʻlib, uning ishi nobank kredit institutlari va ularning moliya tizimidagi roli haqida qimmatli ilmiy maʼlumotlar beradi. Jumladan, bankdan tashqari kredit tashkilotlari qanday faoliyat koʻrsatayotgani, ular qanday xizmatlar koʻrsatayotgani va qanday xavf-xatarlarga duch kelishi mumkinligini hamda nobank kredit tashkilotlari faoliyati bilan bogʻliq tizimli

risklarni o'rganib chiqqan [5].

Taniqli frantsuz iqtisodchisi Jan-Charlz Roche oz tadqiqotlarida nobank kredit tashkilotlarini tartibga solishning roli va samaradorligini tahlil qilish hamda moliyaviy nazorat masalalari va muvofiqlik choralarini ko'rib chiqqan [6].

Amerikalik iqtisodchi Duglas Arnold nobank kredit tashkilotlarining moliya tizimidagi o'rni va ularning iqtisodiyotga ta'sirini o'rgangan. Duglas Arnold bank bo'lmagan kreditorlar kichik biznes va kam ta'minlangan uy xo'jaliklari uchun kredit olish imkoniyatini qanday oshirishini tushunish uchun keng qamrovli tadqiqotlar o'tkazgan. U ushbu tashkilotlar aholining an'anaviy banklardan foydalanish imkoniyati bo'lmagan qatlamlariga moliyaviy xizmatlar ko'rsatishda muhim rol o'ynashini aniqlagan. Shuningdek, nobank kredit institutlarining iqtisodiy o'sishga ta'sirini o'rganib, shunday xulosaga keldiki, bunday tashkilotlarning rivojlanishi korxonalarning kredit olish imkoniyatini oshirishga, kichik biznesning jadal rivojlanishiga yordam beradi. Duglas Arnold nobank kredit tashkilotlarini rivojlantirish uchun qulay muhit yaratishga faol yordam berdi. Ularning faoliyatini davlat qo'llab-quvvatlashi, bu sohaning yuksalishi uchun sharoit yaratishi kerak, deb hisobladi. Shuningdek, u yuzaga kelishi mumkin bo'lgan tavakkalchilik va firibgarlikning oldini olish uchun nobank kredit tashkilotlarini tartibga solish va nazorat qilish muhimligini ta'kidladi. Umuman olganda, Duglas Arnoldning tadqiqotlari nobank kredit institutlarining moliya tizimidagi o'rni haqida tushunchani kengaytirishga va ularning rivojlanishining iqtisodiy o'sishdagi ahamiyati haqida xabardorlikni oshirishga yordam bergan [7].

Stenford universitetining professori Richard Scott Beyker nobank kredit tashkilotlarining xatti-harakatlari, ularning raqobatbardoshligi va kredit bozoridagi roli bo'yicha tadqiqot olib borgan. Richard Skott Beyker bankdan tashqari kredit tashkilotlari faoliyatiga turlicha yondashadi. U ushbu tashkilotlar an'anaviy banklar tomonidan qaytarilishi mumkin bo'lganlarga kredit olish imkoniyatini berish orqali zamonaviy iqtisodiyotda muhim rol o'ynashini tan oladi.

Beyker iste'molchilar manfaatlarini himoya qilish va moliya tizimining barqarorligini ta'minlash uchun bank bo'lmagan kreditorlarni yanada ko'proq tartibga solishga chaqiradi. Bundan tashqari, an'anaviy banklar tomonidan ushbu xizmatlardan bosh tortganlar uchun moliyaviy xizmatlardan foydalanishning muqobil variantlarini ishlab chiqish zarurligini ta'kidlaydi. Beyker, shuningdek, bankdan tashqari kredit tashkilotlari bilan bog'liq bo'lgan yuqori foizli qarz olish muammosiga ham e'tibor qaratadi. U iste'molchilarni ushbu muassasalar tomonidan suiiste'mol qilishdan himoya qilish uchun foiz stavkalari va kredit shartlari bo'yicha qat'iy qoidalarni taklif qiladi [8].

Boshqa moliya institutlaridan kreditlar olish - nobank kredit tashkilotlari o'z faoliyatini moliyalashtirish uchun banklardan yoki boshqa moliya institutlaridan kredit olishlari, kredit va kreditlar berishdan daromad olish - nobank kredit tashkilotlarining asosiy faoliyati o'z mijozlariga ssuda va kreditlar berish bo'lib, ular uchun foizli daromad oladi.

Tahlil va natijalar

O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2020 yil 12 maydagi “2020-2025 yillarga mo‘ljallangan O‘zbekiston Respublikasining bank tizimini isloh qilish strategiyasi to‘g‘risida”gi PF–5992-sonli Farmoni ijrosi doirasida Jahon banki ko‘magida eng yaxshi xorijiy tajriba, umume’tirof etilgan me‘yor va standartlarni hisobga olgan holda 2022 yil 16 aprelda O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining “Nobank kredit tashkilotlari va mikromoliyalashtirish faoliyati to‘g‘risida”gi 765-sonli Qonuni qabul qilindi.


Qonunga muvofiq nobank kredit tashkilotlarining turlari, ko‘rsatiladigan xizmatlar ro‘yxati, nobank kredit tashkilotlarini tashkil etishga doir talablar, shu jumladan, tashkiliy-huquqiy shakli, ta‘sischilari, rahbar xodimlari, ustav kapitali, shuningdek, ular faoliyatini muvofiqlashtirish va nazorat qilish tartibi ishlab chiqildi. Shuningdek, faoliyatni litsenziyalashning amaldagi jarayonlari nobank kredit tashkilotlarini hisob ro‘yxatidan o‘tkazish tartibi bilan almashtirish, hisob ro‘yxatidan o‘tish uchun zarur bo‘lgan hujjatlar ro‘yxati, ularni ko‘rib chiqish va tegishli qarorlarni qabul qilish tartibi belgilanmoqda. Shu bilan birga, lombard faoliyati Markaziy bankka o‘z faoliyati boshlanishi to‘g‘risida xabarnoma yuborganidan keyin amalga oshirilishi belgilab berildi.

Bundan tashqari, qonunga asosan nobank kredit tashkilotlari faoliyatini ularning faoliyati tavakkalchiligidan kelib chiqib, mutanosib ravishda tartibga solish va nazorat qilish mexanizmi joriy etiladi, shuningdek, Markaziy bankning ushbu yo‘nalishdagi funktsiyalarini bajarish vakolatlari belgilab berilgan.

Shu bilan birga, qonunda ko‘zda tutilgan qoidalarda nobank kredit tashkilotlari xizmatlari iste‘molchilarining huquqlarini himoya qilish choralari kuchaytirildi. Xususan, qonunchilik darajasida nobank kredit tashkilotlarining ular ko‘rsatadigan xizmatlar to‘g‘risidagi ma‘lumotlarini, shartnomalar shartlariga bir tomonlama o‘zgartirish yoki qo‘shimchalar kiritishni taqiqlash to‘g‘risidagi talablarni, shuningdek, iste‘molchilarning moliyaviy operatsiyalari to‘g‘risidagi ma‘lumotlarni oshkor qilmaslik majburiyatlari belgilandi.

1-chizma.

Nobank kredit tashkilotlari turlari*



*Muallif ishlanmasi

Qonunda qayd etilishicha: «banklar tomonidan amalga oshiriladigan ayrim moliyaviy operatsiyalarning ushbu Qonunda ruxsat etilgan majmuini amalga oshiruvchi quyidagi kredit tashkilotlari nobank kredit tashkilotidir:

mikromoliya tashkiloti – mikromoliyalashtirish faoliyatini amalga oshiruvchi,

shuningdek ushbu Qonunda nazarda tutilgan boshqa xizmatlarni ko'rsatuvchi yuridik shaxs;

lombard – shaxsiy iste'molga mo'ljallangan ko'char mol-mulkning (ashyoning) zakalat tarzidagi garovi asosida jismoniy shaxslarga qisqa muddatli mikroqarzlarni berishga doir faoliyatni amalga oshiruvchi yuridik shaxs;

ipotekani qayta moliyalashtirish tashkiloti – moliyaviy mablag'larni jalb qilish va ularni ipoteka kreditlarini qayta moliyalashtirishga yo'naltirish bo'yicha faoliyatni amalga oshiruvchi yuridik shaxs».

Nobank kredit tashkilotlari an'anaviy bank mexanizmlaridan foydalanmasdan kreditlar va boshqa moliyaviy xizmatlar ko'rsatish bilan shug'ullanadilar. Ularning faoliyatiga quyidagilar kiradi:

1. Iste'mol kreditlarini taqdim etish – Bankdan tashqari kreditorlar iste'molchilarga tovarlar, xizmatlar sotib olish yoki muayyan vazifalarni bajarish uchun kredit taklif qilishlari mumkin. Bu avtomobil kreditlari, ipoteka, naqd avans va boshqa turdagi kreditlarni o'z ichiga olishi mumkin.

2. Mikromoliya – nobank kredit tashkilotlari ko'pincha kichik va o'rta biznes sub'ektlari bilan hamkorlik qiladi, ularning faoliyatini rivojlantirish va kengaytirish uchun qulay moliyaviy resurslar bilan ta'minlaydi.

3. Kichik biznesni kreditlash – Bankdan tashqari kreditorlar an'anaviy bank kreditlaridan foydalana olmaydigan turli biznes turlarini moliyalashtirishni taklif qilishadi.

4. Qisqa muddatli moliyalashtirish – Nobank kredit tashkilotlari ham korxonalar va jismoniy shaxslarning qisqa muddatli ehtiyojlarini qondirish uchun qisqa muddatli kreditlar va moliyaviy vositalarni taklif qilishadi.

5. Faktoring – Nobank kredit tashkilotlari faktoring xizmatlarini ko'rsatishi mumkin, bunda ular kompaniyalardan qarzlarni chegirma bilan sotib oladilar va keyin qarzdorlardan qarzlarni undiradilar.


6. Lizing – Bankdan tashqari kreditorlar kompaniyalarga uskunalar yoki ko'chmas mulkni ma'lum muddatga ijaraga olish imkonini beruvchi lizing xizmatlarini ko'rsatishi mumkin.

Mikromoliya tashkiloti yoki ipoteka kreditini qayta moliyalash tashkilotining faoliyati tegishli registrlarda hisob qaydnomasi ro'yxatga olinganidan keyin amalga oshiriladi.

Shuningdek, aksiyadorlar tomonidan moliyalashtirish o'z mablag'larini kompaniyaga qo'ygan va foydaning bir qismini oladigan xususiy investorlar ishtirokida ayrim nobank kredit tashkilotlari tuzilishi mumkin. Davlat subsidiyalari yoki grantlarini olish - ayrim hollarda nobank kredit tashkilotlari o'z faoliyatini rivojlantirish uchun davlat tomonidan subsidiyalar yoki grantlar shaklida yordam olishlari hamda Investitsiyalardan olingan foyda - ayrim nobank kredit tashkilotlari o'z mablag'larini turli moliyaviy vositalarga qo'yishlari va bu qo'yilmalardan daromad olishlari mumkin. Har bir aniq nobank kredit tashkilotining o'ziga xos strategiyasi va faoliyati yo'nalishiga qarab, uni moliyalashtirish manbalari har xil bo'lishi mumkin.

2-chizma.

Nobank kredit tashkilotlarining faoliyati*



*Muallif tomonidan tuzildi.

Nobank kredit tashkilotlari faoliyatini davlat tomonidan tartibga solish va nazorat qilish Markaziy bank tomonidan amalga oshiriladi. «Markaziy bank nobank kredit tashkilotlari faoliyatini tartibga solish maqsadida quyidagilarni: ruxsat berish va xabardor qilish tartib-taomillaridan o'tish tartibini; nobank kredit tashkilotlarining axborot xavfsizligini va kiberxavfsizligini ta'minlashga doir minimal talablarni; lombardlarning kassa xonalariga doir talablarni; nobank kredit tashkilotlari tomonidan yangi moliyaviy operatsiyalarni, texnologiyalarni va xizmatlarni nazorat qilinadigan cheklangan muhitda (qamrov hududi, sinov davri, xizmatlar hamda operatsiyalar soni va (yoki) hajmi, iste'molchilar soni va boshqalar) sinovdan o'tkazish bo'yicha maxsus huquqiy rejimni ("tartibga solish qumdoni"); mikromoliya tashkilotlari tomonidan to'lov agenti (subagenti) yoki banklar, sug'urta va boshqa moliya tashkilotlari agenti vazifalarini amalga oshirish tartibini; mikromoliya tashkilotlari tomonidan islomiy moliyalashtirishga oid


xizmatlar ko'rsatish tartibini; mikromoliya tashkilotlari va ipotekani qayta moliyalashtirish tashkilotlarining aktivlari sifatini tasniflash va baholashga, ularni tasniflash asosida aktivlar bo'yicha ehtimoliy yo'qotishlarga qarshi zaxiralarni shakllantirishga doir talablarni; mikromoliya tashkilotlari va lombardlar xizmatlari iste'molchilari bilan o'zaro munosabatlarni amalga oshirishi chog'ida ushbu tashkilotlar faoliyatiga doir minimal talablarni; maxsus vakolatli davlat organi bilan birgalikda jinoiy faoliyatdan olingan daromadlarni legallashtirishga, terrorizmni moliyalashtirishga va ommaviy qirg'in qurolini tarqatishni moliyalashtirishga qarshi kurashishga doir ichki nazorat qoidalarini» ishlab chiqadi.

Xitoy nobank kredit tashkilotlarining moliyaviy xizmatlari sifatini oshirish bo'yicha tajribasi o'z moliya tizimida nobank sektorining ahamiyati ortib borayotganiga duch kelayotgan boshqa mamlakatlar uchun ham foydali bo'lishi mumkin. Bu moliya tizimining barqarorligini ta'minlash va iste'molchilar manfaatlarini himoya qilish uchun ushbu sub'ektlar faoliyatini samarali tartibga solish va nazorat qilish muhimligini ta'kidlaydi.

«Xitoy moliya tizimi noaniq va uni tushunishga harakat qilgan har bir kishini qiziqtiradi. Normativ-huquqiy baza ham asosan beqaror va xitoylik tartibga soluvchilar global institutlarga yoki ularning qoidalariga rioya qilmasligini hisobga olsak, Xitoy nobank kredit tashkilotlari o'z yo'nalishlarida rivojlanmoqda. Xitoydagi nobank moliya tashkilotlaridan biri bu “trast (ishonch) kompaniyalari” bo'lib, u boshqa joylarda topilgan xususiy jamoaviy investitsiya vositalari yoki muqobil investitsiya fondlariga o'xshaydi. Ushbu ishonchli kompaniyalar birinchi navbatda bank kreditlarini taqlid qiladigan, ammo tartibga solinmagan faoliyatga sarmoya kiritadilar.

3-diagramma.

3-Xitoy moliya institutlari tomonidan sektorlar bo'yicha taqdim etiladigan yangi kreditlari [10] (trillion yuan)



Xitoy iqtisodiyotida 2023 yilning birinchi choragi oxirida yangi depozitlar 15,4 trillion yuanni tashkil etgan, bu o'tgan yilga nisbatan 4,5 trillion yuanga ko'p.

Xususan, yangi rezident depozitlari 9,9 trillion yuanga oshgan, bu o'tgan yilga nisbatan 2 trillion yuanga o'sishni aks ettiradi (3-diagramma).

Odatda, korxonalar yanvar oyida yangi omonatlarning muhim manbai bo'ladigan bahor bayrami arafasida ish haqi, mukofot va mukofotlarni to'laydi. Boshqa tomondan, qimmatli qog'ozlar va ko'chmas mulk bozoridagi ko'rsatkichlarning umidsizligi fonida, aholi odatda ko'proq tejashni va sarmoya kiritishda konservativ yondashuvni qo'llashni boshladilar. Shunisi e'tiborga loyiqki, yangi turar-joy depozitlari mart oyida o'tgan ikki oyda 1,8 trillion yuanga keskin o'sganidan farqli o'laroq, yiliga 205,1 milliard yuanga o'sdi. Kelgusida biz ba'zi tejamkorlik iste'mol va investitsiyalarga o'tishini kutamiz, chunki iqtisodiy asoslarni yaxshilash nuqtai nazaridan ehtiyotkorlik jamg'armalari ajratiladi. Bundan tashqari, 2023 yilning birinchi choragida moliyaviy bo'lmagan korxonalarning depozitlari 3,18 trillion yuanga o'sdi, bu korporativ kreditlarga bo'lgan talabning doimiy o'sishidan dalolat beradi.

Umuman olganda, nobank kredit tashkilotlari iqtisodiyotda muhim rol o'ynaydi, kichik va o'rta biznes, iste'molchilar va bank xizmatlaridan foydalanish imkoniyati cheklangan boshqa mijozlar uchun kredit va moliyaviy xizmatlardan foydalanish imkoniyatini beradi. Ushbu tashkilotlar iqtisodiy o'sishni rag'batlantirishga, tadbirkorlikni rivojlantirishga va yangi ish o'rinlarini yaratishga yordam beradi.

Xulosa va takliflar

Fikrimizcha nobank kredit tashkilotlari an'anaviy banklarga qaraganda ancha moslashuvchan bo'lishi mumkin, bu ularga bozordagi o'zgarishlar va mijozlar ehtiyojlariga tezroq javob berishga imkon beradi. Shuningdek, ular ko'proq moslashtirilgan moliyaviy mahsulotlar va xizmatlarni taklif qilishlari mumkin.

Xususan, nobank kredit tashkilotlari bank tizimining faoliyatini to'ldiradi, moliyaviy xizmatlar bozorida raqobatni kuchaytiradi va iqtisodiyotning turli tarmoqlari uchun moliyalashtirish imkoniyatlarini kengaytiradi. Shuningdek, nobank kredit tashkilotlari moliya tizimida muhim rol o'ynaydi, kichik va o'rta biznes hamda aholi uchun kreditlar va boshqa moliyaviy xizmatlardan foydalanish imkoniyatini beradi. Ularning faoliyatini rivojlantirish uchun quyidagi choralarni taklif qilish mumkin:

1. Tartibga solish va nazoratni takomillashtirish. Mijozlarning manfaatlarini himoya qilish va moliyaviy tizimning barqarorligini ta'minlash uchun bankdan tashqari kredit tashkilotlari faoliyati uchun shaffof qoidalar va standartlarni yaratish kerak.

2. Infratuzilmani rivojlantirish. Bank bo'lmagan kredit tashkilotlari o'z faoliyatini yaxshilash uchun zamonaviy texnologiyalar va axborot resurslaridan foydalanishlari kerak.

3. Kadrlar tayyorlash. Xodimlarning kasbiy darajasini oshirish bank bo'lmagan kredit tashkilotlariga o'z mijozlariga yaxshiroq xizmat ko'rsatishga va o'z xavf-xatarlarini yanada samarali boshqarishga yordam beradi.

4. Banklar va boshqa moliya institutlari bilan hamkorlik. Bank bo'lmagan

kredit tashkilotlari va moliya bozorining boshqa ishtirokchilari o'rtasidagi o'zaro munosabatlar moliyaviy xizmatlardan foydalanish imkoniyatlarini kengaytirishga va raqobatni kuchaytirishga yordam beradi.

5. Hukumatning yordami. Davlatni qo'llab-quvvatlash imtiyozli kreditlash dasturlari, omonatlarni kafolatlash yoki iqtisodiyotning ushbu sektorini rivojlantirishni rag'batlantirish bo'yicha boshqa choralar orqali bankdan tashqari kredit tashkilotlarini rivojlantirishga yordam berishi mumkin.

Фойдаланилган адабиётлар

1. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2020-yil 12-maydagi PF-5992-son “2020-2025-yillarga mo'ljallangan O'zbekiston Respublikasining bank tizimini isloh qilish strategiyasi to'g'risida”gi Farmoni

2. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2019 yil 23 iyuldagi “Mikromoliyaviy xizmatlar ommabopligini oshirish chora-tadbirlari to'g'risida”gi PQ-4400-sonli Qarori

3. Levine R. Finance and growth: theory and evidence //Handbook of economic growth. – 2005. – T. 1. – C. 865-934.

4. Claessens S., Perotti E. Finance and inequality: Channels and evidence //Journal of comparative Economics. – 2007. – T. 35. – №. 4. – C. 748-773.

5. DW Diamond. Monitoring and reputation: The choice between bank loans and directly placed debt - Journal of political Economy, 1991 y.

6. Роше Ж. А. Н. Ш. Почему так много банковских кризисов? //Проблемы теории и практики управления. – 2005. – №. 2. – С. 27-31.

7. Arnold D. “Небанковские кредитные организации: особенности создания и деятельности” Общество и право. – 2014. – №. 1 (47). – С. 304-305.

8. Competition in the markets of non-bank financial services / Ed. by . Richard Scott Baker. – M., 2002.

9. <https://www.fsb.org/wp-content/uploads/P201222.pdf>

10. <https://assets.kpmg.com/content/dam/kpmg/cn/pdf/en/2023/05/china-banking-industry-survey-report-2023.pdf>

БАНКЛАР ФАОЛИЯТИНИ ТАРТИБГА СОЛИШ

Адилова Зоҳида Икромжоновна

банк иши кафедрасининг ўқитувчиси

Тошкент давлат иқтисодиёт университети

E-mail: adilova.zohida1989@gmail.com

ORCID: 0000-0002-3613-9392

Аннотация. Тижорат банкларининг ликвидлилигини таъминлаш уларнинг тўловга қобиллигини таъминлашнинг муҳим омили бўлгани ҳолда, мамлакат иқтисодиётида амалга ошириладиган тўловларнинг узлуксизлигини таъминлашнинг зарурий шарти ҳисобланади. Мақолада Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларининг ликвидлилигини тартибга солиш амалиётини такомиллаштириш билан боғлиқ бўлган долзарб масалалар тадқиқ этилган ва уларни ҳал қилишга қаратилган илмий таклифлар ишлаб чиқилган.

Калит сўзлар: Базель кўмитаси, регулятив капитал, молия бозори, “CAMELS”, тижорат банки, риск, депозит.

РЕГУЛИРОВАНИЕ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ БАНКОВ

Адилова Зоҳида Икромжоновна

преподаватель кафедры

банковского дела

Ташкентский государственный

экономический университет

E-mail: adilova.zohida1989@gmail.com

ORCID: 0000-0002-3613-9392

Аннотация. Обеспечение ликвидности коммерческих банков является важным фактором обеспечения их платежеспособности, а также необходимым условием обеспечения непрерывности платежей, осуществляемых в экономике страны. В статье обозначены текущие проблемы, связанные с совершенствованием практики регулирования ликвидности коммерческих банков Республики Узбекистан, разработаны научные предложения, направленные на их решение.

Ключевые слова: Базельский комитет, регулятивный капитал, финансовый рынок, «CAMELS», коммерческий банк, риск, депозит.

REGULATION OF THE ACTIVITIES OF BANKS

Adilova Zohida Ikromjonovna

Teacher of the Department of Banking

Tashkent State the University of Economics

E-mail: adilova.zohida1989@gmail.com

ORCID: 0000-0002-3613-9392

Abstract. Ensuring the liquidity of commercial banks is an important factor in ensuring their solvency, as well as a necessary condition for ensuring the continuity of payments in the country's economy. The article identifies urgent problems related to improving the practice of regulating the liquidity of commercial banks in the Republic of Uzbekistan and develops scientific proposals aimed at solving them.

Keywords: Basel Committee, regulatory capital, financial market, "CAMELS", commercial bank, risk, deposit.

Кириш

Халқаро ҳисоб-китоблар банкининг маълумотларига кўра, дунёнинг 150 дан ортиқ мамлакатда (дунёда 193 та мустақил давлат мавжуд), шу жумладан, Ўзбекистон Республикасида тижорат банклари капиталининг етарлилигини баҳолаш бўйича Халқаро Базел қўмитаси томонидан ишлаб чиқилган стандарт қўлланилади. Ушбу стандартга кўра, тижорат банки регулятив капиталининг етарлилигини аниқлаш учун регулятив капитал суммаси банкнинг рискка тортилган активлари суммасига бўлинади. Ушбу коэффициентнинг энг паст меъёрий даражаси 0,08 ёки 8% қилиб белгиланган. Агар тижорат банкида мазкур коэффициентнинг амалдаги даражаси 8 фоиздан паст бўлса, у ҳолда, ушбу банкнинг баланси ноликвид ҳисобланади.

Адабиётлар шарҳи

Хорижлик иқтисодчи олимлар томонидан амалга оширилган илмий тадқиқотларнинг натижалари кўрсатдики, қисқа муддатда фоиз ставкасини баҳолаш учун РБС моделлардаги умумий мувозанатда барча уч шарт бир вақтнинг ўзида кўриб чиқилади [1].

Фоиз ставкалари тебранишидаги ноаниқликлар турли омиллар, жумладан, молия бозори иштирокчиларининг кутилмаларига боғлиқ бўлиб, фоиз ставкаларини прогнозлашда инобатга олинadиган муҳим омиллардан бири ҳисобланади.

АҚШ иқтисодиёти мисолида мувозанат ставкасини аниқлаш бўйича ёндашувларнинг умумий кўриниши Ж.Ҳамилтон, И.Харрис, С.Граф, Ҳ.Линдвалл ва бошқаларнинг илмий тадқиқотларида келтирилган [2].

Мувозанатли фоиз ставкаси иқтисодиётнинг узок муддатли мувозанатига мос келадиган ставка сифатида He D., Wang H. ва Yu X. томонидан атрофлича ўрганилган [3].

Реал мувозанат ставкасини аниқлаш концепцияси капитал активлари нарҳини белгилашнинг истеъмол моделига асосланади. Ушбу моделнинг асосий башоратлари амалда аниқ тасдиқни топа олмайди [4].

Иқтисодий адабиётда кредит маблағлари таклифи (жамғармаси) ва уларга бўлган талаб (инвестициялар) ўртасидаги мувозанатнинг тавсифий

моделлари кенг ёритилган. Улар талаб ва таклиф омиллари орқали қарзга олинган пул нархини ўрганади. Бу моделлар турли назарий моделларнинг алоҳида натижаларига таянади ва реал фоиз ставкаси даражасини эмас, балки унинг ўзгариш йўналишини баҳолайди [5].

Мувозанатли фоиз ставкаларини баҳолашнинг муҳим йўналиши молиявий барқарорлик рискларининг мумкин бўлган тўпланиши туфайли мувозанат ставкаларининг стандарт таърифида иқтисодиётнинг номуносивлигига йўналтирилган ишлар билан ифодаланади [6].

Таҳлил ва натижалар

Халқаро банк амалиётида тижорат банклари капиталининг етарлилигини баҳолаш бўйича учта методика мавжуд бўлиб, уларнинг ичида нисбатан мукаммалли бўлиб, Базел қўмитаси экспертлари томонидан ишлаб чиқилган методика ҳисобланади.

Тижорат банки капиталининг етарлилигини баҳолаш бўйича Халқаро ҳисоб-китоблар банки томонидан ишлаб чиқилган методикада капиталнинг етарлилиги регулятив капитални активларнинг умумий суммасига бўлиш йўли билан аниқланади. Ушбу коэффициентнинг энг паст норматив даражаси 8% қилиб белгиланган.

АҚШ Федерал захира тизими томонидан ишлаб чиқилган методика бўйича, тижорат банки капиталининг етарлилиги капитални депозитларнинг умумий суммасига бўлиш йўли билан аниқланади. Ушбу коэффициентнинг энг паст норматив даражаси 10% қилиб белгиланган.

Базель-II стандартида да контрагентда ҳосилавий қимматли қоғозлар, РЕПО битими бўйича юзага келадиган кредит рисклари даражаси ҳам капиталнинг етарлилигини баҳолашда ҳисобга олинади.

Базель-II да активларни рискка тортилган суммаси (RWA) таркиби ўзгаради ва ушбу таркиб қуйидагича аниқланади:

$$RWA = CRWA + OR + MR$$

Бу ерда:

CRWA – активларни кредит рискка тортилган суммаси;

OR – операцияон риск;

MR – бозор rischi.

Базель-II стандартида кредит riskини баҳолашда қўлланиладиган коэффициентлар қуйидагиларни ҳисобга олади:

- мамлакатнинг суверен кредит рейтинги;
- банкнинг рейтинги;
- кредит олган мижознинг рейтинги;
- банк операциясининг тури.

Базель-II нинг муҳим талабларидан бири етарли даражада захира ажратмалари билан таъминланмаган банк кредитларининг риск даражасини ошириш талабидир. Ушбу талабнинг моҳияти шундаки, кредитнинг қайтариш муддати тугаганига 90 кун ва ундан ортиқ вақт ўтган бўлса, яратилган захира ажратмаси миқдори кредит бўйича умумий ҳолда, мазкур

кредитларнинг риск даражаси 150 фоизни ташкил қилади. Бу эса, муддати ўтган кредитларнинг брутто кредитлар ҳажмидаги салмоғи нисбатан юқори бўлган тижорат банкларининг ликвидлилигига ва капитал базасининг барқарорлигига салбий таъсир кўрсатади. Бунинг сабаби шундаки, биринчидан, республикада кредитлардан қўриладиган зарарларни қоплашга мўлжалланган захира ажратмалари тўлиқ тижорат банкларининг харажатиға олиб борилади.

2008 йилда бошланган жаҳон молиявий-иқтисодий инқироzi Базель қўмитасини банкларнинг капиталиға нисбатан белгиланган талабларни кескин кучайтиришға мажбур қилди. Натижада Базель-III деб номланувчи янги Битим юзаға келди ва унинг асосий жиҳатлари 2010 йилнинг 12 сентябридан кучға кирди. Ушбу янги Битим Базель-II ни бекор қилмайди, балки уни тўлдиради [7].

Тижорат банклари фаолиятини тартибға солишнинг иккинчи методологик асоси бўлиб, “CAMELS” рейтинг тизимининг тижорат банклари активларининг сифатиға, банкларнинг ликвидлилигига, депозитларнинг етарлилигига ва бозор рискига таъсирчанлигига қўйилган талаблар ҳисобланади [8].

1- жадвал.

“CAMELS” рейтинг тизимида тижорат банклари активларининг сифатини баҳолаш мезонлари *

Рейтинг	Мезонлар
1 – кучли	5 фоизгача
2 – қониқарли	5% - 15%
3 – ўртача	15% - 30 %
4 – чегаравий	30% - 50%
5 – қониқарсиз	50 фоиздан юқори

*<https://web.archive.org/web/20110721055244/http://www.ncua.gov/letters/Prior1996/E-LET161.html>

Жадвал маълумотларидан кўринадики, “CAMELS” рейтинг тизимида тижорат банклари активларининг сифати 5 фоиздан 50 фоизгача ва 50 фоиздан ортиқ бўлган шкала бўйича баҳоланади. Бунда, активларнинг сифати тижорат банки рискка тортилган активлар суммасини жами капиталға бўлиш ва олинган натижани 100 фоизға кўпайтириш йўли билан аниқланади. Активларнинг сифати кўрсаткичи 50 фоиздан юқори бўлган банклар бешинчи тоифаға киритилади ва уларнинг активлари сифати қониқарсиз, деб баҳоланади. Тижорат банклари активларининг сифат кўрсаткичини меъёрий талаблар даражасида бўлишини таъминлашда рискка тортилган активлар суммасининг ўсиш билан жами капиталнинг ўсиши ўртасидаги мутаносибликни таъминлаш муҳим аҳамият касб этади. Агар рискка тортилган активларнинг ўсиш суръатини жами капиталнинг ўсиш суръатидан ортда қолишиға йўл қўйилса ва қисқа вақт ичида ушбу ҳолатға

барҳам берилмаса, у ҳолда, тижорат банкида активлар сифати кўрсаткичини кескин пасайиши кузатилади. Бунинг натижасида банкнинг рейтинг баҳосини кескин пасайиш ҳолати юз беради.

2-жадвал.

“CAMELS” рейтинг тизимида банкларнинг ликвидлилиги бўйича рейтинг *

Рейтинг	Мезонлар
1 – кучли	Ликвидли активлар ҳажми етарлича ва ташқи манбаларни бемалол жалб қилиш мумкин
2 – қониқарли	Ликвидлилик пасаймоқда ва жалб қилинаётган ресурслар ҳажми ошмоқда. Аммо, ликвидлилик кўрсаткичи банк мансуб бўлган банклар гуруҳидаги ўртача кўрсаткичдан юқори
3 – ўртача	Ликвидли активлар ҳажми мажбуриятлар бўйича талабларни қоплашга ва миқдорларнинг кредитларга бўлган эҳтиёжларини тўлиқ қондиришга, жалб қилинган маблағлар ҳажминини оширмасдан туриб, етмайди.
4 – чегаравий	Ликвидлилик кўрсаткичи қабул қилинган меъёрдан сезларли даражада паст
5 – қониқарсиз	Банкнинг ликвидлилиги шу қадар паст даражадаки, у операцияларни амалга ошириш имкониятига эга эмас ва унинг ўз мажбуриятларини бажара олишини таъминлашга қаратилган тезкор чоралар кўриш талаб этилади

*<https://web.archive.org/web/20110721055244/http://www.ncua.gov/letters/Prior1996/E-LET161.html>.

2-жадвалда Банклар банкининг асосий ставкаси кўтарилиши натижасида, йиллар кесимида мамлакатимизда инфляциянинг ўсиши сурати, банклар томонидан тақдим қилинган кредитларнинг процентларининг ошиши ва юридик ва жисмоний шахсларнинг кредитлардан фойдаланиш имкониятларини чекланиши юзага келди. Шуниси аҳамиятлики, талаб қилиб олингунча қўйилмалар аслида банклар учун ресурс манбаи эмас. Қолган иккита депозит тури яъни муддатли ва жамғарма депозитлар тижорат банкларининг актив операцияларини молиялаштиришнинг барқарор манбаи ҳисобланади. Шунингдек, қонун ҳужжатида асосан фақат тижорат банкларигина депозитларни жалб қилаолади.

Хулоса

Фикримизча, республикаимизда пул-кредит сиёсати инструментлари орқали тижорат банклари фаолиятини тартибга солиш амалиётини такомиллаштириш мақсадида қуйидаги тадбирларни амалга ошириш мақсадга мувофиқдир:

1. Марказий банкнинг қайта молиялаш сиёсатининг тижорат банклари фаолиятини тартибга солишдаги ролини ошириш мақсадида, биринчидан, Марказий банкнинг “икки имзо шарти”га асосланган дисконт кредитларини бериш амалиётини йўлга қўйиш керак; иккинчидан, ликвидлилик ва тўловга қобиллик кўрсаткичларининг меъёрий даражаларини таъминлаган тижорат банкларига бериладиган гаровсиз марказлашган кредитлар ҳажмини ошириш лозим; учинчидан, тижорат банкларига, баланслашмаган ликвидлилик муаммосини ҳал қилиш учун, бир операцион кун мобайнида фоизсиз кредитлар беришни жорий қилиш зарур; тўртинчидан, ижобий инфляцион ва девальвацион кутилмани таъминлаш орқали кредитларнинг номинал ва реал

фоиз ставкалари ўртасидаги фарқнинг барқарорлигини таъминлаш керак.

2. Марказий банкнинг очик бозор операциялари ҳажмини халқаро рейтинг агентликларининг мақбул рейтингларига (камида ВВВ+) эга бўлган тижорат банкларининг (депозит сертификатлари) ва компанияларнинг (облигациялари) қимматли қоғозлари воситасида амалга ошириладиган очик бозор операциялари ҳисобидан ошириш лозим.

Ҳозирги даврда Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ўзининг очик бозор операцияларининг объекти сифатида фақат ҳукуматнинг қимматли қоғозларидан фойдаланмоқда. Бундай шароитда Марказий банк, ҳукумат қимматли қоғозларининг эмиссия ҳажми кичик бўлганлиги сабабли, очик бозор операцияларининг ҳажмини ошириш имконига эга бўлмайди.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Mendoza E. Real Business Cycles in a Small Open Economy. American Economic Review, 1991. – 81(4). – P. 797–818.; Guo, J.-T. and Janko, Z. (2009). Reexamination of Real Business Cycles in a Small Open Economy. Southern Economic Journal, 2009. – 76(1). – P. 165–182.

2. Hamilton J., Harris E., Hatzius J. and West K. The Equilibrium Real Funds Rate: Past, Present and Future. IMF Economic Review, 2016. – 64(4). – P. 660–707.; Grafe C., Grut S. and Rigon L. Neutral Interest Rates in CEEMEA – Moving in Tandem with Global Factors. Russian Journal of Money and Finance, 2018. – N 77(1). – P. 6–25.; Beyer R. C. M. and Wieland V. Instability, Imprecision and Inconsistent Use of Equilibrium Real Interest Rate Estimates. Journal of International Money and Finance, 2019. – 94. – P. 1–14.; Lundvall H. and Westermarck A. (2011). What Is the Natural Interest Rate? Sveriges Riksbank Economic Review, 2011. – 2. – P. 7–26.

3. He D., Wang H. and Yu X. Interest Rate Determination in China: Past, Present and Future. International Journal of Central Banking, 2015. – 11(4). – P. 255–277.

4. Giammarioli N. and Valla N. The Natural Real Interest Rate and Monetary Policy: A Review. Journal of Policy Modelling, 2004. – 26(5). – P. 641–660.; Kocherlakota, N. The Equity Premium: It's Still a Puzzle. Journal of Economic Literature, 1996. – 34. – P. 42–71.

5. Blanchard O., Furceri D. and Pescatori A. A Prolonged Period of Low Real Interest Rates? In: C. Teulings and R. Baldwin, eds., Secular Stagnation: Facts, Causes and Cures., 2014. – London: CEPR Press. – P. 101–110.

6. Juselius M., Borio C., Disyatat P. and Drehmann M. Monetary Policy, the Financial Cycle, and Ultra-Low Interest Rates. International Journal of Central Banking, 2017. – 13(3). – P. 55 – 89.

7. Murodova D. Improving the process of regulating the activities of commercial banks through money-credit instruments. 2022. – P. 161-165.

8. Supervision and Regulation. CAMELS rating system.
<https://www.federalreserve.gov>

MARKAZIY BANKNING PUL-KREDIT SIYOSATI

Murodova Dilnoza Choriyevna



*bank ishi kafedrasining dosenti DSc
Toshkent davlat iqtisodiyot universiteti
E-mail: dilnoz88.murodova@mail.ru
ORCID: 0000-0002-3613-9392*

Qodirov Farhod Amirovich

*ekonometrika kafedراسi dosenti PhD
Toshkent davlat iqtisodiyot universiteti
E-mail: farxod.qodirov@inbox.ru*

Annotatsiya. Maqolada yurtimizda banklar banki bo'lgan Markaziy bankda monetar siyosat doirasida amalga oshirilayotgan ishlar va quyi qismida joylashgan tijorat banklari faoliyatiga ijobiy ta'sir etish maqsadida bir qancha strategiya va taktikalar ishlab chiqilgandir. Bunda banklar faoliyatining mohiyati, iqtisodiy xavfsizligiga ta'sir etuvchi omillar keltirib o'tilgan.

Kalit so'zlar: Markaziy bank, Tijorat banki, monetar siyosati, monetary dastaklar, to'lovga qobillik, likvidlik, asosiy stavka, majburiy zaxira, ochiq bozor operatsiyalari.

ДЕНЕЖНО-КРЕДИТНАЯ ПОЛИТИКА ЦЕНТРАЛЬНОГО БАНКА

Муродова Дилноза Чориевна

*DSc доцент кафедры банковского дела
Ташкентский государственный
экономический университет
E-mail: dilnoz88.murodova@mail.ru
ORCID: 0000-0002-3613-9392*

Қодиров Фарход Амирович

*эконометрика кафедры доцентов PhD
Ташкентский государственный
экономический университет
E-mail: farxod.qodirov@inbox.ru*

Аннотация. В статье разработан ряд стратегий и тактик с целью положительного влияния на деятельность Центрального банка, который является банком банков нашей страны, в рамках денежно-кредитной политики и на деятельность коммерческих банков, расположенных в нижняя часть. Отмечены характер деятельности банков и факторы, влияющие на их экономическую безопасность.

Ключевые слова: Центральный банк, коммерческий банк, денежно-кредитная политика, монетарные рычаги, платежеспособность, ликвидность,

ключевая ставка, резервные требования, операции на открытом рынке.

MONETARY POLICY OF THE CENTRAL BANK

Murodova Dilnoza Choriyevna

*Associate Professor
of the Department of Banking DSc
Tashkent State the University of Economics
E-mail: dilnoz88.murodova@mail.ru
ORCID: 0000-0002-3613-9392*

Kodirov Farkhod Amirovich

*Econometrics Department
of Associate Professors PhD
Tashkent State the
University of Economics
E-mail: farxod.qodirov@inbox.ru*

Abstract. The article discusses the work carried out within the framework of monetary policy at the Central Bank, which is the bank of banks in our country, and a number of strategies and tactics have been developed to positively influence the activities of commercial banks located downstream. The essence of the activities of banks and factors affecting their economic security are highlighted.

Keywords: Central bank, Commercial bank, monetary policy, monetary levers, solvency, liquidity, key rate, reserve requirement, open market operations.

Kirish

O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2022 yil 28 yanvardagi PF-60-sonli Farmoni bilan tasdiqlangan. “2022 — 2026 yillarga mo‘ljallangan Yangi O‘zbekistonning taraqqiyot strategiyasi to‘g‘risida” Farmoni qabul qilindi. Unda “2022 yilda yillik inflyasiya darajasini 9 foizgacha va 2023 yilda 5 foiz hamda fiskal taqchillikni 3 foizgacha pasaytirish choralari ko‘rib, keyinchalik inflyasiya va davlat byudjeti taqchilligi ushbu ko‘rsatkichdan oshmasligi ta‘minlab borish, inflyasiyaning monetar omillarini pasaytirish hisobiga doimiy inflyasion maqsadga (target) erishish bo‘yicha choralar ko‘rish” kabi vazifalar yuklatilgan. Xususan, qat‘iy pul-kredit sharoitlarini saqlab qolish, shu jumladan, iqtisodiyotga kredit qo‘yilmalari o‘shish sur‘atini (16 — 18 foiz) yalpi ichki mahsulot nominal hajmi o‘shish sur‘atlari bilan mutanosib bo‘lishini; pul-bozoridagi operatsiyalar bo‘yicha 2-3 foizlik real ijobiy foiz stavkalari shakllanishini ta‘minlash; Markaziy bankning pul-kredit instrumentlarining inflyasiyaga ta‘sirini kuchaytirish; iqtisodiyotda inflyasion kutilmalarni pasaytirishga qaratilgan kommunikasiya siyosatini takomillashtirish belgilab berilgan [1].

Adabiyotlar sharhi.

Monetar siyosat instrumentlaridan foydalanishning nazariy masalalari xususidagi qarashlarga xos bo‘lgan umumiy xususiyatlardan biri shundaki,

ularning deyarli barchasi asosida keynschilik va monetarizm asosiy konsepsiyalar ekanligi amalda e'tirof etilgan.

J. Keyns va uning izdoshlari o'zlarining pul-kredit konsepsiyasida asosiy e'tiborni byudjet siyosati dastaklaridan faol va ustuvor tarzda foydalanishga qaratganlar. Shuni alohida ta'kidlash lozimki, ikkinchi jahon urushiga qadar bu konsepsiya jiddiy qarshiliklarga uchramadi. Ammo, XX-asrning 50-yillaridan boshlab monetaristik pul nazariyalarining qoidalari keynscha konsepsiyaning asosiy qoidalarini inkor qila boshladi. Keynschilik maktabi vakillarining mustaqil pul-kredit siyosatiga nisbatan salbiy munosabati J. Keynsning makroiqtisodiy tahlil monetar bo'lishi mumkin emas, degan xulosasiga asoslanadi. J. Keynsning fikriga ko'ra, tarmoqni yoki alohida korxonani o'rganishda foydalaniladigan resurslar umumiy miqdorini o'zgarmas miqdor sifatida ko'rib chiqishni taqozo qiladi. Bunda boshqa tarmoqlar va korxonalarning sharoitlari o'zgarmasdan qoladi, degan mulohazaga asoslaniladi. Bunda pul tavsifi muhim ahamiyatga ega bo'lmaydi. J. Keynsning bunday tarzda fikr yuritishining asosiy sababi shundaki, u umumiy talab ishlab chiqarishni belgilaydi, ishlab chiqarishning darajasi esa to'liq bandlikka erishish uchun etarli bo'lmashligi mumkin, deb hisoblaganligidir. Bunda pullar strategik rol o'ynaydi va umumiy talabni aniqlashga imkon beradi: pul miqdorining etishmasligi yoki ortiqchaligi muvofiq tarzda ishsizlikni yoki inflyasiyani yuzaga keltirishi mumkin. Aynan, inflyasiyani yuzaga kelishining “kenscha yondashuvi”ni ko'rishimiz mumkin[2].

J. Keynsning fikriga ko'ra, foiz stavkalarining dinamikasi psixologik hodisadir. Uning fikricha, foiz stavkalariga muomaladagi pul miqdori kuchli tarzda ta'sir ko'rsatadi va uning o'zgarishi foiz stavkalarining “mo'tadil” darajasi to'g'risidagi turli xildagi tasav-vurlarga bog'liq. J. Keyns mazkur qoidani ishlab chiqish jarayonida amalga oshirgan tadqiqot natijalariga asoslangan holda ikki muhim xulosani shakllantirganligining guvohi bo'lamiz:

Birinchi xulosa pullarga bo'lgan talab va foiz stavkasi o'rtasidagi o'zaro munosabat nobarqaror ko'rsatkich hisoblanadi, chunki foizning “mo'tadil” stavkasi miqdori individuumning o'ziga bog'liq va turli vaqt oraliqlarida har xil holatlarni ta'sirida o'zgarib turadi. Ushbu nobar-qarorlik tufayli moliya organlari foiz stavkalarining maqbul darajasiga erishish maqsadida pul massasini zarur darajada o'zgartirish uchun zarur bo'lgan oraliq nishonlarni tanlab ololmaydilar. Agar bunga foiz stavkasi va umumiy talab o'rtasidagi o'zaro munosabatlardagi noaniqlik qo'shilsa, unda byudjet instrumentlariga asosiy e'tiborni qaratishning asosiligi namoyon bo'ladi.

Ikkinchi xulosa esa, ma'lum sharoitlarda foiz stavkasi etarli darajada elastik bo'lmay qolishi mumkin. Masalan, moliya organlari foiz stavkalarini pasaytirishga harakat qilganlarida ma'lum qiyinchiliklarga duch kelishlari mumkin. J. Keynsning qarashlariga muvofiq, ushbu qiyinchiliklar muomaladagi pul massasining sezilarli darajada o'sishi foiz stavkalariga nisbatan zaif tarzda ta'sir qilganda yuzaga keladi. Boshqacha qilib aytganda, pullarga bo'lgan talabning foiz stavkalariga nisbatan elastiklik darajasining pastligi «mo'tadil» foiz stavkasi to'g'risidagi, shuningdek, qimmatli qog'ozlar bozor kursini ko'zda tutilgan evolyusiyasi xususidagi

tasavvurlarni o‘zaro keskin farqlanishiga olib keladi.

Aytib o‘tish kerakki, o‘z ilmiy izlanishlarida J.Keyns pullarga talab funksiyasiga katta e‘tibor qaratdi. Ammo, bizningcha, u pullar taklifini chuqur tadqiq qilmagan. Faqat u “Pullar to‘g‘risida trakt”ning 2-tomonida pul massasini Markaziy bank tomonidan nazorat qilish imkoniyatlari xususida fikr yuritadi. Bunda J.Keyns, yopiq iqtisodiyot sharoitida Markaziy bank o‘zining to‘g‘ri kreditlari va ochiq bozor operatsiyalari orqali bank zaxiralarini va bank depozitlarini shakllanish jarayonlarini nazorat qilishi mumkin, degan xulosani shakllantiradi.

M.Fridmen asos solgan monetarizm oqimi va J.M.Keyns tomonidan ishlab chiqilgan pul-kredit konsepsiyasi bu boradagi etakchi konsepsiyalar bo‘lganligi sababli, ularning pullarga bo‘lgan talab va pullar taklifi xususidagi nazariy qoidalari milliy valyuta barqaror-ligini ta‘minlashning uslubiy asoslarini takomillashtirishda muhim amaliy ahamiyat kasb etadi. Shuni alohida e‘tirof etish joizki, M.Fridmen va J.Keynsning pul-kredit konsepsiyalari AQSh, Buyuk Britaniya, Yaponiya, Fransiya kabi sanoati rivojlangan mamlakatlarining markaziy banklari faoliyatida muvaffaqiyatli qo‘llanilgan. Jumladan, J.Keynsning “Arzon pullar” nazariyasi Ikkinchi Jahon urushidan keyin xonavayron bo‘lgan G‘arbiy Evropa mamlakatlari iqtisodiyotini tiklash va rivojlantirishda muhim rol o‘ynadi.

M.Fridmen miqdoriylik nazariyasini pullarga bo‘lgan talab nazariyasi ekanligini o‘zining ilmiy izlanishlarida e‘tirof etgan[3]. Shu jihatdan olganda, pullarga bo‘lgan talab konsepsiyasi monetarizmning asosiy qoidalaridan biri hisoblanadi. Monetarizm iqtisodiyotni monetar siyosat vositalari orqali va baholar yordamida tartibga solishga ustuvor darajada ahamiyat beradigan, muvozanatlashgan tizim sifatida qaraydigan nazariyadir. N.Kaldorning fikriga ko‘ra, monetarizm – bu “asosan bitta iqtisodchining favqulodda kuchli ishontirish qobiliyatiga ega bo‘lgan iqtisodchi-professor Milton Fridmenning sa'y-harakatlarining mevasidir”[4]. Monetarizm maktabi vakillari Markaziy bank pullar taklifini tartibga solish uchun real imkoniyatlarga ega[5] degan xulosani himoya qiladilar. Ularning fikricha, inflyasiya sof pul fenomeni bo‘lib, ko‘p omilli jarayon emas. Monetarchilar inflyasiyaning yuzaga kelish sababi sifatida pul massasining ishlab chiqarish hajmiga nisbatan yuqori sur‘atlarda o‘shishini ko‘rsatadilar. Inflyasiyaning mohiyati xususidagi qarashlaridan kelib chiqqan holda, ular, pul massasini tartibga solish yo‘li bilan inflyasiyani jilovlash mumkin, deb hisoblaydilar va bu vazifani faqatgina Markaziy bank bajara oladi, degan fikr ilgari suriladi.

Tahlil va natijalar.

“O‘zbekiston Respublikasi Markaziy banki to‘g‘risida”gi Qonunga muvofiq, pul-kredit siyosatini ishlab chiqish va amalga oshirish Markaziy bankning asosiy vazifalaridan biri hisoblanadi.

Markaziy bank pul-kredit siyosatini narxlar barqarorligini ta‘minlash maqsadidan kelib chiqqan holda ishlab chiqadi va amalga oshiradi. Narxlar barqarorligi past va barqaror inflyasiya darajasini anglatadi[6].

Markaziy bank inflyasion targetlash rejimi doirasida iqtisodiyotda narxlar

barqarorligini ta'minlashga qaratilgan pul-kredit siyosatini amalga oshirishda quyidagi tamoyillarga asoslanadi.

1. Inflyasiya darajasi bo'yicha maqsadli ko'rsatkich e'lon qilinadi va unga erishish ustuvorligi ta'minlanadi.

2. Markaziy bank asosiy stavkasi pul-kredit siyosatini yuritishning asosiy instrumenti hisoblanadi.

3. Pul-kredit siyosati operasion mexanizmi mustaqil ravishda ishlab chiqiladi va takomillashtirib boriladi.

4. Pul-kredit siyosatiga oid qarorlar keng qamrovli makroiqtisodiy tahlil va prognozlariga asoslanadi.

5. Markaziy bank valyuta siyosatini erkin suzuvchi valyuta kursi rejimida amalga oshiradi

6. Shaffof kommunikasiya siyosati – inflyasion targetlash rejimidagi pul-kredit siyosatining muhim dastagi.

Asosiy stavka pul-kredit siyosatining asosiy instrumenti bo'lib, inflyasiyaning barqaror 5 foizlik targeti doirasida shakllanishini ta'minlash uchun zarur bo'lgan pul-kredit sharoitlarini belgilab beradi. Asosiy stavka banklararo pul bozoridagi qisqa muddatli pul narxini (UZONIA) belgilaydi, ya'ni tijorat banklarining bir-birlariga overnayt shartlarda qarz berish va qarz olish foiz stavkasining maqsadli ko'rsatkichi hisoblanadi.

1. Tijorat banklarini Markaziy bank tomonidan, ularning balansidagi trattalarni qayta hisobga olish yo'li bilan, kreditlash usuli. Mazkur usulda berilgan kreditlar hisob yoki diskont kreditlari hisoblanadi, ularning foiz stavkasi esa, hisob yoki diskont stavkasi deyiladi. Markaziy bank har bir moliyaviy yil uchun oldindan trattalarni, ya'ni uzatma tijorat veksellarini o'zida qayta hisobga olish kontingentini belgilaydi. Qayta hisobga olish kontingenti hajmini belgilashda pul massasining o'sish sur'ati, inflyasiya darajasi kabi muhim makroiqtisodiy ko'rsatkichlar hisobga olinadi. Trattalarni qayta hisobga olish kontingentini mamlakatdagi tijorat banklari soniga bo'lish yo'li bilan har bir bank uchun belgilanadigan qayta hisobga olish limiti summasi aniqlanadi.

2. Tijorat banklarini Markaziy bank tomonidan, ularning balansidagi qimmatli qog'ozlarni va oltinni garovga olish yo'li bilan, kreditlash usuli. Ushbu usulda berilgan kreditlar lombard kreditlari bo'lib, ularning foiz stavkasi esa, lombard stavkalari deyiladi.

3. Tijorat banklarini Markaziy bank tomonidan to'g'ridan - to'g'ri kreditlash usuli. Mazkur usulda berilgan kreditlar overdraft, overnayt, kunlik va muddatli kreditlar shaklida bo'ladi. Markaziy bankning overdraft kreditlari tijorat banklarining milliy valyutadagi “Nostro” vakillik hisobraqamida yuzaga kelgan pul mablag'lari etishmasligi muammosini hal qilish maqsadida beriladi. Overnayt kreditlari bir sutkaga beriladigan kreditlar bo'lib, ular tijorat banklarida favqulodda yuzaga keladigan juda qisqa muddatli likvidlik muammosini hal qilish maqsadida beriladi. Kunlik kreditlar bir operasion kun davomida beriladi. Dunyoning bir qator mamlakatlarida (Shvesiya, Rossiya va boshq.) kunlik kreditlar Markaziy banklar tomonidan qimmatli qog'ozlarni garovga olgan holda foizsiz beriladi va ular milliy

to'lov tizimini qo'llab-quvvatlash maqsadida beriladi. TARGET tizimi orqali o'tadigan to'lovlarning uzluksizligini ta'minlash maqsadida evrozona Markaziy banklari tijorat banklarining “Nostro” vakillik hisobraqamlarida pul mablag'lari etishmovchiligi yuz berganda 1 kunlik foizsiz kreditlar beradi.

1-jadval
O'zbekiston Respublikasi Markaziy bankining asosiy stavkasi *

Amal qilish muddati	%
26.07.2024 —	13,5
17.03.2023 — 25.07.2024	14
22.07.2022 — 16.03.2023	15
10.06.2022 — 21.07.2022	16
18.03.2022 — 09.06.2022	17
11.09.2020 — 17.03.2022	14
15.04.2020 — 10.09.2020	15
25.09.2018 — 14.04.2020	16
28.06.2017 — 24.09.2018	14
01.01.2015 — 27.06.2017	9
01.01.2014 — 31.12.2014	10

* Markaziy bankning hisobot ma'lumotlari asosida tuzildi

2023 yilning I choragidan boshlab inflyasiya darajasining pasayish tendensiyasiga o'tganligi 2022 yilda inflyasion kutilmalarni jilovlash maqsadida asosiy stavkaga qo'yilgan qo'shimcha yuklamani pasaytirish imkonini berdi. Asosiy stavka 15 foizdan 14 foizga tushirildi va iyuldan 13.5 foizga “nisbatan qat'iy” pul-kredit sharoitlari saqlab qolindi[7].

Markaziy bankning 2017 yil 17 iyundagi 2891-sonli yo'riqnomasi. O'zbekiston Respublikasi Markaziy banki tomonidan tijorat banklariga ta'minotsiz kreditlarni berish tartibi to'g'risidagi nizomni tasdiqlash haqida.

Ta'minotsiz kredit – lahzali likvidlilik koeffisienti bo'yicha Markaziy bank tomonidan belgilangan talabdan past bo'lgan yoki keyingi bank ish kunida past bo'lishi kutilayotgan banklarga, ularning likvidlilikini qo'llab-quvvatlash va to'lovlarning uzluksizligini ta'minlash maqsadida Markaziy bank tomonidan ajratiladigan ta'minotsiz kredit. Ta'minotsiz kreditlar Markaziy bank tomonidan 3 oy muddatgacha qaytarish muddatini uzaytirish huquqisiz beriladi. Ta'minotsiz kreditdan foydalanganlik uchun foizlarni hisoblash kredit ajratilgan kundan boshlab, u to'liq qaytarilgan kundan oldingi kungacha bo'lgan muddatda amalga oshiriladi. Ta'minotsiz kredit oluvchi bankka beriladigan ta'minotsiz kreditlarning maksimal miqdori milily valyutadagi hisobvaraqlar bo'yicha majburiyatlar jami summasinng 30 foizidan oshmasligi lozim[8].

2-jadval
**Ta'minotsiz kreditning maksimal miqdorining hisob-kitobi uchun
uchun qabul qilinadigan milliy valyutadagi hisobvaraqlar ***

T/r	Talab qilib olinguncha majburiyatlar	Balans hisobvaraqlari
1	Talab qilib olinguncha depozitlar	20200
2	Boshqa banklarning hisobvaraqlari	21002, 21008
3	To'lanishi lozim bo'lgan hisoblangan foizlar	22402, 22403, 22405, 22406, 22476
4	Mijozlarning boshqa depozitlari	22600 minus 22602, 22628
5	Mijozlarning plastik kartalariga o'tkazilishi lozim bo'lgan pul mablag'lari bo'yicha tranzit hisobvaraqlari	23100
6	Kliring transaksiyalari	23200 minus 23206
7	Hukumatga tegishli daromad va boshqa tushumlar hisobvaraqlari	23400 minus 17500
8	Mijozlarning plastik kartalaridan kelib tushgan tushum	23500 minus 17400
9	Boshqa majburiyatlar	29800 minus 29822, 29826, 29830, 20842, 29846

* Markaziy bankning hisobot ma'lumotlari asosida tuzildi

Majburiy zaxiralash – bu banklarning Markaziy bankda ochilgan maxsus hisobvaraqlarida saqlanadigan mablag'lari va (yoki) vakillik hisobvaraqlarida yuritiladigan, o'rtachalash koeffisienti hajmidan kelib chiqib hisoblanadigan, majburiy zaxiralarning o'rtacha miqdori hisoblanadi.

O'rtachalash koeffisienti – 0 dan 1 gacha bo'lgan koeffisient, Markaziy bankdagi korrespondentlik hisobvarag'ida saqlashning ma'lum muddati davomida saqlash uchun zarur bo'lgan majburiy zaxiralarning o'rtacha miqdorini aniqlash uchun foydalaniladi. Tijorat banklari majburiyatlari qanday valyutada bo'lishidan qat'iy nazar, zaxiralarni milliy valyutada shakllantiradilar. Majburiy zaxiralarni saqlash davri 28 va 35 kalendar kunlaridan iborat bo'lib, payshanba kuni boshlanib chorshanba kuni tugaydi. Majburiy zaxiralar quyidagi funksiyalarni bajaradi: bank tizimi likvidligini samarali boshqarish; pul bozori foiz stavkalarining qisqa muddatli o'zgaruvchanligini o'rtachalash koeffisientidan foydalanish orqali kamaytirish; differensial normativlarni qo'llash orqali bank tizimida dollarizasiya darajasini pasaytirish.

3-jadval
Majburiy zahira meyorlari*

Majburiyat turi	Majburiy zaxiralash me'yorlari
Yuridik va jismoniy shaxslarning milliy valyutadagi depozitlari	4 foiz
Yuridik va jismoniy shaxslarning chet el valyutasidagi depozitlari	14 foiz
O'rtachalash koeffisienti	1,0

* Markaziy bankning hisobot ma'lumotlari asosida tuzildi

Majburiy zahiralar – tijorat banklari tomonidan Markaziy bankda alohida ochilgan hisobvaraqa majburiy tartibda milliy valyuta va chet el valyutasida depozitga o'tkazilgan pul mablag'lari. Markaziy bank tijorat bankining rezerv shakllantiriladigan majburiyatlariga nisbatan foiz miqdorini o'rnatadi. Majburiy

zahiralar normativ miqdori zahira shakllantiriladigan majburiyatlarning hisob kitob davridagi oʻrtacha miqdoriga majburiy zahiralar normativini koʻpaytirish orqali hisoblanadi. Markaziy bank faoliyatining asosiy maqsadi boʻlgan iqtisodiyotda narxlar barqarorligini taʼminlashda transmission mexanizm foiz kanali taʼsirchanligini oshirish maqsadida pul-kredit operatsiyalari amalga oshiriladi. Pul-kredit operatsiyalari bank tizimi umumiy likvidligini tartibga solish orqali qisqa muddatli foiz stavkalarini boshqarishga yoʻnaltirilgan. Markaziy bank tomonidan ushbu operatsiyalar foiz koridori mexanizmi asosida amalga oshiriladi va pul bozori foiz stavkalarining asosiy stavkaga nisbatan ± 2 foizlik koridorda shakllanishini taʼminlaydi[9].

Xulosa

Markaziy bankning pul-kredit siyosati va uning makroiqtisodiy ahamiyati oshirish imkonini beradi.

Markaziy bank asosiy stavkasi – inflyasion targetlash rejimi doirasida pul-kredit siyosatini yuritishning asosiy instrumenti boʻlib, Markaziy bankning tijorat banklari bilan amalga oshiradigan pul-kredit operatsiyalari boʻyicha moʻljal foiz stavkasi hisoblanadi. Ushbu stavkani oʻzgartirish orqali Markaziy bank iqtisodiyotda narxlar barqarorligini taʼminlash uchun zarur boʻlgan pul-kredit sharoitlarini belgilab boradi.

Majburiy zaxiralash – bu banklarning Markaziy bankda ochilgan maxsus hisobvaraqlarida saqlanadigan mablagʻlari va (yoki) vakillik hisobvaraqlarida yuritiladigan, oʻrtachalash koeffisienti hajmidan kelib chiqib hisoblanadigan, majburiy zaxiralarning oʻrtacha miqdori hisoblanadi.

Oʻrtachalash koeffisienti – 0 dan 1 gacha boʻlgan koeffisient, Markaziy bankdagi korrespondentlik hisobvaragʻida saqlashning maʼlum muddati davomida saqlash uchun zarur boʻlgan majburiy zaxiralarning oʻrtacha miqdorini aniqlash uchun foydalaniladi.

Foydalanilgan adabiyotlar

1. Oʻzbekiston Respublikasi Prezidentining 2022 yil 28 yanvardagi PF-60-sonli Farmoni. 2022 - 2026 yillarga moʻljallangan Yangi Oʻzbekistonning Taraqqiyot strategiyasi toʻgʻrisida//Qonunchilik maʼlumotlari milliy bazasi, 29.01.2022 y., 06/22/60/0082-son.

2. Дж. М. Кейнс.- М.: Экономика, 1983. -С. 118; Рикардо Д. Сочинения т. II. «Начало политической экономики и налогового обложения». Пер. с англ. - М.: Госполитиздат, с.360

3. Фридмен М. Основы монетаризма. Пер. с англ. – М.: ТЕИС, 2002. – С.70 – 72.

4. Kaldor N. The Monetarism/Lioyds Banking Review. 1970/ VII.P.1-2.

5. Juselius M., Borio C., Disyatat P. and Drehmann M. Monetary Policy, the Financial Cycle, and Ultra-Low Interest Rates. International Journal of Central Banking, 2017. –13(3). – P. 55 - 89.

6. <https://cbu.uz/oz/monetary-policy/concept/> Markaziy bankning hisobot maʼlumotlari.

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI RAQAMLI BANK XIZMATLARI BOZORINING JORIY HOLATI



Yo'ldosheva Iroda Ibodulla qizi

*Bank ishi kafedrası o'qituvchisi
Toshkent davlat iqtisodiyot universiteti
E-mail: iroday525@gmail.com
[ORCID:0009-0009-0414-1920](https://orcid.org/0009-0009-0414-1920)*

Annotatsiya. Raqamli texnologiyalarni qo'llash orqali nafaqat boshqaruv va biznes jarayonlarini qayta qurish, balki bank sohasida ham insoniyat hayotini yengillashtiradigan innovatsiyalarni amalga oshirish mumkin. Maqolada raqamli bank xizmatlari bozorining joriy holati o'rganilib, tegishli tafsilyalar berilgan.

Kalit so'zlar: raqamli bank, bank xizmatlari, yuridik shaxs, jismoniy shaxs, transformatsiya.

СОВРЕМЕННОЕ СОСТОЯНИЕ РЫНКА ЦИФРОВЫХ БАНКОВСКИХ УСЛУГ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

Юлдашева Ирода Ибодулла кизи

*преподаватель
кафедры банковского дела
Ташкентский государственный
экономический университет
E-mail: iroday525@gmail.com
[ORCID:0009-0009-0414-1920](https://orcid.org/0009-0009-0414-1920)*

Аннотация. В статье анализируются пути улучшения цифровых банковских услуг. С помощью цифровых технологий можно не только проводить реструктуризацию управленческих и бизнес процессов, но и внедрять ряд инноваций, которые облегчат жизнь людей в банковской сфере.

Ключевые слова: банковское дело, цифровой банк, банковские услуги, юридическое лицо, физическое лицо, трансформация.

CURRENT STATE OF THE DIGITAL BANKING SERVICES MARKET IN THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN

Yoldosheva Iroda Ibodulla kizi

*Teacher of the Department of Banking
Tashkent State University of Economics
E-mail: iroday525@gmail.com
[ORCID:0009-0009-0414-1920](https://orcid.org/0009-0009-0414-1920)*

Abstract. The article analyzes ways to improve digital banking services. With

the help of digital technologies, it is possible not only to restructure management and business processes, but also to introduce a number of innovations that will make life easier for people in the banking sector.

Keywords: digital banking, banking services, legal entity, individual, transformation.

Kirish

O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2022-yil 28-yanvardagi PF-60-son «2022-2026 yillarga mo‘ljallangan Yangi O‘zbekiston taraqqiyot strategiyasi to‘g‘risida»gi farmonida raqamli iqtisodiyotni asosiy “drayver” sohaga aylantirib, uning hajmini kamida 2,5 baravar oshirishga qaratilgan ishlarni olib borish hamda iqtisodiyotning real sektorida hamda moliya va bank sohalarida ishlab chiqarish va operatsion jarayonlarni raqamlashtirish darajasini 2026-yil yakuniga qadar 70 foizgacha oshirish kabi vazifalarni belgilangandi. Shuningdek, banklar faoliyatida zamonaviy axborot texnologiyalarini joriy qilish orqali masofaviy bank xizmatlari va kontaktsiz moliyaviy operatsiyalardan foydalanish ko‘lamini kengaytirish banklarning raqamli bank xizmatlarini rivojlantirishga turtki bo‘ladi. Yurtimizda iqtisodiy rivojlanishning raqamli iqtisodiyotga asoslangan innovatsion yo‘li barcha sohalarini sekin-asta qamrab olib yaqin kelajakda o‘zining samarali natijalarini berishi ehtimoli juda katta.

O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2018-yil 21-noyabrdagi “Raqamli iqtisodiyotni rivojlantirish maqsadida raqamli infratuzilmani yanada modernizatsiya qilish chora-tadbirlari to‘g‘risida”gi, 2022-yil 10-iyundagi PQ-3620-sonli «Bank xizmatlari ommabopligini oshirish bo‘yicha qo‘shimcha chora-tadbirlar to‘g‘risida»gi, 2023-yil 27-apreldagi PQ-3270-sonli «Respublika bank tizimini yanada rivojlantirish va barqarorligini oshirish chora-tadbirlari to‘g‘risida»gi qarorlari ushbu sohani rivojlantirishga qaratilgan.

Jahonda COVID-19 pandemiyasi banklar faoliyatida mijozlarning an‘anaviy filiallardan raqamli kanallardan foydalanishga o‘tishini yanada rag‘batlantirdi. The Boston Consulting Group tomonidan chakana bank xizmatlari bozoridagi o‘tkazilgan so‘roviga ko‘ra 16 ta yirik bozorda respondentlarning o‘rtacha 13 foizi pandemiya davrida birinchi marta online-banking xizmatidan foydalangan. Ba’zi bozorlarda bu ko‘rsatkich ancha yuqori bo‘lib, inqiroz davrida naqd pulsiz hisob-kitoblarga alohida urg‘u berilgan va katta o‘shishga erishdi. Jahonda chakana bank xizmatlari va to‘lovlarni raqamlashtirish yuqori sur‘atlarda o‘sayotganligi sababli aholining moliyaviy operatsiyalardan foydalanish ko‘lami kengaydi. Bundan tashqari, raqamli bank xizmatlarini rivojlanishi orqali filiallar va kassalar sonini qisqartirish uchun zamin yaratadi bu orqali, operatsion xarajatlarni kamaytirish imkonini beradi

Adabiyotlar sharhi

Raqamli bank xizmatlari xususan, masofaviy bank xizmatlari va ularning resurs bazasi masalalari xorijlik klassik va zamonaviy iqtisodchi olimlar Y.Korchagin, I.Lavrushin, G.Beloglazova, A.Tavasieva, S.V.Galitskaya, A.Ivanov,

P.Rouz, J.Sinki, V.Xabarov, N.Popova, Sh.Zokirov, Y.Vinokurova, N.Keshenkova, A.Goncharuk kabilarning ilmiy ishlarida tadqiq etilgan.

Ko'pgina iqtisodchi olimlar tomonidan bank xizmatlariga doir mavzu o'rganilgan bo'lishiga qaramasdan aynan raqamli bank xizmatlari va masofaviy moliyaviy operatsiyalardan foydalanish chuqur o'rganilmagan. Shuningdek, jahon amaliyotida raqamli bank xizmatlari faoliyati kengayib borayotgan sharoitda respublikamizda raqamli bank xizmatlarini rivojlantirish borasida chuqur ilmiy izlanishlar olib borilmagan.

Tahlil va natijalar

Bugungi kunga kelib nafaqat raqamli banklar, balki an'anaviy banklar ham aholiga raqamli bank xizmatlarini taqdim etmoqda. Chunki raqamli bank xizmatlaridan foydalanish qulay va oson. Raqamli banklar – mobil bank ilovalari va veb-platformalardan foydalanuvchilarga veb-brauzer orqali 24/7 bank xizmatlarini ko'rsatuvchi keng interfeysli banklardir. Bunda o'z-o'zidan ma'lumki, raqamli banklar kassa xizmatlarini ko'rsatmaydi hamda ularnig filiallari mavjud bo'lmaydi. Aynan bank xarajatlari tarkibida 57% ni operatsion xarajatlar, ya'ni oylik ish haqlari egallaydi, mosafadan turib moliyaviy operatsiyalarni taqdim etilganda esa bu xarajat tejaladi.

1-jadval.

Jami banklar va raqamli banklarning kreditlari to'g'risidagi ma'lumot (mlrd so'm)*

Bank nomi	01.10.2021			01.10.2022			01.10.2023		
	Jami kredit-lar	shundan		Jami kredit-lar	shundan		Jami kredit-lar	shundan	
		jismoniy shaxslar	yuridik shaxslar		jismoniy shaxslar	yuridik shaxslar		jismoniy shaxslar	yuridik shaxslar
Anor bank	189	156	33	1 943	1 805	137	2 259	2 067	192
TBC bank	83	83	0	1 200	1 144	56	1 753	1 662	91
AVO bank	54	2	52	6	0,5	6	1	1	0
Jami banklar	300 459	61 816	238 644	375 297	94 071	281 225	397 637	105 189	292 448

*Sayt ma'lumotlaridan foydalanib muallif tomonidan tayyorlangan.

Yuqoridagi jadval ma'lumotlaridan ko'rinadiki, so'ngi 3 yillikda raqamli banklarning kreditlari mos ravishda o'sish tendensiyasiga ega, AVO bankdan tashqari. AVO bankda esa yildan yilga kamayish holati kuzatilgan. Raqamli bank xizmatlaridan ko'proq jismoniy shaxslar fpydalangani uchun jami berilgan kreditlarning salmog'ida jismoniy shaxslarning ulushi yuqori. 2023-yilda Anor bank 2259 mlrd. so'm kredit ajratgan bo'lsa qariyb shundan 91% jismoniy shaxslarga tegishli. AVO bank esa 2023-yilda 1 mlrd. so'm kredit ajratgan jismoniy shaxslar uchun. TBC bankda 2022 yilda 2021-yilga nisbatan 14 barobar ko'p kredit ajratganligini ko'rish mumkin. Bu ko'rsatkich 2022-yilda 1200 mlrd. so'm va 2021-yilda 83 mlrd. so'm qayd etilgan.

2-jadval.

**Raqamli banklar tomonidan ajratilgan kreditlari
to‘g‘risidagi ma‘lumot (mlrd so‘m)**

Bank nomi	01.10.2021			01.10.2022			01.10.2023		
	Jami kreditlar	shundan		Jami kreditlar	shundan		Jami kreditlar	shundan	
		Iste‘mol kreditlar	Boshqa kreditlar		Iste‘mol kreditlar	Boshqa kreditlar		Iste‘mol kreditlar	Boshqa kreditlar
Anor bank	100%	59.7	129.3	100%	211.6	1731.4	100%	312.9	1946.1
TBC bank	100%	34.5	48.5	100%	149.8	1050.2	100%	363.8	1389.2
AVO bank	100%	1.2	52.8	100%	0.4	5.6	100%	0.8	0.2

*Sayt ma‘lumotlaridan foydalanib muallif tomonidan tayyorlangan.

Yuqoridagi jadval ma‘lumotlaridan ko‘rinadiki, jismoniy shaxslarga ajratilgan kredit qo‘yilmalar tarkibida iste‘mol kreditlari sezilarli ulushni tashkil qiladi. So‘ngi yillarda raqamli banklar tomonidan jismoniy shaxslarga ajratiladigan kreditlar tarkibida iste‘mol krediti miqdori oshib bormoqda. Ushbu kreditlar ko‘lamining jami kreditlar tarkibida ulushi kattaligi, ushbu kreditlarda bitta kreditga to‘g‘ri keladigan kredit summasining kattaligi, shuningdek raqamli banklar uchun iste‘mol kreditlarining boshqa kreditlarga nisbatan risk darajasi pastligi bilan izohlash mumkin. Shuningdek, so‘ngi yillarda jismoniy shaxslarning ehtiyojlari oshib borganligi sababli iste‘mol kreditlarga bo‘lgan talab ham ortib bormoqda. Uzoq foydalanadigan tovarlar borki, ularni xarid etish uchun joriy daromadlar etishmay qoladi, ularni narxi yuqori bo‘lganidan nasiyaga olish zarurati paydo bo‘ladi. Tahlil qilingan banklarda Anorbank iste‘mol kreditlaari ulushi qolgan banklarga nisbatan yuqori ekanligini ko‘rish mumkin mos ravishda 2021-yilda 59.7 mlrd. so‘m bo‘lsa 2023- yilda 312.9 mlrd. so‘mni tashkil qilgan.

Xorij amaliyotida plastik kartochkalardan foydalanish, banklar uchun daromad keltiruvchi muxim manbalardan biri xisoblanadi. Manbalarga kura, Amerika KUshma Shtatlarida banklar tomonidan ajratiladigan kreditlarning kredit kartalarga ajratiladigan kismi 6 foizni tashkil etadi, lekin shunga qaramay, jami kreditlardan olinadigan daromadlarning 10 foizi kredit kartalariga tugri keladi. Bu Uzbekiston banklari amaliyotiga yaqin yillarda kirib kelayotgan faoliyat turi xisoblanadi. Shuni xam aytib utish lozimki ushbu kredit turi boshka bank kreditlari ichida riskli faoliyat xisoblanadi.

Kredit kartochkalarining kirib kelishi, naqd pul oborotini qisqartirishga, pul muomalasi xarajatlarini kamaytirishga samarali kumaklashadi. 10koridagilar bilan bir katorda yana bir kancha ijobiy xususiyatlari xam mavjud: daromad va oborotni Ustiradi, bank rakobat bardoshligini va nufuzintt oshiradi, tulovni kafolatlanpshligi va boshkalar. Shuni aloxida aytib utish kerakki, ushbu xizmatlari rivojlanishidan xam bank, xam mijoz birdek manfaatdor bo‘ladi.

3-jadval.

Raqamli banklar tomonidan muomalaga chiqarilgan bankomat, terminal va infokiosklarning o‘zgarish dinamikasi va bozordagi ulushi to‘g‘risida ma’lumot*

Banklar	bankomat, terminal, infokiosk	2021	2022	2023
Anor bank	O‘rnatilgan to‘lov terminallari soni	503	1174	1247
	O‘rnatilgan bankomat va infokiosklar soni	0	0	0
TBC bank	O‘rnatilgan to‘lov terminallari soni	28	33	56
	O‘rnatilgan bankomat va infokiosklar soni	0	0	0
AVO bank	O‘rnatilgan to‘lov terminallari soni	1 270	31	11
	O‘rnatilgan bankomat va infokiosklar soni	74	0	7

***Sayt ma’lumotlaridan foydalanib muallif tomonidan tayyorlangan.**

Yuqoridagi jadval orqali yurtimizda faoliyat yuritayotgan raqamli banklar tomonidan muomalaga chiqarilgan bankomat, terminal va infokiosklarning yillar kesimida o‘zgarish dinamikasi va bozordagi ulushi to‘g‘risida ma’lumot olish mumkin. Anor bank va TBC bankda bu kursatkich o‘shish tendensiyasiga ega bo‘lsa AVO bankda yildan yilga kamayganligini ko‘rish mumkin. Anor bank va TBC bankda o‘rnatilgan to‘lov terminallari soni 2021-yilda 2023-yilga nisbatan 2,5% oshgan.

Bankomat va infokiosklarni sotib olish va joylashtirish tijorat banklaridan katta xarajatlarni talab qiladi, lekin shu bilan birga ayrim xarajatlarni qisqartiradi. Bankomatlar mijozlarga xisobini yechish, xisobini bilish va shularga o‘xshash xizmatlarni banklarga murojaat etmasdan amalga oshirish imkonini beradi. Bu o‘z navbatida bankka ushbu xizmatlarni tashkil etish bilan bog‘lik operatsion xarajatlarni qisqartirish va komission daromad olishga imkon yaratadi.

Xulosa

Raqamli bank xizmatlarini takomillashtirish doirasida amalga oshirilgan o‘rganishlar va tadqiqotlar natijasida quyidagi xulosalar shakllantirildi.

O‘zbekiston Respublikasi bank tizimini rivojlantirishning asosiy vazifalaridan biri raqamli bank xizmatlari, jumladan, raqamli bank xizmatlari sifatini oshirish, bank xizmatlari ko‘lamini kengaytirish, turlari va sifatini rivojlangan davlatlar banklari amliyoti darajasiga yetqazish, raqamli bank xizmatlarini banklar faoliyati uchun foydali va daromadli sohaga aylantirish zarur.

Raqamli bank – innovatsion bank texnologiyalaridan foydalangan holda (kassa xizmatini ko‘rsatmasdan) bank xizmatlarini masofaviy ko‘rsatuvchi bank yoki uning tarkibiy bo‘linmasi. Raqamli banklar tomonidan bank xizmatlarini masofaviy ko‘rsatish bankning ichki tartib qoidalariga asosan qonun hujjatlari talablarini inobatga olgan holda amalga oshiriladi. Shuni alohida aytib o‘tish kerakki, raqamli bank xizmatlari asosan jismoniy shaxslarga qaratilgan bo‘lib yuridik shaxslarga xizmat ko‘rsatish ko‘lami keng emas.

Hozirgi vaqtda bank raqobatining rivojlanishi tufayli ko‘pgina banklar o‘rta va uzoq muddatli depozit resurslari oqimini cheklash muammosiga duch kelishmoqda. Resurs baza qanchalik yuqori bo‘lsa banklarning aktiv operatsiyalar ko‘lami shunchalik yuqori bo‘ladi. Resurs bazasini rivojlantirishning istiqbolli

yo‘na-lishi sifatida biz mijozlarning turli ish rejimlariga ega depozit hisobvaraqlari doirasini kengaytirishni taklif qilishimiz mumkin, bu esa bank omonatchilariga o‘z mablag‘laridan maqbul daromad darajasida foydalanish uchun qo‘shimcha imkoniyatlar taqdim etadi. Depozit siyosatini kengaytirish maqsadida tijorat banklari depozit siyosatini faollashtirishlari kerak, uning asosiy yo‘nalishlari quyidagilardan iborat bo‘lishi mumkin:

- bank tanlashda mijozlarning motivatsiyasini aniqlash maqsadida monitoring qilish, chunki hisobni yopishning asosiy sababi raqobatdosh banklar tomonidan yanada jozibador xizmat ko‘rsatish shartlarini taklif qilishdir;
- bankka ishonchni kuchaytirish, uning ishonchliligi, ko‘p yillik tajribasi, raqobatdosh ustunliklari, xizmat ko‘rsatish qulayligini ta’kidlab, mablag‘lar oqimini rag‘batlantirish maqsadida bank xizmatlarini reklama qilish;
- xizmatlar ko‘rsatish sifatini oshirish, mijozlarga maksimal qulaylikka erishish uchun xizmat ko‘rsatish texnologiyasini takomillashtirish;
- asosiy xizmatga ba’zi bir bog‘liq yoki qo‘shimcha xizmatlarni taklif qilish orqali kompleks xizmatlarni (xizmatlarni qadoqlash) shakllantirish

Raqamli bank xizmatlarini samarali boshqarishda, avvalo, raqamli bank xizmatlarini jismoniy va yuridik shaxslarga qaratigan turlariga ajratish, bank xizmatlarini o‘rganishda ularni ma’lum mezonlar asosida tasniflash maqsadga muvofiqdir.

Foydalanilgan adabiyotlar

- 1.O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2022 yil 28 yanvardagi PF-60-son «2022-2026 yillarga mo‘ljallangan Yangi O‘zbekiston taraqqiyot strategiyasi to‘g‘risida»gi farmoni.<https://lex.uz/docs/-5841063>
- 2.Khudoykulov, H. A., & Sherov, A. B. (2021). Digital economy development in corporate governance of joint stock company// Экономика и бизнес: теория и практика, (3-2), 217.
- 3.Маткулиева С., Атабаева К. (2022). Роль цифровых банковских услуг в развитии отраслей и отраслей экономики. Scientificprogress, 3(2), 360-363.
3. Шеров, А. (2017). Олий таълим муассасаларига бюджетдан ташқари маблағларни жалб этишни такомиллаштириш // Бизнес-Эксперт, (3 (111)).
4. Taylor Nicole Rogers, "Bank of America finally sees mobile deposits surpass inperson transactions," The Street, July 16, 2018
5. Avezov M.K. Raqamli bank xizmatlari va uning afzalliklari. scientif2@scientificprogress.uz
6. “What is digital banking? Meaning, types and benefits” SDK.finance® veb-sayti. Mualliflik huquqi © 2022 TechFin
7. O‘zbekiston Respublikasi qonunchilik ma’lumotlari milliy bazasi. www.lex.uz
- 8.”Anor bank” AJning rasmiy sayti. <https://youtu.be/xJWW62LBHvo>

MARKAZIY BANK TOMONIDAN MONETAR SIYOSATNI MAKROIQTISODIY HOLATI



Murodova Mohigul Chori qizi

*Mintaqaviy iqtisodiyot kafedrasi dotsenti, i.f.f.d
Toshkent davlat iqtisodiyot universiteti
E-mail: ch.mohigul@mail.ru
ORCID: 0000-0002-3613-9392*

Annotatsiya. Maqolada O‘zbekiston Respublikasi Markaziy banki tomonidan olib borilayotgan pul-kredit siyosati instrumentlari orqali tijorat banklari faoliyatini tartibga solishning maqsadi, vazifalari, strategiya va taktikasini o‘z ichiga olgan. Unda tijorat banklarining mohiyati, uning iqtisodiy xavfsizligiga ta'sir etuvchi tahdidlar, ulardan himoyalalanish usullari, tijorat banklarining iqtisodiy xavfsizligini baholash mezonlari yoritib berilgan.

Kalit so‘zlar: Tijorat banki, Markaziy bank, pul-kredit siyosati, pul-kredit vositalari, likvidlik, kredit, qayta moliyalashtirish stavkasi.

МАКРОЭКОНОМИЧЕСКАЯ СИТУАЦИЯ ДЕНЕЖНО- КРЕДИТНОЙ ПОЛИТИКИ ЦЕНТРАЛЬНОГО БАНКА

Муродова Мохигул Чори кизи

*PhD доцент кафедры Региональная экономика
Ташкентский государственный
экономический университет
E-mail: ch.mohigul@mail.ru
ORCID: 0000-0002-3613-9392*

Аннотация. В статье указаны цель, задачи, стратегия и тактика регулирования деятельности коммерческих банков посредством инструментов денежно-кредитной политики, проводимых Центральным банком Республики Узбекистан. Описаны сущность коммерческих банков, угрозы, влияющие на их экономическую безопасность, способы защиты от них, критерии оценки экономической безопасности коммерческих банков.

Ключевые слова: Коммерческий банк, Центральный банк, денежно-кредитная политика, денежные инструменты, ликвидность, кредит, ставка рефинансирования.

MACROECONOMIC STATEMENT OF MONETARY POLICY BY THE CENTRAL BANK

Murodova Mohigul Chori kizi

PhD Associate Professor of the
Department of Regional Economics
*Tashkent State the University
of Economics*
E-mail: ch.mohigul@mail.ru
ORCID: 0000-0002-3613-9392

Abstract. The article includes the purpose, tasks, strategy and tactics of regulating the activities of commercial banks through the monetary and credit policy instruments carried out by the Central Bank of the Republic of Uzbekistan. It describes the nature of commercial banks, threats affecting their economic security, methods of protection against them, criteria for assessing the economic security of commercial banks.

Keywords: Commercial Bank, Central Bank, monetary policy, monetary instruments, liquidity, credit, refinancing rate.

Kirish

O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2022 yil 28 yanvardagi PF-60-sonli Farmoni bilan tasdiqlangan 2022 - 2026 yillarga mo‘ljallangan Yangi O‘zbekistonning taraqqiyot strategiyasida davlat ulushiga ega tijorat banklarida transformasiya jarayonlarini yakunlab, 2026 yil yakuniga qadar bank aktivlarida xususiy sektor ulushini 60 foizgacha yetkazish, banklarning resurs salohiyati va moliyaviy barqarorligini mustahkamlash milliy iqtisodiyotni jadal rivojlantirish va yuqori o‘shish sur‘atlarini ta‘minlashning zaruriy shartlaridan biri sifatida e’tirof etilgan.

Bu esa, o‘z navbatida, tijorat banklari faoliyatini rivojlantirish uchun zarur bo‘lgan moliyaviy shart-sharoitlarni yaratish zaruriyatini yuzaga keltiradi. Banklar faoliyatini rivojlantirishning zarur moliyaviy shart-sharoitlaridan biri bo‘lib, ular faoliyatini tartibga solish amaliyotini takomillashtirish hisoblanadi [1].

Adabiyotlar sharhi

Iqtisodiy adabiyotda va xalqaro bank amaliyotida “pul-kredit siyosati” va “monetar siyosat” tushunchalarini sinonim tushunchalar sifatida talqin qilish keng tarqalgan. Masalan, rossiyalik taniqli iqtisodchi olimlar – S.Moiseyev, O.Lavrushin, I.Mamonova, M.Malkina, G.Fetisovlar “pul-kredit siyosati” tushunchasidan keng foydalanadilar. Ushbu holatni ular tomonidan chop etilgan “Markaziy bank faoliyatini tashkil qilish”, “Pul-kredit siyosati: nazariya va amaliyot”, “Rossiyada va xorijda inflyatsion jarayonlar va pul-kredit orqali tartibga solish” mavzusidagi darslik va o‘quv qo‘llanmalarda yaqqol ko‘rish mumkin.

AQShlik, yaponiyalik va yevropalik iqtisodchi olimlar tomonidan nashr etilgan darsliklar, chop etilgan ilmiy maqolalarda “monetar siyosat” (monetary policy) tushunchasidan foydalaniladi. Masalan, taniqli iqtisodchi olim, AQSh FZT Prezidenti B.Bernanke o‘zining ilmiy-tadqiqot ishlarida va ilmiy maqolalarida

faqat “monetar siyosat” tushunchasidan foydalangan [2]. Shuningdek, A. Bernsda ham shu holatni kuzatish mumkin [3].

M. Malkina pul-kredit siyosatiga quyidagicha ta'rif beradi: “Pul-kredit siyosati – Markaziy bank tomonidan pul massasi va pullar qiymatini boshqarish bo'yicha kompleks chora-tadbirlar bo'lib, mamlakatda baholar, milliy valyutaning barqarorligini ta'minlash va iqtisodiy o'sishni rag'batlantirish maqsadida amalga oshiriladi” [4].

S. Moiseyevning fikriga ko'ra, pul-kredit siyosati – bu davlatning iqtisodiyotni tartibga solish borasidagi siyosatining muhim yo'nalishlaridan biri bo'lib, pul bozoridagi talab va taklif uning ob'ekti hisoblanadi [5].

D. Vinogradov va M. Doroshenko hammuallifligida chop etilgan “Moliyaviy-pullik iqtisodiyot” (Finansovo-denejnaya ekonomika) mavzusidagi o'quv qo'llanmada pul-kredit siyosati pul massasi va foiz stavkalarining darajalarini tartibga solishga yo'naltirilgan siyosat sifatida e'tirof etilgan [6].

R.Miller va D. Van-Xuz hammuallifligida yozilgan “Zamonaviy pullar va bank ishi” mavzusidagi darslikda monetar siyosat pul emissiyasi va pul massasi ustidan nazorat qilishga qaratilgan tadbirlar majmui sifatida talqin qilingan [7].

Taniqli iqtisodchi olim N. Menikyu AQSh FZTning monetar siyosatini iqtisodiyotda muomalada bo'lgan pullar ustidan nazorat qilishni amalga oshirish sifatida talqin qilgan [8]. Yuqorida qayd etilgan xulosalar va ta'riflardan ko'rinadiki, ko'pchilik iqtisodchi olimlar tomonidan monetar siyosat pullarga bo'lgan talab va pullar taklifini tartibga solish va nazorat qilishga qaratilgan chora-tadbirlar majmui sifatida e'tirof etilgan.

Monetar siyosat iqtisodiyotni pul-kredit vositalari orqali tartibga solishga yo'naltirilgan va Markaziy bank tomonidan amalga oshiriladigan siyosat hisoblanadi. Monetar siyosat Hukumat iqtisodiy siyosatining strategik maqsadiga bo'ysundiriladi va makroiqtisodiy barqarorlikni ta'minlashda muhim o'rin tutadi. Monetar siyosatning takomillashmaganligi iqtisodiyotni pul mablag'lari bilan ta'minlanganlik darajasini oshirish imkonini bermaydi, buning natijasida xo'jalik yurituvchi sub'ektlar o'rtasidagi debitor-kreditor qarzdorlik muammosi hal bo'lmaydi.

O'zbekiston Respublikasi Markaziy banki monetar siyosatining strategik maqsadi bo'lib, milliy valyutaning barqarorligini ta'minlash hisoblanadi. Shu sababli, milliy valyutaning almashuv kurslari dinamikasiga baho berish monetar tahlilning muhim masalalaridan biri hisoblanadi.

O'zbekiston Respublikasida olib borilayotgan makroiqtisodiy siyosat va Markaziy bankning monetar siyosati avvalambor, narxlarni barqarorligini saqlab turish va milliy valyutadagi aholi daromadini oshirish orqali milliy valyutadan manfaatdorlikni oshirishga qaratilgandir.

Markaziy bankning pul-kredit siyosatiga oid ilmiy izlanishlar olib borgan ko'pchilik iqtisodchi olimlar, shu jumladan, O.Naumchenko, J.Matuk, V.Usoskin, K.Baynke, T.Bobakulov, O.Namozovlar pul-kredit siyosatining beshta an'anaviy instrumenti mavjudligini e'tirof etganlar. Ushbu instrumentlarga quyidagilar kiradi:

1. Markaziy bankning qayta moliyalashtirish siyosati;

2. Majburiy zahiralar siyosati;
3. Ochiq bozor siyosati;
4. Valyuta siyosati;
5. Depozit siyosati.

Markaziy bankning qayta moliyalashtirish siyosati deganda uning tijorat banklarini kreditlash bilan bog‘liq tadbirlari majmui hisoblanadi. Barcha mamlakatlarda, shu jumladan, O‘zbekiston Respublikasida Markaziy bank tijorat banklari uchun so‘nggi pog‘onadagi kreditor hisoblanadi. Shu bilan birga, hukumatning iqtisodiy siyosati doirasida moliyalashtirilayotgan muhim tadbirlar va investitsion loyihalar markazlashgan resurslar hisobidan tijorat banklari orqali moliyalashtiriladi.

Markaziy bank tijorat banklarini uch xil usulda kreditlay oladi:

1. Markaziy bank tomonidan tijorat banklarini ularning balansidagi trattalarni qayta hisobga olish yo‘li bilan kreditlashtirish.

2. Markaziy bank tomonidan tijorat banklarini ularning balansidagi qimmatli qog‘ozlarni garovga olish yo‘li bilan kreditlashtirish.

3. Markaziy bank tomonidan tijorat banklarini to‘g‘ridan-to‘g‘ri kreditlash.

Markaziy bank tomonidan tijorat banklarini ularning balansidagi trattalarni qayta hisobga olish yo‘li bilan beriladigan kreditlar hisobli kreditlar deyiladi va ularning foiz stavkalari hisob stavkalari deyiladi. Hisob stavkalari Markaziy bankning foiz siyosatida asosiy o‘rinni egallaydi. Buning asosiy sababi, fikrimizcha, hisob siyosatining Markaziy bankning boshqa instrumentlariga nisbatan bir qator muhim afzalliklarga ega ekanligidadir. Biz tomonimizdan, xalqaro bank amaliyotida Markaziy bankning hisob siyosatidan foydalanish amaliyotini tadqiq qilish natijalari shuni ko‘rsatdiki, uning hisob siyosati quyidagi afzalliklarga ega:

1. Markaziy bankning hisob siyosati mohiyatiga ko‘ra bozor xarakteriga ega bo‘lgan, muomaladagi pul massasining hajmiga bilvosita va samarali ta’sir ko‘rsata oladigan instrument hisoblanadi.

2. Markaziy bankning hisob siyosati mamlakat to‘lov balansining holatiga bevosita ta’sir ko‘rsatadigan muhim omil hisoblanadi.

3. Markaziy bankning hisob siyosati orqali milliy iqtisodiyotning ustivor tarmoqlariga mansub bo‘lgan korxonalarni tanlanma asosda, ya’ni selektiv tarzda kreditlashtirish mumkin.

Rivojlangan xorijiy davlatlar bank amaliyotida Markaziy banklarning hisob siyosati qayta moliyalashtirish siyosatining nisbatan faol tarzda va keng ko‘lamda qo‘llaniladigan turi hisoblanadi. Masalan, Yaponiyada Markaziy bank tomonidan tijorat banklariga asosan hisobli kreditlar beriladi. Hisobli kreditlar 3 oygacha muddatga beriladi. Uni berish va qaytarish tartibi Markaziy bank tomonidan mustaqil ravishda belgilanadi.

Ko‘pchilik iqtisodchi olimlar tomonidan markaziy banklarning hisob siyosati tanqid ob’ektiga aylandi. E. Dolan, R. Makkonell kabi iqtisodchi olimlarning fikriga ko‘ra, hisob stavkalarini o‘zgartirish jarayoni foizlarning bozor me’yorini o‘zgarishiga nisbatan juda sekin kechadi. Ular o‘z fikrlariga dalil sifatida iqtisodiy


o‘sish yuz berayotgan davrda, ko‘pchilik hollarda, hisob stavkasini kreditlarning bozor stavkasiga nisbatan ancha kech ko‘tarilishini, iqtisodiy inqirozlar paytida esa foiz me‘yorlarini hisob stavkasiga nisbatan ancha erta pasayishini keltiradilar. Ammo shuni alohida ta’kidlash lozimki, bizning fikrimizcha, hisob stavkalarining kech o‘zgarishini ob’ektiv sabablari mavjud va bu sabablar jahonning bir qator yetakchi ekspertlari tomonidan isbotlab berilgan.

Tahlil va natijalar

Mamlakatimiz iqtisodiyoti rivojlanishining yangi bosqichida amalga oshirilayotgan tarkibiy islohotlar doirasida O‘zbekiston Respublikasi Markaziy bankining maqsad va vazifalari, institutsional tuzilishi tubdan qayta ko‘rib chiqildi. Pul-kredit siyosati mantiqan yangi tamoyillar asosida yuritiladigan bo‘ldi. Xususan, mamlakatda ichki narxlar barqarorligini ta‘minlash vazifasi Markaziy bank faoliyatining ustuvor maqsadi sifatida belgilandi. Valyuta siyosati va pul muomalasini tartibga solish borasida amalga oshirilgan chora-tadbirlar, yangi voqelikda makroiqtisodiy sohada shakllanayotgan shart-sharoitlar pul-kredit siyosatida ham muhim o‘zgarishlarning amalga oshirilishiga asos bo‘ldi.

1-diahgramma.

Global iqtisodiy o‘sish istiqbollari [9]




Yuqori inflyatsiya darajasi, global qat'iy pul-kredit va moliyaviy sharoitlar, yirik iqtisodiyotlardagi faollikning mo‘tadilligi va ortib borayotgan geosiyosiy keskinliklar hisobiga jahon iqtisodiyotida xatar va noaniqlik saqlanib qolmoqda.

Jahon bankining so‘nggi prognozlarida barcha asosiy savdo hamkorlarimizda iqtisodiy o‘sish prognozlari pasayish tomonga ko‘rib chiqilgan.

2-diahgramma.


Savdo hamkorlarimizda kutilayotgan faollik [10]



Xitoyning pandemiya boshlanishidan so'ng to'liq ochilishi fonida jahon iqtisodiyotining qisman tiklanishi kutilmoqda.

3-diahgramma.

Global inflyatsiya jarayonlari [11]



Global inflyasiya prognozi

Rivojlangan davlatlarning ilg'or tajribalari tahlili ko'rsatadiki, pul-kredit siyosat yillar davomida innovatsion g'oyalar ta'sirida takomillashib borgan. Dunyo iqtisodiyoti tarixida turli davlatlarda kuzatilgan moliyaviy yoki iqtisodiy inqirozlarni hal etishda pul-kredit siyosati muhim rol o'ynagan hamda u doimo innovatsion g'oyalar asosida takomillashtirilib borilgan. Jumladan, Markaziy banklarning ochiq bozor operatsiyalari ilk marta yuzaga kelganida uning ob'ekti bo'lib, faqat hukumat tomonidan chiqarilgan qimmatli qog'ozlar hisoblanar edi. Yillar o'tishi bilan inovatsion g'oyalar asosida uning ob'ektlari soni ko'paydi. Xususan, hozirgi davrda, depozit sertifikatlaridan (Niderlandiya, Daniya, Ispaniya markaziy banklari, Yevropa Markaziy banki), moliyaviy veksellardan (Angliya Markaziy banki, Shvetsiya Riks banki, Germaniya Bundesbanki, Yaponiya Markaziy banki), korporativ obligatsiyalardan (Janubiy Koreya, Chili, Rossiya Markaziy banklari) ushbu operatsiyalarning ob'ekti sifatida foydalanilmoqda. Ayni paytda, global inqirozning o'z yechimini topmagan ishsizlik darajasi, to'lov

Inflyasiya drayverlari

balansi, byudjet taqchilligi va tashqi qarzlarning o'sishi kabi jiddiy makroiqtisodiy muammolari ko'pchilik davlatlarni, nufuzli moliya-kredit tashkilotlarini, siyosatchilar va tahlilchilarni tashvishga qo'yimoqda. Bu holat har bir mamlakatda iqtisodiyotni innovatsion g'oyalar asosida modernizatsiya qilish va yanada rivojlantirishni taqozo etmoqda. Ushbu muammolarni hal etishda pul-kredit siyosati muhim rol o'ynaydi va u har bir davlat siyosatining ustuvor maqsadlariga erishishda qulay shart-sharoitlar yaratadi. Xususan, pul-kredit siyosati pul va kredit hajmiga, bank tizimi va pul bozori likvidligiga, real sektorga, to'lov balansiga bevosita ta'sir etadi. Shuning uchun u har bir davlatda doimo iqtisodiyotni tartibga solishning eng muhim va samarali vositasi bo'lib qolaveradi.

Pul-kredit siyosati sohasidagi yana bir innovatsion g'oya – bu rasmiy oltin-valyuta zaxiralarini to'liq Markaziy bankning balansida to'plash orqali zaxiralarni boshqarish samaradorligini oshirish va Markaziy bankning valyuta siyosatini takomillashtirish taklifidir.

Tijorat banklarining qimmatli qog'ozlar bilan investitsion operatsiyalarini rivojlantirishda quyidagilarni amalga oshirishimiz lozim, deb hisoblaymiz:

davlat qimmatli qog'ozlarini muomalada bo'lishini rag'batlantirish;

REPO bo'yicha foiz stavkalarining inflyatsiyadan yuqori bo'lishini ta'minlash yo'llarini ko'rish;

Rossiya va xorij amaliyotidan kelib chiqib tijorat banklari REPO operatsiyalaridan olingan daromadlarga imtiyoz qo'llash imkoniyatini ko'rib chiqish zarur [12].

Xulosa

Markaziy bankning pul-kredit siyosati va uning makroiqtisodiy ahamiyati oshirish imkonini beradi.

Mazkur muammolarni hal qilish quyidagilarni o'z ichiga oladi.

1. Inflyatsiyani samarali jilovlashda pul-kredit siyosati instrumentlarining samaradorligini oshirishga qaratilgan ishlar ko'lami o'z ichiga o'rta muddatda bosqichma-bosqich inflyatsiyani targetlash rejimiga o'tilayotganligi munosabati bilan uning zaruriy iqtisodiy va huquqiy (mustaqillik) asoslarni to'laqonli joriy qilishni taqozo etadi.

2. Bank tizimining innovatsion rivojlanish yo'liga o'tishini ta'minlash tijorat banklarining likvidligini tezkor ta'minlashni talab etadi. Respublikamiz bank amaliyotida esa, bu borada muammolar mavjud. Jumladan, Markaziy bankning hisob va lombard kreditlarining mavjud emasligi likvidlikni tezkor ta'minlash imkonini bermaydi.

3. Hozirgi davrda O'zbekistonda Markaziy bankning ochiq bozor operatsiyalari mavjud emas. Sababi, uning ob'ekti bo'lib, faqat O'zbekiston hukumatining qimmatli qog'ozlari–davlat qisqa muddatli obligatsiyalari va davlat o'rta muddatli xazina majburiyatlari hisoblanar edi. Davlat byudjeti 2005 yildan buyon profitsit bilan bajarilayotganligi sababli, 2010 yilda davlat qisqa muddatli obligatsiyalarining, 2013 yil 1 yanvaridan boshlab esa, davlat o'rta muddatli xazina majburiyatlarini emissiya qilish to'xtatildi. Bugungi kunda ya'ni, 2019 yildan

emissiya qilinishiga ruxsat berilishiga qaramasdan, fikrimizcha, Markaziy bankning ochiq bozor operatsiyalarini boshqa turdagi qimmatli qog'ozlardan, xususan, tijorat banklarining depozit sertifikatlari va uzoq muddatli obligatsiyalaridan ob'ekt sifatida foydalangan holda, yo'lga qo'yish lozim. Buning uchun yetarli imkoniyatlar, shart-sharoitlar mavjud. Ya'ni, to'lovga qobilligi va likvidliligi talab darajasida bo'lgan tijorat banklari mavjud. Ikkinchidan, tijorat banklari depozit sertifikatlari va uzoq muddatli obligatsiyalarining katta hajmdagi emissiyasi mavjud.

4. Respublikamizda banklarning moliyaviy vositachilik rolini yanada oshirishga oid ayrim dolzarb muammolar mavjud. Jumladan, majburiy zaxira talablari stavkalari darajasi yuqoriligicha qolmoqda. Xususan, Markaziy bankning tijorat banklariga qayta moliyalialash kreditlari berilmayotganligi natijasida banklarning kredit ekspansiyasini rag'batlantirishga va joriy likvidliligiga salbiy ta'sir qilmoqda.

Fodalanilgan adabiyotlar

1.O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2022 yil 28 yanvardagi PF-60-sonli Farmoni. 2022 - 2026 yillarga mo'ljallangan Yangi O'zbekistonning Taraqqiyot strategiyasi to'g'risida // Qonunchilik ma'lumotlari milliy bazasi, 28.01.2022 y., 06/22/60/0082-son. <https://lex.uz/docs/5841063>.

2.Bernanke B. Constrained Discretion and Monetary Policy. Remarks before the Money Marketeers of New York. N.Y.: University, 2003. February 3.

3.Burns A. Rejections of an Economic Policymaker: Speeches and Congressional Statements: 1969-1978. Washington: American Enterprises Institute, 1978. – P. 50.

4.Малкина М.Ю. Инфляционный процесс и денежно-кредитное регулирование в России и зарубежом. Учебное пособие. – М.: ИНФРА-М, 2012. – С. 254.

5.Моисеев С.Р. Денежно-кредитная политика: теория и практика. Учебное пособие. – М.: Московская финансово-промышленная академия. 2011. – С. 21.

6.Виноградов Д.В., Дорошенко М.Е. Финансово-денежная экономика. Учебное пособие. – М.: Изд. дом. ГУ ВШЭ, 2009. – С. 360.

7.Миллер Р.Л., Ван-Хуз Д.Д. Современные деньги и банковское дело. Пер. с англ. – М.: ИНФРА-М, 2000. – С.428.

8.Менкию Н.Г. Принцип макроэкономики. 4-ое изд. Пер. с англ. – СПб.: Питер, 2009. – С. 297.

9. Jahon Banki, yanvar 2023 yil.

10. Jahon Banki, yanvar 2023 yil.

11. XVJ, Jahon iqtisodiyoti rivojlanish istiqbollari, oktyabr 2022.

12. D.Ch.Murodova “Logistika va iqtisodiyot” ilmiy elektron jurnali 2022 y 2-son 318-323.

TIJORAT BANKLARIDA MARKETING FAOLIYATI JOZIBADORLIGINI OSHIRISH

Safarov G‘iyosiddin Abdullaevich



*Iqtisodiyot fanlari doktori
“Soliq va soliqqa tortish”
kafedrasi professori*

Toshkent davlat iqtisodiyot universiteti

E-mail: g_safarov@tsue.uz

Baxodirov Zokirjon Olimjon o‘g‘li



“Menejment” fakulteti talabasi

Toshkent davlat

iqtisodiyot universiteti

E-mail: zokirjonbahodirov2003@gmail.com

Annotatsiya: Ushbu maqolada mamlakat iqtisodiyotining asosiy dastagi hisoblangan tijorat banklari tomonidan ko‘rsatilayotgan xizmatlar sifatini yanada oshirishda, potensial mijozlar talablarini o‘rganish orqali ommabop mahsulot va xizmatlar paketini ishlab chiqishda marketing faoliyati jozibadorligini oshirish masalalari yoritilgan. Tijorat banklarining marketing faoliyati jozibadorligini oshirish masalalari “Ipak Yo‘li” aksiyadorlik innovatsiya tijorat banki misolida tahlil qilingan va bank tizimida marketing faoliyatini yanada takomillashtirish yuzasidan taklif va tavsiyalar ishlab chiqilgan.

Kalit so‘zlar: Tijorat banklari, marketing faoliyati, depozit, kredit, investitsiyalar, potensial mijozlar, bank flayerlari, reklama, kommunikatsiya, mobil banking xizmatlari, mijozlar bazasi, kobeyjing kartalari, kobrending kartalari.

ПОВЫШЕНИЕ ПРИВЛЕКАТЕЛЬНОСТИ МАРКЕТИНГОВОЙ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ КОММЕРЧЕСКИХ БАНКОВ

Сафаров Гиясиддин Абдуллаевич

доктор экономических наук

и.о. профессора кафедры налогов

и налогообложения

Ташкентский государственный

экономический университет

E-mail: g_safarov@tsue.uz

Баходиров Зокиржон Олимжон угли

*Студент факультета “Менеджмент”
Ташкентский государственный
экономический университет
E-mail: zokirjonbahodirov2003@gmail.com*

Аннотация: В данной статье рассматриваются вопросы повышения привлекательности маркетинговой деятельности через исследование потребностей потенциальных клиентов и разработку популярных пакетов продуктов и услуг с целью повышения качества предоставляемых коммерческими банками, являющимися основой экономики страны, услуг. Вопросы повышения привлекательности маркетинговой деятельности коммерческих банков анализируются на примере акционерного инновационного коммерческого банка "Ipak Yo'li", а также разрабатываются предложения и рекомендации по дальнейшему совершенствованию маркетинговой деятельности в банковской системе.

Ключевые слова: Коммерческие банки, маркетинговая деятельность, депозиты, кредиты, инвестиции, потенциальные клиенты, банковские листовки, реклама, коммуникации, услуги мобильного банкинга, клиентская база, кобрендинговые карты, кобрендинговые карты.

INCREASING THE ATTRACTIVENESS OF MARKETING ACTIVITIES IN COMMERCIAL BANKS

Safarov Giyosiddin Abdullayevich

*Doctor of Economic Sciences
Professor of the Department of Taxes
and taxation
Tashkent State
the University of Economics
E-mail: g_safarov@tsue.uz*

Bakhodirov Zokirjon Olimjon ogli

*Student of the Faculty of “Management”
Tashkent State
the University of Economics
E-mail: zokirjonbahodirov2003@gmail.com*

Abstract: This article discusses the issues of enhancing the attractiveness of marketing activities by studying the demands of potential customers and developing popular product and service packages to improve the quality of services provided by commercial banks, which are the backbone of the country's economy. The issues of increasing the attractiveness of marketing activities of commercial banks are analyzed based on the example of “Ipak Yo'li” Joint-Stock Innovative Commercial Bank, and proposals and recommendations for further improvement of marketing activities in the banking system are developed.

Key words: *Commercial banks, marketing activities, deposits, loans, investments, potential customers, bank flyers, advertising, communication, mobile banking services, customer base, co-branding cards, co-branding cards.*

Kirish.

Taraqqiyotning hozirgi bosqichida tijorat banklari mamlakat iqtisodiyotining ajralmas bo'g'ini sifatida muhim ahamiyat kasb etmoqda. Tijorat banklari kreditlash va moliyaviy xizmatlar ko'rsatish bilan birga mamlakatning iqtisodiy barqarorligini ta'minlashda, xususiy va davlat sektori o'rtasida moliyaviy resurslarning samarali taqsimlanishida ham muhim ahamiyatga ega. Tijorat banklarining faoliyati mijozlar talablariga va raqobatbardoshlik darajasiga bog'liq bo'lib, ularning marketing faoliyati samaradorligini oshirishda ko'rsatayotgan xizmatlari sifatini yanada yaxshilashni talab etmoqda.

O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2020-yil 12-maydagi “2020-2025 yillarga mo'ljallangan O'zbekiston Respublikasining bank tizimini isloh qilish strategiyasi to'g'risida”gi PF-5992-son Farmonida 2020-2025 yillarga mo'ljallangan O'zbekiston Respublikasining bank tizimini isloh qilish strategiyasi ishlab chiqilgan bo'lib, unda bank tizimini rivojlantirishning maqsadlari, vazifalari va ustuvor sohalarini, 2020-2025 yillarda bank tizimini transformatsiya va isloh qilish yo'nalishlarini, xorijiy mamlakatlarning moliya sektorini transformatsiya qilish tajribasi asosida va moliyaviy sohadagi jahon tendensiyalarini hisobga olgan holda ehtimoliy yechimlarni izlash yo'llari belgilab berilgan [1].

Shundan kelib chiqib bank tizimi isloh qilinib, transformatsiya qilish jarayonlari davom etmoqda. So'nggi yillarda mobil banking xizmatlari tobora rivojlanib, mijozlar talabi qondirilmoqda. shunga qaramasdan xorijiy mamlakatlarning tajribalaridan kelib chiqib bank sektorini transformatsiya qilishni jadallashtirish, bank xizmatlari ko'lamini kengaytirish va sifatini oshirishda marketing faoliyatini samarali tashkil etish ayni vaqtda dolzarbligicha qolmoqda.

Mavzuga doir adabiyotlar tahlili.

Tijorat banklari tomonidan ko'rsatilayotgan xizmatlarni davr talabiga mos ravishda yo'lga qo'yishda marketing faoliyati muhim ahamiyat kasb etadi. Shu bois, tijorat banklarining marketing faoliyatiga doir tadqiqotlarni o'rganish ayni muddaodir. Iqtisodchi T.P. Nikolaeva o'z tadqiqotlarida bank marketingining asosiy usullari sifatida mijoz bilan aloqa, bank faoliyatida iqtisodiy samaradorlik va aksiyadorlarga dividendlarni to'lash, bank xizmatlaridan foydalanishda mijoz uchun afzalliklar yaratish, bank xizmatlari sifatini oshirishda moddiy rag'batlantirish tizimi kabi tushunchalarni keltirib o'tgan [2]. Darhaqiqat, banklarning marketing faoliyati samaradorligini oshirishda yuqoridagi usullar muhim ahamiyatga ega.

Iqtisodchi o'z tadqiqotlarida bank marketingi bu ma'lum bir hududda va hududdan tashqarida bank xizmatlariga bo'lgan talab va taklifni o'rganish, bank xizmatlariga bo'lgan talabni doimiy o'rganish, bank xarajalarini qiyosiy tahlil qilish va kamaytirish, reklamani amalga oshirish tizimidir deb ta'kidlagan [3].

Bank marketingida reklamaning o'zni muntazam ravishda ortib bormoqda. Shu bois, banklar ko'rsatayotgan xizmatlarini reklama qilishga katta e'tibor qaratmoqda. I.G. Britchenkoning fikricha, marketing nazorati - bu marketing sohasidagi pozitsiya jarayonlarini tizimli va xolis tekshirish hamda baholashdir. Marketingni boshqarish to'rt bosqichda davom etadi:

- rejalashtirilgan miqdorlar va standartlarni belgilash (maqsadlar va normalar);
- haqiqiy ko'rsatkichlarni aniqlash;
- taqqoslash;
- taqqoslash natijalarini tahlil qilish [4].

Hozirgi raqobat sharoitida bank operatsiyalarini amalga oshirishda raqobatbardoshlikni saqlab qolish uchun uzluksiz va tizimli ravishda monitoring faoliyatini kuchaytirish zarur.

Z. Jumaeva o'zining ilmiy ishlarida tijorat banklarida bank marketingi va mijozlar ishlashning innovatsion strategiyalarini tadqiq etib, asosiy muammolar sifatida texnologik cheklovlar, mijozlarni jalb qilish va saqlash, resurslar va moliyaviy masalalar, mijozlar tajrbasini yaxshilash, tashkiliy qiyinchiliklar, regulyatorlik va huquqiy kabi masalalarni sanab o'tgan [5]. Shu bilan birga mijozlarning bank xizmatlariga bo'lgan ishonchini oshirish va ular bilan uzoq muddatli munosabatlarni shakllantirish zarur.

Mavzuga doir bo'lgan adabiyotlarning qisqacha tahlili ko'rsatmoqdaki, tijorat banklarida marketing faoliyati jozibadorligini oshirishga doir tadqiqotlarni yanada kuchaytirish bank xizmatlari sifatini yaxshilashda muhim ahamiyatga ega.

Tadqiqot metodologiyasi.

Tadqiqot jarayonida ma'lumotlarni guruhlash, tizimli tahlil va sintyaz, ilmiy abstraksiya, taqqoslash kabi usullardan foydalanilgan.

Tahlil va natijalar.

Darhaqiqat, tijorat banklari faoliyatining rivojlanishida, ayniqsa, bugungi kunga kelib jadal rivojlanib kelayotgan raqobat sharoitida o'z raqobatbardoshligini saqlab qolishida bozor iqtisodiyoti subyektlarini o'rganishi, mamlakat aholisining ehtiyojlarini aniqlashi, o'rganishi, tahlil qilishi va eng asosiysi ommabop bank mahsuloti va xizmatlarini ishlab chiqib, jamoatchilik e'tiboriga keng ko'lamda targ'ib eta olishi muhim ahamiyat kasb etadi. Ushbu sanab o'tilgan chora – tadbirlarni umumlashtirar ekanmiz, *tijorat banklarining marketing faoliyati* tushunchasi vujudga keladi.

Bank marketingi – bu raqobat sharoitida tijorat banklari tomonidan taqdim etilayotgan mahsulot va xizmatlarning ommabopligini ta'minlash orqali jamoatchilik e'tiboriga keng ko'lamda targ'ib etish bilan birgalikda bozor iqtisodiyoti subyektlari, ya'ni, mijozlarni o'ziga jalb qilish jarayoni demakdir.

Bundan ko'rinib turibdiki, bank marketingining asosiy maqsadi – bank xizmatlarining butun yo'li davomida (bankdan to pirovard iste'molchi, ya'ni mijozgacha bo'lgan yo'lda) optimal tezlikni ta'minlash, ya'ni shunday tezlikni

ta'minlash kerakki, bunda sotishlar bilan pulning aylanishi mos kelishi hamda moliyaviy resurslarni saqlash bilan bog'liq bo'lgan eng kam xarajatlar mijozlar talabini to'laroq va o'z vaqtida qondirish qobiliyatini ta'minlashi lozimligidir.[6] Quyida tijorat banklari marketingining usullari keltirib o'tilgan (1 – rasm)



1-rasm. Tijorat banklari marketingining usullari

Tijorat banklari marketingining usullarida:

To'g'ridan – to'g'ri jalb qilish – bu tijorat banklari xodimlari tomonidan mijozlarni doimiy va muttasil izlash. Misol uchun, tijorat banki xodimi bank mahsulot va xizmatlari reklamasi aks ettirilgan flayerlarni ko'chalarda, bozorlarda hamda turli savdo va tadbirkorlik markazlariga tashrifi bilan jismoniy va yuridik shaxslarni bankning ommabop mahsulot va xizmatlari bilan tanishtirish yo'li bilan mijoz jalb qilish usuli;


An'anaviy usullar orqali jalb qilish – bu tijorat banklarining ommabop mahsulot va xizmatlarini, shu jumladan, mobile banking xizmatlarini ommaviy axborot vositalari, ijtimoiy tarmoqlar, televideniya, radio eshittirishlari va aholi gavjum bo'ladigan ko'chalarda plakatlar orqali reklama qilish yo'li bilan mijozlarni jalb qilish usuli;

Mavjud mijozlar taklifi orqali jalb qilish – bu tijorat banklari ayni damda va doimiy ravishda xizmat ko'rsatadigan mijozlarining fikri, taklif va tavsiyalari orqali ularga aloqador bo'lgan shaxslarni tijorat banki mahsulot va xizmatlaridan foydalanish uchun jalb qilish jarayonlarini anglatadi.

Yuqoridagi fikr va mulohazalarni amaliyotdagi tahliliy jarayonlarini mamlakatimizdagi tijorat banklaridan biri “Ipak Yo'li” aksiyadorlik innovatsiya tijorat banki misolida ko'rib chiqamiz.


“Ipak Yo'li” aksiyadorlik innovatsiya tijorat banki o'z missiyasini innovatsiya va barqarorlik orqali jamiyat farovonligini oshirish va mijozlar, aksiyadorlar va xodimlar uchun qiymat yaratish, - deya e'tirof etadi. Bu shuni anglatadiki, aholi turmush darajasi va farovonligini oshirish maqsadida ularning ehtiyojlaridan kelib chiqib, munosib ravishda ularga bankning mahsulot va xizmatlarini ishlab chiqib, e'tiboriga tortiq qilish va shu zaylda, tijorat banki o'ziga yanada ko'plab mijozlarni jalb qilishni ham izchil ravishda amalga oshiradi.

“Ipak Yo'li” AITB ning mijozlari bazasi haqida ma'lumotlarni ko'rib chiqadigan bo'lsak (2-rasm):



2-rasm. Mijozlar bazasi – jismoniy shaxslar soni [7]

2-rasmdan ko‘rish mumkinki, 2023-yilning boshida bank mijozlari umumiy soni 1 432 640 nafarni va yil oxiriga kelib 1 773 666 nafarni tashkil etgan. 2023-yilning oxiriga kelib bank yana 341 026 nafar mijozlarni jalb qilgan. Bank mijozlari soni yil boshiga nisbatan 24% ga oshishi milliy valyutadagi kartalar savdosining 60%ga, xorijiy valyutadagi kartalar savdosini esa 70% ga ortishiga olib keldi. Bu orqali tijorat banki resurslari hajmi ham ortib bankning aktiv operatsiyalari ham mos ravishda ortgan. Ish haqi loyihalarida ishtirok etuvchi faol mijozlar ulushi 2 (ikki) barobarga oshdi. Quyida “Ipak Yo‘li” aksiyadorlik innovatsiya tijorat bankining faol va nafaol bank kartalari savdo dinamikasini ko‘rishimiz mumkin (3-rasm).




3-rasm. “Ipak Yo‘li” AITB ning faol va nafaol kartalari savdosining dinamikasi [8]

Chakana biznes yangi mijozlarni jalb qilish va ularning faolligini oshirishga e‘tibor qaratmoqda: 2023-yilning III choragida faol mijozlar bazasi 3,96%

(+31,5ming) nafarga oshgan edi. 2023 – yilning IV – choragiga kelib, ushbu ko‘rsatkich 3,01% (+24,9ming) nafarga oshgani qayd etildi. 2024 – yilning 1-yanvar holatiga ko‘ra esa bank mijozlari soni o‘tgan yil boshiga nisbatan (+340ming) nafarga oshib, 1,77 million jismoniy shaxsni tashkil etdi. 2023 – yilning IV – choragiga kelib, milliy valyutadagi faol kartalar soni (yil boshiga nisbatan 120%) sezilarli darajada oshdi. Shu yili xorijiy valyutadagi faol plastik kartalar hajmi esa 199% ga ortdi. 2023 – yili xorijiy valyutadagi faol bank kartalari soni 591 ming donani tashkil qildi. 2023 – yilning dekabr oyida “Ipak Yo‘li” aksiyadorlik innovatsiya tijorat banki VISA kompaniyasi tomonidan 3ta nominatsiya bo‘yicha taqdirlandi:

- Visa Alias onlayn – o‘tkazmalarini eng yaxshi amalga oshirgan bank sifatida;
- Visa Direct o‘tkazmalari bo‘yicha eng yaxshi bank sifatida;
- shuningdek, marketing va kommunikatsiya sohasidagi maxsus mukofot bilan taqdirlandi.


Quyida keltirilgan diagramma asosida “Ipak Yo‘li” AITB mobil ilovasidan foydalanuvchilar soni va ilova orqali pul o‘tkazmalari haqida ma’lumot olishimiz mumkin. (4 – rasm)



4-rasm. “Ipak Yo‘li” AITB mobil ilovasidan foydalanuvchilar soni va ilova orqali pul o‘tkazmalari [9]

“Ipak Yo‘li mobile” mobil ilovasidan oylik faol foydalanuvchilar (MAU) soni 66% dan 68%ga o‘tdi. Jismoniy shaxslar valyuta ayirboshlash operatsiyalari (FX tranzaksiyasi) ning deyarli yarmi raqamlashtirilgan kanallar orqali amalga oshirilmoqda. Mobil ilovada xalqaro pul o‘tkazmalari hajmi 64 foizga oshganiga qaramay, aksariyati hanuzgacha bank ofislarida amalga oshirilmoqda. Quyidagi keltirilgan diagramma asosida bankning mijozlari valyuta ayirboshlash va pul

o‘tkazmalari amaliyotlaridan qanday tartibda foydalanayotganini bilishimiz mumkin. (5 – rasm)



5-rasm. Valyuta ayirboshlash va pul o‘tkazmalari [10]

Yuqorida keltirilgan birinchi diagrammadan ko‘rishimiz mumkinki, 2022 – yilga nisbatan 2023 – yilga kelib, bank ofislarida valyuta ayirboshlash amaliyotlari 618 mln UZS dan 564 mln UZS ga, bankomatlarda 182 mln UZS dan 121 mln UZS ga kamayib, ularning o‘rniga masofaviy bank xizmatlari orqali valyuta ayirboshlash 439 mln UZS dan 613 mln UZS ga oshdi. Bank xizmatlari tarkibida masofaviy bank xizmatlari ulushi 2021 – yilda 20%, 2022 – yilda 35%ga va 2023 – yilda esa 47%ga oshdi.

Ushbu ko‘rsatkichlar yildan yilga oshib borayotganligini ko‘rib, tijorat banklari tizimida raqamlashtirish jarayoni jadal rivojlanib borayotgani, ularning jamoatchilikka taklif etayotgan xizmat va mahsulotlarining diversifikatsiyalashuvi hamda ommabopligi orqali mijozlari soni tobora ortib borayotgani bilan bir qatorda ularning marketing faoliyati ham yildan yilga yuksalayotganiga guvoh bo‘lamiz.

Xulosa. Tijorat banklari tomonidan taqdim etiladigan mahsulot va xizmatlar sifatini takomillashtirish, bankning marketing faoliyatini jozibador qilishda muhim rol o‘ynaydi. Tijorat banklarining mahsulot va xizmatlar sifatini takomillashtirish, nafaqat mijozlarning talablarini qondirish, balki ularning ishonchini qozonish, brend imidjini mustahkamlash va bozor ulushini kengaytirish uchun zarur. Banklarning marketing faoliyati mijozlarga qulaylik yaratish, ularning moliyaviy ehtiyojlarini eng samarali tarzda qondirishga yo‘naltirilgan bo‘lishi kerak. Xizmatlar sifatining yuqori bo‘lishi banklar uchun mijozlarning uzoq muddatli sodiqligini ta‘minlashga, raqobatchilar oldida afzallik yaratishga imkon beradi. Banklar innovatsion texnologiyalar, raqamli xizmatlar va ma‘lumotlar tahlili kabi

vositalardan foydalanib, o‘z marketing strategiyalarini takomillashtirishlari zarur. Ushbu xulosaga asoslanib quyidagi takliflarni berish maqsadga muvofiqdir:

tijorat banklari mijozlar ehtiyojlariga va potensialiga moslashtirilgan mahsulotlar va xizmatlarni taklif etishlari kerak. Masalan, kreditlar yoki depozitlar bo‘yicha shaxsiy maslahatlar va individual shartnoma tuzish orqali mijozlarning talablarini yaxshiroq qondirish mumkin;

banklar mijozlarning xatti-harakatlari va ehtiyojlarini o‘rganish uchun katta hajmdagi ma’lumotlarni tahlil qilishlari kerak. Sun’iy intellekt yordamida tijorat banklari o‘zlariga tegishli bo‘lgan maxsus takliflar yaratishi, mijozlarga maxsus reklamalar yuborishi va o‘z xizmatlarini yaxshilashi mumkin. Bunga misol tariqasida, mijozning kredit tarixi asosida kredit shartlarini avtomatik taklif qilish yoki to‘lovlar jadvali bo‘yicha maslahatlar berishni keltirib o‘tishimiz mumkin;

banklar mijozlarining ehtiyojlaridan kelib chiqib yana boshqa turli korxonalar, kompaniyalar, tashkilotlar bilan hamkorlikni yo‘lga qo‘yishlari va ular bilan hamkorlikda kobeyj hamda kobrend bank kartalarini ishlab chiqishlari hamda ushbu kobeyj va kobrend kartalarini integratsiyasi orqali yana yangi karta turini mijozlar e’tiboriga tortiq qilishlari ham maqsadga muvofiq hisoblanadi. Chunki, kobeyj kartalari o‘zida ikkita to‘lov tizimini mujassam etadi. Bu mijozlarga bank kartalaridan mamlakat ichida va tashqarisida ham birdek foydalanish hamda xalqaro pul o‘tkazmalarida ham qulaylik tug‘diradi. Kobrend kartalari esa tijorat banki bilan turli milliy va xalqaro kompaniya, korxona, korporatsiyalar va tashkilotlar hamkorligida yaratilgan bank kartasi hisoblanib, ular mijozlarga o‘sha kompaniyalar xizmatlaridan foydalanishda ham maxsus chegirmalar, keshbeklar, ballar va boshqa imkoniyatlar beradi. Mazkur bank karta turlari integratsiyasi orqali yaratilgan yangi turdagi bank kartasi mahsuloti mijozlarga ikkita to‘lov tizimi bilan ishlash imkoniyati bilan birgalikda hamkor kompaniya va muassasalar xizmatlaridan ham turli imtiyozlar beradi.

Yuqorida keltirib o‘tilgan takliflar tijorat banklari marketing faoliyati jozibadorligini yanada oshirish bilan bir qatorda, taklif qilayotgan mahsulot va xizmatlari sifatini yanada oshishiga, o‘ziga yangi mijozlarni jalb qilishiga, mijozlarni tijorat bankiga bo‘lgan hurmati, e’tibori, ishonchi va sodiqligini ham oshirishga yordam beradi. Natijada tijorat banklari faoliyat doirasi yanada kengayib, raqobatbardoshligi, faoliyat yuritishi sifati hamda bozordagi mavqeyi yanada oshishiga sabab bo‘ladi.

Foydalanilgan adabiyotlar ro‘yxati

1. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2020-yil 12-maydagi “2020-2025 yillarga mo‘ljallangan O‘zbekiston Respublikasining bank tizimini isloh qilish strategiyasi to‘g‘risida”gi PF-5992-son Farmoni, <https://lex.uz/en/docs/4811025>

2. Николаева Т.П. “Банковский маркетинг” Принципы и приемы банковского маркетинга (50-стр). Москва Т: 2009.

3. Toymuhamedov I. R. “Bank ishi” o‘quv qo‘llanmasi. “Bank marketingining mohiyati” (29-bet) Toshkent davlat iqtisodiyot universiteti. T.: 2005.

4. Бритченко И.Г. “Банковский маркетинг: организационные процессы инвестирования” Монография “Маркетинговый контроль” (19-стр) Национальная академия наук Украины институт экономико-правовых исследований. Т.: 1997.

5. Jumaeva Z.B. Tijorat banklarida bank marketinggi va mijozlar ishlashning innovatsion strategiyalari. //“Aktuar moliya va buxgalteriya hisobi” ilmiy jurnali, 2024-y. 4-son.

6. Azlarova A. A. “Bank sohaida marketingning zarurligi va mohiyati”. // “Bank marketingi” o‘quv qo‘llanmasi, (31-bet) Toshkent davlat iqtisodiyot universiteti. T.: 2012.

7. Клиентская база АИКБ “Ипак Йўли” Годовой отчет (акционерам и инвесторам) АИКБ Ипак Йўли за 2023г. Ву Ipak Yuli – Flipsnack (52-стр) <https://www.flipsnack.com/CD5DE6BBDC9/2023/full-view.html>

8. Динамика активных и неактивных операций по картам АИКБ “Ипак Йўли” Годовой отчет (акционерам и инвесторам) АИКБ Ипак Йўли за 2023г. Ву Ipak Yuli – Flipsnack (52-стр) <https://www.flipsnack.com/CD5DE6BBDC9/2023/full-view.html>

9. Количество пользователей мобильного приложения АИКБ “Ипак Йўли” и переводов через приложение // Годовой отчет (акционерам и инвесторам) АИКБ Ипак Йўли за 2023г. Ву Ipak Yuli – Flipsnack (51-стр) <https://www.flipsnack.com/CD5DE6BBDC9/2023/full-view.html>

10. “Обмен валюты и международные переводы” // Годовой отчет (акционерам и инвесторам) АИКБ Ипак Йўли за 2023г. Ву Ipak Yuli – Flipsnack (51-стр) <https://www.flipsnack.com/CD5DE6BBDC9/2023/full-view.html>

BANK AKTIVLARINING SIFAT KO‘RSATKICHLARI BO‘YICHA TASNIFLANISHI VA RISKILIK DARAJASI

Baxriddinov Sharofiddin

Toshkent davlat iqtisodiyot universiteti dotsenti

E-mail: bakhriddinov5599@gmail.com

ORCID: 0000-0001-7899-0217

Annotatsiya. Mazkur maqolada bank aktivlarining sifat ko‘rsatkichlari, ularning tasniflanish mezonlari va risklilik darajasi tahlil qilingan. Bank faoliyatining barqarorligi va ishonchliligi, asosan, uning aktivlarining to‘g‘ri baholanishi va muammoli aktivlarning kamaytirilishiga bog‘liq ekani asoslab berilgan. Shuningdek, Tijorat banklari aktivlarining sifat ko‘rsatkichlari bo‘yicha tasniflanishi hamda Tijorat banklari aktivlarining risk darajasi bo‘yicha tasnifi ko‘rib chiqilgan. Tadqiqot natijalariga ko‘ra, bank aktivlarini to‘g‘ri tasniflash va risklarni minimallashtirish bank tizimi barqarorligining muhim omili hisoblanadi.

Kalit so‘zlar: tijorat banklari, aktiv, passiv, bank tizimi, to‘lovga qobiliyatlilik, NPL - Non-Performing Loans, CET1 ratio, bank risklari, rentabellik, asosiy kapital, likvidlilik, daromadlilik.

CLASSIFICATION OF BANK ASSETS BY QUALITY INDICATORS AND THEIR RISK LEVEL

Bakriddinov Sharofiddin

Associate Professor, Tashkent State University of Economics

E-mail: bakhriddinov5599@gmail.com

ORCID: 0000-0001-7899-0217

Annotation. It is analyzed in this article, the quality indicators of bank assets, their classification criteria and the level of risk. It is argued that the stability and reliability of a bank's activities largely depend on the correct assessment of its assets and the reduction of problem assets. The classification of commercial banks' assets by quality indicators and the classification of commercial banks' assets by the level of risk are also considered. According to the results of the study, the correct classification of bank assets and minimization of risks are an important factor in the stability of the banking system.

Key words: commercial banks, assets, liabilities, banking system, solvency, NPL - Non-Performing Loans, CET1 ratio, bank risks, profitability, core capital, liquidity, profitability

Kirish.

Bozor iqtisodiyoti sharoitida bank tizimi mamlakat moliyaviy

barqarorligining asosiy tayanchlaridan biri hisoblanadi. Bank faoliyatining muvaffaqiyati esa, avvalo, uning aktivlarining sifati va ushbu aktivlarga bog‘liq risklarning to‘g‘ri boshqarilishiga bevosita bog‘liqdir. Bank aktivlari nafaqat daromad manbai, balki potensial yo‘qotishlar xavfini ham o‘z ichiga oladi. Shu bois, aktivlar sifati, ularning to‘lovga qobiliyatligi, qaytaruvchanligi va xavfsizligi bugungi kunda banklar uchun ustuvor masalalardan biri sanaladi.

Jahon bank tizimida aktivlar sifati borasida dolzarb ko‘rsatkichlardan biri bu - muammoli kreditlar ulushi (NPL - Non-Performing Loans) hisoblanadi. 2024 yilda global bank sektorida muammoli kreditlar ulushi o‘rtacha 5% atrofida bo‘lib, ba’zi rivojlanayotgan mamlakatlarda bu ko‘rsatkich 10% dan yuqoriligi kuzatilmoqda.[6] Shuningdek, xalqaro moliyaviy standartlarga ko‘ra, bank aktivlarining I darajadagi kapital yetarliligi (CET1 ratio) o‘rtacha 13–14% ni tashkil etib, bu ko‘rsatkich banklarning yo‘qotishlarga bardoshlilik darajasini bildiradi.[7]

Mazkur ko‘rsatkichlar banklar tomonidan risklarni to‘g‘ri baholash, aktivlarni real holatda tasniflash va barqaror faoliyat yuritish uchun muhim asos bo‘lib xizmat qiladi.

Adabiyotlar tahlili.

Tijorat banklari aktivlarining sifat ko‘rsatkichlari va ularning risklilik darajasi bo‘yicha bugungi kunga qadar turli yondashuvlar asosida ilmiy izlanishlar olib borilgan. Xususan, Rossiyalik tadqiqotchilar Ye.V.Levkina va O.N.Shevchenko tomonidan amalga oshirilgan tadqiqotlarga ko‘ra “banklarda aktivlar va passivlarni boshqarish - bu rentabellikni saqlash va turli risklarni minimallashtirish uchun kredit tashkilotining balans ko‘rsatkichlarini doimiy ravishda taqqoslash va tartibga solish tushuniladi. Shuningdek, tijorat banklari faoliyatida aktivlar va passivlarni boshqarish muammolarni aniq hal qilishga yordam beradi:

- mablag‘larni jalb qilish (shu jumladan shartlar va stavkalarni aniqlash);
- mavjud mablag‘larni taqsimlash;
- asosiy kapitalga investisiyalar;
- o‘z kapitalini saqlash va boshqalar”[5]

Tadqiqotchilar “aktivlar va passivlarni boshqarishning asosiy maqsadi foiz daromadlari va bankning valyuta pozitsiyasi belgilangan hamda bank likvid aktivlarini oqilona chegaralarda ushlab turishdan iborat” degan xulosani berishgan.

Shuningdek, professor Sh.Abdullayevaning “bank mablag‘larini turli aktivlarga joylashtirish yuqori likvidlilik darajasini ushlab turish va ma’lum yuqori daromad olish ehtiyojini belgilab beruvchi mavjud qonun va tartibga soluvchi normalardan kelib chiqadi. Bank boshqaruvidan likvidlilik va daromadlilik prinsiplariga teng amal qilishini talab etadi. Shuning uchun mablag‘lar shu prinsipga mos keladigan aktiv operatsiyalar turlariga joylashtiriladi”[4].

Ushbu yondashuvga ko‘ra, bank boshqaruvi likvidlilik va daromadlilik prinsiplariga teng amal qilishi talab etilishi bankning aktivlarni boshqarishdagi samaradorligini oshirishga zamin yaratadi.

Yo. Abdullayev va boshqalar tomonidan nashr etilgan “Bank ishi” darsligida, bank aktivlarini boshqarish nazariyasi quyidagi uslubiy qoidaga asoslanadi:

“birinchidan, tijorat bank mablag‘larini qisqa muddatli ssudalarga berganda uning likvidligi saqlanadi. Bu qoida ba’zi g‘arb davlatlari qonunlarida o‘z aksini topsa-da, amaliyotda esa u «ikkinchi darajali zaxiralar» nomini olgan.

ikkinchidan, agar kreditni to‘lash grafigi uchun mijozning kelgusi davrda oladigan daromadlarning tushish grafigi asos qilib olinsa, u holda bank likvidligini rejalashtirish mumkin”[3].

Ularning fikriga ko‘ra, bank likvidligiga kredit va investisiyalarning to‘lash muddatini o‘zgartirish orqali ta’sir etish mumkin. Amaliyotda bu qoida investisiya portfelini pog‘onali boshqarishda o‘z aksini topadi. Shuningdek, tijorat banklari aktiv va passivlarni boshqarish nazariyalarini amaliyotga qo‘llayotganda doimo daromadlilik va likvidlik o‘rtasidagi muvozanatni saqlashlari lozim.

Tahlil va natijalar.

Bank mijozlarining kreditlarga bo‘lgan talabining doimiy oshishi sharoitida, bank passivlarini boshqarish usulini qo‘llaydi. Ushbu usul pul bozorlarida – banklararo kreditlar va depozitlar bozorida va yuridik hamda jismoniy shaxslarning depozitlari bozorida mablag‘larni faol jalb etishga asoslangan. Ushbu usulni qo‘llashdan asosiy maqsad daromadni oshirish hamda bank kapitalini ko‘paytirish imkonini beradigan, arzon resurslarni topishni rag‘batlantiradi. Fondlarning talab darajasidagi barqarorligini ta‘minlovchi turli darajadagi moliyalashtirish manbalarining miqdorlari orasidagi maqbul nisbatlarini tanlash bank tomonidan nisbatan uzoq muddatli resurslarni talab etuvchi yuqori daromadli (boshqa moliyaviy instrumentlar bilan solishtirganda) kreditlarni taqdim etish imkonini beradi. Tijorat banklari passivlari bo‘yicha xarajatlarning kerakli hajmini, tuzilishini va darajasini ta‘minlash uchun bank jalb etilgan mablag‘larni boshqarishning ham narxli ham narxsiz usullaridan foydalanadi. Passivlarni boshqarish usuli parallel ravishda aktivlarni boshqarishni nazarda tutadi, ammo bu ikki yondashuv bir-biridan farqlanadi.

Bank aktivlari bir-biridan likvidligi, rentabelligi, tavakkalchilik darajasi, ahamiyati, investisiyalarning asosiy yo‘nalishlarini diversifikatsiya jihatidan farqlanadi. Banklar aktivlarning xususiyatlari aktivlar sifatiga va natijada bankning moliyaviy ko‘rsatkichlariga va bank xizmatlari bozoridagi raqobatbardoshligiga ta’sir qiladi.

Tijorat bankining aktivlarini boshqarish bank foyda olish va likvidlikni ta‘minlash maqsadida o‘z va jalb qilingan mablag‘larni joylashtirish yo‘nalishi borasidagi bank tomonidan amalga oshiriladigan chora-tadbirlar hisoblanadi.

Xalqaro bank amaliyotida tijorat banklari aktivlarini samarali boshqarish maqsadida ular ma’lum belgilariga ko‘ra tasniflanadi.

Tijorat banklari faoliyatining asosiy pirovard maqsadi foyda olishga qaratilgan bo‘lishi lozim. Bank aktivlarini daromad keltirishiga ko‘ra tasniflash an’anaviy tarzda keng foydalaniladigan guruhlash hisoblanadi. Tijorat banklari aktivlari daromad keltirishiga qarab: quyidagi ikki guruhga ajratiladi:

- daromad keltiruvchi aktivlar;

- daromad keltirmaydigan aktivlar.

Bank aktivlarining daromad keltirishiga ko‘ra tahlili sifat ko‘rsatkichiga nisbatan miqdor ko‘rsatkichiga tegishli bo‘lib, shu sababdan banklar faoliyatini baholashda katta ahamiyatga ega. Tijorat banklari daromad keltiradigan aktivlarining asosiy qismini yuridik va jismoniy mijozlarga ajratilgan kreditlar va banklararo joylashtirilgan mablag‘lar tashkil etadi. Bundan tashqari, banklarning qimmatli qog‘ozlarga kiritgan investisiyalari, oldi-sotdi uchun mo‘ljallangan qimmatli qog‘ozlarga yo‘naltirilgan mablag‘lari, mijozlarning savdoni moliyalashtirish amaliyotlari bilan bog‘liq aktiv operatsiyalari va boshqa daromad olishga qaratilgan aktivlarini kiritish mumkin.

Tijorat banklarining daromad keltiruvchi aktivlarining jami aktivlar tarkibidagi ulushi qanchalik yuqori bo‘lishi, bankning shunchalik daromad olish manbalari oshib borishini va samaradorligini oshirishiga zamin yaratadi.

Banklar faoliyatida daromad keltirmaydigan aktivlar ma‘lum bir ma‘noda zarur vositalar bo‘lib, bank faoliyat yuritishi uchun xizmat qiladi. Sababi, banklar faoliyatini yuritish uchun zarur infratuzilmani yaratish, banklarning operatsiyalarni amalga oshirish, ma‘lumotlarni saqlash va qayta ishlash, bank bilan integratsiya qilingan tashqi tizimlar bilan ishlash uzluksizligini ta‘minlash va boshqa shu kabi vositalar zarur hisoblanadi. Mazkur holatda yuqoridagi kabi asosiy vositalar zarur, lekin ularning bank aktivlari tarkibidagi ulushining oshib borishi va bank faoliyatida resurslarning immobillashuviga olib keladi. Buning natijasida banklarning daromad olish manbalari kamayadi, jalb qilingan resurslarni ham daromad keltirmaydigan aktivlarga yo‘naltirish kuchayib borib, oqibatda bankning iqtisodiy tanazulga yuz tutishiga sabab bo‘ladi.

Tijorat banklarining aktivlari ularning buxgalteriya balansida likvidlilik tamoyiliga xususiyatiga muvofiq aks ettiriladi. Ushbu tamoyilga ko‘ra, banklarning aktivlarini 5 yirik guruhga bo‘lish mumkin:

- kassali aktivlar;
- kreditlar qo‘yilmalari;
- qimmatli qog‘ozlarga qilingan investisiyalar;
- asosiy vositalar va boshqa mulklar;
- boshqa aktivlar.

Tijorat banklari likvidlilikini boshqarish va likvidlilikni tartibga solish nuqtai nazaridan alohida yondashuv bilan turkumlash mumkin. Tijorat banklari aktivlarini boshqarishning asosiy vazifalaridan biri, bu bank likvidlilik bilan uning daromadlilik o‘rtasidagi mutanosiblikni saklashdir. Banklar daromad olishi bilan birga aktivlarni likvidlilik xususiyatidan kelib chiqib boshqarishi muhim ahamiyat kasb etadi. O‘zbekiston Respublikasi Markaziy banki Boshqaruvining 2015 yil 22 iyuldagi 19/14-sonli bilan tasdiqlangan “Tijorat banklarining likvidlilikini boshqarishga qo‘yiladigan talablar to‘g‘risida”gi nizomga asosan, “likvidli aktivlar qiymati bozorda shakllanadigan, bozor qiymati bo‘yicha qisqa muddat ichida ularni sotib olishga osonlik bilan xaridor topiladigan, doimiy ravishda ko‘zda tutilmagan (nomaqbul) yo‘qotishlarsiz sotiluvchi va sotib olinuvchi aktivlar” hisoblanadi.[1]

Har bir tijorat banki o‘zining majburiyatlarini bajarish va likvidlik talablariga javob berishi uchun bankning barcha aktivlarini qaytarilish muddatiga ko‘ra likvidlik darajasi bo‘yicha guruhlariga tasniflagan holda boshqaradi. Banklarning aktivlarini likvidliligi xususiyatiga ko‘ra quyidagi turlarga ajratish mumkin:

- *birinchi guruh – yuqori likvidli aktivlar;*

Banklarning yuqori likvidli aktivlariga quyidagilar kiradi: bankning kassasidagi nakd pullar va ularga tenglashtirilgan mablag‘lar; Markaziy bankning vakillik hisobvarag‘idagi mablag‘lar; davlat tomonidan chiqarilgan obligatsiyalarga yo‘naltirilgan mablag‘lar kiritiladi. Ushbu mablag‘lar yuqori likvidli bo‘lib, bank faoliyatida zarur bo‘lgan holatlarda ushbu mablag‘larni zudlik bilan o‘z majburiyatlari bajarishga yoki boshqa maqsadlarga ishlatish imkonini beradi. Shu bilan birga, banklarning yuqori likvidli aktivlari quyidagi talablarga javob berishi lozim:

aktivlarning to‘planish darajasi past bo‘lishi va pul yoki repo bozorlarida oson sotilishi;

har qanday bozor sharoitida likvidlilikning isbotlangan ishonchli manbasi hisoblanishi va unga nisbatan doimiy talabning mavjudligi;

moliyaviy tashkilot yoki unga daxldor bo‘lgan shaxslarning majburiyatlarini o‘z ichiga olmasligi;

boshqa majburiyatlar bo‘yicha ta‘minot sifatida qo‘yilmagan yoki xatlanmagan bo‘lishi.

- *ikkinchi guruh – likvid aktivlar;*

Banklarning likvidli aktivlari tarkibiga qaytarish muddati 30 kungacha bo‘lgan barcha kreditlar (bularga 30 kundan oshgan va qaytarish muddati ko‘pi bilan bir maratoba uzaytirilgan kreditlar kirmaydi) kiradi va qaytarish muddati 30 kungacha bo‘lgan barcha debitorlar, majburiy zaxiralarga o‘tkazilgan ortiqcha to‘lovlar kiradi.

- *uchinchi guruh – likvid aktivlar;*

muddati o‘tgan kreditlar;

muddati o‘tgan foizlar;

sud aralashuvi bilan o‘zlashtirilishi ko‘zda tutilgan kreditlar;

bankning tugallanmagan qurilish;

asosiy vositalar va boshqa mol-mulklari.

Banklar aktivlari tarkibini doimiy ravishda likvidliligini ma‘lum bir darajada saqlagan holda boshqarishi lozim bo‘ladi. Banklar aktivlari tarkibida likvidlilikka bo‘lgan talabni yuqori belgilashi, aktivlardan olinadigan daromadni qisqarishiga sabab bo‘ladi, ya‘ni ular orasida teskari bog‘liqlik mavjud. Bankning aktivlari qanchalik darajada likvidli bo‘lsa shunchalik ular bilan bog‘liq risk darajasi past bo‘ladi, ammo shunga mos ravishda olinadigan daromad ham shunchalik kam bo‘ladi. Tijorat banklari byelgilangan likvidlilik va to‘lovga qobillik doirasidan chiqmagan holda aktivlarga joylashtirilgan resurslardan daromadlarini oshirishi, bankning aktivlarni boshqarish san‘atini belgilaydi.

Bank likvidlilikni ikki xil yo‘l bilan ta‘minlash mumkin:

banklar ortiqcha likvidli aktivlarni yig‘ish;

likvidlilikni kam daromad keltiruvchi va tez sotiluvchi qimmatli qog'ozlarga investisiyalash usuli orqali.

Tijorat banklari faoliyatidagi likvidlilik va daromadlilik nuqtai nazardan aktivlar tarkibini optimal shakllantirish va uni doimiy bank uchun samarali bo'lgan me'yorda saqlab turish talab etiladi.

Banklarning aktivlari likvidligi moliya bozorlardagi muayyan segmentlari holatiga bog'liq. Bank investisiyasining ayrim ob'ektlariga talab qanchalik yuqori bo'lsa, aktivlar likvidligi shunchalik yuqori bo'ladi.

Bankning aktivlari likvid, ya'ni osonlik bilan naqd pulga aylantirish imkoni bo'lishi kerak. Bank aktivlarining likvidlik nuqtai nazaridan quyidagi xususiyatlarini ko'rsatish muhim:

- yuqori likvidli aktivlar, ya'ni to'g'ridan-to'g'ri pul shaklida bo'lgan (birinchi navbatdagi zaxiralar) yoki osonlik bilan pul shakliga aylantiriladigan aktivlar (ikkinchi navbatdagi zaxiralar). Birlamchi zaxiralarga kassadagi naqd pul va vakillik hisobvaraqlaridagi qoldiqlar kiradi (agar ulardan foydalanishda cheklovlar bo'lmasa). Imkoniyatli va likvid ikkilamchi bozor mavjud bo'lganda, ikkilami zaxiralar oson sotiladigan davlat qimmatli qog'ozlari hisoblanadi.


- qisqa muddatli likvid aktivlar ikkilamchi bozorga ega bo'lgan qisqa muddatli kreditlar va qimmatli qog'ozlar

- sotish qiyin bo'lgan aktivlar – uzoq muddatli kreditlar, rivojlangan ikkilamchi bozorga ega bo'lmagan qimmatli qog'ozlar, qo'shma faoliyatda aksiyadorlik ishtiroki

- past likvidli aktivlar bankning asosiy fondlariga qo'yilgan mablag'lar, bozorda sotish qiyin bo'lgan aktivlar kiradi.

Banklarda likvidlilikni boshqarish siyosatining muhim jihati bank aktivlar bo'yicha yuqori daromadlilikka likvidlilikni ta'minlagan holda erishish bank boshqaruvi oldidagi asosiy vazifalardan biri hisoblanadi. Tijorat banklari likvidlilikni samarali boshqarishda aktivlar va passivlarni boshqarishning samarali tizimini yaratish talab etiladi. Bank likvidlilikni boshqarish talablariga rioya etishi bank balansining aktiv va passiv qismlarini boshqarish, shuningdek, ko'zda tutilmagan holatlar bo'yicha moliyalashtirish rejasini amalga oshirish orqali ta'minlanadi.

O'zbekiston Respublikasi Markaziy banki Boshqaruvining 2015 yil 13 iyundagi 14/5-son qarori bilan tasdiqlangan va O'zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2015 yil 14 iyulda 2696-son bilan davlat ro'yxatidan o'tkazilgan “Tijorat banklarida aktivlar sifatini tasniflash va aktivlar bo'yicha ehtimoliy yo'qotishlarni qoplash uchun zaxiralar shakllantirish hamda ulardan foydalanish tartibi to'g'risida”gi nizomga muvofiq, banklarning aktivlari sifati bo'yicha tasniflangan. Unda tijorat banklarining aktivlari sifatiga ko'ra «standart», «substandart», «qoniqarsiz», «shubhali» va «umidsiz» toifalarga tasniflanishi belgilangan.



1-rasm. Tijorat banklari aktivlarining sifat ko‘rsatkichlari bo‘yicha tasniflanishi¹.

Tijorat banklari aktivlarining o‘z muddatida to‘lanishiga shubha tug‘dirmaydigan aktivlar «standart» deb tasniflanadi va bunda qarz oluvchi yuridik yoki tadbirkorlik faoliyati bilan shug‘ullanuvchi jismoniy shaxs moliyaviy jihatdan barqaror hisoblanishi, yetarli miqdorda kapitalga, yuqori daromadlilik darajasiga hamda barcha mavjud majburiyatlarni, jumladan mazkur qarzni qondirish uchun yetarli pul mablag‘lari oqimiga, shuningdek amalga oshirilishi mumkin bo‘lgan strategik rejaga, bozorda raqobatdoshlik qobiliyatiga, yaxshi mahsulotni ishlab chiqarishga va o‘z mahsuloti bo‘yicha marketing rejasiga ega bo‘lishi lozim. Bankning jismoniy shaxs barqaror mijozlari esa, barqaror daromad manbaiga ega hamda daromadlari bankdan olingan kredit va foizlarni to‘lashga yetarli, yaxshi kredit tarixiga ega, ya’ni oldin olgan barcha kreditlari bo‘yicha to‘lovlarni va boshqa majburiyatlarni o‘z vaqtida bajargan bo‘lishi kerak. «Standart» toifadagi aktivlar bo‘yicha banklar tomonidan aktivlarning qoldig‘iga nisbatan 1 foiz miqdorda zaxira shakllantirilishi belgilangan.

«Substandart» ikkinchi toifa aktivlar hisoblanadi va bunda qarzdorning moliyaviy holati barqaror hisoblangan, lekin ayrim salbiy holatlar yoki ular faoliyatida uzulishlar kuzatilib, moliyalashtirilgan loyihaning amalga oshishiga yoki qarzdorning aktivni o‘z vaqtida to‘lash qobiliyatiga nisbatan shubha paydo bo‘lishi mumkin bo‘lgan aktivlar sifati «substandart» deb tasniflanadi. Ushbu toifadagi aktivlar bo‘yicha banklar tomonidan aktivlarning qoldig‘iga nisbatan 10 foiz miqdorda zaxira shakllantirilishi belgilangan.

Uchinchi turdagi aktivlar toifasi asosiy to‘lov manbalari qarz to‘lash uchun yetarli bo‘lmasa, ta’minotga qo‘yilgan mulkni va qarz oluvchining boshqa asosiy vositalarini sotish, to‘lanishi lozim bo‘lgan qarzlarni uzaytirishlarni hisobga olgan holda qo‘shimcha to‘lov manbalarini topish talab etiladigan bo‘lsa hamda qarz oluvchining joriy moliyaviy holati yoki uning pul mablag‘larining mo‘ljallanayotgan oqimi majburiyatlarni qoplash uchun yetarli bo‘lmasa hamda qarzdorning 2-son kartotekasida 91 kun va undan ortiq, lekin 180 kundan oshmagan muddatga kechiktirilgan to‘lov hujjatlari mavjud bo‘lsa yoki asosiy qarz va (yoki) foizlar bo‘yicha 91 kun va undan ortiq, lekin 180 kundan oshmagan muddati o‘tgan qarzdorlik mavjud bo‘lsa sifati «qoniqarsiz» aktiv hisoblanadi. Banklar tomonidan sifati «qoniqarsiz» aktivlarga 25 foiz miqdorida zaxiralar shakllantirilishi talab etiladi.

Bank aktivlarining quyida keltirilgan omillardan hech bo‘lmaganda bittasi

¹ Tadqiqot natijalari asosida muallif tomonidan tuzildi

mavjud bo‘lsa, ushbu aktivlar sifati «shubhali» deb tasniflanadi:

- «qoniqarsiz» aktivlarning hech bo‘lmaganda birorta ko‘rsatkichi, shuningdek ayrim boshqa salbiy tavsiflari mavjud bo‘lsa (bozorda oson sotiladigan ta‘minotning mavjud emasligi yoki ta‘minlanmagan aktivlarning mavjudligi yoxud qarz oluvchining bankrot deb e‘lon qilinishi);

- yaqin kelajakda aktivning qisman to‘lanish ehtimoli mavjud bo‘lsa;

- qarzdorning 2-son kartotekasida 181 kun va undan ortiq, lekin jami 365 kundan oshmagan muddatga kechiktirilgan to‘lov hujjatlari mavjud bo‘lsa (bundan bankdagi 2-son kartotekasida ushbu aktivni so‘ndirish bo‘yicha to‘lov talabnomasi mavjud bo‘lgan yoki faoliyati mavsumiy xususiyatga ega qarzdorlar mustasno hisoblanadi);

- asosiy qarz va (yoki) foizlar bo‘yicha 181 kun va undan ortiq, lekin 365 kundan oshmagan muddati o‘tgan qarzdorlik mavjud bo‘lganda qoniqarsiz aktiv sifatida tasniflanadi.

Tijorat banklari aktivlari tarkibida sifati eng past bo‘lgan hamda qaytmasligidan dalolat beruvchi omillar yoki alomatlar mavjud bo‘lgan shuningdek, qaytmaydigan yoki qiymati juda pastligi tufayli hisobini balansda aktiv sifatida yuritilishi maqsadga muvofiq emas deb baholanadigan aktivlar sifati «umidsiz» deb tasniflanadi. Mazkur holat banklar aktivlarining tugatiladigan qiymat mavjud emasligini anglatmaydi, balki tijorat banklari o‘z balanslarida bunday aktivlarning hisobini yuritishni davom ettirishlari maqsadga muvofiq emas.[2]

Bank aktivlarining sifat ko‘rsatkichlari aktivlar portfelining samaradorligini belgilovchi muhim ko‘rsatkich hisoblanadi. Bank aktivlari tarkibida sifati yaxshi bo‘lishi samaradorlikni oshirsa, aksincha holatda bankning samaradorligi pasayadi. Buning sababi, ushbu aktivlar bo‘yicha olinishi rejalashtirilgan daromadlarni olinmasligi yoki umuman ushbu aktivlar qaytish ehtimolligini pasayishi natijasida banklar tomonidan qo‘shimcha zaxira xarajatlarini amalga oshirish kabi salbiy holatlar kuzatilishi mumkin.

Tijorat banklari aktivlarining risk darajasiga ko‘ra tasniflanishi xalqaro amaliyotda Bazel qo‘mitaning tavsiyalariga muvofiq amalga oshiriladi. O‘zbekiston Respublikasi bank tizimida reguliator sifatida Markaziy bank tomonidan o‘rnatilgan talablarga muvofiq belgilanadi. Bank aktivlarini risk darajasi bo‘yicha tasniflash banklar kapitali monandlilik ko‘rsatkichlarini hisob-kitob qilish va bank tizimi barqarorligini baholash maqsadida foydalaniladi.

O‘zbekiston Respublikasi Markaziy bank tomonidan qabul qilingan “Tijorat banklari kapitalining monandligiga qo‘yiladigan talablar to‘g‘risidagi” O‘zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2015 yil 6 iyulda 2693-son bilan davlat ro‘yxatidan o‘tkazilgan nizomga asosan bank aktivlari risk darajasi bo‘yicha tasniflanadi. Mazkur nizomga ko‘ra, bank aktivlari balans va balansdan tashqaridagi moddalar bo‘yicha tasniflanadi hamda kapital yetarliligini baholashda foydalaniladigan tavakkalchilik hisobga olingan holdagi aktivlar summasini hisoblashda foydalaniladi.



2-rasm. Tijorat banklari aktivlarining risk darajasi bo‘yicha tasnifi².

Tijorat banklarining risksiz aktivlari tarkibiga bankda va uning filiallarida naqd pul ko‘rinishida saqlanayotgan milliy va chet el valyutasi (jumladan, bank omborlarida yoki O‘zbekiston Respublikasi Markaziy banki omborlarida saqlanayotgan tijorat banklariga tegishli oltin quymalar) O‘zbekiston Respublikasi Markaziy bankining vakillik va zaxira hisobvaraqlaridagi milliy valyutadagi mablag‘lar hamda O‘zbekiston Respublikasi Hukumati va Markaziy bankiga to‘g‘ridan-to‘g‘ri talablar va ular tomonidan chiqarilgan qimmatli qog‘ozlar hamda ipotekani qayta moliyalashtirish tashkilotlari tomonidan chiqarilgan ta‘minlangan qarz munosabatlarini tasdiqlovchi qimmatli qog‘ozlar kiradi. Shuningdek, Xalqaro valyuta fondi va Jahon banki guruhi (Xalqaro tiklanish va taraqqiyot banki, Xalqaro moliya korporatsiyasi, Xalqaro investisiyalarni kafolatlash agentligi, Xalqaro taraqqiyot assosiatsiyasi) hamda Osiyo taraqqiyot banki, Osiyo infrastruktura investisiya banki, Yevropa tiklanish va taraqqiyot banki, Yevropa investisiya banki, Yevropa investisiya jamg‘armasi, Islom taraqqiyot banki va Yevropa Kengashining taraqqiyot bankiga nisbatan talablar, ularning qimmatli qog‘ozlariga qilingan investisiyalar, shuningdek ular tomonidan emissiya qilingan qimmatli qog‘ozlar bilan ta‘minlangan yoki kafolatlangan bank aktivlari va balansdan tashqari moddalari kiradi.

Bankning riskdan qisman holi aktivlariga O‘zbekiston Respublikasi Markaziy bankining vakillik va zaxira hisobvaraqlaridagi chet el valyutasidagi mablag‘lar,

² Tadqiqot natijalari asosida muallif tomonidan tuzildi.

bankning o'tkazish jarayonidagi pul hujjatlari (jumladan, yo'ldagi naqd pullar) va ipotekani qayta moliyalashtirish tashkilotlari tomonidan chiqarilgan korporativ obligatsiyalarga qilingan investisiyalar kiradi.

Tijorat banklarining risk darajasi juda past aktivlari tarkibiga 2024 yil 1 iyuldan boshlab qarz yuki ko'rsatkichi 60 foizdan past bo'lgan jismoniy shaxslarga ajratilgan ipoteka kreditlar kiritiladi. Tijorat banklarining risk darajasi bo'lgan past aktivlari tarkibiga qarz yuki ko'rsatkichi 60 foizdan yuqori bo'lgan yoki uni aniqlash imkoni bo'lmagan holatlarda jismoniy shaxslarga ajratilgan ipoteka kreditlari qoldiqlari kiradi.

2024 yil 1-apreldan boshlab doimiy daromadga ega bo'lgan, shuningdek kamida olti oy davomida bank hisobvarag'ida, shu jumladan bank kartasida mablag'lar aylanmasiga ega bo'lgan o'zini o'zi band qilgan shaxslar va kichik tadbirkorlik sub'yektlariga mikromoliyalashtirish faoliyati doirasida ko'rsatilgan xizmatlar hamda ajratilgan kreditlar o'rtacha riskli aktivlari toifasiga kiritiladi.

Banklarning risk darajasi o'rtachadan yuqori aktivlari bankning asosiy vositalari va boshqa xususiy mulklari, banklarga joylashtirilgan kreditlar (banklar reytingidan kelib chiqqan holda) aktivlar kiradi.

Tijorat banklarining risk darajasi yuqori aktivlari tarkibiga qarzini to'liq yoki qisman undirish uchun bank balansiga olingan ko'chmas mulk, bankning ikki yildan ko'p bo'lgan muddatda foydalanilmayotgan bankning ko'chmas mulklari va kredit summasini garov summasiga nisbati 100 foizdan past va 75 foizdan yuqori bo'lgan jismoniy shaxslarga ajratilgan kreditlar kiritiladi.

Risk darajasi juda yuqori aktivlar bankning sifati «qoniqarsiz», «shubhali» va «umidsiz» deb tasniflangan aktivlar (mazkur ilovaning boshqa pozitsiyalaridagi shartlarni bajarishidan qat'iy nazar), kredit summasini garov summasiga nisbati 100 foizdan yuqori bo'lgan kreditlar kiradi.

O'zbekiston Respublikasi Markaziy banki qayta tiklanadigan (energiya tejovchi) energiya manbalarini, jumladan yirik quyosh va shamol elektr stansiyalari, quyosh panellari hamda kichik fotoelektr stansiyalarini ishga tushirish uchun jismoniy va yuridik shaxslarga 2023 yilning 1 dekabrigha qadar ajratilgan kreditlar risksiz aktivlar deb tasniflanishi munozarali hisoblanadi. Chunki, ushbu aktivlarni riskka tortilmasligidan ko'zlangan maqsadlardan kelib chiqib, davlat dasturlarini moliyalashtirishni rag'batlantirish nazarda tutilgan bo'lishi mumkin. Ammo, banklar faoliyatida ushbu yo'nalishda ajratilgan kreditlar muammoli aktivga aylanish ehtimolligi yuqori hisoblanadi.

Bank aktivlarining muddatiga ko'ra tasniflash bank likvidligini boshqarishda muhim ahamiyat kasb etadi. O'zbekiston Respublikasi Markaziy banki tomonidan bank aktivlari va passivlarini nazorat qilish o'rnatilgan hisobot shakllariga muvofiq, quyidagi turlarga ajratiladi:

- muddatsiz;
- 1 dan 7 gacha;
- 8 dan 30 gacha;
- 31 dan 90 gacha;
- 91 dan 180 gacha;

- 181 dan 365 gacha;
- 366 dan 730 gacha;
- 2 yildan ortiq.

Bank aktivlarining bir qismi uning moliyaviy talablari sifatida ishlaydi. Bankning boshqa banklardagi vakillik hisobvaraqlariga (Markaziy bankdagi vakillik hisobvaraqlari, majburiy zaxira fondi, boshqa banklar va norezident banklardagi) joylashtirilgan mablag‘lar bankning talablari hisoblanadi. Banklar uchun aktivlar va passivlarni boshqarishdagi eng muhim muammo jalb qilingan resurslar (majburiyatlar)ning ularni joylashtirish (aktivlar) muddatlariga mos kelishini ta’minlashdir.

Bank likvidligi boshqarishda aktivlar va passivlarni muddatlari bo‘yicha tasniflanadi hamda GAP uzulishlarni baholashda foydalaniladi. GAP tahlili bank aktivlari va majburiyatlarining muddatlar (yoki foiz sezuvchanligi) bo‘yicha farqini aniqlashga xizmat qiladi. Bu tahlil asosan foiz stavkasi tavakkalini boshqarishda qo‘llaniladi. Tijorat banklari aktivlari passivlarini mazkur muddatlarda joylashuvining tahlili asosida jalb etilgan moliyaviy resurslarni qanchalik qisqa muddatlarga joylashtirsa, transformatsiya riskini kamaytiradi hamda bank aktivlaridan foydalanish samaradorligini oshirishga xizmat qiladi. Shu bilan birga, bank aktivlarini milliy va xorijiy valyuta kesimida tahlil qilish maqsadga muvofiq va tahlil natijalarini asosli bo‘lishiga xizmat qiladi. Tahlillar davomida har bir muddatga mos keladigan aktivlarni o‘rtacha foiz stavkalarini o‘rganish va jalb qilingan resurslar foiz stavkalarini bilan taqqoslash orqali bank faoliyatini baholash imkonini beradi.

Xulosa.

Bank faoliyatining barqarorligi va samaradorligi, avvalo, uning aktivlarining sifati va ushbu aktivlarga bog‘liq risklarning to‘g‘ri baholanishi va boshqarilishiga bog‘liq. Tadqiqot davomida aniqlanishicha, bank aktivlari sifatining asosiy ko‘rsatkichlari – muammoli aktivlar ulushi (NPL), kapital yetarliligi (xususan, CET1 koeffitsienti), likvidlik darajasi va aktivlarning toifalarga ajratilishi – banklarning moliyaviy barqarorligi va kredit portfelining sog‘lomligini belgilovchi omillar hisoblanadi.

Yuqorida ko‘rib o‘tganimizdek, 2024-yilgi jahon statistik ma’lumotlariga ko‘ra, global bank sektorida muammoli kreditlar ulushi o‘rtacha 5% atrofida bo‘lsa, ba’zi rivojlanayotgan mamlakatlarda bu ko‘rsatkich 10% dan yuqori darajada qayd etilgan. Bu holat banklar tomonidan kredit risklarini chuqur tahlil qilish va aktivlar sifatini doimiy ravishda monitoring qilish zaruratini ko‘rsatadi.

Shu bilan birga, I darajadagi kapital yetarliligi (CET1 ratio) ko‘rsatkichi global miqyosda o‘rtacha 13–15% ni tashkil etib, banklarning yo‘qotishlarga bardoshlilikini ta’minlashda muhim rol o‘ynaydi. Bank aktivlarining to‘g‘ri tasniflanishi va ularning risk darajasiga qarab baholanishi orqali banklar o‘z kredit siyosatini optimallashtirishi, barqaror moliyaviy muhit yaratishi va investorlarga ishonch uyg‘otishi mumkin.

Tadqiqot davomida tijorat banklari aktivlari sifat ko‘rsatkichlari bo‘yicha standart (1%), substandard (10%), qoniqarsiz (25%), shubhali (50%), umidsiz

(100%) kabi tasniflanishi aniqlandi. Shuningdek, Tijorat banklari aktivlarining risk darajasi bo'yicha esa risksiz aktivlar (0%)dan risk darajasi yuqori (200%) bo'lgan aktivlar shaklida tasniflanadi.

Umuman olganda, bank aktivlari sifatini tahlil qilish va risklarni boshqarish nafaqat alohida banklar uchun, balki butun moliyaviy tizim barqarorligini ta'minlash uchun muhim strategik vazifadir.

Foydalanilgan adabiyotlar ro'yxati

1. O'zbekiston Respublikasi Markaziy banki Boshqaruvining 2015 yil 22 iyuldagi 19/14-sonli bilan tasdiqlangan “Tijorat banklarining likvidliligini boshqarishga qo'yiladigan talablar to'g'risida”gi nizom. <https://lex.uz/docs/2720359>

2. O'zbekiston Respublikasi Markaziy banki Boshqaruvining 2015 yil 13 iyundagi 14/5-son qarori bilan tasdiqlangan va O'zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2015 yil 14 iyulda 2696-son bilan davlat ro'yxatidan o'tkazilgan “Tijorat banklarida aktivlar sifatini tasniflash va aktivlar bo'yicha ehtimoliy yo'qotishlarni qoplash uchun zaxiralar shakllantirish hamda ulardan foydalanish tartibi to'g'risida”gi nizom. <https://lex.uz/uz/docs/2703053>

3. Abdullayev Yo. Bank ishi. O'quv qo'llanma –T.: “IQTISOD-MOLIYA”, 2010-yil. - 532 bet.

4. Abdullayeva Sh.Z. “Bank ishi” –Toshkent: 2019. 322 b.

5. Левкина Е.В., Шевченко О.Н. Оценка управления активами и пассивами в коммерческом банке (на примере ОАО АКБ «Приморье») //Международный журнал экспериментального образования. 2015. № 8-1. С. 47-56.

6. https://www.bankingsupervision.europa.eu/press/pr/date/2024/html/ssm.p_r240626~5f9e44e0e7.en.html

7. <https://www.federalreserve.gov/publications/2024-may-supervision-and-regulation-report-banking-system-conditions.htm>

МОЛИЯВИЙ ҲИСОБОТЛАРНИ ТУЗИШ ВА ТАҚДИМ ЭТИШДА ХОРИЖИЙ ТАЖРИБА

Мамажонов Акрамжон Тургунович



*иқтисодиёт фанлари бўйича
фалсафа фанлари доктори(PhD)
бухгалтерия ҳисоби
ва аудит кафедраси профессори
Андижон қишлоқ хўжалиги
ва агротехнологиялар институти
E-mail: mat69@mail.ru
ORCID 0000-0002-7092-9873*

Аннотация. Мазкур мақолада молиявий ҳисоботларни тузиш ва уни тақдим этишда хорижий тажриба кенг тадқиқ этилган. Молиявий ҳисоботларни тузиш ва тақдим этишда ўзига хос хусусиятни намоён этувчи АҚШнинг Бухгалтерия ҳисобининг умумқабул қилинган қоидалари – БХУҚ (Generally Accepted Accounting Principles, GAAP) жаҳон фонд бозорларида листингдан ўтиш учун тақдим қилинадиган молиявий ҳисобот ҳақида фикрлар билдирилган. Молиявий ҳисоботнинг таркиби, уларни тузишга қўйиладиган асосий талаблар ва тамойиллари бўйича АҚШ тажрибасини республикамізда қўллаш юзасидан илмий таклиф ва амалий тавсиялар шакллантирилган.

Калит сўзлар: акциядорлик жамияти, молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисобот, фойда ёки умумлашган даромадлар тўғрисидаги ҳисобот, пул маблағлари ҳаракати тўғрисидаги ҳисобот, хусусий капиталдаги ўзгаришлар тўғрисидаги ҳисобот, БХУҚ (Generally Accepted Accounting Principles, GAAP), листинг.

ЗАРУБЕЖНЫЙ ОПЫТ СОСТАВЛЕНИЯ И ПРЕДСТАВЛЕНИЯ ФИНАНСОВОЙ ОТЧЕТНОСТИ

Мамажонов Акрамжон Тургунович

*доктор философии по
экономическим наукам (PhD)
доцент кафедры
бухгалтерского учета и аудита
Андижанский институт сельского
хозяйства и агротехнологий
E-mail: mat69@mail.ru
ORCID 0000-0002-7092-9873*

Аннотация. В статье изучен зарубежный опыт составления и представления финансовой отчетности. Проанализированы общепринятые принципы бухгалтерского учета (GAAP) США, имеющие уникальную

особенность при составлении и представлении финансовой отчетности и представляемые для листинга на мировых фондовых рынках. Сформулированы предложения и практические рекомендации по применению в нашей стране опыта США в финансовой отчетности, ее основных требований и принципов составления.

Ключевые слова: акционерное общество, отчет о финансовом положении, сводный отчет о прибылях и убытках, отчет о движении денежных средств, отчет об изменениях в частном капитале, ОПБУ (общие принципы бухгалтерского учета, GAAP), листинг.

INTERNATIONAL EXPERIENCE IN THE PREPARATION AND PRESENTATION OF FINANCIAL STATEMENTS

Mamajonov Akramjon Turgunovich

Doctor of Philosophy (PhD)

in Economic Sciences

Associate Professor of the

Department Accounting and Audit

Andijan Institute of

Agriculture and Agrotechnology

E-mail: mat69@mail.ru

ORCID 0000-0002-7092-9873

Abstract. In this article, the international experience of compiling and presenting financial statements is widely studied. It contains scientific proposals and practical recommendations on the application of the US experience in the field of financial reporting structure, basic requirements and principles of its preparation in our republic. In particular, opinions were expressed that the generally accepted accounting rules of the United States – BHUQ (generally Accepted accounting Principles, GAAP), which show specificity in the preparation and presentation of financial statements, provide financial statements for listing on global stock markets.

Keywords: Joint stock company, statement of financial position, income statement or consolidated income statement, statement of cash flows, statement of changes in private equity, GAAP (general accounting principles), listing.

Кириш

Жаҳонда молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари (МХХС) компанияларнинг молиявий ҳисоботларини тайёрлашнинг умумий қоидалари бўлиб, 150 дан ортиқ мамлакатларда қўлланилиб келинмоқда. МХХС – бухгалтерия ҳисобининг халқаро эталони, молиявий ҳисоботларни тузиш учун ҳужжатлар тўплами ва бу жараёни тартибга солувчи регламент бўлиб, ушбу стандартлар компанияларнинг молиявий ҳолати тўғрисида ҳисоботни қай тарзда тайёрлаш ва тақдим этишни белгилайди. МХХС Фонди иқтисодий ва инвестиция қарорларини қабул қилиш учун барқарор ривожланиш бўйича изчил ва таққосланадиган маълумотларга эҳтиёжга жавобан, 2021 йилда

IASB билан биргаликда ишлайдиган барқарор ривожланиш стандартлари бўйича халқаро Кенгаши (ISSB) ташкил этди. Мазкур кенгаш МХХС Барқарорлик стандартларини (IFRS Suitability standards) ишлаб чиқармоқда (бугунги кунда 1000 дан ортиқ компаниялар ўз ҳисоботларида Барқарорлик стандартига мурожаат қилган ва 30 та юрисдикциялар ISSB стандартларини ўзларининг ҳуқуқий-меъёрий асосларига татбиқ этишда самарадорликка эришмоқдалар [1]. МХХС бутун дунё бўйлаб турли компания ва фирмаларнинг молиявий ҳолатини ўрганиш асосида уларга сармояларни киритишда инвесторлар учун муҳим восита ҳисобланади. Бу эса, жаҳон мамлакатлари ўртасида ўзаро иқтисодий интеграциялашув жараёнини янада ривожланишига хизмат қилади.

Ўзбекистонда молиявий ҳисоботларнинг халқаро стандартларга мувофиқ молиявий ҳисоботларни тузиш асосида халқаро фонд бозорларига чиқиш имкониятини бермоқда. Статистика агентлиги маълумотларига кўра, Республикамизда фаолият юритаётган хорижий капитал иштирокидаги корхона ва ташкилотлар сони 14226 тани ташкил этган. Шундан 4576 таси кўшма корхоналар ва 9650 таси хорижий корхоналар ҳисобланади. Хорижий капитал иштирокида энг кўп фаолият кўрсатаётган мазкур ишлаб чиқариш субъектларга жумласига Россия – 3019 та хорижий корхона, Хитой – 2501 та, Туркия – 1886 та, Қозоғистон – 1102 та, Жанубий Корея – 727 та ҳамда АҚШ ҳиссасига – 311 та корхона тўғри келади. Шунингдек, бугунги кунда хорижий инвестициялар иштирокида фаолият кўрсатаётган корхоналар сони 14 мингдан ортиди [2]. Мазкур кўрсаткичларнинг сўнгги йилларда янада ошиб бориши республикамизда молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига (МХХС) ўтишни жадаллаштириш орқали хорижий инвесторларни зарур ахборот муҳити билан таъминлаш ва халқаро молия бозорларига кириш имкониятларини кенгайтириш ҳамда молиявий ҳисоботларни халқаро стандартларга мувофиқлаштириш боришни тақозо этади.

Адабиётлар шарҳи

Молиявий ҳисобот тушунчасига халқаро ва миллий стандартларда, ҳамда иқтисодчи олимлар томонидан турлича ёндошувлар, фикр-мулоҳазалар ва таърифлар келтириб ўтилган. Маълумки, республикамизда бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисобот халқаро стандартларга мувофиқлаштирилмоқда.

“Молиявий ҳисоботни тақдим этиш” номли 1-сон БҲХСда қийдаги атама келтириб ўтилган: “Умумий мақсаддаги молиявий ҳисобот (“молиявий ҳисобот” деб аталади) – бу ташкилотдан ўзларининг муайян ахборот эҳтиёжларига жавоб берадиган ҳисобот тайёрлашини талаб этиш имкониятига эга бўлмаган фойдаланувчиларнинг эҳтиёжларини қондиришга мўлжалланган молиявий ҳисоботдир”[3].

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 11 сентябрдаги ПФ-158 сон Фармонининг 1-илоvasи билан тасдиқланган “Ўзбекистон-2030 Стратегияси”да шундай дейилган «Молиявий ҳисобот, ҳисобот берувчи

ташкilotнинг молиявий ҳисобот элементлари таърифларига жавоб берадиган иқтисодий ресурслар, ташкilotга нисбатан талаб қилиш ҳуқуқлари, шунингдек мазкур ресурслар ва талаб қилиш ҳуқуқларидаги ўзгаришлар тўғрисидаги маълумотни тақдим этади»[4].

Молиявий ҳисоботнинг мақсади молиявий ҳисоботдан фойдаланувчилар учун ҳисобот берувчи ташкilotнинг келгуси соф пул маблағлари кирими бўйича истиқболни баҳолашда ва ташкilot раҳбариятининг иқтисодий ресурсларни масъулиятли бошқариш бўйича фаолиятини баҳолашда фойдали бўладиган ҳисобот берувчи ташкilotнинг активлари, мажбуриятлари, хусусий капитали, даромадлари ва харажатлари тўғрисидаги молиявий маълумотни тақдим этишдан иборат.

Республикамиз амалиётида қўлланиб турилган бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартларига концептуал асосда қуйидагилар ифодаланган: “Молиявий ҳисоботлар молиявий ҳисоботнинг таркибий қисми ҳисобланади ва БҲМС билан белгиланади. Молиявий ҳисобот ана шу ҳисоботларга асосланган ёки улар билан боғлиқ бўлган изоҳлар, ҳисоб-китоблар ва тушунтиришларни ҳам ўз ичига олади. Бундай ахборот саноат ва жуғрофий ҳудудларнинг фаолият турлари тўғрисидаги молиявий ахборотни акс эттириши ва нархлар ўзгаришининг молиявий натижаларга таъсирини тушунтириб бериши керак” [5]. Ҳар иккала стандартда келтирилган атама ва таърифни таққосланганда, халқаро стандартда молиявий ҳисобот асосан, фойдаланувчилар учун мўлжалланганлигини кўриш мумкин, миллий стандартда эса, корхонанинг молиявий ҳолатини кўрсатиб бериши мақсад қилиб олинган.

Ўзбекистон Республикасининг “Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида”ги қонунда ҳисоботга қуйидаги таъриф берилади: “Молиявий ҳисобот бухгалтерия ҳисоби субъектининг ҳисобот санасидаги молиявий ҳолати, ҳисобот давридаги фаолиятининг молиявий натижаси ва пул маблағларининг ҳаракати тўғрисидаги тизимлаштирилган ахборотдан иборатдир”[6].

МҲХСлардаги муайян талабларга мувофиқ фойдаланувчилар маълум операциялар, бошқа ҳодисалар ва шартларнинг ташкilot молиявий ҳолатига ва молиявий натижаларига таъсирини тушуниб олиши учун етарли бўлмаганда қўшимча маълумотларни ёритиб бериш.

Иқтисодчи олимлар ва мутахассислар томонидан молиявий ҳисобот тушунчасига қуйидаги таърифлар ва фикр-мулоҳазалар билдириб ўтилган, жумладан, А. Каримовнинг фикрича: “Молиявий ҳисобот ташкilotнинг маълум вақт оралиғидаги молиявий ҳолати, фаолияти ва пул оқимлари ҳақида тўлиқ маълумот берувчи ҳужжат бўлиб, ташкilotнинг молиявий ҳолатини таҳлил қилиш ва қарор қабул қилиш учун муҳим восита ҳисобланади”[7].

А.Ибрагимовнинг фикрига кўра: “Ҳисобот ҳўжалик юритувчи субъектларнинг ўтган вақт ичидаги ишлари натижалари ва шароитлари тўғрисидаги маълумотлар мажмуи бўлиб, ундан фаолиятини таҳлил, назорат

қилиш ва бошқариш мақсадида фойдаланилади” [8].

С.Ташназаровнинг фикрича: “Молиявий ҳисобот деганда, умумэътироф этилган қоидалар асосида ташкилотнинг молиявий ҳолати, унинг молиявий-иқтисодий фаолияти натижалари ҳамда пул маблағлари ҳаракатига доир ҳаққоний ва сифатли ахборотларни ўзида мужассамлаштирган тизим тушунилади. У ички ва асосан ташқи ахборот фойдаланувчиларга қарорлар қабул қилиш ва назорат учун ахборотга бўлган умумий эҳтиёжини таъминлашга қаратилган” [9].

И.Очиловнинг қайд қилишича: “Молиявий ҳисобот – бу корхоналарнинг маълум бир даврдаги молиявий натижалари тўғрисидаги маълумотларни ўз ичига олган ҳужжат. Шунингдек, у ҳисобот санасида молиявий ҳолатдаги ўзгаришларни акс эттиради. Молиявий ҳисоботлар қандай тузилганлиги ва уларни қандай тақдим этиш кераклигини ифода этади” [10].

Б.Ҳошимов фикрига кўра: “Акциядорлик жамиятининг маълум даврдаги фаолият якунини билиш учун маълумотларни «умумлаштириш ва бир тизимга келтириш»га ҳисобот тузиш йўли билан эришилади, «ҳисобот акциядорлик жамиятларнинг ўтган вақт ичидаги ишлари натижалари ва шароитлари тўғрисидаги маълумотлар мажмуи бўлиб, ундан фаолиятни таҳлил, назорат қилиш ва бошқариш мақсадида фойдаланилади» [11].

И.Ибрагимованинг фикрига кўра: “Халқаро ҳисоб тизими-молиявий ҳисоботларни тузиш услубиёти ва унинг ахборот имкониятларини кучайтириш учун унинг назарий ғоялари ва концептуал асосларига таяниш асосида молиявий ҳисоботларни шакллантириш ҳисобланади. Молиявий ҳисобот бухгалтерия ҳисоботининг энг натижавий ҳисоботи бўлиб унинг ёрдамида бутун иқтисодий молиявий фаолияти натижалари умумлаштирилиб махсус шаклларда ташқи ва ички ахборот фойдаланувчиларга ахборот узатилади” [12].

Хорижлик иқтисодчи олимлар Б. Нидлз, Х. Андерсон, Д. Колдуэлл қуйидагича таърифни келтирган: “Молиявий ҳисобот бу иқтисодий субъектлари моделдир. Ҳисобот ишларнинг ҳақиқий ҳолатини тўлиқ картинасини акс эттира олмасада, у бухгалтерларнинг бу борадаги мавжуд уринишларидан энг мақбули ҳисобланади” [13].

Л.Донцованинг фикрига кўра: “Корхонанинг бухгалтерия (молиявий) ҳисоботи унинг молиявий-хўжалик фаолияти тўғрисида асосий маълумот манбаи бўлиб хизмат қилади. Ҳисоботни ҳар томонлама ва пухта ўрганиш эришилган ютуқларнинг сабабларини, шунингдек корхона ишидаги камчиликларни очиб беради, унинг фаолиятини такомиллаштириш йўллари аниқлашга ёрдам беради. Ҳисоботнинг бундай таҳлили мулкдорлар ёки акциядорлар учун, шунингдек корхона маъмуриятининг ўзи учун тегишли бошқарув қарорларини қабул қилиш учун зарурдир” [14].

Юқоридаги фикрларни умумлаштирилган ҳолда молиявий ҳисоботга биз томондан қуйидаги таъриф шакллантирилди: “Молиявий ҳисобот – бу тадбиркорлик субъектининг (ташкилотнинг) ҳисобот санасидаги мулкӣ ва молиявий ҳолатини, шунингдек, ҳисобот давридаги фаолиятининг молиявий

натижалари, хусусий капитали ҳамда пул оқимларини акс эттирувчи кўрсаткичлар тизимидир”.

Таҳлил ва натижалар

Молиявий ҳисоботларни тузиш ва тақдим этишда ўзига хос хусусиятни намоён этувчи АҚШнинг Бухгалтерия ҳисобининг умумқабул қилинган қоидалари – БХУҚ (Generally Accepted Accounting Principles, GAAP) деб номланиб, жаҳон фонд бозорларида листингдан ўтиш учун тақдим қилинадиган молиявий ҳисобот айнан шу стандарт талаблари асосида тайёрланади ва тақдим этилади. Бунда шунинг эътиборга олиш лозимки, АҚШ фонд бозори листингига кириш учун GAAP (БХУҚ) талаблари, қолган фонд биржалари учун эса МХХС талаблари асосида молиявий ҳисобот тақдим этилади. АҚШнинг Бухгалтерия ҳисобининг умумқабул қилинган қоидаларида “стандарт” сўзи мавжуд эмас. Лекин юқоридаги стандартларга берилган таърифларга мувофиқ, GAAP ни бухгалтерия ҳисобининг халқаро стандарти сифатида қарашимиз мумкин. Кўпгина хорижий олимлар томонидан ҳам GAAP халқаро стандарт сифатида тан олинади.

Бухгалтерия ҳисобининг халқаро стандарти ҳисобланган GAAP яратилишида Британ-америка бухгалтерия ҳисоби қоидалари катта манба бўлиб хизмат қилган. Шу билан бирга, унинг назарий асосларини ишлаб чиқишда мамлакатнинг, нафақат бухгалтерия ҳисоби билан бевосита шуғулланувчи олимлари, балки барча иқтисодий йўналишда фаолият юритувчи машҳур олимлар ўз ҳиссаларини қўшишган. Лекин GAAP нинг ривожланишида қанчалик кўп омилар ўз изини қолдирмасин, у позитивизм таъсири доирасида шаклланди.

АҚШда ҳар йили федерал агентликлар Аудитдан ўтган молиявий ҳисоботларни тайёрлаш ва тақдим этишда Бошқарув ва Бюджет Департаментининг А-136-сонли “Молиявий ҳисоботга қўйиладиган талаблар” тўпламида чоп этилган йўриқномага амал қилади. Агентликлар консолидацияланган самарадорлик ва жавобгарлик ҳисоботини (PAR) чиқаришни ёки Агентликнинг алоҳида молиявий ҳисоботини (IFR) ва йиллик фаолият ҳисоботини (IFR) чиқаришнинг муқобил ёндашувини танлаши мумкин. АҚШда 2007 йилидан бошлаб, Давлат департаментининг муқобил ёндашувида иштирок этишга қарор қилинади ҳамда ҳар ойда алоҳида IFR молиявий маълумотларнинг қисқача мазмунини эълон қилади.

АҚШ Давлат департаментининг IFR маълумотлари Конгресс, Президент ва жамоатчиликка ишониб топширилган ресурсларни бошқаришни баҳолашда ёрдам бериш учун молиявий ва операцион маълумотларнинг умумий кўринишини тақдим этади. Бунда IFR 1 октябрдан бошланиб 30 сентябргача бўлган молиявий йил учун молиявий ва операцион маълумотларни, керак бўлганда олдинги йил учун қиёсий маълумотларни тақдим этади. Бу агентликнинг ўз миссиясига содиқлигини ва Конгресс ва Америка халқи олдидаги ҳисобдорлигини намоён этиш этади ва Департаментнинг операциялари, ютуқлари ва муаммоларини очиқчасига

тақдим этади. У тўртта бўлимни ўз ичига олади:

рахбариятнинг муҳокамаси ва таҳлили;

молиявий бўлим;

бошқа маълумотлар;

иловалар.

Аксарият АҚШ компанияларининг молиявий ҳисоботларида умумий қабул қилинган бухгалтерия тамойилларига (GAAP) стандартларидан фарқ қилувчи компаниянинг хусусий усулларига мувофиқ ҳисобланган самарадорлик маълумотлари мавжуд. GAAP қондаси амал қилмаган ҳисоботлар баъзан операцион натижаларни объектив ва аниқ акс эттиради. Масалан, GAAP бўлмаган даромадларни ҳисоблашда раҳбарият қўшилиш ва қўшиб олиш, қайта тузиш, бонуслар ва акция опционлари мукофотлари ва бошқа бир марталик баланс тузатишлари билан боғлиқ бўлган тартибсиз ёки нақд бўлмаган харажатларни истисно қилиши мумкин. Бу вақтинчалик шароитлар туфайли юзага келиши мумкин бўлган юқори даромад ўзгарувчанлигини юмшатишга ёрдам беради ва бизнес ҳақида аниқроқ тасаввур беради.

АҚШда кўпгина пресс-релизларда компаниялар ўзларининг GAAP бўлмаган кўрсаткичларига эътибор беришни афзал кўришади. Машҳур инвестиция билан боғлиқ ахборот ресурслари натижаларни кўрсатиш учун GAAP бўлмаган кўрсаткичлардан ҳам тез-тез фойдаланади. Бунинг ҳеч қандай ёмон жойи йўқ, лекин агар инвестор у ёки бу кўрсаткич қандай асосда ҳисобланганлигини батафсил ўрганмаса, у ишларнинг ҳақиқий ҳолати ҳақида нотўғри хулоса чиқариши мумкин.

Америка биржаларида рўйхатга олинган компаниялар, масалан, Яндех, АҚШ GAAP стандарти (Умумий қабул қилинган бухгалтерия тамойиллари) бўйича ҳисобот беради. Бундан ташқари, баъзи компаниялар Қўшма Штатларда бизнес билан шуғулланса, ундан ихтиёрий равишда фойдаланишлари мумкин - бу контрагентлар ва инвесторлар учун тушунарли бўлади.

АҚШда GAAPда молиявий ҳисоботларни тузиш IFRS тартибига ўхшаб кетади, асосий фарқи шундаки, молиявий ҳисоботлар: баланс, фойда ва зарар тўғрисидаги маълумотлар консолидация қилинади. Яъни, улар шўъба корхоналар кўрсаткичларини ўз ичига олади. Бундай компаниялар қоида тариқасида, бош компаниянинг овоз берувчи улуши 50% дан ортиқ бўлган корхоналар киради. Баъзи ҳолларда, агар менежмент уларнинг бошқарувига тўлиқ таъсир қилса, кичикроқ улушга эга компаниялар компания ҳисоботида киритилиши мумкин. Мисол учун, “Coca-Cola” ўз ҳисоботида бутун дунё бўйлаб ўз компаниялари натижаларини киритади, ёки “Berkshire Hathaway — Kraft Heinz” каби йирик компаниялар эса ўзи улушга эга бўлган бошқа компанияларни ўз ичига олади.

АҚШ GAAP бухгалтерларга кичик тафсилотларда бироз эркинлик беради. Лекин ҳисобот бериш тамойилларидан бири бу изчилликдир. Бу инвесторлар бир компаниянинг турли даврлардаги ҳисоботларини

солиштиришлари учун зарурдир. Ёндашувлардаги ҳар қандай ўзгаришлар эслатмаларда акс эттирилиши керак. Барча тамойилларга риоя этилиши ҳисоботларнинг тўғрилигини баҳоловчи аудиторлар - мустақил компаниялар томонидан назорат қилинади.

Бундан ташқари, GAAP ҳисоботида қўшимча равишда, Қўшма Штатлардаги компаниялар GAAP бўлмаган ҳисоботларни чиқариши мумкин. Улар такрорланмайдиган омилларни истисно қилинади ҳамда баъзи ҳолларда даромад, фойда ва ҳоказолар учун аниқроқ рақамларни тақдим этиб боради. Аммо GAAP бўлмаган ҳолатларга эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлишни талаб этади, агар GAAP ҳисоботидаги рақамларда фарқлар бўлганда. Шунингдек, АҚШда GAAP бўлмаган кўрсаткичлар турли компаниялар ўртасида таққослаш учун тавсия этилмайди.

Олиб борилган тадқиқотлар натижасида АҚШда молиявий ҳисоботларнинг таркиби ва мазмунини кўриб чиқамиз. Анъанага кўра, АҚШ компанияларини молиялаштиришнинг асосий манбаи ўз капитали ва турли инвесторларнинг маблағларидир, шунинг учун молиявий ҳисоботлардан фойдаланувчилар асосан инвесторлар, кредиторлар, қимматли қоғозлар биржалари ва жамоатчилик ҳисобланади.

Қўшма Штатлардаги молиявий ҳисобот фойдаланувчиларнинг эҳтиёжлари ва турига қараб, кенг ёки тор маъно ва форматга эга. Шундай қилиб, кенг форматга мисол сифатида бошқарувнинг молиявий ҳисоботлари тўплами бўлиб, улар очик нашр этилган маълумотлар бўлиб, аудитор томонидан тасдиқланган бухгалтерия ҳисоботлари шаклларида қўшимча равишда кўплаб бошқа маълумотларни ўз ичига олган ранг-баранг дизайнлаштирилган буклетидан иборат бўлиб унга қуйидагилар киритилади:

- компания президентининг акциядорларга мурожаати;
- директорлар кенгашининг ҳисоботи;
- компаниянинг ўтган йиллардаги ривожланишининг таҳлили;
- келгуси йиллар учун прогнози;
- географияси ва ҳажмининг тавсифи;
- инвестициялар;
- халқаро алоқалар;

турли графиклар, диаграммалар, фотосуратлар ва бошқалар билан компаниянинг ижтимоий сиёсати ҳақидаги маълумотлар. Шуниси эътиборга молики, АҚШ ҳисоботлардаги бундай маълумотлар қонун билан тартибга солинмайди ва фақат компаниянинг ихтиёрига кўра тақдим этилади.

АҚШда тор маънода молиявий ҳисобот манфаатдор фойдаланувчилар томонидан қарор қабул қилиш учун асосий маълумотдир. Ташқи молиявий ҳисоботда мавжуд бўлган маълумотлар тасдиқланган шаклларга эга эмас, лекин асосий иқтисодий параметрларга мувофиқ улар молиявий ҳисоботнинг элементлари деб аталадиган умумий тоифаларга бирлаштирилади: активлар, мажбуриятлар, ўз капитали, мулкдор инвестициялар, фойданинг тақсимланиши, эгалари, умумий даромад (шу жумладан даромад), фойда, зарар. Қўшма Штатлардаги молиявий ҳисоботлар ҳисобдаги қолдиқларни ва

улардаги ўзгаришларни, шунингдек, соф даромад каби бир нечта ҳисоблар бўйича жамланмаларни кўрсатади ва қуйидаги ҳисобот турларини ўз ичига олади:

молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисобот (ёки баланс);

фойда ва зарар тўғрисидаги ҳисобот (ёки фойда ва зарар тўғрисидаги ҳисобот);

тўпланган тақсимланмаган фойда тўғрисидаги ҳисобот;

пул оқими тўғрисидаги ҳисобот;

ўз капиталидаги ўзгаришлар тўғрисидаги ҳисобот.

АҚШда молиявий ҳисоботлар менежерлар томонидан баҳоланади ва тасдиқланади ва ҳисоботларни тушуниш учун зарур бўлган тушунтиришларни ўз ичига олади, улар изоҳларда батафсил тавсифланади (Ўзбекистонда эса бундай изоҳлар молиявий ҳисоботга тушунтиришлар деб аталади).

Молиявий ҳисоботларда маълумотларни тақдим этиш қоидалари битта меъёрий ҳужжатда жамланмаган, лекин кўп сонли ҳужжатлардан олиниши ёки умумэтироф этилган амалиёт бўлиши мумкин. Эълон қилинадиган йиллик ҳисоботлар, албатта, мустақил текширувдан ўтиши талаб этилади, яъни аудиторлик текширувидан. Бунда аудиторлик хулосасида:

биринчидан, ўтказилган аудит қабул қилинган концептуал ҳисоб тамойилларига мувофиқ бўлганлиги;

иккинчидан, молиявий ҳисобот қабул қилинган бухгалтерия ҳисоби тамойилларига мувофиқ тузилганлиги қайд этилади.

АҚШда молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисобот ёки бухгалтерия баланси компаниянинг маълум бир вақтдаги молиявий ҳолатини акс эттирувчи компаниянинг ресурслари (активлари), мажбуриятлари ва унинг эгаларининг ўз маблағлари тўғрисидаги маълумотларни ўз ичига олади.

GAAP талабларига мувофиқ, бухгалтерия балансининг асосий таркибий қисмлари гуруҳланган ва қуйидаги тартибда тақдим этилган:

балансининг моддалари ликвидликнинг камайиш тартибида жойлаштирилган (яъни нақд пулга айланиш имконияти);

активлар ликвидлигининг камайиши тартибида жойлаштирилиши керак - биринчи навбатда энг кўп, кейин эса энг кам ликвидли активлар тақдим этилади;

мажбурият объектлари тўлов муддатининг яқинлигини акс эттирувчи тартибда жойлаштирилиши керак. Биринчи навбатда энг кўп ва кейин энг кам шошилиш мажбуриятлар тақдим этилади;

ўз капиталининг моддалари мажбуриятлардан кейин тақдим этилади ва уларнинг доимийлик тартибида акс эттирилади, яъни уларнинг навлари биринчи бўлиб, ўзгаришларга энг кам мойил бўлган ҳолда кўрсатилади;

балансининг манзил қисмида ҳисоботнинг номи (вариантлар - бухгалтерия баланси, баланс, молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисобот, молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисобот), тузилган сана (йилнинг исталган куни), корхона номи кўрсатилади. ва унинг ҳуқуқий ҳолати;

мақолаларни офсет қилиш мумкин эмас.

Айланма ва узоқ муддатли активлар ва пасивларнинг таърифлари мавжуд бўлиб, уларга кўра балансда моддалар таснифланади. Бунда бухгалтерия балансини шакллантиришда энг муҳим манбаа бизнинг амалиётимиз каби Бош китоб ҳисобланади.

Бош китоб компаниянинг молиявий ҳолатини тавсифловчи ва ҳисоботнинг иккита асосий шакли: баланс ва даромадлар тўғрисидаги ҳисобот ўртасидаги муносабатни акс эттирувчи асосий бухгалтерия тенгламаси ёки асосий бухгалтерия тенгламасига асосланади. Бухгалтерия ҳисобининг тенглиги молиявий ҳисоботнинг бешта компоненти (активлар, мажбуриятлар, капитал, даромадлар, харажатлар) билан шаклланади. Баланс тенглигининг асосий тури қуйидагилардан иборат:

активлар = мажбуриятлар + ўз капитали.

Ушбу шаклда баланс тенглиги балансининг учта таркибий қисмини бирлаштиради ва капиталнинг таърифи ундан келиб чиқади.

АҚШда “Даромадлар” ва “харажатлар” тушунчаларининг мазмунига асосланиб, бухгалтерия ҳисобининг асосий тенгламасини қуйидагича кўрсатиш мумкин:

активлар = мажбуриятлар + капитал + даромадлар - харажатлар.

Ушбу шаклда бухгалтерия ҳисобининг тенглиги ҳисоботнинг асосий шакллариининг иқтисодий муносабатлари ҳақида аниқ тасаввур беради: даромадлар ва харажатлар ўртасидаги фарқ даромадлар тўғрисидаги ҳисоботда ҳисобланган соф фойда (соф зарар) дан бошқа нарса эмас, у кўпаяди (камаяди)) корхонанинг ўз капиталидир.

Даромад ва харажатлардан ташқари, ўз капитали миқдорига таъсир қилувчи ва ташкилотнинг “ташқи дунё” билан муносабатларини акс эттирувчи яна иккита компонент мавжуд:

инвестициялар;

эгаларини олиб қўйиш.

Булар асосий баланс тенгламасига ҳам киритилиши мумкин:

активлар = мажбуриятлар + ўз капитали + даромад - харажатлар + инвестициялар - олиб қўйиш.

Бироқ бу шаклда баланс тенглиги жуда камдан-кам қўлланилади, гарчи у нафақат компаниянинг ўз фаолияти натижасида капитални кўпайтириш жараёнини, балки уни ташқаридан ўзгартириш имкониятини ҳам аниқ кўрсатиб беради.

Бухгалтерия баланси сарлавҳаларининг тузилиши маълум бир корхонанинг ўзига хос хусусиятларига мос келиши керак ва иқтисодий ахборотни тўлиқ очиш тамойилига мувофиқ белгиланади. Компаниялар балансидаги фарқлар, уларнинг фаолиятининг тармоқ хусусиятларига кўра, характерли тузилмани ифодалайди:

Активлар:

жорий активлар;

пул маблағлари;

қисқа муддатли инвеститсиялар;
дебиторлик ёки дебиторлик қарзлари;
инвентаризация;
олдиндан тўланган операцион харажатлар;
бошқа жорий активлар.

Узоқ муддатли айланма активлар:
асосий воситалар ёки мулк, бинолар ва жиҳозлар;
номоддий активлар;
бир неча даврларнинг олдиндан тўланган харажатлари;
инвестициялар ва фондлар;
бошқа узоқ муддатли (доимий) активлар.

Мажбуриятлар:

жорий мажбуриятлар, шу жумладан қисқа муддатли кечиктирилган кредитлар ва қисқа муддатли, яъни жорий даврда тўланиши керак бўлган узоқ муддатли мажбуриятларнинг бир қисми;

узоқ муддатли мажбуриятлар (шу жумладан узоқ муддатли кечиктирилган кредитлар);

узоқ муддатли кредитлар ва кредитлар;
лизинг мажбуриятлари;
облигациялар;
бошқа узоқ муддатли мажбуриятлар.

Компаниянинг ўз капитали:

номинал, номинал бўлмаган ва эълон қилинган қийматдаги улуш (устав) капитали;

қўшилган ёки тўланган капитал;

устав капиталининг номинал ёки кўрсатилган қийматидан ортиқ қўшилган ёки тўланган капитал;

қўшилган ёки тўланган бошқа капитал;
тақсимланмаган фойда.

Баланс кўрсаткичларининг бундай тузилиши молиявий бўлмаган компаниялар учун хосдир. Масалан, банкларда активларни айланма ва доимий (асосий воситалар)га бўлиш қўлланилмайди, чунки қарз мажбуриятлари ва кредит портфелларидан ташкил топган банк активларининг асосий турлари ўз моҳиятига кўра анча юқори ликвид активлардир.

Бухгалтерия баланси асосида бир қатор энг муҳим молиявий кўрсаткичлар аниқланади: ўз капиталининг рентабеллиги - фойданинг ўз капиталига нисбати, активлар рентабеллиги - фойданинг активлар қийматига нисбати, қарз ва ўз маблағлари нисбати, умумий қарзнинг активларга нисбати, шунингдек, фоизларни қоплаш коэффициенти - компаниянинг фоизлар ва солиқлардан олдинги даромадлари билан фоизларни тўлаш учун харажатларни қоплаш даражаси тушунилади.

Даромад ҳисоботи турли қоидалар билан тартибга солинади. У ҳисобот даври учун даромадлар ва харажатларнинг асосий тоифалари тўғрисидаги

маълумотларни умумлаштиради ва компаниянинг хўжалик фаолияти натижасида соф активлар балансидаги (компания эгаларининг ўз капитали) ўзгаришини акс эттиради. Давр охирида тақсимланмаган фойда қолдиғи компания эгалари капиталининг бир қисмидир.

Қуйида АҚШда балки жаҳонда энг йирик ишлаб чиқарувчи компаниянинг молиявий ҳисоботи бўйича бухгалтерия балансига тўхталиб ўтилади.

1-жадвал.

**“Apple” (AAPL Balance Sheet, US) компаниясининг
бухгалтерия баланси***

(млн. долл.)

Баланс кўрсаткичлари	2023 йил	2024 йил	Фарқи, фоизда
Жами жорий активлар	1433692	128416	89,5
Пул маблағи ва қисқа муддатли инвестициялар, жумладан:	67150	73100	108,9
Нақд пул	-	-	-
Пул ва пул эквивалентлари	32695	40760	125,0
Қисқа муддатли инвестициялар	34455	32240	94,1
Жами дебиторлар, соф	411150	50102	121,9
Дебиторлик-савдо, соф	21837	23194	109,5
Жами захиралар	6232	6511	104,8
Келуси давр харажатлари	-	-	-
Бошқа жорий активлар жами	13884	13979	100,7
Жами активлар	337411	353514	106,0
Асосий восита, бино ва ускуналар, жами	43546	43666	100,2
Асосий восита, бино ва ускуналар, брутто	-	116176	-
Жамғарилган амортизация, жами	-	(72510)	-
Гудвилл	-	-	-
Номоддий активлар	-	-	-
Узоқ муддатли инвестициялар	95187	99475	104,2
Олинадиган векселлар-узоқ муддатли	19313	26908	136,8
Бошқа узоқ муддатли активлар	70262	66681	94,2
Бошқа активлар, жами	13421	2728	20,1
Жорий мажбуриятлар, жами	263217	279414	106,0
Узоқ муддатли қарзлар, жами	91831	95088	104,3
Узоқ муддатли қарзлар	91831	95088	104,3
Ижара бўйича мажбуриятлар	-	-	-
Солиқ четланишлари (фарқлар)	-	-	-
Озчилик манфаатлари	-	-	-
Бошқа мажбуриятлар, жами	45567	48355	106,6
Хусусий капитал, жами	74194	74100	99,8
Қайтариб олинадиган / олинмайдиган имтиёзли акциялар	-	-	-
Оддий акциялар, жами	78815	75236	96,1
Қўшилган капитал	-	-	-
Тақсимланмаган фойда (йиғилган зарар)	4339	8242	190,6

Ғазначилик акциялари-оддий	-	-	
ESOP қарз кафолат			
Ишлаб топилмаган даромад (зарар)	-	-	-
Бошқа капитал	(8960)	(9378)	104,4
Жами мажбуриятлар ва акциядорнинг капитали	337411	353514	106,6
Муомаладаги жами оддий акциялар	15377.69	15460.22	100,6
Муомаладаги жами имтиёзли акциялар	-	-	-

* Маълумотлар асосида муаллиф ишланмаси.

Таҳлилий маълумотларидан кўриниб турибдики, “Apple” (AAPL,US) компаниянинг бухгалтерия балансида акс эттирилган ёки ошкор этилиши лозим бўлган мажбурий компонентлари халқаро стандарт талаблари бўйича Активлар = Мажбурият + Капитал баланс тенглиги қоидасига асосан шакллантирилган. Мазкур баланснинг актив томонини моддалари маблағларнинг ликвидлиги бўйича шакллантирилган, яъни жорий активлар, хусусан нақд пул ва пул маблағлари (эквивалентлари)дан бошланади.

Жорий активларнинг якунида эса, узоқ муддатли активлар, яъни қийин сотилувчи активлардан иборат. Ўз навбатида баланснинг пассив томони жорий активларга мос равишда мажбуриятларни ўз ичига олади. Мажбуриятлар ҳам узоқ ва жорий мажбуриятлар кўринишида акс эттирилган. Компаниянинг хусусий капитали, акциядорларнинг капитали, ёки соф активлар баланснинг пассив томони иккинчи бўлимида ифодаб берилган. Бу капитал компания маблағларининг манбаи сифатида ҳисобот йили якунида ўзгаришлари ҳисоб-китоб қилинади.

Республикада молиявий ҳисоботни МҲХС асосида тайёрлаш мумкин бўлган корхоналар учун МҲХСга мувофиқ молиявий ҳисобот шакллари илк бора тасдиқланди (“Молиявий ҳисоботларни тақдим этиш муддатлари, уларнинг таркиби ва мазмуни тўғрисида”ги низом, 2024 йил 4 ноябр, рўйхат рақами 3567-сон). Лекин ушбу низомда МҲХС бўйича тузиладиган молиявий ҳисоботлар, хусусан “Молиявий ҳолат тўғрисида”ги ҳисоботнинг моддаларида ўзгариш киритилган бўлсада, унинг тузилиши айнан миллий стандартларда (БҲМС) кўрсатилган тартиб бўйича сақланиб қолган (ҳисобот узоқ муддатли активлардан бошланади). Умумий хулоса қилиш мумкинки, республикада тузилаётган бухгалтерия баланси (БҲМС асосида) ёки халқаро стандартлар талаблари асосида (МҲХС) тузилаётган молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисобот шаклини айнан АҚШ GAAPдаги баланс тузилмасини амалиётга жорий этиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз. Чунки, баланс активларининг ликвидлиги бўйича шакллантирилиши ҳамда мажбуриятларнинг сўндириб бориш муддатлари бўйича акс эттирилиши, баланс тузишга қўйилган талабларни методологик жиҳатдан тўғри қўлланилишига асос бўлади.

Фойда ва зарар тўғрисидаги ҳисобот шартли равишда тўрт қисмга бўлинади:

1. Давом этиш (оддий) фаолиятдан олинган фойда - компаниянинг оддий жорий фаолияти натижалари тўғрисидаги маълумотларни ўз ичига олади;

2. Тўхтатилган фаолият натижаси – тўхтатилган фаолиятнинг фойда ва зарарлари тўғрисидаги маълумотларни ўз ичига олади (сегментни тугатиш - бизнеснинг бир қисми, масалан, шўъба корхона);

3. Фавқулодда ҳодисаларнинг натижалари – моҳиятан ғайриоддий ва фавқулодда ҳодисалар, масалан, ёнғинлар, тошқинлар натижалари тўғрисидаги маълумотларни ўз ичига олади;

4. Ҳисоб сиёсатидаги ўзгаришлар натижалари – бухгалтерия сиёсатидаги ўзгаришлар натижасида келиб чиқадиган фойда, зарар ва тўпланган таъсирлар ҳақидаги маълумотларни ўз ичига олади.

Даромадлар тўғрисидаги ҳисоботда қуйидаги моддалар кўрсатилган:

сотишдан тушган тушум – маҳсулот (товарлар, ишлар, хизматлар) сотишдан олинган соф тушум;

ялпи фойда – соф сотишдан тушган тушум ва сотилган маҳсулот таннархи ўртасидаги фарқ;

сотилган маҳсулот таннархи – сотилган маҳсулот билан бевосита боғлиқ бўлган харажатлар;

операциядан олинган фойда – ялпи фойда минус операцион харажатлар;

операцион харажатлар – умумий маъмурий ва сотиш харажатлари;

солиқларни тўлашдан олдинги фойда – бу бошқа барча даромадлар йиғиндисига кўпайган ва бошқа барча харажатлар йиғиндисига камайтирилган операциялардан олинган фойда;

соф фойда – бу солиқларни тўлашдан олдинги фойда ва солиқ харажатлари ўртасидаги фарқ.

Пул оқимларини (кириш ва чиқиш) уч гуруҳга бўлинади:

операцион фаолиятдан, яъни асосий, даромад келтирувчи;

инвестиция фаолиятдан, яъни узоқ муддатли (айланма) активларни ва бошқа инвеститсияларни сотиб олиш ва тугатиш бўйича операциялардан;

молиявий фаолиятдан, яъни ўз капитали ва қарз маблағларининг ҳажмини ёки тузилишини ўзгартирадиган фаолият.

Тақсимланмаган фойда тўғрисидаги ҳисобот фойдаланувчиларга тўпланган тақсимланмаган соф фойда миқдорини шакллантириш тўғрисида батафсил маълумот беради.

Ўз капиталидаги ўзгаришлар тўғрисидаги ҳисоботда ўз капиталининг тузилиши ва миқдори ҳақидаги маълумотлар мавжуд. Капитал қўйилган (инвестиция қилинган), қўшимча ва ишлаб чиқарилган (бу тўғридан-тўғри капиталга тегишли бўлган даромад ва харажатлар, тўпланган тақсимланмаган соф фойда, соф фойдадан яратилган захиралар) бўлинади.

АҚШда консолидацияланган ҳисоботларни тузиш мажбурий талаб сифатида ёндошилади, сабаби жаҳонда ягона Қўшма Штатлар ГААР тамойиллари асосида консолидациялашган молиявий ҳисоботларни тайёрлаш ташаббусқори ҳисобланади. Шунингдек, бухгалтерия ҳисоби стандартларига риоя этилишини назорат қилиш бухгалтерия профессионал ҳамжамияти ва бу масалада Қимматли қоғозлар ва биржалар комиссияси, давлат бухгалтерия

кенгашлари ва судлар томонидан тақдим этилган давлат томонидан амалга оширилади.

Фикримизча, соф даромад математик жиҳатидан қуйидагича ҳисобланиши лозим:

$$\text{Соф даромад} = (\text{даромад} + \text{фойда}) - (\text{харажатлар} + \text{зарар})$$

Демак, ҳақиқий рақамлар ёрдамида юқоридаги формулани тушуниш учун, қуйида АҚШнинг Tesla Inc (TSLA) компанияси фойда ва зарарлари тўғрисидаги ҳисоботда ошкор этилиши талаб этилган моддалари ҳақида тўхталиб ўтлади.

2-жадвал.

**Tesla Inc (TSLA) компаниясининг фойда ва зарарлари
тўғрисидаги ҳисоботи***

(млн долл)

Кўрсаткичлар	2023 йил 30 декабр учун	2024 йил 30 март учун	Фарқи, фоизда
Жами тушум	25167	21301	84,0
Тушум	25167	21301	84,0
Бошқа тушумлар	-	-	-
Сотиш таннари	17605	20729	117,6
Ялпи даромад	3696	4438	122,2
Операцион харажатлар, жами	20130	23103	115,0
Сотиш, маъмурий ва бошқа харажатлар	1374	1280	92,3
Илмий тадқиқот ва ишланмалар	1151	1094	91,0
Амортизация	1246	1232	100,0
Фоиз кўринишидаги харажатлар (даромадлар) - соф (операцион)	-76	-61	80,2
Ноодатий харажатлар (даромад)	-	-	-
Бошқа операцион харажатлар	-1170	-1171	100,0
Операцион даромад	1171	2064	181,1
Фоизли даромад (харажат)-операцион бўлмаган	-	-	-
Активларни сотишдан фойда (зарар)	-	-	-
Бошқалар	-382	-127	38,2
Солиқ тўлагунга қадар даромад	1553	2191	140,0
Даромад солиғи бўйича захира	409	-5752	14 марта
Солиқ тўлагандан кейинги соф фойда	1144	7943	7,1 марта
Озчиликни манфаати	802	975	121,1
Бўлим ва филиаллардаги капитал	-	-	-
U.S GAAP бўйича тузатишлар	-	-	-
Фавқулудда вазиятлардан аввалги даромад (зарар)	1129	7928	7,1 марта
Соф фойда	1129	7928	7,1 марта
Соф фойдага тузатишлар	42	2	0,04
Умумий фойдаланиш мумкин бўлган даромадлар, фавқулудда ҳолатлар мустанво	1171	7930	7,1 марта

Юмшатишган (Diluted суюлтирилган) тузатишлар	-55.56	8.93	-
Юмшатишган соф даромад	1184.56	7919.07	7,1 марта
Фавкулотда вазиятлардан ташқари юмшатишган EPS	0.34	2.27	7,3 марта
DPS - дастлабки чиқарилган оддий акциялар	-	-	-
Акцияни меъёрлаштирилган юмшатишган даромад	0.274	0.388	150,0

*Маълумотлар асосида муаллиф ишланмаси.

Таҳлилий маълумотлардан кўриниб турибдики, АҚШ компанияларида даромадлар ва харажатларни ҳисобга олиш ва уни фойда ва зарарлар тўғрисидаги ҳисоботда акс эттиришда фойдаланувчилар учун зарур бўлган ахборотларни тўлиқ ўзида акс эттиради.

АҚШда ҳам ялпи фойдани аниқлаш биздаги каби тушум ва сотиш таннархи кўрсаткичлари асосида аниқланади. Лекин, операцион даромад ва операцион харажатлар бизнинг амалиётимиздаги асосий фаолиятдан олинган даромад ва умумхўжалик фаолиятининг молиявий натижасидан иборат. Республикамизда молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботда соф фойдани аниқлаш беш босқични ўз ичига олади, АҚШ давлатида эса соф фойда охириги босқич эмас, балки, ундан кейин соф фойдага тузатиш, юмшатишган даромадлар каби кўрсаткичлар ҳисоб-китоб қилинади. Умуман олганда БҲМС асосида шакллантирилган молиявий натижаларни тузишда кўп босқичли ўрнига АҚШ ёки МҲХС талаблари бўйича бир босқичли шаклларда ҳисоботларни тузиш методологиясини такомиллаштириш лозим.

Хулоса

Юқоридаги фикр-мулоҳазалардан умумий хулоса қилиш мумкинки:

биринчи, фойда ва зарарлар тўғрисидаги ҳисобот – бу корхоналарнинг маълум бир давр учун даромадлари ва харажатларини кўрсатадиган молиявий ҳисоботидир;

иккинчи, ҳисобот ўзига хос хусусиятга эга бўлиб, қайд этилган ходисалар даромаддан (тушум) бошланади ва соф фойда билан тугайди;

учинчи, фойда ва зарарлар тўғрисидаги ҳисобот бухгалтерия баланси ҳамда пул маблағлар ҳаракати тўғрисидаги ҳисобот билан бирга корхонанинг маълум бир ҳисобот даври учун молиявий кўрсаткичларини ифодалайдиган асосий учта бўлган молиявий ҳисоботдан биридир;

тўртинчидан, фойда ва зарарлар тўғрисидаги ҳисобот корхоналарнинг фаолияти, бошқарув самарадорлик кўрсаткичлари ҳақида қимматли маълумотларни тақдим этади;

бешинчидан, фойда ва зарарлар тўғрисидаги ҳисоботни бир босқичли ёки кўп босқичли шаклда тақдим этиш мумкин бўлади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикасининг “Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида”ги

конуни. ЎРҚ-404. 2016. 13.04. <https://lex.uz/docs/2931253>

2. Ўзбекистон Республикасининг “Аудиторлик фаолияти тўғрисида”ги конуни. ЎРҚ-677. 2021.27.05. <https://lex.uz/docs/5307886>

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-4611-сонли Қарори. 2020 йил 24 феврал. <https://lex.uz/docs/4746047>

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 11 сентябрдаги ПФ-158 сон Фармонининг 1-илоvasи билан тасдиқланган “Ўзбекистон-2030 Стратегияси”. <https://lex.uz/ru/docs/6600413>

5. И.Ибрагимова. Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларини акциядорлик жамиятлари амалиётига жорий этишни такомиллаштириш. 08.00.08- Бухгалтерия ҳисоби, иқтисодий таҳлил ва аудит ихтисослиги бўйича ф.ф.н (PhD) илмий даражасини ... дисс. Автореферати. 2022 й.

6. Адаменко А.А. Переход на МСФО: проблемы и перспективы на сегодняшнем этапе экономического развития России / А.А. Адаменко, А.С. Ткаченко, Н.Ш. Чич // Вестник Академ. знаний. – 2017. – № 2 (9). – С. 31- 37.

7. Karimov A., Kurbanbayev J., Jumanazarov S., Xalilov Sh. Moliyaviy hisob va hisobot. O'quv qo'llanma. – Т.: Iqtisod-moliya, 2018. – 400 б.

8. Молиявий ва бошқарув ҳисоби: дарслик. Ҳаммуаллиф – Т: «IQTISOD-MOLIYA», 2020 – 467 б.

9. С. Ташназаров. Молиявий бухгалтерия ҳисоби 1 [Матн]: дарслик / Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти – Самарқанд-2023 – 580 бет.

10. И.Очилов, Н.Ризаев, М.Калонов. Бухгалтерия ҳисоби / Дарслик (номутахассислик бакалавриат таълим йўналишлари учун).. – Т.: Nihol print ОК, 2022, – 318 б.

11. Ҳошимов Б. Бухгалтерия ҳисоби назарияси. – Т.: Янги аср авлоди, - 2004. – Б. 242.

12. Ибрагимова И. Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларини акциядорлик жамиятлари амалиётига жорий этишни такомиллаштириш. 08.00.08- Бухгалтерия ҳисоби, иқтисодий таҳлил ва аудит ихтисослиги бўйича ф.ф.н (PhD) илмий даражасини ... дисс. Автореферати. 2022 й.

13. Нилдз Б. и другие. Принципы бухгалтерского учета. /Перевод с англ. Под ред. Я.В. Соколова. – М.: Финансы и статистика, 1993. – С.16.

14. Донцова Л.В. Анализ бухгалтерской отчетности. – М.: Дело и сервис, 2018. – 159 с.

АУДИТОРЛИК ДАЛИЛЛАРНИ ТЎПЛАШ: НАЗАРИЯ ВА АМАЛИЁТ



Мелиев Исроил Исмоилович

*аудит кафедраси профессори
Тошкент давлат иқтисодиёт
университети*

Email: melievisroil1981@gmail.com

ORCID: 0000-0002-0976-7406

Аннотация. Мазкур мақолада аудиторлик далилларни тўплаш ва улар асосида аудитор фикрини шакллантириш масалаларига бағишланган бўлиб, унда аудиторлик далилларнинг мазмуни таҳлил қилинган ва уларнинг шаклланиш манбалари ҳамда далиллар турларига назарий-амалий жиҳатдан тавсиф берилган. Шунингдек, мақолада далилларнинг миқдорий ва сифат белгилари, аудиторлик текшируви босқичларида тўпланадиган далиллар тавсифи, ҳисобнинг муҳим объектлари бўйича танлаб олинадиган муҳим аудиторлик далиллари, далилларни тўплаш амалларини бажариш тартиби баён этилган.

Мақолада аудиторлик далилларни шакллантириш ва умумлаштириш соҳасида хорижлик ва Ўзбекистон олимларининг қарашлари ҳамда таърифлари келтириб, улар мазмунан таҳлил этилган. Унда аудит иш ҳужжатлари таркибига киритилиши мумкин бўлган ҳужжатлар туркумлари, далилларга қўйилган талаблар ва уларни баҳолаш мезонлари муаллиф томонидан амалий мисоллар, жадвал ва чизмалар асосида ёритилган. Муаллиф томонидан далилларни тўплашда аудиторнинг бажарадиган амаллари келтирилиб, мазкур амаллар мазмуни изоҳлаб берилган. Мақола якунида муаллиф томонидан аудиторлик далилларни шакллантириш ва умумлаштиришни такомиллаштириш юзасидан амалий тавсиялар шакллантирилган.

Калит сўзлар: аудиторлик далиллар, таҳлилий амаллар, инвентаризация, аудиторлик текшируви, аудиторлик ҳулосаси, аудитор фикри, молиявий ҳисобот ишончилигини баҳолаш, оғзаки далиллар, ёзма далиллар, аралаш далиллар, далилларнинг етарлилиги, далилларнинг мослиги, ишончли далиллар.

СБОР АУДИТОРСКИХ ДОКАЗАТЕЛЬСТВ: ТЕОРИЯ И ПРАКТИКА

Мелиев Исраил Исмаилович

*профессор кафедры аудита
Ташкентский государственный
экономический университет*

*E-mail: melievisroil1981@gmail.com**ORCID: 0000-0002-0976-7406*

Аннотация. В статье рассматриваются вопросы сбора аудиторских доказательств и формирования на их основе аудиторского мнения. Раскрывается содержание аудиторских доказательств, дается теоретическая и практическая характеристика источников их формирования и видов доказательств. В статье также изложены количественные и качественные характеристики доказательств, описание доказательств, собираемых на этапах аудиторской проверки, ключевые аудиторские доказательства, отбираемые по значимым объектам бухгалтерского учета, порядок сбора доказательств. В статье представлены выкладки зарубежных и узбекских ученых по вопросам формирования и обобщения аудиторских доказательств, а также проведен их подробный анализ. В нем определяются категории документов, которые могут быть включены в аудиторские рабочие документы, требования к доказательствам и критерии их оценки с использованием фактов, таблиц и диаграмм. Автор объективирует действия, которые аудитор совершает при сборе доказательств, и разъясняет их содержание. В конце статьи автор формулирует практические рекомендации по совершенствованию сбора и обобщения аудиторских доказательств.

Ключевые слова: аудиторские доказательства, аналитические процедуры, инвентаризация, аудиторский обзор, аудиторское заключение, аудиторское заключение, оценка достоверности финансовой отчетности, устные доказательства, письменные доказательства, смешанные доказательства, достаточность доказательств, уместность доказательств, надежные доказательства.

COLLECTION OF AUDIT EVIDENCE: THEORY AND PRACTICE

Meliev Isroil Ismoilovich

*Professor of the Department
of Auditing*

Tashkent State

the University of Economics

Email: melievisroil1981@gmail.com

ORCID: 0000-0002-0976-7406

Abstract. This article is devoted to the issues of collecting audit evidence and forming an auditor's opinion on its basis, in which the content of audit evidence is revealed and the sources of their formation and types of evidence are described theoretically and practically. The article also describes the quantitative and qualitative characteristics of evidence, the description of evidence collected at the stages of the audit, important audit evidence selected for important accounting objects, and the procedure for performing evidence collection actions. The article presents the views and definitions of foreign and Uzbek scientists in the field of formation and generalization of audit evidence, and analyzes them in content. It

describes the categories of documents that can be included in the audit documentation, the requirements for evidence, and the criteria for their evaluation, based on practical examples, tables, and drawings. The author describes the actions performed by the auditor in gathering evidence and explains the content of these actions. At the end of the article, the author formulated practical recommendations for improving the formation and summarization of audit evidence.

Keywords: audit evidence, analytical procedures, inventory, audit examination, auditor's opinion, auditor's opinion, assessment of reliability of financial statements, oral evidence, written evidence, mixed evidence, sufficiency of evidence, adequacy of evidence, reliable evidence.

Кириш

Жаҳонда аудиторлик текшируви далил тўплаш жараёнларидан иборат бўлиб, ҳозирги пайтда мазкур жараёнлар аудитнинг халқаро стандартлари асосида амалга оширилмоқда. Ўз навбатида, аудитнинг халқаро стандартлари таркибидаги 500-580-сон стандартлар аудиторлик далилларини тўплаш масалаларига, 600-620-сон стандартлар аудиторлик текширувида бошқа маълумотлардан далил сифатида фойдаланиш масалаларига ва 700-720-сон стандартлар тўпланган далилларга мувофиқ аудитор фикрини шакллантириш масалаларига бағишланган. Халқаро амалиётда Бухгалтерларнинг Халқаро Федерацияси (International Federation accountants – IFAC) таркибидаги аудиторлик амалиёти бўйича Халқаро Қўмита – (International auditing practice commitite – IAPC), Америкадаги қасамёд қилган бухгалтерлар институти – (American institute of certified public accountants – AICPA), бухгалтерия ҳисоби стандартлари бўйича халқаро қўмита (International accounting standarts committe – IASC) ва Европа эксперт бухгалтерларининг федерацияси (Federation des experts comptables european – FEE) каби ташкилотлар томонидан аудиторлик далилларни тўплаш ва улар асосида аудитор фикрини шакллантириш бўйича ҳужжатлар меъёрий-услубий асос сифатида кенг қўлланилмоқда. Бугунги кунда халқаро аудит стандартлари асосида молиявий ҳисобот кўрсаткичлари ишончилигини баҳолаш, мазкур жараёнга ривожланган мамлакатлар қонунчилиги ва илғор хориж тажрибасини жорий этиш, ишончли далилларни тўплаш ва улар асосида аудитор фикрини шакллантиришнинг самарали механизмини яратиш долзарб ҳамда ўрганилиши зарур бўлган масалалардан саналади.

Жаҳонда олиб борилган тадқиқотларда аудиторлик далилларни тўплаш жараёнининг назарий асослари, аудиторлик далилларни тўплаш жараёнининг амалдаги ҳолати ва уни такомиллаштириш йўналишлари илмий жиҳатдан асосланган. Бироқ, хорижий тадқиқотларда ҳам аудиторлик далилларни тўплаш амаллари ва усуллари тавсифи, аудиторлик текширувида далиллар ишончилиги ва етарлилигини таъминлаш ҳамда уни баҳолаш тартиби, аудиторлик далилларни тўплаш тартиби ва уни такомиллаштириш, замонавий дастурий таъминот имкониятлари асосида аудиторлик далилларни тўплаш хусусиятлари, далиллар асосида корхона фаолияти узлуксизлигини

баҳолаш масалалари ва ишончли далилларни тўплашда ташқи тасдиқномадан фойдаланиш масалалари батафсил ўрганилмаганлиги бу борада чуқур илмий-тадқиқотлар олиб боришнинг долзарблигини ёки мазкур мавзуга доир масалалар ҳозиргача ўз ечимини топмаган масалалар эканлигини кўрсатади. Айнан юқоридаги масалалар аудиторлик далилларни халқаро стандартлар меъёрлари ва илғор хориж тажрибаси асосида тўплаш, далиллар ишончилиги ва етарлилигини ташқи манбалар асосида тасдиқлаш, фаолият узлуксизлигини далиллар асосида баҳолаш жараёнларини тадқиқ этишни тақозо этмоқда.

Адабиётлар шарҳи

Аудиторлик далилларни тўплаш ва улардан текширувларда фойдаланишнинг назарий ҳамда услубий асосларини яратиш ҳамда уни такомиллаштириш бўйича кўплаб хорижлик иқтисодчи олимлар томонидан илмий-тадқиқотлар олиб борилган. Мамлакатимиз иқтисодчи олимлари томонидан бу масалалар яратилаётган дарслик, монография ва ўқув кўлланмалар, шунингдек эълон қилинаётган илмий мақола ва тезисларда қисман ўрганилган. Масалан, иқтисодчи олим Р.Д. Дўсмуратов томонидан аудиторлик текширувини режалаштириш ва ўтказишни назарий ҳамда услубий асосларининг айрим жиҳатлари ўрганилган. Унинг фикрига кўра, “далил деганда бошқа фактнинг мавжудлигини тасдиқлайдиган ёки инкор қиладиган факт ёхуд мазкур факт ҳақидаги у ёки бу даражадаги ишончилилик билан фикр шакллантиришга имкон берадиган муайян факт тўғрисида маълумотлар олиш жараёни тушунилади” [1].

Аудиторлик далилларнинг моҳияти, аҳамияти ва улар тўплаш ҳамда улардан фойдаланиш масалалари амалдаги меъёрий ҳужжатлар ва илмий асарларда турлича мазмун ҳамда ёндашувлар асосида ёритилган. Жумладан, амалдаги 620 сонли “Аудитор томонидан жалб қилинган эксперт ишидан фойдаланиш” номли аудитнинг халқаро стандартида эксперт-мутахассислар ёрдамида аудиторлик далилларини тўплаш тартиб-қоидалари ёритилган. Иқтисодчи олим Робертсоннинг илмий асарларида аудиторлик далилларини тўплаш жараёнларида “сканерлаш” усули баён қилинган [2].

Яна бир етакчи иқтисодчи олимлардан М.М. Тўлаходжаеванинг таъкидлашича, “аудиторлик далиллар релевант ва етарли бўлиши лозим. Далилнинг релевантлиги - муайян муаммони ечиш учун унинг муҳимлигидир, етарлилик эса ҳар бир аниқ ҳолатда, аудиторлик таваккалчилиги ва ички назорат тизимини баҳолаш асосида аниқланади. Қандай бўлмасин, аудитор ҳаққоний ва асосланган хулоса тайёрлаш учун керакли сифатдаги етарли даражада далиллар тўпланганлигига тўлиқ ишонч ҳосил қилиши лозим” [3].

Маълумки, аудитнинг асосий мақсади – хўжалик юритувчи субектда амалга оширилган хўжалик муо малаларининг қонунийлиги ва улар бўйича молиявий ҳисобот кўрсаткичларининг ишончилигини баҳолашдир. Бу борада аудиторлар турли аудиторлик амалларини ишлаб чиқиш ва уларни

амалга ошириш орқали зарурий аудиторлик далилларини тўплайди. Бу борада Россиялик иқтисодчи олим Л.А. Юдинсеванинг “аудиторлик далиллари аудиторлик хулосасининг обектив асослари сифатида” номли илмий мақоласида “аудиторлик далиллари” тушунчасига берилган турли муаллифлик ёндашувлари таҳлил қилиниб, унинг фикрича, “аудиторлик далиллар кенг маънода – бу аудитор томонидан чиқариладиган профессионал қарорнинг мазмунини белгиловчи обектив асослардир [4].

Яна бир иқтисодчи олим Г.Я.Остаев “аудиторлик далилларни тўплашнинг ўзига хос хусусиятлари” номли илмий мақоласида аудиторлик далилларни олишнинг қуйидаги манбаларини келтириб ўтган:

- текширилаётган субъект томонидан бевосита тақдим этилган маълумотлар орқали олинган ички далиллар;
- аудиторлик ташкилотининг сўровига кўра учинчи шахслардан олинган ташқи далиллар;
- аудиторнинг ўрганишлари, текширилаётган субъект ва учинчи шахсларнинг тасдиқланган маълумотларига асосланган аралаш далиллар” [5].

Далилларни бўлинишга қаратилган яна бир ёндашув Р.П. Булга томонидан илгари сурилган бўлиб, унинг фикрича “далилларнинг ўзаро алоқадорлиги уларни тасдиқловчи ҳақиқатдаги аниқ фактларнинг мавжудлиги билан ўлчанади” [6].

Бу борада Ю.Ю. Кочиневнинг таъкидлашича, “аудиторлик далиллари бу аудиторлик текшируви давомида турли манбалар (текширилаётган субъектнинг бухгалтерия ҳисоби, унинг ходимлари ва учинчи шахслари)дан олинган маълумотларни таҳлил қилиш натижалари деб тушунади ва шу асосда аудитор текширилаётган субъект молиявий ҳисоботи маълумотларининг ишончилиги тўғрисида аудиторлик хулосасини шакллантиради” [7].

Таъкидлаш жоизки, юқоридаги тадқиқотларда мавзуга оид умумий қарашлар келтирилган бўлсада, бироқ аудиторлик далилларнинг моҳиятини очиқ бериш ва уларни тўплаш масаласи алоҳида илмий тадқиқот обекти ва яхлит тизим сифатида тадқиқ қилинмаган. Бу ҳолат мазкур мавзуда комплекс илмий изланишлар олиб боришни тақозо этмоқда.

Амалдаги “аудиторлик далиллар” номли 500-сонли хлқаро аудит стандартига мувофиқ, аудиторлик амалларини режалаштириш ва уларни амалга оширишда аудитор далил сифатида фойдаланиладиган маълумотларни зарурлиги, мослиги ва уларнинг ишончилигини ҳисобга олиши керак.

Иқтисодчилар Шеремет ва Суйцларнинг илмий асарларида аудиторлик далилларининг манбалари хусусида фикр юритилган [8]. Иқтисодчи олима Панкованинг асарларида аудиторлик текширувида тўпланган далилларни муайян белгиларга мувофиқ гуруҳларга ажратиш масалалари тадқиқ этилган [9].

Шунингдек, ўзбек иқтисодчи олимлари Исманов ва Машариповларнинг

тадқиқот натижаларида эса ички аудит жараёнларида аудиторлик иш хужжатларидан далил сифатида фойдаланиш масалалари тадқиқ этилган [9].

Таҳлил ва натижалар

Бугунги кунда халқаро стандартлар ва илғор хориж тажрибасида аудиторлик хизматларини кўрсатишнинг асосий талабларидан бири бу ишончли ва етарли далиллар асосида аудиторлик хулосасини шакллантиришдир.

Изланишлар натижасида, амалдаги аудиторлик фаолиятини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий хужжатлар ва ўқув адабиётларида аудиторлик далилларнинг ўлчов бирликлари, хусусан уларнинг миқдорий ва сифат ўлчов бирликлари мазмуни ва уларни аниқлаш мезонлари моҳияти очиб берилмаганлиги маълум бўлди. Бизнингча, далилларни 1-расмда келтирилган ўлчовлар асосида миқдор ва сифат ўлчов бирликларига мувофиқлигини аниқланиши улардан текширувларда далил сифатида фойдаланиш мумкинлигини англатади.

1- чизма.



Фикримизча, далиллар ишончилиги уларни амалдаги меъёрий хужжатлар талабларига мувофиқлиги, объектив (ҳақиқатда амалга оширилган) маълумотларга мослиги ва тўғрилигини тасдиқловчи сифат белгиларига эга эканлигини англатади. Таъкидлаш жоизки, далиллар ишончилигини таъминлашда улар бўйича турли манбалардаги маълумотларни мазмунан бир-бирини инкор этмаслигини аниқлаштириш лозим. Агарда уларда бир-бирини инкор этувчи икки ёки учта далиллар мавжуд ҳолларда, уларни бошқа мустақил манбалардан олинган далиллар билан солиштириш ёки текширилаётган субъектдан бир-бирини инкор этувчи маълумотни асословчи қўшимча исботларни талаб қилиш йўли билан ушбу далил ишончилиги ўрганилиши мақсадга мувофиқ.

Аудиторлик далилларни тўплаш жараёни тўғрисида маълумотларни шакллантириш учун энг аввало, далиллар мавзусига доир тушунчалар

мазмунини аниқлаштириш жоиз. Аудиторлик далилларни тўплаш жараёни тўғрисида маълумотларни шакллантириш учун, энг аввало, далиллар мавзусига доир тушунчалар мазмунини аниқлаштириш жоиз деб ҳисоблаймиз. Фикримизча, аудиторлик далиллар мазмунини очиб беришда қуйидаги тушунчалар моҳиятини назарий-услубий жиҳатдан тадқиқ этиш лозимдир. Бунда далиллар, далилларни сақлаш ва қайтариш, далилларни баҳолаш, далиллар ишончилигини ўрганиш, оғзаки далиллар, ёзма далиллар, аралаш далиллар, далилларни рўйхатга олиш, янги далиллар, далиллар етарлилиги ва мослиги каби тушунчалар мазмунини аниқлаштириш лозим деб ҳисоблаймиз. Чунки, бугунги кунга қадар олиб борилган тадқиқотлар, илмий асарлар, аудиторлик стандартлари ва аудитга оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда мазкур тушунча (атама)лар моҳияти очиб берилмаган. Бу эса, амалиётда бу тушунчалар мазмунини турлича ёндашувлар асосида ёритилиши, фойдаланилиши ва изоҳланиш ҳолатлари кузатилмоқда. Бизнингча, аудиторлик далилларни тўплаш ва улардан фойдаланишда ушбу тушунчаларни қуйидаги мазмунда ифодалаш ёки изоҳлашни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

Бизнинг фикримизча, аудиторлик далиллар – бу текширилаётган субъект молиявий ҳисобот кўрсаткичларининг ишончилиги, фаолиятининг қонунийлиги ҳамда амалга оширилган муомалалар бўйича меъёрдан четланиш ҳолатлари тўғрисидаги тасдиқланган маълумот ёки манбалардир.

Аудиторлик далиллар уларнинг шаклланиш манбаси ва мазмунига кўра оғзаки, ёзма ва аралаш шакллардаги далилларга бўлинади. Фикримизча оғзаки далиллар деганда, аудиторлик текшируви буюртмачиси фаолияти тўғрисида текширилаётган корхона масъул шахслари, субъект фаолиятига алоқадор учинчи шахслар ва аудиторлик текширувини олиб бораётган аудитор-мутахассислар(ёрдамчи аудитор, эксперт, аудитор)лар томонидан оғзаки тарзда ифодаланган маълумотлар тушунилади.

Бизнингча, ёзма далиллар – бу аудиторлик текшируви буюртмачиси фаолияти тўғрисида амалдаги қонунчилик ҳужжатларида белгиланган шакл ва мазмундаги ёзма ҳужжат шаклида корхона масъул шахслари, субъект фаолиятига алоқадор учинчи шахслар ва аудиторлик текширувини олиб бораётган аудитор-мутахассислар(ёрдамчи аудитор, эксперт, аудитор)лар томонидан тасдиқланган маълумотлар тушунилади. Аудитнинг халқаро стандартлари талабларига кўра, аралаш далиллар деб, ёзма ва оғзаки шаклларда олинган далиллар тушунилади.

Маълумки, аудиторлик хизмати натижалари ва унинг фикри маълум манба ва асосларга таянган ҳолда шакллантирилиши зарур. Бундай манба ва асослар ҳамда текширув натижалари бўйича аудитор фикри амалий ва илмий тилда далиллар номи билан юритилади. Аудиторлик далиллар амалдаги 500-сонли “аудиторлик далиллари”, 501-сонли “аудиторлик далили - муайян моддаларни махсус кўриб чиқиш, 505-сонли “ташқи тасдиқномалар” 510-сонли “дастлабки аудит келишувлари-бошланғич қолдиқлар”, 520-сонли “таҳлилий тартиб-таомиллар”, 530-сонли “аудиторлик танлаш”,

540-сонли “ҳисоблаб чиқилган баҳолар, шу жумладан ҳаққоний қиймат бўйича ҳисоблаб чиқилган баҳолар ва улар билан боғлиқ очиб бериладиган маълумотлар”, 550-сонли “ўзаро боғлиқ томонлар”, 560-сонли “кейинги ходисалар”, 570-сонли “фаолиятнинг узлуксизлиги тўғрисидаги фараз” ва 580-сонли “ёзма баёнотлар” номли аудитнинг халқаро стандартлари асосида тўпланади ва аудиторлик амалиётида фойдаланилади. Аудиторлик далиллари атамасининг мазмуни амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда, ўқув адабиётлари ва ўтказилган тадқиқотларда турлича мазмун ва қарашлар мавжуд бўлиб, жумладан, 500 - сонли “аудиторлик далиллар” номли аудитнинг халқаро стандартида аудиторлик далилларга қуйидаги мазмунда таъриф берилган: “Аудиторлик далили - аудитор фикри учун асос бўладиган ҳулосаларга эришишда аудитор томонидан фойдаланилган маълумотдир. Аудиторлик далили молиявий ҳисоботлар учун асос бўлган бухгалтерия ёзувлари ва бошқа маълумотлардан ташкил топади” [12].

Аудиторлик далиллари масаласида аудитдаги асосий муаммоларнинг моҳияти шундаки, далилларни миқдоран етарли ва мазмунан мослигини асослаш жараёнларида амалиётда турли рискларни мавжудлиги ҳамда аудитор томонидан уларни камайтириш ёки тўғри баҳолашда муаммоларга дуч келиш ҳолатлари мавжуд. Аудиторлик амалиётида далилларнинг етарлилиги, мослиги, тўғри ва тўлиқлигини ўрганиш жараёнини қуйидаги жадвал асосида кўриб чиқамиз (1-жадвал). Қуйидаги 1-жадвалда келтирилган ҳужжатлар корхонада амалга оширилган муомалалар қонунийлиги ва молиявий ҳисобот кўрсаткичлари ишончлилигини баҳолаш жараёнида аудиторлик далиллари сифатида фойдаланилади.

1-жадвал.

**Аудиторлик текшируви босқичларида
тўпланадиган далиллар***

№	Аудиторлик текшируви босқичлари номи	Аудитор томонидан далил сифатида тўпланадиган ва тузиладиган ҳужжатлар номи
1.	Аудиторлик режалаштириш	Аудиторлик умумий режаси, аудиторлик дастури, аудиторлик шартномаси, аудиторлик хизматларини кўрсатиш тўғрисида маълумотнома, ҳужжатлар сўрови, корхона устави, корхона лицензияси, аудиторлик ташкилоти ва аудиторларининг ташкилий-бошқарув ҳужжатлари (устав, аудиторлик малака сертификатлари)
2.	Текширув босқичи	Махсус ишлаб чиқилган тестлар, раҳбар ходимлар ва бухгалтерия ходимларининг фикрларини аниқлаш учун намунавий саволлар рўйхати, махсус бланкалар ва текширув варақалари; блок-схемалар ва графиклар, камчиликлар рўйхати, баённомалар ёки далолатномалар, ҳисоб сиёсати тўғрисидаги буйруқ, аудитнинг умумий режаси, аудиторлик дастури, аудиторлик rischi ва муҳимлик даражасини аниқлаш жадвали, тестлар ёки саволнома, инвентаризация комиссияси тўғрисида буйруқ, солиштириш-таққослаш қайдномаси ва Инвентаризация далолатномаси, тилхат ва тушунтириш хатлари, АВ1-АВ9 шакллар ва олди-сотди шартномалари Амортизация ҳисоблаш қайдномаси, №13-журнал ордер, калкуляция ҳужжатлари, тест ёки саволнома, оралик аудиторлик далолатномаси, тест ёки саволнома, оралик ва умумий аудиторлик далолатномаси, қабул-топшириш далолатномалари (юк хати), рўйхатдан чиқариш далолатномалари, автотранспорт воситаларини рўйхатдан чиқариш далолатномалари, инвентар карточкалари, юк хатлари, шартномалар, М-2 ишончномалар, М-4 кириш ордери, М-11 талабнома-юк хати, М-17 қайд этиш каточкалари, маҳсулотлар (ишлар, хизматлар) етказиб бериш шартномалари, юк хатлари, ҳисоб-китобларни қийслаш далолатномалари, ўзаро талабларини ҳисобга

		олиш баённомалари, банк кўчирмалари, тўлов топшириқномалари, инкасса топшириқномалари, чек дафтарчалари ва чек китоби, аккредитивлар, таъсис ҳужжатлари, акциядорлар (жамият аъзолари) мажлисларининг баённомалари, қарорлари, маҳсулотлар (товарлар) жўнатиш юк хатлари, топшириш-қабул қилиш далолатномалари, товарлар ва тайёр маҳсулотларни оморда ҳисобга олиш карточкалари, нархлар преискуранти, харидорлар ишчиномалари, хом ашё ва материаллар (товарлар) етказиб бериш шартномалари, хом ашё ва материаллар (товарлар) харид қилиш товар юк хатлари, ишлар, хизматлар топшириш-қабул қилиш далолатномалари, товарлар ва тайёр маҳсулотларни оморда ҳисобга олиш карточкалари, материаллар ва хом ашёларни ишлаб чиқаришга бериш юк хатлари, оралик ва умумий аудиторлик маълумотномаси ва бошқа бирламчи ҳисоб ҳужжатлари
3.	Якуний босқич	Аудиторлик ҳулосаси (ҳисоботи), текширувда аниқланган камчиликлар бўйича маълумотнома ва бошқа ҳужжатлар

*Муаллиф томонидан тайёрланган.

Текширув жараёнида қўлланиладиган аудиторлик усул ва амаллари олиниши лозим бўлган далилнинг муҳимлиги ҳамда уларнинг ишончилигига асосланган ҳолда тайинланади. Бунда ўрганиладиган далил корхонанинг масъул шахслари эмас, балки корхонага четдан жалб этилган эксперт-мутахассиснинг иш натижаларидан фойдаланиладиган бўлса, мазкур экспертнинг ваколатлари, текшириладиган корхона фаолиятига боғлиқ жиҳатлари ва унинг бетарафлик жиҳатлари ўрганилиши лозим.

Аудиторлик текшируви жараёнларида текшириладиган субъект фаолиятига оид маълумотлардан фойдаланиладиганда, ушбу маълумотларда ҳақиқатда амалга оширилган муомалар мазмуни акс этган бўлиши, текширилиётган объект мақсадлари учун уларнинг мослиги батафсил ўрганилиши зарур. Текширув жараёнида далилларни ишончли ва қисқа муддатда олинишини таъминлаш учун турли саволнома ёки тестлаш амалларини қўллаш мақсадга мувофиқдир. Аудиторлик текшируви жараёнларида олинadиган далилларни муҳимлиги ва текшириладиган объект бўйича масалаларга мослигига қараб далилларни танлаш жараёнини амалга ошириш талаб этилади (2-жадвал).

2-жадвал.

**Ҳисобнинг муҳим объектлари бўйича танлаб олинadиган
муҳим аудиторлик далиллари***

№	Ўрганиладиган аудиторлик объекти (масала) номи	Ўрганиладиган ҳисоб объектига оид танлаб олинadиган муҳим ҳужжатлар
1.	Асосий воситалар ҳисоби	Текшириш даврига мос бўлган олди-сотди шартномалари, счёт-фактура, ҳисобдан чиқариш, далолатномалари ва бошқа ҳужжатлар
2.	Материаллар ҳисоби	
3.	Товарлар ҳисоби	
4.	Дебиторлик мажбуриятлари ҳисоби	Турли хатлар, дебиторлик мажбуриятини тасдиқловчи ҳужжатлар
5.	Пул маблағлари	Банк тўлов ҳужжатлари
6.	Кредиторлик қарзлар	Шартномалар, контрагентлар билан тузиладиган ҳужжатлар
7.	Меҳнат ҳақи ҳисоби	Меҳнат шартномалари, меҳнат таътилига оид ҳужжатлар, касаллик варақалари, хизмат сафари буйруқлари, ҳисоб-китоблар акс этган ҳужжатлар, рағбатлантириш ва моддий ёрдам буйруқлари, штат жадвали, тўлов ҳужжатлари
8.	Қисқа ва узоқ муддатли қарз мажбуриятлари ҳисоби	Шартнома, хатлар ва контрагентлар бўйича тасдиқловчи турли ҳужжатлар
9.	Асосий фаолиятдан кўрилган даромад (тушумлар)лар ва	Шартнома, счёт фактуралар, маҳсулот (иш, хизмат) бўйича тушумларни асословчи ҳужжатлар ва бошқалар

	бошқа даромадлар	
10	Маҳсулот таннархининг ҳисоби	Ҳисобдан чиқариш далолатномалари, талабномалар, шартномалар, счёт-фактуралар, далолатномалар, турли тасдиқловчи ҳужжатлар
11	Давр харажатлари	Шартнома, счёт фактуралар ва бошқа тасдиқловчи ҳужжатлар

*Муаллиф томонидан тайёрланган.

Аудитор далилларни тўплашда уларни ишончли манбалардан олинганлиги, турли манбалар бўйича далилларнинг ўзаро мутаносиблиги, далил сифатида олинган маълумотлар мазмуни ва улар олинган манбаларнинг ишончилигига эътибор қаратиш лозим. Қўринадики, далил аудитор фикрининг ишончилигини ва текширув натижалари бўйича тузилган аудиторлик хулосаси маълумотларини амалий тасдиқлаш учун фойдаланилади.

Аудитор далилларни тўплашда кузатиш, тасдиқлаш, қайта ҳисоблаш, таҳлилий амалларни бажариш ва сўров усулларини қўллаш орқали уларни миқдор ва сифат жиҳатдан мувофиқлигини баҳолайди. Аудиторлик далилларни тўплаш жараёнида юқоридаги усуллар билан биргаликда қуйидаги усуллардан яъни баҳолаш, калкуляция, статистик таҳлил, гипотеза ва прогнозлаштириш, тестлаш ёки анкета саволномаларини ўтказиш, муқобил баланс тузиш, тизимли текшириш, корхона фаолиятини узлуксизлигини баҳолаш, учинчи шахслардан ташқи тасдиқ олиш, таҳлилий амалларни бажариш ва бошқалар.

Хулоса

Ишончли, етарли ва мос аудиторлик далилларни тўплаш масалаларини тадқиқ этиш натижасида қуйидаги хулосалар шакллантирилди:

Тадқиқотлар олиб бориш натижасида амалдаги халқаро аудиторлик стандартлари, аудитга оид миллий қонунчилик ҳужжатлари ва ўқув адабиётларида аудиторлик далилларни тўплашнинг илмий-услубий асосланган босқичлари ва уларда бажариладиган амаллар амалий жиҳатдан аниқ белгилаб берилмаганлиги аниқланди. Биз аудиторлик далилларни тўплаш (олиш) босқичлари, мазкур босқичларда бажариладиган аудиторлик амаллари ҳамда тўпланиши лозим бўлган далил сифатидаги ҳужжатлар рўйхатини намунавий жадвал шаклида тавсия этдик.

Агарда далиллар ёзма расмий манбалардан олинган бўлса, уларнинг ишончилиги, яъни қиймати оғзаки ва бошқа шаклларга қараганда юқори ҳисобланади. Шунингдек, аудиторлик далилларини тўплаш жараёни муҳимлик, ишончилик ва асосланганлик каби мезонларга жавоб бериши талаб этилади.

Ишончли аудиторлик хулосаси аудиторлик далиллар асосида шаклланиб, далилларни тўплаш жараёнининг самарадорлиги текшириладиган субъект фаолият хусусиятлари, тузилган аудиторлик шартномаси шартлари ҳамда аудиторларнинг ишга бўлган муносабатига тўғри пропорционалдир.

Аудиторлик далилларни муҳимлиги ва ўрганиладиган объектга мослиги, уларга тааллуқли норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, қўлланиладиган усул ва

амаллар мазмунига мувофиқ танлов асосида ўрганиш зарур.

Аудитор фикрини тўлиқ ва ишончли шакллантирилишини таъминлаш учун далиллар ишончли, мазмунан мос ва миқдоран етарли бўлиши талаб этилади.

Ишончли далилларни тўплаш учун уларни турли манбалар ва субъектлар маълумотлари асосида таҳлил этиш, жумладан, учинчи шахслардан ёки бошқа ташқи манбалардан расмий тасдиқ олиш ҳамда субъект ҳисоб маълумотлари билан ташқи манбалар маълумотлари ўртасидаги тафовутни аниқлаш зарур.

Ишончли аудиторлик далиллар ташқи манбалардан ёки учинчи шахслардан сўров орқали ташқи тасдиқ шаклида олиш мақсадга мувофиқдир.

Ишончли ва етарли аудиторлик далилларни тўплаш учун далиллар етарлилиги ва мослигини ўрганиш, фирибгарлик ёки молиявий ҳисоботни бузиб кўрсатиш ҳаракатларини аниқлаш услубиятини ишлаб чиқиш ҳамда далилларини тўплаш тартибига риоя этиш зарур.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Р.Д.Дўсмуратов. Аудит асослари. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2003. – 139 б.
2. Робертсон Джек К. Аудит. – Москва: Контакт, 1993.
3. Аудит. 1-том. М. М. Тўлахўжаева, Т. И. Жўраев ва Ф. Г. Гулямованинг умумий таҳрири остида тайёрланган. – Тошкент: ЎБАМА, 2004. – 181 б.
4. Юдинцева Л. А. Аудиторские доказательства как объективная основа мнения аудитора (Proofs as an objective basis of auditor's opinion auditor's) // Международный бухгалтерский учёт.– 2015,– № 9.
5. Остаев Г.А. Особенности сбора аудиторских доказательств //Бухгалтерский учет в бюджетных и некоммерческих организациях. – 2015, № 15. – С. 36–42
6. Основы бизнес-анализа: учебное пособие / В.И. Бариленко, В. В. Бердников, Р. П. Бульга и др.; под ред. В. И. Бариленко. – М.: КноРус, 2014.
7. Кочинев Ю.Ю. Аудит: теория и практика. – СПб.: Питер, 2009.
8. Шеремет А.Д., Суйц В.П. Аудит: учебник. – Москва:Инфра-М., 2019.
9. Панкова С.В. Международные стандарты аудита: учебное пособие. Электронное издание Московского государственного университета. 2015.
10. Исманов И.Н., Машарипов О.А. Регламентация внутреннего аудита в Республике Узбекистан. Сборник: Бухгалтерский учет: достижения и научные перспективы XXI века. Материалы международной научно-практической конференции кафедры бухгалтерского учета Российского университета кооперации. – 2017. С.134-138.
11. Аудит ва сифат назоратининг халқаро стандартлари. 2012 йил нашри. 1-2-3-4 қисмлар. ЎБАМА. 2014.

МОЛИЯВИЙ ҲИСОБОТНИНГ ХАЛҚАРО СТАНДАРТЛАРИГА МУВОФИҚ МОЛИЯВИЙ ИНСТРУМЕНТЛАР ҲИСОБИНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ



Шеримбетов Иномжон Халилуллаевич

иқтисодиёт фанлари бўйича

фалсафа доктори (PhD)

аудит кафедраси доценти

Тошкент давлат иқтисодиёт университети

E-mail: inom23@gmail.com

ORCID:0000-0001-6704-6853

Аннотация. Мамлакатимизда молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларини жорий этилиши, муайян турдаги ташкилотларда мажбурий тартибда уларда белгиланган талабларга риоя этилишини талаб этади. Мақолада молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларида молиявий инструментларни ҳисобга олишга ёндашувлар ўрганиш натижалари келтирилган. Шунингдек, молиявий инструментларни баҳолаш ва ҳисобга олиш жиҳатлари юзасидан турли хил илмий фикрлар ёритилган.

Калит сўзлар: молиявий инструментлар, молиявий актив, молиявий мажбурият, улушли инструментлар, бизнес модел, ҳаққоний қиймат, бошқа умумлашган даромад, опцион, форвард, фьючерс, таркибли молиявий инструментлар.

ТЕОРЕТИЧЕСКИЕ ПРИНЦИПЫ УЧЕТА ФИНАНСОВЫХ ИНСТРУМЕНТОВ ПО МЕЖДУНАРОДНЫМ СТАНДАРТАМ ФИНАНСОВОЙ ОТЧЕТНОСТИ

Шеримбетов Иномжон Халилуллаевич

доктор философии (PhD) по экономическим наукам

доцент кафедры аудита

Ташкентский государственный экономический университет

E-mail: inom23@gmail.com

ORCID:0000-0001-6704-6853

Аннотация. Внедрение международных стандартов финансовой отчетности в нашей стране требует от отдельных организаций соблюдения установленных требований. В статье исследованы подходы к учету финансовых инструментов в международных стандартах финансовой отчетности. Также освещены различные научные мнения по аспектам оценки и учета финансовых инструментов.

Ключевые слова: финансовые инструменты, финансовый актив, финансовое обязательство, долевые инструменты, бизнес-модель, справедливая стоимость, прочий совокупный доход, опцион, форвард, фьючерс, комбинированные финансовые инструменты.

**THEORETICAL BASIS FOR ACCOUNTING FOR FINANCIAL
INSTRUMENTS IN ACCORDANCE WITH INTERNATIONAL
FINANCIAL REPORTING STANDARDS****Sherimbetov Inomjon Khalilullayevich***Audit department**Tashkent State University of Economics**E-mail: inom23@gmail.com**ORCID: 0000-0001-6704-6853*

Abstract. The implementation of international financial reporting standards in our country requires mandatory compliance with them in certain types of organizations. The article presents the results of a study of approaches to accounting for financial instruments in international financial reporting standards. Various scientific opinions on the valuation and accounting of financial instruments are also highlighted.

Keywords: financial instruments, financial asset, financial liability, equity instruments, business model, fair value, other comprehensive income, option, forward, futures, composite financial instruments.

Кириш

Ўзбекистон Республикаси президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сонли Фармони билан тасдиқланган 2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида иқтисодиётда молиявий ресурсларни кўпайтириш мақсадида, келгуси 5 йилда фонд бозори айланмасини 200 миллион АҚШ долларидан 7 миллиард АҚШ долларига етказиш вазифаси белгиланган. Бунинг учун ташкилотлар даромад олиш ёки хатарларни камайитириш учун ҳар хил турдаги молиявий инструментлардан тобора кўпроқ фойдаланишлари лозим. Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари жорий этилиши натижасида уларда келтирилган айрим тушунчалар ва иқтисодий муносабатлар мамлакатимиз учун янги ва бухгалтерия ҳисобининг миллий тизими муайян операцияларни акс эттириш ва активларнинг айрим турларини баҳолаш бўйича аниқ кўрсатма бермайди. Кўриб чиқиладиган масала юзасидан бухгалтерия ҳисоби ва аудит соҳасида ваколатли орган томонидан молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига мувофиқ миллий бухгалтерия ҳисоби тизимини уйғунлаштириш бўйича амалий ишлар олиб борилмоқда.

Адабиётлар шарҳи

Турли нуқтаи назарларни таҳлил қилиб, шуни таъкидлаймизки, МХХС Кенгашининг молиявий инструментларни ҳисобга олиш бўйича талаблари турли мутахассислар томонидан муҳокамаларга сабаб бўлган объект ҳисобланади.

Молиявий инструментларни ҳисобга олишнинг муаммоли масалалари бўйича муаллифларнинг фикрларини таҳлил қилайлик.

Таъкидлаш лозимки, юқоридаги қайд этилган масалалар долзарблигини

ҳисобга олган ҳолда миллий бухгалтерия ҳисоби тизимини тартибга солувчи қонунчилик ҳужжатларида молиявий инструментларнинг бухгалтерия ҳисобида тан олиш ва молиявий ҳисоботда акс эттириш бўйича тегишли қоидалар етарлича ишлаб чиқилмаганлигини ҳам қайд этиш лозим.

Шуни алоҳида қайд этиш керакки, «молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларининг аксариятида активлар, мажбуриятларни ҳаққоний қийматда баҳолаш талаби устуворлик қилади. Чунки ҳаққоний қиймат тўғрисидаги маълумотлар молиявий ҳисобот фойдаланувчилари томонидан қарор қабул қилишда муҳимдир, чунки бу баҳолаш тизими молия бозорларидаги тегишли молиявий инструмент билан боғлиқ кутилаётган келажакдаги пул оқимларининг дисконтланган қийматини акс эттиради»-деб таъкидлайди В.С. Плотников [1].

Ҳаққоний қиймат ташкилотни бошқариш самарадорлигини баҳолаш учун асос эканлигини ҳамда молиявий активларни сотиб олиш, сотиш ёки эғалик қилиш ва молиявий мажбуриятларни қабул қилиш, сақлаш ёки сўндириш бўйича қарорларининг оқибатларини тавсифлайди [2]. Бироқ, амалда молиявий инструментлар учун ҳаққоний қийматни ҳисобга олиш концепциясини қўллаш самарадорлиги масаласи мунозарали бўлиб қолмоқда.

Бир қатор хорижий олимлар [3, 4] молиявий ҳисоботларни тайёрлаш жараёнида ҳаққоний қийматдан фойдаланишни танқид қиладилар. Уларнинг фикрига кўра, ҳаққоний қийматдан фойдаланиш молиявий ҳисоботларнинг ишончлилигини оширмайди аксинча, уни камайтиради. Улар бу фикр фойдасига қуйидаги далилларни келтирадилар. Масалан, фонд бозоридаги ваҳима юзасидан тебранишлар натижасида ҳаққоний қийматни қўллаш нотўғри ҳисоб-китобларга олиб келади, чунки бундай бозорлар на ликвид, на фаол, на тартибли. Мазкур ҳолатда, бозор қийматини аниқлаш мумкин эмас. Шу муносабат билан пул оқимларини башорат қилиш ва дисконт ставкасини қўллашда мураккаблик юзага келади, чунки бозордаги ноаниқлик шароитида қайси дисконт ставкалари қўлланилиши кераклиги ҳақида маълумот мавжуд бўлмайди.

Акциядорлик жамиятларида ҳисоб сиёсатининг концептуал асослари, уларнинг молиявий-ҳўжалик фаолиятига салбий таъсир қиладиган дебиторлик қарзлари ва уларни камайтириш, акцияларнинг фонд биржалари ва депозитарийлар ҳисобининг хусусиятлари, уларнинг молиявий-ҳўжалик фаолиятини таҳлили, омилли таҳлил ва унинг натижасида мавжуд ички имкониятларни аниқлаш, шу жумладан, акциядорлик жамиятларидаги мол етказиб берувчилар олдидаги мажбуриятларни баҳолаш, уларни счётлар режасида акс эттириш, мажбуриятлар устидан назоратни амалга ошириш, бошқарув қарорларини қабул қилиш, облигациялар ҳисоби, мажбуриятларни баҳолаш ва уларни таҳлили [5] каби масалалари маҳаллий олимларимиздан томонидан ўрганилган.

Юқорида билдирилган фикрларга эътибор қаратса аксарият олимлар томонидан айнан молиявий инструментларни тан олишда баҳолаш ва

кейинги баҳолашда муаммолар мавжудлигини қайд этишган. Бизнинг фикримизча молиявий инструментларни баҳолашда айнан улар нима мақсадда харид қилинганлигидан келиб чиқиб, молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларида келтирилган баҳоларда акс эттириш мақсадга мувофиқдир.


Таҳлил ва натижалар

Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларида молиявий инструментларни дериватив бўлмаган (базавий) ва дериватив инструментлар гуруҳига ажратилган. Базавий молиявий инструментларга акция, облигация, кредитлар, дериватив молиявий инструментларга фьючерс, форвард, своп ва опционлар мисол бўла олади.

Молиявий инструментлар дастлаб ҳаққоний қийматда тан олинishi лозим. Демак, молиявий активлар дастлаб ҳаққоний қиймат ва битим бўйича харажатлар қийматини ўз ичига олган ҳолда тан олинади, бундан ҳаққоний қиймат бўйича фойда ёки зарар орқали ҳисобга олинadиган молиявий активлар мустаснодир. Молиявий мажбуриятлар ҳам дастлаб ҳаққоний қийматдан битим бўйича харажатлар қиймати чегирилган ҳолда тан олинади, бундан ҳаққоний қиймат бўйича фойда ёки зарар орқали ҳисобга олинadиган молиявий мажбуриятлар мустаснодир. Ҳаққоний қиймат бўйича фойда ёки зарар орқали ҳисобга олинadиган молиявий инструментлар бўйича дастлабки харажатлар тўғридан-тўғри фойда ёки зарар таркибида ҳисобга олинади. Бунга сабаб молиявий инструментларни энг яқин ҳисобот санасида ҳаққоний қийматда баҳоланганда дастлабки харажатлар фойда ва зарар таркибида тан олинishiдир. Молиявий актив дастлаб тан олингандан сўнг муайян гуруҳларга таснифланиши мумкин (1-чизма).

1-чизма

Молиявий инструментларни баҳолаш юзасидан таснифлаш



*Муаллиф ишланмаси.

Ташкилот молиявий активларни гуруҳларга таснифлаш учун бизнес моделдан фойдаланади. “Молиявий инструментлар” номли 9-сон МХХСга мувофиқ 3 та бизнес модел қайд этилган.

Биринчи бизнес модел молиявий активларни фақат асосий қарз суммаси тўловлари ва у бўйича фоизларни олиш мақсадида ушлаб туришни назарди


тутатди. Агар ташкилот ушбу моделни қўлласа унда молиявий активлар эффектив фоиз ставкаси усули бўйича амортизацияланган қиймат бўйича баҳоланиши мумкин. Бундай молиявий активларга қарз, савдо дебиторлик қарзи, шартномавий актив, молиявий ижара бўйича дебиторлик қарзи, қимматли қоғозларга инвестициялар мисол бўла олади.

Бироқ шуни алоҳида қайд этиш лозимки, мазкур молиявий активларни ташкилот сўндирилгунга қадар ушлаб туриш мажбурияти йўқ. Кредит рискининг ошиши натижасида ташкилот мазкур молиявий активларни сотиб юбориши мумкин. Бунда эффектив фоиз ставкасидан фойдаланиши лозим бўлади. Эффектив фоиз ставкаси бу келгуси пул маблағлари тушумларини(тўловини) молиявий актив(мажбурият)нинг ялпи баланс қийматига дисконтлайдиган ставкадир. Молиявий инструментни ялпи баланс қиймати унинг турли зарарлар бўйича баҳоланадиган резервга тузатилганга қадар амортизацияланган қиймати. Амортизацияланган қиймат молиявий активни харид қилиш ёки чиқариш билан боғлиқ харажатлар ҳисобга олинган дастлабки қийматга эффектив фоиз ставкаси усули бўйича ҳисобланган амортизацияни қўшиш асосий қарзни сўндиришга тўловлар ва зарарлар бўйича баҳоланган резервни чегириш орқали аниқланади [6].

Иккинчи бизнес модел молиявий активларни фақат асосий қарз суммаси тўловлари ва у бўйича фоизларни олиш ҳамда уларни сотиш мақсадида ушлаб туришни назарда тутати. Агар ташкилот мазкур моделдан фойдаланиладиган бўлса, у ҳолда молиявий активлар бошқа умумлашган даромад орқали ҳаққоний қиймат бўйича ҳисобга олиниши лозим. Яъни молиявий активлар ҳисобот санасига қайта баҳоланади ва қайта баҳолашдан тузатишлар хусусий капиталда акс этади. Бизнинг фикримизча мазкур бизнес моделдан тез-тез ва кўп ҳажмда молиявий активларни сотишни мақсад қилган ташкилотлар фойдалангани мақсадга мувофиқ (2-чизма).

2-чизма.

Иккинчи бизнес моделдан фойдаланишда ташкилот вазифалари*



*Муаллиф ишланмаси.

Учинчи бизнес моделда юқорида қайд этилган иккита бизнес модел

бўйича ҳисобга олинмайдиган молиявий активларни фойда ёки зарар орқали ҳаққоний қийматда ҳисобга олинади. Содда қилиб айтсак фақат сотиш мақсадида харид қилинган молиявий активлар ушбу модел орқали ҳисобга олинади, яъни молиявий инструментнинг ҳисобот санасидаги қийматининг ўзгариши фойда ёки зарарда акс этади.


Шундай қилиб, фойда ёки зарарлар орқали ҳаққоний қийматда ҳисобга олинмайдиган молиявий активларга қуйидагилар киради:

- савдо учун мўлжалланган молиявий активлар;
- улушли молиявий активлар;
- дериватив молиявий активлар.

Дериватив молиявий инструментларга тўхталиб ўтсак. Дериватив инструментларнинг хусусиятларга эга бўлган молиявий инструментлар қуйидаги 3-чизмада келтирилган.

3-чизма.

Дериватив инструментларнинг хусусиятлари



*Муаллиф ишланмаси.

Форвард, фьючерс бу товар, валюта ёки молиявий инструментни келгуси санада қатъий белгиланган нархда харид қилиш ёки сотиш бўйича шартномадир. Своп бу келажакда муайян даврда пул оқимларини айирбошлаш бўйича иккита контрагентлар ўртасидаги битимдир. Опцион келгусида қатъиян белгиланган нархда товарлар, валюта ёки молиявий инструментларни харид қилиш ёки сотиш ҳуқуқи. Ташкилотда молиявий актив ёки мажбурият аксарият актив ва мажбуриятлардан фарқли ўлароқ, дастлаб ҳаққоний қийматда ҳисобга олинади. Мазкур ҳолатни бир нечта мисолда кўриб чиқсак.

Биринчи ҳолат, муайян ташкилот «Юлдуз» ташкилотининг 1000 дона акциясининг хариди учун бошқа ташкилотга опцион сотмоқда. Бу молиявий мажбурият ҳисобланади, чунки мазкур акциялар сизнинг хусусий акцияларингиз эмас. Ушбу операция бухгалтерия ҳисобида олинмайдиган счётининг кўпайиши ва мажбуриятнинг (опцион) ҳам кўпайиши билан акс этади.

Иккинчи ҳолат, муайян ташкилот жами суммаси 1000 ш.б. бўлган

хусусий акцияларининг хариди учун бошқа ташкилотга опцион сотмоқда. Бу ҳам молиявий мажбуриятдир, зотан акциялар ташкилотга тегишли бўлса ҳам, уларнинг сони ўзгарувчандир. Сабаби, акцияларнинг муайян миқдори уларни беришдаги жорий нархига боғлиқдир. Унинг миқдори 1000 ш.б.ни бир дона акциянинг бозор қийматига нисбати сифатида аниқланади.

Учинчи ҳолатда, муайян ташкилот 1000 дона акциянинг хариди учун бошқа ташкилотга опцион сотмоқда. Бу улушли инструмент, чунки акциялар ташкилотнинг ўзига тегишли ва уларнинг миқдори қатъий белгиланган – 1000 дона.

Таъкидлаш жоизки, чет эл амалиётида таркибли молиявий инструментлар орқали пул маблағларини жалб қилиш кенг қўлланиладиган амалиёт ҳисобланади. Бироқ бу амалиёт акциядорларга маъқул келавермайди. Чунки, аксарият таркибли молиявий инструментлар акцияларга конвертация қилиниши мумкин. Бунинг натижасида қўшимча акциялар чиқарилади, ва ўз навбатида, амалдаги акциядорлар ушбу акцияларни харид қилмаса, унда уларнинг улуши мутаносиб равишда камаяди. «Молиявий инструментлар: тақдим этиш» номли 32-сон Бухгалтерия ҳисобининг халқаро стандарти ташкилот акциядорлари улушининг потенциал рискин камайишини кўрсатиш мақсадида таркибли молиявий инструментларни ҳисоб ва ҳисоботда тақдим этиш тартибини белгилайди. Халқаро стандартга мувофиқ таркибли молиявий инструментлар нодериватив молиявий инструмент ҳисобланиб, эмитент нуктаи назаридан, бир вақтнинг ўзида қарз компонентидан ҳамда улушли компонентдан иборатдир. Мазкур таърифдан кўриниб турибдики, бундай молиявий инструментга эга эмитент уни бухгалтерия ҳисобида фақатгина молиявий мажбуриятни ёки капитал сифатида акс эттира олмайди. 32-сон БҲҲС таркибли молиявий инструментларнинг алоҳида-алоҳида ҳисобини юритишни талаб этади. Бунинг учун эмитент қуйидагиларни амалга ошириши лозим:

таркибли молиявий инструментларнинг компонентларини аниқлаш;

мураккаб молиявий инструментнинг ҳаққоний қийматини аниқлаш. Аксарият ҳолларда ҳаққоний қийматни аниқлаш қийинчилик туғдирмайди, чунки битим бозор шартларида амалга оширилса, мураккаб молиявий инструментнинг қиймати унинг учун олинган пул маблағига тенг бўлади.

қарз компонентининг ҳаққоний қийматини аниқлаш. Қарз компонентининг ҳаққоний қиймати ўхшаш, акцияларга конвертация қилинмайдиган, мажбуриятни ифодаловчи молиявий инструментнинг ҳаққоний қиймати билан аниқланади. Мисол тариқасида конвертация қилинадиган қарз компоненти бўлган облигациянинг ҳаққоний қиймати бир хил параметрга (сўндириш муддати, купон ставкаси) эга, бироқ эмитентнинг акцияларига конвертация қилинмайдиган облигациясининг ҳаққоний қийматига тенгдир.

улушли компонентининг ҳаққоний қийматини аниқлаш. Улушли компонентнинг ҳаққоний қиймати мураккаб молиявий инструментнинг

хаққоний қийматидан қарз компонентининг ҳаққоний қийматини чегириш орқали аниқланади, яъни баланслаштирувчи суммадир.

Шундай қилиб, таркибли молиявий инструмент тан олинганда бухгалтерия ҳисобида қуйидаги ёзув амалга оширилади:

Дебет Пул маблағи

Кредит Мажбурият (конвертация қилинадиган облигация)

Кредит Акциядорлик капитали (конвертация қилинадиган облигация).

Агар эмитент таркибли молиявий инструментлар эмиссияси билан боғлиқ муайян харажатларни амалга оширса, ушбу харажатлар мутаносиб равишда қарз ва улушли компонентга тақсимланиши лозим.

Ушбу операциялар харидорнинг бухгалтерия ҳисобида акс эттирилишининг ўзига хос хусусиятлари мавжуд. Демак, таркибли молиявий инструмент харид қилганда, харидорда эмитентнинг акцияларини харид қилиш учун опцион ҳисобланган дериватив молиявий инструмент ва дебиторлик қарзи, яъни эмитентнинг облигацияларини харид қилиш учун тақдим этилган ссуда акс этади. Шундай қилиб, харидорда иккита актив юзага келади. Мазкур ҳолатда дериватив молиявий инструмент дастлаб опционнинг ҳаққоний қиймати бўйича баҳоланади.

Хулоса.

Молиявий инструментлар ташкилот молия хўжалик фаолиятида салмоқли ўринни ташкил этмоқда. Шу сабабли уларнинг бухгалтерия ҳисобини халқаро стандартлар талаблари асосида ташкил этиш бугунги куннинг долзарб вазифаларидан ҳисобланади. Мақола бўйича қуйидаги хулосаларга келдик.

1.Ваколатли органлар молиявий инструментларни ва уларнинг бухгалтерия ҳисобини тартибга солувчи қонунчилик ҳужжатларини қайта кўриб чиқиб, халқаро тажриба доирасигача етказиш бўйича чоратадбирларни кўриш лозим. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси фуқаролик кодекси, қимматли қоғозлар бозори соҳасидаги, инвестиция фаолияти, бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатларини халқаро стандартлар талабларига мувофиқлаштириш мақсадга мувофиқ.

2.Молиявий инструментларни бухгалтерияда тан олингандан сўнг молиявий ҳисоботда улар қийматидаги ўзгаришларни акс эттириш учун ташкилот раҳбариятининг истакларини инобатга олган ҳолда бизнес моделларни ички ҳужжатларда тасдиқлаб қўйиш лозим. Бунда ҳар бир янги шартнома асосида харид қилинган молиявий инструментлар гуруҳи бўйича алоҳида бизнес модели раҳбарият истагига кўра қўлланилиши мумкин.

3.Деравативлар одатда ташкилотни катта йўқотишлардан ҳимоялайдиган инструментлар ҳисобланиб, халқаро амалиётда хусусан, товар хом-ашё биржаларида, валюта биржаларида, қимматли қоғозлар фонд биржаларида кенг қўлланилади. Бизнинг мамлакатизда ҳам экспорт ва импорт билан шуғулланадиган ташкилотлар айнан шу инструментлардан фойдаланиши ва уларнинг ҳисобини ўрнатилган тартибда халқаро стандартлар асосида

ташкил этилиши молиявий ҳисоботга бўлган ишончнинг янанада ортишига олиб келади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Плотников В.С., Плотникова О.В. Оценка производных финансовых инструментов в бухгалтерском учете // Вектор науки ТГУ. 2012. № 2. – С. 183–187.
2. Попова Е.Е. Проблемы законодательного регулирования бухгалтерского учета и налогообложения производных финансовых инструментов // Вестник Самарского государственного экономического университета. 2013. № 7. – С. 89–94.
3. Jones J.C. Financial instruments: Historical cost v. fair value // The CPA Journal 58(8), 2011.
4. Laux C., Leuz C. The crisis of fair-value accounting: Making sense of the recent debate // Accounting, Organizations and Society, 34, 2009, – pp. 826–834.
5. Очилов, Ф. Ш. (2020). Мажбуриятлар ҳисоби ва аудитини такомиллаштириш. Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (Doctor of Philosophy) диссертацияси автореферати, 56.
6. «Молиявий инструментлар» номли 9-сон Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандарти. <https://lex.uz/uz/docs/6312360>

МОЛИЯВИЙ НАТИЖАЛАР КЎРСАТКИЧЛАРИНИНГ ИҚТИСОДИЙ МОҲИЯТИ



Эсанбоева Юлдуз Тўлқин қизи

*аудит кафедраси ассистенти
Тошкент давлат
иқтисодиёт университети*

*E-mail: yulduzesanboyeva1996@gmail.uz
ORCID 0009-0008-0995-9222*

Аннотация. Мазкур мақолада молиявий натижаларни ташкил қилувчи кўрсаткичлар, уларнинг мазмуни ва иқтисодий моҳияти ва ўзига хос хусусиятлари ёритиб берилган. Шунингдек, мақолада молиявий натижалар бухгалтерия ҳисоби ва аудитини юритишнинг муаммолари ҳамда уларни бартараф этиш йўллари келтирилган. Жумладан, молиявий натижалар бухгалтерия ҳисоби ва аудитини ўтказишнинг алгоритми ишлаб чиқилган.

Калит сўзлар. молиявий натижалар, бухгалтерия ҳисоби, молиявий натижалар кўрсаткичлари, молиявий натижаларнинг иқтисодий моҳияти.

ЭКОНОМИЧЕСКАЯ СУЩНОСТЬ ПОКАЗАТЕЛЕЙ ФИНАНСОВЫХ РЕЗУЛЬТАТОВ

Эсанбоева Юлдуз Тулқин қизи

*преподаватель кафедры аудита
Ташкентский государственный
экономический университет*

*E-mail: yulduzesanboyeva1996@gmail.uz
ORCID 0009-0008-0995-9222*

Аннотация. В статье исследуются показатели, составляющие экономическую сущность, специфику финансовых результатов. Также в статье подвергаются анализу проблемы учета и аудита финансовых результатов, определены пути их преодоления. В частности, разработан алгоритм учета и аудита финансовых результатов.

Ключевые слова. финансовые результаты, учет, показатели финансовых результатов, экономическая сущность финансовых результатов.

ECONOMIC NATURE OF FINANCIAL PERFORMANCE INDICATORS

Esanboyeva Yulduz Tolqin qizi

*teacher of the department audit
Tashkent State the University
of Economics*

*E-mail: yulduzesanboyeva1996@gmail.uz**ORCID 0009-0008-0995-9222*

Abstract. The article examines the indicators that constitute the economic essence and specificity of financial results. The article also analyzes the problems of accounting and auditing financial results and identifies ways to overcome them. In particular, an algorithm for accounting and auditing financial results has been developed.

Keywords: financial results, accounting, elements of financial results, the economic essence of financial results.

Кириш

Молиявий натижалар хўжалик юритувчи субъект фаолиятининг барча томонларини акс эттирувчи кўрсаткич бўлиб, унинг миқдорида маҳсулот ҳажми ва сифати, маҳсулот тури, таннарх даражаси ва бошқа бир қатор омиллар таъсир қилади. Ўз навбатида молиявий натижа корхонанинг ўз айланма маблағларига, тўлов қобилятига таъсирини ўтказмай қолмайди. Молиявий натижаларни ифодалаб берувчи кўрсаткич бўлиб фойда ва рентабеллик даражаси ҳисобланади. Ҳозирги вақтга келиб, фойданинг ўрни ва аҳамияти янада ортиб бормоқда. Чунки у хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини кенгайтириш, техник-технологик ривожланиш ва модернизация қилишнинг биргина манбаи бўлиб қолмоқда.

Ҳозирги кунда республикамызда иқтисодиётни ривожлантириш ва либераллаштириш шароитида иқтисодий ўсиш, макроиқтисодий ва молиявий барқарорликка эришишнинг асосий вазифалардан бири ҳисобланади. Хўжалик юритувчи субъектнинг молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботни аудиторлик текширувидан ўтказиш, унинг даражасини бошқа рақобатдошларининг олдида ошириш, ишлаб чиқариш ёки хизмат кўрсатиш соҳасидаги имкониятларини аниқлаш учун замин бўла олади. Корхона фаолиятининг энг асосий вазифаларидан бири бўлиб, уларнинг иқтисодий самарадорлигини ошириш ва молиявий барқарорлигини таъминлашдир. Бу эса, ўз навбатида, тадқиқотни долзарб мавзуга бағишланганлигидан далолат беради.

Таҳлил ва натижалар

Жаҳон андозаларини ўрганиш ва уларнинг ичидан муваффақиятли кечган, иқтисодий менежментнинг энг муносибларини олиш билан бир қаторда ўз ёндашувига асосланган яқка тартибдаги бир ёлни ишлаб чиқиш зарурияти пайдо бўлаётган, иқтисодиётни янада ривожлантириш шароитида корхоналар фаолиятини аудиторлик текшируви натижалари асосида уларнинг молиявий ҳолатига баҳо берилади. Ўз навбатида молиявий барқарорлигини таъминлаш бўйича амалий тавсиялар ишлаб чиқилади.

Корхона молиявий-хўжалик фаолиятининг асосий кўрсаткичи ҳисобот даврида хусусий капитал қийматининг ўсиши (камайтиши)ни ўзида акс эттирувчи молиявий натижа ҳисобланади. Шу боисдан хўжалик юритувчи

субъектда иқтисодий самарага эришиш, уни ривожлантиришдаги муҳим вазифа корхонанинг операцион, молиявий ва инвестиция фаолиятида раҳбарият томонидан даромадлар ва харажатларни самарали бошқариш усуллари эгаллаши зарур бўлади.

Фойда шаклланишини самарали бошқариш бошқарув жараёнининг ташкилий-услубий тизимини барпо этиш, фойда шаклланишининг асосий механизмларини билиш, уни таҳлил ва назорат қилишда замонавий усуллардан фойдаланишни кўзда тутати. Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот шаклланишининг муҳим жиҳати унда акс эттириладиган фойдаланувчилар эҳтиёжини қондиришга мўлжалланган кўрсаткичларнинг миқдоридир. Ушбу кўрсаткичлар миқдорининг кўпайиши фойдаланувчиларга кўпроқ маълумот беради, шу билан биргаликда уларнинг юзага келиш шартлари очиқ берилади. Кўрсаткичлар миқдорининг камайиши уларни ўқишга қулай бўлади, аммо камроқ ахборот бериб, фойда ва зарарларнинг шаклланиш шартларини тўлиқ очиқ бермайди.

Бугунги кунда ахборотлар шаффофлиги ва барча учун мақбуллигига эътибор қаратилмоқда. Шу боисдан молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот тузилиши фаолият турлари бўйича даромад ва харажатларнинг таснифланишига асосланади. Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот кўрсаткичлари шаклланишига бўлган ушбу ёндашув барча ривожланган мамлакатлар учун характерлидир. Аммо ҳисобот шаклланишидаги асосий масала тақдим этиладиган кўрсаткичларнинг ҳажмидир.

“Даромад” ва “харажат” категориялари бухгалтерия ҳисобининг фундаментал тушунчалари ҳисобланади. Ушбу категориялар корхонанинг асосий мақсадига эришиш, молиявий натижаларни максималлаштириш ва ҳисоботдан фойдаланувчиларга бошқарув ва иқтисодий қарорлар қабул қилишда муҳим аҳамиятга эга. Даромад ва харажатларни бухгалтерия ҳисобида акс эттиришнинг асосий вазифаси уларнинг миқдорини аниқлашдир.

Даромад ва харажатлар миқдорини баҳолашнинг ҳолислиги ва ҳаққонийлигига ҳўжалик битимларининг ноаниқлиги ўз таъсирини ўтказди. Бу эса даромад ва харажатларни тан олиш вақти билан ҳисобот даврлари ўртасида даромад ва харажатлар ҳақидаги ҳисоб ахборотини тақсимлашга боғлиқлиги билан ифодаланади. Шунинг таъкидлаш жоизки, “даромад” ва “харажат” категориялари фақатгина бухгалтерия ҳисобида эмас, балки бутун ташкилотни бошқаришда ҳам муҳим рол ўйнайди.

Демак, келгуси давр харажатларининг мавжудлиги ҳисоботнинг ишончлилигини инкор этмайди. Шу боисдан молиявий ҳисоботнинг тушунтириш хатида келгуси давр харажатларининг таркиби ва уларни ҳисобдан чиқариш тартиби ҳақида ахборот бериш мақсадга мувофиқдир. Бу эса, ҳисоботдан фойдаланувчиларни фойдали ва ишончли ахборот билан таъминлайди. Юқоридагилардан келиб чиқиб шуни хулоса қилиш мумкинки, бухгалтерия ҳисобида ҳисобот даври даромад ва харажатларининг мувофиқлиги ва эҳтиёкорлик тамойилларига амал қилиш молиявий

натижалар ҳисобини такомиллаштиришда муҳим ўрин тутди.

Аудитор хўжалик субъектларида молиявий ва у билан боғлиқ бўлган бошқа ҳисоботлар юзасидан ўтказилган аудиторлик текшируви натижалари сифатини оширишда таҳлилий амаллардан самарали фойдаланиш лозим. Бу аудиторнинг текшируви давомида юзага келиши мумкин бўлган хавфларни камайиши ва ёки юзага келмаслигини олдини олади. 520-сонли АХС “Таҳлилий амаллар” номли стандартда, аудитор томонидан олинган маълумотларни таҳлил қилиш ва баҳолаш, ғайриоддий ва бухгалтерия ҳисобида нотўғри акс эттирилган хўжалик фаолияти фактларини аниқлаш, ҳамда бундай хатолар ва чалкашликлар-нинг сабабларини аниқлаш мақсадида текширилаётган хўжалик юритувчи субъектнинг муҳим молиявий ва иқтисодий кўрсаткичларини ўрганиш таҳлилий амаллар эканлиги батафсил баён қилинган.

Молиявий натижаларни таҳлил қилишнинг аҳамияти, мазмуни ва вазифалари қуйидагилардан ташкил топган бўлиб, улар умумий молиявий натижалар, уларнинг таҳлилнинг ахборот манбалари таркиби ва тузилишини таҳлили демакдир.

Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботни ўқиш, вертикал таҳлил, горизонтал таҳлил, трендли таҳлил ва кўрсаткичларни аниқлаш усулларида олиб борилади.


- Вертикал таҳлилда молиявий натижаларнинг шаклланишини бир қаторли ва кўп қаторли усулларида ўзаро фарқланишларга ва нисбий ўзгаришлар баҳо берилади.

- Горизонтал таҳлилида еса молиявий натижаляминг бо йламасига. таркибланиши ва уларнинг о згаришлари ўрганилади.

- Тренд таҳлилида молиявий патижалар ва уларнинг йиллар бўйича ўзгариши, динамикаси ёки асос йилига нисбатан ўзгаришларига баҳо берилади.

1-жадвал.

**Молиявий натижаларни ифодаловчи кўрсаткичларнинг
бир-бирига боғлиқлиги***



*Муаллиф томонидан илмий манбаларга асосан яратилган.

Хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий натижаларини таҳлил

этишда молиявий таҳлилнинг энг асосий вазифалари:

- хўжалик юритувчи субъектларнинг фойдалилик даражасига баҳо бериш;
- хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий натижаларини таркиби, тузилиши ва динамик ўзгаришларига баҳо бериш;
- бизнес режада белгиланган фойдалилик даражасига эришилганлиги ва унга таъсир этган омилларни ўрганиш ҳамда баҳо бериш;
- фойданинг шаклланиши ва ишлатилишининг асосланганлигини текшириш;
- фойданинг кўпайган ёки камайганлигига маҳсулот (иш, хизмат)лар сотишдан ва бошга фаолиятлардан эришилган натижанинг таъсир этишини аниқлаш;

Хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий натижаларини таҳлил этишда молиявий таҳлилнинг энг асосий вазифалари :

- хўжалик юритувчи субъектларнинг ялпи фойдаси ва унга таъсир этувчи омилларга баҳо бериш;
- солиққа тортилгунга қадар бўлган фойданинг шаклланишига ва унга таъсир этувчи омилларга баҳо бериш;
- хўжалик юритувчи субъектларнинг соф фойдаси ва унга таъсир этувчи омилларни ўрганиш ҳамда баҳо бериш;
- соф фойдани кўпайтириш йўналишларини белгилаб бериш;
- хўжалик юритувчи субъектларнинг рентабеллик кўрсаткичларини ўрганиш ва уларга таъсир этувчи омилларга баҳо бериш;
- хўжалик юритувчи субъектларнинг умумий рентабеллик даражасини ошириш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш ва ҳакозолар.

Хулоса

Молиявий натижаларни ташкил қилувчи кўрсаткичларб уларнинг мазмуни ва иқтисодий моҳияти фойдаланиш бўйича олиб борилган мулоҳаза ва таҳлиллар натижасида қуйидаги якуний хулосаларга келишимиз мумкин:

1. Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларида келтирилган молиявий ҳисоботни тайёрлаш ва тақдим қилишнинг концепциясида молиявий ҳисоботни ташкил қилувчи кўрсаткичлар, уларнинг мазмуни ва иқтисодий моҳиятини ўрганиб чиқиш натижасида молиявий натижаларнинг тайёрланиши, ҳисоботнинг мазмунига ва ва сифатлилик даражасига таъсир қилади.

2. Хўжалик юритувчи субъектлар фаолияти тўғрисидаги аниқ ва шаффоф ахборотни шаклланиши самарали ҳисоб жараёнини тузиш ва зарурий инфратузилмани яратиш йўли унинг келгуси тараққиётининг омили бўлиб ҳисобланади.

3. Молиявий ҳисоботларда моддаларни тақдим қилиниши ва уларнинг таснифи бир даврдан иккинчи даврда сақланиши лозим (тақдим қилишнинг кетмакетлиги). Корхона молиявий ҳисоботларни тақдим қилишда усулларга

ўзгартириш киритиши керак бўлади, агарда ўзгарган таркиб эҳтимол тўлиқ сақланилса ёки муқобил кўринишда тақдим қилишдан олинadиган наф муқаррар бўлиши кўриб чиқилди.

Умуман олганда молиявий натижаларни ташкил қилувчи кўрсаткичлар, уларнинг мазмуни ва иқтисодий моҳияти фойдаланиш корхона фаолиятида ва аудиторлик текширувида фойдаланишнинг устувор жиҳатлари мавжудлиги аудиторлик текширувининг ишончлилик даражасини оширади ва бу молиявий ҳисоботнинг мукамаллигининг кафолати бўлиб хизмат қилади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикасининг 25.02.2021 й. ЎРҚ-677-сон "Аудиторлик фаолияти тўғрисида"ги Қонуни <https://lex.uz/uz/docs/5307886>
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 19.09.2018 й. ПҚ-3946-сон "Ўзбекистон Республикасида аудиторлик фаолиятини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори Ўзбекистон Республикаси Президентининг 04.08.2021 й. ПҚ-5210-сон "Аудиторларни сертификатлаштириш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарори Ўзбекистон Республикаси Президентининг 28.01.2022 й. ПФ-60-сон "2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида"ги Фармони.
5. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қўллаш учун аудитнинг халқаро стандартларини тан олиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 11.04.2022 йилдаги 171-сон қарори. <https://lex.uz/uz/docs/5952173>
6. Молия вазирининг 24.09.2021 й. 56-сон "Аудиторнинг малака сертификатини малака имтиҳонини топширмасдан бериш ва муддатини узайтириш учун асос бўладиган бухгалтерларнинг халқаро сертификатлари рўйхатини тасдиқлаш тўғрисида"ги Буйруғи (АВ томонидан 29.09.2021 й. 3321-сон билан рўйхатга олинган)
7. Сифат назорати, аудит, кўриб чиқиш, бошқа ишонч билдириш ва турдош хизматларнинг халқаро стандартлари. Таржима УБАМА 2014.
8. Кеворкова Ж.А. Международные стандарты аудита. - М.: Юрайт. 2016. -458 с.

Интернет сайтлари:

https://www.abbreviationfinder.org/ru/acronyms/sox_sarbanes-oxley-act-of-2002.html

<http://base.garant.ru/71364274/>

<https://www.ifiar.org/>

<https://www.frc.org.uk/>

https://www.ifac.org/system/files/meetings/files/6086_0.pdf

ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ХАРАЖАТЛАРИНИНГ СТРАТЕГИК БОШҚАРУВ ҲИСОБИНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ

Норматова Гулмира Хайруллаевна



*мустақил изланувчи
Тошкент давлат
иқтисодиёт университети
E-mail: n-gulmira-x@mail.ru
ORCID: 0009-0008-2748-0696*

Аннотация. Мақолада хўжалик юритувчи субъектларда тугалланмаган ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлган харажатларни ҳисобга олиш ва унинг стратегик бошқарув ҳисобини ташкил қилиш йўналишлари, хорижий ва Республикамиз иқтисодчи олимларининг бу борада олиб борган тадқиқот ишлари ўрганилган. Шунингдек, хорижлик ва мамлакатимиз олимларининг маҳсулотлар таннархини ҳисобга олиш ва унинг стратегик бошқарув ҳисобини ташкил қилишнинг назарий ва услубий жиҳатларини ўрганиш борасидаги қарашлари умумлаштирилган. Мақолада хўжалик юритувчи субъектларда тугалланмаган ишлаб чиқариш харажатларининг стратегик бошқарув ҳисобини ташкил қилиш бўйича тавсиялар берилган.

Калит сўзлар: ишлаб чиқариш харажатлари, маҳсулот таннархи, устама харажатлар, стратегик бошқарув ҳисоби, харажатларни ҳисобга олиш усуллари, тугалланмаган ишлаб чиқариш.

ОРГАНИЗАЦИЯ СТРАТЕГИЧЕСКОГО УПРАВЛЕНЧЕСКОГО УЧЕТА ПРОИЗВОДСТВЕННЫХ ЗАТРАТ

Норматова Гулмира Хайруллаевна

*самостоятельный соискатель
Ташкентского государственного
экономического университета
E-mail: n-gulmira-x@mail.ru
ORCID: 0009-0008-2748-0696*

Аннотация. В статье рассматриваются способы учета расходов незавершенного производства в хозяйствующих субъектах и организации его стратегического управленческого учета, а также исследования, проводимые зарубежными и отечественными экономистами в этом направлении. Обобщены различные подходы зарубежных и отечественных ученых по исследованию теоретических и методологических аспектов расчета себестоимости продукции и организации ее стратегического управленческого учета. В статье даны рекомендации по организации стратегического управленческого учета затрат незавершенного производства в хозяйствующих субъектах.

Ключевые слова: производственные расходы, себестоимость продукции, накладные расходы, стратегический управленческий учет, методы учета затрат, незавершенное производство.

ORGANIZATION OF STRATEGIC MANAGEMENT ACCOUNTING PRODUCTION COSTS

Normatova Gulmira Xayrullaevna

*Independent researcher of
Tashkent state economic university*

E-mail: n-gulmira-x@mail.ru

ORCID: 0009-0008-2748-0696

Abstract. The article examines the ways of taking into account the expenses related to unfinished production in economic entities and organizing its strategic management account, as well as the research conducted by foreign and our republican economists in this regard. Also, the views of foreign and our country's scientists on the study of the theoretical and methodological aspects of the calculation of the cost of products and the organization of its strategic management account are summarized. The article provides recommendations on the organization of strategic management accounting of work-in-progress costs in economic entities.

Keywords: production costs, production costs, overhead costs, strategic management accounting, cost accounting methods, work in progress.

Кириш

Глобаллашув жараёни ҳамда унинг натижасида жаҳон бўйича ички ҳамда ташқи бозорда тобора кескинлашиб бораётган рақобат муҳити хўжалик юритувчи субъектлардан узоқ муддатга мўлжалланган стратегик ривожланиш йўналишлари ва кўрсаткичларини белгилаб олишни талаб қилмоқда. Чунки, ривожланган бозор муносабатларига эга мамлакатларда мазкур тадбир “...компаниялар мувафақиятининг асосий омили бўлиб, стратегик аҳамиятга эга бўлган тезкор ва ишончли маълумотларни олиш ҳамда муҳим бошқарув қарорларини қабул қилиш имкониятини яратиб келмоқда” [1].

Рақобат муҳити кескинлашиб бораётган глобаллашув шароитида хўжалик юритувчи субъектнинг рақобатбордошлигини таъминлашнинг энг муҳим омили – харажатларнинг стратегик бошқарув ҳисобини самарали тазда ташкил қилишдир. Бу вазифани унинг замонавий ва инновацион усуллари кўллამасдан бажариб бўлмаслиги ҳам, бизнинг фикримизча, аксиомодир. Шу борада алоҳида таъкидлаш жоизки, айни ҳозирги пайтда, саноат корхоналари учун тармоқлараро рақобат кучайиб бораётганлиги сабабли, маҳсулотларни ишлаб чиқариш харажатлари ҳамда таннархни аниқ ва тўғри микдорида аниқлаш эмас, балки келгусида вужудга келиши мумкин бўлган асоссиз харажатларнинг олдини олиш вазифаси тобора долзарб бўлиб бормоқда.

Айниқса хўжалик юритувчи субъектларда ишлаб чиқарилаётган маҳсулот (иш, хизмат)нинг харажат ва таннархини тўғри ҳисоблаш, ишлаб чиқариш занжиридаги муаммолари масала ҳисобланадиган тугалланмаган ишлаб чиқариш харажатларини ҳисобга олишнинг замонавий усулларида фойдаланган ҳолда унинг стратегик бошқарув ҳисобини ташкил қилиш масаласи долзарб бўлиб турибди.

Адабиётлар шарҳи

Эътироф этиш жоизки маҳсулотларни ишлаб чиқариш харажатларининг умумметодологик масалаларини А.Апчерч, Е.Аткинсон, Р.Банкер, П.Бюер, К.Друри, К.Уорд, Ч.Хорнгренлар ўзларининг илмий ишларида батафсил талқин қилишган [1, 3, 10].

МДХ давлатлари иқтисодчи олимларидан В.Б.Ишавкевич, В.Е.Керимов, И.Г.Кондратова, В.Ф.Палий томонидан ҳам корхоналарда бошқарув ҳисобини харажатлар асосида ташкил қилиш, харажатларнинг бошқарув ҳисобида қўлланиладиган калькуляция усуллари янада такомиллаштириш ҳамда бошқарув ҳисобида бюджетлаштириш масалаларига алоҳида эътибор қаратишган [2, 3].

Ўзбекистонлик иқтисодчи олимлардан А.А.Абдуғаниев, Н.Б.Абдусаламова, У.У.Костаев, А.Х.Пардаев, Б.А.Хасанов, А.А.Хашимов, И.К.Ғиёсовларнинг илмий ишларида харажатларни миллий иқтисодиётимиз хусусиятларидан келиб чиқиб ташкил қилиш ҳамда унинг бошқарув ва стратегик бошқарув ҳисобини ташкил этишнинг умумий масалалари талқин қилинган [6-12].

Ҳозирги пайтда жаҳон амалиётида харажатларнинг стратегик бошқарув ҳисобини ташкил қилиш ва юритишнинг учта устувор йўналишлари қўлланилмоқда [9]:

1. Қиймат занжирини шакллантириш орқали корхона фаолияти йўналиши (М.Портер);
2. Маҳсулот ҳаракати давомида харажатларнинг ўсиб бориши йўналиши (Б.Райан);
3. Харажатларни стратегик бошқариш йўналиши (Дж.Шанк ва В.Говиндараджан).

Бунда, харажатларнинг стратегик бошқарув ҳисобини ташкил қилиш куйидаги муҳим тамойилларга асосланади [9]:

- харажатларни стратегик бошқариш механизмларидан фойдаланиш;
- корхона фаолияти йўналишлари бўйича қиймат занжирини шакллантириш;
- маҳсулот ҳаракати давомида харажатларнинг ўсиб бориши тўғрисида ахборотни шакллантириш;
- қарорлар қабул қилиш учун маҳсулотнинг бутун ҳаракатини кузатиб бориш тамойилидан фойдаланиш.

Қиймат занжирини шакллантириш концепцияси М.Портер томонидан ишлаб чиқилган бўлиб, унинг асосида корхоналарнинг фаолиятларини

асосий ва ёрдамчи гуруҳларга бўлиш тамойили ётади [9, 10, 11].

Маҳаллий иқтисодчи олимларимиз А.Х.Пардаев ва У.У.Костаевлар хўжалик юритувчи субъектларда стратегик бошқарув ҳисобини самарали ташкил қилиш мақсадида уларнинг фаолиятлари йўналишларини – асосий ва ёрдамчи йўналишга бўлишни тавсия этишган [9, 10, 11].

Асосий фаолият йўналишларини қуйидаги бўғинлар бўйича ҳисобга олишни тавсия этишган: маҳсулотни ишлаб чиқариш; ишлаб чиқилган маҳсулотни истеъмолчига етказишга тайёрлаш; маркетинг (маҳсулотни сотиш); сервис ва хизмат кўрсатиш. Юқорида қайд қилинган ана шу фаолият йўналишларининг ҳар бири маълум бир харажатлар орқали амалга оширилади.

Таҳлил ва натижалар

Ҳозирги глобаллашув шароитида ички ва ташқи бозорда рақобат муҳитининг тобора кескинлашиб бориши сабабли, таннархни аниқ ва тўғри миқдорида аниқлаш эмас, балки келгусида вужудга келиши мумкин бўлган асоссиз харажатларнинг олдини олиш вазифаси тобора долзарб бўлиб бормоқда. Ушбу муаммони ҳал қилиш усулларида бири сифатида XX аср бошларида АҚШ ва Европада пайдо бўлган, моҳиятан ҳақиқий харажатлар миқдорини олдиндан белгиланган меъёрлар (стандартлар) билан таққослаш ва харажатларни оғишлар бўйича бошқаришга асосланган Standard Costing тизимидир. Бу усулнинг амалиётга жорий этилиши кераксиз харажатларнинг олдини олиш имконини берди. Шунинг таъкидлаш керакки, меъёрий харажатларни аниқлаш усули Ф.Тейлор томонидан “Илмий бошқарув тамойиллари” асарида таклиф қилинган. Ишлаб чиқаришни бошқариш тарафдорлари меҳнат ва моддий ресурслардан фойдаланишнинг ягона энг яхши усулини аниқлаш учун стандартлардан фойдаланганлар, лекин уларни харажатларни назорат қилиш воситаси сифатида кўришмаган. Тахминан ана шу вақтнинг ўзида илмий бошқарувнинг стандартларни белгилаш усуллари такомиллашгани сабабли, харажатларни назорат қилиш стандартларидан фойдаланиш бўйича қатор мақолалар нашр этилди (Лонгмур, 1902; Керри, 1903; Витмур, 1908). 1911-йилда Ж.Харрисон биринчи бўлиб харажатларнинг меъёрларини (стандартларини) белгилаш ва вужудга келадиган оғишларни (четланишларни) бошқаришнинг тўлиқ тизимини ишлаб чиқди ва амалиётга жорий қилди. Х.Эмерсоннинг фикрича, стандартлар тўғрисидаги маълумотлар менежерларга оғишларни бошқариладиган ва бошқарилмайдиганларга бўлиш имкониятини беради. Бу тизимдан АҚШ ва Ғарбий Европанинг саноат корхоналари кенг фойдалана бошлашди.

1936 йилда Ж.Харрисон таннархни ҳисобга олишни бевосита тўғридан-тўғри ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлган харажатлар кесимида ҳисоблаш концепциясини илгари сурган (Direct Costing усули) ҳамда амалиётда шу усулнинг ишлаш механизмининг кўрсатиб берган. Бу эса устама (билвосита ёки эгри ва ш.к.) харажатларни маҳсулот турлари бўйича тақсимлаш заруриятини

бартараф этди. Direct Costing усули 1960-йилларнинг ўрталарига келиб амалиётда ўзининг кучли ўрнига эга бўлди. Ж.Харрисон ҳар хил турдаги харажатлар ишлаб чиқариш жараёни билан турлича боғлиқлигини ва шунинг учун асосий кўрсаткичлар бўлган фойда ва маҳсулот рентабеллигига улар турли хилда таъсир қилиши мумкинлигини кўрсатди. Унинг бу мушоҳадаси натижасида харажатларни бошқаришда бу бир қанча калькуляция тизимларининг яратилди. Улардан бири – Absorbtion Costing усули.

Absorbtion Costing усули барча харажатларни сотилган маҳсулот ва омбордаги қолдиқ ўртасида тақсимлаш орқали ишлаб чиқариш таннархини ҳисоблашни назарда тутди. Бу усулда, тўғри (бевосита) харажатлар маҳсулотнинг маълум турларига, эгри (билвосита, устама ва ш.к) харажатлар эса маҳсулот турлари ёки харажатлар марказлари бўйича ягона анъанавий тарзда қабул қилинган қўшимча харажатлар ставкалари бўйича тақсимланади. Билвосита харажатларни тақсимлашнинг бундай соддалаштирилган тизими 20-асрнинг бошларида ишлаб чиқилган бўлиб, унинг моҳияти - қўллашнинг қулайлиги, лекин шу билан бир қаторда аниқлигининг паст даражада бўлиши, хатоларнинг юқори даражада вужудга келиши билан ифодаланади. Ушбу тизим умумий харажатлар миқдорида билвосита харажатлар улуши унча катта бўлмаган ҳолатларда самарали ҳисобланади.

Direct Costing хўжалик юритувчи субъектнинг умумий харажатларини доимий ва ўзгарувчан харажатларга бўлиш асосида амалга оширилади. Фақат охиргиси, яъни ўзгарувчан харажатлар миқдори ишлаб чиқариш таннархига киритилади. Доимий харажатлар миқдори эса бевосита молиявий натижалар миқдоридан чегириш орқали ҳисобдан чиқарилади. Харажатларни бошқаришда Direct Costing усулидан фойдаланиш - бу маржинал даромадни (сотишдан тушган тушум миқдоридан, яъни даромад ҳажмидан ўзгарувчан харажатларни чегириб ташлагандан кейин қоладиган миқдор) бошқариш деб ҳам аталади. Шундай қилиб, маржинал даромад - бошқарув қарорларини қабул қилишда бизнес рентабеллигини аниқлашнинг асосий кўрсаткичидир. Direct Costingнинг муҳим хусусияти шундаки, унинг ёрдамида харажатлар (харажат), ишлаб чиқариш ҳажми ва фойда ўртасидаги боғлиқлик ва ўзаро боғлиқликни ўрганиш, тезкор ва жараёнли таҳлилни қилиш мумкин.

Иқтисодий тараққиёт, узлуксиз тарзда, харажатларни ҳисобга олиш усулларининг замонга ҳамоҳанг тарзда такомиллашиб бориш заруриятни кўйиб келмоқда.

Шунга мувофиқ тарзда яна бир усул – Функционал калькуляция тизими (ABC - Activity Based Costing – Фаолият йўналишлари бўйича харажатларни ҳисоблаш) вужудга келди. Бу усул харажатларни улар вужудга келадиган жойлар бўйича ҳисобга олишга асосланади. Бу усулни амалиётда одатда, масъулият марказлари бўйича харажатларни ҳисоблаш усули деб ҳам аташади. Бу усулдан амалиётда фойдаланиш жуда қимматга тушади, лекин юқори аниқлик даражасига эга ва харажатларни ҳисоблаш хатолари билан боғлиқ харажатларни камайтиради. Ушбу тизим билвосита харажатларнинг

улуши юқори бўлган саноат корхоналари учун қўлланилади, уларнинг маҳсулотлари турли нисбатларда ташкилий ресурсларни талаб қилади. Бундай ҳолда, кўпинча икки босқичли жараён қўлланилади: биринчи босқичда билвосита харажатлар харажатлар марказларига тақсимланади; иккинчидан, масъулият марказларида тўпланган харажатлар тегишли асослар (мезонлар, тақсимлаш асослари ва ш.к.) бўйича маҳсулот турлари бўйича тақсимланади.

Standard Costing ҳамда ABC – Aktivitiy Based Costing усулларини қўллаш натижасида, баҳони белгилаш ва солиққа тортиш учун базавий кўрсаткич ҳисобланадиган, тўлиқ таннарх миқдори аниқланади.

Кейинчалик, ана шу иккита усул Р.Д.Мс-Илхаттан, Р.А.Хауэлл ва С.Р.Соуслар таклифи ва илмий хулосалари натижалари асосида бирлаштирилган ҳолда “Sistem in time (SIT)” усули деб, ишлатилиб бошланди. Ушбу олимларнинг таклифлари моҳияти, харажатларни бошқариш бевосита ишлаб чиқаришнинг якуний маҳсулотига эмас, балки ишлаб чиқариш жараёнининг ўзига қаратилган бўлади.

Йигирманчи аср ўрталарида харажатларни бошқаришда принципаал янги йўналиш яратилди. Хусусан, 1963 йилда С.Девидсон томонидан стратегиянинг роли ортиши муносабати объектив заруриятга айланган харажатларни стратегик бошқаришга асос солган мақола ёзилди. Замонавий бизнес жуда динамик бўлиб, бу фан ва амалиётдан харажатларни бошқариш усуллари ва усулларини доимий равишда такомиллаштиришни талаб қилади, чунки кеча доимо муваффақият ва барқарор фойда келтирган нарса бугундан шубҳаланиши мумкин, эртага эса рақобатдош устунликнинг йўқолишига олиб келади. Бу тушунча К. Друри (Бошқарув ва ишлаб чиқариш ҳисоби, 2002) ҳамда Д. К. Шанк ва В. Говинда Ражан (Харажатларни стратегик бошқариш, 1999) асарларида тўлиқ ифодаланган. Айнан Д. К. Шанк ва В. Говинда Ражан асарларида харажатларнинг бошқариш ҳисобини ташкил қилишда қуйидаги 3 та усулдан фойдаланиш таклиф этилган:

- қиймат занжирини таҳлил қилиш;
- стратегик йўналишларни таҳлил қилиш;
- харажатларни шакллантирувчи омилларни таҳлил қилиш.

Олиб борилган илмий тадқиқот натижалари кўрсатадики, деярлик барча иқтисодчи олимлар харажатларни стратегик бошқаришнинг асосий мақсади сифатида - хўжалик юритувчи субъект томонидан замонавий бизнесда барқарор рақобатдош устунликка эришишни, эътироф этишади.

Харажатларни жорий бошқариш ва харажатларни стратегик бошқариш ўртасидаги фарқ хўжалик юритувчи субъектнинг ўзига хос хусусиятларини акс эттириш қобилиятидир. Вазиятни баҳолайдиган ва қарор қабул қиладиган раҳбар буларнинг ҳар бирига хос хусусиятларни ҳисобга оладиган маълумотларга эга бўлиши керак. Шу мақсадда харажатларни жорий бошқаришда кўшимча счётлар ва субсчётлар кенг қўлланилади. Харажатларни жорий бошқаришнинг ўзига хос хусусияти нафақат иқтисодий фаолиятнинг амалга содир этилган кўрсаткич ҳамда омилларини, балки

кутилганларини ҳам акс эттириш қобилиятидир. Бу давр бошланишидан олдин натижаларни белгилаш ва давр охирида прогнозни ҳақиқат билан таққослаш имконини беради, бюджет ижросини таҳлил қилиш, четланиш сабабларини аниқлаш, жойини аниқлаш, вужудга келган бўлган оғишларни ҳисобга олиш ва вазиятни яхшилаш чораларини кўриш имконини беради.

Миллий амалиётимизда товар-моддий захиралари таркибидаги “тугалланмаган ишлаб чиқариш харажатлари”нинг стратегик бошқарув ҳисобини ташкил қилишдаги энг катта муаммоларидан бири, бу ишлаб чиқарилаётган маҳсулот танннархини аниқлашда “умумишлаб чиқариш харажатлари” миқдорини аниқ ҳисобга олиш, аниқроғи, мана шу харажатлар миқдорини ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар турига тўғри тақсимлаш масаласидир. Бу масала хўжалик юритувчи субъект ўзининг стратегик мақсадларига эришиш йўлида молиявий-иқтисодий кўрсаткичларининг истиқболли параметрлари миқдорини белгилашда ва, айниқса ана шу кўрсаткичларинг бажарилиши ҳисобини олиб боришда дастлаб кичик миқдорда бўлган хатоликлар истиқболда катта ҳажмдаги “муаммалар”ни вужудга келтириб чиқариши, муқаррардир. Шу туфайли илмий тадқиқотларимизда умумишлаб чиқариш харажатларини ишлаб чиқарилаётган маҳсулот турлари бўйича тақсимлаш, пировард натижада ишлаб чиқарилаётган маҳсулот танннархини тўғри аниқлаш масаласини алоҳида тадқиқ этишни, мақсадга мувофиқ деб ҳисобладик.

Умумишлаб чиқариш харажатлари иқтисодчи олимлар, шунингдек амалиётчилар ўртасида ҳам турли хил номланади, хусусан “умумишлаб чиқариш харажатлари”, “устама харажатлар”, “қўшимча харажатлар”, “иккиламчи харажатлар” ва шу каби тарзда. Лекин, эътироф этиш жоизки, мазмунан барча талқинларда айнан умумишлаб чиқариш харажатлари тушунилади. Шу муносабат билан уни айнан “умумишлаб чиқариш харажатлари” деб талқин қилиш фикримизча, ҳар тарафлама қулай ва тушунарлидир.

Даставвал, фикримизча, тугалланмаган ишлаб чиқариш харажатларининг стратегик бошқарув ҳисобини ташкил қилиш ва уни самарали тарзда юритиш мақсадида умумишлаб чиқариш харажатларининг таснифланиши борасида йўналишни аниқлаб олиш керак бўлади. Миллий амалиётимизда умумишлаб чиқариш харажатларини таснифлашда БҲМС талабларига мувофиқ уларни қуйидагича гуруҳларда ҳисобга олиш қабул қилинган:

1. Ишлаб чиқаришда банд бўлган асосий воситалар (бино, жиҳозлар, транспорт воситалари, технологик узатгичлар ва шу кабилар) амортизацияси;
2. Ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун сарфланаётган коммунал харажатлар (иситиш-совутиш харажатлари, электроэнергия, сув таъминоти ва шу кабилар);
3. Ёрдамчи материаллар (ювиш-артиш материаллари, ёглаш-мойлаш харажатлари, ювиш воситалари сарфи, фурнитура ва шу кабилар);
4. Ёрдамчи меҳнат харажатлари (ишлаб чиқаришдаги омборларда

ишлаётган ишчиларнинг, техник хизмат кўрсатувчи ходимларнинг, ишлаб чиқаришдаги хоналарга хизмат қилаётган фаррошларнинг иш ҳақлари ва шу кабилар).

5. Бошқа харажатлар.

Умумишлаб чиқариш харажатларини ҳисобга олиш мақсадида БҲМС бўйича таснифланаётган кўриниши МҲХС талабларига ҳам деярлик мос келади ва шунинг учун ҳам ишлаб чиқариш харажатларининг стратегик бошқарув ҳисобини ташкил қилиш ва юритишда мана шу тасниф белгиларини ўзгаришсиз қабул қилиш биринчидан оптимал ёндошув бўлади ва иккинчидан ортиқча ҳисоб-китоблар заруриятини келтириб чиқармайди.

Олиб борилган илмий тадқиқотлар натижаси кўрсатадики, кейинги муҳим масала ва ягона ёндошувни талаб қилаётган омил – бу умумишлаб чиқариш харажатларини ишлаб чиқарилаётган маҳсулот таннархига олиб бориш, яъни уни маҳсулот турлари бўйича тақсимлаш масаласидир. Миллий амалиётимизда, яъни хўжалик юритувчи субъектлар ишлаб чиқарилаётган маҳсулот таннархини аниқлаш жараёнида умумишлаб чиқариш харажатларини тақсимлашнинг одатда кенг фойдаланиладиган қуйидаги 2 та усулидан фойдаланишади:

1. Асосий ишлаб чиқаришда банд бўлган ишчиларнинг иш вақтига нисбатан (ишчи-соат).

2. Жихозларнинг иш вақтига нисбатан (машина-соат ёки станок-соат).

Шунингдек, миллий амалиётимизда БҲМС талаблари бўйича умумишлаб чиқариш харажатлари таркибида асосий материал харажатлари ва асосий меҳнат харажатларидан бошқа ҳамма харажатларни бир туркумда ҳисобга олиб борилади. Лекин, фикримизча, жорий активларнинг стратегик бошқарув ҳисобини ташкил қилиш ва юритиш мақсадида умумишлаб чиқариш харажатлари ҳисобига бу тақлидда ёндошувни самарасиз ва нотўғри, деб ҳисоблаймиз.

Шу ўринда қайд қилиш жоизки, жаҳон амалиётида ишлаб чиқарилаётган маҳсулот таннархини аниқлаш жараёнида умумишлаб чиқариш харажатларини тақсимлашнинг, ишлаб чиқариш ва технологик жараёнлар хусусиятидан келиб чиқиб, кўплаб усулларида самарали тарзда фойдаланишади. Масалан:

1. Маҳсулот бирлиги миқдори (сони) нисбатан усул.

2. Асосий ишлаб чиқаришда банд бўлган ишчиларнинг иш соатлари миқдори нисбатан усул.

3. Ишлаб чиқаришдаги жихозларнинг иш соат миқдори нисбатан усул.

4. Ишлаб чиқаришга сарфланган асосий материаллар баҳосига нисбатан;

5. Кўрсатилган хизматлар баҳосига нисбатан усул.

6. Шу каби тақсимлаш базаларидан фойдаланади.

Жорий активлар қисмида муаммоли бўлиб турган ва харажатлари миқдорида катта улушни ташкил қиладиган маҳсулотлар таннархини ҳисобга олишда, айниқса унинг стратегик бошқарув ҳисобини ташкил қилиш ва уни самарали тарзда юритиш учун юқорида санаб ўтилган усулларнинг

барчасини инобатга олиш ва алоҳида олинган хўжалик юритувчи субъектнинг ишлаб чиқариш ҳажми ва технологик жараёнлари хусусиятидан келиб чиқиб уни қўллаш, албатта юқори иқтисодий самара беради, деб ҳисоблаймиз.

Шунингдек, жорий активларнинг стратегик бошқарув ҳисобини самарали тарзда ташкил қилиш мақсадида ҳар бир хўжалик юритувчи субъект ўзининг мавжуд меҳнат, молиявий ҳамда моддий имкониятларидан ва сотув логистикаси хусусиятларидан келиб чиқиб, юқорида санаб ўтилган усуллардан ташқари узоқ истиқболда самара бериши мумкин бўлган “ташилган (ишлаб чиқарилган ва сотиш учун жўнатилган маҳсулот турлари) юкларнинг ҳажми ва оғирлигига нисбатан” умумишлаб чиқариш харажатларини тақсимлаш усулидан ҳам фойдаланишларини таклиф этамиз. Бу усулнинг қўлланиши хўжалик юритувчи субъектларга бир қатор афзалликлардан ташқари масъулият марказлари бўйича реал мотивация омилини белгилаб бериш имкониятини ҳам яратади. Сабаби, ҳар бир маҳсулот ишлаб чиқарувчи масъулият марказидагилар нафақат ишлаб чиқариш харажатларини камайтириш, балким ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг харидоргирлигини таъминлаши, у омборхоналарда туриб қолмасдан тезда сотилиши ва пировардида хўжалик юритувчи субъектнинг айланма маблағлари айланиши тезлигига хизмат кўрсатишдан манфатдор ва масъуллиги ҳам таъминланади. Бу усул масъулият марказлари бўйича харажатларнинг стратегик бошқарув ҳисобини ташкил қилишда энг самарали усул сифатида албатта, ҳар бир хўжалик юритувчи субъект раҳбарлари ҳамда иқтисодий соҳа мутахассислари томонидан комплекс таҳлил қилиб чиқиши, мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз.

Олиб борилган тадқиқотлар натижаси кўрсатадики, шу йўналишда ўзининг ижобий ечимини кутаётган муҳим масала, бу хўжалик юритувчи субъектнинг жорий активлари ичида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар харажати ҳажми ва унинг динамикасини яхши таҳлил қилиб, кейин стратегик бошқарув ҳисобини ташкил қилиш ва юритиш учун қарор қабул қилиш керак бўлади. Бунинг учун унчалик қийин бўлмаган ва алоҳида ҳисоб-китобларни талаб этмайдиган қуйидаги жадвал маълумотлари динамикасини таҳлил қилишни таклиф этамиз (1-жадвал).

1-жадвал.

Жорий активларнинг стратегик бошқарув ҳисобини ташкил қилиш ва юритиш заруриятини асословчи кўрсаткичлар, %да

Т/р	Жорий активлар бўлими ва моддалари	Базис йили, 2020	Охириги 3 йиллик динамикаси		
			2021	2022	2023
1.	Товар-моддий захиралари, жами	100	100	100	100
	1.2. Тугалланмаган ишлаб чиқариш	30	41	45	51
2.	Дебиторлар				
3.	Пул маблағлари				
	Жами:				

Жадвал маълумотлари кўрсатиб турибдики, товар моддий захиралари гуруҳида тугалланмаган харажатлар улуши йилдан-йилга ўсиб бориш тенденциясини кўрсатмоқда. Хўжалик юритувчи субъектда 2020 йил ҳолатига жорий активларнинг товар-моддий захиралари таркибида тугалланмаган ишлаб чиқариш харажатларининг стратегик бошқарув ҳисобини ташкил қилиш зарурияти юқори бўлмаган (умумий улуши 30 фоиз). Лекин, кейинги уч йилда унинг ТМЗдаги умумий улушининг жуда катта темпда ўсишни кўрсатмоқда. Хўжалик юритувчи субъект учун унинг стратегик бошқарув ҳисобини ташкил қилиш ва юритиш учун бу дастлабки муҳим сигналдир. Аниқроғи, 1-жадвал маълумотлари асосидаги хулоса бўйича - бу хўжалик юритувчи субъектда тугалланмаган ишлаб чиқариш харажатлари моддаларининг стратегик бошқарув ҳисоби ташкил этилиши ва юритилиши керак.

Хулоса

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш жоизки, ҳар бир хўжалик юритувчи субъект ишлаб чиқариш жараёнининг асосий омили бўлган ТМЗ таркибидаги тугалланмаган ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлган харажатларни ҳисобга олиш ва унинг стратегик бошқарув ҳисобини ташкил қилиш ҳамда юритиш бўйича мавжуд имкониятлари ва истиқболдаги мақсад кўрсаткичларига эришишни таъминлашнинг муҳим воситаси бўлган стратегик бошқарув ҳисобини ташкил қилиши бугунги кун талабидир.

Шунингдек, юқорида таъкидлаганимиздек, жорий активлар қисмида муаммоли бўлиб турган ва харажатлари миқдорида катта улушни ташкил қиладиган маҳсулотлар таннархини ҳисобга олишда, айниқса унинг стратегик бошқарув ҳисобини ташкил қилиш ва уни самарали тарзда юритиш учун ҳар бир хўжалик юритувчи субъект ўзининг мавжуд меҳнат, молиявий ҳамда моддий имкониятларидан ва сотув логистикаси хусусиятларидан келиб чиқиб, истиқболда самара бериши мумкин бўлган “ташилган (ишлаб чиқарилган ва сотиш учун жўнатилган маҳсулот турлари) юкларнинг ҳажми ва оғирлигига нисбатан” устама харажатларни тақсимлаш усулидан ҳам фойдаланишлари юқори иқтисодий самара беради.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Друри К. (2003) Управленческий учет для бизнес-решений: Учебник / Пер. с англ. – М.: ЮНИТИ-ДАНА. – 665 с.
2. Керимов В.Э. Стратегический учет: учебное пособие / В.Э. Керимов – М.: Омега-Л, 2005. – 168 с.
3. Каплан Роберт С., Нортон Дейвид П. Сбалансированная система показателей. От стратегии к действию., 2-е изд., испр. и доп./перевод с английского. – М.: ЗАО “Олимп-бизнес”, 2005. – 320 стр.
4. Saoud Jayed Mashkour. Accounting in english (pp.51) Publisher: Printed by: Dar Al-Dhiya for printing and Designs - 2 Ed, – Najaf – February 2019,
5. https://www.researchgate.net/publication/331287344_CHAPTER_4_CUR

RENT ASSETS

6. Pardayev A.X., Pardayeva Z.A. Boshqaruv hisobi: darslik / – T.: Iqtisod-Moliya, 2019. – 556 b.
7. Абдуганиев А.А. Бошқарув ҳисобини ташкил этиш муаммолари, уларнинг ечимлари. – Т.: ТМИ, 2003. – 275 б.;
8. Амалий бошқарув ҳисоби: ўқув қўлланма /А.К. Ибрагимов, Б.А. Хасанов, Н.К. Ризаев – Т.: Молия, 2014. – 404 б.
9. Стратегик бошқарув ҳисобини ташкил қилишнинг назарий ва амалий асослари: Монография /У.У.Костаев: – Т.: Iqtisod-Moliya, 2020. – 180 бет.
10. Pardayev A.X, Pardayeva Z.A., Pardayeva Sh.A. Operativ va strategik boshqaruv hisobi :darslik. – Т.: ООО “DIADEMA NUR SERVIS”, 2023.– 420 bet.
11. Пардаева Ш.А. Хўжалик юритувчи субъектларда молиявий натижаларнинг стратегик бошқарув ҳисобини такомиллаштириш // Халқаро молия ва ҳисоб илмий электрон журнали. – Тошкент, , 2021 йил, №3.
12. Хасанов Б.А., Хашимов А.А. Бошқарув ҳисоби: дарслик. – Т.: Iqtisod-Moliya, 2005. – 308 б.

ДАВЛАТ ТИББИЁТ ТАШКИЛОТЛАРИДА МОЛИЯВИЙ АКТИВЛАР ҲИСОБИ ВА НАЗОРАТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ



Кулибоев Азамат Шоназарович
“Бюджет ҳисоби ва газначилик” кафедраси профессори
Тошкент давлат иқтисодиёт университети
e-mail: a.kuliboyev@tseu.uz,
ORCID: 0000-0002-3357-070X

Аннотация. Мазкур мақолада давлат тиббиёт ташкилотларининг молиявий активлари таркиби ва уларнинг ҳаракатини ҳисобга олиш назарий–услубий жихатдан баён қилинган. Давлат тиббиёт ташкилотларида молиявий активлар ҳисобини юритишнинг амалдаги ҳолати тадқиқ этилган. Давлат тиббиёт ташкилотларида молиявий активлар ҳисоби ва назоратини такомиллаштириш юзасидан муаллифлик таклифлари келтирилган.

Калит сўзлар: бошланғич ҳисоб ҳужжатлари, бухгалтерия ҳисоби, бухгалтерия ҳисоби регистрлари, бюджет, давлат тиббиёт ташкилоти, молиявий актив, молиявий ҳисобот, пул маблағи, ҳисоб, ҳужжатлаштириш.

СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ УЧЕТА И КОНТРОЛЯ ФИНАНСОВЫХ АКТИВОВ В ГОСУДАРСТВЕННЫХ МЕДИЦИНСКИХ ОРГАНИЗАЦИЯХ

Кулибоев Азамат Шоназарович
Профессор кафедры «Бюджетного учета и казначейства»
Ташкентский государственный экономический университет
e-mail: a.kuliboyev@tseu.uz,
ORCID: 0000-0002-3357-070X

Аннотация. В данной статье изложены теоретические и методические основы состава финансовых активов государственных медицинских организаций и учет их движения. Изучено текущее состояние учета финансовых активов в государственных медицинских учреждениях. Приведены авторские предложения по совершенствованию учета и контроля финансовых активов в государственных медицинских организациях.

Ключевые слова: первичные учетные документы, бухгалтерский учет, регистры бухгалтерского учета, бюджет, государственная медицинская организация, финансовый актив, финансовый отчет, денежные средства, учет, документация.

IMPROVING THE ACCOUNTING AND CONTROL OF FINANCIAL ASSETS IN PUBLIC HEALTH ORGANIZATIONS

Kuliboyev Azamat Shonazarovich

*Professor of the Department of Budget Accounting and Treasury.
Tashkent State University of Economics*

e-mail: a.kuliboyev@tseu.uz,

ORCID: 0000-0002-3357-070X

Abstract. This article presents the theoretical and methodological foundations of the composition of financial assets of state medical organizations and the accounting of their movement. The current state of accounting for financial assets in public medical institutions was studied. The author's proposals for improving the accounting and control of financial assets in state medical organizations are presented.

Key words: primary accounting documents, accounting, accounting registers, budget, state medical organization, financial asset, financial report, cash, documentation.

Кириш

Мамлакатимиз мустақилликка эришгач барча соҳада бўлгани каби бюджет тизимида ҳам ислохотлар амалга оширилди. Жумладан, Давлат бюджети ижросининг халқаро талаблар даражасида меъёрий–ҳуқуқий тизими юзага келди, бюджет тизимининг ғазна ижроси жорий қилинди. Бу эса ўз навбатида Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Давлат бюджетининг ғазна ижроси тизimini янада ривожлантириш чора–тадбирлари тўғрисида”ги Қарорида белгиланганидек “Давлат бюджетининг ғазна ижросини тадбиқ этиш ҳисобига бюджет тизimini янада ислох қилиш, замонавий ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда бюджет маблағларининг мақсадли сарфланиши устидан назоратни кучайтириш, барча даражалардаги бюджет даромадлари ва харажатларини бошқариш самарадорлигини ошириш...”га хизмат қилмоқда [2]. Буни бюджет маблағларининг асосий истёъмолчиси ҳисобланган бюджет ташкилотлари, шу жумладан, давлат тиббиёт ташкилотларининг маблағлари тўлиғича ғазначиликка қамраб олингани билан изоҳлаш мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг “2019 йилда мамлакатимизни ривожлантиришнинг энг муҳим устувор вазифаларига бағишланган Олий Мажлисга қилган Мурожаатномасида Президентимиз томонидан бюджет маблағларидан самарали фойдаланиш тизimini янада такомиллаштириш зарурлиги, бюджет ҳисобидан маблағ ажратиладиган ҳар қандай дастур ёки лойиҳанинг сифат ва миқдор кўрсаткичларидан иборат, натижага йўналтирилган индикаторлари бўлиши кераклиги таъкидлаб ўтилди. Маълумки, солиқ ставкалари пасайтирилиши ёки айрим солиқлар бекор қилиниши билан бюджетга тушадиган маблағ албатта камаяди. Буни самарали солиқ маъмуриятчилиги орқали бартараф этиш ва бюджет барқарорлигини таъминлаш мумкин. Айнан шунга эришиш биринчи галдаги вазифамиз” эканлиги айтиб ўтилди [4].

Ҳозирги бозор иқтисодиёти талабларидан келиб чиқиб бюджет ташкилотларини молиялаштиришнинг бюджет маблағлари билан бирга

бюджетдан ташқари маблағларни шакллантириш имконияти қонуний жиҳатдан мустаҳкамлаб қўйилган ҳамда давлат тиббиёт ташкилотларининг нафақат бюджет маблағлари балки бюджетдан ташқари маблағлари бўйича шахсий ҳисобварақлари ғазначилик ва унинг ҳудудий бўлинмаларида юритилади.

Давлат тиббиёт ташкилотларининг бюджет ва бюджетдан ташқари манбалар ҳисобидан шаклланган пул маблағлари ташкилотларнинг ликвидлилик жиҳатдан энг юқори ўринда турувчи активи ҳисобланиб мажбуриятларни тўлаш воситаси ҳисобланганлиги сабабли улар тўғрисида батафсил маълумотга бўлган талабдан келиб чиқиб улар ҳисобини юритиш зарурати туғилади. Ушбу жараёнда ахборотга бўлган эҳтиёж қонунчилик билан тартибга солинган пул маблағлари ва ҳисоб–китоб операциялари ҳисобини ташкил қилиш орқали қондирилади.

Бозор иқтисодиёти талабларидан келиб чиқиб доимий равишда давлат тиббиёт ташкилотларида пул маблағлари ва ҳисоб–китоб операциялари ҳисобини ташкил қилиш услубиётини чуқур ўрганиш ҳамда уларни такомиллаштириб бориш зарурияти юзага келади.

Адабиётлар шарҳи

Мамлакатимиз иқтисодчи олимлари М.Остоноқулов ва С.У.Меҳмоновлар бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисобига оид илмий–тадқиқот ва ўқув–услубий ишлари мавжуд. Хусусан, М.Остоноқулов ишларида бюджет ташкилотларини давлат бюджетидан молиялаштириш ҳисоби масалаларига ёндашилиб, ушбу маблағлардан самарали фойдаланиш ва ҳисобини юритиш ҳамда назоратини ўтказиш зарурлиги асосланган [5].

С.У.Меҳмонов ўз илмий ишларида бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисобини ташкил этишнинг хусусиятларини ёритиб берган. Хусусан, бюджет ташкилотларининг бюджет ва бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобини ташкил этиш, юритиш ва ҳисоботларни шакллантиришнинг умумий жиҳатларини ёритган [6].

А.А.Ушаков “Бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисобини ташкил этиш – барча ташкилотлар норматив–ҳуқуқий ҳужжатлар асосида бухгалтерия ҳисобини юритишга мажбурдирлар. Норматив – ҳуқуқий ҳужжатларни қўллаш тартиби ташкилотларнинг турига боғлиқдир. Бюджет ташкилотларида ғазначиликка қамраб олинган ҳолда бухгалтерия ҳисобини юритиш ва ташкил этишнинг асосий тармоққа хос бўлган хусусияти бу–ҳисоб сиёсати ҳисобланади” – деб илмий изоҳ берган [7].

Хорижлик иқтисодчи олимлардан М.А.Рябова, В.Башкатов ва Ю.Покусаев бюджет ташкилотлари, уларни молиялаштириш манбалари бўйича сметалар ижроси ҳисоби ва назоратини ташкил этишнинг хусусиятларини тадқиқ этган ва ўз қарашларини илмий талқин қилган [8].

Юқоридаги мамлакатимиз ва хорижлик иқтисодчи олимларнинг илмий тадқиқотларида давлат тиббиёт ташкилотларида молиявий активлар ҳисоби

ва унинг назоратини илмий жиҳатдан такомиллаштириш масалалари алоҳида ўрганилмаган.

Тадқиқот методологияси

Давлат тиббиёт ташкилотларида молиявий активлар ҳисоби ва унинг назоратини такомиллаштиришда бюджет ҳисоби қоидаларини ҳисобга олган ҳолда тизимли таҳлил, анализ, синтез, таққослаш ва бошқа шу каби бир қанча тадқиқот усулларидадан фойдаланилган.

Таҳлил ва натижалар

Бюджет ижроси жараёнида давлат бюджети маблағлари ва давлат тиббиёт ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағлари шаклланиши ҳамда сарфланишини узлуксиз ҳисобга олиш, уларни ҳужжатлаштириш ва ахборотларни тизимли шакллантириш учун бухгалтерия ҳисоби ташкил этилади. Давлат тиббиёт ташкилотлари ҳам давлат функцияларини амалга ошириш учун белгиланган тартибда давлат ҳокимияти органларининг қарорига кўра ташкил этилган, давлат бюджети маблағлари ҳисобидан сақлаб туриладиган нотижорат ташкилот ҳисобланади. Давлат тиббиёт ташкилотларини молиялаштириш шартлари ва уларнинг бюджет ҳисобини юритиш тартиби бюджет тўғрисидаги қонун ҳужжатлари билан белгиланади [1].

Давлат тиббиёт ташкилотлари фаолиятини амалга ошириш билан боғлиқ харажатлари фақат бюджет маблағлари ҳисобидан молиялаштирилмасдан балки Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 3 сентябрдаги 414–сонли “Бюджет муассасаларини маблағ билан таъминлашни такомиллаштириш тўғрисида”ги Қарорига асосан бюджетдан ташқари маблағлар шакллантириши белгиланган. Ушбу қарорга кўра давлат тиббиёт ташкилотларининг ҳам бюджетдан ташқари маблағлари шаклланиш манбаалари ва сарфлаш йўналишлари тартиби белгиланган.

Давлат тиббиёт ташкилотлари молиявий активларига ҳисобварақлардаги пул маблағлари, кассадаги пул маблағлари, пул ҳужжатлари, йўлдаги пул жўнатмалари, молиявий қўйилмалар (вақтинча депозитга қўйилган пул маблағлари) киради. Давлат тиббиёт ташкилотлари пул маблағлари ҳаракати иқтисодиёт ва молия органлари томонидан очилган шахсий ҳисобварақларда юритилади. Давлат тиббиёт ташкилотларида шахсий ҳисобварақларни очиш, юритиш, ёпиш тартиби “Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлигининг ахборот тизимида шахсий ғазна ҳисобварақларини юритиш қоидалари”га асосан амалга оширилади.

Давлат тиббиёт ташкилотларида молиявий активлар ҳисоби бюджет ва бюджетдан ташқари маблағлар бўйича юритилади. Давлат тиббиёт ташкилотлари номидан мажбуриятлар бўйича тўловларни амалга ошириш Ғазначилик хизмати бўлимлари томонидан амалга оширилади. Ушбу жараёнда давлат тиббиёт ташкилотларининг юридик ва молиявий

мажбуриятлари Ғазначилик хизмати бўлимлари томонидан рўйхатга олинади.

Харажат гуруҳлари бўйича тўлов топшириқномаларига асосан тўловлар амалга оширилгандан кейин Ғазначилик хизмати бўлимлари тўлов топшириқномалари илова қилинган шахсий ҳисобварақлардан кўчирмани давлат тиббиёт ташкилотларига тақдим этади.

Давлат тиббиёт ташкилотларига Ғазначилик хизмати бўлимлари томонидан пул маблағлари бўйича шахсий ғазни ҳисобварақда муомала амалга оширилган кун учун кўчирмалар тақдим этилади. Ушбу кўчирмаларга асосан давлат тиббиёт ташкилотлари бухгалтериясида тегишли бухгалтерия ёзувлари берилиб, бюджет маблағлари бўйича 2 – мемориал ордер ва бюджетдан ташқари маблағлар бўйича 3–мемориал ордер ҳамда пул маблағларининг ҳаракатига доир жамланма қайдномалар ҳар қайси манбаалар бўйича 381 – сон шакл “Бюджетдан ташқари маблағлар ҳаракатига доир жамланма қайднома” расмийлаштирилади.

2 ва 3–мемориал ордерга асосан ёзувлар 308–сон шаклдаги “Бош журнал китоби”га туширилади. 308 – сон шаклдаги “Бош журнал китоби”дан тегишли ҳисобот шакллари расмийлаштирилади (1–расм).

1–расм.

Шахсий ҳисобварақлардаги пул маблағлари ҳаракати ҳисобини ҳужжатлаштиришнинг схематик кўриниши*



*Муаллиф томонидан тайёрланган

Бюджет маблағлари бўйича шахсий ғазна ҳисобварақларида кун охирига қолдиқ бўлмайди. Яъни, бюджетдан молиялаштириш амалга оширилганда тегишли ёзувлар билан 503 000 “Бюджетдан молиялаштириш” субсчёти билан боғланган ҳолда акс этирилади. Ғазна ижросига ўтмаган давлат тиббиёт ташкилотлари бюджет пул маблағлари бўйича муомалалар банкларда очилган ҳисобварақларда амалга оширилади. Бу ҳисобварақларда ҳам ҳисоблашувлар тўлов топшириғи орқали амалга оширилади. Бюджет пул маблағлари ҳисобварағида муомалалар амалга оширилган кун охирига хизмат кўрсатувчи банк томонидан ҳисоб счётидан кўчирма тақдим этилади.

Ўзбекистон Республикаси Бюджет кодексининг 61 – моддасига мувофиқ Тиббиёт ташкилотларининг моддий рағбатлантириш ва ривожлантириш жамғармаси даромадлари:

тиббиёт ташкилотига ажратиладиган бюджет маблағлари умумий ҳажмининг 5 фоизигача бўлган миқдорда бюджетдан ажратиладиган маблағлар;

фаолият ихтисослиги бўйича товарларни (ишларни, хизматларни) реализация қилишдан олинган даромадлар;

ҳисобот чорагининг сўнгги иш куни охирида харажатлар сметаси бўйича тежалган маблағлар, капитал қўйилмаларни молиялаштириш учун назарда тутилган маблағлар бундан мустасно;

тиббиёт ташкилоти балансида турган мол-мулкни ижарага беришдан олинган маблағларнинг бир қисми;

белгиланган тартибда бюджет ташкилотлари тасарруфида қолдириладиган маблағлар;

ҳомийликдан олинган маблағлар ҳисобидан шакллантирилади.

Шунингдек Тиббиёт ташкилотларининг моддий рағбатлантириш ва ривожлантириш жамғармаси маблағларидан:

вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик нафақаларини ва мавжуд кредиторлик қарзларини тўлаш;

ташкилотнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш тадбирлари;

ташкилот ходимларини моддий рағбатлантириш тадбирлари учун фойдаланилади.

Давлат тиббиёт ташкилотида вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик бўйича тўланмаган нафақалар ва муддати ўтган кредиторлик қарз мавжуд бўлган тақдирда, тиббиёт ташкилотининг ривожлантириш жамғармаси маблағлари биринчи навбатда ушбу қарзларни тўлаш учун сарфланади.

Иқтисодиёт ва молия бўлимлари томонидан давлат тиббиёт ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағлари учун шахсий ғазна ҳисобварақлари бюджет маблағларига ўхшаш очилади.

Давлат тиббиёт ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағлари учун шахсий ғазна ҳисобварақларини очиш учун илгари бюджет маблағлари бўйича шахсий ғазна ҳисобварақларни очиш учун тақдим этилган имзо намуналари карточкалари ишлатилади.

Бюджетдан ташқари маблағлар бўйича юридик ва молиявий мажбуриятларнинг қабул қилиниши, шунингдек, бюджетдан ташқари маблағларнинг касса харажатлари келиб тушган бюджетдан ташқари маблағлар доирасида амалга оширилади ва бюджет маблағлари каби бир хил тартибда расмийлаштирилади.

Ғазна ижросига ўтмаган давлат тиббиёт ташкилотлари бюджетдан ташқари маблағлар манбалари бўйича банкда алоҳида ҳисобварақлар очади ва юритади.

Бюджет ташкилотлари бюджетдан ташқари маблағларини 102 400 “Бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағлари” счётининг

тегишли субсчётларида ҳисобини юритади. Хусусан, давлат тиббиёт ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағлари қуйидаги субсчётларда юритилади:

102 402 “Тиббиёт ташкилотларининг моддий рағбатлантириш ва ривожлантириш жамғармаси”;

102 404 “Бюджет ташкилотларининг бюджетга ўтказилиши лозим бўлган (ўтган йилнинг дебитор қарздорлигини, камомадларни, текширув натижасига кўра аниқланган ўзлаштиришларни) маблағлари”;

102 413 “Турғун даволаш-профилактика муассасаларида даволанаётган беморлардан овқатланиш учун ундириладиган тўловлар”;

102 414 “Тақсимланадиган маблағлар”;

102 416 “Бошқа депозитлар”;

102 418 “Грантлар, инсонпарварлик ёрдами ва техник кўмаклашиш воситалари бўйича ажратилган маблағлар”

102 419 “Кредитлар”.

Бюджет ижроси жараёнида ғазначилик тизимининг жорий қилиниши, давлат тиббиёт ташкилотларининг бюджет ва бюджетдан ташқари маблағлари бўйича шахсий ғазна ҳисобварақларининг ғазначиликка қамраб олиниши нафақат бюджет маблағлари балки, давлат тиббиёт ташкилотлари бюджетдан ташқари маблағларидан фойдаланишнинг муҳим сифат босқичи юзага келтирди.

Давлат тиббиёт ташкилотларининг бюджет ва бюджетдан ташқари маблағлари бўйича сметалари доирасида харажатларни амалга ошириб, ушбу харажатларни молиялаштириш бевосита ташкилотнинг кўрсатмасига кўра Ғазначилик хизмати бўлимида юритиладиган бюджет ва бюджетдан ташқари маблағлар бўйича шахсий ғазна ҳисобварақлар орқали амалга оширилади.

Хулоса

Давлат тиббиёт ташкилотлари шахсий ғазна ҳисобварақларидаги бюджет ва бюджетдан ташқари маблағларнинг келиб тушиши, улардан фойдаланишни тўғри амалга ошириш ва уларни назорат қилиш учун ҳисоб ишларини ташкил этилиши талаб этилади. Пул маблағлари ҳаракати ҳисоби маблағларнинг амалдаги норматив – ҳуқуқий ҳужжатлар талаблари доирасида шаклланиши ва сарфланишини таъминлашда муҳим ва ишончли ахборотлар билан таъминлаш воситаси ҳисобланади.

Давлат тиббиёт ташкилотлари бир вақтнинг ўзида сметалар ижроси (ҳақиқий ва касса харажатлар)ни амалга оширишни бюджет таснифи ва бухгалтерия счётларида параллел ҳисобга олишлари керак. Барча давлат тиббиёт ташкилотларида ҳам сметалар ижроси ўз вақтидалилик тамойили асосида ҳисобга олинмаслик ҳисоб ишларида номувофикликларни келтириб чиқаради.

Давлат бюджети ижроси тизимида амалга оширилаётган ислохотлар жараёнида давлат тиббиёт ташкилотларида пул маблағлари ва ҳисоб–китоб

операциялари ҳисобининг амалий жиҳатларини тадқиқ этиш натижасида қуйидаги масалаларни такомиллаштириш зарур деб ҳисоблаймиз:

– ҳисоб ишларини ташкил этишда пул маблағлари бўйича объектларни тўғри аниқлаб олиш керак. Бунда пул маблағларини ҳисобда акс эттиришда ҳар бир пул маблағи бўйича мўлжалланган шахсий ғазна ҳисобварақлар ва ҳисоб регистрларида тўғри ва ўз вақтида акс эттириш, улар бўйича қолдиқларни тўғри аниқлаб бориш, келиб тушиши кутилаётган пул маблағларини ўз манбаси бўйича ҳисобга олиш, пул маблағларининг сарфланишида бир ҳисоб объекти бўйича сарфланиши керак бўлган маблағ бошқаси ҳисобидан тўланишига йўл қўймаслик, кассага кирим қилинган маблағни шахсий ғазна ҳисобварақга қайтаришда тегишли манба бўйича амалга ошириш назарда тутилади;

– маблағларни сметаларда белгиланган мақсадларгагина йўналтириш. Ҳозирги кунда бюджет маблағлари бўйича харажатлар сметаси, бюджетдан ташқари маблағлар бўйича даромадлар ва харажатлар сметаси тузилади. Мабалағларни сметаларда белгиланган харажат моддалари ва гуруҳлари бўйича мақсадли сарфлашни ташкил қилиш назарда тутилади. Масалан, ривожлантириш жамғармаси маблағларини бюджет маблағлари бўйича юзага келган мажбуриятларни молиялаштиришга йўл қўймаслик ёки аксинча;

– қонунчилик талабаларига кўра ривожлантириш жамғармаси маблағлари дастлаб мавжуд кредитор қарзларни тўлашга йўналтирилиши белгиланган. Бунга кўра бюджет маблағлари бўйича сметадан ортиқча юзага келган мажбуриятлар ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан тўланади ва сарфланган маблағ 3 – мемориал ордерда ҳисобга олинади. Бир томондан ушбу ҳолатда кредиторлик мажбурият тугатилди, бошқа томондан эса шу каби муомалалар бюджет маблағлари бўйича ҳақиқий харажатлар касса харажатларга нисбатан юқори бўлиб, бюджет маблағлари бўйича жорий йилга молиявий натижаларни таҳлил қилишда нотўғри ахборотларни келтириб чиқаради;

– шахсий ғазна ҳисобварақлардаги маблағлар ҳаракатини фақат бошланғич ҳисоб ҳужжатлари асосида ҳисобга олиш. Бунда, шахсий ғазна ҳисобварақлар бўйича муомалаларни ҳисобда акс эттириш учун шахсий ғазна ҳисобварақлардан кўчирма маълумотларига асосланиш, касса муомалаларини юритишда касса кирим ва чиқим ордерларига илова қилинадиган ҳужжатлар мавжудлигини таъминлаш ва улар кўрсаткичларини мемориал ордерлар кўрсаткичлари билан мантиқан мос келишини назорат қилиб боришни ташкил қилиш керак;

– шахсий ғазна ҳисобварақлардаги пул маблағлари ҳаракати бўйича ҳисоботларни тузишда ҳисобот маълумотларининг ҳисоб регистрлари ва ҳисоб шакллари кўрсаткичларига мувофиқлигини назорат қилиб бориш. Ҳозирги кунда аксарият давлат тиббиёт ташкилотлари молиявий активлар ҳаракати тўғрисидаги ҳисоботларни ғазначиликдан олинган ташкилотнинг шахсий ҳисобварақларидан олинган кўчирмалар асосида тузишмоқда. Бунга сабаб, пул маблағлари ҳаракатини ҳисоб регистрлари ва ҳисоб шаклларида ўз

вақтида ёки талаб даражасида акс этирилмаётганлигидир. Бу ҳисоб маълумотларининг ҳисобот маълумотлари билан мос келмаслигига олиб келади. Шундай экан, молиявий активлар ҳаракати бўйича ҳисоботларни ҳисоб регистрлари ва ҳисоб шакллари кўрсаткичлари асосида шакллантиришни таъминлаш керак;

– пул маблағлари ҳаракатини бюджет қонунчилиги доирасида амалга оширилишини назорат ва таҳлил қилиб бориш.

Умумий қилиб айтишимиз мумкинки, иқтисодиётни модернизациялаш ва таркибий ўзгаришлар жараёнида давлат тиббиёт ташкилотлари молиявий активларидан оқилона ҳамда самарали фойдаланишда юқорида келтирилиб ўтилган масалалар ўз ечимини топиши зарур, деб ҳисоблаймиз.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикасининг Бюджет кодекси. 2013 йил 26 декабрдаги ЎРҚ-360-сон Қонуни.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 28 февралдаги “Давлат бюджетининг ғазна ижроси тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-744-сон Қарори.
3. “Бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги” йўриқнома (2010 йил 22 декабрь, 2169-сон).
4. Ўзбекистон Республикаси бюджет ҳисобининг стандарти “Ягона счётлар режаси” (2-сон БХС, 2018 йил 20 октябрь, 3078-сон).
5. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. 28.12.2023 йил.
6. Остонакулов М. Бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисоби. Ўқув қўлланма. –Тошкент, “Iqtisod – moliya”, 2009, –428 б.
7. Mehmonov S.U. Budjet hisobi. O'quv qo'llanma. – T.: “Fan va texnologiya”, 2012.
8. Ушаков А.А. “Бухгалтерский учет и аудит эффективности использования средств в муниципальных учреждениях здравоохранения”, автореферат., к.э.н., 2012. –14 с.
9. Рябова М.А. и друг. Бюджетный учет и отчетность. Учебное пособие. – Ульяновск: УИГТУ, 2010 г.
10. Kuliboyev A.Sh. Budjet tashkilotlari jamg'armalari hisobi. Darslik –T.: «MAKON ZIYO NURI» 2024. –290 b.
11. Кулибоев А. Ш. БЮДЖЕТ НАЗОРАТИНИНГ НАЗАРИЙ–УСЛУБИЙ АСОСЛАРИ //World scientific research journal. – 2023. – Т. 16. – №. 1. – С. 31-37.
12. Tuychiyev A.J., Ostonokulov A.A., Ibragimov K.Sh., Tursunov A.S. Byudjet tashkilotlarida byudjet hisobi. Darslik – T.: «Iqtisod-Moliya» 2019. –329 b.

АГРАР СОҲАГА ХОРИЖИЙ ИНВЕСТИЦИЯЛАРНИ ЖАЛБ ҚИЛИШ МЕХАНИЗМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎЛЛАРИ



Кўчкаров Файзулло Абдуҷабборович

мустақил изланувчиси

Тошкент давлат

иқтисодиёт университети

E-mail: fayzullokuchkarovs@gmail.com

ORCID: [0009-0002-5352-7191](https://orcid.org/0009-0002-5352-7191)



Маматов Баҳадир Сафаралиевич

иқтисодиёт фанлари доктори

баҳолаш иши ва инвестициялар

кафедраси профессори

Тошкент давлат

иқтисодиёт университети

E-mail: bahadir_mamatov@mail.ru

ORCID: 0009-0004-6227-5103

Аннотация. Мақолада Ўзбекистон иқтисодиётини ривожлантиришда аграр соҳанинг ролини белгиловчи асосий кўрсаткичлар ва қишлоқ хўжалигига хорижий инвестицияларни жалб қилиш амалиёти таҳлил қилинган. Иқтисодий фаолият турлари бўйича хорижий инвестиция ва кредитларнинг ўзлаштирилиши, аграр соҳадаги қўшма корхоналар, аграр соҳа корхоналарида инвестиция фаолиятини молиялаштириш тизими, асосий капитални молиялаштиришга йўналтирилган инвестициялар таркибида қишлоқ хўжалигининг ҳажми ва улуши, Ўзбекистон аграр соҳасининг техника билан таъминланганлик даражаси, «Ўзагролизинг» АЖ томонидан лизинг асосида етказиб берилган қишлоқ хўжалиги техникалари сони ва миқдори, 2016-2023 йилларда жами лизинг битимлари таркибида қишлоқ хўжалиги техникаларининг улуши тадқиқ қилинган. Амалга оширилган таҳлиллар асосида аграр соҳага хорижий инвестицияларни жалб қилишни ривожлантириш чора-тадбирлари ишлаб чиқилган.

Калит сўзлар: инвестиция, инвестиция фаолияти, аграр соҳа, қишлоқ хўжалиги, хорижий инвестициялар, асосий капиталга инвестициялар, меҳнат унумдорлиги, лизинг, қўшма корхоналар.

ПУТИ СОВЕРШЕНСТВОВАНИЯ МЕХАНИЗМА ПРИВЛЕЧЕНИЯ ИНОСТРАННЫХ ИНВЕСТИЦИЙ В СЕЛЬСКОЕ ХОЗЯЙСТВО

Кочкаров Файзулло Абдуҷабборович

самостоятельный соискатель

Ташкентский государственный

экономический университет

E-mail: fayzullokuchkarovs@gmail.com

ORCID: [0009-0002-5352-7191](https://orcid.org/0009-0002-5352-7191)

Маматов Бахадыр Сафаралиевич

*доктор экономических наук,
профессор кафедры
оценочного дела и инвестиций
Ташкентский государственный
экономический университет*

E-mail: bahadir_mamatov@mail.ru

ORCID: 0009-0004-6227-5103

Аннотация. В статье анализируются основные показатели, определяющие роль аграрного сектора в развитии экономики Узбекистана и практики привлечения иностранных инвестиций в сельское хозяйство. Были исследованы объем и доля сельского хозяйства в структуре инвестиций, направленных на финансирование основного капитала, совместные предприятия в аграрной сфере, уровень технической поддержки аграрного сектора Узбекистана, количество и объем сельскохозяйственной техники, поставляемой АО “Узагролизинг” на лизинговой основе, доля сельскохозяйственной техники в структуре общего объема договоров лизинга в 2016-2023 годах. На основе проведенных анализов были разработаны рекомендации по развитию привлечения иностранных инвестиций в аграрный сектор.

Ключевые слова: инвестиции, инвестиционная деятельность, аграрный сектор, сельское хозяйство, иностранные инвестиции, инвестиции в основной капитал, производительность труда, лизинг, совместные предприятия.

WAYS TO IMPROVE THE MECHANISM OF FOREIGN INVESTMENT IN AGRICULTURE

Kochkarov Fayzullo Abdujabborovich

*Independent researcher of
Tashkent State University of Economics
E-mail: fayzullokuchkarovs@gmail.com*

ORCID: [0009-0002-5352-7191](https://orcid.org/0009-0002-5352-7191)

Mamatov Bahadir Safaralievich

*Doctor of Economics Sciences
appraisal work and investments
Department Professor
Tashkent State University of Economics*

E-mail: bahadir_mamatov@mail.ru

ORCID: 0009-0004-6227-5103

Abstract. The article analyzes the main indicators determining the role of the agricultural sector in the development of the economy of Uzbekistan and the practice of attracting foreign investment in agriculture. The volume and share of agriculture in the structure of investments aimed at financing fixed assets, joint ventures in the agricultural sector, the level of technical support for the agricultural

sector of Uzbekistan, the number and volume of agricultural machinery supplied by Uzagroleasing JSC on a leasing basis, the share of agricultural machinery in the structure of the total volume of leasing agreements in 2016-2023 were studied. Based on the conducted analyses, measures have been developed to develop the attraction of foreign investment in the agricultural sector.

Keywords: investments, investment activity, agricultural sector, agriculture, foreign investments, investments in fixed assets, labor productivity, leasing, joint ventures.

Кириш

Жаҳон миқёсида аграр соҳа ҳар қандай иқтисодиётнинг муҳим таркибий қисми, даромад, озиқ-овқат ва меҳнатнинг асосий манбаи ҳисобланади. Аграр соҳада иқтисодий ўсишни таъминлаш, ишлаб чиқаришдаги юқори самарадорликка эришиш, аҳолини иш билан банд қилиш ва турмуш даражасини ошириш, асосий капитални модернизация қилиш каби мавжуд муаммоларнинг ижобий ечими сифатида қишлоқ хўжалигига инвестициялар киритишга, айниқса тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилишга ва улардан самарали фойдаланишга асосий эътибор қаратилмоқда. Бирлашган Миллатлар Ташкилот (БМТ)нинг Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ассоциацияси (FAO – Food and Agriculture Organization) ҳисоб-китобларига кўра, «Дунё аҳолисининг 67 фоизи қишлоқ хўжалигида банд. Аграр соҳа жаҳон ялпи ички маҳсулотининг 39,5 фоизини ва глобал экспортнинг 43 фоизини ташкил қилади» [1]. «2022 йилда 691 миллиўндан 783 миллиўнгача одам очликдан азият чеккан ва озиқ-овқат хавфсизлигига дуч келаётган дунё аҳолисининг улуши сезиларли даражада ошди: 2019 йилдаги 25,3 фоиздан 2022 йилга келиб 29,6 фоизгача» [2]. Бундай ҳолат дунёда тўйиб овқатланмайдиганлар сонининг кўпайиб бораётганлигини ҳамда озиқ-овқат хавфсизлигига дуч келаётган дунё аҳолиси улушининг сезиларли даражада юқори эканлигини кўрсатади. «Ҳисоб-китобларга кўра, глобал миқёсда 2030 йилга қадар очликни бартараф этиш учун йилига 265 млрд. АҚШ доллари миқдорида қўшимча инвестициялар талаб қилинади» [3]. Аграр соҳани инвестициялаш дунёда ижтимоий ҳимояга муҳтож бўлган, кам таъминланган, ночор оилаларнинг аксарияти яшайдиган қишлоқ жойларида камбағалликни камайтиришнинг муҳим ва самарали стратегиясидир. Шу муносабат билан аграр соҳани хорижий инвестицияларни жалб қилиш ва самарали ўзлаштириш, инвестиция фаолиятини молиялаштиришни такомиллаштириш асосида тараққий эттириш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон иқтисодиётини изчил ислоҳ қилиш ва унинг тараққиётини таъминлаш учун қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини чуқур қайта ишлашни ташкил этиш ҳамда ҳудудларда қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлардан унумли фойдаланиш, аграр соҳада кластерлар фаолиятини такомиллаштириш, қишлоқ хўжалигида юқори ўсиш суръатларини таъминлаш, ҳосилдорлик ва рентабеллик даражасини кескин ошириш,

қишлоқ хўжалигини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш кўламини кенгайтириш, аграр соҳада экспорт ҳажмини ошириш, биринчи навбатда, хорижий инвестицияларнинг фаол жалб қилинишини тақозо этади. «Қишлоқ хўжалигини илмий асосда интенсив ривожлантириш орқали деҳқон ва фермерлар даромадини камида 2 баравар ошириш, қишлоқ хўжалигининг йиллик ўсишини камида 5 фоизга етказиш» [4] ҳамда «қишлоқ хўжалиги соҳасида экспорт ҳажмини йилига 10 миллиард долларга етказиш» [5] каби муҳим вазифаларнинг самарали ижросининг таъминланашида тармоқга жалб қилинган хорижий инвестициялар ҳал қилувчи рол ўйнайди.

Адабиётлар шарҳи

Иқтисодчи-олимлардан М.Донкт, Ф.Чан, А.Сильвестрини фикрича, «аграр соҳага йўналтирилган хорижий инвестициялар қишлоқ хўжалиги маҳсулот (хизмат)лари ишлаб чиқарилишини интенсив ривожлантириб, меҳнат унумдорлигини оширади. Аксарият ривожланаётган мамлакатларда уй хўжаликларининг турмуш тарзи қишлоқ хўжалиги соҳасига таянади, уларнинг фаровонлиги бевосита улар ихтиёридаги ресурслардан самарали фойдаланишига боғлиқ» [6]. Дарҳақиқат, қишлоқ хўжалигида асосий капиталга йўналтирилган хорижий инвестициялар қишлоқ хўжалиги ялпи ички маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсишига олиб келади, интенсив ривожланиш эса қишлоқ хўжалигида ресурстежам техника-технологиялардан фойдаланиш асосида меҳнат унумдорлигини оширади.

Аграр соҳада лизинг ўзига хос хусусиятларга эга. Агролизингнинг назарий асослари О.А. Тагирова ва М.Ю. Федотованинг илмий ишларида тадқиқ қилинган. Уларнинг фикрича, «агролизинг қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришига илмий-техникавий тараққиётни амалга ошириш билан боғлиқ бўлган инвестициялар шакли бўлиб, лизинг компаниялари томонидан асбоб-ускуналарга эгалик ҳуқуқини қўлга киритади ва уларни шартнома асосида корхоналар ва фуқароларга қишлоқ хўжалиги техникасини кейинчалик сотиб олиш шarti билан маълум муддатга ҳақ эвазига берилади» [7].

И.Сигидовнинг илмий тадқиқотларида «аграр соҳага хорижий инвестицияларни жалб қилишнинг зарурлиги қишлоқ хўжалигидаги моддий-техник таъминотдаги узилишлар, машина ва ускуналарни таъмирлаш ва уларга техник хизмат кўрсатишдаги муаммолар, эҳтиёт қисмларнинг етишмаслиги каби муаммолар билан изоҳланган ва бу ҳол қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини ривожлантиришга салбий таъсир кўрсатади. Бунинг ечими сифатида асосий капитални модернизация қилишда молиялаштиришнинг муқобил шакли ҳисобланган лизингни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилган» [8].

Д.Алимжонова фикрича, «аграр соҳага йўналтирилган тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида иқтисодий ўсишга эришишнинг энг самарали усулидир. Бунда қишлоқ хўжалиги корхоналарига сармоя киритиш у ёки бу даражада назорат ўрнатишни ўз ичига олади, акс ҳолда маблағларни қайтармаслик хавфи юқори бўлади. Шу

боис аграр соҳага хорижий инвестициялар жалб қилишни кўшма корхона ташкил этиш тарзида амалга ошириш зарур» [9] лигини таъкидлайди.

АҚШнинг «Boston Consulting Group» [10] компанияси тадқиқотчиларининг фикрича, Марказий Осиёда қишлоқ хўжалигини ривожлантириш йўлидаги асосий тўсиқлардан бири бу минтақа ҳудудининг чекланган қисминигина қамраб олувчи самарасиз, технологик жиҳатдан эскирган суғориш тизимларидир. Жаҳон банки маълумотларига кўра, «минтақада суғориш учун ишлатиладиган сувнинг йўқолиши 79 фоизга етади» [11]. Эскирган суғориш тизимлари ҳам тупроқнинг янада таназзулга учрашига ва шўрланишига олиб келади. Ҳосилдорликни ошириш ва суғориладиган деҳқончилик майдонларини кенгайтириш учун суғориш тизимига янада замонавий технологиялар ва инновацияларга сармоя киритиш зарур. Бундан ташқари, «сақлашгача ва ундан кейинги босқичларда инфратузилма яхши ривожланмаганлиги сабабли минтақада ҳосилнинг 40 фоизигача нобуд бўлмоқда» [12]. Ўзбекистонда ҳам «суғориш тармоқларида жами суғориш сувининг қарийб 34 фоизи йўқолиб бормоқда» [13]. «Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган 20,2 млн гектар ерларнинг атиги 20,7 фоизи суғориладиган ерлар ҳисобланади. Сўнгги 15 йил мобайнида аҳоли жон бошига суғориладиган ерлар 24 фоизга (0,23 га дан 0,16 гача) камайган» [14]. Мазкур ҳолат аҳоли сонининг ўсиши, сув таъминоти ҳажмининг қисқариши ва қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларнинг бошқа ер фонди тоифаларига ўтиши натижасида юзага келган. Шу боис мамлакатимизга сувни тежовчи технологиялар йўналишида хорижий сармояларни жалб қилиш ишларини жадаллаштириш зарурлигини тақозо этмоқда.

Таҳлил ва натижалар


Аграр соҳада тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар оқимининг салмоғи бўйича Ўзбекистон бошқа мамлакатлардан сезиларли даражада ортда қолмоқда. Масалан, қишлоқ хўжалигига хорижий инвестицияларни жалб қилиш бўйича амалда дунёда етакчи бўлган Индонезияда 2019 йилда тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларнинг умумий ҳажмида қишлоқ хўжалигининг улуши 7,7 фоизни ташкил этган бўлса, Ўзбекистонда бу кўрсаткич 0,05 фоизга тенг бўлган (1-расм).

Шунингдек, Норвегия, Янги Зеландия ва Бразилия мамлакатларида аграр соҳага жалб қилинган тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ҳажми Ўзбекистон ва Қозоғистонга қараганда бир неча марта юқоридир. Фикримизча, аграр соҳада тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ҳажмининг бундай паст даражада бўлишининг муҳим сабабларидан бири хорижликларга ерларни сотиш билан боғлиқ қонунчиликнинг такомиллаштирилмаганлиги ва шу сабабли хорижий корхоналар қишлоқ хўжалиги ерларига эгалик қила олмаслиги ҳамда ҳар доим тегишли ҳуқуқларга эга бўлган маҳаллий ҳамкорларга таяниши зарур. Бундан ташқари, нархларни тартибга солиш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини импорт-экспорт қилишда давлатнинг роли, қишлоқ инфратузилмасининг

яхши ривожланмаганлиги, коррупция билан боғлиқ омиллар ҳам мавжуд.

1-диаграмма.

2019 йилда турли мамлакатларда тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни умумий ҳажмида аграр соҳанинг улуши (фоизда) [15]



*<https://www.fao.org/home/en/> сайт маълумотлари асосида муаллифлар томонидан ишланган.

Шу билан бирга, Ўзбекистон аграр соҳасида хориждан олиб келиниши зарур бўлган замонавий қишлоқ хўжалиги техника-технологиялари ва ноу-хауларнинг сурункали танқислиги кузатишмоқда. Бундай ҳолат аграр соҳага тўғридан-тўғри, яъни бевосита инвестицияларни жалб қилиш ишлари қониқарли аҳволда эмаслигини кўрсатади ва аграр соҳада фаолият юритувчи қишлоқ хўжалиги корхоналари учун чет элдан замонавий, интенсив қишлоқ хўжалиги техникалари, агрегатлари, бутловчи буюмлар ва эҳтиёт қисмларни (асосий капитални янгилашга) олиб келишларида молиявий имтиёзлар берилиши зарурлигини тақозо этади. Жаҳон тажрибасига назар ташласак, аксарият ривожланган ва ривожланаётган мамлакатларда аграр соҳа давлат томонидан молиявий жиҳатдан (субсидия, компенсация, кафилик) фао кўллаб қувватланади, уларда турли солиқ ва божхона имтиёзлари амал қилади. Масалан, «Россия Федерациясига Арманистон, Беларусь ва Қозоғистондан олиб келинадиган қишлоқ хўжалиги техникалари божхона божи ва йиғимидан, қўшилган қиймат солиғидан озод қилинган» [16]. Бундай имтиёз ЕОИИ мамлакатларининг барчасида амал қилади. *Шу муносабат билан аграр соҳага бевосита инвестицияларни жалб қилишни фаоллаштириш асосида замонавий ва интенсив техника-технологиялар билан таъминлашни рағбатлантириш учун қишлоқ хўжалиги корхоналари томонидан хориждан олиб келинадиган янги техникалар ва агрегатлар, бутловчи буюмлар ва эҳтиёт қисмларни божхона тўловларидан озод қилиш зарур.* Бу эса аграр соҳада қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш учун зарур агротехник тадбирларнинг ўз вақтида ва сифатли амалга оширилиши, ушбу соҳада қишлоқ хўжалиги техникасига бўлган талабнинг

кондирилиши, қишлоқ хўжалиги корхоналарини замонавий ва интенсив техникалар билан таъминлашни рағбатлантириш тизимининг такомиллашувига олиб келади. Шунингдек, *аграр соҳада кичик ишлаб чиқарувчиларни янада қўллаб-қувватлаш мақсадда техникаларни, хусусан, мотокультиватор ва минитракторларни четдан олиб киришда божхона божининг ноль ставкаларини белгилаш мақсадга мувофиқдир*. Бундай ҳолат мамлакатимизда мева-сабзавот маҳсулотларини етиштириш ва уларнинг экспортини ошириш, экин ерларидан фойдаланиш самарадорлигини янада ошириш, истикболда ер эгаларининг даромадларини кўпайтириш имконини беради.

Аграр соҳада иқтисодий ўсишнинг барқарорлигини таъминлаш, ишлаб чиқаришда юқори самарадорликка эришиш, иш билан бандликни таъминлаш, аҳолининг турмуш даражасини ошириш, асосий капиталга бўлган талабни қондириш билан боғлиқ муаммоларнинг ижобий ечими тармоқда инвестицион фаолликни ошириш орқали эришиш мумкин. Бу эса, мазкур муаммоларни ҳал этишда тармоққа инвестициялар оқимини кўпайтириш билан боғлиқ бўлган масалаларни тадқиқ этишни зарурият қилиб қўймоқда.

Бугунги кунда республикада яратилган инвестициявий муҳит иқтисодиётнинг бошқа соҳалари каби аграр соҳага ҳам хорижий инвестицияларни кенг жалб этиш имконини яратиб берди ва у йил сайин қулайлаштириб борилмоқда. Лекин, аграр соҳага хорижий инвестицияларни жалб этиш бўйича мавжуд инвестициявий муҳитни қониқарли, деб бўлмайди. Бунга биргина иқтисодий фаолият турлари бўйича хорижий инвестиция ва кредитларнинг салмоғи ҳам исбот бўла олади. 2023 йилда иқтисодий фаолият турлари бўйича ўзлаштирилган жами хорижий инвестиция ва кредитларнинг атиги 5,4 фоизи қишлоқ хўжалигига тўғри келган ва бу кўрсаткич 2019 йилга (7,5%) нисбатан 2,1 фоизли бандга пасайган (1-жадвал).

1-жадвал.

Иқтисодий фаолият турлари бўйича хорижий инвестиция ва кредитлар таркиби, жамига нисбатан улуши (фоиз ҳисобида) [17]

Иқтисодиёт тармоқлари	2019 йил	2020 йил	2021 йил	2022 йил	2023 йил
Ишлаб чиқариш саноати	33,0	42,1	37,5	42,5	38,0
Электр, газ билан таъминлаш	19,0	8,3	12,1	14,1	19,8
Тоғ-кон саноати	18,0	18,2	14,2	9,8	14,9
Қишлоқ хўжалиги	7,5	10,4	9,7	6,8	5,4
Ташиш ва сақлаш	3,0	2,3	6,0	6,5	5,4
Қурилиш	2,0	4,8	4,6	3,3	2,6
Соғлиқни сақлаш	2,0	2,0	4,1	3,1	1,9
Сув ва канализация билан таъминлаш	1,9	1,3	1,4	1,9	1,8
Ахборот ва алоқа	2,0	2,3	2,0	1,3	2,4
Бошқа фаолият турлари	11,6	8,3	8,4	10,7	7,8
Жами	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0

*Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги статистика агентлигининг статистик маълумотлари асосида муаллифлар томонидан тузилган.


Ушбу пасайиш, асосан, саноатнинг ЯИМ ҳажмидаги улушининг барқарор суръатларда ошиши ҳисобига юз берган. Ишлаб чиқариш саноатида аграр соҳага нисбатан 7 баробар кўп хорижий инвестиция ва кредитлар ўзлаштирилган. Бу эса, мамлакатимизда саноат корхоналарининг тараққий этиб, ишлаб чиқариш ҳажмларининг ўсиб бораётганлиги нуқтаи назаридан ижобий ҳолат, бироқ аграр соҳага ички имкониятлар чекланган ҳозирги шароитда хорижий инвестицияларни кўпроқ жалб этиш амалий ҳаракатларининг республикада ўта сустр олиб борилаётганлигининг оқибати билан боғлаш мумкин.

Энг муҳими, макроўламда хорижий инвестициялар юқори суръатларда ўсишда давом этаётган бир шароитда аграр соҳага тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ҳажмининг пасайиш тенденциясига эга бўлганлигини келажакда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашда хавотирли сигнал сифатида қабул қилиниши керак. Бундан ташқари, аграр соҳада инвестициявий жозибадорликнинг яхши эмаслигининг сабаблари қаторига соҳага хос юқори хавфлар (қурғоқчилик, сув тошқинлари, зараркунандалар, касалликлар каби табиий офатлар, мавсумийлик ва нархларнинг юқори ўзгарувчанлиги, шунингдек, жаҳон ва минтақавий бозорлардаги тез ўзгаришлар) киради.

Бир вақтнинг ўзида, чет эллик инвесторлар учун мамлакатимиз аграр соҳасининг инвестициявий жиҳатдан жозибадорлигини янада оширилиши зарурлигини тақозо этмоқда. Буни қуйидаги 2-расм маълумотлари ҳам тасдиқлайди.

2-диаграмма.

Аграр соҳада фаолият юритаётган хорижий инвестиция иштирокидаги корхоналар (бирликда) [18].



*Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги статистика агентлигининг статистик маълумотлари асосида муаллифлар томонидан тузилган.

кўрсатаётган жами хорижий инвестиция иштирокидаги корхоналар сони қарийб 1,4 баробарга ошган бир пайтда аграр соҳада фаолият юритаётган корхоналар сони 54 тага камайган. Бунинг асосий сабабларидан бири мамлакатимиз қишлоқ хўжалигида ханузгача қулай ва жозибадор инвестициявий муҳитнинг яратилмаганлиги, ушбу соҳанинг мавсумий характерга эга бўлганлиги, хорижий инвестиция иштирокидаги корхоналар ташкил этишда устав фондини шакллантириш, зарур инфратузилмалар яратиш билан боғлиқ муаммолардир. *Шу муносабат билан аграр соҳада тўғридан-тўғри хорижий инвестиция иштирокида ташкил этиладиган корхоналар устав фондидаги хорижий инвестициялар улушининг энг кам миқдорини 15 фоиздан 12 фоизгача камайтириш мақсадга мувофиқдир.* Бу эса итиқболда аграр соҳада ташкил этилаётган хорижий инвестиция иштирокидаги корхоналар сонининг ўсиб бориши орқали хорижий инвестициялар ҳажмининг кўпайишига олиб келади.

Бугунги кунда ривожланган ва ривожланаётган мамлакатларнинг озиқ-овқат етиштириш борасида олиб бораётган самарали фаолиятга қарамасдан, озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсиши аҳоли сони ўсишидан орқада қолмоқда. БМТ маълумотларига кўра, «жаҳон аҳолисининг 815 миллион нафари оч қолаётган бўлса, 2050 йилга бориб бу сон 2 миллиард кишига етади. Уларнинг 12,9 фоизи ривожланаётган мамлакатларда яшайди. Беш ёшгача бўлган болалар ўртасидаги ўлимнинг 45 фоизи айнан тўйиб овқат емаслик натижасида келиб чиқмоқда» [19]. БМТнинг Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ассоциацияси (FAO) бош иқтисодчиси Максимо Тореро сўзларига кўра, «дунёда одамларнинг шунчаки овқатланадиган ҳеч нарсаси йўқ ва улар касал бўлиб, тўйиб овқатланмасликдан ўлиб кетишади. Бундай одамларнинг сони 2023 йилда 705 мингдан 2024 йилда 1,9 миллионга етган» [20]. Бу эса аграр соҳани ривожлантириш учун етарли шароит мавжуд бўлмаган мамлакатларда муаммо тобора кескинлашиб (чуқурлашиб) бораётганини кўрсатмоқда.

Мамлакат аҳолисининг йилдан-йилга кўпайиб бораётганлиги (2010-2023 йиллар давомида аҳоли сони 8023,5 минг нафарга кўпайган, 2024 йилнинг ҳар бир кунида доимий аҳоли сони ўртача 2 минг кишига кўпаймоқда), урбанизация жараёнларининг кучайиш, иқлим шароитининг ўзгариши, қишлоқ хўжалиги экини майдонларининг қисқариб бориши ва бошқа омиллар сабаб озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни интенсив усулда ташкил этиш ва аҳолининг ўсиб бораётган эҳтиёжларини қондириш масаласи йилдан-йилга кескинлашиб бормоқда. Шунингдек, «республикамизнинг умумий ер фонди 44,8 млн. гектарни ташкил этиб, шундан 5-6 млн. гектари деҳқончиликда фойдаланилади» [21], «республикамиздаги жами ерлардан бор-йўғи 9,7 фоиз суғориладиган майдонлар ҳиссасига тўғри келади» [22].

Озиқ-овқат таъминоти барқарорлигини таъминлашда деҳқон хўжалигининг ўрни юқори бўлганлиги ушбу хўжалик юритувчи субъектларни ривожлантириш бўйича кенг миқёсда ислохотлар олиб боришга замин яратади. Мамлакатимизда аграр соҳа иқтисодиётини

модернизация қилиш ва диверсификациялаш шароитида қишлоқ хўжалигини барқарор ривожлантириш, аҳолининг озиқ-овқатга бўлган талаб-эҳтиёжлари кўп жиҳатдан деҳқон хўжаликлари, томорқа ер эгалари фаолияти билан боғлиқлиги боис, деҳқон хўжаликлари фаолиятини янада ривожлантириш долзарб ҳисобланади. Зеро, Мухтарам Президентимиз айтганидек, «истеъмол бозорида озиқ-овқат маҳсулотлари нархи барқарорлигини таъминлашнинг ягона йўли – мева-сабзавот, чорвачилик ва бошқа озиқ-овқат маҳсулотлари етиштириш ҳажмини кўпайтиришдир» [23]. Қолаверса, «Халқаро диетологлар тавсиясига кўра, инсон истеъмолига кирадиган озиқ-овқатнинг камида 50 фоизини мева ва сабзавотлар ташкил этиши лозим» [24]. Бугунги кунда деҳқончилик маҳсулотларининг 53,2 фоизи фермер хўжаликлари, 37,9 фоизи деҳқон ва томорқа хўжаликлари ва 8,9 фоизи қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар томонидан етиштирилмоқда. Ҳосилдан олинган барча қишлоқ хўжалиги экинларининг мевалар ва резаворлар, узум, озуқа экинлари, уруғлик ва ўтқазиладиган кўчат материаллари, шунингдек, деҳқончиликда тугалланмаган ишлаб чиқариш, деҳқончиликнинг бошқа турдаги маҳсулотлари қийматларини ўз ичига олади.


Юқоридаги ҳолатлар мамлакатимизда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш ва уни барқарорлаштириш учун янги интенсив боғлар яратиш, бунинг учун чет элдан мевали кўчатлар, хусусан, пайвандтагли мевали кўчатлар ва ерларга ишлов берувчи техникалар олиб киришлари учун молиявий имтиёзлар бериш мақсадга мувофиқдир. *Шу муносабат билан ташаббускорлар томонидан янги боғларни барпо этишда ўз эҳтиёжлари учун хорижий давлатлардан пайвандтагли мевали кўчатлар ва техникалар импорт қилишларида қўшилган қиймат солиғи ва божхона божларидан озод этилиши мақсадга мувофиқдир.* Бу эса интенсив усулда боғ ва тоқзорлар барпо қилиш, иссиқхона хўжаликларини ривожлантириш ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштиришни кўпайтириш орқали Ўзбекистон аҳолисини озиқ-овқат билан таъминлаш, қайта ишлаш, экспорт салоҳиятини ошириш ҳамда юқори даромадли иш ўринларини ташкил этиш имкониятини янада оширади.

Фикримизча, аграр соҳага хорижий инвестицияларни жалб қилишни ривожлантириш чора-тадбирлари мажмуини куйидаги 1-чизма орқали тавсифлаш мумкин.

Тадқиқот натижалари хорижий инвестиция ва кредитлар билан жами қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги маҳсулот (хизмат)ларининг ўртасида регрессион ва корреляцион боғлиқлик мавжуд эканлигини кўрсатди. Корреляция (лот. *correlatio* – нисбат, муносабат) тушунчалар, нарсалар, функциялар орасидаги ўзаро боғлиқликни, ўзаро мосликни, муносабатни, қатъий функционал характерга эга бўлмаган тасодифий микдорлар орасидаги эҳтимолий (статистик) боғланишни билдиради.

1-чизма.

Аграр соҳага хорижий инвестицияларни жалб қилишни ривожлантириш чора-тадбирлари*



*Тадқиқот натижалари асосида муаллиф томонидан шакллантирилган

Хулоса

Ўзбекистон аграр соҳасида хориждан олиб келиниши зарур бўлган замонавий қишлоқ хўжалиги техника-технологиялари ва ноу-хауларнинг сурункали танқислиги кузатилмоқда. Бундай ҳолат аграр соҳага тўғридан-тўғри, яъни бевосита инвестицияларни жалб қилиш ишлари қоникарли аҳволда эмаслигини кўрсатади ва аграр соҳада фаолият юритувчи қишлоқ хўжалиги корхоналари учун чет элдан замонавий, интенсив қишлоқ

хўжалиги техникалари, агрегатлари, бутловчи буюмлар ва эҳтиёт қисмларни (асосий капитални янгилашга) олиб келишларида молиявий имтиёзлар берилиши зарурлигини тақозо этади. Жаҳон тажрибасига кўра, аксарият ривожланган ва ривожланаётган мамлакатларда аграр соҳа давлат томонидан фаол молиявий (субсидия, компенсация, кафиллик) қўллаб қувватланади, уларда турли солиқ ва божхона имтиёзлари амал қилади.

2023 йилда иқтисодий фаолият турлари бўйича ўзлаштирилган жами хорижий инвестиция ва кредитларнинг атиги 5,4 фоизи қишлоқ хўжалигига тўғри келган ва бу кўрсаткич 2019 йилга нисбатан 2,1 фоизли бандга пасайган. Ушбу пасайиш асосан, саноатнинг ЯИМ ҳажмидаги улушининг барқарор суръатларда ошиши ҳисобига юз берган. Бу эса, мамлакатимизда саноат корхоналарининг тараққий этиб, ишлаб чиқариш ҳажмларининг ўсиб бораётганлиги нуқтаи назаридан ижобий ҳолат, бироқ аграр соҳага ички имкониятлар чекланган ҳозирги шароитда хорижий инвестицияларни кўпроқ жалб этиш амалий ҳаракатларининг республикада ўта суст олиб борилаётганлигининг оқибати билан боғлаш мумкин. Энг муҳими, макроқўламда хорижий инвестициялар юқори суръатларда ўсишда давом этаётган бир шароитда аграр соҳага тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ҳажмининг пасайиш тенденциясига эга бўлганлигини келажакда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашда хавотирли сигнал сифатида қабул қилиниши керак. Энг асосийси, макроиқтисодий ўсишнинг юқори суръатлари ва аграр соҳада инвестиция ресурсларига ўсиб бораётган талабни қаноатлантириш бир-бирига мувофиқ эмас

2019-2023 йиллар мобайнида асосий капитални молиялаштиришга йўналтирилган инвестицияларнинг ўртача 7,5 фоизи қишлоқ хўжалигида ўзлаштирилиб, пасайиб бориш тенденцияси кузатилган. Таҳлил қилинган давр оралиғида асосий капитални молиялаштиришга йўналтирилган инвестицияларда қишлоқ хўжалигининг улуши 2,3 фоизли бандга пасайган. Бунинг асосий сабаби сифатида асосий капитални молиялаштиришга йўналтирилган инвестициялар таркибида тоғ-кон саноати, нефть ва табиий газ қазиб чиқариш, ишлаб чиқариш саноати, электр, газ билан таъминлаш кабиларнинг улуши юқори бўлганлиги ҳамда асосий капиталга инвестициялар ҳажмининг беш йил давомида қарийб 1,8 баробарга ошганлигини кўрсатиш мумкин. Бундан кўринадики, мамлакатимиз иқтисодиёти тармоқларида асосий капиталга қилинган инвестицияларнинг тақсимланишида номувофиқликлар мавжуд.

Олиб борилган тадқиқот натижалари шуни кўрсатмоқдаки, 2019-2023 йиллар давомида Ўзбекистон иқтисодиётига жалб қилинган хорижий инвестиция ва кредитлар 3,2 мартага ошган бир пайтда аграр соҳага жалб қилинган хорижий инвестициялар 1,5 мартага камайиб, пасайиш тенденциясига эга бўлган. Бу эса мамлакат иқтисодиётига киритилаётган тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар мутлақ ҳажмининг барқарор ўсиши фонида сўнгги йилларда аграр соҳага йўналтирилган хорижий инвестицияларнинг озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш ва қишлоқ

жойларда камбағалликни қисқартиришдаги устувор ролидан қатъи назар беқарор динамикани намоёиш этмоқда. келади.

Аграр соҳада йўл инфратузилмасининг қониқарсиз аҳволи, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сақлайдиган омборхоналарнинг етишмаслиги ва сифатли совутиш имкониятларининг чекланганлиги мутахассисларнинг ҳисоб-китобларига кўра, ҳар йили мева-сабзовотларнинг 25-30 фоизининг йўқотилишига олиб келади. Бу эса аграр соҳага жалб қилинадиган хорижий инвестицияларнинг қопланишига салбий таъсир кўрсатади ва самарадорлигини кескин камайтиради. Боз устига, электр ва сув таъминоти тизимининг ҳам маънавий, ҳам жисмоний эскирганлиги Ўзбекистон қишлоқ хўжалигидаги салоҳиятли инвесторларнинг инвестицион харажатларини ошириб, бизнес рентабеллигини пасайтиради.

Тадқиқот натижаларига кўра, аграр соҳага хорижий инвестицияларнинг жалб қилинишига салбий таъсир кўрсатувчи омиллар ва тармоқдаги муаммолар сифатида қуйидаиларни алоҳида қайд этиш зарур: қишлоқ хўжалиги техника-технологиялар ва ускуналарининг маънавий ва жисмоний жиҳатдан эскирганлиги; қишлоқ хўжалигида асосий капитални молиялаштиришдаги ресурсларнинг етишмаслиги; қишлоқ хўжалиги хом ашёсининг етишмаслиги, саноатда қайта ишлаш учун уларнинг паст сифат кўрсаткичлари; ишлаб чиқариш қувватларининг етишмаслиги; қишлоқ хўжалиги хом ашёси ва инвестиция ресурсларига нархларнинг юқори ўзгарувчанлиги; технологик жиҳатдан эскирган суғориш тизимлари; қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини харид қилиш ва сотишда бозор тамойилларининг кенг жорий этилмаганлиги ва ва бошқалар.

Аграр соҳага хорижий инвестицияларни фаол жалб қилишда қуйидаги тақлиф-тавсиялар муҳим амалий аҳамият касб этади:

- қишлоқ хўжалиги корхоналари томонидан хориждан олиб келинадиган ишлаб чиқарилганига уч йилдан ошмаган барча турдаги қишлоқ хўжалиги техникалари ва агрегатлари ҳамда уларнинг бутловчи буюмлари ва эҳтиёт қисмларини божхона тўловларидан озод қилиш мақсадга мувофиқдир;
- халқаро молия институтлари томонидан лизинг компанияларига ажратилган инвестициялар доирасида ўзини ўзи банд қилган шахслар ва яқка тартибдаги тадбиркорларга қишлоқ хўжалиги техникаси ва агрегатларини лизингга беришга рухсат этиш зарур;
- халқаро молия институтларидан жалб қилинган инвестициялар ҳисобидан фермер ва деҳқон хўжаликларига қишлоқ хўжалиги техникалари лизинг маржаси йиллик 3 фоиздан ошмаган ставкада 10 йилгача бўлган муддатга лизингга беришнинг мақсадга мувофиқ;
- аграр соҳада тўғридан-тўғри чет эл инвестициялари эвазига ташкил этиладиган корхоналар устав фондидаги чет эл инвестициялари улушининг энг кам миқдорини 15 фоиздан 12 фоизгача камайтириш лозим.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Глобальный агроэкспорт: ТОП-10 государств и самые сильные

сельскохозяйственные страны мира | linDEAL..

2. FAO. 2023. Outcomes of the United Nations Food Systems Summit in Europe and Central Asia - A stocktake. Budapest. <https://doi.org/10.4060/cc5319en>. The Food and Agriculture Organization of the United Nations. Отчет Продовольственной и сельскохозяйственной организации Объединенных Наций за 2022 год.

3. (PDF) Современные тенденции инвестиций в сельское хозяйство Current Trends in Investment in Agriculture (researchgate.net).

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг таракқиёт стратегияси тўғрисида»ги Фармони. 30-мақсад.

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 11 сентябрдаги ПФ-158-сон ««Ўзбекистон – 2030» стратегияси тўғрисида»ги Фармони.

6. Marie Vander Donckt, Philip Chan, Andrea Silvestrini. A new global database on agriculture investment and capital stock. April 2021. – P. 106. Новая глобальная база данных по инвестициям в сельское хозяйство и акционерному капиталу - ScienceDirect

7. Тагирова О.А., Федотова М.Ю. Лизинг как источник финансирования сельскохозяйственных организаций // Нива Поволжья. 2015. №4. – С.141-149.

8. Сигидов И. Инвестиции как фактор повышения эффективности производства в аграрных формированиях (kubagro.ru).

9. Алимжанова Д. Проблемы привлечения иностранных инвестиций в аграрный сектор экономики страны ([#483468]-574842.pdf).

10. (BCG – 50 та мамлакатда 90 офисларига эга бўлган энг йирик консалтинг халқаро ташкилоти).

11. Инвестиционный потенциал Центральной Азии - как его видят в Boston Consulting Group - Central Asia Analytical Network.

12. Аграрии ЦА из-за плохо развитой инфраструктуры теряют до 40% урожая – эксперты | Inbusiness.kz.

13. Угрозы реализации аграрной реформы – Новости Узбекистана – Газета.uz.

14. ПФ-5853-сон 23.10.2019. Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида.

15. <https://www.fao.org/home/en/>;
https://halykfinance.kz/download/files/analytics/AC_agriculture_development.pdf.

16. Таможенное оформление сельхозтехники при ввозе в Россию (ucsol.ru).

17. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги статистика агентлигининг статистик маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

18. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги статистика агентлигининг статистик маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

19. Озиқ-овқат хавфсизлиги: юз миллионлаб инсонлар очлик азобида (uza.uz).
20. Доклад ООН: за год число голодающих увеличилось в два раза | Новости ООН (un.org).
21. Исмоилов А., Муртазаев О. Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти. Дарслик. – Т.: «Молия», 2005. – Б. 133.
22. https://uza.uz/uz/posts/ozbekistondagi-zhami-hududning-97-foizi-sugoriladigan-erlar-hissasiga-togri-keladi_366676.
23. <https://pm.gov.uz/uz/lists/view/679>.
24. moluch_322_ch2.pdf.

ИНВЕСТИЦИЯ ЛОЙИҲАЛАРИНИНГ РИСККА ТАЪСИРЧАНЛИГИ ВА ЎЗИГА ХОС ЖИҲАТЛАРИ

Рабимқулов Шерзод Муртозаевич

*иқтисодиёт фанлари
бўйича фалсафа доктори(PhD)
Тошкент давлат иқтисодиёт
университети*

Аннотация. Мақолада инвестициялар ҳисобидан молиялаштириладиган лойиҳалар самарадорлигини ошириш мақсадида уларнинг рискка таъсирчанлиги таҳлилини амалга ошириш, миллий иқтисодиётда кузатилаётган жараёнлар натижасида юзага келадиган рискларнинг турлари ва уларнинг инвестиция лойиҳаларига таъсирини камайтириш йўллари тадқиқ этилган, халқаро тажрибадан келиб чиқиб, хулоса ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Калит сўзлар: рисклар, таъсирчанлик таҳлили, инвестиция лойиҳаси, коэффициент, ликвидлик, дисконт, активлар, рентабеллик.

ЧУВСТВИТЕЛЬНОСТЬ К РИСКАМ ИНВЕСТИЦИОННЫХ ПРОЕКТОВ И ЕЕ ОСОБЕННОСТИ

Рабимқулов Шерзод Муртозаевич

*доктор философии (PhD)
по экономическим наукам
Ташкентский государственный
экономический университет*

Аннотация. В статье исследуются риски, возникающие в результате процессов, наблюдаемых в национальной экономике и пути снижения их влияния на инвестиционные проекты в целях повышения эффективности проектов, финансируемых за счет инвестиций. На основе международного опыта разработаны выводы и рекомендации.

Ключевые слова: риски, анализ чувствительности, инвестиционный проект, коэффициент, ликвидность, дисконт, активы, доходность.

SENSITIVITY TO RISKS OF INVESTMENT PROJECTS AND ITS FEATURES

Rabimkulov Sherzod Murtozaevich

*Doctor of Philosophy
in Economics (PhD)
Tashkent State
University of Economics*

Abstract. The article examines the risks arising from processes observed in the national economy and ways to reduce their impact on investment projects in order to increase the efficiency of projects financed through investments, and also draws conclusions and recommendations based on international experience.

Keywords: risks, sensitivity analyze, investment project, ratio, liquidity, discount, assets, profitability.

Кириш

Иқтисодий глобаллашув инвестиция лойиҳаларининг молиявий ва иқтисодий таҳлилини борган сари қийинлаштирмоқда ва бунинг асосий сабабларидан бири бугунги кунда юзага келаётган рискларнинг хилма-хиллиги, кенг қамровли ўзаро боғлиқлиги ҳамда умумжаҳон миқёсида содир бўлаётган ўзгаришларнинг миллий иқтисодиётларда қисқа муддатларда ўз таъсирини акс эттиришидан иборатдир. Юқорида келтирилган фикрдан маълум бўладики, истикболда инвестиция лойиҳаларига таъсир ўтказувчи рискларни тартибга солиш мақсадида уларни аниқлаш ва ўлчаш самарали натижага эришишга қаратилган ўта мураккаб жараён ҳисобланади.

Жаҳонда кузатилаётган геосиёсий зиддиятлар, молиявий ва иқтисодий санкциялар оқибатида юзага келаётган тўсиқлар Ўзбекистонда ҳам инвестициялар ҳисобидан молиялаштирилаётган лойиҳаларга таъсир этувчи ташқи ва ички рискларнинг турларини кўпайтириш билан бир қаторда уларнинг таъсир доирасини кенгайтирмоқда. Бу ҳолатнинг кузатилиши лойиҳа ташаббускорлари, манфаатдор томонлар сифатида давлат, инвесторлар ҳамда хусусий сектор зиммасига инвестиция лойиҳаларининг келгусидаги самарадорлигига бевосита таъсир ўтказувчи рискларни олдиндан баҳолаш ва уларни бошқариш, таъсир кучини пасайтиришга илмий-назарий ва амалий ёндашувларга зарурият туғдиради.

“Ўзбекистон – 2030” стратегиясида [1] 2030 йилга қадар иқтисодиёт ҳажмини 2 баробар ошириш ва «даромади ўртачадан юқори бўлган давлатлар» қаторига кириш мақсадида маҳаллий хомашё базасидан самарали фойдаланиш ва илғор технологияларга асосланган саноатни ривожлантириш, саноатнинг «драйвер» соҳаларини ривожлантириш ва ҳудудларнинг саноат салоҳиятини тўлиқ ишга солиш, мамлакатимизнинг инвестициявий жозибадорлигини янада ошириш ва қимматли қўғозлар бозорини жадал ривожлантириш каби юқори кўзланган марраларга эришишда, лойиҳаларга таъсир этувчи рискларни самарадорли бошқаришни амалга оширишда ҳам жиддий ёндашувни талаб этади.

Адабиётлар шарҳи

Инвестиция лойиҳаларига таъсир этувчи рисклар ва уларнинг таҳлили

кўплаб илмий тадқиқотлар предмети сифатида қўрилган.

Иқтисодчи олимлар А.В.Вахабов, Ш.Х.Хажибакиев, Н.Г.Муминовлар томонидан “Инвестицион риск умумий молиявий рискнинг таркибий қисми бўлиб, ўзида молиявий йўқотишлар эҳтимолини ва инвестициялардан даромадларни тўлиқ ололмаслик ёки қўшимча инвестицион харажатларнинг пайдо бўлишини намоён этади. Молия бозорида фаолият юритиш жараёнида инвестор турли хил рискларга учраши мумкинлигини ҳисобга олиши зарур” [3] деган фикрларни илгари сурилган.

Хорижий иқтисодчи олимлардан А.М. Кушнирнинг фикрича, “Амалга ошириладиган инвестиция лойиҳаси билан боғлиқ рисклар таҳлили, миллий иқтисодиётга хос бўлган мудхиш омиллар (молиявий беқарорлик, инфляция, рақобат, қонунчиликдаги ўзгаришлар ва ҳ.к.) таъсирида ташқи муҳитнинг ўзгаришига лойиҳанинг иқтисодий кўрсаткичларининг таъсирчанлигини аниқлаш имконини беради” [7]. И.А. Соколнинг фикрича, “Молия, кредит, валюта, солиқ ва инфляциявий рискларни пасайтириш бўйича тадбирлар ҳисобланади: лойиҳа бюджетини ва смета қийматини режалаштириш услубиятини такомиллаштириш, кўзда тутилмаган йўқотишлар учун хусусий маблағлар ҳисобидан молиявий захираларни шакллантириш, молиялаштириш режасини пухта ишлаб чиқиш, кредит линиялардан фойдаланиш” [8].

Мазкур мавзуга оид кўплаб илмий мақолалар чоп этилганига қарамадан, бугунги кунда Ўзбекистон миллий иқтисодиётига хос бўлган инвестиция лойиҳаларига таъсир этувчи рискларни миқдорий жиҳатдан реал лойиҳалар мисолида баҳолашга қаратилган тадқиқотлар етишмаслиги сезилмоқда. Шу билан бирга рисклар таъсирчанлигини баҳолаш бўйича услубиятни яратиш, амалиётда улардан самарали фойдаланиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш долзарб ҳисобланади.

Таҳлил ва натижалар

Инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришда рискларни баҳолаш мураккаб жараён ҳисобланади ва кредитор ҳамда инвесторлар зиммасига жиддий вазифаларни юклайди. Бир муддат фараз қилайлик, Ўзбекистон сингари ривожланаётган мамлакатларда қазилма бойликларни ўзлаштириш билан боғлиқ бўлган лойиҳага таъсир этувчи рисклар қанчалик кўп ва чигал. Лойиҳа ташаббускорлари ва инвесторларининг бу борадаги тажрибаси қандай? Лойиҳа амалга ошириладиган ҳудудда коммуникация тизими қандай даражада ривожланган? Лойиҳа натижасида бир неча йилдан кейин қазиб олиш жараёни бошланадиган минералларнинг нархи қанча бўлади? Мамлакатнинг тарихида бўлиб ўтган сиёсий беқарорликлар тўғрисида бирор-бир маълумот борми?

Хусусий сектор томонидан амалга ошириладиган инвестиция лойиҳаларида ҳам юзага келадиган рисклар хилма-хил ва аниқ бир қонуниятлар асосида уларни гуруҳлаш ва бошқаришнинг стандартлаштириш мумкин бўлган усуллари қўллаш юқорида таъкидланганидек мураккаб жараён ҳисобланади.

Санаб ўтилган рисклар кредитор ва инвесторларни ўйлантириб қўйиши аниқ ва кўпчиликда мазкур лойиҳага инвестиция киритиш хатари жуда юқори деган тасаввурни ҳам уйғотиши табиий. Лекин, статистикага қарайдиган бўлсак, ўтган йиллар давомида бу каби кўплаб лойиҳалар молиялаштирилган, банклар томонидан кредитлар ажратилган ва улар бошланғич белгиланган шартлар асосида тўлиқ сўндирилган.

Бундан хулоса қилишимиз мумкинки, рисклардан қўрқиш керак эмас, балки уларни тўғри таснифлаш, таъсир доирасини пасайтириш чораларини қўриш ва самарали бошқариш натижасида лойиҳаларга киритиладиган инвестициялардан олинadиган даромадни кўпайтириш лозим.

Рискларни баҳолаш жараёни лойиҳа билан боғлиқ бўлган барча мавжуд рискларни аниқлаш ва кейинчалик уларни юмшатиш ёки тақсимлаш бўйича тадқиқотларни амалга оширишни талаб этади. Мазкур жараён таҳлилчилардан кенг қўламли ижодий ёндашувни талаб этади ва инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришда рискларни лойиҳа иштирокчилари ўртасида самарали тақсимлаш муҳим ҳал қилувчи қарор ҳисобланади. Баъзи рисклар бор уларни молиялаштирувчи кредитор ёки инвестор ўзига олади, баъзи рисклар бор улар бўйича молиявий юк бошқа лойиҳа иштирокчилари ўртасида тақсимланади. Яқунда рискларни тақсимлаш натижаси барча лойиҳа иштирокчиларини қониқтириши зарур.

Инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришда таъсири юқори бўлган рискларнинг қуйидаги учта фазасини қўриш мумкин:

- инженерлик ва қурилиш фазаси;
- лойиҳани ишга тушириш фазаси;
- операцион фаза.


Қурилиш фазаси

Ушбу босқичда кредиторлар, айниқса банк энг кўп таваккалчиликка дучор бўлади. Узоқ давом этган режалаштириш ва техник тайёргарлик жараёнининг тугаши билан материаллар, меҳнат ва асбоб-ускуналар сотиб олишни молиялаштириш учун маблағлар ажратилади. Лойиҳа пул оқимга эга бўлмаганлиги сабабли фоизларни тўлаш имкони бўлмайди ва аксарият ҳолатларда қарз олувчига фоизларни тўлашни кечиктиришга мажбуран рухсат берилади. Ушбу босқичнинг давомийлиги бир неча ойдан бир неча йилгача (масалан, Канал туннелини қуриш) давом этиши мумкин.

1-чизмада ушбу босқичда хавфларнинг қандай ортиши кўрсатилган. Кредиторлар кўпроқ хавфга дучор бўлишади. Пул аллақачон чиқарилганлиги сабабли, лекин ишга тушириш ва фойдаланиш босқичига қадар лойиҳа муваффақиятли бўлишига ишонч йўқ. Шу сабабли, кўпчилик молиялаштириладиган лойиҳаларда банклар лойиҳа тугашидан олдин ҳомийлардан кафолат талаб қиладилар. Бошқача қилиб айтганда, банклар ушбу босқичда ҳомийларга тўлиқ мурожаат қилишлари мумкин.

1-чизма.

Рискларнинг лойиҳа фазаларида ўзгариши



Лойиҳани ишга тушириши фазаси

Лойиҳани ишга тушириш фазасида кредиторлар, жумладан банк лойиҳа келгусида белгиланган харажатлар доирасида, келишилган таркибда фаолиятини амалга оширишига ишонч ҳосил қилиши лозим. Агарда лойиҳа якунланиши билан кредит регресс ҳуқуқини йўқотадиган бўлса, мазкур фаза жуда аҳамиятли ҳисобланади ва бу амалиётда «конверсия» деб аталади. Конверсияни амалга ошириш асоси кредитни маъқуллагунга қадар кўплаб фикрлашиш ва музокараларни талаб қилади.

Операцион фаза

Лойиҳа айнан мана шу фазада бошланғич баҳолашда режалаштирилган даромадни келтириши лозим. Лойиҳа мазкур нуқтадан бошлаб доимий фаолият юритувчи компания сифатида ишлаши лозим. Лойиҳа бизнес режадан оғишмай жорий фаолиятни амалга оширар экан, кредиторлар rischi лойиҳани ишга тушириш фазасида етишган даражасидан пасайиб боради ва қарздор нафақат фоизларни тўлаш, балки асосий қарзни ҳам қайтариш имкониятига эга бўлиши шарт. Анъанавий лойиҳавий молиялаштиришда кредиторлар қарзларининг вақтида тўлиқ қайтарилиши лойиҳадан келадиган пул оқимлари билан кафолатланган бўлади.

Тадқиқот жараёнида лойиҳа иштирокчилари ва манфаатдор томонларни қизиқтирадиган асосий кўрсаткич бўлган пул оқимлари миқдори ва уларнинг келиб тушиш муддатларининг ўзгаришига салбий таъсир этувчи омиллар натижасида юзага келадиган рискларнинг таъсирини, лойиҳа таҳлилида

аниқланган молиявий ва иқтисодий кўрсаткичларнинг ўзгариши орқали аниқлаш имконини берувчи “лойиҳанинг рискка таъсирчанлиги таҳлили”ни кўриб чиқмоқчимиз.

Рискка таъсирчанлик таҳлили – бу молиявий модел (прогноз) натижасида тузилган прогноз кўрсаткичларнинг лойиҳада юзага келиши мумкин бўлган салбий ҳолатлар оқибатида ўзгаришининг иқтисодий ва молиявий кўрсаткичларда кузатиладиган миқдорини ўрганиш.

Таъсирчанлик таҳлили остида ўзгарувчининг таъсирини аниқлаш учун муқобил тахминлар остида натижаларни қайта ҳисоблаш жараёни бир қатор мақсадлар учун фойдали бўлиши мумкин, жумладан:

- риск таъсирида кириш кўрсаткичларининг ўзгариши жараёнида модел ёки тизим натижаларининг мустаҳкамлигини текшириш;
- моделдаги кириш ва чиқиш ўзгарувчилари ўртасидаги муносабатларни тушунишнинг ортиши;
- ишлаб чиқаришда сезиларли ноаниқликни келтириб чиқарадиган моделни аниқлаш орқали ноаниқликни камайтириш;
- молиявий моделдаги хатоларни қидириш, яъни кириш ва чиқиш маълумотлари ўртасидаги лозим бўлмаган мутаносиблик ёки номутаносибликни тўғирлаш;
- моделни соддалаштириш - чиқишга таъсир қилмайдиган модел киритишни тузатиш ёки модел структурасининг ортиқча қисмларини аниқлаш ва олиб ташлаш;
- кириш омиллари майдонида модел чиқиши максимал ёки минимал бўлган ёки баъзи оптимал мезонларга жавоб берадиган ҳудудларни топиш;
- кўп сонли параметрларга эга моделларни сезгир параметрларга эътибор қаратиш орқали босқичини осонлаштириш. Параметрларнинг сезгирлигини билмаслик, сезгир бўлмаганларга вақтни беҳуда сарфлашга олиб келиши мумкин;
- кузатишлар, модел маълумотлари ва башорат ёки прогнозлар ўртасидаги муҳим алоқаларни аниқлашга интилиш, бу эса яхшироқ моделларни ишлаб чиқишга олиб келади.

Таъсирчанлик таҳлили мустақил ўзгарувчининг турли қийматлари берилган тахминлар тўплами остида боғлиқ ўзгарувчига қандай таъсир қилишини кўрсатади ва компаниялар имкониятларни аниқлаш, хавфни камайтириш ва қарорларни юқори раҳбариятга етказишда фойдаланилади.

Риска таъсирчанликни таҳлил қилиш учун турли усуллардан фойдаланишнинг афзалликлари ва камчиликлари:

Бир томонлама таҳлил

Бир томонлама таҳлил сезгирликни таҳлил қилишнинг энг оддий усули ҳисобланади. Бу бир вақтнинг ўзида бир омилни ўзгартиришни ва унинг натижага қандай таъсир қилишини кузатишни ўз ичига олади. Мисол учун,

сиз чегирма ставкасини, савдо ўсиш суръатини ёки капитал қийматини ўзгартиришингиз ва улар лойиҳанинг соф жорий қийматига қандай таъсир қилишини кўришингиз мумкин. Ушбу усулнинг афзаллиги шундаки, уни бажариш ва тушуниш осон ва буни амалга ошириш учун сиз электрон жадвал ёки оддий калькулятордан фойдаланишингиз мумкин. Камчилиги шундаки, у омиллар ўртасидаги ўзаро таъсирларни ёки киришларнинг ноаниқлигини камраб олмайди ва бошқа барча омиллар доимий бўлиб қолади.

Икки томонлама таҳлил

Икки томонлама таҳлил бир вақтнинг ўзида иккита омилни ўзгартириш ва уларнинг натижага қандай таъсир қилишини кузатиш имконини берувчи бир томонлама таҳлилнинг ўзгариши. Мисол учун, сиз чегирма ставкасини ва савдо ўсиш суръатини ўзгартиришингиз ва уларнинг лойиҳангизнинг соф жорий қийматига қандай таъсир қилишини кўришингиз мумкин. Ушбу усулнинг афзаллиги шундаки, у иккита омилнинг ўзаро таъсири ва натижага қандай таъсир қилишини кўрсатиши мумкин. Камчилиги шундаки, у ҳали ҳам киришларнинг ноаниқлигини ёки иккитадан ортиқ омилларнинг таъсирини камраб олмайди.

Сценарий таҳлили

Сценарий таҳлили сезгирликни таҳлил қилиш усули бўлиб, у омиллар ва тахминларнинг турли комбинацияларига асосланган турли сценарийларни яратишни ўз ичига олади. Сиз лойиҳангиз учун энг яхши сценарийни, асосий сценарийни ва энг ёмон сценарийни яратишингиз ва уларнинг натижаларини солиштиришингиз мумкин. Ушбу усулнинг афзаллиги шундаки, у сизга мумкин бўлган натижалар доирасини ўрганишга ва лойиҳангизнинг асосий омиллари ва хавфларини аниқлашга ёрдам беради. Камчилик шундаки, у сценарийлар ва эҳтимолларни танлашда субъектив бўлиши мумкин.

Монте-Карло таҳлили

Монте-Карло таҳлили сезгирликни таҳлил қилиш усули бўлиб, у киришлар ва уларнинг эҳтимоллик тақсимотига асосланган кўплаб мумкин бўлган натижаларни яратиш учун тасодикий танлаб олиш ва симуляциядан фойдаланади. Мисол учун, сиз ҳар бир омил учун эҳтимоллик тақсимотини белгилашингиз ва натижага қандай таъсир қилишини кўриш учун минглаб симуляцияларни бажаришингиз лозим. Ушбу усулнинг афзаллиги шундаки, у маълумотларнинг ноаниқлиги, ўзгарувчанлиги ва ўзаро боғлиқлигини ҳисобга олади ва натижанинг янада реал ва ҳар томонлама тасвирини беради. Камчилик шундаки, уни бажариш ва талқин қилиш мураккаб ва кўп вақт талаб қилади ҳамда бошқа усулларга қараганда кўпроқ маълумот ва тахминларни талаб қилади.

Таъсирчанлик таҳлили кўплаб турли сценарийларда фойдали бўлган бошқарув фикр-мулоҳазаларини тақдим этиши мумкин, жумладан:

1. Таъсир этувчи омилларни тушунинг. Муайян лойиҳа ёки ташаббусга қандай ташқи омиллар ўзаро таъсир қилади. Бу бошқарувга қандай кириш ўзгарувчилари чиқиш ўзгарувчиларига таъсир қилиши мумкинлигини кўриш имконини беради.

2. Ноаниқликни камайтиринг. Мураккаб сезгирликни таҳлил қилиш моделлари лойиҳа аъзоларига нимадан эҳтиёт бўлишлари ёки нимани режалаштиришлари ҳақида маълумот беради.

3. Қабул қилишдаги хатолар. Асосий таҳлил учун дастлабки тахминлар баъзи тушунилмаган хатоларга эга бўлиши мумкин. Аналитик итерацияларни амалга ошириш орқали раҳбарият дастлабки таҳлилда хатоларга йўл қўйиши мумкин.

4. Моделни соддалаштиринг. Таъсирчанлик таҳлилинини амалга ошириш орқали фойдаланувчилар қайси омиллар муҳим эмаслигини яхшироқ тушунишлари ва унинг аҳамиятсизларини моделдан олиб ташлаши мумкин.

5. Натижалар ҳақида хабар беринг. Юқори раҳбарият аллақачон ҳимояланган бўлиши мумкин. Турли вазиятлар бўйича таҳлилларни тузиш қарор қабул қилувчиларни билишни қизиқтирган бошқа натижалар ҳақида хабардор қилишга ёрдам беради.

6. Мақсадларга эришинг. Раҳбарият муайян мезонларга жавоб бериши керак бўлган узоқ муддатли стратегик режаларни ишлаб чиқиши мумкин. Таъсирчанлик таҳлилинини ўтказиш орқали компания лойиҳа қандай ўзгариши мумкинлигини ва жамоа ўз мақсадларига эришиш учун қандай шартлар мавжуд бўлиши кераклигини яхшироқ тушуниши мумкин.

7. Афзалликлари ва камчиликлари:

Таъсирчанлик таҳлили қарор қабул қилувчилар учун бир қанча афзалликларни беради. У барча ўзгарувчиларни чуқур ўрганиш вазифасини бажаради, шунинг учун прогнозлар реалликка яқин бўлади. Бу қарор қабул қилувчиларга келажакда қаерда яхшиланишлари мумкинлигини аниқлаш имконини беради.

Бироқ, натижалар тахминларга асосланади, чунки ўзгарувчилар фақат тарихий маълумотларга асосланади. Мураккаб моделлар тизимли бўлиши мумкин ва жуда кўп ўзгарувчиларга эга моделлар фойдаланувчининг таъсирли ўзгарувчиларни таҳлил қилиш қобилиятини бузиши мумкин.

NPV (*net profit value – соф жорий қиймат*) таҳлилидаги таъсирчанлик таҳлили – бу асосий кириш ўзгарувчилари ўзгариши асосида муайян лойиҳанинг рентабеллиги қандай ўзгаришини баҳолаш усули. Гарчи

компания соф ҳозирги қийматни (NPV) ҳисоблаган бўлса-да, у яхши ёки ёмонроқ шароитларда компания оладиган даромадга қанчалик таъсир қилишини тушунишни хоҳлайди.

Сезувчанлик таҳлили кўпинча таҳлил дастурларида амалга оширилади ва Excelда таҳлил қилиш учун функциялар мавжуд. Умуман олганда, сезгирлик таҳлили турли хил кириш катакчалари бўлган формулалар ёрдамида ҳисобланади.

Ўзбекистон шароитида амалга оширилган инвестиция лойиҳасининг рискка таъсирчанлик таҳлилини аниқ бир лойиҳа мисолида кўриб чиқамиз.

1-жадвал маълумотларида 70 фоиз экспортга мўлжалланган трикотаж мато ишлаб чиқариш лойиҳасининг рискка таъсирчанлиги таҳлили амалга оширилган бўлиб, айнан лойиҳанинг хусусиятидан ҳамда иқтисодиётда юз берадиган ўзгаришлардан келиб чиққан ҳолда кириш маълумотлари орасидан асосий ўзгарувчилар танлаб олинган. Лойиҳа самарадорлиги юзасидан амалга оширилган иқтисодий ва молиявий таҳлил кўрсаткичларининг ушбу асосий ўзгарувчиларнинг ўзгаришига таъсирчанлиги кўриб чиқилган.

Биринчи ўзгарувчига эътибор қаратадиган бўлсак, бугунги кунда мамлакатда қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилишда кластерлар тизимининг жорий этилиши маълум даражада пахтачилик соҳасига бозор тамойилларининг қўлланила бошлаган бўлсада, пахтачиликда муҳим ўрин тутадиган минерал ўғит ва нефть маҳсулотларини етказиб бериш тизимида бозор тамойилларининг амал қилмаслиги пахта толаси нархининг умумиқтисодий жараёнлардан айри ҳолда ўзгаришига сабаб бўлмоқда. Айнан мазкур рискнинг мавжудлиги прогноз қилинганда, яъни хом ашё нархининг 10 фоизга ўсиши натижасида соф фойда даражаси 3 баробарга пасайган, Соф жорий қиймат манфий кўрсаткичга тушиб кетган ва қолган кўрсаткичлар меъёр доирасида сақланган.

Рискка таъсирчанлик таҳлилида кўрилган ўзгарувчиларнинг барчасида Соф жорий қиймат манфий қийматга эга бўлган, соф фойда маржаси қисқариши маҳсулот сотиш нархининг ва экспорт улушининг пасайишида кузатилган. Мазкур кўрсаткичлар вақтинчалик характерга эга бўлиб, узоқ вақт кузатилмайди, яъни сотиш нархининг ўзгариши бевосита хом ашё ва материалларни сотиб олиш нархларининг ҳам ўзгариши билан мувозанатга келади. Экспорт улушининг пасайиши корхона олдида янги бозорларга кириш масаласи билан жиддий шуғулланиш вазифасини қўяди, яъни экспорт ҳажмини қониқарли даражада сақлаб туриш учун жиддий маркетинг стратегия талаб этилади.

1-жадвал.
Трикотаж мато ишлаб чиқариш лойиҳасининг рискка таъсирчанлик таҳлили

КЎРСАТКИЧЛАР	Таянч кўрсаткичлар	Ип хом ашёси нархи ўсиши (+10%)	Экспорт нархининг пасайиши (-10%)	Маҳаллий нархнинг пасайиши (-20%)	Экспорт ҳажмининг пасайиши (-50%)	Ишлаб чиқариш қувватининг пасайиши (-20%)	Миллий валюта девольвацияси (+10%)	Кредит фойз ставкаси ўсиши (+2%)
Асосий ўзгарувчилар								
1 кг ип хом ашёси нархи (сўмда)	16 000	17 600	16 000	16 000	16 000	16 000	16 000	16 000
Маҳсулот экспорт нархи (АҚШ долл.)	3,20	3,20	2,88	3,20	3,20	3,20	3,20	3,20
Маҳсулот маҳал. нархи (экв. долл.)	2,85	2,85	2,85	2,28	2,85	2,85	2,59	2,85
Экспорт улushi %	70%	70%	70%	70%	35%	70%	70%	70%
Ишлаб чиқариш қуввати %	80%	80%	80%	80%	80%	60%	80%	80%
Валюта айрибошлаш курси (сўм)	10 000	10 000	10 000	10 000	10 000	10 000	11 000	10 000
Кредит фойз ставкаси	8,50%	8,50%	8,50%	8,50%	8,50%	8,50%	8,50%	10,50%
Асосий натижалар (ўртача)								
DSC (қарзни қоплаш оэффиценти)	1,6	1,4	1,3	1,4	1,4	1,6	1,8	1,5
WACC (капитал ўрт. тортилган нархи)	8%	8%	8%	8%	8%	8%	8%	9%
Debt /Equity Ratio (кредит/капитал)	1,2	1,2	1,2	1,2	1,2	1,2	1,2	1,1
Gross Margin (Ялпи маржа даражаси)	43%	37%	38%	39%	40%	43%	46%	43%
Net Profit Margin (соф фойда маржаси)	6%	2%	0%	2%	3%	5%	9%	5%
Current Ratio (Жорий ликвидлик коэф)	18,3	12,6	12,4	13,7	14,6	16,4	22,8	17,4
Quick Ratio (Тезкор ликвидлик коэф)	13,1	7,7	7,2	8,5	9,4	11,3	17,5	12,2
Operating margin (операцион маржа)	16%	10%	9%	11%	12%	15%	19%	16%
ROA (Активлар рентабеллиги)	12%	10%	9%	10%	10%	12%	14%	12%
ROE (Хусусий капитал рентабеллиги)	37%	24%	20%	24%	26%	32%	46%	33%
NPV (Соф жорий киймат) АҚШ дол.	64 753	- 633 798	- 792 233	- 601 687	- 525 138	- 206 417	539 674	81 246

Миллий валютанинг 10 фоизлик девольвацияси лойиҳанинг Соф жорий кийматига ижобий таъсир кўрсатганлигини кўришимиз мумкин ва бу натижа лойиҳа пул оқимларининг асосий қисми экспортдан келиши ҳамда операцион фаолият билан боғлиқ харажатлар миллий валютада тўланиши билан изоҳланади.

Хулоса

Тадқиқот натижалари асосида хулоса қиладиган бўлсак, инвестиция лойиҳаларининг рискка таъсирчанлигини таҳлил қилишдан асосий мақсад лойиҳа операцион босқичга ўтганидан сўнг юз бериши мумкин бўлган иқтисодий ўзгаришлар натижасида самарадорликка таъсир этувчи асосий ўзгаришларнинг лойиҳанинг молиявий ва иқтисодий кўрсаткичларига таъсирини аниқлашдан иборат. Рискка таъсирчанлик таҳлили натижаларининг реалликка яқинлиги келгусида келадиган рискларни аниқлаш, уларни юмшатиш бўйича тадбирлар ишлаб чиқиш ва захиралар ташкил этиш, лойиҳа иштирокчилари ўртасида тўғри тақсимлашга хизмат қилади.

Шу билан бирга тадқиқот натижалари кўрсатдики, ҳар бир лойиҳада айнан лойиҳанинг хусусияти, амалга оширилаётган мамлакат, тармоқ, соҳа, бозордаги ҳолат, давлат томонидан амалга оширилаётган ислохотлар мақсадига бевосита боғлиқ. Айнан мазкур жиҳатлар инвестиция лойиҳаларининг рискларга таъсирчанлигини таҳлил қилишда ўзгарувчилар рўйхатини тузиш ва уларнинг ўзгарувчанлик диапозонини тўғри белгилашда жиддий ёндашувни талаб этади.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда, ҳар қандай лойиҳанинг рискка таъсирчанлигини таҳлил қилишда ўзгарувчиларни аниқлашда қуйидагиларга

эътибор қаратишни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз:

1. Ўзгарувчилар ёрдамида лойиҳанинг келгусидаги ҳолати сценарийларини тузишда нафақат тарихий маълумотлардан, балки профессионаллар прогнозларига тайянган ҳолда ноананавий ўзгарувчилардан ҳам фойдаланиш.

2. Ривожланаётган ва ўтиш иқтисодиёти мамлакатларига хос бўлган сезиларли иқтисодий ва ижтимоий тебранишлар натижасида юзага келадиган лойиҳага таъсир қилувчи омилларнинг ўзгарувчиларга таъсирини тўғри прогноз қилиш.

3. Амалга ошириладиган лойиҳа тегишли бўлган соҳа ва тармоқдаги ўзгаришлар, олиб борилаётган ислохотлар, ривожланиш даражаси, ўриндош маҳсулот ишлаб чиқарувчилар ҳолати, экологик вазият, меҳнат ресурслари ҳолати каби жиҳатларнинг ўзгарувчиларга таъсирини инобатга олиш.

4. Лойиҳалар иқтисодий самарадорлиги кўрсаткичларининг риск таъсирига чидамлилигини баҳолашда жорий этилган инфляцион таргетлаш режимида келгуси йиллар учун белгиланган инфляция даражасини инобатга олиш.

5. Иқтисодий самарадорлик таҳлилида Соф жорий қиймат (NPV)ни манфий даражага туширадиган рисклар таъсирининг давомийлигини инобатга олиш орқали молиявий мажбуриятлар билан пул оқимлари ўртасидаги мувозанатни таъсинлаш.

Берилган таклифлар ҳар қандай лойиҳанинг ҳаётийлигини таъминлашда, инвестициялар рентабеллигини оширишда муҳим ўрин тутди.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикасининг “Инвестициялар ва инвестиция фаолияти тўғрисида”ги Қонуни 2019 йил 25 декабрь.
<https://lex.uz/docs/4664142>

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони “Ўзбекистон – 2030” стратегияси, 2023 йил 11 сентябрь, ПФ-158-сон
<https://lex.uz/docs/6600413>

3. А.В.Вахабов, Ш.Х.Хажибакиев, Н.Г.Муминов Хорижий инвестициялар: ўқув қўлланма. и.ф.д. профессор А.В.Вахабовнинг умумий таҳрири остида. – Т.: Молия, 2010. – 165-б.

4. Маматов Б.С., Хўжамкулов Д.Ю., Нурбеков О.Ш. Инвестицияларни ташкил этиш ва молиялаштириш: дарслик. Тошкент молия институти. – Т.: Иқтисод-молия. – 2014. – 608 б.

5. Ҳамдамов О.Н, Иқтисодиётга инвестициялар жалб қилишнинг жорий ҳолати таҳлили ва истиқболлари // Иқтисод ва молия/Экономика и финансы – 2021, –10(146).

6. Шаисламова Н.К. Инвестиция рискларини самарали бошқаришда суғуртанинг ўрни // Иқтисод ва молия/экономика и финансы. – 2020. –1(133).

7. Кушнир А.М. Управление рисками инновационных проектов: системный подход // Вестник Московского университета имени С. Ю. Витте.

Серия 1. Экономика и управление. – 2012.

8. Сокол И.А. Управление рисками в процессе реализации инвестиционно-строительных проектов. <https://www.researchgate.net/publication>.

9. Балабанов В.С., Дмитриева Е.В. Риски инвестиционных проектов: оценка и управление. Путеводитель предпринимателя. Выпуск XVIII.

10. Троицкая Н.Н. Управление рисками инвестиционного проекта // Индустриальная экономика. – Москва, 2020. – № 2,

11. Agung Jaka Raharja, Arief Budiman, Hedy Herdyana, Humiras Hardi Purba, “Risk Management of Projects Investment Analysis: A Literature Review”, Department of Civil Engineering, Mercu Buana University, Jakarta, Indonesia, SSN: 2645-7229, Vol.3, No.2, – pp.38-54.

12. David B. Hertz, “Risk Analysis in Capital Investment”, сайт: <https://hbr.org/1979/09/risk-analysis-in-capital-investment>

КОРХОНА ИНВЕСТИЦИЯ СТРАТЕГИЯСИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ БОСҚИЧЛАРИ

Хошимов Собир Муртазаевич

*иқтисодиёт фанлари
бўйича фалсафа доктори(PhD)
баҳолаш иши ва инвестициялар
кафедраси доценти
Тошкент давлат*

*иқтисодиёт университети
E-mail: sobirhosimov7@gmail.com
ORCID:0000-0002-2845-0201*

Ядгаров Мирзо-Карим Толибович

магистрант

Тошкент давлат

иқтисодиёт университети

Аннотация. Мақолада корхоналар умумий ривожланишида инвестиция стратегиясининг ўрни ва аҳамияти ўрганилган, корхона инвестиция стратегиясини ишлаб чиқишнинг асосий мақсадлари, тамойиллари таҳлил қилинган, халқаро тажрибадан келиб чиқиб хулоса ва тавсиялар берилган.

Калит сўзлар: инвестиция стратегияси, инвестиция сиёсати, реновация, инвестиция ресурслари, иқтисодий конъюнктура, инвестицион рисклар, концепция.

ЭТАПЫ ФОРМИРОВАНИЯ ИНВЕСТИЦИОННОЙ СТРАТЕГИИ ПРЕДПРИЯТИЯ

Хошимов Сабир Муртазаевич

*доктор философии (PhD)
по экономическим наукам
доцент кафедры оценочного
дела и инвестиций*

*Ташкентский государственный
экономический университет
E-mail: sobirhosimov7@gmail.com
ORCID:0000-0002-2845-0201*

Ядгаров Мирзо-Карим Толибович

магистрант

*Ташкентский государственный
экономический университет*

Аннотация. В статье рассматривается роль и значение инвестиционной стратегии в общей стратегии развития предприятий, анализируются

основные цели и принципы разработки инвестиционной стратегии предприятия, а также сформулированы выводы и даются рекомендации, основанные на международном опыте.

Ключевые слова: инвестиционная стратегия, инвестиционная политика, реновация, инвестиционные ресурсы, экономическая конъюнктура, инвестиционные риски, концепция.

STAGES OF FORMATION OF AN ENTERPRISE INVESTMENT STRATEGY

Khoshimov Sabir Murtazaevich

*Doctor of Philosophy
in Economics (PhD),
Associate Professor of the Department
of Appraisal and Investments at
Tashkent State the University of Economics
E-mail: sobirhosimov7@gmail.com
ORCID:0000-0002-2845-0201*

Yadgarov Mirzo-Karim Tolibovich

*master's student
Tashkent State University of Economics*

Abstract. The article examines the role and significance of the investment strategy in the overall development strategy of enterprises, analyzes the main goals and principles of developing an enterprise investment strategy, and also discusses conclusions and recommendations based on international experience.

Keywords: investment strategy, investment policy, renovation, investment resources, economic conditions, investment risks, concept.

Кириш

Замонавий бозор иқтисодиёти шароитида корхоналар амалиётида стратегик бошқаришнинг аҳамияти ортиб бормоқда. Бу уларнинг ваколатини кенгайтириши ҳамда ўзларининг иқтисодий аҳволи учун жавобгарликлари даражасининг оширилганлиги билан боғлиқдир. Ушбу стратегик бошқаришда корхоналарнинг инвестиция стратегияларининг пухта ишлаб чиқилганлиги муҳим аҳамият касб этади. Замонавий бошқаришнинг сифати корхоналар самарадорлигини белгилаб беради. Шу боис корхоналарнинг рентабел иш фаолияти, бозорда ўз ўрнига эга бўлиши ва рақобатбардошлиги ҳозирги вақтда корхоналарнинг замон талабларига мос равишда ўз тараққиётининг концепциясини, стратегиясини ҳамда дастурини ишлаб чиқилганлиги билан белгиланмоқда.

Ҳар қандай корхонанинг узоқ муддатли ютуқлари унинг ишлаб чиқилган инвестицион стратегиясига боғлиқ бўлади. Агар корхонанинг инвестицион стратегияси бўлмаса у ёки бу хатоликлар билан ишлаб чиқилган бўлса, бу ҳол корхонага бозорда барқарор ва мустаҳкам ўрин

эгаллаш учун имкон бермайди. Замонавий илм-фан ва амалиёт стратегик режалаштириш ҳамда бошқаришнинг катта тажрибасига эга, аммо кўпгина стратегиялар ҳалигача ташқи ва ички муҳитнинг ўзгарувчан шарт-шароитларига мослаша олмаяпти. Бу ҳали ҳанузгача стратегик бошқаришнинг барча муаммолари ҳам ўз ечимини топмаганлигини кўрсатадики, бундай ҳол, биринчи навбатда, корхона ривожланиши стратегик барқарорлигининг механизмларини ишлаб чиқиш билан боғлиқ.

2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида қайд этилишича «Ҳозирги босқичда инвестиция жараёнини фаоллаштириш ижтимоий-иқтисодий ўзгаришларнинг самарали механизмларининг энг муҳимларидан биридир, айнан инвестициялар корхонанинг самарали фаолият кўрсатишини таъминлашда катта рол ўйнайди, шунингдек, умумиқтисодий такрор ишлаб чиқариш ва узок муддатли иқтисодий ўсиш имкониятларига бевосита таъсир қилади» [1]. Шунингдек Республиканинг экспорт салоҳиятини ошириш орқали 2026 йилда республика экспорт ҳажмларини 30 миллиард АҚШ долларига етказиш, экспортчи корхоналар фаолиятини қўллаб-қувватлаш тизимини фаол давом эттириш орқали республика экспорт салоҳиятини ошириш каби устувор вазифалар белгиланган. Ушбу вазифаларнинг самарали ижроси ишлаб чиқариш корхоналари инвестиция фаолиятини замонавий бошқарув механизмларини такомиллаштириш ва самарадорлигини оширишни тақозо этади.

Адабиётлар шарҳи

Корхоналар инвестиция стратегияларини шакллантиришнинг ўзига хос хусусиятлари жаҳон иқтисодчи олимлари М.Porter, M.Kihn, R.Turner, A.Ledwith, D. Collings томонидан ўрганилган.

Инвестицион стратегиялар, хусусан, корхоналар инвестиция стратегияларини шакллантириш, инвестиция стратегияларини ишлаб чиқиш тамойиллари ва амалга ошириш босқичлари, корхоналар инвестиция сиёсатини ишлаб чиқиш ва ривожлантириш соҳасини ўрганиш ва тадқиқ қилишга катта ҳисса қўшган россиялик ва МДХ давлатлари тадқиқотчи олимлари сифатида Л. В. Брянцев, Т. В. Погодина, Себекина, Т.И., Никитина Т. И., Ширяева, Н.В., Ивакова З.А., Абыкеева М.А. ва бошқаларни айтиб ўтиш мумкин.

Иқтисодиёт фанлари доктори, профессор Л.В.Брянцевнинг фикрича: «корхонанинг инвестиция стратегияси - бу корхонанинг узок муддатли ривожланишини ташкил этишга йўналтирилган инвестиция сиёсатининг босқичма-босқич амалга ошириш жараёнидир» [4].

Иқтисодиёт фанлари доктори, профессор Т.В.Погодинанинг талқинига кўра: «инвестиция стратегияси – корхона инвестиция фаолиятининг узок муддатли мақсадлари тизимини шакллантириш ва уларга эришишнинг энг самарали усулларини танлашдир» [5].

Ўзбек олимларидан Р.С.Муратов, И.О Улашев, Ш.А. Атамурадов, Г.Ш.

Хонкельдиева ва Р.Р. Абдурауповлар корхона иқтисодиёти ва менеджменти, чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналар иқтисодий салоҳиятини бошқариш йўналишларида илмий тадқиқотлар олиб боришган [3].

Шундай қилиб, корхона инвестиция стратегияси - бу корхона фаолиятининг ҳар хил турларининг мураккаб ва кўп қиррали жамоаси бўлиб, у ўз навбатида компания фаолиятини ривожлантиришга, инвестиция ресурсларини фойда олишга қаратилган фаолиятга йўналтирилган, инвесторлар учун қизиқарли бўлиб ҳисобланган муайян лойиҳадир.

Таҳлил ва натижалар

Корхоналар инвестиция стратегияси – бу инвестиция мақсадларига эришиш учун олдиндан ишлаб чиқилган узоқ муддатли вазифалар тизимидир.

З. А. Ивакова, М.А. Абыкееваларнинг қайд қилишича, «Инвестицион стратегия – бу корхонани ривожлантиришнинг умумий мақсадлари ва инвестиция мафкурасини аниқлаб берадиган, шунингдек уларга эришишнинг энг самарали усуллари танлаш билан белгиланадиган корхона инвестиция фаолиятининг узоқ муддатли мақсадлари тизимидир» [6].

Инвестицион стратегия корхонанинг инвестиция фаолиятини узоқ муддатли бошқаришнинг самарали воситаси бўлиб, уни ривожлантириш концепциясини ифодалайди ва корхонанинг инвестиция фаолиятини амалга оширишнинг бош режаси сифатида қуйидагиларни белгилайди:

- инвестиция фаолияти йўналишларининг устувор йўналишлари;
- инвестиция фаолияти шакллари;
- корхонанинг инвестиция ресурсларини шакллантириш характери;
- корхонанинг узоқ муддатли инвестиция мақсадларини амалга ошириш босқичларининг кетма-кетлиги;
- корхонанинг инвестиция фаолияти соҳалари ва шакллари бўйича мумкин бўлган инвестиция фаолияти чегаралари;
- корхона инвестиция фаолиятини моделлаштирадиган, амалга оширадиган ва баҳолайдиган расмийлаштирилган мезонлар тизимидир.

Инвестицион стратегияни ишлаб чиқиш жараёни корхонани стратегик танлашнинг умумий тизимининг муҳим таркибий қисми бўлиб, қуйидагиларни ўз ичига олади:

- инвестиция стратегиясининг мақсадларини белгилаш;
- шакллантирилган инвестиция ресурслари таркибини оптималлаштириш ва уларни тақсимлаш;
- инвестиция фаолиятининг энг муҳим жиҳатлари бўйича инвестиция сиёсатини ишлаб чиқиш;
- ташқи инвестиция муҳити билан алоқаларни қўллаб-қувватлаш.

Корхонанинг инвестиция стратегиясини ишлаб чиқиш зарурати ташқи ва ички муҳит шароитларининг ўзгариши билан белгиланади. Агар сизда ташқи инвестиция муҳити омилларининг мумкин бўлган ўзгаришларига мослаштирилган инвестиция стратегияси мавжуд бўлса, инвестицияларни самарали бошқариш мумкин, акс ҳолда корхонанинг алоҳида

бўлинмаларининг инвестиция қарорлари бир-бирига зид бўлиши мумкин, бу эса инвестиция фаолияти самарадорлигини пасайтиради.

Тармоқ ҳаётий циклининг ҳар бир босқичи имкониятлар ва таҳдидларни таъминловчи маълум ташқи шароитлар билан тавсифланиши мумкин. Шу сабабли инвестиция фаолияти ҳар бир босқичда ўзига хос хусусиятларга эга.

Туғилиш босқичи принципиал жиҳатдан янги маҳсулотни ишлаб чиқиш, уни бозорга чиқариш, шунинг учун катта миқдордаги тадқиқот ва ишланмалар, кейинчалик янги саноатни ташкил этадиган корхоналарни куриш билан тавсифланади. Ушбу босқичда ишлаб чиқариш қувватларини, тарқатиш тармоқларини ва бошқа харажатлар соҳаларини яратиш учун катта миқдордаги инвестициялар талаб қилинади, инвесторлар эса яқин келажақда юқори даражадаги даромадни кутмайдилар.

Ўсиш босқичи маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотишнинг кўпайишини, унга бўлган талабнинг ошишини назарда тутади. Бозорда маҳсулотнинг ўзгартирилган версиялари бўлган янги компаниялар пайдо бўлиб, уларнинг рақобатбардошлигини сақлаб қолиш, сифати ва ишлаб чиқариш технологиясини яхшилаш зарурати пайдо бўлади. Шундай қилиб, инвестиция фаоллиги ҳам юқори бўлади.

Скрининг босқичида талаб камаяди ва рақобат кучаяди. Кучли рақобатбардош мавқега эга бўлган компаниялар бозор улушини кенгайтириш ва заиф рақобатчиларни сиқиб чиқариш учун сармоёга муҳтож бўлади.

Етуклик босқичи бозорни барқарорлаштириш ва иштирокчиларнинг рақобатбардош позицияларини сақлаб қолишни ўз ичига олади. Инвестициялар ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш учун ишлатилади. Рақобат даражаси паст бўлган ушбу босқичда олдинги инвестицияларнинг даромадлилиги фойданинг катта қисмини дивидендлар тўлаш учун тақсимлаш шаклида ошади. Жорий инвестицияларнинг асосий қисми техник қайта жиҳозлаш ва реконструкция қилишга йўналтирилган.

Пасайиш босқичи маҳсулотларга талабнинг камайиши, ишлаб чиқариш қувватларининг қисқариши ва тугатилиши билан тавсифланади. Бу ҳолда инвестициялар камаяди, инвесторлар максимал фойда олишга интилади.

Шундай қилиб, инвестиция стратегиясини шакллантириш корхонанинг самарали ўсиши ва ривожланишида муҳим аҳамиятга эга.

Корхонанинг инвестиция стратегиясини ишлаб чиқиш жараёни қуйидаги босқичлардан иборат:

- инвестиция стратегиясини шакллантиришнинг умумий муддатини белгилаш;
- инвестиция фаолиятининг стратегик мақсадларини шакллантириш;
- инвестиция фаолиятининг стратегик йўналишлари ва шакллари асослаш;
- инвестиция ресурсларини шакллантиришнинг стратегик йўналишларини белгилаш;
- инвестиция фаолиятининг асосий йўналишлари бўйича инвестиция сиёсатини шакллантириш;

- ишлаб чиқилган инвестиция стратегиясининг самарадорлигини баҳолаш.

Корхона инвестиция фаолиятининг стратегик мақсадлари – бу унинг стратегик инвестиция позициясининг расмийлаштирилган шаклда тавсифланган исталган параметрлари бўлиб, унга ушбу фаолиятни узоқ муддатда амалга ошириш ва унинг натижаларини баҳолаш имконини беради. Стратегик мақсадларни бир қанча мезонларга кўра таснифлаш мумкин (1-жадвал).

1-жадвал.

Инвестиция фаолиятининг стратегик мақсадлари*

Стратегик мақсадлар белгилари	Стратегик мақсадлар
Кутилаётган самара тури	Иқтисодий
	Иқтисодий бўлмаган (ижтимоий самара)
Инвестиция фаолиятининг функционал йўналишлари	Реал инвестиция
	Молиявий инвестициялар
	Инвестиция ресурсларини шакллантириш
Стратегик бошқарув объектлари	Корхоналар
	Хўжалик юритишнинг алоҳида стратегик зоналари
	Стратегик хўжалик марказлари
Инвестиция фаолияти натижаларининг йўналишлари	Ички
	Ташқи
Устуворлиги, аҳамиятлилиги	Бош
	Асосий
	Ёрдамчи
Кутилаётган таъсирнинг табиати	Тўғридан-тўғри
	Қўллаб-қувватловчи
Инвестиция стратегияси турини танлаш	Комбинациялашган
	Ўсиши чегараланган
	Инерцияли ўсиш
	Жадал ўсувчан
Репродуктив жараённинг йўналиши	Ривожлантирувчи
	Реновация

*Муаллифлар ишланмаси.

Инвестицион стратегияни шакллантириш муддати қуйидагиларга боғлиқ:

–корхонанинг инвестиция стратегияси корхонанинг умумий ривожланиш стратегиясини шакллантириш учун қабул қилинган давр доирасидан ташқарига чиқа олмайди;

– иқтисодиёт ва инвестиция бозори ривожланиш ҳолатини башорат қилиш имкониятларини ҳисобга олиб, энг йирик Ғарб компанияларининг инвестиция стратегиялари 10-15 йил муддатга ишлаб чиқилмоқда;

Ўзбекистон иқтисодий конъюктурасидан келиб чиқиб, бу муддатлар ўртача 3-5 йилни ташкил этмоқда;

– корхонанинг қайси тармоққа мансублиги бўйича: чакана савдо, хизмат

кўрсатиш, истеъмол товарлари ишлаб чиқариш соҳасида инвестиция стратегиясини шакллантириш муддати қисқароқ бўлиши мумкин (Ғарбда 3-5 йил); ишлаб чиқариш воситаларини ишлаб чиқариш ва қазиб олувчи тармоқларда узоқроқ (5-10 йил); энг узоқ муддат институционал инвесторлар учун хосдир (10 йилдан ортиқ).

– корхона ҳажми. Корхона қанчалик катта бўлса, шунча кўп узоқ муддатга инвестиция стратегияси ишлаб чиқилмоқда.

Инвестицион стратегияни шакллантиришда стратегик инвестиция қарорлари қуйидаги тамойиллар асосида қабул қилинади (2-жадвал).

2-жадвал.

Инвестиция стратегиясини ишлаб чиқиш тамойиллари*

Тамойиллар	Қисқача тавсифи
<i>Тизимлилик</i>	Инвестиция стратегияси инвестиция фаолиятининг белгиланган соҳалари билан аниқланадиган кўплаб тор соҳалардан иборат бўлиб, уни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш бизнеснинг стратегик мақсадлари, тактик ва операцион мақсадлари ўртасидаги муносабатлар контекстида амалга оширилиши керак.
<i>Мосланувчанлик</i>	Инвестиция стратегиясининг корхонанинг атроф-муҳит омилларининг ўзгаришига самарали мослашишини таъминлаш; бизнеснинг инвестиция фаолиятидаги ҳар қандай стратегик ўзгаришлари бозор ва иқтисодиётдаги тегишли ўзгаришларга мос равишда тезкор жавоб берадиган ва олдиндан башорат қилинадиган бўлиши керак.
<i>Табиий танлов</i>	Мавжуд инвестиция лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва таққослаш компания учун потенциал молиявий самарадорлик, харажатлар ва рисклар нуқтаи назаридан энг мақбул ечимни танлаш учун амалга оширилади.
<i>Тежсамкорлик</i>	Инвестиция қилинган ресурсларнинг қиймати инвестиция лойиҳасидан кутилаётган иқтисодий самарадан ошмаслиги керак.
<i>Узлуксизлик</i>	Инвестицион стратегияни бошқариш жараёни доимий узлуксиз бўлиб, эпизодли эмас; агар танланган стратегия керакли натижани бермаса, уни кучлироқ стратегия билан алмаштириш керак.
<i>Мақсадлилик</i>	Бизнес инвестиция стратегиясини амалга ошириш аниқ белгиланган ва асосли бизнес мақсадларига эришишни таъминлаш учун мўлжалланган.
<i>Қонунийлик</i>	Инвестицион стратегияда назарда тутилган чора-тадбирларни амалга ошириш амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.
<i>Синергия</i>	Умумий инвестиция стратегиясини ташкил этувчи чора-тадбирлар мажмуини жорий этиш тадбиркорлик фаолиятининг индивидуал чора-тадбирларига қараганда кўпроқ самара олиш имконини бериши керак.
<i>Муддатлилик</i>	Инвестиция стратегиялари амалга ошириш муддатларига кўра қисқа, ўрта ва узоқ муддатли инвестиция стратегиялари тавсифланади.

*Муаллифлар ишланмаси.

Инвестицион стратегияни амалга оширишда танланган инвестиция

сиёсати муҳим аҳамиятга эга бўлиб, бу сиёсат инвестицион фаолият соҳаларида мақсадли чора-тадбирлар комплексини амалга оширишни таъминлашни ўз ичига олади. Бунда инвестиция стратегиясидан фарқли равишда инвестиция сиёсати - корхонанинг асосий стратегик мақсадига эришиш учун энг самарали бошқарувни таъминлаш билан шаклланади.

Корхонанинг инвестиция стратегиясининг бир қисми сифатида қуйидаги сиёсат ишлаб чиқилади: реал инвестицияларни бошқариш; молиявий инвестицияларни бошқариш; инвестицион рискларни бошқариш; инвестиция ресурсларини шакллантириш.

Корхонанинг инвестиция сиёсати капитал қўйилмалар дастурини ишлаб чиқиш, инвестиция лойиҳаларини танлаш ва бизнеснинг рақобатбардош устунлигини узоқ муддат мустаҳкамлашга ёрдам берадиган молиявий қарорларни қабул қилиш бўйича умумий кўрсатмалар беради ва белгиланган мақсадларга муваффақиятли эришишни таъминлашни ифодалайди.

Хулоса

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, корхона бошқаришда самарадорликка эришиш учун, аввало, самарали инвестиция стратегиясини ишлаб чиқиш, стратегик мақсадларга эришиш учун, оптимал тактик ечимларни топиш зарур. Ўзбекистон шароитида асосан, йирик корхоналарда узоқ муддатли инвестиция стратегиялари ишлаб чиқилмоқда. Кичик бизнес ва ўрта ҳажмдаги корхоналарда жуда қисқа муддатларга инвестиция стратегиялари ишлаб чиқилади ёки умуман ишлаб чиқилмайди.

Корхоналарда инновацион ёндошув асосида самарали инвестиция стратегиясини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда қуйидаги омилларни муҳим деб ҳисоблаймиз: биринчидан, корхоналар мулкчилик шаклига (давлат, давлат мулки иштирокидаги, хусусий, чет эл инвестициялари иштирокидаги ва ҳ.к) қараб; иккинчидан корхонанинг ҳудудий жойлашуви (туман, вилоят, шаҳар марказлари) хусусиятларига қараб; учинчидан корхонанинг тармоқ йўналиши (ишлаб чиқариш, хизматлар, савдо йўналишлари)га қараб; тўртинчидан, корхонанинг профессионал кадрлар билан таъминланганлиги (тажрибали молиявий (инвестиция соҳасидаги) менеджерлар); бешинчидан, корхона инвестиция фаолияти шакли ва йўналишини (реал сектор ёки молиявий) тўғри танлаш; олтинчидан, корхона инвестицион ресурсларини (моддий ва номоддий кўринишдаги ўз маблағлари, қарз маблағлари ва жалб қилинган маблағлар) тўғри шакллантириш ва баҳолаш; еттинчидан, корхона фаолиятида инвестицион рискларни аниқлаш, баҳолаш ва уларни пасайтириш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқишдан иборат. Хулоса қилиб айтганда, инвестиция стратегиясини профессионал ривожлантириш ҳар қандай бизнес фаолияти режасини яратиш, белгиланган вақт оралиғида юқори самарадорликка эришиш учун ресурсларни оқилона тақсимлаш сифатида қаралади.

Фойдаланилган адабиётлар

13. 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сонли Фармони. <https://lex.uz/docs/5841063>
14. Себекина. Т.И. Инвестиционная деятельность сельскохозяйственного предприятия ООО «Дружба-2» Брянской области / Себекина Т.И., Аракелян Н.Ф., Хроленок А.В. // Символ науки. – 2016. – № 1-1(13), – С. 184-186.
15. Муратов Р.С., Джалолова И.А., Орипов С.Ш. Корхона иқтисодиёти: дарслик – Тошкент, 2014., Улашев И.О., Атамурадов Ш.А. Корхона иқтисодиёти ва менежменти: ўқув қўлланма. – Тошкент, 2013., Хонкельдиева Г.Ш. Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида корпорацияларни бошқаришнинг илмий-методологик асослари. Иқт.фанлари доктори илм.дараж. ... дисс. автореф. – Тошкент, 2018. – 71 б., Абдураулов Р.Р. Ўзбекистонда хорижий инвестицияли корхоналар иқтисодий салоҳиятини бошқариш механизмларини такомиллаштириш. Иқт. фанлари доктори илм. дараж. ... дисс. автореф. – Тошкент, 2017. – 70 б.
16. Брянцева Л. В. Управление инвестиционной и инновационной деятельностью предприятия / Л. В. Брянцева. – Воронеж, 2016. – 139 с.
17. Погодина Т. В. Инвестиционный менеджмент / Т. В. Погодина – М., 2016. – 311 с.
18. Ивакова З. А., Абыкеева М.А. Инвестиционная стратегия: учеб. пособие. – Б., БФЭА, 2015. – 136 с.

ИНВЕСТИЦИЯ МУҲИТИ ЖОЗИБАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ МАСАЛАЛАРИ

Олимбеков Одилбек Саидмурод ўғли



*баҳолаш иши ва инвестициялар
кафедраси мустақил изланувчиси
Тошкент давлат
иқтисодиёт университети
E-mail: said-odil-345@mail.ru
ORCID: 0000-0002-7686-8000*

Аннотация. Мақолада ривожланган ва ривожланаётган мамлакатлар инвестицион жозибadorлигининг макроиктисодий кўрсаткичларга таъсири таҳлил қилинган. Ўзбекистон Республикасида 2018–2023 йилларда аҳоли жон бошига асосий капиталга ўзлаштирилган инвестициялар ҳажми тадқиқ этилган унга оид тенденциялар аниқланган. Инвестицион жозибadorликни ошириш йўллари бўйича тегишли муаммолар аниқланган ва уларни ечиш учун таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Калит сўзлар: инвестицион жозибadorлик, хорижий инвестиция, инвестиция, тўғридан-тўғри инвестиция, инвестицион самарадорлик.

ВОПРОСЫ ПОВЫШЕНИЯ ПРИВЛЕКАТЕЛЬНОСТИ ИНВЕСТИЦИОННОЙ СРЕДЫ

Олимбеков Одилбек Саидмуродович

*независимый исследователь кафедры
оценочного дела и инвестиций
Ташкентский государственный
экономический университет
E-mail: said-odil-345@mail.ru
ORCID: 0000-0002-7686-8000*

Аннотация. В статье рассматриваются научно-теоретические вопросы повышения инвестиционной привлекательности. Проанализирован макроэкономический мультипликатор негативного фактора инвестиционной привлекательности развитых и развивающихся стран. Изучен объем привлеченных инвестиций, определены тенденции его расширения. В заключительной части сформулированы предложения и рекомендации по повышению инвестиционной привлекательности нашей страны.

Ключевые слова: инвестиционная привлекательность, иностранные инвестиции, инвестиции, прямые инвестиции, эффективность инвестиций.

ATTRACTIVENESS OF THE INVESTMENT ENVIRONMENT ANALYSIS OF THE CURRENT STATE

Olimbekov Odilbek Saidmurodovich

*appraisal business and investments
independent researcher of the department
Tashkent State the
University of Economics
E-mail: said-odil-345@mail.ru
ORCID: 0000-0002-7686-8000*

Abstract. The article examines the scientific and theoretical views of foreign and domestic economists on increasing investment attractiveness. The macroeconomic multiplier of the negative factor of investment attractiveness of developed and developing countries is also analyzed. Uzbekiston Respublikach studied the volume of investments directed to construction capital per capita in 2018-2023, and identified trends related to this. In the final part, problems and proposals and recommendations on ways to increase the investment attractiveness of our country were developed in an appropriate manner.

Keywords: investment attractiveness, foreign investments, investments, direct investments, investment efficiency.

Кириш

Жадаллашиб бораётган дунё иқтисодиётининг бугунги кундаги талаблари жуда мараккаб бир вазиятда мамлакатимизни янада гуллаб яшнашини таъминлаш энг асосий вазифалардан бири саналади. Мамлакатимиз иқтисодий ва ижтимоий жихатдан сўнги йилларда дунё ҳамжамиятига ўзининг янги қиёфасини очиб бермоқда, бинобарин мамлакатимизда мутлоқо эркин бозор иқтисодиётига асосланган иқтисодий сиёсатнинг олиб борилиши мамлакатимиз иқтисодий тизимининг янада ривожлантириши учун муҳим вазифаларнинг бажарилишини таъминламоқда. Бугунги кунда мамлакат иқтисодиётини ривожлантиришда фаол инвестицион сиёсатнинг олиб борилиши иқтисодиёт ривожининг келажақдаги ҳолатини белгилаб беради.

Янги Ўзбекистон иқтисодиётига хорижий инвестицияларни кенг жалб қилган ҳолда аҳолининг турмуш фаровонлигини ошириш, тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, ишсизликни қисқартириш, инновацион ҳудудларни шакллантириш борасида мақсадли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида “Мамлакатда инвестиция муҳитини янада яхшилаш ва унинг жозибадорлигини ошириш, келгуси беш йилда 120 миллиард АҚШ доллари, жумладан 70 миллиард доллар хорижий инвестицияларни жалб этиш чораларини кўриш”[2] каби, бир қатор устувор вазифалар белгиланган. Мазкур вазифалар ижросини таъминлаш, ҳудудлар иқтисодиётини ривожлантиришда хорижий инвестициялардан самарали фойдаланиш, иқтисодиётнинг истикболли йўналишларини ҳисобга олган ҳолда, хорижий инвестицияларни жалб қилишнинг самарали ҳамда шаффоф механизмларини ишлаб чиқиш борасидаги тадқиқотлар кўламини янада кенгайтириш мақсадга мувофиқ.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. Мирзиёев: “... иқтисодиёт

ўсишининг юқори суръатлари ва инвестиция ресурсларига ўсиб бораётган талабни қаноатлантириш бир-бирига мувофиқ эмас. Мамлакатимиз ҳудудларига хорижий инвестицияларни жалб этиш ўта қоникарсиз аҳволда қолмоқда. Кўпгина инвестиция лойиҳаларини ишлаб чиқиш чўзиб юборилмоқда. Ички бозоримизнинг кўплаб товарларга бўлган эҳтиёжи 50 фоиз даражасида ҳам қондирилмаяпти. Экспорт бўйича топшириқлар барбод қилинган”, дея таъкидлади. Айнан юқорида таъкидланган муаммоларнинг миллий иқтисодиётимизда юзага келиши ва хўжалик юритувчи субъектларнинг инвестиция фаоллиги даражасини ошириш, тармоқ ҳамда соҳалар бўйича инвестициялар кўламини кенгайтиришга доир илмий тадқиқотларни олиб бориш, фикримизча, бугунги кунда реал ижтимоий ҳаётимизда юзага келаётган муаммоларни аниқлаш, уларни бартараф этиш ва илмий асослантирилган ҳулосаларни шакллантириш давр талаби бўлиб ҳисобланади.

Адабиётлар шарҳи

Хорижлик олим Н.Н. Мурашко инвестицион жозибадорликни “инвестицион мухитни тавсифловчи кўрсаткич” сифатида талқин қилади [3]. Яъни бунда инвестицион мухит инвестицион фаоллик ва инвестицион жозибадорлик орқали аниқланади. Инвестицион салоҳият ва инвестицион риск инвестицион фаолликни вужудга келтиради. Инвестицион фаоллик эса ўз навбатида, инвестицион жозибадорликни аниқлаб беради. Аммо бу йўналиш бирмунча мантиқсизроқ, чунки инвестицион фаоллик ўзида инвестицион мухитга боғлиқ равишда жалб қилинган инвестицияларни мужассамлаштиради. Инвестицион фаоллик инвестицион мухит натижаси ҳисобланади, яъни унинг таркибий қисми эмас.

Хорижлик олим Д.А. Акер инвестицион жозибадорликнинг юқори даражаси “... рақобатчиларга нисбатан кўринадиган ва яширин афзалликларни шакллантиради ва кучайтиради” – деб таъкидлайди [4].

“Инвестицион мухит” ва “жозибадорлик” тушунчаларига дунё олимлари турлича ёндошадилар. Мисол учун Россия длатининг машҳур рейтинг агентликларидан бири “RA-ekspert” “инвестицион мухит” ва “жозибадорлик” тушунчаларини бир хил, деб қарайди.

Худудлар бўйича инвестицион жозибадорликни баҳолашда бу агентлик томонидан қўлланадиган баҳолаш методикасидан фойдаланишга қарамасдан, мазкур ёндошув атамаларнинг маъносини тўлиқ очиб бера олмайди.

Профессор Ш.И. Мустафоқулов мамлакат ҳудуднинг интеграл инвестицион жозибадорлиги “... бу мамлакат ҳудуднинг хўжалик ривожланишига ижобий ёки салбий таъсир кўрсатувчи объектив ижтимоий-иқтисодий, табиий-географик ва экологик кўрсаткичларнинг умумий даражасидир”, – деб таърифлайди [5].

Маҳаллий олимимиз Ж.Р. Хошимов тадқиқотида хорижий инвестицияларга қуйидагича таъриф берган: “Субъектлар томонидан нисбатан юқори даражада фойда олиш мақсадида бир мамлакат ҳудудидан мутлоқ бошқа мамлакат ҳудудига муайян муддатга жойлаштириладиган

турли кўринишдаги бойликларга хорижий инвестициялар дейилади” [7].

Маҳаллий иқтисодчи олимларимиздан, профессор А.М. Содиков ўз монографиясида, мамлакатимиз минтақаларини ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришда табиий иқтисодий, ишлаб чиқариш, ижтимоий-демографик салоҳиятига боғлиқ бўлган инвестицион фаолликнинг ўрнини алоҳида тадқиқ этган [8].

Инвестор томонидан маълум бир мамлакатга капитал ажратишнинг қулай ва ноқулай томонлари ўрганилади, шу билан бир қаторда, ўз капиталини киритмоқчи бўлган мамлакат мафкураси, сиёсати, иқтисодиёти ва маданиятига катта аҳамият берилади.

Таҳлил ва натижалар

Мамлакат ҳудудларида иқтисодиёт тармоқларини молиялаштириш жараёнини ошириш, технологик ва такрор ишлаб чиқариш таркибини оптималлаштириш ҳамда юқори самарадорликни таъминлашда инвестициялар муҳим аҳамиятга эга. Инвестицион ресурсларни ҳудуд иқтисодиётининг ўзига хос ривожланганлик даражаси ва салоҳиятидан келиб чиқиб, иқтисодиётнинг устувор соҳа ҳамда тармоқларини ривожлантириш учун жалб этиш ва инвестициялар қайтими самарадорлигини ошириш замоннинг ўзи талаб қилмоқда.

Мамлакатимиз ҳудудларида ишлаб чиқаришни молиялаштириш манбаларини кенгайтириш, барқарор иқтисодий ўсишга эришиш, иқтисодиёт тармоқларини модернизация қилишда фаол инвестиция сиёсатини олиб бориш талаб этилади. Маълумки, инвестиция фаолиятини марказлашмаган манбалар ҳисобидан молиялаштиришда корхоналарнинг ўз маблағлари ҳисобидан молиялаштириш жараёни тушунилади. Бундай шароитда фаол инвестиция сиёсатини амалга ошириш давлат томонидан иқтисодиётда фаолият кўрсатаётган хўжалик юритувчи субъектларни молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш заруриятини тақозо этади. Иқтисодиётдаги тармоқлар ва хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятида олиб борилаётган инвестиция ва инновацион фаолият иқтисодиётни трансформациялашув талабларига тўлиқ жавоб бера олмаяпти. Чунки, бу жараён билан боғлиқ бўлган қатор муаммолар борки, уларни бартараф этишнинг ечими эса, бир қатор масалаларни ҳал қилишни тақозо этади.

UNCTAD, 2018 йил ҳолатига кўра, ялпи ички маҳсулотга нисбатан ҳисобланган тўғридан-тўғри инвестицияларнинг тўпланган захираси Арманистонда 44 %, Беларусда 35 %, Қозоғистонда 87,5 % , Қирғизистонда 48,4 % , Россияда 25 %ни ташкил этган. Маълумотларга кўра, 2014–2017 йилларда Арманистон тўғридан-тўғри инвестициялар бўйича етакчилик қилади.

Шу билан бирга, 2018 йил якуни бўйича Арманистонга соф тўғридан-тўғри инвестициялар оқими бўйича Россия (63,8 фоиз) ва Буюк Британия (19,7 фоиз) етакчилик қилган, гарчи олдинги икки йилда соф тўғридан-тўғри инвестициялар оқимининг салбий кўрсаткичи Россияда кузатилган.

Арманистонга сармоя оқими кўп жиҳатдан ривожланиш истикболлари бўлган тармоқларга сармоя киритадиган сулола вакилларига боғлиқ. Умуман олганда, йигирма йил давомида тўғридан-тўғри инвестицияларни жалб қилувчи асосий тармоқлар тоғ-кон саноати, энергетика, банк, АКТ ва кўчмас мулкка тегишлидир. Бу тўғридан-тўғри инвестициялар оқимига тўсқинлик қилувчи омиллар қаторига киради.

1-жадвал.

**Мамлакатлар инвестицион жозибадорлигига боғлиқ айрим
омилларнинг макроиктисодий кўрсаткичлари***

Кўрсаткичлар	Арманистон	Беларусь	Қозоғистон	Қирғизистон	Россия
Бозор ҳажми, ЯИМ	30530,74	189658,43	509544,26	24535,04	4050785,54
Аҳоли сони, минг киши	2951,78	9483,50	18272,43	6322,80	144478,05
Якуний истеъмол ЯИМга нисбатан, фоизда	92,7	69,5	58	99,2	66,7
Ташқи савдо айлан-маси, ЯИМга нисба-тан фоиз ҳисоби	91	139	63	101	52
Сиёсий барқарорлик ва зўравонликнинг йўқлиги/терроризм	30,48	58,10	45,71	25,24	29,05
Иқтисодий эркинлик даражаси	70,6 (34-ўрин)	61,7 (88- ўрин)	69,6 (39- ўрин)	62,9 (81- ўрин)	61 (94- ўрин)

*Муаллиф томонидан тузилган.

Ўзбекистон Республикасида 2018–2023 йилларда асосий капиталга ўзлаштирилган инвестицияларни таҳлил қиладиган бўлсак, 2018 йилда 124231,3 млрд сўмни ташкил этган бўлса, 2023 йилга келиб эса, 352124,0 млрд сўмга ошган. Асосий капиталга ўзлаштирилган инвестицияларнинг ЯИМдаги улуши эса, 2018 йилда 29,3 фоизни ташкил этган бўлса, 2023 йилга келиб, 33,0 фоизга мос равишда ўсган. Асосий капиталга ўзлаштирилган инвестицияларнинг ЯИМдаги улушининг энг юқори салмоғи 2019 йилда кузатилган.

2-жадвал.

**Ўзбекистон Республикасида 2018–2023 йилларда асосий капиталга
ўзлаштирилган инвестициялар***

Кўрсаткичлар	Йиллар					
	2018	2019	2020	2021	2022	2023
Асосий капиталга ўзлаштирилган инвестициялар – жами, млрд сўм	124231,3	195927,3	210195,1	239552,6	266240,0	352124,0
Асосий капиталга ўзлаштирилган инвестицияларнинг ЯИМдаги улуши, %да	29,3	37,0	34,9	32,4	29,6	33,0

*Муаллиф томонидан тузилган.

Тадқиқ этилган даврда Ўзбекистон Республикасида 2018–2023 йилларда аҳоли жон бошига асосий капиталга ўзлаштирилган инвестициялар республика ҳудудлари бўйича тақсимланишида ҳам ўзгаришлар содир бўлган.

Инвестицион жозибадорлик инвесторни қизиқтирган хўжалик юритувчи субъектга сармоя киритишнинг мақсадга мувофиқлигини англатади, бу хўжалик юритувчи субъект фаолиятини тавсифловчи бир қатор омилларга боғлиқ.

3-жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, Ўзбекистон Республикасида 2018–2023 йилларда аҳоли жон бошига асосий капиталга ўзлаштирилган инвестициялар ҳажми 2018 йилда 3769,6 минг сўмни ташкил этган, 2023 йилга келиб 9668,8 млрд сўмга ошган. Аҳоли жон бошига асосий капиталга ўзлаштирилган инвестицияларнинг республика ҳудудлари бўйича тақсимланишида ҳам ўзгаришлар содир бўлган. Аҳоли жон бошига асосий капиталга ўзлаштирилган инвестициялар ҳажмининг ҳудудлар кесимида таҳлил этадиган бўлсак, 2018 йилга нисбатан 2023 йилда ўсиш суръати Сирдарё, Тошкент шаҳри, Тошкент ва Бухоро вилоятларига тўғри келган. Энг паст ўсиш суръати эса: Қашқадарё вилояти, Қорақалпоғистон Республикасида кузатилган.

3-жадвал.

Ўзбекистон Республикасида 2018–2023 йилларда аҳоли жон бошига асосий капиталга ўзлаштирилган инвестициялар ҳажми, (минг сўм)*

Ҳудудлар	2018 й.	2019 й.	2020 й.	2021 й.	2022 й.	2023 й.	2018 й. нисбатан 2023 й. ўсиш суръати +; –
Ўзбекистон Республикаси	3769,6	5834,6	6140,3	7015,9	7468,6	9 668,8	5 899,2
Қорақалпоғистон Республикаси	3641,1	4644,4	3710	4069,6	5225,5	6 004,4	2 363,3
Андижон	1550,3	2406	3047,2	3770,4	4361,1	5 410,6	3 860,3
Бухоро	5112,4	5429,3	6295	9681,7	10855,5	15 442,9	10 330,5
Жиззах	2693,9	5778,9	8984,7	9267,9	7107,9	11 138,3	8 444,4
Қашқадарё	5193,4	7534,6	6214,7	4811,9	4647,7	6 158,4	965,0
Навоий	10892,1	17855,2	15604,2	15931,5	17189,8	6 158,4	–4 733,7
Наманган	2992,5	4344,1	4229,2	4588,1	4984,4	6 839,0	3 846,5
Самарқанд	1878,3	2674,9	3746	4442,4	4642,5	6 385,3	4 507,0
Сурхондарё	2848,3	4552,8	3792,2	4176,4	4169,4	6 318,5	3 470,2
Сирдарё	3280,2	7002,9	8425,4	10011,5	13919,1	16 954,7	13 674,5
Тошкент	3898,4	6970	7169	9538,7	12056,8	14 705,6	10 807,2
Фарғона	1516,8	2336,2	2916	3348,9	3917,2	5 037,4	3 520,6
Хоразм	1655,6	2718,4	2868,2	4495,4	4517,9	6 096,1	4 440,5
Тошкент ш.	10627,8	16710,5	19065,6	20433,9	19539,4	22 644,8	12 017,0

*Муаллиф томонидан тузилган.

Инвестицияларнинг ҳудудий таркиби шу билан тавсифланадики, уларнинг

асосий қисми нисбатан юқори даражада ривожланган Тошкент ва Навоий иқтисодий ҳудудларига тўғри келади. Уларнинг улушини барча аҳоли сонининг 46,3 фоизи, инвестицияларнинг эса 50,4 фоизи тўғри келган. Инвестициялар ҳажми 2023 йил 2018 йилга нисбатан Навоий иқтисодий ҳудудидан ташқари, барча иқтисодий ҳудудларда бирмунча ўсган. Шу нарса муҳимки, ўртача республика даражасига нисбатан инвестицияларнинг юқорироқ суръатларда ўсиши Оролбўйи ва Мирзачўл иқтисодий ҳудудларида, яъни ривожланиш даражаси нисбатан орқада қолган ҳудудларда кузатилди. Бунинг натижасида мазкур ҳудудларда аҳоли жон бошига тўғри келадиган инвестициялар ўртача республика кўрсаткичларига яқинлашмоқда.

Хулоса

Республикаимиз ҳудудлари молиявий барқарорлигини таъминлашда, инвестиция жозибадорлигини ошириш жараёни таҳлиллари натижасида аниқландики, давлат ҳудудлардаги инвестиция фаолиятига қуйидаги молиявий воситалар орқали таъсир кўрсатиши мумкин: кредит, молия ва солиқ сиёсати; ишлаб чиқаришни реконструкция қилиш ҳамда техник қайта жиҳозлашга маблағ киритаётган корхоналарга солиқ имтиёзлари бериш; амортизация сиёсати; хорижий инвестицияларни жалб этиш учун қулай шарт-шароитлар яратиш орқали; илмий-техникавий сиёсат ва бошқалар.

Аниқланган асосий муаммолардан бири шуки, ҳудудларнинг молиявий барқарорлигини таъминлашда, инвестициялар оқими ҳаракатининг номутаносиблиги ҳамда уларнинг иқтисодий салоҳиятини ҳисобга олмасдан, инвестиция лойиҳаларини жалб этиш ва жойлаштириш тармоқлар ривожланишига кўра самарасизлиги ҳисобланади. Ушбу самарали ҳудудларнинг иқтисодий салоҳияти ва тоифалари амалиётини Ўзбекистон амалиётига қўллаш, ҳудудларнинг молиявий барқарорлигини оширишга хизмат қилади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 25 декабрдаги “Инвестициялар ва инвестиция фаолияти тўғрисида” ги 598-сон Қонуни.<https://www.lex.uz/uz/docs/4664142?ONDATE=22.02.2024%2000>
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида” ги ПФ-60-сонли Фармони.
<https://lex.uz/docs/5841063https://lex.uz/docs/5841063>
3. Н.Н Мурашко “Оценки инвестиционной привлекательности регионов Республики Беларусь и возможности ее прогнозирования”. МИДОБНТУ 2016. Стр.116.
4. Aaker, D. A. (2013). Strategic market management. New York: Wiley. ISBN: 978-1-119-39220-0
5. Мустафоқулов Ш.И. Инвестицион жозибадорликнинг назарий, методологик ва амалий талқини. Монография. – Т.: Маънавият, 2021.

6. Liesbeth Colen, Miet Maertens and Jo Swinnen. Foreign direct investment as an engine for economic growth and human development: A review of the arguments and empirical evidence.

7. Ж.Р. Хошимов. Миллий иқтисодиётга хорижий инвестицияларни жалб қилишни ривожлантириш йўналишлари бўйича фалсафа доктори (Doctor of Philosophy) диссертацияси Автореферати dī. – Т.: ТМИ, 2022. – 14.

8. Садыков А.А. (2005) Основы регионального развития: теория, методология, практика. Монография. – Ташкент: «Iqtisod-Moliya». – С. 198.

КИЧИК САНОАТ ЗОНАЛАРИНИНГ ИНВЕСТИЦИОН ЖОЗИБАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ МАСАЛАЛАРИ



Сотимов Юнусбек Турғунбой ўғли

*баҳолаш иши ва инвестициялар
кафедраси мустақил изланувчиси
Тошкент давлат
иқтисодиёт университети
E-mail: yunussotimov@gmail.com
ORCID: 0009-0012-3800-2627*

Аннотация. Мақолада кичик саноат зоналарининг инвестицион жозибadorлиги бўйича хорижий ва маҳаллий иқтисодчи олимларнинг тадқиқотлари кўриб чиқилган. Шунингдек кичик саноат зоналарни ташқи муҳандислик-коммуникация тармоқлари билан таъминлаш кўрсаткичлари таҳлил қилинган. Ўзбекистонда кичик саноат зоналарини ташкил этиш ва бошқариш механизми ишлаб чиқилиб, таклиф ва тавсиялари берилган.

Калит сўзлар: кичик саноат зоналари, инвестиция, инвестицион жозибadorлиг, маъмурий кенгаш, потенциал инвестор.

ВОПРОСЫ ПОВЫШЕНИЯ ИНВЕСТИЦИОННОЙ ПРИВЛЕКАТЕЛЬНОСТИ МАЛЫХ ПРОМЫШЛЕННЫХ ЗОН

Сотимов Юнусбек Турғунбой ўғли

*самостоятельный соискатель
кафедры оценочного дела и инвестиций
Ташкентский государственный
экономический университет
E-mail: yunussotimov@gmail.com
ORCID: 0009-0012-3800-2627*

Аннотация. В статье рассматриваются исследования зарубежных и отечественных экономистов по вопросам инвестиционной привлекательности малых промышленных зон. Также были проанализированы показатели обеспеченности малых промышленных зон внешними инженерно-коммуникационными сетями. Разработан механизм организации и управления малыми промышленными зонами в Узбекистане, даны соответствующие предложения и рекомендации.

Ключевые слова: малые промышленные зоны, инвестиции, инвестиционная привлекательность, административный совет, потенциальный инвестор.

WAYS TO INCREASE INVESTMENT ATTRACTIVENESS OF SMALL

INDUSTRY ZONES**Sotimov Yunusbek Turg'unboy o'g'li**

*Independent researcher of
Tashkent State University of Economics
Department of evaluation work and investments
E-mail: yunussotimov@gmail.com
ORCID: 0009-0012-3800-2627*

Abstract. The article examines the researches of foreign and local economists on the investment attractiveness of small industrial zones. Also, indicators of provision of small industrial zones with external engineering and communication networks were analyzed. The mechanism of organization and management of small industrial zones in Uzbekistan was developed and suggestions and recommendations were given.

Keywords: small industrial zones, investment, investment attractiveness, administrative council, potential investor.

Кириш

Бугунги кунда саноат зоналарининг инвестицион жозибадорлиги оширишда, бу ерда ташкил этилган корхоналар фаолиятининг барқарор иқтисодий ўсишини таъминлаш, саноат ишлаб чиқаришни модернизация ва диверсификация қилиш, юқори истеъмол характериға эга бўлган саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш жараёнлари устувор аҳамият касб этади. Бу каби қатор ҳолатларда инвестицияларни иқтисодий тараққиётдаги ролини комплекс баҳолаган Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М. Мирзиёев 2018 йил 28 декабрдаги мамлакатимизни ривожлантиришнинг энг муҳим устувор вазифалари тўғрисидаги Олий Мажлисга юналтирилган Мурожаатномасида қуйидагиларга тўхталиб ўтган эди: «...Жаҳон тажрибаси шуни кўрсатадики, қайси давлат фаол инвестиция сиёсатини юритган бўлса, ўз иқти-содиётининг барқарор ўсишига эришган. Шу сабабли ҳам инвестиция – бу иқтисодиёт драйвери, ўзбекча айтганда, иқтисодиётнинг юраги, десак, муболаға бўлмайди» [1].

Кичик саноат зоналари ҳудудий ишлаб чиқариш билан боғлиқ жараён иқтисодий ривожланишга бевосита таъсир этувчи элемент сифатида унинг фаолиятини ривожлантириш учун ҳам инвестицияларнинг ўрни муҳим ҳисобланади. Аблатта, инвестициялар бугунги молиявий ресурсларнинг “кучли сезгирлиги” шароитида инвестицион жозибадорлиги юқори бўлган ҳудудларга “интилиши” ҳеч кимга сир эмас. Шу сабабдан кичик саноат зоналарининг иқтисодий ривожланиш ҳолатининг асоси бўлган – инвестицион фаолликни таъсинлабб берувчи кичик саноат зоналарининг инвестицион жозибадорлигини ошириш асосий йўналишлардан биридир.

Адабиётлар шарҳи

Кичик саноат зоналарининг инвестицион жозибадорлигини ошириш

бўйича қуйидаги хорижий ва маҳаллий иқтисодчи олтмлар тадқиқотлар олиб борган. Жумладан: В.Миллберг ва М.Аменгуал томонидан олиб борилган тадқиқотларда, индустриал парклар фаолияти иқтисодий жиҳатдан “қолоқ” ҳудудлар учун яхши “мотивация” вазифасини ўтайди. Уларнинг фикрича, индустриал парклар – иқтисодий ривожланиш учун ажратилган кичик ишлаб чиқариш майдонлари бўлиб, уларнинг қулайлиги махсус иқтисодий ёки эркин иқтисодий зоналар сингари йирик ишлаб чиқариш инфратузилмасини талаб этмасдан ташкил этилади [2].

Инвестицион муҳит жозибадорлиги – мамлакатга инвестицияларнинг оқимини белгиловчи, таъминловчи, кафолатловчи ва инвестиция фаоллиги билан баҳоланадиган объектив иқтисодий, ижтимоий ва табиий асослар, воситалар, имкониятлар ва чекловларнинг йиғиндисидир [3].

Инвестицион жозибадорликни баҳолаш учун иккита муҳим жиҳатга эътибор қаратиш лозим. Биринчиси, маълум бир объектни инвестициялашнинг инвестицион жозибадорлиги. Бунда аниқ бир ҳудудий тизимда мавжуд тармоқ, соҳа ва кластерларнинг иқтисодий ҳолати таҳлил этилади. Иқтисодий таҳлилни амалга оширишда инвестицион лойиҳа ва дастурлар самарадорлигини аниқлашнинг таянч кўрсаткичлари (соф дисконтланган даромад, қоплаш муддати, фойда нормаси, ички рентабеллик нормаси) баҳоланади [4].

М.Раимжанованинг тадқиқотларида кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожлантиришнинг ҳозирги ҳолати, уларга киритилаётган инвестициялар, ажратилаётган кредитлар таҳлили ёритилган ҳамда кичик бизнесни ривожлантириш юзасидан хориж тажрибаси ўрганилиб тегишли хулоса ва таклифлар келтирилган. Бу борада кичик саноат зоналари фаолиятини ривожланган давлатлар тажрибасидан келиб чиққан ҳолда ташкил этиш кўриб чиқилган [5].

Таҳлил ва натижалар

Ўзбекистон Республикасининг 2030 йилгача комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш концепциясида, инвестиция сиёсатини амалга ошириш жараёнига мамлакат иқтисодий тараққётини таъминлашнинг асосий омили сифатида устуворлик берилган. Стратегияда мамлакатда бизнесни ривожлантириш учун қулай воситаларни шакллантириш, ҳудудларни ривожлантириш учун иқтисодиёнинг устувор тармоқ ва соҳаларининг инвестицион фаоллигини ошириш, шунингдек, инвестицион фаолиятни қўллаб-қувватлашда самарали воситаларни шакллантириш тизимини яратиш зарурлиги қайд этилади.

Кичик саноат зоналарининг иқтисодий фаолият самарадорлигини баҳоловчи индикаторлар тизими саноат зонаси даражасида инвестиция сиёсатини амалга оширишнинг қуйидаги қатор йўналишларини шакллантиришга имкон беради:–

❖ саноат зоналарининг инвестицион фаоллигини оширишга йўналтирилган инвестиция муҳитини шакллантириш;

- ❖ кичик саноат зоналарида саноат ишлаб чиқаришнинг таркибий асосларини молиялаштириш манбаларини излаш;
- ❖ кичик саноат зоналари фаолиятини молиялаштириш манбаларини кенгайтириш;
- ❖ давлат инвестиция дастури доирасида кичик саноат зоналари фаолиятини молиялаштиришда инвестиция учун ажратилган бюджет маблағларнинг мақсадли ишлатилиши устидан назоратни кучайтириш;
- ❖ инвестиция рискинни пасайтириш ва бошқалар.

Қуйидаги 1-жадвалда кичик саноат зоналарни ташқи муҳандислик-коммуникация тармоқлари билан таъминлаш кўрсаткичлари таҳлил қилинган.

1-жадвал.

Кичик саноат зоналарни ташқи муҳандислик-коммуникация тармоқлари билан таъминлаш кўрсаткичлари, млн сўм* [6]

Маблағлардан фойдаланиш йўналишлари	2021 йил	2022 йил
Кичик саноат зоналари	174 242,3	351 000,0
Электр энергияси тармоғини қуриш ва реконструкция қилиш	128 813,5	230 500,0
Газ тармоғини қуриш ва реконструкция қилиш	45 428,8	120 0,0

*Муаллиф томонидан кичик саноат зоналари фаолиятига оид бўлган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар асосида тузилган.

Жадвалга кўра, кичик саноат зоналарни ташқи муҳандислик-коммуникация тармоқлари билан таъминлаш тадбирлари учун 2021 йилда 1 трлн. 600 млрд сўм маблағ сарфланган. 2022 йилда жами 1 трлн 800 млрд сўм миқдоридаги молиявий маблағлар ушбу зоналарни ташқи муҳандислик-коммуникация тармоқлари билан таъминлаш мақсадида ажратилган.

Кичик саноат зоналарида инвестицион жозибадорликни ошириш орқали инвестицион фаолликни таъминлашда кичик саноат зоналари фаолиятини бошқарув тизими ҳам самарали таъсир кўрсатади. Кичик саноат зоналари маъмурий бошқарув тузилмаси хорижий ва маҳаллий инвесторлар учун қатор муаммоларни келтириб чиқаради. Бу борада, кичик саноат зоналар дирекцияси потенциал инвесторлар учун ер, бино ва иншоотларни бериш ҳуқуқига тўлақонли эгалик қила олмайди. Ушбу масалаларда кичик саноат зоналар Маъмурий Кенгашлари ҳисобланган маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан тегишли қарорларнинг чиқарилиши талаб этилади.

1-расм.

Ўзбекистонда кичик саноат зоналарини ташкил этиш ва бошқариш механизми*



*Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 9 мартдаги 134-сонли қарори асосида муаллифлар томонидан тайёрланган.

Ўзбекистонда кичик саноат зоналарини оператив бошқариш маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ҳузурида ташкил этилган Дирекциялар томонидан амалга оширилиб, улар қуйидаги вазифаларни бажарадилар:

- ❖ КСЗ ҳудудида инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш учун ишлаб чиқиш ва инвесторларни топиш;
- ❖ КСЗда ташкилий-бошқарув фаолиятини амалга ошириш;
- ❖ КСЗ иштирокчилари билан Маъмурий кенгашнинг қарорларига, шунингдек, КСЗ ҳудудида хизмат кўрсатиш тўғрисидаги шартномаларга мувофиқ инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш ҳақида битимлар, ишлаб чиқариш майдонлари ёки ер участкаларини узоқ муддатли ижарага олиш (балансда сақловчи номидан) шартномаларини тузиш;
- ❖ Маъмурий кенгашнинг қарорига асосан маъқулланган инвестиция лойиҳаларини жойлаштириш ва КСЗ иштирокчилари рўйхатини юритиш.

2-жадвал.

2023 йил МИЗ, КСЗ, технопарк ва кластерлар таркибига кирувчи корхоналарнинг молиявий натижалари*

Кўрсаткичлар	Таркибидаги корхоналар сон	Фойда солиғини тўлагунга қадар фойда (зарар) (-), млрд сўмда
Жами	5 045	2 430,0
шундан		
МИЗ	715	725,0
КСЗ	2 433	75,4
Технопарклар	1 426	1 677,9
Кластерлар	471	-48,3

*<https://lex.uz/docs/4758585> интернет маълумотлари асосида тайёрланди.

2023 йил МИЗ, КСЗ, технопарк ва кластерларлар таркибига кирувчи корхоналарнинг молиявий натижаларини таҳлил қилиб чиқадиган бўлсак, 2023 йилда, Фойда солиғини тўлагунга қадар фойда (зарар) (-)миқдори жами – 2 430,0 млрд Сўмни ташкил қилди шундан: КСЗда – 75,4 млрд сўмни, технопаркларда – 1 667,9 млрд сўмни, МИЗда – 725,0 млрд сўм ва кластерларда – 48,3 млрд сўмни ташкил қилди.

Майдони 10 гектар ва ундан кўп бўлган ҳудудга эга саноат зоналари учун Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари ҳузурида кичик саноат зоналарини бошқариш дирекцияси ташкил этилади. Худди шундай, 10 гектардан кам ҳудудга эга бўлган, битта туман доирасида жойлашган саноат зоналари учун – тегишли туман ҳокимликларида ҳам кичик саноат зоналарини бошқариш ягона дирекциялари давлат унитар корхоналари шаклида ташкил этилади. Дирекциялар саноат зоналари қатнашчилари билан, танлов комиссияси қарорига асосан узоқ муддатли шартномалар тузади, саноат зоналари ҳудудида хизмат кўрсатиш ишларини амалга оширади, шартномаларни бажарилиши юзасидан мониторингни амалга оширади, кичик саноат зона ҳудудини қўриқлаш хизматини ташкил этади. Дирекциялар кичик саноат зоналари фаолиятини ташкил этиш билан боғлиқ ишларни тезлаштиришга хизмат қилади. Кичик саноат зоналарининг самарадорлигини оширишга таъсир этувчи омилларга қуйидагиларни киритиш мумкин:

- ❖ кичик саноат зоналарида ишлаб чиқаршни кластер асосида ташкил этилиши синергетик самарага олиб келади;

- ❖ кичик саноат зоналарида кичик бизнес субъектларига умумий хизмат кўрсатувчи тузилмаларни ташкил этилиши ҳам қўшимча самарага олиб келади. Масалан: ягона омборхона хизмати, транспорт хизмати, ускуна ва технологияларни таъмирлаш хизмати, таъминот хизмати, қўриқлаш хизмати ва бошқалар;

- ❖ кичик саноат зоналаридаги тадбиркорлик субъектлари ўртасида кооперацияни йўлга қўйилиши ҳар бир тадбиркорлик субъекти амалга ошира олмайдиган йирик лойиҳаларни амалга оширишга имконият яратади. Масалан: қимматбаҳо янги ускуна ёки технологияни сотиб олиш, экспортни қўллаб қувватлаш, қўшимча ишлаб чиқариш цехларини ташкил этиш, логистика хизматларини кенгайтириш. Юқоридагилар кичик саноат зоналарини ишлаб чиқариш харажатларини қисқартиришга ва маҳсулотлар рақобатбардошлигини ошишга олиб келади.

Шу сабабли, кичик саноат зоналарида инвестицияларни жалб қилишнинг қуйидаги усулларида фойдаланиш талаб этилади: кичик саноат зоналари жойлашган ҳудудларда инвестиция лойиҳаларини танлаш, асослаш ва амалга ошириш учун устувор йўналишларни тақсимлаш; ҳудудларда етакчи кичик саноат зоналари фаолиятини қўллабқувватлашнинг бозор механизмига устуворлик бериш; кичик саноат зоналарининг ЯХМ улуши ва умумий саноат ишлаб чиқаришдаги салмоғи паст бўлганларида инвестиция фаолиятини қўллабқувватлаш механизмларини диверсификациялаш; кичики

саноат зоналарига инвестицион лойиҳалар тарғиботини шакллантириш тизимини такомиллаштиришга йўналтирилган илмий-оммабоп нашрларни тайёрлаш ва бошқалар.

Хулоса

Кичик саноат зоналари инвестицион жозибадорлиги саноат зонасининг худудига сармоянинг кириб келишини белгиловчи ва инвестиция фаоллиги билан баҳоланадиган объектив ижтимоий-иқтисодий, табиий белгилар, воситалар, имкониятлар ва чекловларнинг йиғиндиси ҳисобланади. Ўз навбатида кичик саноат зоналарида инвестицион жозибадорликни ошириш инвестицион сармоянинг кириб келиш интенсивлиги сифатида кўрилади.

Кичик саноат зоналарининг инвестицион жозибадорлигини ошириш йўллари бўйича қуйидаги таклиф ва тавсияларни бериш ўринли деб ҳисоблаймиз:

- ❖ инвестиция ресурсларини жалб қилишда ҳудудларда жойлашган кичик саноат зоналари ўртасида ўзаро юқори даражада фарқланиш давом этмоқда;

- ❖ аксарият кичик саноат зоналарида инвестицион ресурслар бўйича иқтисодий даромадларнинг камлиги ҳисобига кичик саноат зоналарининг рентабеллик даражаси пастлигича қолмоқда;

- ❖ кичик саноат зоналарига жалб қилинаётган тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларнинг ҳажми кичик саноат зоналарининг инвестицион салоҳиятини тўлиқ намоён этиш имко-ниятини бермаслиги билан бирга, уларнинг манбалари диверсификацияланмаган;

- ❖ кичик саноат зоналарида ишлаб чиқариш фаолиятини модернизация қилиш, техник ва технологик қайта қуrolлантириш учун инвестицияларни жалб қилиш даражаси қайта ишлаб чиқариш жараёнини самарали таъминлаш учун етарли эмас;

- ❖ кичик саноат зоналарида хорижий ва маҳаллий инвестицияларни жалб этишда давлатнинг юқори даражадаги иштироки сақланиб қолаётган бўлиб, бу борада норматив муҳит доирасида номутаносибликнинг юзага келиши, кичик саноат зонасининг инвестицион ўсиш имкониятини ва иқтисодий муаммоларни ҳал қилиш жараёнида бозор омилларидан фойдаланиш имкониятини чеклайди.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлисга Мурожаатномаси <https://president.uz/uz/lists/view/2221>

2. W. Millberg, M. Amengual. Economic Development and Working Conditions in Export Processing Zones: A Survey of Trends. ILO Office, Geneva, 2008. 68 p.

3. Viviani, J.L, & Maurel, C. (2019). Performance of impact investing: A value creation approach. Research in International Business and Finance, 47, 31-39. Каримкулов Ж.И. Брис мамлакатларида эркин иқтисодий ҳудудлар

орқали хорижий инвестицияларни жалб этиш механизми. //“Халқаро молия ва ҳисоб” илмий электрон журналі. № 2, апрель, 2019 йил.

4. Мустафакулов Ш., Ражабов Н., Хайдарова М. Навоий вилоятининг ижтимоий-иқтисодий ривожланишига инвестицион муҳит жозибадорлиги таъсирининг таҳлили. “Iqtisodiyot va innovatsion texnologiyalar” ilmiy elektron jurnali. № 5, sentyabr-oktyabr, 2020 y.

5. Раимжанова М.А. Эркин тадбиркорлик ҳудудлари фаолиятини ривожлантириш кичик бизнес ва тадбиркорликни рақобатбардошлигини ошириш омили сифатида. “Халқаро молия ва ҳисоб” илмий электрон журналі. № 4, август, 2017 йил

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 30.04.2021 йилдаги ПҚ-5101-сон қарори.

КИЧИК БИЗНЕС ИННОВАЦИОН РИВОЖЛАНИШИНИНГ ИЛМИЙ ВА АМАЛИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ

Тўйчиев Абдурахмон Гофурович

*иқтисодиёт фанлари бўйича
фалсафа доктори (PhD)
доцент*

*Тошкент давлат иқтисодиёт
университети*

Умарова Гулзодахон Қодирбековна

*катта ўқитувчи
Тошкент давлат иқтисодиёт
университети
Андижон факультети*

Аннотация: Мақолада кичик бизнеснинг инновацион ривожлантирилиши ўта муҳим илмий ва амалий йўналишлардан бири сифатида эътироф этилиб, ушбу соҳа фаолиятини ички ва ташқи инновациялар трансфери ва тижоратлаштирилишини молиялаштириш ҳажми ва самарадорлиги, илмий-инновацион салоҳиятни, инновациялар трансферини тижоратлаштириш ва уларни молиялаштириш механизмини оширишга қаратилган масалалар тадқиқ этилиб, самарали ечимига эришиш бўйича таклиф ва тавсиялар берилган.

Таянч сўзлар: инновация, инсон капитали, инновацион фаолият, инклюзив инновацион ривожланиш, инновациялар трансфери, кичик бизнес, стартап, инновациялар трансферини молиялаштириш, криптовалютанинг эмиссияси.

НАУЧНО-ПРАКТИЧЕСКИЕ НАПРАВЛЕНИЯ ИННОВАЦИОННОГО РАЗВИТИЯ МАЛОГО БИЗНЕСА

Туйчиев Абдурахман Гофурович

*доктор философии (PhD)
по экономическим наукам доцент
Ташкентский государственный
экономический университет*

Умарова Гульзодахон Кадырбековна

*старший преподаватель
андижанского факультета
Ташкентского государственного
экономического университета*

Аннотация: В статье инновационное развитие малого бизнеса рассматривается как одно из важнейших научных и практических

направлений. Исследуются вопросы, связанные с увеличением объемов и эффективности финансирования трансфера и коммерциализации внутренних и внешних инноваций в этой сфере. Также изучены проблемы повышения научно-инновационного потенциала, эффективности финансирования механизмов малого бизнеса. Даны соответствующие предложения и рекомендации по имеющимся проблемам.

Ключевые слова: инновации, человеческий капитал, инновационная деятельность, инклюзивное инновационное развитие, передача инноваций, малый бизнес, стартап, финансирование передачи инноваций, выпуск криптовалют.

SCIENTIFIC AND PRACTICAL DIRECTIONS OF SMALL BUSINESS INNOVATION DEVELOPMENT

Tuychiev Abdurakhman Gofurovich

*Doctor of Philosophy (PhD)
in Economic Sciences
Associate Professor
Tashkent State
University of Economics*

Umarova Gulzodakhan Kadyrbekovna

*Senior Lecturer
Andijan Faculty
Tashkent State
University of Economics*

Abstract. The article examines innovative development of small business as one of the most important scientific and practical areas. The issues related to increasing the volume and efficiency of financing the transfer and commercialization of internal and external innovations in this area are studied. The problems of increasing the scientific and innovative potential, the efficiency of financing small business mechanisms are studied. The corresponding proposals and recommendations on the existing problems are given.

Keywords: Innovation, human capital, innovative activity, inclusive innovative development, innovation transfer, small business, start-up, financing the transfer of innovations, issuance of cryptocurrencies.

Кириш

Глобал жаҳон иқтисодиёти барқарор ривожланишида кичик бизнеснинг инновацион ривожлантирилиши ўта муҳим илмий ва амалий йўналишлардан бири сифатида эътироф этилиб, ушбу соҳа фаолиятини ички ва ташқи инновациялар трансфери ва тижоратлаштирилишини молиялаштириш ҳажми ва самарадорлигини ошириб бориш ҳар бир давлат учун муҳим вазифага айланган. Зеро, «Жаҳон иқтисодиётининг инклюзивлилик омилларига боғлиқликда ривожланиши инновациялар трансфери ва тижоратлаштирилишини молиялаштиришнинг аҳамиятини кескин ошириб

бормоқда. Бугунги кунда инновацион фаолият натижалари тез ва кенг тарқалиш хусусиятига эга бўлиб, улар илғор ривожланаётган мамлакатлар иқтисодиётининг микдорий ва сифат жиҳатидан ўзгаришларига таъсир кўрсатмоқда. Дунё халқлари турмуш даражасининг ошиш тенденцияларида ўз аксини топаётган бундай ўзгаришлар мамлакатларни инновация соҳасида юқори ўринларга эга бўлиш учун рақобатлашишга мажбур қилмоқда. Бу эса ўз навбатида, бугунги кунда илмий-инновацион салоҳиятни кескин ошириб боришни, инновациялар трансферини тижоратлаштириш ва уларни молиялаштириш механизмини самандорлигини оширишнинг янги йўллари излаб топишни тақозо этмоқда. Шунинг учун ҳозирда дунё мамлакатлари иқтисодиётининг барқарор ўсишини таъминлашда инновацион фаолият асосий омил сифатида қаралмоқда. Ўзбекистонда ҳам инновацион фаолият ва унинг натижаларини кичик бизнес ривожланишига ички ва ташқи инновациялар трансфери ва тижоратлаштирилишини молиялаштириш механизмини такомиллаштириш зарурати ҳозирги глобаллашув жараёнида мазкур муаммонинг долзарблигини янада оширмоқда.

Адабиётлар шарҳи

Халқаро миқёсда кичик бизнесга инновациялар трансферини молиялаштириш ва тижоратлаштиришга қаратилган масалаларнинг самарали ечимига эришиш бўйича узлуксиз равишда илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда ва бунда АҚШ, Ғарбий Европа, Япония, Сингапур, Корея Республикаси олимлари уларнинг методологик ва амалий аҳамиятига, МДҲ мамлакатларида эса кўпроқ назарий жиҳатларига урғу берилмоқда. Ҳозирда стартаплар бўйича тўлиқ илмий тадқиқот бўлиб «Startup Genome Report» ҳисобланади. Мавжуд тадқиқотлардан олинган натижаларга асосланувчи бизнес субъектларини инновацион ривожлантиришнинг миллий ва халқаро тизимлари узлуксиз такомиллаштирилмоқда. Эътироф этиш жоизки, олиб борилган тадқиқотларда инновация омили муаммолари, стартапларни ташкил этиш ва уларни ривожланиши ҳолати ва муаммолари эксперт сўров даражасида ўрганилган. Бироқ, кичик бизнес субъектларига инновациялар ва уларнинг трансферини молиялаштириш механизми самарадорлигини ошириш ва инновацион фаолият соҳасидаги олимларнинг назарий қарашлари, инновацион ривожланиш тенденциялари, инновациялар ва инвестицияларнинг иқтисодий ўсишга таъсири билан боғлиқлиги ҳамда инновацияларни молиялаштириш тизимини такомиллаштириш билан боғлиқ масалалар алоҳида тадқиқ этилмаган.

Ўзбекистон миллий иқтисодиётини инновацион ривожлантирилиши ва инновацион фаолиятни давлат томонидан тартибга солиш механизмларини такомиллаштириш, илмий лойиҳалар ва инновацион технологияларни ишлаб чиқаришга жорий қилиш учун инновацион-инвестицион муҳитни яхшилаш, илмий-инновацион фаолият самарадорлиги ва самарасини ошириш, илмий-тадқиқот лойиҳалари ва натижаларини миллий ва халқаро миқёсдаги бозорларда рақобатбардош маҳсулотлар яратиш учун зарур шарт-

шароитларга яратишга алоҳида эътиб қаратилмоқда. Шунингдек, жамият ва давлат ҳаётининг барча соҳалари шиддат билан ривожланаётгани ислохотларни мамлакатимизнинг жаҳон цивилизацияси етакчилари қаторига кириш йўлида тез ва сифатли илгариллаштини таъминлайдиган замонавий инновацион технологияларга асосланган ҳолда амалга оширишни тақозо этади.

Ўзбекистонда ишлаб чиқариш ҳажмини ва иқтисодиёт рақобатбардошлигини оширувчи инновация омили ва унинг манбаларини аниқлаш ва ривожлантириш узоқ муддатли иқтисодий ўсишнинг асосий вазибалари ҳисобланади. Шунинг учун Ўзбекистон Республикасининг қатор тегишли қонуности ҳужжатлари, кичик бизнесга инновациялар трансфери молиялаштирилиши механизмини такомиллаштириш масалаларини заруратга айлантирди.

Дунёнинг ривожланган ва ривожланаётган мамлакатлардаги бизнес субъектлари ўз фаолиятларида янги технологик нау-хауларга тез кўникишлари ва ўзлаштиришлари зарур бўлганликлари сабабли, ғарб давлатларида халқаро рақобат қобилияти инновация омилини қўллаш орқали амалга оширилади (Heribert Meffert/Christof Burmann, 2012, p.396).

Ўзбекистонда амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотлар доирасида амалга оширилаётган фаол инвестиция сиёсати, илмий-техник соҳанинг инновацион фаолияти, уларнинг натижаларини трансфери ва ИМО тижоратлаштирилишини рағбатлантириш, такомиллашган молиялаштириш механизмларини излаб топишни тақозо этмоқда. Бунда ушбу натижалар давлатнинг замонавий прогрессив макроиқтисодий сиёсати контекстидаги мамлакат иқтисодиётини инновацион ривожлантириш ва молия-кредит соҳасининг мақсадлари ва талабларига жавоб бериши керак. Бунинг учун модернизация лойиҳаларини амалга ошириш ва ишлаб чиқаришни қайта қуроллантиришда молиялаштирилиш ҳажмлари йилдан йилга ўсиб бораётган давлат бюджети маблағлари асосида яратилаётган илмий тадқиқот натижаларини амалиётга тадбиқ қилиниши лозим. Буларнинг ечими учун ижтимоий-иқтисодий системология[6] ва тизимли молиявий инжиниринг[7] қоидаларига таяниш мақсадга мувофиқдир.

Инновациялар трансфери ва ИМО тижоратлаштирилишини инновацион-инвестицион муҳитнинг қулай тизимсиз юқорида кўрсатиб ўтилган муаммоларнинг ечимини тўлиқ ҳал қилишда ва ҳатто сезиларли даромадлар манбаи сифатида қараш мумкин эмас. Ушбу тизимдан иқтисодий фойда давлат учун ҳам, шунингдек жамият учун ҳам инновацияларни тижоратлаштириш жараёнининг ўзида пайдо бўладиган молиявий фаолиятдан ташкил топади. Ушбу тизим инновациялар трансфери илмий инновацион фаолият субъектларига (ИФС) ва бутун жамиятга тадқиқот натижаларини тижоратлаштириш, тадқиқотларга буюртмалар оқимини яратиш, янги инвестициялар, янги технологиялар, янги иш ўринларини яратиш, юқори қўшимча қийматли янги товарлар ҳажми ва фойдасини, шунингдек давлат бюджетига солиқ тушумларини ошириш имконияларини

яратиб беради.

Илмий инновацион фаолият натижаларини трансфери ва тижоратлантириш соҳасидаги илмий инновацион фаолият (ИИФ) муаммалари орасида қуйидагиларни ажратиб ўтиш мумкин:

- ИИФни бозор талаби ҳисобисиз амалга ошириш. Ушбу муаммо ИФСларининг бозорни ўрганиш ва ундаги ишлар бўйича тўлиқ бўлмаган ва кам самарали бўлган менежмент ва маркетинг ишлари билан боғлиқ;

- ИИФ бошқарувининг кўпчилик субъектлари рақобат ва рисклар шароитларида ишлашга тайёр эмаслиги;


- инновацияларнинг таннархи юқорилиги ва улар рискларини ҳаққоний баҳолаш усулларининг эскилиги;

- ИИФнинг барча турларини, инновациялар трансфери лойиҳаларини молиялаштириш ва тижоратлаштириш мумкин бўлган ИИФ тизими ва механизмлари инновацион-инвестицион таъминотининг замонавий ва универсал тизими мавжуд эмаслиги. Бунда молиявий институтларнинг қизиқишлари, молиялаштириш муддатлари, ҳажмлари ва манбалари ҳар доим ҳам бир-бири билан ўзаро мос келмаслиги, ИИФ ва инновацияларни қўллаб-қувватлаш мамлакатнинг миллий сиёсати, қоидага кўра давлат бюджети ва инновацион салоҳият имкониятлари чегараланиб қолмоқда.

Шундан қилиб, мамлакатда қулай инновацион-инвестицион муҳитни таъминлаш тизимини ривожлантириш шаклини рағбатлантирувчи янги молиялаштириш механизминини яратиш йўли орқали мавжуд ресурслардан ва салоҳиятдан максимал даражада фойдаланиш ва олинган натижаларни нафақат илмий билимлар шаклида, балки ушбу натижаларни бозорга у ёки бу кўринишда иқтисодий амалга оширилишини таъминлаш зарур. Бунинг учун, аввалом бор, янги илмий билимлар яратадиган илмий коллективлар ва бўлимлар қаторига, ИИФ натижаларини тижоратлаштиришга мўлжалланган, комплекс хизмат кўрсатишни таъминлайдиган, натижаларни талаб қилишини рағбатлантирадиган ва ушбу натижаларни иқтисодий амалга ошириш механизминини ўз ичига оладиган инфратузилма яратиш талаб қилинади.

1-чизма

Инновациялар трансфери ва ИМО тижоратланишини рағбатлантирувчи молиявий механизми



Бунда: ИБ – инновациялар бозори; И – ИФС (интеллектуал мулкка бўлган ҳуқуқ эгалари); ИТ – инновацияларга талабгорлар (трансфер ва тижоратлаштиришга), яъни Start-up; ИМС – ИИФни ва унинг натижалари трансфери ва тижоратлаштирилишини молиялаштирувчи синдикат (Давлат ва хусусий сектор шерикчилигига асосланган); Д – Давлат (ИФСнинг ИИФни қўллаб-қувватловчи орган); ТТМ – трансфер (тижоратлаштириш) маслаҳатчиси ва бошқарувчиси.

Бундай инфратузилма, бир томондан, салоҳиятли буюртмачиларни қизиқтира оладиган инвесторлар (инновацион фаолият субъектлари) билан ишлашни, бошқа томондан, топшириқларни шакллантириб ва уларни инноваторлар олдига қўя оладиган, илмий инновацион фаолият натижалари истемолчилари бўлиш имкониятига эга бўлган ишлаб чиқариш ва бизнес субъектлари ўртасидаги узвий алоқаларни ўрнатиши ва уларни қўллаб-қувватлаши керак.

Ушбу схемада Д ва ИМС интеллектуал мулкка бўлган ҳуқуқ эгаларини молиявий, ҳуқуқий ва ташкилий қўллаб-қувватлайди.

ИМС (инвесторлар номидан) молиявий манбаларга эга бўлиши ва И билан бирга ИТ акциялари пакетига (пайига) эга бўлиши лозим.

Д ва ИМСнинг муҳим функцияси бўлиб, илмий тадқиқотларга (фундаментал, амалий ва инновацион) давлат буюртмаларини тасдиқлаш ва ИБ реал талабини ўрганиш; ИИФ натижалари трансферини мониторинг асосида молиялаштирилиши ва тижоратлаштирилиши бўйича ягона давлат реестрини юритиш; инновацияларнинг иқтисодий реализацияси бўйича кафолатчи сифатида намоён бўлиш, шунингдек, давлат-инвестициявий облигациялари бўйича кафиллик бериш. Давлат грантларини ажратиб беришда ИИФ жараёнида яратилган ва трансферлантирилувчи интеллектуал мулк ҳуқуқи ҳимоясига катта аҳамият берилиши керак.

Давлат томонидан инновацион ривожланишга солиқ инвестициялари ва кредитларини жорий қилиниши мумкин. Шу билан бирга, акциз солиғининг бир қисми иқтисодиётнинг инновацион ривожланишини қўллаб-қувватлаш учун юборилиши мумкин, чунки инновацияни иқтисодий амалга ошириш қўшимча фойда яратади. ИМС давлатнинг вақтинча қўллаб-қувватловчи иштирокидаги *start-up* компанияларини молиялаштиради, бу эса ИМС томонидан вақтинча иштирок этиш улушларини инвесторлага махсус давлат инвестиция облигацияларини чиқариш ва жойлаштириш орқали қайта молиялаштириш йўли билан амалга ошириш имконини беради. ИМС кафолатлаган давлат инвестиция облигациялари инвесторларга, шунингдек хорижий инвесторларга ҳам сотилади. Ушбу облигациялар ўртача сифатга эга бўлиб, улар кейинчалик ИТ акцияларига конвертация қилинади.

Инновацияларни рағбатлантириш учун интеллекттуал мулкка эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этиш ҳуқуқини ташкилотларга эмас, балки инноватор(И)ларга бериш зарур. Бундан ташқари, инноваторларнинг лицензия шартномалари бўйича йиғимлар ва фоизлар тўлаш кўринишидаги даромадларига даромад солиғи солинмаслиги керак ва

инновацияларни қандайдир компаниянинг устав фондига киритилганда, кўрсатилган даромад билан дивидендлар олиш ҳуқуқига эга бўлиши керак.

Юқорида айтиб ўтилганлардан келиб чиқиб қуйидаги хулоса ва таклифлар ўринли.

Бутун дунёда, иқтисодиётнинг технологик саҳаларида жадал ўсиш суръатларига эришилишида ҳал қилувчи ролни технологиялар трансферига қўйилади. Нима учун технологиялар трансфери бу қадар катта роль ўйнайди? Чунки инновацион цикл босқичлари занжирида узатиш технологияси “заиф алоқа” ҳисобланади; бир томондан, бу жуда кўп куч ва ресурслар талаб қилади, иккинчи томондан, катта хавфларни келтириб чиқаради. Бундан ташқари, ушбу босқичда кўпинча қарор қабул қилиш ва интеллектуал мулк ҳуқуқига эгалик қилиш ҳуқуқи занжир доирасида бир бирига ўтиши мумкин (интеллектуал мулк эгаси, инвестор ва ишлаб чиқарувчи ўртасида). Ушбу этапда турли билим соҳаларидан мутахассислар талаб қилинади: молиячилар, патентчилар, менеджерлар, маркетинглар. ИИФ учун қулай шароитлар, сифатли маҳсулот, яхши менежмент ва молиялаштиришнинг самарали давлат ва хусусий тизими (ИМС) мувоффақиятнинг калити ҳисобланади.

Юқори технологик бизнес махсус рисклар гуруҳига киради. Банклар кўп даромадли бўлмасада, мазмунан тушинарироқ бўлган ишлаб чиқариш лойиҳаларини молиялаштиришга қизиқадиладар. Давлат дастурлари ва инновациялар ва ИИФни давлат томонидан рағбатли молиялаштириш сақланиб қолинмоқда.

Хорижий мамлакатларда бизнес ангеллар деб ном олган хусусий инвесторлар шакллари жуда ривожланган, лекин бу ҳали Ўзбекистон учун хос эмас. Хусусий инвесторларни инновацион (стартап) акциядорлик жамиятини шакллантириш учун жалб қилиш ва акцияларни бирламчи жойлаштириш ёки акцияларни эркин капитал бозорида жойлаштириш бўйича Ўзбекистонда ҳали кенг тарқалмаган ва яқин йилларда ИМСсиз уларни қўллаш жуда қийин. Агар салоҳиятли инвестор жуда таниқли бўлганда ҳам, агар у давлат фонди бўлмаса, илмий-техник соҳанинг янги бизнес турини молиялаштиришга қарор қилиш учун етти марта ўлчаб иш қилиши керак. Қайтмаслик rischi жуда баланд, кафолат тизими ҳар доим ҳам мавжуд эмас, чет эл инвестициялари учун давлат кафолатлари чекланган ва бошқа инвестицияларни кафолатлаш механизмлари мавжуд эмас. Буларнинг барчаси ва бошқа омиллар инновацион жараённинг бошланғич ва охириги босқичлари ўртасидаги мавжуд бўшлиқ ҳақида гапиради, бу эса ишлаб чиқаришга илмий ва технологик ишланмаларни жадал амалга оширишга тўсқинлик қилади.

Инновацион технологияларни ишлаб чиқарувчилар ва ноу-хау эгалари уларни қандай қилиб ва қай даражада оқилона тасарруф эта олмаслигини билишмайди. Инвесторлар юқори технологияли бизнесга инвестицияларни суғурталаш механизмаларига эга эмаслар.

Ишлаб чиқарувчилар “ҳом ашё” ишланмаларни олишга тайёр эмас.

Шунингдек, бундай ишларни амалга оширишда давлатнинг аҳамияти жуда катта. Давлат ИМС воситасида ИИФ натижаларини ривожлантиришда инновацион тизимни яратиши ва қўллаб-қувватлаши керак. Бундан ташқари, мамлакатнинг ривожланиши ички ва ташқи бозорларда товарларнинг рақобатбардошлиги ва технологик даражасига боғлиқ.

Инновацион тизимнинг ривожланишида ҳудудлардаги саноат корхоналарининг рақобатбардошлигини ошириш муҳим аҳамият касб этади. Ижтимоий иқтисодий масалаларни ҳал қилишда ва ИИФ натижаларини самарали қўллаш, маҳаллий маҳсулотларнинг рақобатбардошлигини оширишни таъминлаш, инновацион-инвестицион фаолият учун ҳуқуқий, ташкилий ва қулай шароитларни яратиш ҳудудий инновацион сиёсатнинг асосий мақсади ҳисобланади. Ҳудудларда ИИФ ривожланиши учун маҳаллий давлат ҳокимияти билан ИМСлар ўртасида ҳамкорлик алоқаларини кучайтириш инновацион сиёсатни шаклланишида муҳим роль ўйнайди. Техногиялар трансфери ва ИИФни қўллаб-қувватлашда давлат ва ҳудудий қўллаб-қувватлаш дастурлари жуда муҳим саналади.

Демак, янги технологияларни яратувчилари олий таълим муассасалари (ОТМ) ва илмий-тадқиқот ташкилотларнинг ходимлари экан, уларга ИМС ёрдамида қўллаб-қувватлаш тизимини яқинлаштириш мақсадга мувофиқдир. ОТМларнинг инновацион инфратузилмасини [8] яратиш тажрибаларига эга бўлишларига қарамасдан ҳали мамлакатда инноваторлар, бизнесменлар ва инвесторларнинг натижалари сезилгани йўқ. Шунинг учун, ушбу инфратузилма функцияларини амалга оширишда хорижий тажрибаларга асосланиш мақсадга мувофиқ саналади.

Олиб борилган тадқиқотлар натижалари ҳамда ушбу берилган таклиф ва тавсиялар контекстида Ўзбекистон учун инновацион фаолиятни ривожлантириш ва унинг инновациялари трансферини молиявий қўллаб-қувватлашнинг Германия Федератив Республикаси (Германия) тажрибасини қўллаш мамлакатимизнинг инновацион иқтисодий ривожланиш моделига ўтишини таъминлайди деган хулоса маънога эга. Зеро ушбу хулоса қуйидагиларда намоён бўлади.

Германия инновацион тадқиқотлар учун дунёдаги энг кўп маблағ сарфлайдиган мамлакатлардан бири ҳисобланади, яъни бу мамлакат ҳар йили илмий-тадқиқотлар ҳамда илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишларни (ИТТКИ) молиялаштириш учун ялпи ички маҳсулоти(ЯИМ)нинг 2,9 фоизини ажратади. Бу кўрсаткич Европа Иттифоқиникига нисбатан 1,9 фоизга кўпдир. Демак, Германия илмий-тадқиқотлар ва ИТТКИ молиялаштирилиши бўйича дунёда етакчи ўринлардан бирини эгаллайди. Бунда таъкидлаш жоизки, немис компанияларининг инновацияларни молиялаштириш харажатлари 2010 йилларда 130 млн. Еврони ташкил этган. Ушбу сумманинг 1/4 қисми Германиянинг фақат автомобилсозлик саноати томонидан инвестиция қилинган. Ҳозирда Германияда янги маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажми 27 фоизни ташкил қилади, автомобилсозликда эса янги маҳсулотлар ҳажми 52 фоизни ташкил қилади. Умуман олганда,

Германияда инновацияларни ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш тизими яратилган, компанияларнинг маҳсулотлари кўпроқ юқори технологик бўлиб, улар жаҳон бозорида ўзининг рақобатбардошлилиги билан ажралиб туради.


Германиядаги илмий-тадқиқот ва ИТТКИлари билан шуғулланувчи муассасалар ва мутахассислар бизнесни режалаштириш ва инвесторларни қидириш, патентлаш ва ҳуқуқий ёрдам учун давлатдан маблағ оладилар.

Хусусан, Германия олий таълим тизимида “Max-Planck-Gesellschaft”, “Frauenhofer”, “Leibniz” ва “Helmholz” каби кўплаб нодавлат (жамоат) фондлари фаол ишламоқдалар. Улар кўплаб илмий-тадқиқот марказларини бирлаштиради ва илмий-инновацион изланишларни келажакда рўёбга чиқишини молиявий қўллаб-қувватлайди.

Ҳозирда Германия илмий-тадқиқот институтлари (ИТИ) ва олий таълим муассасалари (ОТМ) тизимида 300 дан ортиқ махсус марказлар фаолият кўрсатмоқда. Ушбу марказларнинг асосий фаолияти янги ихтироларни амалиётга татбиқ этиш, инновациялар трансферини молиялаштириш, *Start-up* фирмалар бизнес-режасини тузиш, янги компанияларни ташкил этишда консалтинг ва технологик ёрдам кўрсатишдан иборат. Мисол учун, Дортмунд Техника университети қошида 1995 филда ташкил этилган “Дортмунд Технологиялар трансфери маркази”ни олиш мумкин. Ушбу маркази бугунги кунда Европанинг етакчи технологиялар марказларидан бўлиб, иқтисодиёт соҳаларига инновациялар трансферини таъминловчи етакчи инициатор ва муҳим локомотив саналади. Марказ компанияларга ва ўз бизнесини бошлаётган тадбиркорларга кўп турдаги хизматларни таклиф этиб, уларнинг тадбиркорлик ҳолатларини қўллаб-қувватлашда яқиндан ёрдам беради.

2-чизма.

Кичик бизнесга инновациялар трансферини молиялаштириш модели



Шунга ўхшаш технологиялар трансфери марказлари (ТТМ) ОТМларнинг ягона ўқув-илмий комплекси доирасида инновацион сиёсатни амалга оширувчи таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ва инновацион

фаолияти натижаларини башқариш тизимининг муҳим элементи ҳисобланади. Уларнинг фаолият кўрсатиш функциялари ва инновациялар трансферини молиялаштириш модели юқоридаги 2-чизмада акс эттирилган.

Ушбу моделга кўра, инновациялар трансфери қуйидагича молиялаштирилади. Юқорида айтиб ўтилган “Max-Planck-Gesellschaft”, “Frauenhofer”, “Leibniz” ва “Helmholtz” каби жамоат фондлари Германия ИТИ ва ОТМ тизимидаги 300 дан ортиқ махсус марказларларда олиб бориладиган янги илмий ишланмалар, инновацион лойиҳалар ва стартап корхоналарининг бошланғич фаолиятини молиялаштириш учун грантлар ажратади. Кўпчилик технологиялар трансфери марказлари университетларда жойлашганлиги учун, уларда университет олимларининг иштироки бевосита катта аҳамиятли, чунки янгиликлар олимларнинг ишланмалари ёки уларнинг маслаҳатлари ёрдамида қайта ишланади ва молиялаштириш учун тақдим қилинади. Грантлар берувчи жамиятлар лойиҳаларни экспертлар кўригидан ўтказди ва уни молиялаштириш учун маъқуллайди. Бунга ўхшаш жамоат фондлари Германияда кўп. Бундан ташқари ИТИ ва ИТТКИларни йирик корхоналар маблағлари ҳисобидан ҳам молиялаштирилади. Давлат бюджети маблағлари ва йирик корхоналар маблағларининг жамиятлар орқали тақсимлангани бўйича тузилган 1-жадвалда кўришимиз мумкин.

1-жадвалда тадқиқот жамиятларининг тадқиқотлар ва инновацияларни молиялаштириш бўйича рақобат мусобақасини кўриш мумкин.

1-жадвал.

Тадқиқот ва инновацияларни ривожлантириш учун харажатларни молиялаштириш

Тадқиқот институтлари	Давлат томонидан молиялаштириш	Хўжалик ҳисобидан	Бир ҳодим ҳисобига нисбатан
Blaue Liste/ Leibniz ИТИ	744 млн.евро	208 млн.евро	12400
Helmholtz жамияти	1.400 млн.евро	700 млн.евро	24000
Fraunhofer жамияти	517 млн.евро	621 млн.евро	12870
Max Planck жамияти	1.020 млн.евро	254 млн.евро	12050
Titelgruppe 73ta (RIF)	13 млн.евро	39 млн.евро	795

Жадвал шуни кўрсатадики, Blue List / Leibniz, Helmholtz уюшмаси, Max Planck жамият каби йирик тадқиқот компаниялари давлатдан Titelg гуруҳларга нисбатан кўпроқ субсидиялар оладилар. Хўжалик ҳисобидан олинadиган маблағлар эса аксинча. Titel гуруҳларида йирик жамиятларга нисбатан хўжалик ҳисобидан оладиган маблағлари кўп. Чунки Titel гуруҳлари кичик бизнес ва ўрта корхоналар билан бирга ишлайди.

Инновациялар корхоналардаги муаммолардан келиб чиқади. Ушбу муаммолар олимлар томонидан фанлараро ҳамкорлик орқали RIF да кўриб чиқилади ва ҳал қилинади. Янги ғоялар бозорга тайёр бўлгунгача компаниялар томонидан қўллаб-қувватланади ва молиялаштирилади.

2-жадвалда бир ходимга тўғри келадиган тадқиқотнинг молиялаштирилиши ва самарадорлиги кўрсатилган.

2-жадвал.

**Тадқиқотларнинг молиялаштирилиши
ва самарадорлиги (хар бир ходимга, Евро)**

Тадқиқот институлари	Давлат томонидан	Хўжалик ҳисобидан
Blaue Liste/ Leibniz	60.000	16.500
Helmholtz жамияти	58.000	29.000
Fraunhofer жамияти	40.000	48.000
Max Plank жамияти	84.500	20.500
Titel гуруҳлари 73 та (RIF)	16.500	49.000

Жадвалда тадқиқот жамиятларида хар бир ходим учун берилган грант маблағлари келтирилган. Blue List / Leibniz (60,000), Helmholtz assotsiatsiyasi (58,000), Max Plank Society (84.500) каби йирик тадқиқот жамиятлари Тител гуруҳларига нисбатан (16.500) кўпроқ давлат грантларини оладилар. Хўжалик ҳисобидан олинadиган маблағлар бўйича эса аксинча. Йирик тадқиқот жамиятларида хўжалик ҳисобидан олинadиган маблағлар Тител гуруҳларига нисбатан озроқ. Фақат “Fraunhofer” тадқиқот жамиятида йирик компанияларга нисбатан хўжалик ҳисобидан олинadиган маблағлар миқдори бошқа йирик жамиятларга нисбатан кўпроқ.

Шу билан бирга, ТТМларда ахборот коммуникациялари, оптика ва лазер технологиялари, материаллар, биотехнология ва кимёвий технологиялар, энергия тежайдиган технологияларни режалаштириш ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида илмий фаолиятлар олиб борилади.

Мисол учун, Германиянинг Шимолий Рейн-Вестфалия ўлкасининг тўққизта “Johannes Rau” тадқиқот институтининг бири сифатида Дортмунд техника университети ҳузуридаги RIF- Тадқиқот ва трансфер институти (RIF e.V.) иқтисодиёт ва жамиятда билим ва технологияларни узатишга хизмат қилади. RIF 1990 йилда “Интеграциялашган ишлаб чиқариш учун Дортмунд ташаббуси” дастури сифатида ушбу университетнинг турли технологик йўналишдаги профессор-ўқитувчилари томонидан ташкил этилган.

Кўп йиллардан буён ўтказиб келинаётган ходимлари тажрибаси билан “RIF” илмий тадқиқот институти Дортмунд техника университети ва бошқа олий юртлари учун муҳим аҳамият касб этади. Узоқ йиллар давомида RIF ўз ходимлари билан биргаликда саноат билан Дортмунд техника университети учун муҳим кўприк вазифасини бажариб келмоқда.

Хулоса

Жаҳон иқтисодиётининг глобаллашуви шароитида барқарор иқтисодий ривожланишнинг янги технологияларини, молиялаштириш механизмларини ва усулларини яратиш ва жорий этишда илмий тадқиқотларнинг роли ошиб бормоқда. Иқтисодиётни ривожлантиришнинг асосий таркибий қисмларидан бири бу технологиялар трансферидир (узатиш) ва бу жараёнда мамлакатнинг иштирок даражаси уларнинг технологик тараққиёти ва рақобатбардошлиги имкониятларини сезиларли даражада белгилайди.

Иқтисодий ривожланиш инновацион салоҳиятнинг мавжудлиги ва уни амалга ошириш шартлари билан боғлиқ.

Сингапур, Швейцария, Швеция, Германия, Финляндия, Корея Республикаси, Япония, Хитой ва Ҳиндистон каби давлатларнинг инновацион қобилиятлари ва натижалари нуқтаи назаридан етакчи давлатларнинг технологиялар трансфери бўйича тажрибаларини Ўзбекистон учун наъмуна сифатида қараш мумкин.

Ўзбекистон ҳали глобал инновацион индексга кирмаган бўлсада, Ўзбекистонда 2030 йилга қадар глобал инновацион индекс рейтингига 50 та давлатнинг қаторига кириш вазифаси қўйилган. Масъул давлат органлари ўртасида инновацион индексни тузишда қўлланиладиган барча мезонлар тақсимланиб олинган.

Ўзбекистонда инновация ва инновацион фаолият тўғрисида қонун ҳамда илм-фан ва илмий фаолият тўғрисида қонун ҳозирча йўқ бўлсада, лекин ушбу фаолиятлар ва республикаimizни инновацион ривожлантириш стратегияси билан боғлиқ қонуности ва меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда тегишли атама ва тушунчалар халқаро инновацион амалиётга асосан қонунлаштирилган бўлиб, улар такомиллаштирилиб борилмоқда ва булар мавжуд бўлган муаммоларни бартараф этишга қаратилган.

Ўзбекистонда иқтисодий ўсиш ва ИТТКИМ омили орасида ижобий боғлиқлик мавжуд.

Шу билан бирга, инновацияларни молиялаштириш ҳажми ҳамда иқтисодий ўсиш (мусбат ишорали) ва ялпи инвестициялар (манфий ишорали) орасида боғлиқлик ҳамда инновацияларни молиялаштириш ҳажми, иқтисодий ўсиш (мусбат ишорали), ялпи инвестициялар (манфий ишорали) ва ялпи даромад (манфий ишорали) орасида боғлиқлик мавжуд. Шунга ўхшаб, ТМТИМ ҳажми ҳамда ялпи жамғариш (манфий ишорали), ялпи инвестициялар (манфий ишорали), иқтисодий ўсиш (мусбат ишорали) орасида боғлиқлик мавжуд. ТМТИМ ҳажми ҳамда иқтисодий ўсиш (мусбат ишорали), ялпи инвестициялар (манфий ишорали), ялпи жамғариш (манфий ишорали) ва ИК (мусбат ишорали) орасида боғлиқлик ҳам мавжуд.

Иқтисодий ўсиш ёки инновацион ўсиш икки омил: ички инновацион салоҳият ва ташқи инновацион салоҳиятга боғлиқ.

Ривожланган ва айрим ривожланаётган мамлакатлар тажрибаси шуни кўрсатадики, инновация омили узоқ муддатли истикболда иқтисодиётни ривожлантиришда ҳал қилувчи роль ўйнайди. Муайян соҳадаги инновациялар нафақат ушбу соҳасининг маҳсулдорлигини оширибгина қолмай, балки бутун иқтисодиётга мультипликатив таъсир кўрсатади.

Ўзбекистон ҳали етакчи хорижий мамлакатларнинг стартап марказлари билан рақобатлаша олмайди. Мамлакат стартаплари ўзларининг асосий рақобатдош устунликларини топишлари ва шу асосда ноёб маҳсулотни яратишлари керак.

Бугунги кунда Ўзбекистонда маҳсулотларни яратишга қодир бўлган ақлли техник билимли мутахассислар бор ва уларнинг иш ҳақи дунёниқидан

паст, яъни ғояларни ишлаб чиқариш ва минимал ҳаётий маҳсулотни яратиш учун шароит мавжуд, аммо стартапларни яратишда ёрдам берадиган инфратузилма такомил эмас.

Бошқача қилиб айтганда, Ўзбекистонда, мавжуд имкониятлардан келиб чиққан ҳолда, чора-тадбирларни амалга ошириш ҳаёт циклининг биринчи босқичидаги стартапларни қўллаб-қувватлаш ва молиялаштириш тизимини ривожлантиришга йўналтириш керак. Ушбу босқичда стартаплар ривожланган мамлакатлар инвесторларига уларнинг бозорига киришга ёрдам берадиган тарзда ишга туширилиши. Бунда ривожланган хорижий мамлакатлар билан алоқалар ўрнатиш ва ривожлантириш зарур. Ривожланган мамлакатлардаги экспертиза ва алоқалар билан ёрдам берадиган акселераторлар билан алоқа ўрнатилса жуда яхши қарор бўлган бўлар эди.

инновацион бизнес соҳаси билан боғлиқ ҳар қандай ташаббусларни қўллаб-қувватлаш ва ҳимоя қилиш, ушнингдек халқаро компанияларнинг илмий-тадқиқот марказларини Ўзбекистонга жалб қилиш дастуруларини ишлаб чиқиш.

Юқоридаги тавсия ва таклифларнинг амалга оширилиши миллий инновацион ривожлантириш тизимининг самарали шаклланишига кўмаклашади, бу эса Ўзбекистонда қулай бизнес, инвестицион ва инновацион муҳитлар шаклланишини таъминлайди.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Илмий-тадқиқот муассасаларининг инфратузилмасини янада мустаҳкамлаш ва инновацион фаолиятини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2017 йил 1 ноябр. ПҚ-3365-сон қарори.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги ҳузуридаги Илғор технологиялар марказини ташкил қилиш тўғрисида”ги 2018 йил 19 апрел ПҚ-3674-сон қарори.

3. Becker Hans Paul, Peppmeier Arno. Investition und Finanzierung. Grundlagen der betrieblichen Finanzwirtschaft. 8. Auflage. Springer Fachmedien Wiesbaden GmbH, ein Teil von Springer Nature 2018. – 369 s.

4. Hahn Christopher. Finanzierung von Start-up-Unternehmen. Praxisbuch für erfolgreiche Gründer: Finanzierung, Besteuerung, Investor Relations. Herausgeber.trustberg LLP. Berlin, Deutschland. Berlin im Sommer 2018.–304 S.

5. Атаниёзов Ж.Ҳ. – Ўзбекистонда интеграциялашган тузилмаларни шакллантиришнинг истиқболли йўналишлари // Халқаро молия ва ҳисоб. Илмий электрон журнал. 2018. – № 1. – 5-20 б.

6. Shoha'zamiy Sh.Sh. Mulk, qiymat va narxning nazariy asoslari: darslik. – Т.: Iqtisod-moliya, 2018. – 492 б.

7. Шоҳаъзамий Ш.Ш. Тизимли молия ижиниринги. Монография. – Т.: Фан ва технология, 2012. – 796 б.

8. Вахабов А.В. и др. Модели управления научно-инновационной

деятельностью вузов. Монография. – Т.: Иқтисод-молия, 2006. – 242 с.

9. Туйчиев, А. Г. (2019). Международные и региональные тенденции и проблемы финансирования инноваций и их трансферта в малый бизнес. Финансовый менеджмент, (5), 62-71.

10. www.stat.uz – Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика агентлиги расмий веб-сайти.

QISHLOQ XO‘JALIGIDA INVESTISIYA LOYIHALARINI MOLIYALASHTIRISH MEKANIZMINI TAKOMILLASHTIRISH ISTIQBOLLARI

Aliqulov Mehmonali Salahiddin o‘g‘li

Toshkent davlat iqtisodiyot universiteti dotsenti PhD.,

Email: m.alikulov@tsue.uz

ORCID: 0000-0001-5981-885X

Annotasiya: Ushbu maqola qishloq xo‘jaligida investitsiya loyihalarini moliyalashtirish mexanizmlarini takomillashtirish istiqbollari tadqiq etadi. O‘zbekiston sharoitida davlat-xususiy sheriklik, ventur fondlar, kraudfanding platformalari kabi zamonaviy moliyaviy mexanizmlarni joriy etish istiqbollari ko‘rib chiqilgan. Tadqiqot natijasida qishloq xo‘jaligida investitsiya loyihalarini samarali moliyalashtirish uchun huquqiy-me‘yoriy bazani takomillashtirish, soliq imtiyozlari tizimini joriy etish va investitsion jozibadorlikni oshirish bo‘yicha tavsiyalar ishlab chiqilgan.

Kalit so‘zlar: Qishloq xo‘jaligi, investitsiya loyihalari, moliyalashtirish mexanizmlari, raqamli texnologiyalar, blokchein, kraudfanding, davlat-xususiy sheriklik.

PROSPECTS FOR IMPROVING THE MECHANISM FOR FINANCING INVESTMENT PROJECTS IN AGRICULTURE

Alikulov Mehmonali Salahiddin ugli

Associate Professor of Tashkent State

University of Economics PhD.,

Email: m.alikulov@tsue.uz

ORCID: 0000-0001-5981-885X

Abstract: This article examines the prospects for improving the mechanisms for financing investment projects in agriculture. The prospects for introducing modern financial mechanisms such as public-private partnerships, venture funds, and crowdfunding platforms in the conditions of Uzbekistan are considered. As a result of the study, recommendations were developed to improve the legal and regulatory framework for effective financing of investment projects in agriculture, introduce a system of tax incentives, and increase investment attractiveness.

Keywords: Agriculture, investment projects, financing mechanisms, digital technologies, blockchain, crowdfunding, public-private partnership.

ПЕРСПЕКТИВЫ СОВЕРШЕНСТВОВАНИЯ МЕХАНИЗМА ФИНАНСИРОВАНИЯ ИНВЕСТИЦИОННЫХ ПРОЕКТОВ В СЕЛЬСКОМ ХОЗЯЙСТВЕ

Аликулов Мехмонали Салахиддин углы

**Доцент Ташкентского государственного экономического
университета, кандидат экономических наук.**

Email: m.alikulov@tsue.uz

ORCID: 0000-0001-5981-885X

Аннотация: В статье рассматриваются перспективы совершенствования механизмов финансирования инвестиционных проектов в сельском хозяйстве. Рассмотрены перспективы внедрения современных финансовых механизмов, таких как государственно-частное партнерство, венчурные фонды, краудфандинговые платформы в условиях Узбекистана. В результате исследования разработаны рекомендации по совершенствованию нормативно-правовой базы для эффективного финансирования инвестиционных проектов в сельском хозяйстве, внедрения системы налоговых льгот, повышения инвестиционной привлекательности.

Ключевые слова: Сельское хозяйство, инвестиционные проекты, механизмы финансирования, цифровые технологии, блокчейн, краудфандинг, государственно-частное партнерство.

Kirish.

Qishloq xo‘jaligida investisiya loyihalarini moliyalashtirish mexanizmini takomillashtirish masalasi bugungi kunda global va mahalliy iqtisodiyotda muhim ahamiyat kasb etmoqda. Ushbu sohada investisiyalarni jalb qilish va ularni samarali boshqarish nafaqat qishloq xo‘jaligi mahsulotlari ishlab chiqarish hajmini oshirish, balki aholining oziq-ovqat xavfsizligini ta’minlash, iqtisodiy barqarorlikni mustahkamlash va qishloq joylarida yashovchi aholining turmush darajasini yaxshilash uchun ham zarurdir. Dunyo bo‘ylab urbanizatsiya va iqlim o‘zgarishi kabi omillar qishloq xo‘jaligiga qo‘shimcha bosim o‘tkazmoqda, bu esa zamonaviy texnologiyalar va innovatsion yondashuvlarni joriy etishni talab qiladi. Shu sababli, moliyalashtirish mexanizmlarini takomillashtirish orqali investisiya oqimini ko‘paytirish va ularni maqsadli yo‘naltirish dolzarb vazifa sifatida ko‘rilmoqda. Ushbu kirish matni mavzuning ahamiyatini kengroq kontekstda yoritishga qaratilgan bo‘lib, uning iqtisodiy, ijtimoiy va ekologik jihatlarini bo‘yicha beshta asosiy yo‘nalishni qamrab oladi.

Birinchi nuqtai nazardan, qishloq xo‘jaligida investisiya loyihalarini moliyalashtirish mexanizmini takomillashtirish oziq-ovqat xavfsizligini ta’minlashda muhim rol o‘ynaydi. Dunyo aholisining o‘sishi va iste’mol talabining ortishi qishloq xo‘jaligi sohasida ishlab chiqarish samaradorligini oshirishni talab

qilmoqda. Biroq, ko‘plab rivojlanayotgan mamlakatlarda, shu jumladan O‘zbekistonda, qishloq xo‘jaligi sohasi yetarlicha moliyaviy resurslarga ega emas. Investisiyalarni jalb qilish va ularni samarali taqsimlash uchun zamonaviy moliyalashtirish mexanizmlari ishlab chiqilishi zarur. Masalan, davlat-xususiy sheriklik, subsidiyalar va imtiyozli kreditlar kabi vositalar orqali fermerlar va agrobiznes vakillari yangi texnologiyalarni joriy etish imkoniyatiga ega bo‘ladi. Bu esa nafaqat mahsulot sifati va hajmini oshiradi, balki global bozorda raqobatbardoshlikni ham mustahkamlaydi.

Ikkinchidan, moliyalashtirish mexanizmlarini takomillashtirish qishloq joylarida iqtisodiy rivojlanish va bandlikni ta‘minlashga xizmat qiladi. Qishloq xo‘jaligi ko‘plab mamlakatlarda, ayniqsa, O‘zbekistonda aholining katta qismini ish bilan ta‘minlaydigan asosiy sohalardan biridir. Investisiya loyihalari orqali qishloq joylarida yangi ish o‘rinlari yaratilishi, kichik va o‘rta fermer xo‘jaliklari rivojlanishi mumkin. Shu bilan birga, moliyalashtirishning shaffof va samarali tizimi fermerlarning daromadini oshirishga yordam beradi, bu esa qishloq aholisining ijtimoiy-iqtisodiy ahvolini yaxshilaydi. Masalan, mikro kreditlar va lizing dasturlari kabi moliyaviy vositalar kichik fermerlar uchun yangi texnika yoki urug‘lik sotib olish imkonini beradi, bu ularning mahsuldorligini oshiradi.

Uchinchidan, iqlim o‘zgarishi va ekologik muammolar sharoitida qishloq xo‘jaligini barqaror rivojlantirish uchun moliyalashtirish mexanizmlarini takomillashtirish muhim ahamiyatga ega. Global isish, suv resurslarining kamayishi va tuproq degradatsiyasi kabi muammolar qishloq xo‘jaligi mahsuldorligiga jiddiy tahdid solmoqda. Bu muammolarni hal qilish uchun barqaror qishloq xo‘jaligi amaliyotlari, masalan, suv tejovchi sug‘orish tizimlari va organik dehqonchilikni rivojlantirish uchun katta hajmdagi investisiyalar talab qilinadi. Moliyalashtirish mexanizmlarini takomillashtirish orqali “yashil” texnologiyalarni joriy etish va fermerlarning ekologik xavf-xatarlarga moslashish qobiliyatini oshirish mumkin. Masalan, xalqaro moliyaviy tashkilotlar va “yashil” obligatsiyalar kabi vositalar orqali barqaror qishloq xo‘jaligi loyihalari moliyalashtirilishi mumkin.

To‘rtinchidan, moliyalashtirish mexanizmlarining samaradorligi qishloq xo‘jaligi sohasida innovatsiyalarni joriy etishni tezlashtiradi. Zamonaviy texnologiyalar, masalan, sun‘iy intellekt, dronlar va aqlli sug‘orish tizimlari qishloq xo‘jaligida mahsuldorlikni sezilarli darajada oshirishi mumkin. Biroq, bu texnologiyalarni joriy etish uchun katta miqdorda sarmoya talab qilinadi. Moliyalashtirish tizimini takomillashtirish, masalan, ventur kapitali, startaplar uchun grantlar va innovatsion loyihalarni qo‘llab-quvvatlash dasturlari orqali ushbu texnologiyalarni qishloq xo‘jaligiga integratsiya qilishni osonlashtiradi. Bu nafaqat mahalliy fermerlarning raqobatbardoshligini oshiradi, balki qishloq xo‘jaligi mahsulotlarini xalqaro bozorlarga eksport qilish imkoniyatini ham kengaytiradi.

Beshinchidan, moliyalashtirish mexanizmlarini takomillashtirish davlat siyosati va xalqaro hamkorlikni mustahkamlashga xizmat qiladi. Qishloq xo‘jaligi sohasiga investisiyalarni jalb qilishda davlatning faol ishtiroki va xalqaro

moliyaviy tashkilotlar bilan hamkorlik muhim ahamiyatga ega. Masalan, davlat tomonidan taqdim etiladigan soliq imtiyozlari, investisiya kafolatlari va xavf-xatarlarni sug'urtalash tizimlari xususiy sektorning qishloq xo'jaligiga sarmoya kiritishini rag'batlantiradi. Shu bilan birga, xalqaro tashkilotlar, masalan, Jahon banki yoki Osiyo taraqqiyot banki kabi institutlar bilan hamkorlik qishloq xo'jaligi loyihalarini moliyalashtirish uchun qo'shimcha resurslar jalb qilish imkonini beradi. Bu esa nafaqat moliyaviy resurslarni ko'paytiradi, balki qishloq xo'jaligi sohasida global tajriba va ilg'or amaliyotlarni joriy etishga yordam beradi.

Adabiyotlar sharhi.

Mavzuga oid adabiyotlarni tahlil etish jarayonida Qishloq xo'jaligida investisiya loyihalarini moliyalashtirish mexanizmini takomillashtirish istiqbollari bo'yicha dunyoning bir qancha yetakchi iqtisodchi olim va mutaxassislar tomonidan ilmiy izlanishlar olib borilgan bo'lib. Jumladan, Walter A. Goldberg o'zining “Digital Transformation in Agriculture: Economic and Social Implications” monografiyasida qishloq xo'jaligida raqamli texnologiyalarning moliyalashtirish mexanizmlariga ta'sirini o'rganib, quyidagi xulosaga kelgan: “Raqamli texnologiyalar qishloq xo'jaligi sohasiga investitsiyalar oqimini o'zgartirib, yangi moliyalashtirish modellarini yaratmoqda”. Blokchein, sun'iy intellekt va katta ma'lumotlar texnologiyalari asosidagi yechimlar qishloq xo'jaligi subyektlarining kreditga loyqlik darajasini aniqroq baholash, risk-menejmentini takomillashtirish va tranzaksiya xarajatlarini kamaytirish imkonini bermoqda[1].

Michael T. Roberts va Jennifer Ifft “Financing Agriculture in the Digital Age” kitobida raqamli texnologiyalarning qishloq xo'jaligi kreditlash jarayonlariga ta'sirini tahlil qilib: “Raqamli kredit skoringi, mobil banklar, peer-to-peer kreditlash platformalari va smart-kontraktlar qishloq xo'jaligini moliyalashtirishning an'anaviy modellarini transformatsiya qilmoqda, bu esa rivojlanayotgan mamlakatlardagi kichik fermer xo'jaliklarining moliyaviy resurslarga ega bo'lish imkoniyatlarini kengaytirmoqda” degan xulosaga kelganlar[2].

Laura D. Scherer va David Zilberman “Digital Finance for Sustainable Agriculture” maqolasida qishloq xo'jaligini barqaror rivojlantirish uchun raqamli moliya instrumentlarining ahamiyatini ta'kidlab: “Kraudfunding platformalari, mikromoliyalashtirish yechimlari va mobil to'lov tizimlari qishloq xo'jaligi subyektlarining barqaror amaliyotlarni joriy etish uchun zarur investitsiyalarni jalb qilishda muhim rol o'ynamoqda” deb ta'kidlaydilar[3].

Sarah K. Lowder va Julian Rodriguez “The Convergence of Fintech and AgTech: New Models for Agricultural Finance” nomli maqolada AgTech (agrotexnologiyalar) va Fintech (moliyaviy texnologiyalar) integratsiyasining qishloq xo'jaligini moliyalashtirish mexanizmlariga ta'sirini tahlil qiladilar: “AgTech va Fintech integratsiyasi asosidagi yangi moliyaviy platformalar sensor ma'lumotlari, sun'iy yo'ldosh tasvirlari va iqlim bashoratlari kabi raqamli ma'lumotlar asosida qishloq xo'jaligi uchun kreditlarni avtomatlashtirilgan holda ajratish, risk-menejmentini takomillashtirish va sug'urta mahsulotlarini

rivojlantirish” imkonini bermoqda[4].

Carlos M. Rodriguez-Silvaning “Blockchain Applications in Agricultural Finance” kitobida blokchein texnologiyalarining qishloq xo‘jaligini moliyalashtirishdagi potentsiali tadqiq etilgan: “Blokchein texnologiyalari qishloq xo‘jaligi qiymat zanjirida ishtirok etuvchi barcha tomonlar uchun shaffof, xavfsiz va samarali moliyaviy operatsiyalarni ta‘minlash imkonini beradi”. Smart-kontraktlar asosidagi yechimlar agrobiznesda shartnomalarni avtomatlashtirish, to‘lovlarni tezlashtirish va hosil sug‘urtasini takomillashtirish uchun yangi imkoniyatlar yaratmoqda[5].

Umurzoqov U.P. va Toshmatov R.X. “Raqamli iqtisodiyot sharoitida qishloq xo‘jaligini moliyalashtirish mexanizmlarini takomillashtirish” maqolasida: “O‘zbekiston sharoitida qishloq xo‘jaligini raqamlashtirish jarayonlarini moliyalashtirish uchun tijorat banklari, xalqaro moliya institutlari, davlat byudjeti va xususiy investorlar mablag‘larini jalb qilishning kompleks mexanizmlarini ishlab chiqish zarur. Buning uchun huquqiy-me‘yoriy bazani takomillashtirish, soliq imtiyozlari tizimini joriy etish va investitsion jozibadorlikni oshirish chora-tadbirlarini amalga oshirish lozim” deb hisoblaydilar[6].

Xushmatov N.S. va Qodirov A.M. “O‘zbekistonda qishloq xo‘jaligini raqamlashtirish: imkoniyatlar va moliyaviy mexanizmlar” nomli tadqiqotida qishloq xo‘jaligini raqamlashtirish jarayonlarini moliyalashtirishning samarali mexanizmlarini taklif etishadi: “Davlat-xususiy sheriklik mexanizmlari, ventur fondlar, kraudfanding platformalari, maxsus kredit liniyalari va raqamli banklar qishloq xo‘jaligini raqamlashtirish loyihalarini moliyalashtirishning istiqbolli mexanizmlari hisoblanadi. Shuningdek, “Big Data”, “Internet of Things”, sun‘iy intellekt texnologiyalari asosida kredit skoringini takomillashtirish fermer xo‘jaliklariga berilayotgan kreditlar risklarini kamaytirish va ularning kreditga layoqatliligi darajasini oshirish imkonini beradi[7].

Salimov B.T. va Yusupov M.S. “Raqamli texnologiyalar asosida qishloq xo‘jaligini moliyalashtirish tizimini takomillashtirish” monografiyasida: “Raqamli texnologiyalar qishloq xo‘jaligi subyektlarining moliyaviy hisobotlarini avtomatlashtirish, moliyaviy holatini monitoring qilish va prognozashtirish, shuningdek, bank kreditlari va subsidiyalarni olish jarayonlarini soddalashtirish imkonini beradi. Bu esa o‘z navbatida fermer xo‘jaliklarining moliyaviy savodxonligini oshirish, ularning moliyaviy resurslardan samarali foydalanish ko‘nikmalarini shakllantirish va moliyaviy barqarorligini ta‘minlash uchun shart-sharoitlar yaratadi” deb ta‘kidlaydilar[8].

Гулямов С.С. ва бошқалар “Цифровая трансформация финансирования сельского хозяйства в странах Центральной Азии” (Markaziy Osiyo mamlakatlarida qishloq xo‘jaligini moliyalashtirishning raqamli transformatsiyasi) monografiyasida Markaziy Osiyo mamlakatlarida qishloq xo‘jaligi sohasida raqamli moliyalashtirish mexanizmlarining rivojlanish tendensiyalarini tahlil qilib: “Markaziy Osiyo mamlakatlarida qishloq xo‘jaligini raqamli moliyalashtirish mexanizmlari nisbatan yangi yo‘nalish bo‘lib, ularning rivojlanishi uchun zarur infratuzilma, huquqiy-me‘yoriy baza va raqamli ko‘nikmalar hali to‘liq

shakllanmagan[9]. Biroq, Qozog‘iston va O‘zbekistonda bu borada istiqbolli loyihalar amalga oshirilmoqda va kelajakda bu tajribani mintaqaning boshqa mamlakatlariga ham tarqatish imkoniyati mavjud” degan xulosaga keladi.

способствует возникновению разницы в хозяйственной мотивации. «Хозяин» просто делает то, что делают другие представители его социального слоя, воспринимая свою деятельность как «обязанность, носящую в высшей степени объективный характер». [12] Экономическая мотивация «хозяина» направлена на удовлетворение потребностей его самого и его семьи.

К мотивам деятельности предпринимателя Й. Шумпетер относит потребности предпринимателя в свободе, власти, стремление к успеху (в том числе экономическому), радость творчества. «При этом прибыль для предпринимателя не является самоцелью». [12]

Цели предпринимателей в инвестиционном процессе могут быть разными:

- желание увеличить существующий доход;
- более масштабная деятельность и рост дохода;
- процесс инвестирования в различные компании и отрасли промышленности с целью минимизации потенциальных финансовых рисков;
- возможность приобретать новые знания и расширять сферу существующего бизнеса;
- готовность вносить свой вклад в прогресс страны, инвестируя в разработку и внедрение инноваций;
- стремление приносить пользу обществу, инвестируя в социальные или экологические проекты.

Такие мотивы и стремления присутствуют у предпринимателей в разных

Классификация мотивов и целей инвесторов отражена на рисунке 2.



Рис. 2 Классификация мотивов и целей инвесторов⁷

По мнению И.В. Анохова, «несмотря на разнообразие мотивов инвесторов, ни один из них не возникает отдельно от других, все мотивы взаимосвязаны». [13]

Мнение И.В. Анохина совпадает с мнением А. Маршалла, утверждающего, что: «разумно использовать научные методы в экономике, когда

⁷ Разработано автором

предприниматель определяет сумму, которую он готов инвестировать, чтобы получить достаточную прибыль или удовлетворительную доходность». [14]

Обобщая мнения ученых, можно выделить следующие основные черты экономической мотивации инвесторов (рис. 3).




Рис. 3 Основные черты экономической мотивации инвесторов⁸

Ученые также рассматривают факторы социальной мотивации инвесторов. По мнению Кочкаевой Д.О., инвесторы часто заинтересованы в инвестициях, которые соответствуют их ценностям и моральному компасу. Инвесторы примут решение о выделении финансовых средств тем компаниям, которые в результате своей деятельности способны решить проблемы общества. [15]

Для предпринимателей имеется стимул вкладывать средства в деятельность экономических субъектов, строго соблюдающих закон, и их деятельность имеет значительные социальные последствия.

Михайлов А.Ю. отмечает, что инвесторы могут быть мотивированы инвестировать в компании солидной репутации и признанным имиджем. Это может быть связано с желанием ассоциироваться с успешными и прогрессивными организациями, которые вносят значительный вклад в общество. [16]

Розанова Ю.М. утверждала, что: «Для инвесторов имеется мотивация по развитию определенных регионов страны или выбранных ими отраслей, чтобы добиться улучшений в выбранном объекте инвестиций». [17]

Инвесторы могут быть мотивированы желанием внести свой вклад в определенные отрасли или регионы экономики, пытаясь использовать свои финансовые ресурсы для улучшения ситуации в этих отраслях.

При рассмотрении целеполагания инвесторов, И.В. Анохов особо заостряет внимание на «их желании достичь положительного результата в результате

⁸ Разработано автором

инвестирования в сфере увеличения доходности капитала». [13]

По мнению А.В. Чернова, «инвесторы могут быть мотивированы желанием получить признание, благодарность окружающих, подтвердить свою успешность и предприимчивость в обществе». [18]

Нередко определение цели инвестирования вызывает у предпринимателя ряд трудностей. По мнению И.В. Анохова, «в случае если хозяйствующим субъектом является конкретное физическое лицо, самостоятельно принимающее решение и самостоятельно же исполняющее его, то задачи деятельности и выводимые из них критерии достаточно определены и однозначны. Большинство экономистов утверждают, что главная цель фирмы состоит в том, чтобы извлечь максимальную прибыль». [13]

Установление целей инвестирования у хозяйствующего субъекта может столкнуться с рядом трудностей (табл. 1.3).

Таблица 3

Трудности установления целей инвестирования у хозяйствующего субъекта⁹

Трудность выбора целей	Описание трудности
Наличие неопределенности	Компания не располагает достоверной информацией об инвестиционных проектах, связанных с ними рисках и потоках капитала, что затрудняет проведение оценки проектов
Несовпадение стратегии бизнеса с целями инвестирования	Ориентированность на достижение краткосрочных целей не сочетается с долгосрочными финансовыми вложениями и соответствующей стратегией
Общее влияние рисков и неопределенности	Инвестиции всегда сопряжены с определенными рисками. Некоторым игрокам трудно оценить и учесть эти факторы при постановке целей, сложно смириться с вероятными финансовыми потерями
Отсутствие понимания долгосрочной перспективы	Инвестиции часто имеют долгосрочный характер и ориентированы на будущую прибыль. Хозяйствующие субъекты, нацеленные на краткосрочные результаты, могут испытывать трудности в установлении целей, которые выходят за рамки текущей деятельности и приносят доход в будущем

Трудности в процессе инвестиций, анализ которых приведен в таблице 3, необходимо подвергать тщательному рассмотрению при формировании целеполагания предприятия.

М.В. Данилина пишет: «модели принятия инвестиционного решения, следует сказать, что очень часто проблематичным может стать этап отбора критериев, которые выводятся из цели инвестирования хозяйствующих субъектов. Идеальный вариант, когда находится такая система предпочтений, которая точно соответствует целям организации». [19]

Итак, ученые характеризуют механизм принятия решения об инвестициях следующим образом:

- тщательное сравнение рентабельности инвестиций, сравнивая с

⁹ Разработано автором.

альтернативами, принимая во внимание все риски;

- выбор приемлемого уровня рисков;
- выбор времени реализации инвестиций и длительность получения результатов;
- количественный расчет всех характеристик инвестиционного проекта
- анализ конкурентоспособности организации с учетом финансового положения организации и перспектив ее развития;
- анализ политического режима, определяющего политическую и экономическую стабильность в стране, риск изменения законов страны, которые касаются инвесторов.

Трудности для инвестора имеются при проведении анализа альтернатив и выбора из них наиболее оптимального варианта.

Л.А. Юнусов описывает выбор альтернатив для инвестора следующим образом: «выбор между риском и прибыльностью является основным фактором при выборе между уровнем риска и доходностью, поскольку эти параметры являются обратными отношениями, инвесторы должны определить наилучшее соотношение между ними». [1]

Равными по значимости финансовым факторам, при реализации инвестиционного проекта являются также политическое устройство страны, ее денежно-кредитная политика, политическая стабильность, положение страны на международном рынке.

Опираясь на выбранную инвестиционную стратегию, и исходя из временного горизонта планирования (краткосрочные или долгосрочные инвестиции), инвестор рассматривает доходность альтернативных вариантов. Причем такой выбор инвестора среди различных альтернатив является наиболее сложным этапом при принятии решения об инвестициях.

Заключение

В процессе осуществления выбора альтернатив необходимо правильно оценить доходность и длительность реализации инвестиций, принимая во внимание другую финансовую информацию об объекте инвестирования.

Таким образом, тщательное изучение научной литературы о мотивах и факторах инвесторов, позволило сделать ряд выводов.

При изучении инвестиционного проекта должны быть представлены все компоненты государственных инвестиций в экономическую и финансовую систему. Благодаря инвестициям развиваются разные отрасли экономики, снижается безработица, отмечается прогресс в образовании, науке и здравоохранении.

Инвестиционный процесс сопровождается различными рисками, для минимизации которых инвесторы рассматривают некоторое количество альтернативных вариантов, выбирая из них один, оптимально учитывающий все факторы.

Успешность инвестиционного процесса обеспечивается соотношением финансовых факторов, политической системы страны, денежно-кредитной

политики, международной экономической интеграции.

Список использованных литератур

1. Юнусов Л. А. Прямые иностранные инвестиции в условиях глобализации мировой экономики: диссертация ... доктора экономических наук, ГОУВПО Российский государственный торгово-экономический университет. - Москва, 2019, с.58
2. Володина Т. В. Совершенствование механизма привлечения прямых иностранных инвестиций в российские предприятия машиностроительной отрасли: дис. ... канд. экон. наук: Москва, 2006, с. 40.
3. Данилина М.В. Институциональные инвесторы / М.В. Данилина // Финансовая аналитика: проблемы и решения. – 2011. – № 12. – с. 61.
4. Кравченко Н.А. Инвестиционный анализ / Н.А. Кравченко. - М.: Дело, 2017, с. 56.
5. Леонова Ю.Ю. Региональные интересы и факторы инвестиционной активности зарубежных компаний в России: монография / Ю. Ю. Леонова. - М.: ЛЕНАНД, 2015, с. 71.
6. Мирзиёева С.Ш. Совершенствование методологии разработки и реализации региональных социально-экономических стратегий (на материалах Республики Узбекистан) дисс. канд. экон. наук, М., МГУ, 2021, с.35
7. Ашуров М. С. Факторы снижения рисков инвестиционно-инновационной деятельности в экономике Узбекистана / М. С. Ашуров, Ж. И. Файзуллаев. - Текст: непосредственный // Молодой ученый. - 2015. - № 2 (82). - с. 248.
8. Пакерман Г. А. Унификация правового регулирования иностранных инвестиций в странах Содружества Независимых Государств: диссертация ... кандидата юридических наук: - Москва, 2018, с. 82.
9. Шарингер Л. Новая модель инвестиционного партнерства государства и частный сектор // Российский экономический журнал. 2016. №9. - с. 10.
10. Яновский В.В. Методические аспекты влияния инвестиций на стоимость бизнеса/В.В. Яновский, С.В. Проскурников//Вестник Белгородского университета кооперации, экономики и права. -2017. -№ 4-2. -с. 165
11. Хашимов П.З., Устаджалилов Д.Р., Абдурасулов О.Н. Инструменты реализации промышленной политики//Экономика и финансы (Узбекистан). – 2021. - №6(142). – с.13.
12. Шумпетер Й.А. Теория экономического развития. Капитализм, социализм и демократия / Й.А. Шумпетер; пер. с англ. В.С. Автономова, Ю.В. Автономова, Л.А. Громовой, К.Б. Козловой, Е.И. Николаенко, И.М. Осадчей, И.С. Семененко, Э.Г. Соловьева]. - М.: Эксмо, 2008, с. 250.
13. Анохов И. В. Мотивация инвестиционной деятельности хозяйствующих субъектов: дис. ... канд. экон. наук: Иркутск, 2001, с. 74.
14. Маршалл А. Принципы экономической науки [в 3 т.: перевод с английского] / А. Маршалл; - Москва: Прогресс; Москва: Фирма «Универс», 1993, с. 101.

15. Кочкаева Д.О. Экономическая эффективность инвестиционной деятельности / Д.О. Кочкаева // «Научно-практический журнал Аллея Науки». – 2019. - №3(30). – с. 1.
16. Михайлов, А.Ю. Особенности размещения активов институциональных инвесторов. Часть 1: монография / А.Ю. Михайлов, М.В. Данилина. – Москва: Русайнс, 2015, с. 80.
17. Розанова Ю.М. Формирование инвестиционного климата в экономике России // Вест. Моск. ун-та. Сер. 6, Экономика. - 2012. - № 4. - с. 30
18. Чернов А.В. Инвестиционная стратегия М., ЮНИТИ-ДАНА, 2013, с. 45
19. Данилина М.В. Институциональные инвесторы / М.В. Данилина // Финансовая аналитика: проблемы и решения. - 2011. - № 12.- с. 61.
20. Прямые иностранные инвестиции в мире
[//https://www.tadviser.ru/index.php/](https://www.tadviser.ru/index.php/)

SUG‘URTA TASHKILOTLARINING INVESTITSIYA FAOLIYATINI BOSHQARISHNING NAZARIY YONDASHUVLARI

Zoyirov Laziz Subxonovich

*Toshkent davlat iqtisodiyot universiteti
mustaqil tadqiqotchisi, i.f.n., prof
Orcid.org/0009-0005-9252-7567
E-mail: lyoyirov@mail.ru*

Annotatsiya. Sug‘urta tashkilotlari moliyaviy tizimning muhim bo‘g‘ini hisoblanib, ularning investitsiya faoliyati iqtisodiyotning barqaror rivojlanishida katta ahamiyat kasb etadi. Ushbu faoliyat sug‘urta kompaniyalarining to‘plangan mablag‘larini samarali joylashtirish, risklarni boshqarish hamda rentabellikni ta‘minlash orqali ularning moliyaviy barqarorligini oshirishga xizmat qiladi. Mazkur ilmiy ishda sug‘urta tashkilotlarining investitsiya faoliyatini boshqarishdagi asosiy nazariy yondashuvlar, jumladan klassik portfel nazariyasi, zamonaviy portfel nazariyasi, diversifikatsiya tamoyili, risk va daromadlilik o‘rtasidagi optimal muvozanatni aniqlash usullari ko‘rib chiqiladi. Shuningdek, institutsional investor sifatida sug‘urta kompaniyalarining iqtisodiy jarayonlardagi roli, ular uchun xos bo‘lgan investitsiya strategiyalari va ularni shakllantirishda ta’sir qiluvchi omillar tahlil qilingan.

Kalit so‘zlar: sug‘urta tashkiloti, investitsiya faoliyati, moliyaviy boshqaruv, portfel nazariyasi, diversifikatsiya institutsional investor.

THEORETICAL APPROACHES TO MANAGING INVESTMENT ACTIVITY OF INSURANCE ORGANIZATIONS

Zoyirov Laziz Subkhanovich

*Tashkent State University of Economics
independent researcher, c.e.n., prof.
Orcid.org/0009-0005-9252-7567
E-mail: lyoyirov@mail.ru*

Abstract. Insurance organizations are an important link in the financial system, and their investment activity plays an important role in the sustainable development of the economy. This activity serves to increase the financial stability of insurance companies by effectively allocating accumulated funds, managing risks, and ensuring profitability. This scientific work examines the main theoretical approaches to managing the investment activities of insurance organizations, including classical portfolio theory, modern portfolio theory, the principle of diversification, and methods for determining the optimal balance between risk and profitability. The role of insurance companies as institutional investors in economic processes, their specific investment strategies, and the factors influencing their formation were also analyzed.

Keywords: insurance organization, investment activity, financial

management, portfolio theory, diversification, institutional investor.

ТЕОРЕТИЧЕСКИЕ ПОДХОДЫ К УПРАВЛЕНИЮ ИНВЕСТИЦИОННОЙ ДЕЯТЕЛЬНОСТЬЮ СТРАХОВЫХ ОРГАНИЗАЦИЙ

Зойирова Лазиза Субхоновича

*Ташкентский государственный экономический университет
независимый исследователь, к.э.н., проф.*

Orcid.org/0009-0005-9252-7567

E-mail: lzoyirov@mail.ru

Аннотация. *Страховые организации являются важным звеном финансовой системы, и их инвестиционная деятельность играет важную роль в устойчивом развитии экономики. Эта деятельность служит повышению финансовой устойчивости страховых компаний путем эффективного размещения накопленных средств, управления рисками и обеспечения рентабельности. В данной научной работе рассматриваются основные теоретические подходы к управлению инвестиционной деятельностью страховых организаций, включая классическую теорию портфеля, современную теорию портфеля, принцип диверсификации, методы определения оптимального баланса между риском и доходностью. Также проанализирована роль страховых компаний как институциональных инвесторов в экономических процессах, характерные для них инвестиционные стратегии и факторы, влияющие на их формирование.*

Ключевые слова: *страховая организация, инвестиционная деятельность, финансовое управление, теория портфеля, диверсификация, институциональный инвестор.*

Kirish. Sugʻurta tashkilotlari nafaqat moliyaviy barqarorlikni taʼminlash, balki mavjud moliyaviy resurslarni samarali boshqarish orqali oʻz investitsiya salohiyatini oshirishga intiladi. Ularning investitsiya faoliyati nafaqat daromad olish vositasi, balki sugʻurta fondlarini saqlab qolish va koʻpaytirishning muhim omilidir. Ushbu jarayonni samarali boshqarish uchun ilmiy asoslangan nazariy yondashuvlar va uslublar zarur. Investitsiya faoliyatini boshqarishda klassik portfel nazariyasi, xavf va rentabellik oʻrtasidagi muvozanat, diversifikatsiya tamoyillari, institutsional investor sifatida sugʻurta kompaniyalarining roli kabi nazariy asoslar muhim ahamiyatga ega. Shuningdek, makroiqtisodiy omillar, moliyaviy bozorlardagi oʻzgarishlar, qonunchilik va tartibga soluvchi organlarning roli ham investitsiya strategiyasiga taʼsir koʻrsatadi.

Global moliyaviy tizimda sugʻurta tashkilotlari nafaqat xavf-xatarlarni boshqaruvchi institutlar sifatida, balki yirik institutsional investorlar sifatida ham alohida oʻrin egallaydi. Bugungi kunda dunyo boʻyicha yetakchi sugʻurta kompaniyalari trillionlab dollarlik aktivlarga egalik qilib, oʻz investitsiya strategiyalari orqali kapital bozorlariga sezilarli taʼsir koʻrsatmoqda. Ularning investitsiya faoliyati iqtisodiy oʻsishni ragʻbatlantirish, infratuzilma loyihalarini

moliyalashtirish va moliyaviy barqarorlikni ta'minlashda muhim vosita hisoblanadi.

Xalqaro tajribada, ayniqsa AQSh, Germaniya, Yaponiya kabi mamlakatlarda sug'urta tashkilotlari investitsiya portfelli turli moliyaviy instrumentlar, jumladan obligatsiyalar, aksiyalar, ko'chmas mulk va xususiy kapital bozorlariga diversifikatsiya qilingan. Bu esa xavf va rentabellik o'rtasida optimal muvozanatni ta'minlashni talab etadi. Zamonaviy portfel nazariyasi (Markowitz modeli), CAPM, va boshqa moliyaviy boshqaruv konsepsiyalari ushbu jarayonda muhim metodologik asos sifatida xizmat qiladi.

Tadqiqot metodologiyasi. Ushbu maqolada sug'urta tashkilotlarining investitsiya faoliyatini boshqarish jarayonini nazariy va amaliy jihatdan o'rganishga qaratilgan bo'lib, unda tizimli, kompleks va taqqoslama yondashuvlar asosida ilmiy tahlil amalga oshirildi.

Foydalanilgan adabiyotlar sharhi.

Harry Markowitzning portfel nazariyasiga ko'ra, investorlar investitsiya portfelini shakllantirishda faqat kutilayotgan daromadni emas, balki aktivlar o'rtasidagi korrelyatsiyani hisobga olgan holda riskni kamaytirishga intilishlari kerak. Diversifikatsiya xavfni boshqarishning eng asosiy vositasidir. Fikrimizcha, ushbu yondashuv sug'urta tashkilotlari investitsiya siyosati uchun ayniqsa muhimdir, chunki ular o'z portfellarini shakllantirishda nafaqat yuqori daromad keltiruvchi aktivlarni tanlashi, balki uzoq muddatli majburiyatlarni qoplash imkonini beruvchi, barqaror va xavfi nisbatan past bo'lgan investitsiya vositalarini tanlashi lozim.

William Sharpe tomonidan ishlab chiqilgan Kapital Aktivlarni Baholash Modeli (CAPM) investitsiyaning xavfi bilan uning kutilayotgan daromadi o'rtasidagi bog'liqlikni aniqlab beradi. Bu modelga ko'ra, faqat sistematik risk (beta) investor uchun muhim hisoblanadi. Fikrimizcha, ushbu model sug'urta tashkilotlari uchun investitsion qarorlar qabul qilishda samarali vosita bo'lib xizmat qilishi mumkin. Chunki sug'urta kompaniyalari ko'plab kichik va o'zgaruvchan risklarni diversifikatsiya orqali kamaytirgan bo'lsalar-da, ular bozorning umumiy holatiga bog'liq bo'lgan sistematik riskni istisno qila olmaydi.

Frank Fabozzining fikricha, sug'urta kompaniyalari investitsion qarorlarni uzoq muddatli majburiyatlar va suveren xavflarni hisobga olgan holda, passivga nisbatan aktivlarni muvozanatlash tamoyiliga asoslanib qabul qilishlari zarur. Fikrimizcha, bu yondashuv sug'urta tashkilotlarining moliyaviy barqarorligini ta'minlashda muhim ahamiyatga ega, chunki u aktiv va passivlarni muvofiqlashtirish (Asset-Liability Matching) konsepsiyasiga asoslanadi. Sug'urta kompaniyalari, odatda, uzoq muddatli majburiyatlarga ega bo'lib, ularni moliyalashtirish uchun xuddi shunday muddatli va barqaror daromad keltiruvchi aktivlarga ehtiyoj sezadi.

Zvi Bodie investitsion boshqaruvda xatarlarni aniqlash, o'lchash va samarali tarqatishni sug'urta kompaniyalari uchun asosiy vazifa deb hisoblaydi. Unga ko'ra, institutsional investorlar moliyaviy barqarorlikni ta'minlovchi muhim subyektlardir. Fikrimizcha, bu yondashuv sug'urta tashkilotlarining investitsiya

faoliyatida riskga asoslangan strategiyalarni ishlab chiqish zaruratini asoslaydi. Sug'urta kompaniyalari o'z faoliyati davomida nafaqat sug'urta risklarini, balki investitsion risklarni ham boshqarishi lozim.

Reilly va Brownning fikricha, sug'urta kompaniyalari investitsiya portfellari bilan bog'liq qarorlarida nafaqat rentabellik, balki likvidlik va qonuniy cheklolarni ham inobatga olishlari lozim. Ularning boshqaruvi aniq maqsadlarga yo'naltirilgan bo'lishi kerak. Fikrimizcha, bu yondashuv sug'urta tashkilotlarining investitsiya strategiyasini shakllantirishda muhim mezonlardan biri hisoblanadi. Sug'urta kompaniyalari to'plagan primiyalar evaziga kelgusida yuz berishi mumkin bo'lgan to'lov majburiyatlarini o'z vaqtida bajarishi lozim, shu sababli portfelda yuqori daromadlilikka ega aktivlar bilan bir qatorda likvid aktivlar ulushi ham yetarli bo'lishi kerak.

Yermack fikriga ko'ra, sug'urta kompaniyalari korporativ boshqaruvning muhim elementlaridan biri bo'lib, ularning investitsiyalarga yondashuvi riskni kamaytirish va uzoq muddatli barqarorlikni ta'minlashga qaratilgan. Fikrimizcha, korporativ boshqaruv tizimining samaradorligi sug'urta tashkilotlarining investitsiya faoliyatining muvaffaqiyatli amalga oshirilishida hal qiluvchi rol o'ynaydi. Ochiq va shaffof boshqaruv mexanizmlari risklarni aniqlash, monitoring qilish va ularni kamaytirishga yo'naltirilgan strategiyalarni ishlab chiqishda yordam beradi. Shuningdek, yuqori sifatli korporativ boshqaruv sug'urta kompaniyasining ichki nazorat tizimlarini mustahkamlash, investitsiya qarorlarini muvofiqlashtirish va manfaatdor tomonlarning ishonchini oshirishga xizmat qiladi.

Tahlil va natijalar muhokamasi.

Dunyo bo'yicha sug'urta kompaniyalarining investitsiya faoliyati. Lloyd's of London 2023-yilda sug'urta faoliyatidan 5.9 milliard funt sterling (7,52 milliard dollar) foyda ko'rdi. Bu, 2022-yilga nisbatan 127% o'sishni anglatadi. Shuningdek, investitsiya daromadi 5,3 milliard funtga yetdi, bu esa yuqori foiz stavkalari tufayli 2022-yildagi 3,1 milliard funtlik zarar bilan solishtirganda sezilarli yaxshilanishni ko'rsatadi

BlackRock tomonidan o'tkazilgan so'rov natijalariga ko'ra, dunyo bo'yicha sug'urta kompaniyalarining aksariyati (410 ta rahbar tomonidan boshqariladigan 27 trillion dollarlik aktivlar) kamida bitta past uglerodli transformatsiya maqsadiga ega. Bu, ikki yil oldingi 2% dan sezilarli o'sishni ko'rsatadi. Bu o'zgarish, asosan, iqlim o'zgarishi xavflarini boshqarish va kamaytirish zarurati bilan bog'liq

2023-yilda O'zbekistondagi sug'urta kompaniyalarining umumiy investitsiya hajmi 6.2 trillion so'mdan oshdi, bu esa 2022-yilga nisbatan 29,4% o'sishni anglatadi. Investitsiya portfeli asosan tijorat banklaridagi depozitlar (65,6%) va qimmatli qog'ozlarga (22,1%) asoslangan. 2025-yilning birinchi choragida sug'urta kompaniyalarining investitsiya hajmi 7.3 trillion so'mdan oshdi, bu esa 2024-yilning shu davriga nisbatan 19,3% o'sishni ko'rsatadi. Investitsiyalarning 69,2% bank depozitlariga, 18,9% qimmatli qog'ozlarga va 7,8% ko'chmas mulkka yo'naltirilgan. 2023-yilda sug'urta kompaniyalarining umumiy kapitali 2,3 trillion so'mdan oshdi, bu esa 2022-yilga nisbatan 22,6% o'sishni anglatadi

Dunyo bo'yicha sug'urta kompaniyalarining investitsiya strategiyalarida

diversifikatsiya muhim o‘rin tutadi. O‘zbekistonda ham investitsiyalarni turli aktivlar bozorlariga yo‘naltirish, risklarni kamaytirish va rentabellikni oshirishga yordam beradi. Dunyo bo‘yicha sug‘urta kompaniyalari iqlim o‘zgarishi va ekologik, ijtimoiy va boshqaruv (ESG) omillarni hisobga olib investitsiya strategiyalarini shakllantirmoqda. O‘zbekistonda ham ESG omillarini hisobga olish, uzoq muddatli barqarorlikni ta‘minlashga yordam beradi. Dunyo bo‘yicha sug‘urta kompaniyalarining investitsiya faoliyatida texnologiyalar va raqamlashtirish muhim o‘rin tutadi. O‘zbekistonda ham raqamli platformalar va sun‘iy intellektdan foydalanish, investitsiya jarayonlarini samarali boshqarishga yordam beradi.

Sug‘urta tashkilotlarining investitsiya faoliyatini samarali boshqarish ularning moliyaviy barqarorligi va bozordagi raqobatbardoshligini ta‘minlashda muhim ahamiyatga ega. Sug‘urta kompaniyalari uzoq muddatli majburiyatlarga ega bo‘lgani sababli, investitsiya portfellarini shakllantirishda xavfni boshqarish va rentabellikni uyg‘unlashtirish zarur. Shu maqsadda, investitsiya faoliyatini boshqarish uchun turli nazariy yondashuvlar ishlab chiqilgan. Ushbu yondashuvlar sug‘urta tashkilotlariga o‘z kapitalini samarali taqsimlash, risklarni minimallashtirish va bozor sharoitlariga moslashish imkonini beradi. Quyidagi jadvalda sug‘urta tashkilotlarining investitsiya faoliyatini boshqarishda qo‘llaniladigan asosiy nazariy yondashuvlar, ularning tamoyillari, asosiy vakillari hamda amaliy qo‘llanilishi ko‘rsatib o‘tilgan.

1-jadval

Sug‘urta tashkilotlarining investitsiya faoliyatini boshqarishning nazariy yondashuvlari

Yondashuv momlanishi	Asosiy tamoyillar / Nazariy asoslar	Asosiy vakillar / Tadqiqotchilar	Amaliy qo‘llanilishi
Portfel Nazariyasi	Diversifikatsiya orqali riskni kamaytirish; aktivlar o‘rtasidagi korrelyatsiyani hisobga olish	Harry Markowitz	Investitsiya portfellarini shakllantirishda riskni boshqarish
CAPM (Capital Asset Pricing Model)	Kutilayotgan daromad va sistematik risk (beta) o‘rtasidagi bog‘liqlik; bozor portfeli va risksiz aktivlar bilan bog‘liq	William Sharpe	Aktivlarning bozor riskini o‘lchash va kutilayotgan daromadni baholash
Asset-Liability Matching (ALM)	Aktivlar va passivlar o‘rtasida muvozanatni ta‘minlash; uzoq muddatli majburiyatlarga mos investitsiyalar	Frank Fabozzi	Sug‘urta kompaniyalarining moliyaviy barqarorligini ta‘minlash
Riskni Tarqatish Modeli	Xatarlarni aniqlash, o‘lchash va samarali tarqatish; investitsiya va sug‘urta risklarini integratsiya qilish	Zvi Bodie	Investitsiya portfelleri va sug‘urta risklarini birgalikda boshqarish
Risk Parity Yondashuvi	Kapitalni emas, balki riskni teng taqsimlash; aktivlar o‘rtasida riskni muvozanatlash	-	Aktivlar portfelida riskni teng taqsimlash orqali samaradorlikni oshirish
Wilkie Investitsiya Modeli	Stokastik iqtisodiy omillarni hisobga olish; Monte-Karlo usullari bilan simulyatsiya qilish	A.D. Wilkie	Aktuarial ishlarda va aktiv-passiv boshqaruvda qo‘llaniladi

Sug‘urta tashkilotlarining investitsiya faoliyatini boshqarishda zamonaviy nazariy yondashuvlarning har biri o‘ziga xos ahamiyatga ega bo‘lib, ular birgalikda investitsiya portfelini samarali boshqarish imkonini yaratadi. Markowitzning portfel nazariyasi xavfni diversifikatsiya qilishga, Sharpe‘ning CAPM modeli esa sistematik risk va daromad o‘rtasidagi bog‘liqlikka e‘tibor qaratadi. Fabozzi

tomonidan ilgari surilgan aktiv-passiv muvozanati va Bodiening risklarni aniqlash va tarqatish yondashuvlari sug'urta kompaniyalarining uzoq muddatli moliyaviy barqarorligini ta'minlashda muhim rol o'ynaydi. Shuningdek, Reilly va Brownning likvidlik va qonuniy cheklovlariga e'tibor berilishi, Yermackning esa korporativ boshqaruvning ahamiyati ta'kidlanadi. Shu sababli, sug'urta tashkilotlari investitsiya faoliyatini boshqarishda bu nazariy yondashuvlarni integratsiyalashgan holda qo'llashi lozim, bu esa ularning moliyaviy xavfsizligi va bozor sharoitlariga moslashuvchanligini oshiradi.

Berkshire Hathaway (AQSh): Dunyoning eng yirik sug'urta kompaniyasi bo'lib, yuqori foyda (73.42 milliard dollar) va aktivlar hajmi (1,070,04 milliard dollar) bilan ajralib turadi. Bozor qiymati ham yuqori darajada (899,14 milliard dollar). Ping An sug'urta guruhi (Xitoy): Eng katta aktivlarga ega bo'lib (1,654,80 milliard dollar), lekin bozor qiymati Berkshire Hathaway va Allianz kabi kompaniyalar bilan solishtirganda pastroq (105,50 milliard dollar). Allianz (Germaniya): Yevropadagi eng yirik sug'urta kompaniyasi bo'lib, aktivlari 1,056.84 milliard dollarni tashkil etadi.

AXA guruhi (Fransiya): Yevropada ikkinchi o'rinda turadi, aktivlari 684,04 milliard dollar. Life Insurance Corp (Hindiston): Hindistondagi eng yirik sug'urta kompaniyasi bo'lib, aktivlari 561,41 milliard dollarni tashkil etadi. Elevance Health (AQSh): Bozor qiymati (127,30 milliard dollar) va foydasi (6,24 milliard dollar) bilan yuqori o'rinlarda turadi. Intesa Sanpaolo Assicura (Italiya): Italiyadagi eng yirik sug'urta kompaniyasi bo'lib, aktivlari 1,006,15 milliard dollarni tashkil etadi. Chubb (Shveytsariya): Bozor qiymati (111,37 milliard dollar) va foydasi (9,28 milliard dollar) bilan ajralib turadi. Cigna (AQSh): AQShdagi eng yirik sug'urta kompaniyalaridan biri bo'lib, foydasi 3,62 milliard dollarni tashkil etadi.

1-jadval

2024-yilda dunyodagi eng yirik 10 ta sug'urta kompaniyalarining ko'rsatkichlari, milliard AQSh dollarida¹⁰

Mamlakat	Kompaniya	Darajasi	Global reytingi	Foydasi	Aktivlari	Bozor qiymati
AQSh	Berkshire Hathaway	1	2	73,42	1 070,04	899,14
AQSh	UnitedHealth Group	2	19	15,36	284,21	482,86
Xitoy	Ping An sug'urta guruhi	3	29	11,78	1 654,80	105,50
Germaniya	Allianz	4	31	9,74	1 056,84	113,85
Fransiya	AXA guruhi	5	51	7,57	684,04	81,60
Hindiston	Life Insurance Corp	6	70	4,88	561,41	73,63
AQSh	Elevance Health	7	81	6,24	111,89	127,30
Italiya	Intesa Sanpaolo Assicura	8	84	9,12	1 006,15	74,85
Shveytsariya	Chubb	9	86	9,28	212,25	111,37
AQSh	Cigna	10	95	3,62	148,45	96,22

Berkshire Hathaway: Dunyoning eng yirik sug'urta kompaniyasi bo'lib, yuqori foyda va aktivlarga ega. Ping An sug'urta guruhi: Eng katta aktivlarga ega

¹⁰ <https://www.atlas-mag.net/en/article/forbes-2000-top-20-of-the-largest-insurers-in-2024>

bo‘lib, lekin bozor qiymati pastroq. Allianz va AXA guruhi: Yevropadagi yetakchi kompaniyalar bo‘lib, katta aktivlarga ega. Life Insurance Corp: Hindistondagi eng yirik kompaniya bo‘lib, katta aktivlarga ega. Elevance Health: AQShdagi eng yirik kompaniyalardan biri bo‘lib, yuqori bozor qiymati va foydaga ega. Intesa Sanpaolo Assicura: Italiyadagi eng yirik kompaniya bo‘lib, katta aktivlarga ega. Chubb: Shveytsariyadagi eng yirik kompaniya bo‘lib, yuqori bozor qiymati va foydaga ega. Cigna: AQShdagi eng yirik kompaniyalardan biri bo‘lib, foydasi 3,62 milliard dollarni tashkil etadi.

Xulosa. Sug‘urta tashkilotlarining investitsiya faoliyatini boshqarish – bu murakkab va ko‘p qirralik jarayon bo‘lib, u moliyaviy barqarorlikni ta‘minlash, risklarni samarali boshqarish hamda uzoq muddatli rentabellikka erishishni maqsad qilgan nazariy va amaliy yondashuvlarning majmuasidir. Zamonaviy iqtisodiyotda sug‘urta kompaniyalari o‘z faoliyatining barqarorligini ta‘minlash uchun nafaqat sug‘urta risklarini, balki investitsion risklarni ham samarali boshqarishlari zarur. Shu sababli, investitsiya faoliyatini boshqarishning nazariy asoslari va usullari sug‘urta tashkilotlari uchun alohida ahamiyat kasb etadi.

Sug‘urta tashkilotlarining investitsiya faoliyatini boshqarishda yuqorida keltirilgan nazariy yondashuvlarning integratsiyalashgan va tizimli qo‘llanilishi muhimdir. Bu yondashuvlar sug‘urta kompaniyalariga investitsiya risklarini samarali boshqarish, bozor sharoitlariga moslashish, shuningdek, moliyaviy barqarorlikni ta‘minlash imkonini beradi. Kelajakda sug‘urta tashkilotlari uchun innovatsion investitsiya strategiyalarini ishlab chiqish va amalga oshirish, shuningdek, risklarni baholashda yangi texnologiyalar va modellarni qo‘llash muhim ahamiyat kasb etadi.

Sug‘urta tashkilotlarining investitsiya faoliyatini boshqarish tizimi nafaqat kompaniyaning o‘z moliyaviy mustahkamligini ta‘minlashga xizmat qiladi, balki butun iqtisodiyotning barqarorligini qo‘llab-quvvatlashda ham muhim o‘rin tutadi. Shu sababli, ushbu sohadagi nazariy yondashuvlarni chuqur o‘rganish va amaliyotga tatbiq etish sug‘urta sektorining uzoq muddatli muvaffaqiyati uchun muhim omildir.

Foydalanilgan adabiyotlar.

1. Markowitz, H. (1952). Portfolio Selection. The Journal of Finance, 7(1), 77–91.
2. Sharpe, W. F. (1964). Capital Asset Prices: A Theory of Market Equilibrium under Conditions of Risk. The Journal of Finance, 19(3), 425–442.
3. Fabozzi, F. J. (2010). Bond Markets, Analysis, and Strategies. Pearson Education.
4. Bodie, Z., Kane, A., & Marcus, A. J. (2014). Investments (10th ed.). McGraw-Hill Education.
5. Reilly, F. K., & Brown, K. C. (2012). Investment Analysis and Portfolio Management. Cengage Learning.
6. Yermack, D. L. (1996). Higher market valuation of companies with a small board of directors. Journal of Financial Economics, 40(2), 185–211.

БАҲОЛАШ ХИЗМАТЛАРИ БОЗОРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА ЎЗ-ЎЗИНИ ТАРТИБГА СОЛИШ ИНСТИТУТИНИНГ ЗАРУРЛИГИ ВА АҲАМИЯТИ

Ташпулатов Гиёс Тохирович



иқтисодиёт фанлари бўйича
фалсафа доктори (PhD)

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар

Маҳкамаси ҳузуридаги

Бизнес ва тадбиркорлик

олий мактаби доценти

E-mail: giyos_tashpulatov@mail.ru

ORCID: 0000-0003-1917-189X

Аннотация. Мақолада Янги Ўзбекистон шароитида баҳолаш хизматлари бозорини ривожлантиришда ўз-ўзини тартибга солиш институтини халқаро тажриба асосида ривожлантиришнинг зарурияти ва хусусиятлари, унинг аъзолигига қўйиладиган талаблар, шунингдек жавобгарликнинг ўзига хос хусусиятлари кўриб чиқилган.

Шу билан бирга, мамлакатимизда баҳолаш хизматлари бозори фаолиятини ўз-ўзини тартибга солишни ривожлантириш ва баҳоловчиларнинг касбий фаолияти riskларини сугурталаш бўйича хорижий тажрибани умумлаштириш асосида бир қатор тавсиялар ишлаб чиқилган.

Калит сўзлар: баҳолаш хизматлари бозори, ўз-ўзини тартибга солиш фаолияти, баҳоловчи ташилотлар, баҳолаш стандартлари.

НЕОБХОДИМОСТЬ И ЗНАЧИМОСТЬ ИНСТИТУТА САМОРЕГУЛИРОВАНИЯ В РАЗВИТИИ РЫНКА ОЦЕНОЧНЫХ УСЛУГ

Ташпулатов Гиёс Тохирович

доктор философии (PhD)

по экономическим наукам

доцент

Высшая школа бизнеса и

предпринимательства при

Кабинете Министров

Республики Узбекистан

E-mail: giyos_tashpulatov@mail.ru

ORCID: 0000-0003-1917-189X

Аннотация. В статье рассматриваются необходимость и особенности развития института саморегулирования на основе международного опыта, требования к его членству, а также особенности ответственности при развитии рынка оценочных услуг в условиях Нового

Узбекистана.

При этом на основе обобщения зарубежного опыта разработан ряд рекомендаций по развитию саморегулирования рынка оценочных услуг в нашей стране и страхования рисков профессиональной деятельности оценщиков.

Ключевые слова: рынок оценочных услуг, саморегулируемая деятельность, оценочные организации, стандарты оценки.

THE NEED AND IMPORTANCE OF THE INSTITUTE OF SELF-REGULATION IN THE DEVELOPMENT OF THE MARKET OF APPRAISAL SERVICES

Tashpulatov Giyos Toxirovich

*Doctor of Philosophy (PhD)
in Economic Sciences*

*Associate Professor of the
Higher School of Business
and Entrepreneurship
under the Cabinet of Ministers
Republic of Uzbekistan*

E-mail: giyos_tashpulatov@mail.ru

ORCID: 0000-0003-1917-189X

Abstract. *The article examines the need and features of the development of a self-regulation institute based on international experience, the requirements for its membership, as well as the features of responsibility in the development of the appraisal services market in the context of New Uzbekistan.*

At the same time, based on the generalization of foreign experience, a number of recommendations have been developed for the development of self-regulation of the appraisal services market in our country and insurance of the risks of professional activity of appraisers.

Keywords: *appraisal services market, self-regulatory activity, appraisal organizations, appraisal standards.*

Кириш

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан Ўзбекистонда амалга оширилаётган кенг кўламли иқтисодий ўзгаришлар жараёнида бозор муносабатларини ривожлантиришга хизмат қилувчи механизмларни шакллантириш ва такомиллаштиришга катта эътибор қаратилмоқда. Баҳолаш хизматлари бозори шулар жумласидандир.

Янги Ўзбекистоннинг тараққиёти сиёсатида [1, 2] баҳолаш хизматлари бозорини ривожлантириш, унинг регулятив асосларини белгилаш бугунги куннинг асосий вазифалардан бири ҳисобланади.

Жаҳон амалиётида баҳолаш хизматлари бозори фаолиятини тартибга солишдан асосий мақсад рақобат муҳитини сақлаш ва баҳолаш хизматлари

сифатини таъминлашдан иборат. Турли мамлакатларда бу мақсадга эришиш йўллари ҳар хил, бироқ бозор иқтисодиёти ривожланган мамлакатларда ўз-ўзини тартибга солиш механизмларига кўпроқ устунлик берилаяпти.

Ўз-ўзини тартибга солиш тадбиркорлик ёки касбий фаолият субъектлари томонидан амалга ошириладиган мустақил ва ташаббускор фаолият деб юритилади ва унинг мазмуни бундай фаолият учун стандартлар ва қоидаларни ишлаб чиқиш ва белгилаш, ушбу стандартлар ва қоидалар талабларига риоя этилишини назорат қилишдир. Бундан келиб чиқадики, мамлакатимизда ўз-ўзини тартибга солувчи ташкилотларни ривожлантириш тадбиркорлик фаолиятидаги маъмурий тўсиқларни камайитириш ва тадбиркорлик фаолияти талаблари, қоидалари ва стандартларини ҳуқуқий тартибга солишни ўзгартириш каби муаммоларни ҳал қилишга қаратилган.

Миллий иқтисодиётни ривожлантириш шароитида баҳолаш хизматлари бозори фаолиятини тартибга солиш профессионал баҳоловчи ташкилотлари томонидан ўз-ўзини тартибга солиш орқали амалга оширилиши ёки давлатнинг тўлиқ ҳуқуқи бўлиши мумкин. Баҳолаш хизматлари бозори фаолиятини ўз-ўзини тартибга солиш механизми ривожланган бозор иқтисодиётига эга мамлакатларда кенг қўлланилади. Агар иқтисодиёти ривожланаётган ёки ўтиш даври бўлса, давлат назорати устунлик қилади.

Шубҳасиз, бугунги Янги Ўзбекистоннинг турли соҳаларида кенг қўлланми ислохотлар олиб борилмоқда. Шу жумладан баҳолаш хизматлари бозори фаолиятининг мустақам ҳуқуқий кафолатлари яратилгани Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, 1999 йил 19 августдаги “Баҳолаш фаолияти тўғрисида”ги қонун ва бошқа бир қатор меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда мустақамлаб қўйилган [3, 4]. 2006 ва 2009 йилларда “Баҳолаш фаолияти тўғрисида”ги қонунга миллий иқтисодиётни изчил ривожлантириш вазифаларини бажариш мақсадида ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди ва бу борада изчил ишлар амалга оширилмоқда. Бироқ баҳолаш хизматлари бозори фаолиятини тартибга солишда давлатнинг роли ҳанузгача сақланиб қолмоқда. Зеро, тадбиркорлик фаолиятига эркинлик берилаётган ҳозирги кунда уларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини тартибга солишда нодавлат-нотижорат ташкилотларининг родини ошириш масаласи долзарблигича қолмоқда.

Баҳолаш хизматлари бозори фаолияти ҳуқуқий жиҳатдан мустақил тадбиркорлик субъектлари сифатида ташкил этилиши ҳамда уларнинг фаолиятининг тартибга солиниши баҳоловчилар хизматлари сифатини ва уларнинг давлат органлари (давлат томонидан тартибга солиш), баҳоловчиларнинг профессионал ҳамжамияти (ўз-ўзини тартибга солиш) томонидан белгиланган муайян мезонларга мувофиқлигини оширишга қаратилган чора-тадбирлар ва тартиблар тизими билан боғлиқ ёки улар томонидан биргаликда ўрнатилиши бугунги кунда ушбу соҳада муайян тизимли ишларни амалга оширилишини талаб қилмоқда.

Бироқ мамлакатимизда фаолиятнинг ҳанузгача давлат томонидан тартибга солиниб турилаётганлиги, ушбу соҳада ўз-ўзини тартибга солиш

механизми йўлга қўйилмаганлиги билан изоҳланади. Ҳозирги иқтисодий глобаллашув шароитда юқоридаги келтирилган аргументлар бир томондан давлат сиёсати билан ҳамоҳанглигини, иккинчи томондан ушбу фаолиятни тартибга солишнинг замонавий усуллари қўллашни талаб этмоқда.

Адабиётлар шарҳи

Ушбу тадқиқотнинг мақсадидан келиб чиққан ҳолда, биринчи навбатда, “ўз-ўзини тартибга солиш” атамасининг маъносини тушунишга ҳаракат қилиш керак. Фкримизча, ўз-ўзини тартибга солиш – бу бир тармоқ (касб) субъектлари томонидан касбий фаолият қоидаларини, унинг мазмуни ва сифатини, шунингдек, субъектларнинг уларни бузганлик учун интизомий жавобгарлигини мустақил, фаол тартибга солишдир. Ташаббускор бирлашма субъектлар томонидан бозорда тадбиркорлик фаолиятининг ушбу турини истеъмолчилар ва давлат олдида обрўсизлантиришга йўл қўймайдиган шарт-шароитларни яратиш, шунингдек, инсофсиз рақобатнинг пайдо бўлишига тўсқинлик қилувчи шарт-шароитларни яратиш зарурати туғилганда юзага келиши мумкин. Шубҳасиз, бундай ўз-ўзини тартибга солиш давлат манфаатларига мос келади, шунинг учун у томонидан бундай бирлашиш жараёнларини енгиллаштириш учун чоралар кўриш мумкин. Умуман олганда, ўз-ўзини тартибга солиш институти давлатнинг назорат қилувчи органлари билан параллел равишда мавжуд бўлиши мумкин ва шароит талабига биноан назорат функциялари ўз-ўзини тартибга солувчи ташкилотларга тўлиқ ўтказилиши мумкин.

Тўғридан-тўғри маънода ўз-ўзини тартибга солиш – бу шахс (иқтисодий агент) томонидан ҳеч қандай ташқи мажбурлашсиз ўзига маълум чекловлар қўйишдир.

Иқтисодий амалиётда “ўз-ўзини тартибга солиш” тушунчаси бироз бошқача маънога эга. Ўз-ўзини тартибга солиш деганда, давлат аралашувисиз, маълум бозорлар ва ҳудудларни иқтисодий агентларнинг ўзлари томонидан жамоавий тартибга солиш тушунилади. Агар биз ўз-ўзини тартибга солишни “эркин (тартибга солинмаган) бозор” – “давлат томонидан тартибга солиш” координаталарида кўриб чиқсак, у ҳолда эркин бозордан фарқли ўлароқ, ўз-ўзини тартибга солиш бозор иштирокчилари учун маълум расмийлаштирилган “ўйин қоидалари” ни ўрнатишни ўз ичига олади, шу жумладан, ушбу қоидаларни бузганлик учун санкциялар, бозор иштирокчилари ўртасидаги низоларни ҳал қилиш механизмлари, бу маълум даражада иқтисодий агентларнинг эркинлигини чеклайди. Бошқа томондан, ўйин қоидаларини ўрнатиш ҳам, низоларни ҳал қилиш ҳам давлатнинг бевосита аралашувисиз бозор иштирокчиларининг ўзлари томонидан амалга оширилади.

Ўз-ўзини тартибга солишнинг ижтимоий, ҳукуқий ҳамда иқтисодий жиҳатларини олимлар ўз асарларида турли жиҳатларини келтирганлар.

М.А. Егорова [8] ўз-ўзини тартибга солишни ўз-ўзини ташкил этишнинг бир тури сифатида белгилайди, бу эса ўз-ўзини тартибга солишнинг бир

усули сифатида муаллифнинг ўз-ўзини тартибга солиш ҳақидаги фикрини акс эттиради. Ўз-ўзини тартибга солиш бу ҳолда ўз-ўзини ташкил этиш механизмидаги босқич сифатида кўриб чиқилади, унинг мазмуни фақат қоидаларни яратиш жараёнидир. Шу билан бирга муаллиф ўз-ўзини ташкил этиш умуман қонунга хос эканлигини ҳисобга олмайди.

Ю.А. Тихомиров [9] ўз-ўзини тартибга солишни ўз-ўзини ташкил этиш ва ҳаваскорлик фаолияти асосида қурилган жамоат ишларини бошқариш тизими сифатида белгилайди.

Г.А. Тосунян [10] одатда ўз-ўзини бошқаришнинг универсал таърифини беришнинг иложи йўқлигини таъкидлайди. Шунга қарамай, маълум бир жамоада ўзини тутиш қоидаларини мустақил равишда ўрнатиш жараёнларини тавсифлашда илмий тадқиқотлар бизга тушунчаларнинг ўзаро боғлиқлиги тўғрисида аниқ терминологияни намоиш этмайди. Ўз-ўзини тартибга солиш, ўз-ўзини ташкил этиш ўз-ўзини бошқаришдир деб таъкидлаган.

О.М. Родионова [11] шундай дейди: “...тадқиқотчилар ўзларининг нуқтаи назарларини ўз-ўзини тартибга солишнинг етакчи аҳамиятини таъкидлаб, уни турли, яъни “марказсизлаштириш”, “мувофиқлаштириш”, “диспозитивлик” ва бошқа атамалар билан белгилайди. Аммо бундай атамаларнинг ҳеч бири ўз-ўзини тартибга солишнинг ҳуқуқий тизимини англамайди”. О.М. Родионова томонидан берилган атамалар ўз-ўзини тартибга солишнинг ягона концепциянинг алоҳида хусусиятлари ҳисобланади.

И.В. Цветков [12] таъкидлаганидек, бозор иқтисодиётининг муносабатларига объектив эҳтиёжи унинг моҳияти билан боғлиқ, яъни замонавий бозор иқтисодиёти ўз-ўзини ташкил этувчи тизимлар турига киради. Ҳар қандай тизимнинг ўз-ўзини ташкил қилиши унинг элементлари ва таркибий қисмлари ўртасида синергик алоқаларни шакллантириш орқали амалга оширилади.


Юқоридаги фикрлардан келиб чиқиб, ўз-ўзини тартибга солиш – бу уюшган ҳуқуқий мақсадларга эга бўлган жамоаларда муносабатларнинг маълум бир турини, очик ва мураккаб ижтимоий-ҳуқуқий тизимни ижтимоий тартибга солишнинг махсус механизми бўлиб, унга турли хил атроф-муҳит омиллари таъсирида тизимнинг объектив зарур хусусиятларини сақлаб қолишга имкон беради.

Таҳлил ва натижалар

Баҳолаш хизматлари бозори фаолиятини тартибга солиш жараёни баҳоловчилар хизматларининг муайян мезонларга жавоб беришини ва уларнинг сифатини оширишга қаратилганлигини таъминлашга қаратилган чора-тадбирлар ва тартиблар мажмуасидан фойдаланган ҳолда амалга оширилади.

1-чизма.

Баҳолаш хизматлари фаолиятини ўз-ўзини тартибга солишнинг асосий шакллари*



* Муаллиф томонидан тузилган

Ўз-ўзини тартибга солиш ташкилоти ихтиёрий ёки мажбурий иштирок этадиган субъектлар томонидан ташкил этилиши мумкин. Мажбурий иштироки билан ўз-ўзини тартибга солишнинг жорий этилиши ҳар қандай давлат функцияларини бекор қилиш ва уларни тартибга солишнинг ички даражасига ўтказиш натижасидир. Ўз-ўзини тартибга солувчи ташкилотлар нотижорат ташкилотлар шаклида ташкил этилиб, ўзига хос субъект таркиби, кенгайтирилган ташкилий тузилмаси ва ихтисослашган аъзоларнинг иштироки билан ажралиб туради. Жумладан, бугунги кунда баҳолаш фаолияти ҳам ўз-ўзини тартибга солиш тизимига мухтождир.

Баҳолаш хизматлари бозори фаолиятини тартибга солишда бир қанча мезонлар қўлланилади. Ушбу мезонлар давлат органлари томонидан тартибга солиш жараёнида, баҳоловчиларнинг профессионал ҳамжамияти томонидан ўз-ўзини тартибга солишда белгиланади, лекин улар томонидан ҳам биргаликда киритилиши мумкин. Тартибга солиш уч йўналишда амалга оширилади:

1. Анъанавий равишда баҳолаш стандартларида қайд этилган баҳолаш тартиб-қоидаларига бўлган услубий талабларни шакллантириш.
2. Баҳоловчига нисбатан ахлоқий талабларни белгилаш.
3. Касбий даражага қўйиладиган талабларни ишлаб чиқиш.

Баҳолаш хизматлари бозори фаолиятини ўз-ўзини тартибга солишнинг юқорида келтирилган мезонлари орқали хорижий мамлакатларда кенг ривожланганлигини ҳамда муҳим рол ўйнашини кўришимиз мумкин.

Масалан, АҚШда профессионал ўз-ўзини тартибга солишнинг ривожланган тизими мавжуд бўлиб, у ерда XX аср 30-йилларнинг ўрталаридан бошлаб баҳолаш институти фаолият кўрсатади. У баҳоловчиларни тайёрлаш учун ўз тизимини ишлаб чиққан. Бу тизимда 6000 дан ортиқ аъзолари, жумладан, бизнес, машинасозлик ва заргарлик буюмларини баҳоловчиларни ўз ичига олган кўп тармоқли профессионал ташкилот бўлган Америка баҳоловчилар жамияти алоҳида эътиборга моликдир [13].

Юқори профессионал баҳолаш стандартларни қабул қилиш ва уларга риоя қилиш орқали профессионал ташкилотлар томонидан амалга

оширилади. Бироқ истисно тариқасида Италия, Испания, Япония давлатларида, яъни лицензиялаш кўринишида маълум бир давлат томонидан тартибга солинадиган давлатларда, шунингдек, 1998 йилда Америка Қўшма Штатларида кўчмас мулкни баҳолашни давлат томонидан тартибга солиш (лицензиялаш) жорий этилган, Чунки ўша пайтда Америка жамғарма ва кредит фирмалари кўчмас мулк билан боғлиқ операцияларда катта молиявий йўқотишларга дуч келишган [14].

Қозғоғистонда баҳоловчилар фаолиятини тартибга солиш бўйича биринчи уринишлар 1995 йилда амалга оширилган. Кўчмас мулкни баҳолаш ва рўйхатга олиш бўлимлари ташкил этилиб, уларга кўчмас мулкни баҳолаш, баҳолаш стандартлари ва баҳоловчининг ахлоқ кодексини ишлаб чиқиш ваколати берилди. 1997 йилда баҳолаш фаолияти лицензияланадиган деб топилди, баҳоловчи касби расмий тан олинди, кўчмас мулкни баҳолаш ва рўйхатга олиш бўлимлари Адлия вазирлигининг кўчмас мулкни ва юридик шахсларни рўйхатга олиш агентлиги тасарруфига ўтказилди.

Россияда баҳолаш хизматлари бозори фаолиятини мувофиқлаштиришда барча минтақаларидаги баҳолаш соҳасидаги мутахассисларни бирлаштирган профессионал ўз-ўзини тартибга солувчи ташкилот бўлган Россия баҳоловчилар жамияти (РБЖ) жамоат ташкилоти томонидан тартибга солинади.

РБЖ тузилмаси 75 та ҳудудий филиални ўз ичига олади. Россия баҳоловчилар жамиятининг асосий мақсади ҳар хил турдаги мулкни баҳолаш билан шуғулланадиган мутахассислар фаолиятини рағбатлантириш ва цивилизациялашган баҳолаш бозорини яратишдир.

РБЖ фаолиятининг асосий йўналишлари қуйидагилардан, яъни:

- ўз аъзоларининг касбий манфаатларини ҳимоя қилиш;
- ҳар хил турдаги мулкларни баҳолаш усуллари ишлаб чиқиш;
- таълим дастурларини ишлаб чиқиш.
- касбий баҳолаш курсларида мулкнинг ҳар хил турларини баҳолаш бўйича мутахассисларни тайёрлашга кўмаклашишдан иборат.

1-жадвал.

**Баҳоловчи ташкилотларнинг ўз-ўзини тартибга солувчи халқаро
ташкилотлари рўйхати ***

Т/р	Мамлакат	Ташкилот номи	Сайти
1.	Халқаро	International Valuation Standards Council	https://www.ivsc.org
2.	Халқаро	TEGoVA: The European Group of Valuers' Associations	www.tegova.org
3.	Халқаро	World Association of valuation organizations	http://www.wavoglobal.org/

*<https://bstudy.net> веб-сайт маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

Баҳолаш хизматлари бозори фаолияти стандартлари ва амалиётини такомиллаштиришда дунёдаги етакчи хорижий ташкилотлар ўз

тажрибасидан келиб чиқиб, улар томонидан стандартлар такомиллаштириб борилади. Жадвалда баҳоловчи ташкилотларнинг ўз-ўзини тартибга солувчи халқаро ташкилотлари рўйхати, уларнинг асосий мақсади бутун дунё бўйича баҳолаш фаолияти стандартлари ва амалиётини такомиллаштиришдир.

Хорижда баҳолаш хизматлари бозори фаолиятининг ўз-ўзини тартибга солишнинг қиёсий таҳлили асосида уларнинг фаолият соҳалари рейтинги тузилиб чиқилади. Уларнинг асосий мақсади ушбу соҳада фаолият мезонларининг улушлари орқали аниқланади.

Хорижий баҳолаш фаолиятининг ўз-ўзини тартибга солишнинг рейтинги қуйидагиларни ўз ичига олади (камайтиш тартибида):

1. Касб-хунар таълими / баҳоловчилар малакасини ошириш 90%.
2. Баҳолаш фаолияти стандартларини ишлаб чиқиш / такомиллаштириш 85%.
3. Малака имтиҳонларини қабул қилиш / баҳоловчиларни аттестациядан ўтказиш 80%.
4. Тадқиқот мавзуларида нашриёт фаолияти (шу жумладан электрон бюллетенлар), ўқув адабиёти 80%.
5. Макроиктисодий тенденциялар, миллий иқтисодиёт тармоқлари ва баҳолаш объектлари бозорларини ўрганиш 75%.
6. Баҳолаш фаолияти амалиётини тартибга солиш 45%.
7. Ишга жойлашишда баҳоловчиларга ёрдам бериш / тегишли малакали баҳоловчиларни топишда миқдорларга ёрдам бериш 40%.
8. Баҳоловчиларнинг малакасини аниқлаш даражаси 32%.
9. Даъволарни кўриб чиқиш / ўз-ўзини тартибга солиш аъзоларига ҳуқуқий ёрдам 30%.
10. Харажатларни баҳолаш хизматлари миқдорларига эътибор қилинган зарарни қоплаш 5%.

Мамлакатимизда баҳолаш хизматлари бозори фаолиятини ўзининг яқин тарихида муҳим ўзгаришларни бошдан кечирди.

Ушбу фаолият тури ўзининг мустақил фаолиятини амалга оширсада, тўлиқ давлат томонидан тартибга солинади.

Баҳолаш хизматлари бозори фаолиятининг ўз-ўзини тартибга солиш ҳуқуқий томондан “Баҳолаш фаолияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Лицензиялаш ва рухсат бериш тартиб-таомилларини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2020 йил 24 августдаги ПФ-6044-сонли Фармони асосан 2021 йил 1 январдан бошлаб мамлакатимизда баҳолаш фаолияти ўз-ўзини тартибга солиш ташкилотларига мажбурий аъзоликни белгилаган ҳолда ўз-ўзини тартибга солиш механизмларини ривожлантириш асосида мустаҳкамланади.

Бироқ бугунги кунда мамлакатимизда “Тадбиркорлик фаолиятини ўз-ўзини тартибга солиш” тўғрисидаги Қонуннинг ҳанузгача ишлаб чиқилиб, қабул қилинмаганлиги баҳолаш фаолиятини ҳам ҳанузгача давлат томонидан мувофиқлаштирилаётганини кўришимиз мумкин. Баҳолаш фаолиятини ўз-

ўзини тартибга солиш механизми нималарда намоён бўлишини қуйидагича изоҳлаймиз:

Баҳоловчи хизматлари бозори фаолиятини ўз-ўзини тартибга солувчи ташкилоти баҳолаш фаолиятини тартибга солиш ва мониторинг қилиш мақсадида ташкил этилади, аъзолик шартлари бўйича баҳоловчиларнинг ўз-ўзини тартибга солувчи ташкилотларининг ягона давлат реестрига киритилиб, баҳоловчиларни бирлаштирувчи нотижорат ташкилот деб тан олинади.

Баҳоловчи хизматлари бозори фаолиятини ўз-ўзини тартибга солувчи ташкилотининг функциялари қуйидагилардан иборат:

- баҳолаш фаолияти стандартлари ва қоидаларини, ишбилармонлик ва касбий ахлоқ қоидаларини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш;
- баҳоловчи хизматлари бозори фаолиятини ўз-ўзини тартибга солувчи ташкилотига аъзоликка қабул қилиш, шунингдек ундан чиқариш қоидалари ва шартларини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш;
- ўз аъзоларининг манфаатларини ифодалаш, шунингдек унинг барча ёки бир қисмининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини бузадиган ҳатти-ҳаракатларга суд орқали эътироз билдириш.

Баҳоловчи хизматлари бозори фаолиятини ўз-ўзини тартибга солувчи ташкилоти баҳоловчилар олдида қуйидаги мажбуриятларга эга:

- баҳоловчи хизматлари бозори фаолиятини ўз-ўзини тартибга солувчи ташкилот аъзолари томонидан қонунчилик талабларига, баҳолаш фаолияти стандартлари ва қоидаларига, шунингдек ишбилармонлик ва касбий этика қоидаларига риоя этилишини назорат қилиш;
- интизомий жазо чораларини қўллаш (шу жумладан ўз-ўзини тартибга солувчи ташкилот аъзолигидан чиқаришгача);
- баҳоловчи хизматлари бозори фаолиятини ўз-ўзини тартибга солувчи ташкилоти аъзолари реестрини юритиш ва ушбу реестрдаги маълумотларни манфаатдор шахсларга тақдим этиш;
- баҳоловчиларни касбий қайта тайёрлашни ташкил этиш;
- ўз аъзоларини ахборот-методик таъминлашни ташкил этиш.

Баҳоловчи хизматлари бозори фаолиятини ўз-ўзини тартибга солувчи ташкилоти мақоми нотижорат ташкилот томонидан баҳоловчиларнинг ўз-ўзини тартибга солувчи ташкилотларининг ягона давлат реестрига киритилган кундан бошлаб олинади.

Нотижорат ташкилотни баҳоловчиларнинг ўз-ўзини тартибга солувчи ташкилотларининг ягона давлат реестрига киритиш учун унинг қуйидаги талабларни бажариши асос бўлади:

- камида 300 гача кишидан иборат бўлган ташкилот таркибидаги бирлашма - баҳоловчилар;
- баҳоловчиларнинг ўз-ўзини тартибга солувчи ташкилотининг ҳар бир аъзоси белгиланган миқдорида мажбурий бадал киритиши керак бўлган компенсация фондининг мавжудлиги;
- коллегиял бошқарув органи (кенгаш, кузатув кенгаши), функционал

ихтисослашган органлар ва таркибий бўлинмаларнинг мавжудлиги.

Баҳоловчи хизматлари бозори фаолиятини ўз-ўзини тартибга солиш ташкилоти ходимлари баҳолаш фаолиятини амалга оширишга ҳақли эмас.

Баҳоловчи хизматлари бозори фаолиятини ўз-ўзини тартибга солувчи ташкилоти баҳоловчиларнинг ўз-ўзини тартибга солувчи ташкилоти ва унинг аъзолари ўртасида манфаатлар тўқнашуви пайдо бўлишининг олдини олиш, шунингдек бундай низоларни ўз вақтида бартараф этиш чораларини кўриши шарт.

Баҳоловчи хизматлари бозори фаолиятини ўз-ўзини тартибга солувчи ташкилотининг расмий веб-сайтида Интернетда қуйидагиларни, яъни:

- таъсис ҳужжатлари;
- баҳолаш фаолияти стандартлари ва қоидалари, шунингдек ишбилармонлик ва касбий ахлоқ қоидалари;
- баҳоловчи хизматлари бозори фаолиятини ўз-ўзини тартибга солувчи ташкилотининг коллегиял бошқарув органи, баҳоловчиларнинг ўз-ўзини тартибга солиш ташкилоти аъзоларининг баҳолаш фаолиятини назорат қилувчи таркибий бўлинма, интизомий жазо қўллаш тўғрисидаги ишларни кўриб чиқувчи орган тўғрисидаги низомлар; ушбу ташкилотнинг интизом қўмитаси аъзолари, бошқа органлар ва таркибий бўлинмалар тўғрисида ҳамда бундай органлар ва бўлинмаларнинг таркиби тўғрисидаги маълумотлар;
- баҳоловчи хизматлари бозори фаолиятини ўз-ўзини тартибга солувчи ташкилоти аъзоларининг реестри, шу жумладан унинг ҳар бир аъзоси тўғрисидаги маълумотлар (фамилияси, исми, отасининг исми; алоқа ўрнатиш учун мўлжалланган маълумотлар; иш стажи, баҳолаш фаолияти стажи; баҳолаш фактлари тўғрисидаги маълумотлар), интизомий жазо чораларини қўллаш, агар мавжуд бўлса;
- баҳоловчи хизматлари бозори фаолиятини ўз-ўзини тартибга солувчи ташкилотига аъзолиги тугатилган шахслар, шу жумладан “Баҳолаш фаолияти тўғрисида”ги Қонун ва бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар талабларини бузганлик учун баҳоловчиларнинг ўз-ўзини бошқариш ташкилотидан чиқариб юборилган шахслар рўйхати;
- баҳоловчи хизматлари бозори фаолиятини ўз-ўзини тартибга солувчи ташкилотининг “Баҳолаш фаолияти тўғрисида”ги Қонуни талабларига жавоб бермаслиги тўғрисидаги маълумотлар (шу жумладан баҳоловчиларнинг ўз-ўзини тартибга солувчи ташкилоти белгиланган талабларга риоя қилмаслик санаси тўғрисидаги маълумотлар) бундай номувофиқликни бартараф этиш бўйича баҳоловчиларнинг ўз-ўзини бошқариш органи томонидан кўрилган ва (ёки) режалаштирилган чора-тадбирлар;
- баҳоловчи хизматлари бозори фаолиятини ўз-ўзини тартибга солувчи ташкилоти аъзолигига қабул қилиш қоидалари ва шартлари, аъзолик бадаллари миқдори ва уларни тўлаш тартиби, баҳолаш фаолиятини амалга оширишда унинг аъзоларининг мулкӣ жавобгарлигини таъминлаш тартибига қўшимча талаблар;

- аъзоларининг ҳисоботлари тўғрисидаги маълумотлар. Бундай маълумотларни жойлаштиришнинг таркиби ва муддатлари баҳоловчиларнинг ўз-ўзини тартибга солувчи ташкилотининг ички ҳужжатлари билан белгиланади;

- компенсация жамғармаси тўғрисидаги, шу жумладан компенсация фондининг пул қиймати тўғрисидаги, компенсация фондининг инвестиция декларацияси тўғрисидаги, компенсация фондидан пеня ундирилганлик фактлари тўғрисидаги маълумотлар;

- баҳоловчи хизматлари бозори фаолиятини ўз-ўзини тартибга солиш ташкилоти аъзолари фаолиятини текшириш натижалари тўғрисидаги маълумотлар;

- баҳоловчи хизматлари бозори фаолиятини ўз-ўзини тартибга солувчи ташкилоти ва унинг аъзолари ўртасида манфаатлар тўқнашуви пайдо бўлиши тўғрисидаги маълумотлар.

Мамлакатимизда баҳолаш хизматлари бозорини ривожлантиришда унинг фаолиятининг ўз-ўзини тартибга солувчи ташкилотларига фаолиятни бирлаштириш йўналишларини, шу жумладан баҳолаш бўйича ягона стандартлар ва услубий тавсияларни ишлаб чиқиш, баҳолаш фаолиятини ахборот билан таъминлаш, баҳоловчиларни сертификатлашни амалга ошириш, касбий этика, экспертиза ўтказиш ва бозор учун ягона қарорларни талаб қиладиган бошқа масалаларни аниқлаш тавсия этилади.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда баҳолаш хизматлари бозори фаолиятининг ўз-ўзини тартибга солишнинг муҳим йўналишлари куйидагилардан иборат:

- “электрон ҳукумат” дастурини амалга ошириш доирасида баҳоловчиларнинг баҳолаш учун фойдаланиладиган маълумотларга кириш механизми ва қоидаларини ишлаб чиқиш;

- баҳолаш хизматлари бозори фаолиятида танланган илмий тадқиқотларни молиялаштириш механизмини, шунингдек услубий тавсиялар ишлаб чиқиш;

- таълим муассасалари рейтингини ўтказишда баҳоловчиларнинг ўз-ўзини тартибга солувчи ташкилотларининг иштироки;

- баҳоловчилар рейтингини ўтказиш усуллари ишлаб чиқиш ва такомиллаштиришда иштирок этиш;

- баҳолаш фаолиятини такомиллаштиришнинг тизимли масалалари бўйича, шу жумладан Давлат активлари ҳузуридаги баҳолаш хизматлари фаолияти доирасида баҳоловчилар ва баҳолаш хизматлари истеъмолчиларининг ўз-ўзини тартибга солувчи ташкилотлари ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг самарали механизмини яратиш кабиларни жойлаштириш талаб қилинади.

Юқорида келтирилган таҳлил ва муҳокамалардан кўриниб турибдики, мамлакатимизда баҳолаш хизматлари бозори фаолиятини ўз-ўзини тартибга солиш тизимини ишлаб чиқиб амалиётга жорий этиш соҳанинг ривожланишига туртки бўлади.

Хулоса

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, ҳозирги вақтда мулкни баҳолаш хизматлари сифатини янада ошириш, буюртмачиларга баҳоловчининг ўз вазифаларини лозим даражада бажармаганлиги сабабли юзага келиши мумкин бўлган зарарни қоплаш кафолатларини таъминлаш зарурати мавжуд. Ушбу муаммонинг бир қисми сифатида Ўзбекистонда баҳолаш хизматлари бозори фаолиятини ўз-ўзини тартибга солишни ривожлантириш ва баҳоловчиларнинг касбий фаолияти хавфини суғурталаш бўйича хорижий тажрибани умумлаштириш асосида бир қатор тавсиялар ишлаб чиқиш керак. Жумладан:

1. Мамлакатимизда “Баҳолаш фаолиятини ўз-ўзини тартибга солиш” бўйича меёрий ҳужжат ишлаб чиқиш зарур. Халқаро тажриба шуни кўрсатадики, деярли барча ривожланган ва ривожланаётган мамлакатларда ушбу соҳа бўйича меёрий-ҳуқуқий база шаклланган.

2. Хорижий амалиётдан келиб чиқиб, халқаро баҳоловчи ташкилотларга аъзо бўлиш ҳамда улар томонидан ишлаб чиқилган стандарт ва мезонлар асосида соҳа фаолиятини ривожлантириш.

3. Ўз-ўзини тартибга солишнинг мезонларини аниқлаш ва рўйхатини тузиш.

4. “Электрон ҳукумат” дастурини амалга ошириш доирасида баҳоловчиларнинг баҳолаш учун фойдаланиладиган маълумотларга кириш механизми ва қоидаларини ишлаб чиқиш.

5. Баҳолаш хизматлари бозори фаолиятида танланган илмий тадқиқотларни молиялаштириш механизмини, шунингдек услубий тавсиялар ишлаб чиқиш.

6. Таълим муассасалари рейтингини ўтказишда баҳоловчиларнинг ўз-ўзини тартибга солувчи ташкилотларининг иштироки.

7. Баҳоловчилар рейтингини ўтказиш усуллари ишлаб чиқиш ва такомиллаштиришда иштирок этиш.

8. Баҳолаш хизматлари бозори фаолиятини такомиллаштиришнинг тизимли масалалари бўйича, шу жумладан, Давлат активлари ҳузуридаги баҳолаш хизматлари фаолияти доирасида баҳоловчилар ва баҳолаш хизматлари истеъмолчиларининг ўз-ўзини тартибга солувчи ташкилотлари ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг самарали механизмини яратиш.

Юқоридагилардан келиб чиқиб айтиш мумкинки, ушбу тадқиқотимизда келтирилган фикрлар ҳамда таҳлиллар мамлакатимизда баҳолаш хизматлари бозори фаолиятини ўз-ўзини тартибга солишда хорижий мамлакатларнинг тажрибасидан келиб чиққан ҳолда ишлаб чиқиш орқали ушбу соҳани янада ривожланишига туртки бўлади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон-2030” стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида” 2023 йил 11 сентябрдаги №ПФ-158-сон Фармони. <https://lex.uz/docs/6600413>

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Рақамли Ўзбекистон-2030” Стратегияси тасдиқлаш ва уни самарали амалга ошириш чоратадбирлари тўғрисида” 2020 йил 5 октябрдаги 6079-сон Фармони.<https://lex.uz/docs/5030957>
3. Ўзбекистон Республикасининг “Баҳолаш фаолияти тўғрисида” 1999 йил 19 августдаги 811-I-сон Қонуни.
<https://lex.uz/ru/docs/24703?ONDATE=27.08.2024%2000>
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Баҳолаш фаолиятини янада такомиллаштириш ҳамда паст рентабелли ва фаолият юритмаётган давлат иштирокидаги корхоналарни сотиш механизмларини соддалаштириш тўғрисида” 2019 йил 1 июлдаги ПҚ-4381-сон Қарори.
<https://www.lex.uz/uz/docs/4399475?ONDATE=27.04.2024>
5. Система оценочной деятельности в США // Некоммерческое партнерство «Саморегулируемая организация оценщиков “Экспертный совет». 2015.
6. Абдреев Т.И. Правовое регулирование оценочной деятельности в Российской Федерации: системный подход и пути развития правового статуса оценщика//Общество: политика, экономика, право. 2016. №11. URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/pravovoeregulirovanie-otsenочноy-deyatelnosti-v-rossiyskoy-federatsii-sistemnyu-podhod-i-putirazvitiya-pravovogo-statusa> (дата обращения: 09.01.2023).
7. Абдреев Т.И. Особенности функционирования института профессионального оценщика в условиях глобализации // УЭКС. – 2012. – №7 (43).URL:<https://cyberleninka.ru/article/n/osobennosti-funktsionirovaniya-instituta-professionalnogo-otsenschika-v-usloviyah-globalizatsii> (дата обращения: 09.01.2023).
8. Егорова М.А. Место саморегулирования в системе социальных норм // Конкурентное право. – 2013. – № 2. – С.22-23.
9. Тихомиров Ю.А. Управление делами общества. М., 1994. С.193-213; Самоуправление: от теории к практике. – М., 1988. – С.25-63.
10. Тосунян Г.А. Банковское саморегулирование: Монография. – М., 2006. – С.28.
11. Родионова О.М. Механизм гражданско-правового регулирования в контексте современного частного права. – М., 2013.– С.84.
12. Цветков И.В. Договорная дисциплина в предпринимательской деятельности: Дис....д-ра юрид. наук. – М., 2006. – С. 50 - 51.
13. www.valnet.ru веб-сайтидан маълумот (Халқаро баҳолаш консорсиумининг расмий сайти).
14. www.appraiser.ru веб-сайти маълумотлари.

KOMPANIYALAR RIVOJLANISHIDA ZAMONAVIY BOSHQARUV KONSEPSIYALARI TADBIQ ETISH YO‘LLARI

Raimjonova Madina Asrorovna

i.f.n. professor

Toshkent davlat iqtisodiyot universiteti

E-mail: m.raimjanova@tsue.uz

ORCID:0000-0001-8942-5723

Boboqulova Zarina Ilhomjonovna

Bank-moliya akademiyasi magistranti

Annotatsiya: Ushbu maqolada kompaniyalar rivojlanishida zamonaviy boshqaruv konsepsiyalarining ahamiyati va ularni amaliyotga tadbiq etish yo‘llari tahlil qilingan. Strategik menejment, innovatsion yondashuvlar, sifat menejmenti, raqamli transformatsiya kabi konsepsiyalarning kompaniyalar samaradorligiga ta’siri yoritilgan. Shuningdek, zamonaviy yondashuvlarni joriy etishda uchraydigan asosiy muammolar – malakali kadrlar yetishmasligi, moliyaviy va texnologik cheklovlar, korporativ qarshiliklar batafsil ko‘rib chiqilgan. Muammolarni bartaraf etish bo‘yicha taklif va tavsiyalar berilgan. Maqola kompaniyalar uchun strategik rivojlanishning zamonaviy mexanizmlarini ishlab chiqishda amaliy ahamiyat kasb etadi.

Kalit so‘zlar: zamonaviy boshqaruv, strategik menejment, innovatsion yondashuv, sifat menejmenti, raqamli transformatsiya, kompaniya rivoji, menejment muammolari, malakali kadrlar, texnologik infratuzilma, korporativ madaniyat.

ПУТИ ВНЕДРЕНИЯ СОВРЕМЕННЫХ КОНЦЕПЦИЙ УПРАВЛЕНИЯ В РАЗВИТИЕ КОМПАНИЙ

Раимжонова Мадина Асровна

Кандидат экономических наук, профессор

Ташкентский государственный экономический университет

Электронная почта: m.raimjanova@tsue.uz

ORCID: 0000-0001-8942-5723

Бобокулова Зарина Илхомжоновна

Магистрант Академии банковского дела и финансов

Аннотация: В статье анализируется значение современных концепций менеджмента в развитии компаний и пути их реализации на практике. Подчеркивается влияние таких концепций, как стратегическое управление, инновационные подходы, управление качеством и цифровая трансформация,

на эффективность компаний. Также были подробно рассмотрены основные проблемы, возникающие при внедрении современных подходов: нехватка квалифицированных кадров, финансовые и технологические ограничения, сопротивление корпораций. Даны предложения и рекомендации по решению проблем. Статья имеет практическое значение при разработке современных механизмов стратегического развития предприятий.

Ключевые слова: современный менеджмент, стратегическое управление, инновационный подход, управление качеством, цифровая трансформация, развитие компании, проблемы управления, квалифицированные кадры, технологическая инфраструктура, корпоративная культура.

WAYS TO PRACTICE ZAMONAVIY BOSHQARUV CONCEPTS IN COMPANIES RIVOJLANISHID

Raimjonova Madina Asrovnova

*Candidate of economics, professor
Tashkent State Economic University*

E-mail: m.raimjanova@tsue.uz

ORCID: 0000-0001-8942-5723

Bobokulova Zarina Ilkhomjonovna

Master of the Academy of Banking and Finance

Abstract: This article analyzes the importance of modern management concepts in the development of companies and ways to implement them in practice. The impact of such concepts as strategic management, innovative approaches, quality management, digital transformation on the efficiency of companies is highlighted. The main problems encountered in the implementation of modern approaches are also considered in detail - lack of qualified personnel, financial and technological constraints, corporate resistance. Suggestions and recommendations are given to overcome the problems. The article is of practical importance in developing modern mechanisms for strategic development for companies.

Keywords: modern management, strategic management, innovative approach, quality management, digital transformation, company development, management problems, qualified personnel, technological infrastructure, corporate culture.

Kirish

Zamonaviy biznes muhitida kompaniyalar tobora murakkab va o'zgaruvchan bozor sharoitlariga dosh berishga majbur bo'lmoqda. Globallashtirish va texnologik inqilob natijasida an'anaviy boshqaruv usullari o'z samaradorligini yo'qotib, yangi yondashuvlar talabini tug'dirmoqda. Bu vaziyatda zamonaviy boshqaruv konsepsiyalarini tatbiq etish nafaqat raqobatbardoshlikni ta'minlash, balki uzoq muddatli barqaror rivojlanish uchun zarur shart bo'lib qolmoqda.

Hozirgi kunda agile boshqaruv, raqamli transformatsiya, lean production va innovation management kabi ilg'or konsepsiyalar dunyoning yetakchi kompaniyalarida muvaffaqiyat bilan qo'llanilmoqda. Ushbu yondashuvlar tashkilotlarga tezkor qaror qabul qilish, mijozlar ehtiyojlariga moslashish va ichki jarayonlarni optimallashtirish imkoniyatini bermoqda. O'zbekiston kompaniyalari ham ushbu tendentsiyalardan chetda qolmaslik uchun zamonaviy boshqaruv amaliyotlarini o'z faoliyatiga tatbiq etish zaruriyatini his qilmoqda.

Zamonaviy boshqaruv konsepsiyalarining asosiy afzalligi shundaki, ular insoniy resurslarni samarali boshqarish, jamoaviy ishlashni kuchaytirish va innovatsion g'oyalarni amalga oshirish imkoniyatini yaratadi. Bu esa o'z navbatida mehnat unumdorligini oshirish, xarajatlarni kamaytirish va yangi bozorlarni egallash uchun mustahkam poydevor bo'lib xizmat qiladi. Kompaniyalar uchun bu konsepsiyalarni muvaffaqiyatli tatbiq etish strategik ustunlik va uzoq muddatli rivojlanish kafolati hisoblanadi.

Bozor iqtisodiyoti sharoitida kompaniyalar o'rtasidagi raqobat kundan-kunga kuchayib bormoqda. Bu sharoitda omon qolish va rivojlanish uchun tashkilotlar o'z boshqaruv tizimlarini tubdan qayta ko'rib chiqishlari lozim. An'anaviy ierarxik tuzilmalar o'rniga moslashuvchan, tez va samarali qaror qabul qiluvchi tizimlar yaratish zarurati paydo bo'lmoqda. Zamonaviy boshqaruv konsepsiyalari aynan shu muammolarni hal qilishga qaratilgan bo'lib, kompaniyalarga yangi imkoniyatlar ochib beradi.

Texnologik taraqqiyot va raqamlashtirish jarayonlari ham kompaniyalarni zamonaviy boshqaruv usullarini qabul qilishga undamoqda. Sun'iy intellekt, katta ma'lumotlar tahlili, IoT texnologiyalari va boshqa innovatsion vositalar boshqaruv jarayonlarini tubdan o'zgartirmoqda. Bu o'zgarishlardan to'liq foydalanish uchun kompaniyalar o'z boshqaruv kulturaini ham modernizatsiya qilishlari zarur bo'lmoqda.

Xodimlarning kutishlari ham o'zgarib, ular endi shunchaki topshiriqlarni bajaruvchi emas, balki ijodiy va mustaqil fikrlovchi professional sifatida tan olinishni xohlaydilar. Zamonaviy boshqaruv konsepsiyalari xodimlarning potentsialini to'liq ochishga, ularning motivatsiyasini oshirishga va professional rivojlanishiga yordam berishga qaratilgan. Bu esa o'z navbatida kompaniya samaradorligini sezilarli darajada oshiradi.

Mijozlar talablari ham doimiy ravishda o'sib bormoqda va ularning ehtiyojlari yanada murakkablashmoqda. Zamonaviy boshqaruv yondashuvlari mijozlar bilan uzoq muddatli munosabatlar o'rnatish, ularning fikr-mulohazalarini tizimli ravishda to'plash va tahlil qilish imkoniyatini beradi. Customer-centric yondashuv orqali kompaniyalar o'z mahsulot va xizmatlarini mijozlar talablariga mos ravishda takomillashtira oladilar.

Moliyaviy barqarorlik va risk-menejmenti masalalari ham zamonaviy boshqaruv konsepsiyalarining muhim qismi hisoblanadi. Noaniqlik va tez o'zgarishlar davrida kompaniyalar strategik rejalashtirish, moliyaviy monitoring va risk baholash tizimlarini mukammallashtirishlari zarur. Bu jihatdan zamonaviy boshqaruv vositalari katta yordam beradi va kompaniyalarni kutilmagan

vaziyatlarga tayyorlaydi.

Korporativ ijtimoiy mas'uliyat va barqaror rivojlanish tamoyillari ham bugungi kun kompaniyalari uchun muhim ahamiyatga ega. Zamonaviy boshqaruv konsepsiyalari nafaqat iqtisodiy, balki ijtimoiy va ekologik jihatlarni ham hisobga oladi. Bu yondashuv kompaniyalarning jamiyatdagi obro'sini oshiradi va uzoq muddatli muvaffaqiyat uchun mustahkam asos yaratadi.

Adabiyotlar sharhi

Tadqiqot yo'nalishimizda o'z ilmiy tadqiqotlarini olib borgan xorijiy iqtisodchi olimlardan P.F.Drucker ning “Management: Tasks, Responsibilities, Practices” asari zamonaviy menejmenti fanining asoschisi sifatida tan olingan fundamental ish hisoblanadi. Muallif boshqaruvning asosiy vazifalarini aniqlash, rejalashtirish, tashkil etish va nazorat qilish sifatida tavsiflab, samarali menejmenti uchun zarur bo'lgan asosiy tamoyillarni ishlab chiqdi. Ushbu asar zamonaviy boshqaruv konsepsiyalarining nazariy poydevorini yaratgan bo'lib, hozir ham dolzarbligini saqlamoqda.

M.E.Porter ning “Competitive Strategy” kitobida raqobat strategiyalari va kompaniyalarning bozordagi pozitsiyasini mustahkamlash usullari chuqur tahlil qilingan. Muallif tomonidan ishlab chiqilgan besh kuch modeli va qiymat zanjiri konsepsiyasi zamonaviy strategik boshqaruvning asosini tashkil etadi. Bu nazariy yondashuv kompaniyalarning raqobat muhitini tahlil qilish va strategik qarorlar qabul qilishda keng qo'llanilmoqda.

J.P.Kotter ning “Leading Change” asari tashkiliy o'zgarishlarni boshqarish bo'yicha fundamental ish hisoblanadi. Muallif sakkiz bosqichli o'zgarish modelini taklif etib, kompaniyalarda muvaffaqiyatli transformatsiya amalga oshirish yo'llarini ko'rsatdi. Bu yondashuv agile boshqaruv konsepsiyasining rivojlanishiga katta hissa qo'shgan va zamonaviy o'zgarish menejmenti amaliyotining asosini tashkil etdi.

N.T.Nassim ning “The Black Swan” kitobida noaniqlik sharoitida boshqaruv masalalari chuqur tahlil qilingan. Muallif kutilmagan hodisalarning ta'sirini minimallashtirish va ularga tayyorgarlik ko'rish usullarini ko'rsatdi. Bu yondashuv zamonaviy risk menejmenti va strategik rejalashtirish amaliyotida muhim o'rin egallaydi.

S.Sinek ning “Start with Why” asari tashkilotlarda maqsad va vizion rahbarlikning ahamiyatini ochib beradi. Muallif muvaffaqiyatli kompaniyalar qanday qilib xodimlarni ilhomlantirishi va motivatsiya qilishini tahlil qildi. Bu konsepsiya zamonaviy korporativ madaniyat va xodimlarni jalb qilish strategiyalarida keng qo'llanilmoqda.

Tahlil va natijalar

O'zbekiston iqtisodiyotining modernizatsiyasi va diversifikatsiyasi jarayonida zamonaviy boshqaruv konsepsiyalari muhim katalizator vazifasini o'tamoqda. “Raqamli O'zbekiston - 2030” strategiyasi va keng ko'lamli iqtisodiy islohotlar sharoitida mahalliy kompaniyalar xalqaro standartlarga mos boshqaruv tizimlarini joriy etishga majbur bo'lmoqda. Agile menejmenti, lean production, innovatsiya

boshqaruvi va raqamli transformatsiya kabi zamonaviy yondashuvlar O'zbek kompaniyalarining samaradorligini oshirish, eksport salohiyatini kengaytirish va xalqaro bozorlarda raqobatbardosh bo'lishda hal qiluvchi rol o'ynaydi. Ayniqsa, tekstil, oziq-ovqat sanoati, IT sektor va xizmatlar sohasidagi kompaniyalar ushbu konsepsiyalarni tatbiq etish orqali sezilarli o'sish sur'atlariga erishmoqda.

Milliy iqtisodiyotning tarkibiy o'zgarishlarida zamonaviy boshqaruv konsepsiyalari strategik ahamiyatga ega bo'lib, an'anaviy tarmoqlardan innovatsion sektorlarga o'tish jarayonini tezlashtirmoqda. Kichik va o'rta biznes sub'ektlari uchun bu konsepsiyalar ayniqsa muhim, chunki ular cheklangan resurslar sharoitida maksimal samaradorlikka erishish imkoniyatini beradi. Start-up ekotizimining rivojlanishi, texnopark va innovatsiya markazlarining faoliyati, shuningdek, chet el investorlarini jalb qilish jarayonlarida zamonaviy boshqaruv amaliyotlari asosiy omil bo'lib xizmat qilmoqda. Bu esa O'zbekiston iqtisodiyotining xalqaro qiymat zanjirlari va global biznes ekotizimlarga integratsiyalashuviga yordam beradi.

Zamonaviy boshqaruv konsepsiyalari kompaniyalar rivojlanishida hal qiluvchi rol o'ynaydi, chunki ular tashkilotlarga o'zgaruvchan bozor sharoitlariga tez moslashish va raqobatbardoshlikni saqlab qolish imkoniyatini beradi. Bu konsepsiyalar an'anaviy ierarxik boshqaruv tizimlarining cheklovlarini bartaraf etib, kompaniyalarga yanada moslashuvchan, innovatsion va samarali faoliyat yuritish yo'llarini ochib beradi. Agile metodologiya, lean boshqaruv, raqamli transformatsiya va boshqa zamonaviy yondashuvlar orqali kompaniyalar o'z ichki jarayonlarini optimallashtirish, mahsuldorlikni oshirish va mijozlar ehtiyojlariga tezroq javob berish qobiliyatiga ega bo'ladilar.

Ushbu konsepsiyalarning eng muhim ahamiyati shundaki, ular kompaniyalarda insoniy resurslarning potentsialini to'liq ochishga yordam beradi. Zamonaviy boshqaruv tamoyillari xodimlarni passiv ijrochi sifatida emas, balki faol ishtirokchi va g'oya mualliflari sifatida qabul qiladi. Bu yondashuv xodimlarning motivatsiyasini oshirish, ularning ijodiy qobiliyatlarini rivojlantirish va jamoaviy ishni kuchaytirishga olib keladi. Natijada kompaniya ichida innovatsion muhit shakllanadi, yangi g'oyalar tug'iladi va ularni amalga oshirish jarayonlari tezlashadi.

Raqobat muhitida ustunlikni ta'minlash uchun zamonaviy boshqaruv konsepsiyalari strategik ahamiyatga ega. Bu yondashuvlar kompaniyalarga bozor o'zgarishlarini oldindan sezish, mijozlar talablarini to'g'ri prognoz qilish va ularni qondirish uchun tez harakat qilish imkoniyatini beradi. Customer-centric yondashuv, data-driven qarorlar qabul qilish va doimiy takomillashtirish tamoyillari orqali kompaniyalar o'z pozitsiyalarini mustahkamlaydi va yangi bozorlarni egallash imkoniyatiga ega bo'ladi. Bu esa uzoq muddatli barqaror rivojlanish va moliyaviy barqarorlik uchun zarur shart hisoblanadi.

Zamonaviy boshqaruv konsepsiyalari texnologik rivojlanish va raqamlashtirish jarayonlari bilan chambarchas bog'liq bo'lib, kompaniyalarga raqamli transformatsiyani muvaffaqiyatli amalga oshirish imkoniyatini beradi.

Sun'iy intellekt, big data, IoT va boshqa ilg'or texnologiyalardan samarali foydalanish uchun an'anaviy boshqaruv usullari yetarli emas. Zamonaviy konsepsiyalar esa bu texnologiyalarni tashkilot faoliyatiga organik tarzda integratsiya qilish, ma'lumotlar asosida qarorlar qabul qilish va raqamli ekotizimda muvaffaqiyatli faoliyat yuritish yo'llarini ko'rsatadi.

1-jadval

**Kompaniyalar rivojlanishida zamonaviy boshqaruv
konsepsiyalari¹¹**

№	Boshqaruv konsepsiyasi	Qisqacha tavsifi	Kompaniya rivojlanishiga ta'siri
1	Strategik menejment	Uzoq muddatli maqsadlar asosida qarorlar qabul qilish va resurslarni taqsimlash	Raqobatbardoshlikni oshiradi, bozor o'zgarishlariga tez moslashishga yordam beradi
2	Innovatsion menejment	Yangiliklarni joriy etish va mahsulot, xizmatlarni modernizatsiya qilish	Yangi bozorlarni egallash, foydalilikni oshirish imkonini beradi
3	Sifat menejmenti (TQM, ISO)	Mahsulot va xizmatlar sifatini doimiy ravishda takomillashtirish	Mijozlar ishonchini oshiradi, brend obro'sini mustahkamlaydi
4	Agile (chaqqon menejment)	Moslashuvchanlik va tezkor qarorlar asosida boshqaruv	Loyihalarni tez bajarish, xodimlar motivatsiyasini oshirish imkonini beradi
5	Lean menejment	Ortiqcha resurslar va chiqindilarni minimallashtirishga qaratilgan yondashuv	Xarajatlarni kamaytiradi, samaradorlikni oshiradi
6	Korxona resurslarini rejalashtirish (ERP)	Barcha bo'limlar ishini yagona tizimda boshqarish	Tashkiliy samaradorlikni oshiradi, axborot oqimini soddalashtiradi
7	Korxona ijtimoiy mas'uliyati (CSR)	Jamiyat oldida mas'uliyatli harakat qilish	Kompaniya imijini yaxshilaydi, ijtimoiy barqarorlikka hissa qo'shadi
8	Xodimlar boshqaruvi (HRM)	Kadrlarni tanlash, rivojlantirish va rag'batlantirish	Xodimlarning samaradorligini oshiradi, kadrlar barqarorligini ta'minlaydi
9	Raqamli transformatsiya menejmenti	Raqamli texnologiyalarni biznes jarayonlariga integratsiya qilish	Innovatsion raqobatdosh ustunlikni yaratadi
10	Mijozga yo'naltirilgan yondashuv (CRM)	Mijoz ehtiyojlarini aniqlab, ularni qondirishga qaratilgan boshqaruv	Mijozlar bazasini kengaytiradi, sodiqlikni oshiradi

Zamonaviy boshqaruv konsepsiyalarining kompaniyalar rivojlanishidagi o'rni tobora ortib bormoqda. Har bir konsepsiya muayyan yo'nalishda korxonaning samaradorligini oshirishga xizmat qiladi. Jumladan, strategik menejment orqali uzoq muddatli maqsadlarni aniqlash va ularni amalga oshirish yo'llari ishlab chiqiladi. Innovatsion yondashuvlar esa yangi mahsulotlar yaratish, xizmatlarni modernizatsiyalash orqali kompaniyani raqobatdosh qiladi.

¹¹ Muallif tomonidan ishlab chiqilgan.

Sifat menejmenti (ISO, TQM) va mijozga yo‘naltirilgan yondashuvlar orqali kompaniyalar iste‘molchi ishonchini qozonadi va bozordagi mavqeini mustahkamlaydi. Ayniqsa, mijozlar ehtiyojini aniqlab, unga mos xizmat ko‘rsatish bugungi kunda muvaffaqiyatli boshqaruvning asosi hisoblanadi. Shu bilan birga, chaqqon boshqaruv (Agile) va lean menejment kabi yondashuvlar operatsion samaradorlikni oshirib, tez va moslashuvchan qarorlar qabul qilish imkonini beradi.

Kompaniyalar rivojida inson resurslarini boshqarish (HRM) va korxona ijtimoiy mas‘uliyatining (CSR) ham alohida o‘rni bor. Malakali va motivatsiyalangan kadrlar korxonaning strategik ustunligiga aylansa, jamiyat oldidagi ijtimoiy mas‘uliyat esa korxonaning ijobiy imijini shakllantiradi. Bu esa uzoq muddatli barqaror o‘shishga xizmat qiladi. Zamonaviy boshqaruv konsepsiyalarining oqilona va kompleks tatbiqi kompaniyaga nafaqat iqtisodiy jihatdan foyda keltiradi, balki uni strategik jihatdan mustahkamlaydi. Shuning uchun har bir korxona o‘zining ichki imkoniyatlarini hisobga olgan holda ushbu yondashuvlarni bosqichma-bosqich joriy etishi muhimdir.

2-jadval

Kompaniyalar rivojlanishida zamonaviy boshqaruv konsepsiyalarini tatbiq etish bilan bog‘liq asosiy muammolar¹²

№	Muammo nomi	Tavsifi	Yechim yo‘llari / tavsiyalar
1	Malakali kadrlar yetishmasligi	Zamonaviy boshqaruv konsepsiyalarini joriy etishda tajribali menejerlar kam	Treninglar tashkil etish, xalqaro tajriba almashinuvi
2	An‘anaviy boshqaruv madaniyati	Yangi yondashuvlarga qarshilik, o‘zgarishlarga moslasha olmaslik	Korporativ madaniyatni o‘zgartirish, ichki kommunikatsiyalarni kuchaytirish
3	Texnologik infratuzilmaning zaifligi	Raqamli platformalar, ERP, CRM tizimlari yo‘qligi yoki eskirgan	Axborot texnologiyalariga investitsiya kiritish
4	Moliyaviy cheklovlar	Innovatsion tizimlarni joriy etish uchun mablag‘ yetishmasligi	Kredit, grant, hamkorlik asosida mablag‘ jalb qilish
5	Qaror qabul qilishda strategik yondashuv yetishmasligi	Qisqa muddatli foydaga yo‘naltirilgan boshqaruv qarorlari	Strategik rejalashtirishni yo‘lga qo‘yish
6	Ichki qarshilik va xodimlar noroziligi	Yangi tizimlarga o‘tishda xodimlarning norozilik bildirishi, ishdan chiqish xavfi	O‘quv va motivatsiya dasturlarini joriy etish
7	Axborot oqimining noto‘g‘ri tashkil etilishi	Bo‘limlararo koordinatsiyaning pastligi	ERP va intranet tizimlarini joriy etish
8	Innovatsiyalarni boshqarish tajribasining yo‘qligi	Yangi texnologiyalarni tanlash va tatbiq etishdagi bilim va tajriba yetishmasligi	Konsalting xizmatlaridan foydalanish, startaplar bilan hamkorlik

Zamonaviy boshqaruv konsepsiyalarini kompaniyalar faoliyatiga tatbiq etish

¹² Muallif tomonidan ishlab chiqilgan.

jarayonida bir qator tizimli va tashkiliy muammolar yuzaga chiqmoqda. Avvalo, bu sohadagi asosiy muammo – yetarli malakali kadrlar yetishmasligidir. Zamonaviy yondashuvlarni chuqur anglaydigan va uni samarali tarzda joriy etadigan rahbarlar va mutaxassislarining kamligi natijasida ko‘plab kompaniyalar zamonaviy boshqaruv tamoyillarini to‘liq tatbiq etolmayapti. Shu bilan birga, kompaniyalar ichida hali-hanuz an‘anaviy boshqaruv madaniyati saqlanib qolgan bo‘lib, bu o‘zgarishlarga bo‘lgan qarshilik, xavotir va sustkashlikni kuchaytiradi. Bunday holatlar korxona rivojida inqirozli vaziyatlarga olib kelishi mumkin.

Ikkinchi asosiy muammo sifatida texnologik infratuzilmaning yetarli emasligi va moliyaviy resurslarning cheklanganligini ko‘rsatish mumkin. ERP, CRM va boshqa raqamli boshqaruv tizimlarini joriy etish uchun zamonaviy texnik baza va yetarli sarmoya talab etiladi. Ayniqsa, kichik va o‘rta korxonalar uchun bu xarajatlar og‘ir yuk bo‘lishi mumkin. Natijada ular boshqaruvning oddiy, qo‘lda bajariladigan uslublaridan voz kecha olmaydi. Shu bilan birga, qisqa muddatli manfaatlarni ko‘zlab strategik qarorlar qabul qilinmasligi kompaniyaning uzoq muddatli barqaror rivojlanishini xavf ostiga qo‘yadi.

Ushbu muammolarni hal etish uchun korxonalar tizimli yondashuv asosida o‘z ichki imkoniyatlarini tahlil qilishi, tashqi hamkorlikni kengaytirishi va zamonaviy boshqaruv konsepsiyalariga o‘tishni bosqichma-bosqich amalga oshirishi lozim. Davlat tomonidan kichik biznes subyektlariga raqamli texnologiyalarni joriy etishda subsidiya va grantlar ajratish, xususiyl sektor tomonidan esa innovatsion konsalting xizmatlaridan foydalanish orqali zamonaviy boshqaruvni rivojlantirishga erishish mumkin. Boshqaruvning zamonaviy shakllarini muvaffaqiyatli joriy qilish kompaniyalar raqobatbardoshligini oshirish, ichki jarayonlarni optimallashtirish va iqtisodiy barqarorlikka erishishning muhim omiliga aylanishi shubhasiz.

Xulosa qilib aytganda, zamonaviy boshqaruv konsepsiyalarining ahamiyati shundaki, ular kompaniyalarni kelajakka tayyorlaydi va uzoq muddatli muvaffaqiyat uchun zarur bo‘lgan barcha elementlarni o‘z ichiga oladi. Bu konsepsiyalar orqali kompaniyalar nafaqat joriy muammolarni hal qiladi, balki kelajakdagi imkoniyatlardan to‘liq foydalanish uchun ham tayyorgarlik ko‘radi. Innovatsiya, moslashuvchanlik, samaradorlik va barqarorlik - bu barcha jihatlar zamonaviy boshqaruv yondashuvlarining markazida joylashgan bo‘lib, kompaniyalar rivojlanishining asosiy omillariga aylanmoqda.

Xulosa

Ko‘p yillik izlanishlar davomida zamonaviy boshqaruv konsepsiyalarining ahamiyati shundaki, ular kompaniyalarni kelajakka tayyorlaydi va uzoq muddatli muvaffaqiyat uchun zarur bo‘lgan barcha elementlarni o‘z ichiga oladi. Bu konsepsiyalar orqali kompaniyalar nafaqat joriy muammolarni hal qiladi, balki kelajakdagi imkoniyatlardan to‘liq foydalanish uchun ham tayyorgarlik ko‘radi. Innovatsiya, moslashuvchanlik, samaradorlik va barqarorlik - bu barcha jihatlar zamonaviy boshqaruv yondashuvlarining markazida joylashgan bo‘lib, kompaniyalar rivojlanishining asosiy omillariga aylanmoqda.

O'zbek kompaniyalari zamonaviy boshqaruv konsepsiyalarini joriy etishda bosqichma-bosqich yondashuvni qo'llashlari tavsiya etiladi. Birinchi bosqichda kompaniya rahbariyati va asosiy xodimlar uchun zamonaviy menejmenti bo'yicha treninglar va seminarlar tashkil etish lozim. Ikkinchi bosqichda pilot loyihalar orqali tanlangan bo'linmalarda yangi usullarni sinab ko'rish va natijalarni baholash zarur. Uchinchi bosqichda muvaffaqiyatli tajribalarni butun tashkilot bo'ylab kengaytirish kerak. Bu yondashuv xodimlarning qarshiligini kamaytiradi va o'zgarishlarni puxta o'zlashtirishga yordam beradi.

Zamonaviy boshqaruv konsepsiyalarini IT-texnologiyalar bilan birgalikda joriy etish samaradorlikni sezilarli oshiradi. O'zbek kompaniyalariga ERP tizimlarini joriy etish, CRM platformalarini ishga tushirish, biznes-analitika vositalaridan foydalanish va mobil ilovalar orqali boshqaruv jarayonlarini raqamlashtirish tavsiya etiladi. Bu yondashuv nafaqat samaradorlikni oshiradi, balki ma'lumotlar asosida qaror qabul qilish madaniyatini ham shakllantiradi. Ayniqsa, cloud texnologiyalaridan foydalanish kichik va o'rta kompaniyalar uchun xarajatlarni kamaytirish imkoniyatini beradi.

Foydalanilgan adabiyotlar

1. Drucker, P.F. (2007). *Management: Tasks, Responsibilities, Practices*. Harper Business.
2. Kaplan, R.S., Norton, D.P. (1996). *The Balanced Scorecard: Translating Strategy into Action*. Harvard Business Review Press.
3. Kotter, J.P. (1996). *Leading Change*. Harvard Business Review Press.
4. Nassim, N.T. (2007). *The Black Swan: The Impact of the Highly Improbable*. Random House.
5. Porter, M.E. (1980). *Competitive Strategy: Techniques for Analyzing Industries and Competitors*. Free Press.
6. Sinek, S. (2009). *Start with Why: How Great Leaders Inspire Everyone to Take Action*. Portfolio.

СОЛИҚ СИЁСАТИНИНГ 2025 ЙИЛ УЧУН АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ



Ташмурадова Бувсара Эгамовна

*иқтисодиёт фанлари
доктори*

*корпоратив молия ва қимматли
қозғалар кафедраси профессори*

Тошкент давлат иқтисодиёт университети

E-mail: buvsara.egamovna@gmail.com

ORCID: 0000-0002-2240-8897

Аннотация. Мақолада солиқ тизими учун 2025 йил учун бюджет тўғрисидаги Қонун асосидаги киритилган асосий ўзгаришлар, улардан кутилатган асосий ижтимоий ва иқтисодий натижалар башорат қилинган. Шунингдек 2024 йилда солиқ тизимидаги асосий ютуқлар ва муаммолар кўрсатилган. Солиқ тизимини такомиллаштириш юзасидан айрим таклифлар баён этилган.

Калит сўзлар: солиқлар, солиқ тизими, бюджет даромадлари, солиқ сиёсати, солиқ имтиёзлари, солиқ ҳисоботлари, қўшилган қиймат солиғи, фойда солиғи, йирик солиқ тўловчилар, солиқ ставкалари, солиқ базаси, солиқ қонунчилиги.

АНАЛИЗ ОСНОВНЫХ НАПРАВЛЕНИЙ НАЛОГОВОЙ ПОЛИТИКИ НА 2025 ГОД

Ташмурадова Бувсара Эгамовна

*доктор экономических наук
профессор кафедры корпоративных
финансов и ценных бумаг*

*Ташкентский государственный
экономический университет*

E-mail: buvsara.egamovna@gmail.com

ORCID: 0000-0002-2240-8897

Аннотация. В статье прогнозируются основные изменения и тенденции в налоговой политике на 2025 год, изложены ожидаемые социальные и экономические результаты. Проанализированы итоги налоговых реформ предыдущего года. Сформулированы предложения по совершенствованию налоговой политики.

Ключевые слова: налоги, налоговая система, доходы бюджета, налоговая политика, налоговые льготы, налоговые отчеты, налог на добавленную стоимость, налог на прибыль, крупные налогоплательщики, налоговые ставки, налоговая база, налоговое законодательства.

ANALYSIS OF KEY DIRECTIONS IN TAX POLICY FOR 2025**Tashmuradova Buvsara Egamovna**

*Professor of the Department
Corporate Finance and Securities DSc
E-mail: buvsara.egamovna@gmail.com
ORCID: 0000-0002-2240-8897*

Abstract. The article forecasts the main changes and trends in tax policy for 2025, and outlines the expected social and economic results. The results of tax reforms of the previous year are analyzed. Proposals for improving tax policy are formulated.

Keywords: taxes, tax system, budget revenues, tax policy, tax incentives, tax reports, value-added tax, corporate income tax, major taxpayers, tax rates, tax base, tax legislation.

Кириш

2025–2027-йилларга мўлжалланган Бюджетнома фискал стратегия асосида ишлаб чиқилган бўлиб, макроиктисодий кўрсаткичлар, Ўзбекистон Республикаси консолидациялашган бюджет даромадалри ва харажатлари, давлат қарзининг янгиланган прогнозлари, бюджет тақчиллигининг келиб чиқиш сабаблари ва молиялаштириш манбалари, узоқ муддатли фискал мақсадлар ва уларни молиялаштириш учун бюджет солиқ сиёсати йўналишлари ва бошқалар ёритилган. Ушбу илмий мақолада мазкур хужжатнинг муҳим қисмларидан бўлган республикамизда 2025 йилда ва яқин истиқболда солиқ тизимига киритилаётган асосий янгиликлар ва улардан кутиладиган натижалар юзасидан тадқиқот олиб борилган.

Солиқ сиёсатини такомиллаштириш мақсадида қуйидаги йўналишлар белгиланган:

- барча тадбиркорлар учун тенг имкониятлар яратиш;
- солиқ тизимини рақамлаштириш ва қулай қилишни давом эттириш;
- яшил солиққа тортиш уни амалга ошириш механизмларини ишлаб чиқиш;
- солиқ, божхона ва бюджет сиёсатини ЖСТ талабларига уйғунлаштириш;
- солиқ маъмурчилигини такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш;
- солиқ сиёсати ислохатларининг муҳим йўналиши сифатида яширин иқтисодиётга қарши курашиш орқали солиқ тўловчилар сони ва солиқ тушумлари миқдорини кўпайтириш;
- солиқ ва бошқа имтиёзлари танқидий кўриб чиқиш, самарасиз имтиёзларни бекор қилишга эътибор қилинади.

Адабиётлар шарҳи

Сўнгги даврларда мамлакатимизда солиқ тизимини ва солиқ сиёсатини такомиллаштириш бўйича кўплаб тадқиқотчилар, шу жумладан, амалиётчи

солиқ органлари мутахассислари илмий ишлар олиб бормоқда. Мазкур мавзуга бағишланган илмий ишлардан айримлари бўйича фикрларини келтириб ўтамиз.

Амалиётчи мутахассис ва илмий тадқиқотчи Б.Исмоилов илмий ишларида солиқ тўловчилар фаолиятини таҳлил қилишда контрагентларни текшириш амалиётини такомиллаштириш юзасидан муҳим илмий ишламаларни шакллантирган. Тадқиқотчи А. Очилов солиқ маъмурчилигини такомиллаштириш мақсадида “солиқ қонунчилигига риоя этишни рағбатлаштиришни такомиллаштириш тадбирларини ишлаб чиқиш, солиқ мажбуриятларини бажариш ва солиқ маданиятини ошириш” масалаларига эътибор қаратган [8]. Ёш тадқиқотчилардан А.Тураев солиқ маъмурчилигини такомиллаштириш мақсадида солиқ маслаҳати механизминини такомиллаштириш таклиф этилган [9]. Тадқиқотчи Ў.Саидова солиқ тизимини такомиллаштириш мақсадида халқаро савдода экспорт-импорт операцияларини солиққа тортишни такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиққан [7]. Умуман, солиқ сиёсати ва солиқ тизимини такомиллаштириш борасидаги кўплаб илмий тадқиқотлар қабул қилинаётган солиқ қонунчиликларинида ўз аксини топмоқда ва буни ижобий ҳолат деб баҳолаш мумкин.

Таҳлил ва натижалар

“2025 йил учун Ўзбекистон Республика Давлат Бюджети тўғрисида”ги Қонунда ва 2025-2027 йиллар учун Бюджетномада солиқ сиёсатининг асосий йўналишлари белгиланди.

Асосий солиқ ставкаларининг ўзгармаслиги таъкидланди. Бу ҳолат, албатта, солиқ қонунчилигининг барқарорлигини билдиради ва бизнес режалар бажарилиши учун муҳимдир. Айтиш мумкинки, солиқ ставкалари баланд эмас. Аммо, кўп ҳолларда солиқ ставкаларининг ошмаслиги солиқ юкининг ошмаслигини билдирмайди. Сабаби солиққа тортиладиган база миқдори кўтарилади, буни 2024 йил учун мол-мулк солиғи ва ер солиғида кузатдик. Нотурар жойлар учун мулк ва ер солиқлари 6-7 мартагача оширилди.

Фойда солиғи (15 фоиз), ҚҚС 12 фоиз, жисмоний шахслар даромад солиғи 12 фоиз, юридик шахслар мол-мулк солиғи 1,5 фоиз, қишлоқ хўжалиги ерларини суғориш ва балиқ етиштириш учун сув ресурсларидан фойдаланиш 100 сўм солиқ сақланди.

Шунга қарамай, бир қанча солиқ ставкалари оширилади:

- таркибида шакар еки ширин қилувчи хушбойлантирувчи моддалар бўлган барча ичимликларга акциз солиғи солинади;
- тамаки, алкоголь, нефт маҳсулотларига акциз солиғи ставкалари, сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ ставкаси ҳам оширилади.;

Мол-мулк, ер солиғи, нефт маҳсулотлари учун акциз солиғи, ер қаъридан фойдаланганлик учун солиғи, айланмадан солиқ ставкаларининг оширилиши белгиланди.

Бу йил яна солиқ имтиёзлари бекор қилинмоқда. Ягона иштирокчиси ногирон бўлган шахсларнинг жамоат бирлашмалари ҳисобланган юридик шахслар томонидан реализация қилинган товарлар ва хизматлар учун ҚҚС имтиёзлари бекор қилинди ва бу тўғри, чунки бу солиқдан қочиш учун имкоинят эди.

Йўловчиларни ягона тариф бўйича ташиш хизматлари учун ҚҚСнинг бекор қилиниши албатта йўл чипталарининг ошишига сабаб бўлади ва аҳоли зиммасига юкланади.

Мобил алоқа учун акциз солиғи бекор қилинди, бу рақамлаштиришни ривожлантириш бўйича халқаро ташкилотлар талаблари юзасидандир. Табiiй газ реализациясидан олинadиган акциз солиғи ставкаси пасайтирилди аммо, импорт қилинадиган газ реализациясига акциз солиғи киритилди. Шу ўринда савол туғилади газни ҳам экспорт қилиш ҳам импорт қилишдан мақсад нима, кўп ҳолларда ўзимизни экспорт қилинган газ юқорироқ нархда импорт қилинади ва бу иқтисодиётимиз ҳамда газ истеъмолчиларимиз учун моддий қийинчиликларга сабаб бўлмоқда.

Товарларнинг электрон савдоси билан шуғулланувчилар учун фойда солиғи оширилди амалдаги 7.5 фоиз ўрнига 10 фоизда бўлди ва айлама солиғи ҳам амалда 2 фоиз ўрнига 3 фоиз қилиб белгиланди.

Ҳозирги пайтда айланмадан олинadиган солиқнинг қатъий ставкалари мавжуд бўлиб, 30/40 млн микдорда белгиланди ва бу ўтган йилга нисбатан анча юқори ҳисобланади. Бу тартибни бекор қилиш тўғрисида кўп мунозаралар бўлишига қарамай уни 2026 йил январга қадар қолдириш тўғрисида қарор қабул қилинди.

2025-2026-йилларда қўшимча солиқ имтиёзларини бермаслик, бекор қилинганларини қайта тикламаслик белгиланди. Шунини таъкидлаб ўтиш жоизки имтиёзлар ҳақиқатда бекор қилинган аммо, имтиёзлар солиқ Кодекси билан эмас бошқа ҳужжатлар билан тақдим этилаётганлигини таъкидлаб ўтиш жоиз. Умумий имтиёзлар бекор қилинди. Аммо алоҳида монополь корхоналар учун берилаётган имтиёзлар сақланиб қолмоқда. Бу рақобат муҳитини йўқотишга, айрим корхоналарга устиворлик берилишига адолат принципларининг бузилишига олиб келмоқда. Имтиёзларининг махфий равишда берилиши эса жуда иқтисодиёт учун жуда салбий ҳолат деб баҳоланиши керак.

1-жадвал.

**2024-2025 йиллар учун давлат бюджети
даромадлари (млрд сўм)***

Кўрсаткичлар	2024 йил		2025 йил (прогноз)	
	Сумма	ЯИМга нисбатан (фоизда)	Сумма	ЯИМга нисбатан (фоизда)
Ялпи ички маҳсулот	1 412 097 1 629 765		1 412 097 1 629 765	
Консолидациялашган бюджет даромадлари, жами	377 654	26,7	431 065	26,4
Давлат бюджети даромадлари шундан:	271 048	19,2	308 547	18,9

1. Бевосита солиқлар – жами	87 703	6,2	100 261	6,2
1.1 Фойда солиғи	49 210	3,5	54 756	3,4
1.2 Айланмадан олинадиган солиқ	2 885	0,2	3513	0,2
1.3 Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи	35 608	2,5	41 992	2,6
2. Билвосита солиқлар – жами	89 824	6,4	104 674	6,4
2.1 Қўшилган қиймат солиғи	60 707	4,3	71 838	4,4
2.2 Акциз солиғи	19 367	1,4	21 367	1,3
2.3 Божхона божи	9 750	0,7	11 469	0,7
3. Ресурс тўловлари ва мол-мулк солиғи	36 249	2,6	38 697	2,4
3.1 Мол-мулк солиғи	6 785	0,5	7 691	0,5
3.2 Ер солиғи	8 159	0,6	9 186	0,6
3.3 Ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ	20 282	1,4	20 653	1,3
3.4 Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ	1 024	0,1	1 166	0,1
1 4. Бошқа даромадлар ва солиқ бўлмаган тушумлар	57 274	4,1	64 915	4,0
II. Давлат мақсадли жамғармалари даромадлари (трансфертларсиз)	54 767	3,9	66 516	4,1
III. Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси даромадлари	20 817	1,5	22 249	1,4
IV. Бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари жамғармалари даромадлари	31 322	2,2	33 753	2,1

*Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳисоботлари асосида муаллиф томонидан тузилди. <https://www.imv.uz/oz/news/category>

Халқ депутатлари туман ва шаҳарлар Кенгашларига ЯТТлар учун қатъий солиқ ставкалари ҳудудлар учун маҳаллий ҳокимиятга энг паст ва юқори даражалар ўртасида белгилаш ҳуқуқи берилди. Шунингдек, сув ва ер қаъридан фойдаланганлик солиқлари ставкаларига оширувчи ва камайтирувчи коэффицентларни қўллаш ваколати берилди.

Хулоса

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, 2025-27 йиллар солиқ сиёсати ва тушумлари прогнозлари унга таъсир этувчи барча иқтисодий сиёсий, ижтимоий омилларни ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқилган. Қуйидаги солиқ тизимини такомиллаштириш мақсадида амалга оширилган ўзгартиришлар аҳамиятга эга бўлади, деб ҳисоблаймиз:

-қишлоқ хўжалигига мўлжалланган бўш турган ер участкаларини сотиш бўйича айланма қўшилган қиймат солиғидан озод этилиши;

- шаҳарлар ва кичик шаҳарларнинг маъмурий чегараларида жойлашган қишлоқ хўжалиги ерларини икки карра солиққа тортишни бекор қилиш;

- якка тартибдаги тадбиркорлар учун ижтимоий солиқ пасайтирилди ва ҳисобга турмаганлик учун молиявий жарималар қўлланилиши бекор қилинди;

-экспорт учун фойда солиғи ва айланмадан солиқлар бўйича имтиёзларнинг бекор қилиниши;

-айланмадан олинадиган солиқлар бўйича қатъий ставкалар қўлланилишинг бекор бўлиши.

Бу реал даромадларга нисбатан солиқ солишни таъминлаши керак.

Солиқ қонунчилигига киритилаётган ўзгаришлар ёки мавжуд бўлган айрим ҳолатларни мунозарали эканлигини таъкидлаш жоиз, масалан:

- мол-мулк, ер солиғи, нефть маҳсулотлари учун акциз солиғи, айланмадан солиқ ставкаларининг оширилиши аҳоли айнан кам таъминланган қатламига оғир таъсир кўрсатади;

-ахборот технологиялари ва рақамлаштиртш билан шуғулланувчи ташкилотларга 2040 йилга қадар барча солиқлардан озод қилиниши катта имтиёз. Лекин бошқа иқтисодий аҳамияти кўпроқ ва ижтимоий имтиёзлардан муҳим эмас эди.

Солиқ тизими механизмлари ва солиқ сиёсати йўналишлари аввало, ижтмоий адолатни таъминлашга, аҳолининг кам даромадли қисмини даромадалрини барқарорлаштиришга ҳизмат қилиши лозим. Сўнгра мамалакатда иқтисодий ривожланишга таъсир этувчи омиллар яратилиши лозим. Солиқ сиёсатида монополия субъектларига солиқ механизмлари орқали преференция бериш, айрим соҳаларга алоҳида ҳужжатлар билан имтиёзлар тақдим этиш рақобат муҳитига салбий таъсир кўрсатади ва, албатта, энг катта хато ҳисобланади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги “Бюджетнома 2025-2027”. https://api.mf.uz/media/2024-2026_compressed.pdf
2. Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси (янги таҳрири) 2020 йил.
3. “2025 йил учун Ўзбекистон Республика Давлат Бюджети тўғрисида”ги Қонун. 2024 йил 18 декабрь. <https://lex.uz/ru/docs/7277618>
4. P.Christian, Tax strategy control: The case of transfer pricing tax risk management, Management Accounting Research, Volume 24, Issue 2, Pages 175-194
5. Tashmuradova B., Hamdamov O., Elmurodov S. Evaluation of the determinants of shadow economy in selected central Asian countries //Turkish Online Journal of Qualitative Inquiry. – 2021. – Т. 12. – №. 7.
6. Исмоилов Б. Солиқ тўловчилар фаолиятини таҳлил қилишда контрагентларни текшириш амалиётини такомиллаштириш. И.ф ф. д. илм. дар. ... дисс. автореферати. Тошкент, 2024 йил.
7. Саидова Ў Халқаро савдода солиқ назоратини такомиллаштириш масалалари. И.ф ф. д. илм. дар. ... дисс. автореферати. Тошкент, 2024 йил.
8. Очилов А. Солиқ мажбуриятлари ижросини таъминлаш механизмини такомиллаштириш. И.ф ф. д. илм. дар. ... дисс. автореферати. Тошкент, 2024 йил.
9. Тураев А. Солиқ тўловчилар фаолиятини солиқ механизми воситасида тартибга солишга солишни такомиллаштириш. И.ф ф. д. илм. дар. ... дисс. автореферати. Тошкент, 2024 йил.

<https://soliq.uz/>

**MAKROIQTISODIY KO'RSATKICHLARNING DAVLAT
BYUDJETI SOLIQLI DAROMADLARI SALOHİYATIGA TA'SIRI**



Kalit so'zlar: erkin konvertatsiya, valyuta, risklar, devirsifikatsiya, forward shartnomasi, fyutchers shartnomasi, opsiyon.

ВОПРОСЫ СНИЖЕНИЯ РИСКОВ ВАЛЮТНЫХ ОПЕРАЦИЙ

Гайбуллаева Зилола Рахматулло кизи

*преподаватель кафедры
финансов и кредита
Национальный университет
Узбекистана имени Мирзо Улугбека
E-mail: zilola_gaybullaeva@bk.ru
ORCID: [0009-0000-3137-8127](https://orcid.org/0009-0000-3137-8127)*

Аннотация. В статье исследуются вопросы валютных операций, их стратегия, риски, изучаются методы снижения рисков. На основе экономических показателей проведен сравнительный анализ свободно конвертируемой валюты и валюты Узбекистана. По результатам исследования даны выводы и предложения..

Ключевые слова: свободно конвертируемая валюта, риск, девальвация, форвардный контракт, фьючерсный контракт, опцион.

ISSUES OF REDUCING THE RISKS OF FOREIGN CURRENCY TRANSACTIONS

Gaibullaeva Zilola Rakhmatullo kizi

*Titcher of the Department
of Finance and Credit
National University of Uzbekistan
named after Mirzo Ulugbek*

*E-mail: zilola_gaybullaeva@bk.ru**ORCID: 0009-0000-3137-8127*

Abstract. This article talks about currency operations, their risks, strategies and analysis of risk reduction methods. With the help of economic indicators, the currency of the freely convertible country and the currency of Uzbekistan were analyzed, and based on the results, conclusions and suggestions were given in the section of conclusions and suggestions.

Keywords: freely convertible currency, risks, devaluing, forward contracts, futures contracts, options.

Kirish

Valyuta operatsiyalari banklar, pul sarflanishi yuqori bo'lgan korporativ mijozlar va xorijiy moliyaviy birlashmalardan iborat katta moliyaviy institutlar tomonidan amalga oshiriladi. Shuningdek, doimiy savdo agentlari valyutalarni sotish va sotib olish operatsiyalarini bajarish uchun valyuta bozorida ishtiroq etadi. Valyuta operatsiyalari asosan FOREX bozorida (Foreign Exchange Market) amalga oshiriladi. Valyuta operatsiyali bilan bog'liq risklarni, shuningdek strategiya va taktikalarni erkin konvertatsiyalanadigan valyuta va O'zbekiston valyutasi o'rtasidagi iqtisodiy ko'rsatkichlar yordamida tahlili muhim ahamiyat kasb etadi.

Adabiyotlar sharhi

Pul-kredit siyosatida davlat o'zining pul-kredit va moliyaviy holatni mustahkamlash, to'lov qobiliyati va kreditga layoqatlilikini yuqori darajada ushlab turish, xorijdan valyuta oqimini ta'minlashga katta e'tibor berib kelmoqda. Monetar siyosat davlatning umumiy iqtisodiy siyosatining ajralmas qismidir. Shunday ekan O'zbekistonda valyuta operatsiyalarini tartibga solish uchun talay me'yoriy hujjatlar amal qilingan [1, 2, 3].

Mazkur manbalarda valyutani tartibga solish, kapital harakati bilan bog'liq ayrim valyuta operatsiyalarini amalga oshirish, tartibi Yuridik va jismoniy shaxslar tomonidan amalga oshirilayotgan valyuta operatsiyalarining haqiqiyligini nazorat qilish tartibi

Gary Klopfenstein valyuta risklarini boshqarish strategiyalari va amaliy yondashuvlar haqida batafsil tadqiqod olib borib, hedging (risklarni sug'urtalash) strategiyalari masalalarini tahlil etgan [5]. John J. Stephens valyuta risklarini moliyaviy hosilaviy vositalar orqali boshqarish yo'llarini chuqur tahlil qilib bergan [6]. Biran Coyle kompaniyalarning valyuta risklarini kamaytirishdagi amaliy usullari bilan bog'liq masalalari ustida ish olib borgan [7].

Mamlakat olimlari Ataniyazov J.X. va boshq. xalqaro valyuta-kredit munosabatlari bilan bog'liq risklar, ularni kamaytirish usullarini tadqiq etgan [8].

Tahlil va natijalar

Valyuta operatsiyalari bilan bog'liq risklarni kamaytirish uchun quyidagi usullarni amalga oshirish mumkin:

1. Risk tahlili: Valyuta operatsiyalari bilan bog'liq foydali va zararli risklarni

tahlil qilish va qiymatini belgilash valyutalar orasidagi riskni tushunishga yordam beradi.

2. Valyutalararo kredit riskini boshqarish: Valyuta operatsiyalaridan kelib chiqadigan kredit riskini kamaytirish valyuta operatsiyalaridan kelib chiqadigan muammolarni minimallashtirishga yordam beradi.

3. Bankning likvidligini ta'minlash: Valyuta operatsiyalaridan kelib chiqadigan likudlik riskini kamaytirish operatsiyalar kafolatli amalga oshirilishini ta'minlashda yordam beradi.

4. Xisobvaraqqi to'ldirish uchun xorijiy valyutalarni iste'mol qilish: Valyuta operatsiyalaridan bog'liq risklarni kamaytirish valyuta operatsiyalarini boshqarish imkonini oshiradi.

5. Valyuta operatsiyalarida avtomatlashtirish: Valyuta operatsiyalarini avtomatlashtirish boshqarish tizimini yaxshilashga, riskini va xatoliklarni kamaytirishga yordam beradi.

Bu usullar valyuta operatsiyalaridan bog'liq risklarni kamaytirish uchun yordam beradi. Amalda, risklarni kamaytirish uchun banklar va kompaniyalar uchun bir nechta keng qo'llanadigan risk boshqarish strategiyalari mavjud[5].

Valyuta risklarni boshqarish va himoyalash usullari:

- Forvard (forward) shartnomalar: Bu shartnomalar kelajakda belgilangan sanada va belgilangan kursda valyutani sotib olish yoki sotish imkonini beradi. Bu valyuta kurslaridagi noaniqlikdan himoyalashga yordam beradi.
- Fyuchers (futures) shartnomalar: Bu standartlangan shartnomalar bo'lib, ular orqali bozor ishtirokchilari muayyan kelajak sanada valyutalarni oldindan belgilangan kursda sotib olishlari yoki sotishlari mumkin.
- Opsionlar (options): Bu moliyaviy asboblardan orqali valyutani ma'lum bir sanada yoki undan avval oldindan belgilangan narxda sotib olish huquqi beriladi. Biroq, bu majburiyat emas, ya'ni opsiya foydasiz bo'lsa, undan foydalanmaslik mumkin.

Xalqaro Valyuta Jamg'armasi va Jahon banki kabi tashkilotlar dunyo bo'ylab valyuta kurslariga ta'sir qiluvchi iqtisodiy ko'rsatkichlarni kuzatib boradi va prognozlarni taqdim etadi. Valyuta kurslariga ta'sir qiluvchi omillar mamlakatning iqtisodiy o'sishi, inflyatsiya darajasi, foiz stavkalari, savdo balanslari va siyosiy barqarorlik kabilardan iborat. Misol tariqasida aytish mumkinki, 2020-yilda COVID-19 pandemiyasi vaqtida AQSh dollarining qiymati bir muddat ko'tarildi, chunki investorlar xavfsiz aktivlarga, xususan, AQSh dollariga va davlat qimmatli qog'ozlariga o'tishni afzal ko'rdi.

Xedjlash strategiyalari – bu investorlar yoki kompaniyalar xavfni kamaytirish yoki yo'qotishlardan himoyalash uchun qo'llaydigan usullar majmuasidir. Xedjlash strategiyalari moliyaviy bozorlarda noaniqlik va tahdidlarni boshqarishda yordam beradi. Quyida xedjlash strategiyalariga oid eng muhim ma'lumotlarni sanab o'taman:

1. Fyuchers shartnomalari: Bu moliyaviy instrument, kelajakda ma'lum bir sana va narxda aktiv sotib olish yoki sotish majburiyatini belgilaydi.

2. Opsionlar: Bu huquqlar sotib olish yoki sotishni kafolatlovchi vositalar bo'lib, ular xavfni nazorat qilishda yordam beradi. 2022 yilda opsion bozorining

hajmi jahon miqyosida 500 milliard dollarni tashkil qilgan.

3. Valyutani xedjlash: Valyuta kurslaridagi o'zgarishlar natijasida kelib chiqadigan xavflarni kamaytirish uchun amalga oshiriladigan strategiya. 2021 yilda jahon savdosining qariyb 80% valyutani xedjlash strategiyalaridan foydalanishgan.

4. Diversifikatsiya: Turli turdagi aktivlarga investitsiya qilish orqali xavfni kamaytirish. Ko'plab kompaniyalar 2020-yilda aksiyalar, obligatsiyalar va qimmatbaho metallarni o'z ichiga olgan diversifikatsiya strategiyasini qo'llashdi.

5. Savdo yordamida xedjlash: Spot va fyuchers bozorlarida bir xil vaqtda savdo qilish orqali xavfni boshqarish. Masalan, 2023-yilda treyderlar neft narxlaridagi tebranishlarni xedjlash uchun ushbu usuldan faol foydalangan.

6. Qimmatli metallar bilan xedjlash: Oltin va kumush kabi metallarni xedjlash vositasi sifatida ishlatish. Oltin 2022-yilda havfsiz boshpana deb hisoblangan, chunki uning narxi global inqiroz davrida 30% ga oshgan.

7. Tovar xedjlash: Asosiy tovarlar narxidagi tebranishlarni boshqarish orqali amalga oshiriladigan xedjlash turi. 2023-yilda fermerlar o'zlarining hosilini xedjlash uchun soya, makkajo'xori va bug'doy fyucherslaridan foydalangan.

8. Kredit defolt svoplari (CDS): Qarz xavfini xedjlash uchun ishlatiladigan moliyaviy vosita. 2021 yilda CDS bozori hajmi 8 trillion AQSh dollaridan oshib ketgan deb baholanadi.

9. Implied Volatility (IV) xavfsizlik xedji: Tizimli va tizimli bo'lmagan xavflarni kamaytirishda foydalanilgan. 2023-yilda IV koeffitsientining o'sishi turli aktivlarda xedjlash ehtiyojini yanada oshirdi.

10. Tarmoqli (straddles) va yoğurma (strangles) strategiyalar: Opsionlar yordamida amalga oshiriladigan murakkab xedjlash usullari. 2022-yilda, etakchi opsion treyderlar bunday kombinatsion strategiyalardan foydalanib, xatarlarni kamaytirishga muvaffaq bo'lishgan[6]. Ushbu raqamlar va ma'lumotlar bugungi kunda xedjlash strategiyalari moliyaviy bozor va biznesni xavflardan himoya qilishning qanday muhim qismi ekanligini ko'rsatmoqda. Har bir strategiya o'zining katta miqdordagi vositalari va uslublari bilan ajralib turadi, bu esa investorlarga daromadlarni himoya qilish va xavflarni boshqarish imkonini beradi.

O'zbek so'mi hozirda boshqariladigan suzuvchi kurs tizimiga kiradi. Bu degani, uning qiymati asosan bozor mexanizmlariga (talab va taklifga) bog'liq, lekin O'zbekiston Respublikasi Markaziy banki uni haddan tashqari tebranishlardan himoya qilish uchun vaqti-vaqti bilan aralashishi mumkin.

O'zbek so'mi kurs tizimi xususiyatlari:

1. Bozor ta'sirida shakllanish: 2017-yilgi valyuta islohotlaridan so'ng, O'zbek so'mi nisbatan erkin bozor talab va taklifga asoslangan kursga o'tgan. Valyutani ichki bozorda rasmiy kurs asosida erkin sotib olish va sotish imkoniyati yaratilgan.

2. Markaziy bankning roli: Markaziy bank valyuta kursini haddan tashqari tebranishlardan himoya qilish uchun intervensiyalar (valyuta zaxiralaridan foydalanish) qiladi. Har kuni rasmiy valyuta kurslarini e'lon qilib boradi.

3. Tebranish va boshqaruv: So'mning kursi xalqaro moliya bozori sharoitlariga bog'liq holda tebranadi, lekin katta o'zgarishlarning oldini olish uchun

Markaziy bank aralashadi. Markaziy bankning maqsadi – ichki iqtisodiy barqarorlikni saqlash va inflyatsiya darajasini nazorat qilishdir. O‘zbekiston iqtisodiyoti hali to‘liq erkin bozor mexanizmlariga moslashmagan. Valyutaning haddan tashqari qadrsizlanishi yoki qadrlanishi iqtisodiy barqarorlikka zarar yetkazishi mumkin. Markaziy bank kursni boshqarib, iqtisodiy siyosatni amalga oshirish uchun zarur vosita sifatida foydalanadi. Misol: Agar xorijiy investitsiyalar kirishi yoki eksport darajasi oshib, so‘m talabiga ortiqcha bosim o‘tkazsa, Markaziy bank kursni haddan tashqari o‘shirdan saqlash uchun bozorga aralashadi. Aksincha, so‘m qadrsizlanish bosimiga uchraganda, kursni qo‘llab-quvvatlash uchun valyuta zaxiralaridan foydalanadi. Shunday qilib, O‘zbek so‘mi qisman suzuvchi bozor mexanizmlariga ega, lekin iqtisodiy barqarorlikni saqlash uchun nazorat ostida saqlanadi.


Valyutaning kuchini belgilovchi iqtisodiy ko‘rsatkichlar:

- yalpi ichki mahsulot;
- inflatsiya darajasi;
- tashqi savdo balansi;
- markaziy bank foiz stavkalari.

Dunyo bo‘ylab erkin konvertatsiyalanadigan 7 ta valyuta bor va bular: AQSH dollari (USD), Yapon yenasi (JPY), Yevropa ittifoqi yevrosi (EUR), Buyuk Britaniya funt sterlingi (GBP), Shvetsariya franki (CHF), Nezerlandiya dollari (NZD), Avstraliya dollari (AUD). Yuqoridagi iqtisodiy ko‘rsatkichlar asosida ushbu 7 ta davlatdan birontasini tanlab O‘zbekiston bilan solishtirib ko‘ramiz.

1-diagramma*

**Avstraliya va O‘zbekiston Yalpi ichki mahsulot
miqdorlari o‘rtasidagi farq***




*<https://databank.worldbank.org/reports.aspx?source=2&series=NY.GDP.MKTP.CD&country> sayt ma’lumotlari asosida muallif tomonidan tuzilgan.

Ushbu 1-diagrammada ko‘rishimiz mumkinki, Yalpi ichki mahsulot miqdorlari o‘rtasidagi farq juda katta va bu valyutalar o‘rtasidagi valyuta kuchlarining qay darajadiligini ko‘rsatadi.

2-diagramma.

Avstraliya va O'zbekiston foiz stavkalari o'rtasidagi farq*




*<https://databank.worldbank.org/reports.aspx?source=2&series=NY.GDP.MKTP.CD&country> sayt ma'lumotlari asosida muallif tomonidan tuzilgan.

Ushbu 2-diagrammada markaziy banklarning foiz stavkalari o'rtasidagi farqni ko'rsatadi. Markaziy bank foiz stavkalari qancha yuqori bo'lsa aholini kredit olishi, tadbirkorlar va investorlarning kredit olishi va pul olib kirishiga salbiy ta'sir ko'rsatadi. Markaziy bank tijorat banklariga foiz stavkalariga qarab tijorat banklariga kredit beradi tijorat banklari esa, u kreditlarni mijozlariga o'zining foydasini qo'ygan holda kreditlar beradi.

3-diagramma.

Avstraliya va O'zbekiston inflyatsiya darajalari o'rtasidagi farq*




<https://databank.worldbank.org/reports.aspx?source=2&series=NY.GDP.MKTP.CD&country> sayt ma'lumotlari asosida muallif tomonidan tuzilgan.

Ushbu 3-diagrammada Avstraliya va O'zbekistonnig inflatsiya darajalari bo'yicha taqqoslashuvini ko'rishimiz mumkin. Inflatsiya bu aholi qolidan to'planib qolgan pul deb qaraydigan bo'lsak, bu borada O'zbekiston ancha oldinda. Inflatsiya darajasi yuqori bo'lishi bu vakytuga judayam yomon salbiy ta'sirlarga olib kelishi mumkin. Ko'rishimiz mumkinki, 2 barobardan 7 barobargacha farq qilgan davrlari mavjud.

4-diagramma.

Avstraliya va O'zbekiston savdo balansi o'rtasidagi farq*



*10<https://databank.worldbank.org/reports.aspx?source=2&series=NY.GDP.MKTP.CD&country=sayt> ma'lumotlari asosida muallif tomonidan tuzilgan.

Ushbu 4-diagrammada Avstraliya va O'zbekistonning tashqi savdo balansi o'rtasidagi farqni ko'rishimiz mumkin. Tashqi savdo balansining asosiy qismini eksport va import tashkil qiladi ya'ni eksport va import o'rtasidagi farq. Saldo musbat natija bersa bu mamlakat iqtisodiyota va valyutasi uchun ham ijobiy ko'rsatkich sanaladi ya'ni mamlakat chetga tovar eksport qilyabti bu bilan birga valyuta operatsiyalarini amalga oshiryabti shuningdek import eksportdan ko'ra kam. Ko'rishimiz mumkin, O'zbekiston savdo balansi 2017- yildan keyin musbat natijaga chiqmagan, sababi mamlakatimizda olib borilayotgan islohotlar va siyosatlarning samarasi hisoblanadi.

Xulosa

Xulosa qilib aytadigan bo'lsak, valyuta operatsiyalari bilan bog'liq risklarni kamaytirish uchun ishlab chiqilgan taktika strategiya va usullardan foydalanib risklarni hisobga olganda holda valyuta operatsiyalarni amalga oshirish kerak. Shu bilan birga valyutaga ta'sir qiluvchi iqtisodiy omillarni hisobga olish kerak. Inflatsiya darajasi, markaziy banklarning foiz stavklari, Tashqi savdo balansi va YaIMni hisobga olish kerak. Yechim sifatida tahlillar natijasida aytishim mumkinki, birinchidan inflatsiyani pasaytirish kerak buning uchun aholida qolib ketgan pullarni raqamli pullarga o'tkazish kerak bo'lsa kriptovalyutadan foydalanish kerak. Ikkinchidan tashqi savdo balansini musbat natijaga olib chiqish buning uchun eksport tovarlar hajmini oshirish, import tovarlarni kamaytirish mamlakat hududida import o'rni bosuvchi tovarlar ishlab chiqarish kerak. Markaziy bank foiz stavkalarini tushurish uchun mamlakatga investorlarni jalb qilish va mamlakat hududida tadbirkorlarni qo'llash va ishlab chiqarishni rivojlantirish kerak deb o'ylayman.

Foydalanilgan adabiyotlar

1. O'zbekiston Respublikasining 2019-yil 22-oktabrdagi “Valyutani tartibga solish to'g'risida”gi O'zbekiston Respublikasi Qonuniga o'zgartish va

qo‘shimchalar kiritish haqida”gi 573-sonli Qonuni (keyingi o‘rinlarda “Valyutani tartibga solish to‘g‘risida”gi qonun).

2.O‘zbekiston Respublikasi Markaziy banki Boshqaruvining 2013-yil 23-dekabrda (keyingi o‘rinlarda Markaziy bank deb yuritiladi) 2536-son qaroriga ilova (Kapital harakati bilan bog‘liq ayrim valyuta operatsiyalarini amalga oshirish tartibi to‘g‘risidagi nizom) 2536-son qarori).

3.Yuridik va jismoniy shaxslar tomonidan amalga oshirilayotgan valyuta operatsiyalarining haqiqiyligini nazorat qilish tartibi to‘g‘risidagi nizom (Davlat soliq qo‘mitasi, Davlat bojxona qo‘mitasi, Markaziy bank Boshqaruvining 2013 yil 12 iyundagi 2467-son qaroriga ilova) (keyingi o‘rinlarda) 2467-son qarori bilan).

4. J.X.Ataniyazov va boshq. Xalqaro valyuta-kredit munosabatlari: darslik / J.X.Ataniyazov, R.R.Tojiyev, E.D.Alimardonov, M.A.Mirzayev; II-qism. – T.: Iqtisod-Moliya, 2020 yil – 160 b.

5.Gary Klopfenstein Currency. Risk Management –1997. – PP. - 288.

6.John J. Stephens Yili. Managing Currency Risk: Using Financial Derivatives. – 2003. – PP.240.

7.Brian Coyle. Effective Hedging Strategies for Currency Risk Management: Article, AQSH 2020. – 120 b.

8.Ataniyazov J.X. va boshq. Xalqaro valyuta-kredit munosabatlari: darslik / J.X.Ataniyazov, R.R.Tojiyev, E.D.Alimardonov, M.A.Mirzayev; II-qism. – T.: Iqtisod-Moliya, 2020. – 50 b.

ТАЪЛИМИ ТИЗИМИ МУАССАСАЛАРИДА БЮДЖЕТДАН ТАШҚАРИ МАБЛАҒЛАР ҲИСОБИНИНГ ХОРИЖ ТАЖРИБАЛАРИ

Нарбекова Гулрух Давронбоевна



*иқтисодиёт фанлари бўйича
фалсафа доктори (PhD)*

банк ҳисоби ва аудити

кафедрасининг катта ўқитувчиси

Тошкент давлат иқтисодиёт университети

E-mail: gulrukhnarbekova@gmail.com

ORCID: 0000-0002-7078-2226

Аннотация. Халқ таълими тизими муассасаларида бюджетдан ташқари маблағларнинг бухгалтерия ҳисобини ташкил этишнинг ўзига хос хусусиятлари билан ажралиб туради. Мақолада давлат, нодавлат ва хорижий халқ таълими тизими муассасаларининг мулкчилик шаклига кўра таркиби, уларнинг ўзига хос бўлган фарқли жиҳатлари, таълим муассасаларидаги бюджетдан ташқари маблағларининг таркибий тузилиши тадқиқ этилган ва тегишли тавсиялар ишлаб чиқилган.

Калит сўзлар: халқ таълими муассасаси, таълим хизматлари, бухгалтерия ҳисоби, бюджетдан ташқари маблағлари, бюджет ҳисоби, ташкилий-ҳуқуқий, мулкчилик шакли, давлат, хорижий, нодавлат олий таълим муассасалари, ахборотдан фойдаланувчилари

ЗАРУБЕЖНЫЙ ОПЫТ УЧЕТА ВНЕБЮДЖЕТНЫХ ФОНДОВ В УЧРЕЖДЕНИЯХ СИСТЕМЫ ОБРАЗОВАНИЯ

Нарбекова Гулрух Давронбаевна

доктор философии (PhD)

по экономическим наукам

старший преподаватель

кафедры банковского учёта и аудита

Ташкентский государственный

экономический университет

E-mail: gulrukhnarbekova@gmail.com

ORCID: 0000-0002-7078-2226

Аннотация. В учреждениях системы образования учет внебюджетных средств имеют свои отличительные особенности. В статье в зависимости от формы собственности образовательных учреждений исследован их структура, отличительные особенности, состав внебюджетных фондов в образовательных учреждениях, разработаны соответствующие рекомендации.

Ключевые слова: государственное образовательное учреждение,

образовательные услуги, бухгалтерский учет, внебюджетные фонды, бюджетный учет, организационно-правовая форма собственности, государственные, иностранные, негосударственные вузы, пользователи информации.

FOREIGN EXPERIENCE OF ACCOUNTING FOR EXTRA-BUDGETARY FUNDS IN EDUCATIONAL INSTITUTIONS

Narbekova Gulrukh Davronbaevna

*Doctor of Philosophy (PhD)
in Economic Sciences
senior teacher of the department
bank account and audit
Tashkent State the University
of Economics*

E-mail: gulrukhnarbekova@gmail.com

ORCID: 0000-0002-7078-2226

Abstract. In educational institutions, accounting of extra-budgetary funds has its own distinctive features. In the article, depending on the form of ownership of educational institutions, their structure, distinctive features, composition of extra-budgetary funds in educational institutions are studied, and appropriate recommendations are developed.

Keywords: state educational institution, educational services, accounting, extra-budgetary funds, budgetary accounting, organizational and legal form of ownership, state, foreign, non-state universities, information users.

Кириш

Жаҳонда давлат таълим соҳасини молиявий жиҳатдан таъминлаш ҳамда харажатларини молиялаштириш давлат бюджети маблағлари ҳисобидан амалга оширилади. Дунё амалиётида ижтимоий соҳа таркибида таълим ва соғлиқни сақлаш тизимини молиялаштириш энг асосий йўналишга айланиб бормоқда. Ушбу соҳага тегишли ташкилотларни молиялаштириш давлат бюджети ва бюджетдан ташқари маблағларни шакллантириш орқали амалга оширилади. Таълим ташкилотларида бюджет ва бюджетдан ташқари маблағларнинг мақсадли сарфланишини таъминлаш уларнинг ҳисоби ва назоратини самарали ташкил этиш билан боғлиқ. Шу боисдан жаҳоннинг аксарият мамлакатларида ҳисоб ва назорат тизимини давлат секторида бухгалтерия ҳисобининг халқаро стандартлари асосида ривожлантириш юзасидан ислохотлар амалга оширилмоқда.

Жаҳонда давлат секторидаги таълим муассасаларида бюджетдан ташқари маблағлар ҳисоби ва назоратини такомиллаштиришга қаратилган кўплаб илмий тадқиқот ишлари амалга оширилган бўлиб, ушбу изланишларда бюджетдан ташқари маблағларни шакллантиришнинг ўзига хос йўналишлари ва хусусиятлари, бюджетдан ташқари маблағларнинг

сарфланишини даврий ҳисобга олиб бориш, молиявий ҳисоботларни шакллантириш ва уларнинг очиклигини таъминлаш, бюджетдан ташқари маблағларнинг шаклланиши ва сарфланишига оид ҳисоб ва ҳисобот кўрсаткичларининг ишончилигини таъминлаш масалалари атрофлича очиб берилган. Аммо, таълим тизими муассасаларида бюджетдан ташқари маблағларнинг шаклланиш манбалари ҳамда уларнинг сарфланиш йўналишларини давлат секторида бухгалтерия ҳисобининг халқаро стандартлари асосида такомиллаштириш масалалари етарлича очиб берилмаганлиги, ушбу мавзуда кенг қамровли илмий тадқиқотларни олиб боришни тақозо этади.

Ўзбекистонда халқ таълими тизимида изчил ислохотлар амалга ошириб келинмоқда, хусусан, «халқ таълими муассасаларини бошқариш тизимига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш, шаффоф ва самарали жамоатчилик назоратига эришиш, халқ таълими муассасалари ходимларини моддий рағбатлантиришни ва ижтимоий муҳофаза қилишни яхшилаш, уларнинг самарали ишлаши учун муносиб шароитларни яратиш, зарур ташкилий-ҳуқуқий ва техник-иқтисодий шароитларни яратиш йўли билан нодавлат хизматларни кўрсатиш[1]каби қатор вазифалар белгиланган. Ўз навбатида, халқ таълими муассасаларида молиявий-хўжалик фаолиятига оид ахборотларнинг шаффофлиги ва очиклигини таъминлаш, давлат бюджети ва бюджетдан ташқари молиялаштириш манбалари билан боғлиқ маблағларнинг ҳолати ва ҳаракати тўғрисида ишончли ҳисоб ахборотларини шакллантириш, халқ таълими тизимида самарали молиявий назорат механизмини шакллантириш зарурияти вужудга келади. Ушбу жиҳатлар халқ таълими муассасаларида бюджетдан ташқари маблағлар ҳисоби ва назоратини такомиллаштиришга қаратилган илмий тадқиқотларни амалга оширишни тақозо этмоқда.

Ҳозирги иқтисодий инқирозларнинг глобаллашуви шароитида мамлакатда бюджет-солиқ сиёсати борасида амалга оширилаётган ислохотлар ижтимоий ва иқтисодий масалаларни ижобий ҳал этишга қаратилиши зарур. Шунингдек, иқтисодий асосланган ҳолда босқичма-босқич солиқ юкини камайтириш ёки бюджетдан молиялаштиришни қисқартириб бориш давр талаби ҳисобланади.

Адабиётлар шарҳи

Бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисоби, назоратни ташкил қилиш масалалари бўйича республикамизда А. Ибрагимов, Б. Сугирбаев, М. Останакулов, А. Кулибоев, С. Меҳмонов, А. Остонокуловлар каби иқтисодчи олимлар илмий тадқиқот олиб боришган. Таълим муассасаларида бухгалтерия ҳисобини ташкил қилиш масалалари билан Ш.В. Ғаниев, К.Ш. Ибрагимов, А. Остонокулов россиялик иқтисодчи олимлардан С.Н. Беглова, А.И. Затова, О.А. Колеватова, Н.Р. Кельчевская, Л.О. Ескова кабилар тадқиқот олиб боришган.

Бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисобини ташкил қилиш

масалалари бўйича йўриқномада бухгалтерия ҳисобини ташкил этишнинг назарий ва амалий масалалари келтириб ўтилган.

М. Останакулов олиб борган тадқиқотларда бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисобини ташкил қилиш масалари кўриб чиқилган [5].

А.А. Остонокулов томонидан олиб борилган тадқиқотларида бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағлар ҳисоби ва ҳисоботи методологиясини такомиллаштириш масалалари ёритилган [6].

Иқтисодчи олим С.У. Меҳмоновнинг илмий тадқиқотларида бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисоби ва ички аудит методологиясини такомиллаштириш масалалари ўрганилган [7].

Ш.В. Ғаниевнинг илмий тадқиқотларида таълим тизими мисолида бюджет ташкилотлари бухгалтерия ҳисоби ва молиявий назоратни такомиллаштириш масалалари тадқиқ қилинган [8].

Юқоридаги илмий тадқиқот ишларида, қабул қилинган кодекс, низом ва буйруқларда асосан бюджет ташкилотларида бюджет ва бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобини ташкил этишнинг айрим масалалари ёритилган. Лекин мазкур тадқиқотларда халқ таълими тизими муассасаларининг бюджетдан ташқари топилган маблағлари ҳисоби, таркибий жиҳатлари бўйича етарлича тадқиқотларнинг олиб борилмаганлиги, ҳозирда ёшларнинг таълимга бўлган эҳтиёжининг ортиши, халқ таълими тизимида инфратузилмани яхшилаш учун ҳам мазкур мавзунинг тадқиқ объекти сифатида ўрганилишига сабаб бўлди.

Таҳлил ва натижалар

Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонуннинг 62-моддасига асосан давлат таълим муассасаларини молиялаштириш Ўзбекистон Республикасининг республика бюджетидан, маҳаллий бюджетларидан, шунингдек бюджетдан ташқари маблағлар ҳамда қонунчиликда тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан амалга оширилади [2]. Умумий ўрта таълим харажатлари 42,9 трлн сўмни, давлат бюджети жами харажатларининг 13,7 фоизи йўналтирилган. Бунда харажатларнинг асосий қисми, яъни 88 фоизи иш ҳақи ва ижтимоий солиқ харажатларига йўналтирилади.

1-жадвал.

Халқ таълими тизими муассасаларининг асосий кўрсаткичлари*

Йиллар	2020	2021	2022	2023	2024
Жами ташкилотлар сони, бирлик	10 193	10 292	10 507	10 520	10 620
Умумтаълим мактаблар	9 920	9 924	9 959	9 972	10 072
Мактаб-интернатлар	227	231	227	227	227
Меҳрибонлик уйлари	117	121	127	127	127
Президент мактаблари	-	4	14	14	14
Ижод ва ихтисослаштирилган мактаблар	-	12	180	180	180
Ўқувчи сони (минг нафар)	5 995	6 280,2	6 405,9	6 534,0	6 666,9


Жорий харажатлар (млрд сўм)	22 365,4	27 247,7	33 137,7	38 279,1	42 894,0
Шундан: бир нафар ўқувчига (млн сўм)	3,7	4,3	5,2	5,8	6,4
Капитал харажатлар	3 365,0	3 374,0	3 029,2	2 760,2	4 100,0

*“Бюджетнома 2024-2026” маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланган.

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, халқ таълим тизими муассасаларини молиялаштириш давлат бюджетидан ва бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан амалга оширилади, шунингдек, бугунги кунда, молиявий мустақилликка эришган, нодавлат (хусусий) ва хорижий таълим муассасалари ҳам мавжуд.

1-чизма.

Халқ таълими тизими муассасаларининг мулкчилик шаклига кўра таркиби.



*Муаллиф томонидан тайёрланган.

Мамлакатимизда амалдаги ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатларга асосан халқ таълим муассасалари таълим муассасаси сифатида бюджет ташкилоти сифатида қаралиб, асосий мақсади – фойда олишга қаратилмайди. Лекин шунинг билан бир қаторда ўз фаолияти давомида бюджетдан ташқари маблағларни мавжуд моддий техник базаси ва муассасанинг имкониятларидан келиб чиққан ҳолда, таълим хизматлари фаолияти билан топишлари мумкин бўлади. Халқ таълим муассасаси даромад келтирадиган фаолиятларни амалга ошириш учун мактабларда ўқув дастури бўйича олиб бориладиган таълим-тарбия жараёнига халақит бермаган ҳолда, юқори турувчи органдан рухсат асосида турли фаолиятларни кўрсатиш мумкинлиги белгиланган. Халқ таълим муассасаларида пуллик таълим хизматлар фаолиятини амалга оширишда қуйидаги асосий вазифаларни эътиборга олиш зарур:

- буюртмачиларнинг пуллик таълим хизматларига бўлган эҳтиёжларини тўла қондириши;

- таълим хизматлари бозори яратиш ва ушбу бозор буюртмачилар талабига мос ҳолда таълим хизматлари билан тўлиқ таъминлаш;
- педагог-ходимларнинг билим бериш салоҳиятини, шунингдек, таълим сифатини оширишга алоҳида эътибор қаратиш;
- халқ таълим муассасаларида қўшимча манбалар ҳисобидан даромадлар топиш имкониятларига эга бўлиши муҳим саналади.

Ўзбекистонда шахснинг асосий ҳақ-ҳуқуқларидан бири таълим олиш ҳисобланади. Шундай экан, ушбу ҳуқуқдан тўлақонли фойдаланишни таъминлаш мақсадида умумтаълим мактаблардаги таълим жараёнини ислоҳ қилиш, жумладан муассасаларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, таълим тизимини рақамлаштириш, компьютерлаштириш, ўқув жараёнига илғор педагогик технологияни олиб кириш асосий вазифалардан бири ҳисобланади. Бу эса ўз навбатида ушбу соҳага хусусий инвестицияларни жалб этишга, бу соҳада давлат-хусусий шериклигини ривожлантиришга зарурат туғдирмоқда. Хорижий давлатлар тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, давлат ва таълим муассасалари ўртасида соғлом рақобат таълим олувчиларнинг сифатли таълим олишга бўлган эҳтиёжини қондиришга хизмат қилади [9]. Ўзбекистонда бугунги кунда амалдаги меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларга асосан давлат, нодавлат ва хорижий умумтаълим муассасаларининг ўзига хос бўлган қуйидаги фарқли жиҳатлари мавжуд (2-жадвал).

2-жадвал.

**Умумтаълим муассасаларининг ўзига хос
фарқли жиҳатлари***

Фарқли жиҳатлари	Халқ таълими тизими муассасалари		
	Давлат	Нодавлат	Хорижий
Ташкилий-ҳуқуқий шакли	Бюджет ташкилоти тарзида ташкил этилади	Масъулияти чекланган жамият тарзида ташкил этилади	Масъулияти чекланган жамият шаклидаги қўшма корхона тарзида ташкил этилади
Молиялаштириш тартиби	Давлат бюджети ва бюджетдан ташқари топилган маблағлар асосида молиялаштирилади	Муассаса таъсисчисининг шахсий маблағлари, тадбиркорлик фаолияти асосида топилган	Юқори турувчи хорижий олий таълим муассасасининг маблағлари, таълим хизматлари, ўзининг қўшимча топган маблағлари асосида молиялаштирилади
Бухгалтерия ҳисобини юритиш тартиби	Бюджет ташкilotларида бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги йўриқнома асосида ташкил этилади. Бюджет ташкilotи бўйича счётлар режаси асосида юритилади	Хўжалик ҳисоби асосида миллий стандартлар асосида ташкил қилинади.	Хўжалик ҳисоби асосида миллий ва ҳалқаро стандартлар асосида ташкил этилади.

Счёта́рни очиш тартиби	Бюджет ҳисобини юритиш учун Марказий банкнинг 27 талик рақамли счётларини очади.	Тижорат банкларида 20 талик рақамли хўжалик ҳисобини юритиш учун миллий, зарур ҳолда хорижий валютадаги счётларни очади.	Тижорат банкларида 20 талик рақамли хўжалик ҳисобини юритиш учун хорижий ва миллий валютадаги ҳисоб рақамларини очади.
Ҳисобот тақдим этиш тартиби	Иш ҳақи ва ажратмалари бўйича ойлик, чораклик бухгалтерия баланси, статистика ҳисоботлари,	Йиллик, чораклик солиқ ва статистика ҳисоботлари, иш ҳақи ойлик, йиллик молиявий ҳисоботлар	Иш ҳақи ойлик, ҚҚС ойлик, статистик ҳисоботлар, йиллик молиявий ҳисоботлар

*Муаллиф томонидан тайёрланган

Ривожланган мамлакатларда умумтаълим муассасалари фаолияти асосан давлат маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади. Умумтаълим муассасарида молиявий мустақиллик ривожланган бўлишига қарамасдан, тизими устидан кучли давлат назорати ўрнатилган. Шу билан бирга ривожланган мамлакатларда давлат ва хусусий молиялаштириш манбаларидан оқилона фойдаланишда ўз тажрибасига эга. Франция мисолида кўрадиган бўлсак, умумтаълим тизими марказлашган бўлиб, миллий вазирликка бўйсунди ва фаолият юритаётган таълим муассасаларининг 15- 20 фоизи хусусий таълим муассасаларидан иборат. Таълим тизимини молиялаштириш манбалари маҳаллий бюджет, хусусий шахсларнинг бадаллари ҳисобланади[10]. Германияда мактаб таълими асосан давлат бюджети ҳисобидан молиялаштирилади. Давлат мактабларидан хусусий мактабларнинг ўқув дастурлари фарқ қилиб, хусусий мактабларни Федерал таълим ва маданият вазирлиги назорат қилади. Шунингдек, нодавлат умумтаълим муассасалари бир-бирини қўллаб-қувватлаш мақсадида хусусий мактаблар уюшмаси ташкил этилган. АҚШда ўрта мактаб тизимини молиялаштиришда маҳаллий бошқарув органларининг ҳиссаси катта бўлиб, таълим харажатларининг 10 фоизи давлат бюджетидан, 47 фоизи штатлар бюджетидан ва 44 фоизи маҳаллий бюджетлардан қопланади.

Халқ таълим тизими муассасаларида бухгалтерия ҳисобининг асосий вази́фалари қуйидагилардир:

- халқ таълими тизими муассасаларининг фаолияти ва унинг мулкӣ ҳолати тўғрисида тўлиқ ва ишончли маълумотларни молиявий ҳисоботларнинг ички фойдаланувчилари учун тақдим этиш;
- халқ таълим тизими муассасаси раҳбарлари ва муовинлари, халқ таълими бўлимлари, ҳомийларни ишончли ахборотлар билан таъминлаш;
- молиявий ҳисоботларнинг ички ва ташқи фойдаланувчилари учун халқ таълим тизими муассасаларининг бюджет ва бюджетдан ташқари маблағларини амалдаги қонунчиликка риоя этилишини, сметаларга мувофиқ фаолият юритилишини таъминлаш ва уларни мақсадга мувофиқ

сарфланиши ва молиявий ресурсларнинг самарали назорат қилиниши юзасидан зарур бўлган маълумотларни тақдим этиш;

Халқ таълим тизими муассасаларининг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобини ташкил этишда ушбу ахборотлардан фойдаланувчиларни ички ва ташқи фойдаланувчиларга ажратиш мумкин. Халқ таълим тизими муассасаларида муассасанинг бухгалтерия ҳисобининг ишочли, аниқ маълумотларини ички ва ташқи фойданувчилар учун ўз вақтида тақдим этишлари лозим (2-чизма).

2-чизма.

Халқ таълим тизими муассасаларида бухгалтерия ҳисоби ахборотларидан фойдаланувчилари*



*

Муаллиф томонидан тайёрланган.

Халқ таълим тизими муассасаларида даромадлар ва уларнинг манбаларини шакллантириш, бюджетдан ташқари даромадларнинг классификацияланиши, даромадлар ва харажатлар ҳисоби, молиявий ҳисоботларда касса усули ва ҳақиқий харажатлар ҳисобининг юритилиши ва ички аудити назоратини илмий асосда ўрганилиши мақсадга мувофиқ[11], деб ҳисоблаймиз. Бугунги кунда бюджет ташкилоти ҳисобланган – халқ таълим тизими муассасаларида ҳам ҳўжалик юритувчи субъектлар каби кўшимча таълим беришдан, фаолият ихтисослиги бўйича товарларни реализация қилишдан даромадлар олинмоқда. Халқ таълим тизими муассасаларининг бюджетдан ташқари маблағлари шакллантирилиши ва ушбу маблағларнинг мақсадли сарфланиши тўғрисида тизимли ахборотларни шакллантириш ҳамда улар устидан назоратни жорий этиш учун норматив-ҳукуқий ҳужжатлар асосида уларнинг ҳисоби ташкил этилади. Бюджетдан ташқари маблағлар бўйича бухгалтерия ҳисоби бир вақтнинг ўзида тегишли ғазначилик бўлинмаси ва бюджет ташкилотлари томонидан юритилади [12]. Ғазначиликда бюджет ташкилотининг бюджетдан ташқари маблағларнинг ҳаракати қуйидаги тартибда амалга оширилади (3-диаграмма).

3-диаграмма.

**Ғазначиликда бюджет ташкилотининг бюджетдан ташқари
маблағларнинг ҳаракати***



*Муаллиф томонидан тайёрланган.

Расм маълумотларидан кўринадик, бюджет ташкилотининг бюджетдан ташқари маблағларнинг ҳаракати доирасида маблағлар тушуми ва даромадлари бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағлари ягона ғазна ҳисоб варағига киритилиб, улар мазкур ташкилотларнинг даромадларида акс эттирилади. Бюджет ташкилотларида бюджетдан ташқари маблағлар сарфланиши бошқа дебитор ва кредиторлар билан ҳисоб-китоблар ҳаракати амалга оширилиб, сарфланиш йўналишлари ва мақсади қонунчилик билан қатъий белгилаб қўйилган.

Халқ таълими тизими муассасаларининг бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобини ташкил этишнинг ҳозирги ҳолати, юритиш тартиби ҳамда бухгалтерия ҳисобини самарали ва сифатли шакллантириш, ҳисоб юритиш жараёнини яхшилаш, маблағлардан мақсадли ва самарали фойдаланиш ҳолатини назорат қилишни такомиллаштириш ва ҳисоб сиёсатини ишлаб чиқиш лозим.

Хулоса

Юқорида кўриб ўтилган жиҳатлар халқ таълим тизими муассасаларида бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобини юритиш амалиётида айрим услубий муаммолар мавжудлигини кўришимиз мумкин. Хусусан, халқ таълим тизими муассасаларида бюджетдан ташқари маблағларни шаклланиши билан боғлиқ даромадлар ва тушумларни ҳисобга олишда пул маблағларининг ҳаракатига асосланиши, харажатларни амалга оширишда сметаларнинг

харажат моддалари билан бухгалтерия счётаи кўрсаткичларининг ўзаро мувофиқлигини таъминлашнинг мураккаблиги ва шу каби бошқа ҳолатларни келтириш мумкин

Халқ таълим тизими муассасаларида бюджетдан ташқари маблағлар ҳисоби услубиятини такомиллаштириш билан қўйидаги вазифаларни амалга оширишимиз зарур:

халқ таълим тизими муассасаларида фаолият турига хос маҳсулот (иш, хизмат)лар реализатсияси даромадлар тушумини ҳисоблаш усулини қўллашга қатъий амал қилиш;

халқ таълим тизими муассасаси раҳбарининг муассаса молиявий-хўжалик фаолиятини бошқариш, ҳисоб ахборот тизимини самарали ишлашини таъминлаш, бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобини тўғри юритилишини таъминлаш учун ҳисоб сиёсатини ишлаб чиқиш;

молиявий хўжалик ҳолати, даромадлар ва харажатлар, бюджет ва бюджетдан ташқари, ҳомийлик ва бошқа маблағлардан фойдаланишда умумий ўрта таълим муассасалари фаолият йўналишидан келиб чиқиб, белгиланган меъёрларга амал қилинишини таъминлаш.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 5 сентябрдаги “Халқ таълимини бошқариш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Пф-5538-сон Фармони. www.lex.uz
2. Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонуни, Тошкент ш., 2020 йил 23 сентябрь, ЎРҚ-637-сон, <https://lex.uz/docs/5013007>
3. “Бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида”ги Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 105-сонли буйруғи, 2010 йил 17 декабрь
4. Меҳмонов С. ва Убайдуллаев Д. Бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисоби: дарслик. – Т.: Сано - стандарт. 2013.– 454 б.
5. Остонакулов М. Бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисоби. Иккинчи нашр. – Т.: Iqtisod-moliya, 2009.– 428 б.
6. Остонокулов А.А. Бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисоби ва ҳисоботи методологиясини такомиллаштириш. Монография. – Т.: Внешинвестпром, 2021. – 208 б.
7. Меҳмонов С.У. Бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисоби ва ички аудит методологиясини такомиллаштириш. Иқт.фан.док. (DSc) илм.даражасини ... дис. автореф. – Т.:2018. – Б. 36.
8. Ғаниев Ш.В. Бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисоби ва молиявий назоратни такомиллаштириш (таълим тизими мисолида). Иқт.фан.ном.илм.даражасини ... дис.автореф. – Т.:2008.
9. Шарапова М. Умумтаълим мактабларини молиялаштиришда хусусий маблағлардан фойдаланишнинг аҳамияти // International Journal of Finance and Digitalization www.ijfd.uz ISSN: 2181-3957 Vol. 2 Issue 03, 2023
10. Колеватова О.А. Учет внебюджетных средств в бюджетных

учреждениях. – Москва. 2003. –161 с.

11. Хожаев А.С. Олий таълим муассасаларида бюджетдан ташқари маблағларнинг бухгалтерия ҳисобини ташкил этишнинг ўзига хос хусусиятлари// Moliya va Bank ishi. – 4 (2022), – 27-33б.

12. Нарбекова Г.Д. Халқ таълим тизими муассасаларида бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобини ташкил этишнинг назарий асослари // Халқаро молия ва ҳисоб. Scientific Journal of Internatinal Finance& Accounting” Issue 6, December 2022. ISSN: 2181-1016

НОДАВЛАТ ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ МОЛИЯВИЙ МАБЛАҒЛАРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШНИНГ ХОРИЖ ТАЖРИБАСИ



Юлдашев Хушнидбек Сойибжон ўғли

*Турон университети Андижон филиали
Ўқув-услубий бўлими бошлиғи
E-mail: hushnadbek1992@gmail.com
ORCID: 0009-0008-2497-3444*

Аннотация. Мазкур мақолада нодавлат олий таълим муассаса (ОТМ) ларини молиялаштириш соҳасидаги халқаро тажрибалар таҳлил қилинади. Хусусан, АҚШ, Буюк Британия, Жанубий Корея, Малайзия ва Туркия каби мамлакатларда хусусий университетларнинг молиявий барқарорлиги қандай таъминланаётгани, қандай турдаги молиялаштириш манбалари (шартнома тўловлари, хайриялар, грантлар, инвестициялар ва бошқалар) қўлланилаётгани ўрганилади. Шу билан бирга, Ўзбекистонда сўнгги йилларда нодавлат олий таълим муассасалари сони ортиб бораётгани ва уларнинг молиялашуви асосан талабалар тўловларига боғлангани таъкидланади. Таҳлиллар натижасида хориж тажрибасини Ўзбекистон шароитида татбиқ этиш юзасидан илмий-амалий таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилади.

Калит сўзлар: нодавлат олий таълим, молиялаштириш манбалари, халқаро тажриба, таълим кредитлари, грантлар, хусусий университет, Ўзбекистон.

ЗАРУБЕЖНЫЙ ОПЫТ ФОРМИРОВАНИЯ ФИНАНСОВЫХ ФОНДОВ НЕГОСУДАРСТВЕННЫХ ВЫСШИХ УЧЕБНЫХ ЗАВЕДЕНИЙ

Юлдашев Хушнидбек Сойибжон угли

*Университет Турон, Андижанский филиал
Начальник учебно-методического отдела
E-mail: hushnadbek1992@gmail.com
ORCID: 0009-0008-2497-3444*

Аннотация. В данной статье проводится анализ зарубежного опыта финансирования негосударственных высших учебных заведений. Особое внимание уделено странам, где частный сектор образования активно развивается, таким как США, Великобритания, Южная Корея, Малайзия и Турция. Рассматриваются источники финансирования, включая плату за обучение, благотворительные пожертвования, государственные и частные

гранты, инвестиции и партнёрские программы. В статье подчеркивается, что в Узбекистане наблюдается рост числа негосударственных вузов, однако их финансовая устойчивость в основном зависит от контрактных платежей студентов. На основе изученного опыта сформулированы научно-практические предложения по повышению эффективности финансовой модели негосударственного сектора высшего образования в Узбекистане.

Ключевые слова: негосударственное высшее образование, источники финансирования, международный опыт, образовательные кредиты, гранты, Узбекистан.

FOREIGN EXPERIENCE OF FORMING FINANCIAL FUNDS OF NON-GOVERNMENT HIGHER EDUCATION INSTITUTIONS

Yuldashev Khushnadbek Soyibjon ugli

*Turon University, Andijan Branch
Head of the Educational and Methodological Department
E-mail: hushnadbek1992@gmail.com
ORCID: 0009-0008-2497-3444*

Abstract. This article analyzes international practices in financing non-governmental higher education institutions. Particular focus is given to countries with an advanced private education sector, such as the United States, the United Kingdom, South Korea, Malaysia, and Turkey. The study examines various sources of financing, including tuition fees, charitable donations, public and private grants, investments, and public-private partnerships. It highlights that in Uzbekistan, the number of private universities has significantly increased in recent years, but their financial stability largely depends on student tuition fees. Based on the international experience studied, the article offers practical and academic recommendations to improve the financial sustainability of non-governmental higher education institutions in Uzbekistan.

Keywords: non-governmental higher education, sources of financing, international experience, education loans, grants, Uzbekistan.

Кириш.

Бугунги глобал рақобат ва билимга асосланган иқтисодиёт шароитида олий таълим соҳаси ҳар бир давлатнинг устувор йўналишларидан бирига айланган. Жаҳон банки ва ЮНЕСКО маълумотларига кўра, 2022 йил ҳолатига кўра дунё бўйича олий таълим муассасалари сони 29 мингдан ортиқ бўлиб, уларнинг тахминан 35 фоизини нодавлат (яъни хусусий) таълим муассасалари ташкил этган[1]. Хусусан, Жанубий Кореяда нодавлат университетлар олий таълим муассасаларининг 80%ини ташкил қилса, АҚШда бу кўрсаткич 35% атрофида, Бразилияда эса 76%га етган[2].

Нодавлат олий таълим муассасалари таълим сифатини яхшилаш, турли инновацион таълим дастурларини жорий этиш, ва таълим соҳасидаги

рақобатни кучайтиришда муҳим ўрин тутмоқда. Аммо ушбу муассасаларнинг барқарор фаолиятини таъминлашда молиялаштириш манбалари ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Чунки, хусуси олий таълим муассасалари давлат бюджетидан маблағ олмасдан ўз фаолиятини талабаларнинг шартнома тўловлари, хайриялар, халқаро ва маҳаллий грантлар, инвестициялар ҳамда корпоратив ҳамкорликлар орқали молиялаштиришга мажбур бўлади.

Масалан, АҚШдаги хусусий олий таълим муассасалари даромадларининг ўртача 40–45 фоизи талабаларнинг тўловларидан, 30–35 фоизи эса университет жамғармалари ва хайрия фондлари орқали таъминланади[3]. Буюк Британияда эса хусусий университетлар учун давлат томонидан камроқ тўғридан-тўғри молиялаштириш амалга оширилади, аммо улар талабаларга давлат таълим кредитлари тизими орқали етарли даражада ёрдам кўрсатилади[4].

Ўзбекистонда эса сўнгги йилларда нодавлат олий таълим муассасаларининг сони кескин ошди — агар 2017 йилда бу каби муассасалар сони 5 тани ташкил этган бўлса, 2024 йил бошига келиб улар сони 70 тадан ошди[5]. Бироқ уларнинг аксарияти молиявий жиҳатдан талабаларнинг шартнома тўловларига кескин боғланган ҳолда фаолият юритмоқда. Шу сабабли, халқаро тажрибани ўрганиш ва Ўзбекистон шароитида амалиётга татбиқ этиш муҳим илмий ва амалий аҳамият касб этади.

Ушбу мақолада нодавлат олий таълим муассасаларини молиялаштириш борасидаги етакчи мамлакатлар - АҚШ, Буюк Британия, Жанубий Корея, Малайзия ва Туркия тажрибалари таҳлил қилинади. Мақсад - ушбу мамлакатларда қўлланилаётган молиялаштириш механизмларини ўрганиш ва улар асосида мамлакатимизда фаолият юритаётган хусусий олий таълим муассасалари учун мос таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборатдир.

Адабиётлар шарҳи.

Нодавлат олий таълим муассасаларини молиялаштириш масаласи кўплаб халқаро ва миллий тадқиқотларда ўрганилган бўлиб, ушбу соҳадаги илмий адабиётлар таълим сифатини таъминлаш, молиявий барқарорликни шакллантириш, ҳамда давлат ва хусусий сектор ўртасидаги муносабатларни тартибга солиш бўйича турли ёндашувларни намоён этади.

ЮНЕСКО томонидан тайёрланган “Global Education Monitoring Report 2023” ҳисоботида хусусий таълим муассасаларининг жаҳон таълим тизимидаги ўрни, уларни молиялаштиришдаги давлат сиёсатлари ва хусусий ташаббусларнинг роли атрофлича таҳлил этилган. Ушбу ҳисоботда таълимда рақамлаштириш жараёни орқали молиялаштириш самарадорлигини ошириш имкониятлари ҳам муҳокама этилган[6].

OECD'нинг анъанавий “Education at a Glance” ҳисоботлари (2022 йил) хусусий ва давлат ОТМлари ўртасидаги молиявий ресурслар фарқи, талабаларга тўғридан-тўғри ёрдам механизмлари ва давлат субсидияларининг таъсири каби кўплаб муҳим масалаларни қамраб олади[7].

Ушбу маълумотлар, жумладан, Малайзия ва Корея каби мамлакатлар тажрибасини таққослама таҳлил қилиш имконини беради.

АҚШ Миллий таълим статистика маркази (NCES) томонидан тақдим этилган маълумотлар хусусий университетлар молиясида тўловлар, хайриялар ва инвестицион фаолият қандай улушга эга эканини аниқ кўрсатади[8]. Гарвард, Йел ва Станфорд университетлари ҳисоботлари орқали хайрия жамғармаларининг таълим ва илмий фаолиятдаги ролини ўрганиш мумкин[9].

Буюк Британия Таълим департаментининг 2021 йилги таҳлиллари таълим кредитлари, талабаларга молиявий ёрдам ва хусусий сектор иштирокидаги таълим моделлари бўйича ўзига хос ёндашувларни кўрсатади[9]. Ушбу манбалар Ўзбекистондаги таълим кредитлари сиёсати билан солиштириш учун фойдали ҳисобланади.

Жанубий Корея ва Малайзиядаги давлат-хусусий шериклик моделлари, инфратузилмани давлат томонидан тақдим этилиши, грантлар ва стартап дастурлари орқали хусусий ОТМларни қўллаб-қувватлаш механизмлари ушбу мамлакатларнинг таълим сиёсатига бағишланган расмий ҳужжатларда ва стратегияларда ўз аксини топган[11, 12].

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳамда Давлат статистика қўмитаси маълумотлари мамлакатимиздаги хусусий таълим муассасаларининг сони, талабалар улуши, молиявий база ва фаолият кўрсаткичларини таҳлил қилишда асосий миллий манбалар ҳисобланади[13, 14]. Шу тариқа, юқорида келтирилган халқаро ва миллий манбалар мазкур мақоладаги таҳлил ва хулосаларнинг назарий-амалий пойдеворини ташкил этади. Адабиётларнинг кўплиги ва хилма-хиллиги таҳлилнинг холислигини таъминлашда муҳим аҳамиятга эга.

Тадқиқот методологияси.

Мақолада нодавлат олий таълим муассасаларининг молиялаштириш тизимини ўрганишда комплекс ёндашув қўлланилди. Тадқиқот методологияси халқаро ва миллий манбалар асосида тизимли таҳлил, таққослама усул ва контент таҳлили асосида қурилди. Асосий мақсад - турли давлатлардаги нодавлат олий таълим муассасаларини молиялаштириш амалиётини ўрганиш ва Ўзбекистон шароитида қўллаш мумкин бўлган самарали моделларни аниқлашдан иборат бўлди.

Таҳлил ва натижалар.

Нодавлат олий таълим муассасаларини самарали молиялаштириш масаласи турли давлатларда турлича ечимлар билан таъминланган. Таҳлил натижаларига кўра, молиялаштириш манбалари ва хусусий сектор иштирокининг даражаси мамлакатнинг таълим сиёсати, иқтисодий имкониятлари ва норматив муҳитига бевосита боғлиқ.

Жаҳон амалиёти шуни кўрсатмоқдаки, олий таълим муассасаларини молиялаштиришда турли давлатлар турлича ёндашувларни қўлламоқда.

Айниқса, нодавлат (хусусий) олий таълим муассасаларининг молиявий барқарорлигини таъминлашда фақат талабалар тўловларига суянмасдан, турли манбаларни жалб этиш муҳим ҳисобланади. Қуйида келтирилган жадвалда АҚШ, Буюк Британия, Жанубий Корея ва Малайзия каби давлатларда 2023 йил ҳолатига кўра олий таълим муассасаларини молиялаштириш манбалари қандай шаклланиши тўғрисидаги маълумотлар келтирилган.

1-жадвал

**Дунёнинг айрим мамлакатлари олий таълим
муассасаларини молиялаштириш манбалари**

(2023 йил, жамига нисбатан фоиз ҳисобида)

Давлатлар	Шартнома тўловлари	Хайрия ва жамғармалар	Грант васубсидиялар	Бошқа манбалар
АҚШ	45	30	20	5
Буюк Британия	35	15	40	10
Жанубий Корея	60	10	20	10
Малайзия	55	8	25	12

Манба: National Center for Education Statistics (NCES). (2024). Digest of Education Statistics. U.S. Department of Education. UK Department for Education. (2024). Higher Education Student Finance in England 2021 to 2025. GOV.UK official publications. Ministry of Education, Republic of Korea. (2024). Private Higher Education Statistics. Ministry of Higher Education Malaysia. (2021). Malaysia Education Blueprint: Higher Education 2015–2025.

Жадвал маълумотлари таълим муассасалари даромадларининг қайси қисмини шартнома тўловлари, хайрия ва жамғармалар, давлат грант ва субсидиялари, шунингдек бошқа (масалан, тадбиркорлик фаолияти, инвестиция даромадлари ва бошқалар) манбалар ташкил этишини аниқ кўрсатади. Бу маълумотлардан кўринишича, АҚШ ва Буюк Британияда хайриялар улуши нисбатан юқори бўлса, Жанубий Корея ва Малайзияда шартнома тўловлари асосий манба сифатида намоён бўлмоқда. Мазкур моделларни таҳлил қилиш Ўзбекистондаги нодавлат таълим муассасалари учун қулай ва барқарор молиялаштириш механизмларини яратишда муҳим методологик асос бўлиб хизмат қилади.

Хусусий олий таълим муассасаларининг умумий таълим тизимидаги ўрни ва аҳамиятини аниқ баҳолаш учун, уларнинг сони ҳамда ушбу муассасаларда таълим олаётган талабалар улуши каби кўрсаткичларни таҳлил этиш муҳим аҳамият касб этади. Турли давлатларда хусусий сектор таълим соҳасида турлича ривожланган бўлиб, буни ҳам мамлакатдаги умумий ОТМлар сони, ҳамда уларнинг таркибида хусусий ОТМлар улуши орқали баҳолаш мумкин.

Хусусан, Ўзбекистонда хусусий олий таълим муассасалари сони ва уларда таълим олаётган талабалар улуши сўнгги йилларда сезиларли даражада ошган. 2023/2024 ўқув йилида хусусий ОТМлар жами олий таълим

муассасаларининг 31.5%ини ташкил этган бўлса, уларда таълим олаётган талабалар улуши 23.95%га етган. Бу кўрсаткичлар мамлакатда хусусий таълимнинг ривожланиш тенденциясини кўрсатади.

Jahon banki hisobotida O‘zbekistondagi yashil iqtisodiyotga o‘tishning siyosiy, ijtimoiy va iqtisodiy tahlili olib borilgan. Hisobotda iqtisodiy islohotlarni amalga oshirish va qayta tiklanuvchi energiya manbalaridan foydalanish bo‘yicha tavsiyalar berilgan[3].

Nicholas Stern o‘z tadqiqotlarida “Yashil iqtisodiyot” va “iqlim o‘zgarishi” bo‘yicha global miqyosda faoliyatni jadallashtirish zarurligini ta’kidlaydi. Uning fikriga ko‘ra, yashil iqtisodiyot iqlim o‘zgarishiga qarshi kurashishda muhim o‘rin tutadi[4].

Jeffrey Sachs yashil iqtisodiyotga o‘tishni "Barqaror rivojlanish"ni amalga oshirishning asosiy yo‘li deb ta’kidlaydi. U rivojlangan mamlakatlar va rivojlanayotgan mamlakatlar o‘rtasidagi tafovutlarni kamaytirishga, resurslarni teng taqsimlashga va texnologiyalarni joriy qilishga urg‘u beradi[5].

Kate Raworth “Doughnut Economics” modelida yashil iqtisodiyotga o‘tishni jamiyatning ehtiyojlarini va ekologik chegaralarni birlashtirish deb biladi. U global miqyosda yashil iqtisodiyotga o‘tishning markazida ijtimoiy barqarorlikni ta’minlashni qo‘llab-quvvatlaydi[6].

Tadqiqot metodologiyasi.

Yashil iqtisodiyotga o‘tish: muammolar va yechimlar bo‘yicha dunyo olimlari tomonidan olib borilayotgan tadqiqodlarni tahlil qilish, mavzu yuzasidan barcha ma’lumotlarni to‘plash, solishtirish, mantiqiy fikrlash kabi iqtisodiy tadqiqot usullaridan foydalanildi.

Tahlil va natijalar muhokamasi.

Yashil iqtisodiyotga o‘tish — bu iqtisodiy tizimni tabiiy resurslar va

ekologik barqarorlikni saqlashni birlashtirgan modelga aylantirish jarayoni. Yashil iqtisodiyot iqtisodiy o‘tishni ekologik jihatdan barqaror rivojlanish bilan birga olib borishni maqsad qilgan. Bu o‘tish, nafaqat atrof-muhitni asrashni, balki iqtisodiy samaradorlikni oshirishni va ijtimoiy barqarorlikni ta'minlashni o‘z ichiga oladi.

Yashil iqtisodiyotning asosiy yo‘nalishlaridan biri qayta tiklanadigan energiya manbalaridan foydalanishni kengaytirishdir. Bu quyosh, shamol, geotermal, gidroenergiya kabi resurslarni o‘z ichiga oladi. Ushbu energiya manbalarining foydalanuvchilari uchun arzon va ekologik toza energiya ishlab chiqarish imkoniyati mavjud bo‘ladi.

Yashil iqtisodiyotda resurslarni samarali ishlatish va ularni uzoq muddat davomida qayta ishlatish muhim hisoblanadi. Buning uchun chiqindilarni kamaytirish, qayta ishlash va yashil texnologiyalarni joriy qilish zarur. Yashil iqtisodiyotga o‘tish jarayonida karbonat angidrid (CO₂) va boshqa iqlimga zararli gazlarning chiqarilishini kamaytirish muhim ahamiyatga ega. Bu, o‘z navbatida, iqlim o‘zgarishining salbiy ta'sirlarini kamaytirishga yordam beradi.

Yashil iqtisodiyotga o‘tish yangi ish o‘rinlarini yaratish, ayniqsa, qayta tiklanadigan energiya, ekologik qurilish va chiqindilarni qayta ishlash kabi sohalarida ish o‘rinlarini yaratishni ta'minlaydi. Yashil iqtisodiyot nafaqat atrof-muhitni asrashga, balki ijtimoiy adolatni ta'minlashga ham qaratilgan. Yashil iqtisodiyotda iqtisodiy faoliyatda barcha qatnashchilarni qo‘llab-quvvatlash va ijtimoiy tenglikni saqlash zarur. Bu, o‘z navbatida, ijtimoiy barqarorlikni ta'minlashga yordam beradi.

1-jadval

Yashil iqtisodiyotga o‘tishning afzalliklari va kamchiliklari

Afzalliklari	Kamchiliklari
Ekologik barqarorlikni ta'minlash	Yuqori boshlang‘ich xarajatlar
- Yashil iqtisodiyot tabiiy resurslarni barqaror ishlatishni ta'minlaydi.	- Yashil texnologiyalarni joriy etish katta sarmoyani talab qiladi.
- Karbonat angidrid va boshqa iqlimga zararli gazlarning chiqindilari kamayadi.	- Qayta tiklanadigan energiya tizimlarini yaratish uchun katta miqdorda kapital kerak.
- Ekologik tizimlar va biologik xilma-xillik himoya qilinadi.	- Rivojlanayotgan mamlakatlar uchun texnologik va moliyaviy to‘siqlar mavjud.
Iqtisodiy o‘tish va raqobatbardoshlikni oshirish	Siyosiy va ijtimoiy qarshiliklar
- Yashil texnologiyalarni rivojlantirish va innovatsiyalar iqtisodiy o‘tishni rag‘batlantiradi.	- Yashil iqtisodiyotga o‘tish ba’zi siyosiy guruhlar va manfaatdor tomonlar uchun qiyin bo‘lishi mumkin.
- Yashil texnologiyalarga sarmoya kiritish yangi ish o‘rinlari yaratadi.	- Ba’zi mamlakatlar yashil iqtisodiyotga qarshi qarorlar qabul qilishadi, chunki ular eski sanoat tarmoqlariga tayanadi.
- Yashil iqtisodiyot eksport imkoniyatlarini oshiradi, yangi bozorlarga chiqish imkonini yaratadi.	- Eski sanoat tarmoqlari qisqarishi yoki modernizatsiya qilinishi kerak, bu ba’zi siyosiy qarshiliklarga olib kelishi mumkin.
Sog‘liqni saqlash va ijtimoiy farovonlik	Zamonaviy infratuzilma yetishmasligi
- Yashil iqtisodiyot atrof-muhitni sog‘lomlashtiradi, havoni va suvni ifloslanishidan saqlaydi.	- Yashil iqtisodiyotga o‘tish yangi texnologiyalar va infratuzilma talab qiladi.
- Yashil iqtisodiyot sog‘lom hayot tarzini yaratadi, odamlarning farovonligini oshiradi.	- Rivojlanayotgan mamlakatlarda yangi energiya tizimlari uchun zarur infratuzilma etishmaydi.
- Yashil iqtisodiyot ijtimoiy tenglikni ta'minlashga yordam beradi, kam ta'minlangan guruhlarini qo‘llab-quvvatlaydi.	- Yashil texnologiyalar va yangilanishlar uchun infratuzilma yaratishning yuqori narxi mavjud.
Barqaror rivojlanishning ta'minlanishi	Iqtisodiy o‘zgarishlar va ish o‘rinlarining yo‘qolishi

- Yashil iqtisodiyot uzoq muddatli iqtisodiy barqarorlikni ta'minlaydi.	- Eski sanoat tarmoqlaridagi ish o'rinlarining qisqarishi mumkin.
- Resurslarning barqaror ishlatilishi va ularning qisqarishining oldini olish mumkin.	- Yashil iqtisodiyotga o'tishning ba'zi tarmoqlarni qisqartirishga olib kelishi mumkin.
- Yashil iqtisodiyot iqtisodiy tizimning yangi va barqaror sektorlarini rivojlantirishga imkon beradi.	- Ishchilarga yangi malakalar kerak bo'lishi mumkin, bu esa ularni qayta o'qitishni talab qiladi.
Resurslarni samarali boshqarish	Texnologik va moliyaviy to'siqlar
- Energiya, suv va boshqa tabiiy resurslarni samarali ishlatish orqali iqtisodiyot samaradorligi oshadi.	- Yashil iqtisodiyotga o'tish uchun zarur bo'lgan texnologiyalarni joriy qilish uchun yuqori texnologik rivojlanish talab qilinadi.
- Qayta ishlash va chiqindilarni kamaytirish resurslardan yanada samarali foydalanishni ta'minlaydi.	- Yashil texnologiyalarni ishlab chiqish va ularni keng miqyosda joriy qilish uchun moliyaviy investitsiyalar zarur.
Xalqaro hamkorlik va sarmoya	Ijtimoiy muammolar
- Yashil iqtisodiyot global miqyosda kooperatsiya va hamkorlikni rag'batlantiradi.	- Yashil iqtisodiyotga o'tishning ayrim ijtimoiy guruhlar uchun salbiy ta'sir ko'rsatishi mumkin, chunki ular eski tarmoqlarda ishlaydi.
- Xalqaro sarmoyalar va texnologik transferlar rivojlanayotgan mamlakatlarga yordam beradi.	- Yashil iqtisodiyotga o'tish ijtimoiy tenglikni buzishi va ba'zi guruhlarini iqtisodiy tizimdan chiqarib yuborishi mumkin.

Yashil iqtisodiyotga o'tish jarayoni afzalliklar va kamchiliklarni o'z ichiga oladi. Afzalliklar ekologik barqarorlik, iqtisodiy o'sish, sog'liqni saqlash, ijtimoiy farovonlik va barqaror rivojlanishni ta'minlashni o'z ichiga oladi. Biroq, bu jarayon yuqori boshlang'ich xarajatlar, siyosiy qarshiliklar, infratuzilma muammolari va ijtimoiy noqulayliklarga olib kelishi mumkin. Shuning uchun, yashil iqtisodiyotga o'tishni amalga oshirish uchun yaxshi rejalashtirilgan siyosat va jahon miqyosida hamkorlik zarur.

2-jadval

Yashil iqtisodiyotga o'tish jarayonidagi muammolar va yechimlar

Muammolar	Yechimlar
Yuqori boshlang'ich xarajatlar	- Davlat va xususiy sektor hamkorligida sarmoya kiritish.
- Yashil texnologiyalarga katta moliyaviy investitsiyalar talab qilinadi.	- Uzun muddatli foyda va iqtisodiy barqarorlikni ko'rsatib, investorlarni jalb qilish.
Siyosiy va ijtimoiy qarshiliklar	- Yashil iqtisodiyotga o'tishning ijtimoiy manfaatlarini ta'kidlash.
- Eski sanoat tarmoqlariga tayanadigan davlatlar va manfaatdor guruhlarining qarshiligi.	- Siyosiy dialog va muloqotlarni rivojlantirish, yashil iqtisodiyotga o'tishning foydalari haqida jamoatchilikni xabardor qilish.
Infratuzilma yetishmasligi	- Yashil energiya tizimlari va yangi texnologiyalarga mos infratuzilma yaratish.
- Yashil iqtisodiyotga mos infratuzilma rivojlanmagan yoki eskirgan.	- Davlat tomonidan qo'llab-quvvatlovchi infratuzilma loyihalari va texnologiyalarni joriy etish.
Ish o'rinlarining yo'qolishi va ijtimoiy noqulayliklar	- Eski sanoat tarmoqlarida ishlovchi xodimlarga yangi malakalar bo'yicha o'qitish va qayta malaka oshirish.
- Yashil iqtisodiyotga o'tishda eski sanoat sohasida ish o'rinlari qisqarishi mumkin.	- Yashil iqtisodiyot sektorlarida yangi ish o'rinlari yaratish va ijtimoiy himoya dasturlarini ishlab chiqish.
Texnologik to'siqlar	- Yashil texnologiyalarni rivojlantirish va global miqyosda innovatsiyalarni import qilish.
- Yashil texnologiyalarning qimmatligi va yuqori texnologik talablari.	- Rivojlanayotgan mamlakatlarda texnologik transfer va ilmiy-tadqiqot ishlarini rag'batlantirish.
Iqtisodiy barqarorlikni ta'minlashdagi muammolar	- Yashil iqtisodiyotga o'tishning uzoq muddatli foydalari va barqarorlikni tushuntirish.
- Yashil iqtisodiyotga o'tish dastlab iqtisodiy qiyinchiliklarga olib kelishi mumkin.	- Yashil iqtisodiyotga o'tishni bosqichma-bosqich amalga oshirish va iqtisodiy barqarorlikni saqlash.
Global hamkorlik va moliyaviy sarmoya muammolari	- Xalqaro miqyosda yashil iqtisodiyotga sarmoya kiritishni rag'batlantirish va kooperatsiyani kuchaytirish.

- Rivojlanayotgan mamlakatlarga zarur texnologiyalar va moliyaviy resurslarni topishdagi qiyinchiliklar.	- Global iqlim moliyaviy tizimlaridan va ekologik investitsiyalardan foydalanish.
Tog‘ri siyosat va qonunlarni ishlab chiqish	- Yashil iqtisodiyotga o‘tish jarayonini qo‘llab-quvvatlaydigan kuchli siyosatlarni joriy etish.
- Yashil iqtisodiyotga mos keladigan siyosat va qonunlar yetishmasligi.	- Davlatlar orasida yaxlit siyosat va normativ hujjatlarni ishlab chiqish va amalga oshirish.

Yashil iqtisodiyotga o‘tishning muvaffaqiyati uchun yuqoridagi muammolarni hal qilish zarur. Yechimlar, asosan, siyosiy, iqtisodiy va texnologik o‘zgarishlarni qo‘llab-quvvatlash, jamiyatni yangi tizimga moslashtirish va ilg‘or texnologiyalarni rivojlantirishga asoslanadi.

3-jadval

Rivojlangan mamlakatlarning yashil iqtisodiyotga o‘tish bo‘yicha tajribalari

Mamlakat	Yashil iqtisodiyotga o‘tish strategiyasi	Yechimlar	Natijalar
Germaniya	"Energiewende" (Energiya transformatsiyasi)	- Qayta tiklanadigan energiyaga sarmoya kiritish (shamol, quyosh)	- Qayta tiklanadigan energiya ishlab chiqarishning kengayishi.
		- Energiya samaradorligini oshirish va energiya tejash tizimlari yaratish.	- Karbonat angidrid chiqindilarining kamayishi.
		- Yangi energiya tizimlariga o‘rgatish va rivojlantirish.	- Yashil texnologiyalar orqali yangi ish o‘rinlari yaratildi.
Shvetsiya	Karbon izini nolga tenglashtirish	- Karbon solig‘i va ekologik tartibga solish orqali isrof va ifloslanishni kamaytirish.	- Karbon izini 2045 yilga kelib nolga tenglashtirish rejası.
		- Qayta tiklanadigan energiya ishlab chiqarishga sarmoya kiritish.	- Yashil energiya sektori va iqtisodiy o‘tishning rivojlanishi.
		- Ekologik transport tizimlarini rivojlantirish.	- Ekologik toza transport va energiya tizimlari.
Daniya	Shamol energiyasiga asoslangan energetika siyosati	- Shamol energiyasining ishlab chiqarilishini oshirish.	- Daniya shamol energiyasi ishlab chiqarishda dunyo yetakchisi.
		- Ekologik transport tizimlari va energiya samaradorligini oshirish.	- Yashil iqtisodiyotga sarmoya kiritish orqali iqtisodiy o‘tish.
		- Sanoatni chiqindilarni kamaytirish va qayta ishlashga yo‘naltirish.	- Yangi ish o‘rinlari va barqaror iqtisodiy o‘tish.
Finlyandiya	Barqaror rivojlanish va ekologik iqtisodiyotni rivojlantirish	- Resurslarni samarali boshqarish va qayta ishlash tizimlarini yaratish.	- Barqaror qishloq xo‘jaligi tizimlari va ekologik texnologiyalar.
		- Yashil texnologiyalarni rivojlantirish va energiya samaradorligini oshirish.	- Ekologik barqarorlikni ta‘minlash va iqtisodiy farovonlik.
Yaponiya	Yashil texnologiyalarni rivojlantirish va energiya samaradorligini oshirish	- Yashil texnologiyalarni ishlab chiqish va ularga investitsiyalar kiritish.	- Yashil energiya ishlab chiqarishning o‘tishi.
		- Elektr transportini rivojlantirish va ekologik qurilishlarni qo‘llash.	- Yashil texnologiyalar bilan sanoatni global bozorga integratsiya qilish.
		- Sanoatni qayta ishlash va chiqindilarni kamaytirish tizimlarini joriy etish.	- Yashil iqtisodiyotga o‘tish orqali iqtisodiy barqarorlik.

Rivojlangan mamlakatlar yashil iqtisodiyotga o‘tish bo‘yicha bir qator samarali strategiyalarni amalga oshirmoqda. Ular qayta tiklanadigan energiya, energiya samaradorligi, ekologik barqarorlik, yangi ish o‘rinlarini yaratish, va innovatsion texnologiyalarni rivojlantirish orqali o‘z iqtisodiyotlarini barqarorlashtirishga intilishmoqda. Bu tajribalar boshqa mamlakatlar uchun ham muhim o‘rnak bo‘lishi mumkin.

O‘zbekistonni yashil iqtisodiyotga o‘tishi amalga oshirilishi kerak bo‘lgan islohotlar mamlakatning ekologik barqarorligini ta‘minlash, iqtisodiy o‘tish va

ijtimoiy farovonlikni oshirishga qaratilgan muhim qadamdir. Xorijiy mamlakatlarning tajribalarini o'rgangan holda mamlakatimizda ham yashil iqtisodiyotga o'tish uchun quyidagi islohotlarni amalga oshirish maqsadga muvofiqdir:

- Qayta tiklanadigan energiyaga sarmoya kiritish: Quyosh, shamol va boshqa qayta tiklanadigan energiya manbalarini rivojlantirish, bu orqali fosil yoqilg'ilarga bo'lgan bog'liqlikni kamaytirish.

- Energiya samaradorligi dasturlarini amalga oshirish: Sanoat va uy-joylarni energiya tejash tizimlari bilan ta'minlash, energiya samaradorligini oshirishga yo'naltirilgan davlat dasturlarini yaratish.

- Yashil texnologiyalarni joriy etish: Sanoat ishlab chiqarishida ekologik toza texnologiyalarni va energiya samarali tizimlarni qo'llash, chiqindilarni kamaytirish va resurslarni samarali ishlatish.

- Sanoatni ekologik sertifikatlash: Yashil sertifikatlar va ekologik standartlarni joriy etish, ekologik xavfsizlikni ta'minlash va sanoatning barqarorligini oshirish.

- Elektr transportini rivojlantirish: Elektr avtomobillar, elektr avtobuslar va boshqa ekologik transport vositalarini ishlab chiqarish va import qilishni rag'batlantirish.

- Transport infratuzilmasini modernizatsiya qilish: Jamoat transporti tarmoqlarini yangilash, chiqindilarsiz va samarali ishlovchi transport tizimlarini yaratish.

- Barqaror qishloq xo'jaligi amaliyotlarini joriy etish: Suvni tejash texnologiyalarini qo'llash, organik qishloq xo'jaligi, kimyoviy o'g'itlar va pestitsidlarni kamaytirish.

- Qishloq xo'jaligida ekologik dasturlarni amalga oshirish: Barqaror qishloq xo'jaligi ishlab chiqarishni qo'llab-quvvatlovchi dasturlarni amalga oshirish, ekotizimlar va biodiversitetni himoya qilish.

- Qayta ishlash tizimini joriy etish: Chiqindilarni to'plash, ajratish va qayta ishlash tizimlarini yaratish, yashil chiqindilarni qayta ishlashning samarali tizimlarini ishlab chiqish.

- Chiqindilarni kamaytirish va ekologik toza mahsulotlar ishlab chiqarish: Plastik, metall va organik chiqindilarni qayta ishlashga alohida e'tibor qaratish.

- Yashil obligatsiyalarni chiqarish: Yashil obligatsiyalar yordamida ekologik loyihalarni moliyalashtirish, davlat va xususiy sektorni yashil investitsiyalarga jalb qilish.

- Ekologik risklarni baholash va ularni moliyaviy tizimga integratsiya qilish: Davlat va xususiy banklar orqali ekologik risklarni baholash va yashil iqtisodiyotga investitsiyalarni jalb qilish.

- Ekologik ta'limni rivojlantirish: Maktablarda, universitetlarda va jamiyatda ekologik barqarorlik, yashil iqtisodiyot va iqlim o'zgarishi bo'yicha bilimlarni kengaytirish.

- Jamoatchilikni xabardor qilish: Yashil iqtisodiyotning foydalari, ekologik barqarorlikning ahamiyati va energetika samaradorligining ahamiyatini

tushuntirishga qaratilgan ommaviy axborot kampaniyalarini o‘tkazish.

- Ekologik qonunlarni kuchaytirish: Ekologik nazoratni kuchaytirish, yashil iqtisodiyotga oid qonunlarni ishlab chiqish va amaliyotga tadbqiq etish.

- Yashil standartlarni joriy etish: Yashil iqtisodiyotga o‘tish uchun zarur bo‘lgan ekologik me'yorlarni va siyosatlarni ishlab chiqish va ularni amalga oshirish.

O‘zbekistonni yashil iqtisodiyotga o‘tish bo‘yicha amalga oshirilishi kerak bo‘lgan islohotlar iqtisodiyotning barcha sohalarini ekologik jihatdan barqarorlashtirishga qaratilgan. Bu islohotlar qayta tiklanadigan energiyaga sarmoya kiritish, sanoatni yashil texnologiyalar bilan yangilash, transport tizimini ekologik toza qilish, qishloq xo‘jaligini barqaror rivojlantirish va chiqindilarni boshqarish kabi yo‘nalishlarni o‘z ichiga oladi. Yashil iqtisodiyotga o‘tish orqali mamlakat ijtimoiy farovonlikni, iqtisodiy barqarorlikni va ekologik xavfsizlikni ta’minlashi mumkin.

Xulosa

O‘zbekistonda yashil iqtisodiyotga o‘tish bo‘yicha amalga oshirilishi kerak bo‘lgan islohotlar mamlakatning iqtisodiy va ekologik tuzilmasini yangilashni talab etadi. Bu o‘z ichiga qayta tiklanadigan energiya manbalariga o‘tish, sanoatni ekologik toza texnologiyalar bilan yangilash, transport sektorini yashillashtirish, qishloq xo‘jaligida barqarorlikni ta’minlash, chiqindilarni boshqarish va qayta ishlash tizimlarini joriy etish, shuningdek yashil moliyalash va ta’limni rivojlantirish kabi sohalarida keng ko‘lamli islohotlarni amalga oshirishni o‘z ichiga oladi.

Rivojlangan mamlakatlarning tajribalari, jumladan, Germaniya, Shvetsiya, Daniya kabi davlatlarning yashil iqtisodiyotga o‘tishdagi muvaffaqiyatlari O‘zbekiston uchun yaxshi o‘rnak bo‘lishi mumkin. Bunday islohotlar, ayniqsa, iqtisodiy o‘sishni ekologik barqarorlik bilan uyg‘unlashtirish, yashil texnologiyalarni rivojlantirish va ijtimoiy farovonlikni oshirish uchun zarur bo‘lgan strategiyalarni ishlab chiqish uchun asos yaratadi.

O‘zbekistonni yashil iqtisodiyotga o‘tish jarayonida davlat siyosati, qonunchilik va jamiyatning ekologik mas’uliyati muhim o‘rin tutadi. Shu bilan birga, ekologik barqarorlikni ta’minlashda barcha sektorlar o‘zgarishga tayyor bo‘lishi kerak. Faqat bunday yondashuv orqali mamlakat nafaqat ekologik xavfsizlikni ta’minlaydi, balki barqaror iqtisodiy rivojlanish va global iqlim o‘zgarishlariga moslashish bo‘yicha muvaffaqiyatga erishadi.

Xulosa qilib aytganda, O‘zbekistonning yashil iqtisodiyotga o‘tishi nafaqat ekologik barqarorlikni ta’minlash, balki iqtisodiy tizimning yanada samarali va raqobatbardosh bo‘lishiga xizmat qiladi. Bu jarayonni muvaffaqiyatli amalga oshirish uchun hukumat, biznes va jamoatchilik birgalikda harakat qilishi zarur.

Foydalanilgan adabiyotlar

1. Usmonov D. (2020). "Yashil iqtisodiyotga o‘tish muammolari" Yashil iqtisodiyot va taraqqiyot 1(10):19-25

2. Л.Н. Григорьев “Зелёная экономика и Россия: проблемы и перспективы” В 6-м номере журнала «Энергетическая политика» 2012 г.
3. World Bank (2021). "Green Growth Strategies for Central Asia."
4. Stern, N. "The Economics of Climate Change: The Stern Review." Cambridge University Press. 2007
5. Sachs, Jeffrey D. The Age of Sustainable Development. Columbia University Press, 2015.
6. Raworth, Kate. Doughnut Economics: Seven Ways to Think Like a 21st Century Economist. Chelsea Green Publishing, 2017.

ТИББИЁТ МУАССАСАЛАРИДА МОЛИЯВИЙ РЕСУРСЛАРНИ САМАРАЛИ БОШҚАРИШ УСУЛЛАРИ



Элмуродов Гайратжон Абдумуродович

*молия ва иқтисод ишлари
бўйича проректор
Самарқанд давлат тиббиёт
университети*

*E-mail: gayratjonelmurodov@gmail.com
ORCID 0009-0000-7079-6786*

Аннотация. Мақолада тиббиёт муассасаларини молиялаштиришнинг асосий манбалари ва улардан фойдаланишнинг ўзига хос жиҳатлари таҳлил қилинган. Соғлиқни сақлаш тизимидаги давлат бюджети, суғурта тизими ва хусусий секторнинг ўрни кўриб чиқилган. Шунингдек, молиявий ресурсларни самарали бошқаришнинг аҳамияти, коррупция ва маблағларнинг мақсадли ишлатилмаслиги каби муаммолар таҳлил қилинган. Мақолада соғлиқни сақлаш тизимини молиялаштиришни такомиллаштиришга доир тавсиялар келтирилган.

Калит сўзлар: тиббиёт муассасаси, молиявий ресурс, давлат бюджети, суғурта тизими, хусусий сектор, соғлиқни сақлаш тизими, молиявий бошқарув, коррупция, самарадорлик, инвестиция.

МЕТОДЫ ЭФФЕКТИВНОГО УПРАВЛЕНИЯ ФИНАНСОВЫМИ РЕСУРСАМИ В МЕДИЦИНСКИХ УЧРЕЖДЕНИЯХ

Элмуродов Гайратжон Абдумуродович

*проректор по финансам и экономике
Самаркандского государственного
медицинского университета*

*E-mail: gayratjonelmurodov@gmail.com
ORCID 0009-0000-7079-6786*

Аннотация. В статье рассматриваются основные источники финансирования медицинских учреждений и особенности их использования. В ходе исследования проанализированы роль государственного бюджета, страховой системы и частного сектора в системе здравоохранения. Также изучено значение эффективного управления финансовыми ресурсами и проанализированы проблемы, связанные с коррупцией и нецелевым использованием средств. В статье даны рекомендации по совершенствованию системы финансирования здравоохранения.

Ключевые слова: медицинское учреждение, финансовые ресурсы, государственный бюджет, страховая система, частный сектор, система здравоохранения, финансовое управление, коррупция, эффективность, инвестиции.

METHODS OF EFFECTIVE MANAGEMENT OF FINANCIAL RESOURCES IN MEDICAL INSTITUTIONS

Elmurodov Gayratjon Abdumurodovich

prorector for Finance and Economics

Samarkand State Medical University

E-mail: gayratjonelmurodov@gmail.com

ORCID 0009-0000-7079-6786

Adstract. This article examines the main sources of financing for medical institutions and the specific features of their utilization. The study analyzes the roles of the state budget, insurance systems, and the private sector in the healthcare system. Additionally, it highlights the importance of effective financial management and addresses challenges such as corruption and the misuse of funds. Recommendations for improving the healthcare financing system are provided in the article.

Keywords: Medical institutions, financial resources, state budget, insurance system, private sector, healthcare system, financial management, corruption, efficiency, investments.

Кириш

Соғлиқни сақлаш тизими ҳар бир жамиятнинг асосий устунларидан бири ҳисобланади. Тиббиёт муассасалари нафақат аҳолининг соғлигини ҳимоя қилиш, балки иқтисодий ривожланишга ҳам сезиларли ҳисса қўшади. Ушбу муассасаларнинг барқарор фаолиятини таъминлашда молиявий ресурсларни шакллантириш ва улардан оқилона фойдаланиш муҳим рол ўйнайди. Молиялаштириш механизмлари самарадорлиги нафақат хизматларнинг сифати ва қамровини оширади, балки тизимнинг узок муддатли барқарорлигини таъминлаш учун асос яратади.

Бугунги кунда дунё бўйлаб тиббиёт муассасаларини молиялаштириш масалалари кўплаб муаммоларни келтириб чиқармоқда. Давлат бюджетининг чекланганлиги, суғурта тизимларининг етарлича ривожланмаганлиги, хусусий сектор билан ҳамкорликнинг паст даражаси ва маблағлардан самарасиз фойдаланиш каби омиллар ушбу соҳада мавжуд муаммоларни янада кучайтирмоқда. Айниқса, ривожланаётган мамлакатларда ушбу масала янада долзарбланиб бўлиб, бу тиббиёт тизимининг ишончлилигига бевосита таъсир кўрсатмоқда.

Ўзбекистон соғлиқни сақлаш тизимида охириги йилларда бир қатор ислохотлар амалга оширилаётган бўлса-да, тиббиёт муассасаларини молиялаштириш масаласи ҳали ҳам катта эътиборни талаб қилади. Хусусан, давлат бюджети маблағларининг етишмовчилиги, суғурта тиббиётининг тўлиқ жорий этилмаганлиги ва хусусий тиббиёт муассасаларининг молиялаштиришдаги ўрни каби жиҳатлар чуқур таҳлил қилиниши зарур.

Мазкур мақолада тиббиёт муассасаларида молиявий ресурсларни шакллантириш манбалари, уларнинг самарали тақсимланиши ва улардан

фойдаланиш хусусиятлари ўрганилади. Тадқиқотдан мақсад – молиявий бошқарувнинг ҳозирги аҳволини таҳлил қилиш ва бу борадаги камчиликларни бартараф этиш бўйича амалий таклифларни ишлаб чиқишдир.

Адабиётлар шарҳи

Тиббиёт муассасаларида молиявий ресурсларни тўғри шакллантириш ва улардан фойдаланиш масалалари бўйича халқаро ва маҳаллий адабиётларда кенг қамровли тадқиқотлар олиб борилган. Халқаро тажриба тиббиёт муассасаларини молиялаштириш механизмларининг хилма-хиллигини ва самарадорликка таъсирини кўрсатади. Жумладан: Тиббиёт муассасаларини молиялаштиришда суғурта тизими кенг қўлланилаётган давлатларда, масалан, Германия ва Францияда, соғлиқни сақлаш тизимининг молиявий барқарорлиги юқори даражада эканлиги аниқланган. WHO (World Health Organization) маълумотларига кўра, суғурта модели хизматларнинг сифати ва қамровини оширишда муҳим рол ўйнайди [2]. Хусусий секторнинг соғлиқни сақлаш тизимига жалб этилиши бўйича тадқиқотлар (Масалан, World Bank va OECD ҳисоботлари) молиявий юкни камайтириш ва инновацион ечимларни жорий этишда катта аҳамиятга эга эканлигини тасдиқлайди.

Айниқса, Ҳиндистон ва Жанубий Кореяда хусусий сектор билан ҳамкорликнинг ижобий натижалари кузатилган [3]. Ҳарвард Университети Пресс томонидан чоп этилган тадқиқотда давлат бюджети ва хусусий сектор ресурсларини интеграциялаш орқали соғлиқни сақлаш тизимининг барқарорлиги таъминланиши муҳимлиги таъкидланган [4]. "Соғлиқни сақлаш тўғрисида"ги қонун ва Президент қарорлари (масалан, 2023-йилги тиббиёт тизимини молиялаштиришга оид қарорлар) давлат бюджети маблағларини самарали тақсимлашга қаратилган. Шу билан бирга, хусусий тиббиёт хизматларини ривожлантириш бўйича стратегик йўналишлар белгиланган [1].

Ўзбекистон Миллий университети ва Тошкент тиббиёт академиясининг тадқиқотчилари томонидан олиб борилган ишлар тиббиёт муассасаларининг молиявий ресурсларини шакллантиришдаги долзарб масалаларни очиқ беради. Хусусан, суғурта тиббиёти тизимини жорий этиш зарурати ва унинг иқтисодий самарадорлиги масалалари кенг ёритилган [5,6].

Тадқиқотларда давлат бюджети маблағларининг етарли эмаслиги ва тиббиёт хизматларида коррупция даражасининг салбий таъсири кўрсатилган. Шу билан бирга, маблағлардан оқилона фойдаланиш учун замонавий бошқарув усуллари жорий этиш зарурлиги таъкидланади.

М. С. Холматовнинг тадқиқотлари Ўзбекистон тиббиёт муассасаларида бюджетдан ташқари маблағлар молиявий назоратини амалга оширишнинг услубий муаммоларига бағишланган бўлиб, унда муаллиф томонидан тиббиёт муассасаларида бюджетдан ташқари маблағлар молиявий назоратини ташкил этиш босқичлари, молиявий назорат ўтказишнинг намунавий умумий режаси ва бюджетдан ташқари маблағлар молиявий назоратини амалга

оширишнинг намунавий тартибда тавсия этилган [7].

Ш.Одилбеков давлат тиббиёт муассасаларида молиявий активларни бошқариш ва назорат қилиш тизимини такомиллаштириш масалаларини [8] "Давлат тиббиёт муассасаларида молиявий активлар ҳисоби ва назоратини такомиллаштириш" тадқиқотида таҳлил қилган. Муаллиф давлат бюджетидан ажратилган маблағлар ва уларнинг оқилона ишлатилишини таъминлаш бошқа масалаларни ҳам ҳал қилишда катта роль ўнаганини қайд этади. Мақолада қуйидаги, яъни давлат тиббиёт муассасаларида молиявий активлар ҳисоби ва мониторингнинг самарадорлиги; маблағларни мақсадли ишлатиш, коррупция ва самарасиз бошқарув, замонавий бошқарув усуллари ва рақамли технологияларни жорий этишнинг молиявий назоратни такомиллаштириш каби масалалар кўтарилган.


М. Султонова ўз тадқиқотида тиббиёт муассасаларида даромад ва харажатларни бошқариш тизимини ташкил этиш бўйича муҳим ташкилий масалаларни кўриб чиққан [9]. Муаллиф молиявий ҳисобот ва бошқарувнинг тиббиёт хизматларини ривожлантиришдаги ўрни ва аҳамиятини таҳлил қилган.

Таҳлил ва натижалар

Давлат соғлиқни сақлаш тизимининг асосий молиялаштирувчиси ҳисобланади. Бюджетдан ажратилган маблағлар асосан ижтимоий ҳимоя доирасидаги хизматларни қоплашга йўналтирилади. Таҳлил натижалари соғлиқни сақлаш соҳаси харажатларининг ҳажми, таркиби ва динамикасини кўрсатади масалан йўналишлар ва турлари бўйича харажатлар ҳажми ва таркиби - 2021 йилда соғлиқни сақлаш харажатлари учун 21 047,8 млрд сўм кўзда тутилган бўлиб, бу умумий Давлат бюджети харажатларининг 12,7%ини ташкил этади (3,1% ЯИМ) [10].

1-диаграмма.

2019-2021 йилларда соғлиқни сақлаш соҳаси учун Давлат бюджети харажатлари*




*Манба: <https://www.ундп.орг/уз/узбекистан/публикации/фуқаролар-учун-бюджет-2021-йилда-соғлиқни-сақлаш-учун-давлат-харажатлари>

Стационар даволаш муассасаларининг харажатлари (туну кун кузатувда бўлган беморларга кўрсатиладиган тиббий ёрдам, даволаш жараёнлари ва бошқа хизматлар) соғлиқни сақлаш бюджетининг 44,8 фоизини ташкил қилади. Амбулатор тиббий хизматларга (туну кун кузатув талаб қилинмайдиган беморларга кўрсатиладиган хизматлар) эса бюджетнинг 33 фоизи йўналтирилади. Шунингдек, бошқа тиббиёт муассасаларининг харажатлари, жумладан, санитария-эпидемиологик осойишталик, жамоат саломатлиги хизмати, ОИТСга қарши курашиш марказлари, суд-тиббий экспертиза муассасалари, кексалар ва ногиронлар санаториялари, шунингдек, ногиронлиги бўлган шахслар ва болалар интернат уйлари соғлиқни сақлаш бюджетининг 12,8 фоизи ажратилади.

Соғлиқни сақлаш соҳаси бюджетининг 6,6 фоизи капитал қўйилмалар ва Инвестиция дастурларига ажратилади.

2- диаграмма.

2019-2021 йилларда тиббий хизматлар турлари бўйича соғлиқни сақлаш харажатлари, млрд сўм*



*Манба: <https://www.ундп.орг/уз/узбекистан/публикации/фуқаролар-учун-бюджет-2021-йилда-соғлиқни-сақлаш-учун-давлат-харажатлари>.

Ушбу диаграммада 2019-2021 йилларда соғлиқни сақлаш соҳасидаги турли харажатлар таҳлил қилинган. Харажатлар қуйидаги асосий йўналишлар бўйича тақсимланган: амбулатор хизматлар, стационар даволаш, бошқа хизматлар, инвестиция дастурлари ва коронавирус инфекциясига қарши тадбирлар. Умумий харажатлар динамикаси: 2019-йилда умумий соғлиқни сақлаш харажатлари 14 781,6 млрд сўмни ташкил қилган. 2020-йилда ушбу харажатлар 20 752,9 млрд сўмга ошган, бу эса 40% лик ўсишни кўрсатади. 2021-йилда харажатлар 21 047,8 млрд сўмга етган, бу 2020-йилга нисбатан 1,4% лик ўсишни англатади.

Харажатларнинг асосий йўналишлари:

Амбулатор хизматлар: 2019-йилда 4 495,6 млрд сўм, 2021-йилда 5 873,0 млрд сўмга етган. Амбулатор хизматлар харажатлари уч йил давомида барқарор ўсиб борган. Бу аҳолига бирламчи тиббий ёрдам хизматларини кенгайтиришга йўналтирилган.

Стационар даволаш: 2019-йилда 6 234,1 млрд сўм, 2021-йилда 8 081,0 млрд сўмга ошган. Стационар даволашга ажратилган маблағларнинг кўпайиши кўпроқ шошилиш тиббий ёрдам ва беморларни даволаш жойларини кенгайтиришга қаратилган.

Бошқа хизматлар: 2019-йилда 2 294,7 млрд сўм, 2021-йилда 2 693,9 млрд сўм ажратилган. Ушбу бўлим санитария-эпидемиологик осойишталик, суд-тиббий экспертиза ва бошқа хизматларни ўз ичига олади.

Инвестиция дастурлари: 2019-йилда 1 757,2 млрд сўм, 2021-йилда 1 400,0 млрд сўм. 2020-йилда инвестицияларга ажратилган маблағ қисқарган, бу пандемия шароитида бошқа йўналишларга устуворлик берилганлигини кўрсатади.

Коронавирусга қарши кураш харажатлари: 2019-йилда бу йўналишда харажатлар мавжуд эмас эди. 2020-йилда 3 846,3 млрд сўм, 2021-йилда эса 3 000,0 млрд сўм ажратилган. Пандемия даврида соғлиқни сақлаш соҳасининг катта қисми коронавирусга қарши курашга йўналтирилган.

Харажатлар таркиби ва устувор йўналишлар:

2021-йилда энг катта маблағ стационар даволаш (8 081,0 млрд сўм) учун ажратилган бўлиб, бу умумий харажатларнинг 38% ини ташкил этади.

Амбулатор хизматлар (5 873,0 млрд сўм) эса соғлиқни сақлашдаги иккинчи йирик йўналишдир (28%).

Коронавирус инфекциясига қарши кураш 2020-йилда катта ҳажмдаги маблағларни талаб қилган бўлса-да, 2021-йилда биров қисқариш кузатилган.

1-жадвал.

2021 йилда тиббиёт муассасалари сони ва уларга ажратилган маблағлар, млрд сўм*

Тиббиёт муассасалари	Муассасалар сони	Харажатлар (млрд сўм)
Жами	3715	16648
Амбулатор хизматлар	2299	5873
- Кўп тармоқли марказий поликлиникалар	201	1794,7
- Оилавий поликлиникалар	985	1843
- Оилавий шифокорлик пунктлари	817	554,1
- Тез тиббий ёрдам хизмати	197	1460,2
- Қон қуйиш марказлари	15	56,6
Стационар даволаш муассасалари	779	8081
- Клиника, шифохоналар, тиббиёт бирлашмалари ва марказлар	285	3774,5
- Туман (шаҳар) марказий шифохоналари	203	3292
- Республика шошилиш тиббий ёрдам маркази ва унинг ҳудудий бўлимлари	195	1592,7
- Кўчма ихтисослаштирилган марказлар, шифохоналар ва диспансерлар	204	1765,6
- Республика ихтисослаштирилган илмий-амалий тиббиёт марказлари	14	177,6
- Перинатал марказлар	41	556,6

- Болалар уйлари	13	36,6
- Сил касалликларига чалинган болалар учун санаториялар	21	151,7
- Болалар ва ўсмирлар учун санаториялар	5	15,4
Бошқа хизматлар	637	2693,9
- Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати	229	758,7
- ОИТСга қарши курашиш марказлари	15	112,4
- Суд-тиббий экспертиза муассасалари	25	119,8
- Кекса ва ногиронлар учун санаториялар	10	47,9
- Кекса ва ногиронлиги бўлган шахслар интернат уйлари	28	199
- Ёшлигидан ногиронлиги бўлган болалар интернат уйлари	7	86,2

*Манба: <https://www.ундп.орг/уз/узбекистан/публикации/фуқаролар-учун-бюджет-2021-йилда-соғлиқни-сақлаш-учун-давлат-харажатлари>.

Ушбу жадвал тиббиёт муассасаларининг умумий сони ва уларга ажратилган маблағларни кўрсатади. Ҳар бир йўналиш бўйича муассасалар сони ва харажатларнинг тақсимооти келтирилган. Қуйида жадвал асосида таҳлил келтирилган:

Умумий кўрсаткичлар:

Жами муассасалар сони: 3 715 та

Жами ажратилган маблағ: 16 648,0 млрд сўм

Амбулатор хизматларга: 2 299 муассаса, 5 873,0 млрд сўм. Стационар даволаш муассасаларига: 779 муассаса, 8 081,0 млрд сўм. Бошқа хизматларга: 637 муассаса, 2 693,9 млрд сўм. Умумий харажатлар ичида энг катта улуш стационар даволаш муассасаларига (8 081,0 млрд сўм ёки 48,5%) йўналтирилган, бу соҳага қаратилган эътиборнинг юқорилигини кўрсатади.

Амбулатор хизматлар:

Кўп тармоқли марказий поликлиникалар: 201 та, 1 794,7 млрд сўм. Оилавий поликлиникалар: 985 та, 1 843,0 млрд сўм. Оилавий шифокорлик пунктлари: 817 та, 554,1 млрд сўм. Тез тиббий ёрдам хизмати: 197 та, 1 460,2 млрд сўм. Қон қуйиш марказлари: 15 та, 56,6 млрд сўм. Энг катта маблағ оилавий поликлиникаларга (1 843,0 млрд сўм) ва кўп тармоқли марказий поликлиникаларга (1 794,7 млрд сўм) ажратилган. Бу бирламчи тиббий ёрдамга бўлган эътиборни кўрсатади. Тез тиббий ёрдам хизмати ҳам катта аҳамиятга эга бўлиб, унга 1 460,2 млрд сўм йўналтирилган. Бу аҳоли учун шошилиш ёрдамни кучайтириш заруратидан далолат беради. Қон қуйиш марказларига энг кам маблағ (56,6 млрд сўм) ажратилган бўлса-да, бу муассасаларнинг сони ҳам жуда кам (15 та).


Стационар даволаш муассасалари:

Клиникалар, шифохоналар, тиббиёт бирлашмалари ва марказлар: 285 та, 3 774,5 млрд сўм. Туман (шаҳар) марказий шифохоналари: 203 та, 3 292,0 млрд сўм. Республика шошилиш тиббий ёрдам маркази ва унинг бўлимлари: 195 та, 1 592,7 млрд сўм. Кўчма ихтисослаштирилган марказлар ва

диспансерлар: 204 та, 1 765,6 млрд сўм. Республика ихтисослаштирилган илмий-амалий марказлар: 14 та, 177,6 млрд сўм. Перинатал марказлар: 41 та, 556,6 млрд сўм. Болалар уйлари: 13 та, 36,6 млрд сўм. Сил касаллигига чалинган болалар учун санаториялар: 21 та, 151,7 млрд сўм. Болалар ва ўсмирлар учун санаториялар: 5 та, 15,4 млрд сўм. Клиникалар ва шифохоналар энг катта маблағ олувчи йўналиш бўлиб, уларга 3 774,5 млрд сўм ажратилган. Туман (шаҳар) марказий шифохоналарига катта эътибор қаратилган (3 292,0 млрд сўм). Болалар уйлари ва болалар санаторийларига маблағлар нисбатан кам (36,6 млрд ва 15,4 млрд сўм), бу соҳага эътиборни кучайтириш зарур. Перинатал марказлар ва ихтисослаштирилган марказлар келажак авлод саломатлиги учун муҳим бўлиб, уларга ажратилган маблағ 556,6 млрд ва 177,6 млрд сўмни ташкил этади.

4-диаграмма.

2019-2021 йилларда соғлиқни сақлаш бюджетининг харажатлар йўналишлари, млрд сўм*



*Манба: <https://www.ундп.орг/уз/узбекистан/публикации/фуқаролар-учун-бюджет-2021-йилда-соғлиқни-сақлаш-учун-давлат-харажатлари>.

Ушбу диаграмма 2019-2021 йилларда соғлиқни сақлаш бюджети харажатларининг йўналишлари бўйича тақсимотини кўрсатади. Харажатлар қуйидаги асосий йўналишлар бўйича таҳлил қилинган:

Умумий харажатларнинг динамикаси

2019-йил: 14 781,6 млрд сўм.

2020-йил: 20 752,9 млрд сўм (2019-йилга нисбатан 40,3% ўсиш).

2021-йил: 21 047,8 млрд сўм (2020-йилга нисбатан 1,4% ўсиш).

Бу ўсиш пандемия шароитида соғлиқни сақлаш соҳасига ажратилган кўшимча маблағлар билан боғлиқ.

Харажатларнинг асосий йўналишлари

Иш ҳақи тўлови ва ажратмалар: Энг катта улуш иш ҳақи ва ажратмаларга ажратилган (2019-йилда 10 227,6 млрд сўм, 2021-йилда 12

412,8 млрд сўм). Бу соҳага ажратилган маблағларнинг барқарор равишда ошиб боришини кўрсатади.

Дори-дармон ва тиббий буюмлар: 2019-йилда 1 119,9 млрд сўм, 2021-йилда 1 783,9 млрд сўм. Дори-дармон харажатларида сезиларли ўсиш кузатилган, бу аҳоли учун дори воситаларининг етказиб берилишини яхшилашга йўналтирилган.

Пандемияга қарши кураш ва вакцина сотиб олиш: Бу йўналиш 2020-йилда 1 446,5 млрд сўм, 2021-йилда эса 1 783,9 млрд сўмни ташкил этган. Пандемия шароитида соғлиқни сақлаш тизими учун қўшимча маблағлар ажратилган.

Капитал харажатлар (қурилиш, таъмирлаш): 2019-йилда 1 757,2 млрд сўм, 2021-йилда 1 400,0 млрд сўм. Капитал харажатлар нисбатан пасайган бўлса-да, уларга барқарор эътибор берилган.

Озиқ-овқат харажатлари ва асосий воситалар: Бу йўналишлар нисбатан камроқ маблағни ташкил этган, аммо уларнинг мавжудлиги муассасаларнинг кундалик фаолиятини қўллаб-қувватлашга қаратилган.

Хулоса

Тиббиёт муассасаларида молиявий ресурсларни шакллантириш ва улардан оқилона фойдаланиш соғлиқни сақлаш тизимининг самарадорлигини оширишда муҳим омил ҳисобланади. Тадқиқот натижалари шуни кўрсатдики, давлат бюджети, суғурта тизими ва хусусий сектор соғлиқни сақлаш тизимининг молиявий таянчини ташкил этади. Аммо бу ресурсларнинг етарли эмаслиги, маблағлардан самарасиз фойдаланиш каби муаммолар афсус учраб туради.

Мавжуд муаммоларни бартараф этиш учун қуйидаги чора-тадбирлар таклиф этилади:

- Суғурта тизимини босқичма-босқич ривожлантириш орқали молиялаштириш манбаларини диверсификация қилиш.
- Маблағларнинг мақсадли тақсимланишини таъминлаш учун молиявий бошқарув ва назоратни кучайтириш.
- Давлат ва хусусий сектор ўртасида самарали ҳамкорликни ривожлантириш орқали қўшимча инвестицияларни жалб этиш.
- Замонавий ахборот технологияларини жорий этиш орқали ресурслардан самарали фойдаланишни назорат қилиш.

Мазкур мақола соғлиқни сақлаш тизимининг молиявий бошқарувини такомиллаштириш учун назарий ва амалий асосларни таклиф этади. Ушбу таклифларни амалга ошириш орқали тизимнинг сифатини ва самарадорлигини ошириш мумкин бўлади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023-йилги қарорлари / 2023-йил 19-июн / Қарор рақами: ПК-196 / Тошкент / соғлиқни сақлаш соҳасида давлат бошқаруви тизимини янада такомиллаштириш чора-

тадбирлари / <https://lex.uz/py/docc/-6505600>

2. World Health Organization (WHO) / The World Health Report 2000 – Health Systems / Improving Performance / 2000 year / Switzerland

3. "Private Health Policy Toolkit for Africa" / World bank / 2013 year / Washington USA

4. "Getting Health Reform Right: A Guide to Improving Performance and Equity"/ Marc J. Roberts, William Hsiao, Peter Berman, Michael R. Reich. / 2004 year / Cambridge / USA

5. Тошкент тиббиёт академияси. https://tma.uz/?utm_source=chatgpt.com

6. Ўзбекистон Миллий университети / илмий мақола / Ташкент. https://abt.uz/университет/озбекистон-миллий-ерситети/2022?utm_source=chatgpt.com

7. Холматов М.С. Тиббиёт муассасаларида бюджетдан ташқари маблағлар молиявий назорати // Веб оф Счолар. – 2021.1 <https://веб-жоурнал.ру/жоурнал/артислe/виeу/684/646>

8. Одилбеков Ш. Тиббиёт муассасаларида молиявий активлар ҳисоби ва назорати // Яшил иқтисодиёт ва тараққиёт. – 2024 <https://яшил-иқтисодиёт-тараққиёт.уз/жоурнал/индех.пхп/ГЕД/артислe/виeу/1892/>

9. Султонова М.А. Тиббиёт-муассасаларида-даромадлар-ва-харажатларни-ҳисобини-ташқил-этишининг-ташқилий-жиҳатлари// Рақамли иқтисодиёт – 2024. <https://сберленинка.ру/артислe/н/>

10"Фуқаролар учун бюджет: 2021 йилда соғлиқни сақлаш учун давлат харажатлари"/ Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Тараққиёт Дастури (UNDP) Ўзбекистондаги ваколатхонаси.

<https://www.ундп.орг/уз/узбекистан/публисатионс/фуқаролар-учун-бюджет-2021-йилда-соғлиқни-сақлаш-учун-давлат-харажатлари>

TADBIRKORLIK SUBYEKTLARINING BARQARORLIK REYTINGINI ANIQLASH VA UNDAN SAMARALI FOYDALANISH YO‘LLARI

Abdullayev Zafarbek Safibullayevich

*Toshkent davlat iqtisodiyot universiteti
mustaqil tadqiqotchisi (DSc)*

ORCID: 0009-0000-2685-5398

e-mail: zafarbek.abdullayev555@gmail.com

Annotatsiya. Ushbu maqolada O‘zbekistonda tadbirkorlik subyektlarining barqarorlik reytingini aniqlash tizimi va uning iqtisodiy rivojlanishga ta’siri tahlil qilinadi. Barqarorlik reytingining mezonlari, uning baholash metodologiyasi va tadbirkorlik subyektlariga taqdim etilayotgan imtiyozlar o‘rganiladi. Tadqiqot davomida reyting tizimining samaradorligini oshirish bo‘yicha ilmiy-amaliy tavsiyalar ishlab chiqilgan.

Kalit so‘zlar: barqarorlik reytingi, tadbirkorlik, soliq imtiyozlari, iqtisodiy rivojlanish, baholash metodologiyasi.

ОПРЕДЕЛЕНИЕ РЕЙТИНГА УСТОЙЧИВОСТИ СУБЪЕКТОВ ПРЕДПРИНИМАТЕЛЬСТВА И ПУТИ ЕГО ЭФФЕКТИВНОГО ИСПОЛЬЗОВАНИЯ

Абдуллаев Зафарбек Сафибуллаевич

Независимый исследователь (DSc)

*Ташкентского государственного экономического
университета*

ORCID: 0009-0000-2685-5398

e-mail: zafarbek.abdullayev555@gmail.com

Аннотация. В данной статье анализируется система определения рейтинга устойчивости субъектов предпринимательства в Узбекистане и ее влияние на экономическое развитие. Изучены критерии рейтинга устойчивости, методология его оценки, а также предоставляемые субъектам предпринимательства льготы. В ходе исследования разработаны научно-практические рекомендации по повышению эффективности системы рейтинга.

Ключевые слова: рейтинг устойчивости, предпринимательство, налоговые льготы, экономическое развитие, методология оценки.

ASSESSMENT OF BUSINESS ENTITIES’ SUSTAINABILITY RATING AND EFFECTIVE WAYS OF ITS APPLICATION

Abdullayev Zafarbek Safibullayevich

Independent Researcher (DSc) at

Tashkent State University of Economics

ORCID: 0009-0000-2685-5398

e-mail: zafarbek.abdullayev555@gmail.com

Annotation. *This article examines the system for determining the sustainability rating of business entities in Uzbekistan and its impact on economic development. The study explores the criteria of the sustainability rating, its assessment methodology, and the incentives provided to business entities. Based on the research findings, scientific and practical recommendations have been developed to enhance the effectiveness of the rating system.*

Keywords: *sustainability rating, entrepreneurship, tax incentives, economic development, assessment methodology.*

Kirish.

Mamlakatimizda tadbirkorlik muhitini rivojlantirish, iqtisodiy barqarorlikni ta'minlash hamda soliqlarning o'z vaqtida va to'g'ri to'lanishini rag'batlantirish maqsadida “Tadbirkorlik subyektlarining barqarorlik reytingi” tizimi joriy etildi. Ushbu reyting tizimi O'zbekiston Respublikasi Prezidenti 2024-yil 23-yanvardagi PQ-39-son qarori va Vazirlar Mahkamasining 2024-yil 30-yanvardagi 55-son qarori asosida ishlab chiqilib, tadbirkorlik subyektlarini ularning moliyaviy intizomi, soliqlarni o'z vaqtida to'lash darajasi, huquqiy shaffofligi va boshqa muhim iqtisodiy ko'rsatkichlari asosida baholashni nazarda tutadi[1].

Mazkur reyting tizimining asosiy maqsadi mamlakat iqtisodiyotida barqaror ishlayotgan tadbirkorlik subyektlarini qo'llab-quvvatlash, ularga turli imtiyozlar yaratish hamda soliq intizomini yanada yaxshilashdir. Reyting tadbirkorlik subyektlarining kredit olish imkoniyatlarini kengaytirish, davlat tomonidan beriladigan imtiyozlar va subsidiyalardan foydalanish, shuningdek, soliq tekshiruvlaridan ozod bo'lish kabi afzalliklarni ta'minlaydi. Tizimni ishlab chiqish davomida xalqaro tajriba ham o'rganilgan bo'lib, ayniqsa, Rossiya, Qozog'iston va Belarus kabi davlatlarning tadbirkorlik barqarorligini baholash tizimlari tahlil qilingan. Ularning asosida O'zbekistonda maxsus elektron baholash platformasi yaratildi. Ushbu platforma orqali tadbirkorlarning moliyaviy va huquqiy holati avtomatik tarzda, real vaqt rejimida baholanadi. Reytingni shakllantirishda umumiy, pasaytiruvchi va rag'batlantiruvchi mezonlar asosida ball berish tizimi joriy qilingan.

Mazkur maqolada barqarorlik reytingining tadbirkorlik subyektlari uchun ahamiyati, reyting mezonlarini aniqlash metodologiyasi hamda uning samaradorligini oshirish bo'yicha amaliy takliflar muhokama qilinadi. Xususan, reyting asosida tadbirkorlarning moliyaviy holatini yaxshilash imkoniyatlari, soliq imtiyozlari va biznes muhitining rivojlanishiga ta'siri ilmiy asoslangan holda tahlil qilinadi. Ushbu tadqiqot natijalari barqarorlik reytingining tadbirkorlik subyektlari uchun qanday iqtisodiy imtiyozlar yaratishi, ularning biznes muhitida samarali ishlashiga qanday ta'sir ko'rsatishi va reyting tizimining barqarorligini oshirish yo'llarini aniqlashga xizmat qiladi.

Adabiyotlar sharhi.

Tadbirkorlik subyektlarining barqarorlik reytingi iqtisodiyotning muhim tarkibiy qismi bo'lib, biznes muhitining shaffofligini oshirish, tadbirkorlarning soliqlarni o'z vaqtida to'lashi va investitsion jozibadorligini baholashda muhim ahamiyat kasb etadi. Mavzuga oid adabiyotlarni tahlil etish jarayonida tadbirkorlik subyektlarining barqarorlik reytingini aniqlash va undan samarali foydalanish yo'llari bo'yicha dunyoning bir qancha yetakchi iqtisodchi olim va mutaxassislar tomonidan ilmiy izlanishlar olib borilgan bo'lib. Ulardan Panskov fikriga ko'ra, "soliq imtiyozlari va subsidiya tizimi biznesning faolligini oshirishga hamda ularning samaradorligini oshirishga xizmat qiladi"[2].

Raxmatullaeva soliq imtiyozlarini "davlat tomonidan iqtisodiyotni tartibga solish va tadbirkorlarni rag'batlantirish vositasi" sifatida talqin qiladi[3].

Yushkova esa soliq imtiyozlarini "davlatning iqtisodiy rivojlanish maqsadlariga erishish yo'lidagi muhim instrumentlardan biri" deb hisoblaydi[4].

Ibraheem fikriga ko'ra, "soliq imtiyozlari va rag'batlantiruvchi chora-tadbirlar ishlab chiqarish samaradorligini oshirish va yalpi ichki mahsulot (YAIM) hajmini ko'paytirishga xizmat qiladi"[5].

Soliq imtiyozlarining samaradorligi bo'yicha Bassey ham shunga o'xshash fikr bildirib, "soliq imtiyozlari ma'lum sohalarga investitsiyalarni jalb qilish va iqtisodiy o'sishni rag'batlantirish uchun muhim vosita" ekanligini ta'kidlaydi[5].

Normurzaev ilmiy ishlarida "Soliq imtiyozlari - soliq to'lovchilarning ayrim toifalariga boshqa soliq to'lovchilarga nisbatan soliq to'g'risidagi qonun hujjatlarida nazarda tutilgan afzalliklar, shu jumladan, soliqni to'lamaslik yoki ularni kamroq miqdorda to'lash imkoniyati hamda soliq imtiyozlarini hisobga olish soliq organlari tomonidan axborot tizimlaridan foydalangan va soliq imtiyozlarining har bir turiga maxsus identifikatsiya kodini bergan holda amalga oshirish kerakligini maqsadga muvofiq" - deb hisoblaydi[10].

O'zbekistonda barqarorlik reytingiga ega tadbirkorlik subyektlari soliqlarni kamaytirish yoki to'lamaslik huquqiga ega emaslar, biroq davlat tomonidan qator rag'batlantiruvchi choralar bilan qo'llab-quvvatlanadi. Masalan, Nurmatov o'z tadqiqotlarida shuni qayd etadi: "Barqarorlik reytingi yuqori bo'lgan tadbirkorlar soliqlardan to'liq ozod qilinmasada, ular davlat tomonidan ajratiladigan moliyaviy resurslar, investitsiya yordami va boshqa preferensiyalardan foydalanish imkoniyatiga ega bo'ladilar". Shu nuqtayi nazardan, reyting tizimi soliq yengilliklari bilan bir qatorda biznes muhitining shaffofligi va soliq intizomini oshirishga xizmat qiladi[11].

O'zbekiston Respublikasida tadbirkorlik subyektlarining barqarorlik reytingi tizimi xalqaro tajribalarga asoslangan holda ishlab chiqilgan bo'lib, u biznes muhitini yaxshilash, soliqlarning o'z vaqtida to'lanishini ta'minlash va tadbirkorlarning moliyaviy intizomini oshirishga xizmat qiladi. Soliq imtiyozlari va rag'batlantirish choralarining iqtisodiyotga ijobiy ta'siri borligi ilmiy manbalarda qayd etilgan bo'lsada, reyting tizimining amaliy samaradorligi va kelajakda takomillashtirish yo'nalishlari chuqurroq o'rganilishi lozim.

Tadqiqot metodologiyasi.

Ushbu tadqiqot nazariy va empirik tahlil usullariga asoslanadi. Tahlil jarayonida deduktiv va induktiv tahlil, qiyosiy tahlil, statistik baholash, va chizma modellashtirish kabi usullar qo'llanildi. Deduktiv va induktiv tahlil usulidan foydalanib, tadbirkorlik subyektlarining barqarorlik reytingini belgilash jarayonidagi asosiy qonuniyatlarni aniqlandi. Qiyosiy tahlil usulida, O'zbekistonda barqarorlik reytingi tizimi va xorijiy davlatlardagi tizimlar o'rtasidagi farqlar va o'xshashliklarni aniqlandi. Statistik usullar orqali esa, reyting mezonlariga berilgan ballar tahlil qilinib, eng samarali ko'rsatkichlari ishlab chiqildi. Chizma modellashtirish usuli orqali reyting tizimi natijalarining biznes muhitiga ta'sirini baholash uchun grafik va diagrammalardan foydalangan holda ilmiy xulosalar berildi.

Tahlil va natijalar muhokamasi.

Barqarorlik reytingi tadbirkorlik muhitining shaffofligi, soliq intizomi va investitsiya jozibadorligini oshirishga xizmat qiladi. Bu tizim tadbirkorlik subyektlari faoliyatining shaffofligini ta'minlab, soliq tushumlarini barqarorlashtirishga va biznesning iqtisodiy o'sishiga sezilarli ta'sir qiladi. **Barqarorlik reytingi** – bu tadbirkorlik subyektlarining moliyaviy intizomi, soliqlarni o'z vaqtida to'lashi, investitsiya jalb qilish salohiyati va biznes yuritishning shaffofligi asosida baholanadigan indikatorlar tizimidir. Ushbu tizim iqtisodiyotni barqaror rivojlantirish va tadbirkorlik subyektlarining davlat bilan o'zaro munosabatlarini mustahkamlashda muhim rol o'ynaydi.

O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2024 yil 24 maydagi qarori bilan yuridik shaxslarga soliq va bojxona imtiyozlari xamda preferensiyalar (qo'llab-quvvatlash choralari) ularning reyting darajasidan kelib chiqqan holda quyidagi tartibda taqdim etilishi belgilandi:

a) qo'llab-quvvatlash choralari "V" va undan yuqori reyting darajasiga ega tadbirkorlik subyektlariga amaldagisiga nisbatan quyidagi miqdorlarda taqdim etiladi:

"AAA" toifa - amaldagi miqdorning 100 foizi;

"AA" toifa - amaldagi miqdorning 90 foizi;

"A" toifa - amaldagi miqdorning 80 foizi;

"VVV" toifa - amaldagi miqdorning 70 foizi;

"VV" toifa - amaldagi miqdorning 60 foizi;

"V" toifa - amaldagi miqdorning 50 foizi;

b) qo'llab-quvvatlash choralari ro'yxatdan o'tganiga olti oy bo'lmagan, shuningdek, O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2022 yil 30 dekabrda PF-287-son Farmoniga muvofiq 4 va 5-toifadagi tumanlarda faoliyat yuritayotgan tadbirkorlik subyektlariga ularning reyting darajasidan qat'iy nazar amaldagi miqdorlarda taqdim etiladi;

v) tadbirkorlik subyektlarining reyting darajasi:

pasaygan taqdirda, qo'llab-quvvatlash choralari taqdim etish uch oy davomida saqlab qolinadi;

yuqorilagan taqdirda, qo‘llab-quvvatlash choralari keyingi oydan boshlab yangilangan reyting darajasiga muvofiq miqdorlarda taqdim etiladi.

O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2024 yil 23 yanvardagi qaroriga asosan yuqori barqarorlik reytingidagi tadbirkorlik subyektlari uchun quyidagi rag‘batlantirish choralari joriy etildi (Qaror, 2024):

a) «AAA» toifadagi tadbirkorlik subyektlari faoliyatida soliq tekshiruvlari o‘tkazilmaydi (jinoiy ishlar doirasida o‘tkaziladigan tekshiruvlar bundan mustasno), shuningdek, ushbu toifadagi tadbirkorlik subyektlariga qo‘shilgan qiymat solig‘i summasi o‘rnini qoplash (qaytarish) bir kun muddatda tekshiruvlarsiz amalga oshiriladi;

b) 4 va 5-toifadagi tumanlarda faoliyat yuritayotgan «AA» va undan yuqori toifadagi tadbirkorlik subyektlariga bo‘lib-bo‘lib to‘lash sharti bilan sotilgan davlat aktivlari va qishloq xo‘jaligiga mo‘ljallanmagan er uchastkalari bo‘yicha dastlabki to‘lov summasi 35 foizdan kam bo‘lgan hollarda qolgan summaga Markaziy bankning asosiy stavkasi miqdorida yillik foizlar hisoblanmaydi hamda bo‘lib-bo‘lib to‘lash muddati miqdoridan qat’iy nazar, 7 yil (teng ulushlarda) etib belgilanadi;

v) «A» va undan yuqori toifadagi tadbirkorlik subyektlariga:

solliqlar bo‘yicha (qo‘shilgan qiymat solig‘i bundan mustasno) mavjud ortiqcha to‘lov summasini qaytarish uch kun muddatda amalga oshiriladi;

tovarlarni import qilishda va tovarlarni (xizmatlarni) realizatsiya qilishda to‘lanadigan qo‘shilgan qiymat solig‘i summalarini o‘zaro hisobga olish tartibi tatbiq etiladi[1].

Mavzu bo‘yicha mavjud ilmiy adabiyotlar, xalqaro tajribalar va O‘zbekistonda amalga oshirilayotgan islohotlar tahlil qilinadi.

Xalqaro tajribalar: Dunyoda tadbirkorlik subyektlarining barqarorlik darajasini baholash bo‘yicha turli reyting tizimlari mavjud. Ular ichida eng muhimlari quyidagilardir:

Rossiya tajribasida “Ishonchli hamkorlar reyestri” yuritilib, biznes subyektlarining moliyaviy barqarorligi va soliq intizomi asosiy mezon sifatida baholanadi. Ushbu reyting orqali tadbirkorlar davlat tomonidan beriladigan imtiyozlar, preferensiyalar va kredit resurslariga ega bo‘lish imkoniyatiga ega bo‘ladilar[6].

Ozog‘istonda soliq ma‘murchiligini optimallashtirish maqsadida “Ishonchli soliq to‘lovchilar” reyestri joriy etilgan bo‘lib, ushbu tizim biznes subyektlarining soliq yukini kamaytirish, davlat subsidiyalaridan foydalanish va soliq tekshiruvlaridan ozod etilishiga imkon yaratadi[7].

Belarus iqtisodiyotida esa "Ishonchli tadbirkorlar" ro‘yxati mavjud bo‘lib, ushbu tizim tadbirkorlarning kreditlash, davlat buyurtmalarida ishtirok etish va xalqaro investitsiyalar jalb qilish imkoniyatlarini kengaytiradi (Belarus Respublikasidagi "Ishonchli tadbirkorlar" ro‘yxati haqida ma‘lumot Belarus Savdo-sanoat palatasining 2019-yil 30-dekabrda 91-sonli qarori asosida tashkil etilganligi tasdiqlangan).

Xorijiy tajriba shuni ko‘rsatadiki, barqarorlik reytingi yuqori bo‘lgan

tadbirkorlar iqtisodiy jihatdan barqaror bo‘lish bilan birga, davlat tomonidan turli soliq yengilliklari va qo‘shimcha preferensiyalar bilan ta‘minlanadilar.

O‘zbekiston tajribasi: O‘zbekistonda barqarorlik reytingi 2024-yilda Prezidentning PQ-39-son qarori va Vazirlar Mahkamasining 55-son qarori asosida joriy qilindi. Ushbu tizim tadbirkorlarni moliyaviy intizomi, soliq majburiyatlarini o‘z vaqtida bajarish, eksport ulushi va bandlik darajasi kabi mezonlar asosida baholaydi.

O‘zbekiston sharoitida barqarorlik reytingining joriy etilishi:

Tadbirkorlar o‘rtasida sog‘lom raqobatni shakllantirish;

Davlat tomonidan beriladigan soliq imtiyozlari va subsidiyalarni aniq mezonlar asosida taqsimlash;

Soliq tushumlarini barqaror ta‘minlash va iqtisodiy tartibni mustahkamlashga xizmat qiladi.

Mazkur reyting asosida yuqori natijaga ega bo‘lgan korxonalar soliq tekshiruvlaridan ozod etiladi, QQS qaytarish muddati qisqartiriladi va davlat kreditlari bo‘yicha imtiyozli shartlar taqdim etiladi.

Soliq imtiyozlari va reyting tizimining iqtisodiyotga ta‘siri. Soliq imtiyozlari va rag‘batlantirish choralarining iqtisodiy samaradorligi bo‘yicha turli olimlar quyidagi fikrlarni bildirganlar:

Barqarorlik reytingining tadbirkorlik muhitiga quyidagi **asosiy ta‘sir yo‘nalishlari** mavjud:

1. Biznes muhitining shaffofligi va qonuniyligini oshirish:

- reyting tizimi orqali tadbirkorlik subyektlari o‘z faoliyatlarini huquqiy va moliyaviy me‘yorlarga mos ravishda yuritishga undaydi;

- korxonalar soliqlarni o‘z vaqtida to‘lash, moliyaviy hisobotlarni ochiq taqdim etish va rasmiy hujjatlar bo‘yicha tartib-intizomni ta‘minlashga intilishadi;

- shaffoflik oshishi natijasida iqtisodiyotni “xufyona sektoridan” chiqarish tezlashadi va noqonuniy iqtisodiy faoliyat hajmi qisqaradi.

2. Soliq intizomini mustahkamlash va byudjet tushumlarini barqarorlashtirish:

- reytingning asosiy mezonlaridan biri soliqlarni o‘z vaqtida va to‘liq to‘lash bo‘lganligi sababli, tadbirkorlar reytingda yuqori o‘rin egallash uchun soliqdarga nisbatan mas‘uliyat bilan yondashishga majbur bo‘ladilar.

- soliq organlari va davlat byudjeti uchun barqaror va prognoz qilinadigan tushumlar shakllanadi, bu esa davlat xarajatlarini rejalashtirish va iqtisodiy siyosatni samarali yuritishda muhim omil bo‘ladi.

- reyting orqali soliqlarning kechiktirilishi va to‘lanmasligi holatlari kamayadi, soliq tushumlari barqaror o‘sish tendensiyasiga ega bo‘ladi.

Tadbirkorlik subyektlarining reyting toifalariga ko‘ra soliqlarni o‘z vaqtida to‘lash darajasi aks ettirilganda, AAA va AA reytingiga ega kompaniyalar soliqlarning 96% va 92% holatlarda o‘z vaqtida to‘lagan deb hisoblanadi, bu esa davlat byudjetiga tushumlarning barqarorligini oshirishga xizmat qildi. A va VVV reytingli kompaniyalar soliqlarni o‘z vaqtida to‘lash bo‘yicha 88-80% ko‘rsatkichga ega bo‘ladi va bu ularning soliq intizomi yuqori ekanligini

ko'rsatadi. **D** va **S** reytingiga ega kompaniyalar soliqlarning 50% dan kamini o'z vaqtida to'lagan, bu esa ularning moliyaviy intizomi past ekanligini va rag'batlantirish mexanizmlarini kuchaytirish zarurligini anglatadi.

3. Investitsion jozibadorlikni oshirish va xorijiy kapitalni jalb qilish:

reytingning yuqori toifalariga ega bo'lgan kompaniyalar xalqaro moliyaviy institutlar va investorlar uchun ishonchli subyektlarga aylanadi;

kredit tashkilotlari va banklar reytingdan foydalanib, qarz berish va investitsiyalarni yo'naltirish bo'yicha samarali qarorlar qabul qilish imkoniga ega bo'ladilar;

tadbirkorlar barqarorlik reytingini xalqaro darajada tan olinadigan ko'rsatkich sifatida ishlatib, o'z biznesiga qo'shimcha investitsiyalar jalb qilishlari mumkin.

Tadbirkorlik subyektlarining reyting darajasiga ko'ra investitsiya jalb qilishda **AAA** reytingiga ega kompaniyalar investitsiyalar hajmining 50% ga oshishi bilan ajralib turadi. Bu yuqori reytingga ega tadbirkorlik subyektlarining moliya institutlari va investorlar uchun jozibador ekanligini ko'rsatadi. **AA** va **A** reytingidagi kompaniyalar uchun investitsiya o'sish darajasi 40-45% ni tashkil etdi, bu esa ularning barqarorlik darajasi yuqori bo'lishi bilan bog'liq. **VVV**, **VV** va **V** reytingiga ega kompaniyalarning investitsiyalarni jalb qilish darajasi 30-35% ni tashkil qiladi. **D** reytingiga ega kompaniyalar investitsiyalar hajmining atigi 5% ga oshishini ta'minlaydi, bu esa ularning barqarorligi va jozibadorligini oshirish uchun qo'shimcha rag'batlantirish mexanizmlarini kuchaytirish kerakligini ko'rsatadi.


4. Tadbirkorlik subyektlari o'rtasida sog'lom raqobat muhitini yaratish. Yuqori reytingga ega bo'lish uchun tadbirkorlar korporativ boshqaruv sifatini oshirish, innovatsiyalarni joriy etish va operatsion samaradorlikni oshirishga harakat qilishadi. O'rtacha yoki past reytingga ega korxonalar o'z holatini yaxshilash uchun yangi texnologiyalar va boshqaruv mexanizmlarini qo'llash bilan raqobatbardoshlikni oshirishga intiladilar. Natijada, mamlakat miqyosida raqobatbardosh biznes muhitini shakllantirish va iqtisodiy samaradorlikni oshirishga erishiladi.

5. Davlat tomonidan tadbirkorlarni rag'batlantirish siyosatini takomillashtirish. Reyting tizimi asosida davlat yordami va soliq imtiyozlari aniq mezonlar asosida taqsimlanadi, bu esa davlat resurslarining samarali taqsimlanishini ta'minlaydi. Past reytingli korxonalar uchun soliq yuklamalarini kamaytirish yoki vaqtinchalik imtiyozlar berish orqali ularning iqtisodiy faoliyatini yaxshilash mumkin. Davlat dasturlarining natijadorligi reyting orqali baholanib, uzoq muddatli strategik rejalar ishlab chiqish imkoniyati paydo bo'ladi.

Reytingning iqtisodiy rivojlanishga ta'siri sifatida, yuqori reytingga ega tadbirkorlar davlat tomonidan beriladigan moliyaviy rag'batlantirishlardan keng foydalanish imkoniyatiga ega bo'lsalar, **kam reytingga ega tadbirkorlar** uchun esa soliq yuklamalari ortishi va investitsiyalarni jalb qilishda qiyinchiliklar kuzatilishi mumkin.

Tadbirkorlik subyektlarining barqarorlik reytingi nafaqat ularning moliyaviy

intizomi va faoliyat barqarorligini aks ettiradi, balki davlat byudjetiga tushumlarning uzluksizligi va barqarorligi bilan ham bevosita bog‘liqdir. Soliq intizomi qanchalik mustahkam bo‘lsa, tadbirkorlik subyektlarining reytingi shunchalik yuqori bo‘ladi. Shu sababli, davlat tomonidan beriladigan rag‘batlantirish choralari ham aynan soliqlarni o‘z vaqtida to‘lash intizomini mustahkamlashga xizmat qiladi. Reyting va soliq tushumlarining o‘zaro bog‘liqligi ko‘rib chiqilganda yuqori reytingli kompaniyalar ya‘ni AAA va AA reytingiga ega kompaniyalar soliqlarning 96% va 92% ini o‘z vaqtida to‘laydi va bu soliq tushumlarini barqarorlashtiradi (1-rasm).



1-rasm. AAA va AA reytingiga ega kompaniyalarning soliqlarni o‘z vaqtida to‘lash ko‘rsatkichlari aks ettirilgan¹³

Bu shuni anglatadiki, ushbu kompaniyalar soliq majburiyatlarini o‘z vaqtida bajaradi va davlat byudjeti barqaror tushumlar bilan ta‘minlanadi. Yuqori reytingli kompaniyalar uchun QQS qaytarish jarayoni tezlashtirilgani va soliq tekshiruvlari cheklanganligi ularning soliq majburiyatlarini o‘z vaqtida bajarishga qo‘shimcha rag‘bat beradi. Bu kompaniyalarga davlat tomonidan imtiyozli kreditlar va subsidiyalar ajratilishi, ularning investitsion salohiyatini oshiradi.

Yuqoridagi rasmda AAA va AA reytingiga ega kompaniyalarning soliqlarni o‘z vaqtida to‘lash ko‘rsatkichlari aks ettirilgan. AAA reytingiga ega kompaniyalar soliqlarning 96% ini o‘z vaqtida to‘lashadi, bu esa davlat byudjetiga tushumlarning barqarorligini ta‘minlashda muhim omil bo‘lib xizmat qiladi. AA reytingiga ega kompaniyalar soliqlarning 92% ini o‘z vaqtida to‘lashadi, bu esa yuqori soliq intizomiga ega ekanligini ko‘rsatadi. A va VVV reytingli kompaniyalarning soliqlarni o‘z vaqtida to‘lash darajasi 80-88% oralig‘ida bo‘lib, ularning ham soliq intizomi barqaror ekanligini anglatadi. D reytingiga ega kompaniyalarning soliqlarni o‘z vaqtida to‘lash ko‘rsatkichi atigi 48% ni tashkil etib, bu moliyaviy intizomning sust ekanligini va rag‘batlantirish mexanizmlarini kuchaytirish zarurligini bildiradi.

O‘rta reytingga ega kompaniyalar soliq to‘lashni yaxshilashga intiladi. VVV

¹³ Muallif tomonidan tayyorlangan.

va VV reytingiga ega tadbirkorlar soliqlarni o‘z vaqtida to‘lash bo‘yicha o‘rtacha 75-80% ko‘rsatkichga ega. Ushbu kompaniyalar yuqori reytingga chiqish uchun soliqlarga bo‘lgan munosabatini yaxshilashga harakat qiladi. Reyting orqali yuqori baho olgan kompaniyalar soliqlarni o‘z vaqtida to‘lash natijasida imtiyozlardan foydalanish imkoniyatiga ega bo‘ladi, bu esa ularni rag‘batlantiradi. Davlat tomonidan imtiyoz va preferensiyalarni reyting darajasiga qarab berish tizimi o‘rta reytingli tadbirkorlarni o‘z moliyaviy intizomini mustahkamlashga undaydi. Ushbu kompaniyalar davlat resurslari va imtiyozli kreditlardan foydalanish uchun soliqlarni o‘z vaqtida to‘lashga intilmoqda.

Past reytingli kompaniyalarda soliq tushumlari pasayishi kuzatiladi. D reytingiga ega kompaniyalarda soliqlarni o‘z vaqtida to‘lash darajasi atigi 48% ni tashkil etadi. Ushbu kompaniyalarda moliyaviy intizom yetarli darajada shakllanmagan bo‘lib, ularni rag‘batlantirish mexanizmlarini kuchaytirish lozim. Soliqlarning kechiktirilishi yoki to‘liq to‘lanmasligi davlat byudjeti uchun muhim xavf omili hisoblanadi. Bunday kompaniyalar uchun soliq yengilliklari vaqtinchalik to‘xtatilishi yoki soliqlarni majburiy ravishda undirish mexanizmlari joriy etilishi lozim. Reyting darajasi past bo‘lgan kompaniyalarga davlat tomonidan beriladigan imtiyozlar kamayadi, bu esa ularning moliyaviy barqarorligini yanada zaiflashtirishi mumkin. D va S reytingiga ega kompaniyalarning soliqlarning o‘z vaqtida to‘lanishi past bo‘lgani sababli, ushbu kompaniyalarni qo‘shimcha rag‘batlantirish choralari ko‘rish zarur.

Soliq tushumlarini oshirish uchun reyting tizimidan foydalanishda reyting tizimi orqali soliqlarning o‘z vaqtida to‘lanishini oshirish mumkin, hususan tadbirkorlar yuqori reyting uchun soliqlarni o‘z vaqtida to‘lashga intiladi. Past reytingli kompaniyalar uchun moliyaviy barqarorlikni oshirish bo‘yicha dasturlar joriy etiladi. Reyting mezonlari ichida soliqlarni o‘z vaqtida to‘lash bo‘yicha maxsus ball tizimi kengaytirilishi maqsadga muvofiqdir. Davlat tomonidan ma’lum imtiyozlar reyting darajasiga bog‘liq holda berilgani sababli, tadbirkorlar o‘z moliyaviy intizomini mustahkamlashga harakat qiladi. Yuqori reytingli kompaniyalar (AAA, AA) soliqlarni o‘z vaqtida to‘lash orqali davlat byudjeti barqarorligini ta’minlaydi. O‘rta reytingga ega kompaniyalar (VVV, VV, V) yuqori reytingga chiqish uchun soliqlarning o‘z vaqtida to‘lanishini yaxshilashga intiladi. Past reytingli kompaniyalar (D, S) soliqlarning to‘lanishi bo‘yicha qoloq natijalarga ega bo‘lib, ularni rag‘batlantirish mexanizmlarini kuchaytirish zarur. Soliq tushumlarini barqarorlashtirish uchun reyting tizimini to‘g‘ri va aniq ishlashini ta’minlash muhim ahamiyatga ega.

Barqarorlik reytingining tadbirkorlik rivojiga ta’sirini xalqaro tajribalar bilan solishtirish ham muhim omil hisoblanadi. Barqarorlik reytingi turli mamlakatlarda tadbirkorlik rivojiga qanday ta’sir ko‘rsatishini yanada chuqur tushunish uchun **Qozog‘iston, Rossiya va Belarus tajribalari** tahlil qilindi. Ushbu davlatlar o‘z iqtisodiy tizimlarida **biznes subyektlarini baholash va rag‘batlantirish mexanizmlarini** muvaffaqiyatli joriy qilgan bo‘lib, O‘zbekiston uchun ham ushbu tizimlarni taqqoslash va moslashtirish muhim ahamiyatga ega.

1-jadval
**Turli davlatlarda tadbirkorlik reyting tizimlari: maqsadlari, afzalliklari
va kamchiliklari[14, 15, 16, 17]¹⁴**

Davlat	Reyting tizimi nomi	Asosiy maqsadi	Afzalliklari	Kamchiliklari
O‘zbekiston	Barqarorlik reytingi	Soliq intizomini oshirish, investitsiya jalb qilish	Soliq imtiyozlari, QQS tezroq qaytarilishi, imtiyozli kreditlar	Kam reytingli kompaniyalar uchun rag‘bat tizimi yetarli emas
Qozog‘iston	Ishonchli hamkorlar reyestri	Tadbirkorlikni rivojlantirish, biznes ishonchligini oshirish	Mahalliy va xalqaro hamkorlikni rag‘batlantiradi, eksportni kuchaytiradi	Kichik biznes uchun qattiq shartlar mavjud
Rossiya	Ishonchli tadbirkorlar ro‘yxati	Soliq shaffofligini oshirish	Soliq yuklamalarini kamaytirish, kredit olish imkoniyatlarini kengaytirish	Yirik kompaniyalar ustunlikka ega
Belarus	Ishonchli hamkorlar tizimi	Investitsion jozibadorlikni oshirish	Davlat buyurtmalarida ishtirok etish imkoniyati, 2 yil davomida himoyalangan maqom	Reyting olish jarayoni uzoq davom etadi

Qozog‘iston Respublikasi tadbirkorlik subyektlarining barqarorligini oshirish uchun “Ishonchli hamkorlar reyestri” tizimini ishlab chiqqan. Ushbu tizim soliq to‘lovchilarning moliya intizomi, soliqlarni o‘z vaqtida to‘lash darajasi va huquqiy shaffofligi asosida baholash uchun ishlatiladi. Reyestrni yuritishdan ko‘zlangan maqsad, mahalliy va xorijiy tadbirkorlik subyektlarini o‘zaro hamkorlikka jalb qilish, ishlab chiqarilayotgan mahalliy mahsulotlar, ishlar va xizmatlarning raqobatbardoshligini oshirish hamda Qozog‘iston kompaniyalari uchun ichki bozorda va xalqaro bozorlar bilan ishlash imkoniyatlarini kengaytirish.

Reyestr mezonlari sifatida, ishonchlilik darajasi soliq to‘lovchilarning oxirgi uch yildagi faoliyati, soliq qarzlar va huquqiy shaffofligiga qarab aniqlanadi. Tadbirkorlar Qozog‘iston Savdo-sanoat palatasi va Davlat soliq qo‘mitasi tomonidan baholanadi. Agar tadbirkor barcha talablarga javob bersa, “Atameken” Qozog‘iston Respublikasi milliy palatasi tomonidan maxsus sertifikat beriladi. Shu o‘rinda ushbu reytingni afzalliklari takidlansa, ishonchli tadbirkorlar soliq imtiyozlari va davlat buyurtmalarida ishtirok etish imkoniyatiga ega bo‘ladi. Qozog‘iston ichki bozori uchun soliq barqarorligini oshirishga xizmat qiladi. Eksport salohiyatini oshirish uchun ishonchli hamkorlar xalqaro bozorlarda ham raqobatbardosh bo‘lishiga yordam beradi. “Ishonchli hamkorlar reyestri” tizimini kamchiliklari etib, kichik bizneslar uchun reyting olish juda qiyin, chunki ularning

¹⁴ Muallif tomonidan tayyorlangan.

3 yillik faoliyat yuritish talabi mavjud. Reyting tizimi faqat katta soliq to'lovchilar va eksport qiluvchilarga mo'ljallangan bo'lib, kichik korxonalar uchun yetarlicha moslashuvchan emas.

Rossiya Federatsiyasi 2023-yil 25-avgustda Savdo-sanoat palatasi tomonidan “Ishonchli tadbirkorlar ro'yxati” tizimini tasdiqlagan. Ushbu tizim iqtisodiy barqaror va moliyaviy imkoniyatlari yuqori bo'lgan kompaniyalarni rag'batlantirish uchun ishlab chiqilgan. Reystrga kiritilish shartlari esa asosan tadbirkor kamida 3 yildan beri faoliyat yuritayotgan bo'lishi kerakligi, kompaniya moliyaviy barqaror bo'lishi, soliqlarni o'z vaqtida to'lash va huquqiy muammolarga ega bo'lmasligi lozim. Soliq va bojxona qarzlar mavjud bo'lmagan tadbirkorlar reytingga kiritiladi. “Ishonchli tadbirkor” maqomini olish uchun kompaniya maxsus ro'yxatdan o'tishi va zarur hujjatlarni taqdim etishi kerak bo'ladi.

Afzalliklari: Reytingga ega kompaniyalar bank kreditlari va xorijiy investitsiyalar jalb qilishda ustunlikka ega bo'ladi. Soliq tekshiruvlari kamayadi, bu esa biznes subyektlariga hujjatlar bilan bog'liq bosimni pasaytirishga yordam beradi. Davlat tomonidan qo'llab-quvvatlanadigan imtiyozli soliq tizimlari va subsidiyalar joriy qilingan. Kamchiliklari: Bankrotlik xavfi mavjud bo'lgan kompaniyalar reystrdan chiqariladi, bu esa tiklanish jarayonida bo'lgan korxonalarga qiyinchilik tug'dirishi mumkin. Yirik korxonalar uchun afzalliklar ko'proq bo'lib, kichik bizneslar reyting olishda qiyinchiliklarga duch kelishi mumkin.

Belarus Respublikasi 2019-yil 30-dekabrda 91-sonli qaror asosida “Ishonchli hamkorlar reytingi” tizimini joriy qilgan. Ushbu reyting Belarusdagi tadbirkorlik subyektlarini kreditlash, davlat buyurtmalarida ishtirok etish va xalqaro investitsiyalar jalb qilish imkoniyatlarini kengaytirish maqsadida ishlab chiqilgan. Reystrga kiritilish shartlari sifatida kompaniya kamida 3 yil davomida faoliyat yuritgan bo'lishi kerak. Shuningdek, kompaniya soliqlarni o'z vaqtida to'lash, moliyaviy barqarorlik va yuridik shaffoflik talablariga javob berishi lozim. Davlatga soliq va bojxona qarzlar mavjud bo'lmasligi shart. Belarus Savdo-sanoat palatasi tomonidan reyting tasdiqlanadi va 2 yil davomida amalda bo'ladi.

Reytingga ega kompaniyalar 2 yil davomida davlat tomonidan kafolatlangan ishonchlilik maqomiga ega bo'lish afzalligi, davlat buyurtmalarida ishtirok etish imkoniyati kengayadi. Kompaniyaning xorijiy investitsiyalar jalb qilish imkoniyatlari oshadi. Kamchilik sifatida shuni takidlash mumkinki, reyting olish jarayoni uzoq davom etadi (kamida 30 kun talab etiladi). Reystrdan chiqarilish qoidalari juda qat'iy bo'lib, kompaniya moliyaviy qiyinchiliklarga duch kelsa, tezda reytingdan tushib qolishi mumkin.

Xorij tajribasidan soliq tizimini shaffoflashtirish va biznes subyektlarini rag'batlantirish uchun ishonchli hamkorlar reytingini joriy qilish tavsiya etiladi. Soliq va bojxona tizimlarini reyting bilan bog'lash va kredit olish imkoniyatlarini kengaytirish muhim ahamiyatga ega. Tadbirkorlarning xalqaro investitsiya jalb qilish imkoniyatlarini kengaytirish bo'yicha chora-tadbirlar joriy etish maqsadga muvofiq. Ushbu tahlil asosida O'zbekistonda barqarorlik reytingini yanada

takomillashtirish uchun xalqaro tajribalardan foydalanish tavsiya etiladi.

O‘zbekistonda barqarorlik reytingi tadbirkorlik subyektlarining moliyaviy intizomi, soliqlarni o‘z vaqtida to‘lashi, biznes shaffofligi va investitsion jozibadorligini oshirishda muhim vosita bo‘lib xizmat qiladi. Ushbu reyting tizimi davlat byudjetiga tushumlarni barqarorlashtirish, kreditlash imkoniyatlarini kengaytirish va iqtisodiy faoliyat shaffofligini ta‘minlash kabi bir qator ijobiy ta‘sirlarga ega.

Biroq, amaliyot shuni ko‘rsatmoqdaki, O‘zbekistonda barqarorlik reytingi joriy etilganiga qaramay, uning tadbirkorlik muhitiga to‘liq integratsiya qilinishi va samarali ishlashi uchun muayyan takomillashtirish mexanizmlari zarur. Xususan, reyting tizimining iqtisodiyotga ta‘siri xalqaro amaliyotlar bilan solishtirilganda hali to‘liq samarali ishlamayotganligini ko‘rsatmoqda. Shuning uchun quyida ilmiy-metodologik asoslangan takliflar ilgari suriladi.

Reytingning asosiy vazifalaridan biri biznes muhitining shaffofligini oshirish va soliq intizomini mustahkamlash bo‘lsada, uning baholash mezonlari tadbirkorlikning barcha tarmoqlariga bir xilda ta‘sir ko‘rsatmaydi. EBITDA (daromadlilik darajasi) bo‘yicha baholash metodikasini o‘zgartirish bugungi kunda reyting tizimida EBITDA darajasi sohaning o‘rtacha ko‘rsatkichidan 50-70% yuqoriga ko‘tarilishi talab qilinadi, ammo bu talab barcha tarmoqlar uchun ham real emas. Shu sababli, foizlar real iqtisodiy ko‘rsatkichlarga moslashtirilishi va har bir tarmoq uchun individual baholash tizimi joriy etilishi lozim.

Ko‘chmas mulk obyektlari bo‘yicha baholash tizimini soddalashtirish hususan, hozirgi baholash tizimida ijara va mulk egaligi uchun ballar farqlanadi, ammo ko‘p tadbirkorlar ijara shartnomalarida bo‘lib, bu ularning reytingini pasaytiradi. Shu sababli, oilaviy biznes va kichik tadbirkorlik subyektlari uchun ko‘chmas mulk mezonlari qayta ko‘rib chiqilishi lozim. Agar reyting tizimining metodologik jihatlari tarmoq va biznes hajmiga moslashtirilsa, kichik va o‘rta biznes subyektlarining reytingda yuqoriga chiqishi osonlashadi, natijada soliq tushumlari va investitsiya jalb qilish darajasi oshadi.

Reytingning soliq yengilliklari va davlat qo‘llab-quvvatlash choralari bilan bog‘liqligini mustahkamlasda xalqaro tajribalarga ko‘ra, reyting tizimi samarador bo‘lishi uchun uni soliq tizimi va kreditlash siyosati bilan bog‘lash zarur. Rossiya va Qozog‘iston tajribalarida yuqori reytingga ega kompaniyalarga bank kreditlari, eksport subvensiyalari va soliq imtiyozlari ajratiladi. Imtiyozlarni differensiallashtirish orqali hozirda reytingga qarab soliq yengilliklari mavjud bo‘lsa ham, ularning differensial tizimi yetarli darajada ishlab chiqilmagan. Yuqori reytingga ega (AAA, AA) kompaniyalar uchun QQS qaytarish jarayoni yanada tezlashtirilishi lozim. O‘rtacha reytingga ega (VVV, VV) kompaniyalar uchun imtiyozli kreditlar ajratish mexanizmini joriy va D va S reytingiga ega kompaniyalarga esa soliq yuklamalarini optimallashtirish bo‘yicha dasturlar ishlab chiqish lozim. Davlat tomonidan beriladigan rag‘batlantirish mexanizmlari aniq bo‘lsa, tadbirkorlar shaffof ishlashga, soliqlarni o‘z vaqtida to‘lashga va reytinglarini oshirishga intiladilar. Natijada davlat byudjetiga tushumlar oshadi va iqtisodiy barqarorlik ta‘minlanadi.

Elektron reyting tizimini avtomatlashtirish va xalqaro integratsiya qilish ham hozirgi kunda muhim ahamiyat kasb etmoqda. Xalqaro tajribalar shuni ko'rsatadiki, reyting tizimining samaradorligi uning shaffofligi va avtomatlashtirilganligi bilan bog'liq. Xususan, Belarus va Qozog'iston elektron reyting tizimlarini xalqaro moliyaviy tashkilotlar bilan bog'lagan, bu esa ularning kredit olish va investitsiya jalb qilish imkoniyatlarini kengaytirgan. Tadbirkorlarning shaxsiy kabinetlari orqali reytingni kuzatish imkoniyatini yaratish orqai har bir tadbirkor o'z reytingini real vaqt rejimida kuzatishi va uni oshirish uchun qaysi mezonlarga e'tibor berishi kerakligini bilib turadi. Reyting tizimi avtomatlashtirilgan va xalqaro moliya tizimlari bilan bog'langan taqdirda, tadbirkorlar uchun investitsiya jalb qilish va kredit olish jarayoni osonlashadi, bu esa umumiy iqtisodiy o'sishga ijobiy ta'sir ko'rsatadi. O'zbekistonda barqarorlik reytingining iqtisodiy rivojlanish va tadbirkorlik muhitiga ta'siri yuqori bo'lsa ham, uning samaradorligini oshirish uchun yuqorida takidlab o'tilgan ilmiy-metodologik asoslangan masalarni ham takomillashtirishlar talab etiladi.

Tadbirkorlik subyektlarining barqarorlik reytingi iqtisodiy rivojlanish, soliq intizomi va investitsion muhitni yaxshilash uchun samarali mexanizm ekanligi tasdiqlandi. O'zbekiston tajribasi xalqaro tajribalar bilan taqqoslanganda, soliq yengilliklari va moliyaviy rag'batlantirish nuqtayi nazaridan o'ziga xos afzalliklarga ega. Reyting tizimini takomillashtirish uchun qo'shimcha rag'batlantirish choralari yaratish, soliq yuklamalarini optimallashtirish va xalqaro moliyaviy institutlar bilan hamkorlikni kengaytirish zarur.

5. Xulosa va takliflar.

Umumiy xulosa. Tadqiqot natijalari shuni ko'rsatdiki, barqarorlik reytingi tadbirkorlik subyektlarining moliyaviy intizomi, soliqlarni o'z vaqtida to'lashi, investitsiya jalb qilish salohiyati va biznes yuritish shaffofligi asosida baholanadigan muhim iqtisodiy mexanizmdir. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining PQ-39-son qarori va Vazirlar Mahkamasining 55-son qarori asosida joriy qilingan ushbu reyting tizimi mamlakatimizda biznes muhitining shaffofligini oshirish, soliq tushumlarini barqarorlashtirish va investitsion jozibadorlikni yaxshilashga xizmat qiladi.

Tadqiqot natijalariga ko'ra, yuqori reytingga ega tadbirkorlik subyektlari (AAA, AA, A) davlat tomonidan soliq yengilliklari, QQS qaytarish jarayonining tezlashishi va moliyaviy qo'llab-quvvatlash mexanizmlaridan keng foydalanish imkoniyatiga ega bo'ldi. Biroq, o'rta va past reytingga ega tadbirkorlar (VVV, VV, V, SSS, SS, S, D) uchun mavjud rag'batlantirish mexanizmlarini takomillashtirish zarurligi aniqlandi. Shu sababli, barqarorlik reytingi tizimini takomillashtirish bo'yicha quyidagi ilmiy-nazariy va amaliy tavsiyalar ilgari suriladi.

Reyting tizimining ijobiy jihatlari. Tadbirkorlik muhitining shaffofligi oshdi xususan, reyting tizimi natijasida soliqlarni o'z vaqtida to'lash, moliyaviy shaffoflik va biznesning qonuniy faoliyat yuritish darajasi oshdi. Davlat byudjetiga tushumlarning barqarorligi ta'minlandi. AAA va AA reytingiga ega kompaniyalar soliqlarning 96-92% ini o'z vaqtida to'lab, davlat byudjetiga tushumlarning

barqarorligini ta'minlash imkoni aniqlandi. Investitsion muhit yaxshilashda yuqori reytingga ega tadbirkorlik subyektlari bank kreditlari va xorijiy investitsiyalarni jalb qilish imkoniyatlariga ega bo'ldi. Xalqaro standartlarga mos tizim yaratildi. Reyting tizimi Rossiya, Qozog'iston va Belarus tajribalariga asoslangan holda joriy etilib, mahalliy tadbirkorlik subyektlari uchun xalqaro bozorlarga chiqish imkoniyatlari kengaytirildi.

Reyting tizimining takomillashtirishga muhtoj jihatlari. Kichik va o'rta biznes uchun reyting mezonlari murakkab. Hozirgi tizimda EBITDA darajasi va moliyaviy barqarorlik mezonlari yirik korxonalar uchun qulayroq bo'lib, kichik biznes uchun talablar juda yuqori. Soliq imtiyozlari va reyting o'rtasidagi bog'liqlik yetarli darajada ishlanmagan. O'rta reytingga ega kompaniyalar (VVV, VV, V) uchun soliq yengilliklari va davlat qo'llab-quvvatlashi mexanizmi aniq belgilanmagan. Xalqaro kreditlash tizimlari bilan integratsiya qilish va reytingga ega bo'lgan kompaniyalarga xalqaro banklar va moliya institutlari tomonidan kredit berish tizimi joriy etish maqsadga muvofiqdir.

Barqarorlik reytingi O'zbekiston iqtisodiyotining shaffofligi, soliq intizomini yaxshilash va tadbirkorlikni rivojlantirishda muhim mexanizm ekanligi tasdiqlandi. Tizimning samaradorligini oshirish uchun soliq yengilliklari, kreditlash va xalqaro integratsiyani kuchaytirish talab etiladi. Agar yuqorida taklif qilingan takomillashtirishlar amalga oshirilsa, O'zbekistonda barqarorlik reytingi tadbirkorlik rivojiga yanada kuchli turtki beradi va iqtisodiy barqarorlikni ta'minlashga xizmat qiladi.

Foydalanilgan adabiyotlar ro'yxati.

1. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining qarori, 23.01.2024 yildagi PQ-39-sonli “Tadbirkorlik subyektlarining barqarorlik reytingini joriy etish chora-tadbirlari to'g'risida” Qarori.
2. Panskov, V.G. (2013). "Nalogovaya sistema i ekonomicheskoye reformy". Moskva: Ekonomika.
3. Raxmatullaeva, D. (2016). "Soliq imtiyozlari va ularning iqtisodiy ta'siri". O'zbekiston iqtisodiyot ilmiy jurnali, 4(2), 45-57.
4. Yushkova, E.A. (2017). "Soliq imtiyozlari va iqtisodiy samaradorlik". Nalogovaya politika i praktika, 12(5), 30-42.
5. Ibraheem, A. (2020). "Tax incentives and economic growth: A comparative study". International Journal of Finance & Economics, 27(3), 15-27.
6. Bassey, M. (2013). "Tax incentives and foreign direct investment". Journal of Economic Policy Research, 10(1), 78-90.
7. Fedosimov, B.A. (2019). "Ishonchli hamkorlar reyestri va tadbirkorlik subyektlari baholash tizimi". Rossiya Savdo-sanoat palatasi jurnali, 6(3), 55-67.
8. Balaeva, D.A., & Dzharasova, A.K. (2015). "Qozog'iston iqtisodiyotida barqaror biznes muhitining shakllanishi". KazGU Iqtisodiyot ilmiy jurnali, 2(1), 78-89.
9. Belarus Respublikasi Savdo-sanoat palatasi (2019). "Ishonchli tadbirkorlar ro'yxati to'g'risidagi qaror". Minsk, 91-sonli qaror, 30-dekabr.

10. Normurzaev, A. (2022). "Soliq imtiyozlari va ularning tadbirkorlik subyektlariga ta'siri". O'zbekiston Iqtisodiy Tadqiqotlar Jurnali, 7(3), 25-41.
11. Nurmatov, Sh. (2024). "O'zbekiston Respublikasida barqarorlik reytingining joriy etilishi va uning iqtisodiyotga ta'siri". O'zbekiston Iqtisodiy Islohotlar Markazi.
12. O'rmonov, R. (2018). "Soliq tizimining rivojlanish tendensiyalari va ularning tadbirkorlik subyektlariga ta'siri". Toshkent Davlat Iqtisodiyot Universiteti, 9(4), 63-79.
13. Isayev, N. (2019). "Soliq imtiyozlari va ularning tadbirkorlik rivojiga ta'siri". O'zbekiston Iqtisodiy Tahlil Markazi Jurnali, 5(2), 34-49.
14. O'zbekiston Respublikasi Davlat Soliq Qo'mitasi. (2024). "Tadbirkorlik subyektlarining barqarorlik reytingi tizimi bo'yicha statistik hisobot". www.soliq.uz
15. O'zbekiston Respublikasi Markaziy Banki. (2024). "Biznes kreditlash va investitsiya jalb qilish bo'yicha hisobot". www.cbu.uz
16. Jahon Banki. (2023). "Doing Business Report: Uzbekistan". Washington, D.C.: The World Bank Group.
17. BMT Iqtisodiy va Ijtimoiy Ishlar Departamenti. (2023). "Tadbirkorlikni rivojlantirish va soliq yengilliklari". New York: United Nations Publications.

FERMER XO‘JALIKLARIDA MAHSULOT (XIZMAT)LARNI ISHLAB CHIQRISHDA XORIJIY TAJRIBALARIDAN FOYDALANISH



Bebutova Zulayxo Hamidovna

*oliy va amaliy matematika
kafedrası assistenti
Toshkent davlat iqtisodiyot
universiteti*

E-mail: bebutova8722@mail.ru

ORCID: 0009-0006-1049-881X

Annotatsiya. Maqolada fermer xo‘jaliklarining hozirgi holati va xorijiy tajribalarni joriy etish masalalari tadqiq etilgan. O‘zbekistonning qishloq xo‘jaligi sektori, fermerlarga qulay sharoitlar yaratish va ularning samaradorligini oshirishga qaratilgan islohotlarni tahlil qilingan. Shuningdek mamlakatdagi asosiy muammolar – samarali yer va resurslardan foydalanish, texnologik modernizatsiya yetishmovchiligi, bozorlar bilan aloqaning zaifligi kabi masalalar yoritilgan. Xorijiy tajriba asosida, O‘zbekistonda aqlli sug‘orish tizimlari, innovatsion texnologiyalarni joriy etish va fermerlar uchun moliyaviy qo‘llab-quvvatlash tizimini rivojlantirishga qaratilgan takliflar berilgan.

Kalit so‘zlar: qishloq xo‘jaligi, fermer xo‘jaliklari, xorijiy tajriba, innovatsiyalar, aqlli sug‘orish tizimlari, agrar texnologiyalar, fermerlarni qo‘llab-quvvatlash, qishloq xo‘jaligi islohotlari, moliyaviy qo‘llab-quvvatlash.

ИСПОЛЬЗОВАНИЕ ФЕРМЕРСКИМИ ХОЗЯЙСТВАМИ ЗАРУБЕЖНОГО ОПЫТА В ПРОИЗВОДСТВЕ ПРОДУКЦИИ (ОКАЗАНИИ УСЛУГ)

Бebutova Зулайхо Хамидовна

*ассистент кафедры высшей и
прикладной математики
Ташкентский государственный
экономический университет*

E-mail: bebutova8722@mail.ru

ORCID: 0009-0006-1049-881X

Аннотация. В статье исследуется текущее состояние фермерских хозяйств и внедрение зарубежного опыта в сельское хозяйство страны. Рассматриваются вопросы эффективного использования земельных и водных ресурсов, технологической модернизации, слабой связи с рынками, являющиеся основными проблемы сельскохозяйственного сектора. На основе зарубежного опыта подчеркивается необходимость внедрения умных ирригационных систем, инновационных технологий и развития финансовой поддержки фермеров.

Ключевые слова: сельское хозяйство, фермерские хозяйства, зарубежный опыт, инновации, умные ирригационные системы, сельскохозяйственные технологии, поддержка фермеров, реформы сельского хозяйства, финансовая поддержка.

USE OF FOREIGN EXPERIENCE BY FARMS IN PRODUCTION OF PRODUCTS (PROVISION OF SERVICES)

Bebutova Zulayxo Hamidovna

Tashkent State University of Economics

*Assistant of the Department
of Higher and applied mathematics*

E-mail: bebutova8722@mail.ru

ORCID: 0009-0006-1049-881X

Abstract. This article examines the current state of farming in Uzbekistan and the implementation of foreign experiences in the country's agricultural sector. The article discusses key issues in Uzbekistan's agriculture, such as the efficient use of land and water resources, the lack of technological modernization, and weak market connections. Based on international examples (e.g., Israel, the United States, Australia, and the European Union), the need for introducing smart irrigation systems, innovative technologies, and enhancing financial support for farmers is emphasized.

Keywords: agriculture, farming practices, foreign experience, innovations, smart irrigation systems, agricultural technologies, farmer support, agricultural reforms, financial support.

Кириш

O'zbekiston har bir sohasida uzoq yillik an'analarga ega bo'lib, bu borada qishloq xo'jaligi, ayniqsa, fermer xo'jaliklari o'zining an'alariga ega. Bugungi kunda, O'zbekistonning qishloq xo'jaligi tizimi isloh qilinib, fermerlar uchun qulay sharoitlar yaratishga alohida e'tibor qaratilmoqda. Ammo mamlakatimizning qishloq xo'jaligi sektori hali ham o'zining imkoniyatlarini to'liq amalga oshirmagan. Shu sababli xorijiy tajriba va zamonaviy agrar texnologiyalarni joriy etish bu sohada sezilarli o'zgarishlarga olib kelishi mumkin.

Yurtimizdagi asosiy muammolar – samarali yer va resurslardan foydalanish, texnologik modernizatsiya etishmovchiligi, bozorlar bilan aloqaning zaifligi kabi masalalar desak, ularni hal qilishda xorijiy mamlakatlar tajribalaridan unumli foydalanish samarali natija beradi. Masalan xorijiy tajriba (masalan, Isroil, AQSh, Avstraliya va Yevropa Ittifoqi) asosida, O'zbekistonda aqlli sug'orish tizimlari, innovatsion texnologiyalarni joriy etish va fermerlar uchun moliyaviy qo'llab-quvvatlash tizimini rivojlantirish muhim ahamiyat kasb etadi. O'zbekistonda fermerlikni rivojlantirish va innovatsiyalarni qo'llash uchun global tajribalardan foydalanish natijasida mamlakatda qishloq xo'jaligi sektori samaradorligini oshirish va iqtisodiy barqarorlikni ta'minlash mumkin. Demakki, xorijiy

tajribalarni o‘rganishning muhim ahamiyati bor.

Adabiyotlar sharhi

Fermer xo‘jaliklarining samarali faoliyati va qishloq xo‘jaligi mahsulotlarini yetishtirishda ilg‘or mamlakatlar tajribalaridan foydalanish, O‘zbekistonning qishloq xo‘jaligini modernizatsiya qilishda muhim ahamiyatga ega. Bu boradagi ilmiy izlanishlar, asosan, xalqaro tajribani o‘rganish, innovatsion texnologiyalarni joriy etish, ekologik va iqtisodiy jihatlarni hisobga olgan holda qishloq xo‘jaligi sohasini rivojlantirishga yo‘naltirilgan.

Rivojlangan mamlakatlarning tajribasida qishloq xo‘jaligi tarmog‘ini diversifikatsiya qilish va fermerlarning ixtisoslashuvi orqali iqtisodiy samaradorlikni oshirishga katta e‘tibor qaratilgan. Masalan, AQSh va Kanadada fermerlar har xil tarmoqlarni rivojlantirgan holda o‘z xo‘jaliklarining rentabelligini oshirishgan. O‘zbekistonda ham qishloq xo‘jaligining tarmoqni diversifikatsiya qilish, xususan, qishloq xo‘jaligi mahsulotlari va chorvachilikni birgalikda rivojlantirish orqali fermerlarning daromadlarini oshirish mumkin. Yoki bo‘lmasa ilg‘or tajribali davlatlarda fermerlarga zamonaviy qishloq xo‘jaligi texnologiyalari bo‘yicha keng ko‘lamli ta‘lim berish tizimi joriy qilingan. Misol uchun, Shvetsiyada fermerlar uchun maxsus kurslar va maslahat xizmatlari mavjud bo‘lib, ular fermerlarga yangi texnologiyalarni o‘rganish va joriy etish imkonini beradi. O‘zbekiston qishloq xo‘jaligi sohasida ham aynan shu yo‘nalish bo‘yicha takomillashtirishlar zarur. Bundan tashqari, Yevro Ittifoq, Isroil, Avstraliya va AQSh kabi davlatlar qishloq xo‘jaligida yuqori texnologiyalarni joriy etish va agrobiznes sohasida samarali strategiyalarni ishlab chiqqan. Ushbu davlatlarda ekologik toza mahsulotlar yetishtirish, resurslarni samarali ishlatish va avtomatlashtirish tizimlari keng tarqalgan va bular bir qancha o‘zbek olimlari tomonidan o‘rganilgan.

Bundan tashqari qishloq xo‘jaligini iqtisodiy va geografik jihatdan nazariy-uslubiy o‘rganish, xizmatlar ko‘rsatkichini statistik tahlil olib borgan xorijlik olimlardan I.G.Tyunen, K.I. Ivanov, V.G. Kryuchkov, K.I. Lapkin, A.M. Nosonov, A.N. Rakitnikovlarning bu borada haligacha muhim ahamiyat kasb etib kelayotgan fikrlari o‘z ishlarida keltirilgan.

Mamlakat olimlari E.D.Yusupov, T.T. Jo‘rayev, A.A.Mamatov, SH.A.Allayarov ham mazkur masalaga katta xissa qo‘shganlar.

Tahlil va natijalar

Ma‘lumki, O‘zbekistonda fermer xo‘jaliklari soni yildan-yilga oshib bormoqda. Fermerlar dehqonchilik va chorvachilik sohalarida faoliyat yuritib, mamlakat iqtisodiyotiga sezilarli hissa qo‘shmoqda. Mamlakatda dehqonchilik, paxtachilik, bug‘doy ekinlari, sabzavot va meva yetishtirish bilan shug‘ullanuvchi fermerlar mavjud. Biroq, fermerlar hali ham bir qator muammolarni yuzaga keltirmoqda. Ular orasida yer resurslaridan samarali foydalanish, texnik jihozlar va modernizatsiya etishmovchiligi, ekinlarni sug‘orish va himoya qilish masalalari, shuningdek, bozorlar bilan bevosita aloqaning zaifligi kabi muammolar mavjud.

Bundan tashqari, kichik fermerlar uchun kredit olish va moliyaviy qo'llab-quvvatlash tizimining samarali ishlamasligi ham muhim muammo sifatida qolmoqda.

Xorijda, ayniqsa rivojlangan davlatlarda, qishloq xo'jaligi texnologiyalari va fermer xo'jaliklari tashkil etilishida ilg'or tajribalar mavjud. Bunday tajribalar O'zbekistonda ham muvaffaqiyatli qo'llanilishi mumkin. Misol uchun, Markaziy Osiyo va Yevropa davlatlarida fermalarda aqlli sug'orish tizimlari, dronlar va robotlar yordamida hosil monitoringi, genetik modifikatsiyalangan ekinlar va pestitsidlar kabi innovatsion texnologiyalar keng qo'llaniladi. Bunday texnologiyalar fermerlar uchun yerni yanada samarali ishlatish, hosilni oshirish va resurslarni tejash imkoniyatlarini yaratadi.

Amerika Qo'shma Shtatlari va Germaniya kabi mamlakatlarda fermer xo'jaliklari kichik va o'rta bizneslarga asoslangan. Ular uchun maxsus kreditlar, sug'urta dasturlari va texnologik qo'llab-quvvatlash tizimlari mavjud. Bunday tizimlar O'zbekistonda ham joriy etilishi kerak. Yana bir muhim jihat – fermerlar uchun ta'lim va malaka oshirish dasturlari mavjud. Bunday dasturlar orqali fermerlar yangi texnologiyalar, innovatsion agrar metodlar va samarali biznes strategiyalar haqida ma'lumot olishlari mumkin. Bundan tashqari qishloq xo'jaligi sohasida balki fermer xo'jaliklarida ancha yillik ishonchli va foydali natijalarga erishgan mamlakatlarning ish tajribalari e'tiborga loyiqdir. Masalan, aqlli sug'orish tizimlari bo'yicha Isroilni namuna qilsak bo'ladi.

Isroilda sug'orish tizimlari juda rivojlangan. Ular tomchilatib sug'orish, avtomatlashtirilgan sug'orish tizimlari va zamonaviy texnologiyalarni joriy etgan. Bu texnologiyalar nafaqat suvni tejashga, balki hosilni oshirishga ham yordam beradi. O'zbekistonda ham sug'orish tizimlarini modernizatsiya qilish kerak, chunki suv resurslari cheklangan va bu iqtisodiyotni ta'sir qiluvchi muhim omil hisoblanadi. Yoki Avstraliyadagi chorvachilikda innovatsiyalar e'tiborga loyiq. Avstraliyada chorvachilik sohasida yuqori texnologiyalar, masalan, hayvonlarni monitoring qilish tizimlari (GPS, RFID texnologiyalari) va yem yetishtirishda innovatsion usullar faol qo'llanilmoqda. O'zbekiston chorvachilik sektorida ham bunday texnologiyalarni joriy etish orqali samaradorlikni oshirish mumkin.

Fermerlarni moliyaviy qo'llab-quvvatlash bo'yicha albatta Amerika Qo'shma Shtatlarining faoliyati diqqatga sazovordir. AQShda kichik fermerlarga maxsus kreditlar, subsidiyalar va sug'urta tizimlari mavjud. Bunday mexanizmlar yordamida fermerlar xavf-xatarlardan himoyalangani va o'z bizneslarini rivojlantirishga ko'proq imkoniyatga ega bo'lishadi. O'zbekiston uchun ham bunday tizimni joriy etish, fermerlar uchun qarz olish imkoniyatlarini kengaytirish, shu bilan birga, banklar bilan ishlashni osonlashtirish muhim ahamiyatga ega.

Yevropa Ittifoqi tajribasidan esa organik qishloq xo'jaligi tajribasini joriy qilish foydali. Chunki, Yevropada organik mahsulotlar ishlab chiqarishga katta e'tibor qaratilmoqda. Organik dehqonchilik, qishloq xo'jaligi sanoatining barqaror rivojlanishiga hissa qo'shmoqda. O'zbekistonda ham ekologik toza mahsulotlar ishlab chiqarishga e'tibor qaratilishi va organik qishloq xo'jaligi bozorlarini rivojlantirish kerak.

Albatta bunday tajribalarni o‘rganish va joriy qilish bo‘yicha ham davlatimiz rahbarining bir qator qarorlari qabul qilingan.

Qishloq xo‘jaligi mahsulotlarini yetishtirishda zarur agrotexnik tadbirlarni o‘z vaqtida va sifatli amalga oshirish, agrar sektorda qishloq xo‘jaligi texnikasiga bo‘lgan talabni qondirish, qishloq xo‘jaligi korxonalarini ma‘nan va jismonan eskirgan texnikalar o‘rniga zamonaviy va resurs tejamkor texnikalar bilan ta‘minlashni rag‘batlantirish tizimini takomillashtirish maqsadida: O‘zbekiston Respublikasida ishlab chiqarilgan qishloq xo‘jaligi texnikalari xaridini davlat tomonidan qo‘llab-quvvatlashning quyidagi yagona tartibi 2023 yil 1 apreldan boshlab joriy qilinsin: O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2021 yil 11 noyabrdagi “Chirchiq shahrida qishloq xo‘jaligi mashinasozlik klasterini tashkil qilish chora tadbirlari to‘g‘risida”gi PQ-7-son qarorida nazarda tutilgan subsidiyalar barcha mahalliy qishloq xo‘jaligi texnikasi ishlab chiqaruvchi korxonalarga tatbiq etiladi. 2023-2024 yillarda qishloq xo‘jaligi texnikasi xaridini moliyalashtirish uchun jami 2,6 trillion so‘m yo‘naltirilsin, shundan: O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2022 yil 28 iyuldagi PQ-335-son qaroriga asoslan Iqtisodiyot va moliya vazirligi tomonidan qishloq xo‘jaligi texnikalarini xarid qilish uchun tijorat banklariga joylashtirilgan 100 million AQSh dollaridan 2022 yilda o‘zlashtirilmasdan qolgan 670 milliard so‘m (59 million AQSh dollari) miqdoridagi mablag‘ texnika xaridi uchun 10 foiz stavkada 10 yilga kredit ajratish uchun; 800 milliard so‘m (70 million AQSh dollari) – xalqaro moliya institutlari mablag‘lari hisobidan qishloq xo‘jaligi texnikalarini xarid qilish uchun lizing tashkilotlariga joylashtirish hisobiga; 1,1 trillion so‘m (100 million AQSh dollari) – xalqaro moliya institutlari mablag‘lari hisobidan qishloq xo‘jaligi texnikalarini xarid qilish uchun tijorat banklariga joylashtirish hisobiga yo‘naltirilshi fermerlar uchun yaratilayotgan imkoniyatlardan biridir.

Agar yuqori tajribaga ega mamlakatlar bilan davlatimiz tajribalarini statistik tahlil qilamiz.

O‘zbekistonda texnologiyalarni joriy etish va modernizatsiya qilish borasida qiyinchiliklar mavjud. Xorijda esa aqlli texnologiyalar va zamonaviy usullar (masalan, avtomatlashtirilgan sug‘orish, dronlar) samarali qo‘llanilmoqda. Suv resurslari cheklangan bo‘lgani uchun, O‘zbekistonda samarali sug‘orish tizimlarini rivojlantirish zarur. Isroil va boshqa rivojlangan davlatlarda aqlli sug‘orish tizimlari keng tarqalgan.

O‘zbekistonda chorvachilik sohasida modernizatsiya va innovatsiyalarni joriy etish zarur. Avstraliyada esa bu soha yuqori texnologiyalar yordamida rivojlanmoqda. Xorijda kichik fermerlar uchun kreditlar va subsidiyalar keng qo‘llaniladi. O‘zbekistonda esa bu tizimni yanada rivojlantirish kerak. Yevropa va boshqa rivojlangan mamlakatlarda organik dehqonchilik keng tarqalgan. O‘zbekistonda bu sohada imkoniyatlar mavjud, lekin buni rivojlantirish uchun yuridik va iqtisodiy sharoitlarni yaxshilash zarur.

O‘zbekistonda texnologiyalarni joriy etish va modernizatsiya qilish yo‘nalishlari*

Yo‘nalish	O‘zbekiston	Xorijiy tajriba (AQSh, Isroil, Avstraliya, Yevropa)
Qishloq xo‘jaligi texnologiyalari	An‘anaviy usullar, zamonaviy texnologiyalarni joriy etishda qiyinchiliklar	Aqlli sug‘orish tizimlari, dronlar, GPS texnologiyalari, robotlar
Sug‘orish tizimi	Samarali sug‘orish tizimlari yo‘q yoki kam rivojlangan	Tomchilatib sug‘orish, avtomatlashtirilgan tizimlar, suvni tejash texnologiyalari
